МИРМУҲСИН

САЙЛАНМА

ХЎЖАНД ҚАЛЪАСИ

(ТЕМУР МАЛИК)

ЧЎРИ

ОҚ МАРМАР

Тарихий роман ва қиссалар

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1991
www.ziyouz.com kutubxonasi

Уз2
М 55

М $\frac{4702620201-93}{М\ 352\ (04)-91}$ Доп. 91 г.

(С) Мирмуҳсин, 1991 й.

ISBN 5-635-00942-5

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХЎЖАНД ҚАЛЪАСИ
(ТЕМУР МАЛИК)

ТАРИХИЙ РОМАН

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНА ЮРТ ТУЙҒУСИ

БИРИНЧИ БОБ

ТЕМУР МАЛИК ВА АБДУЛҚОДИР МУНШИЙ

Эрта тонгда Хўжанд қалъаси ҳовлисига ётқизилган яп алоқ харсангтошлар устида фидойиларга хос шахдам қадам ташлаб келаётган чуҳра[1] — ўн саккиз ёшлардаги тик қомат, келишган сарбоз йигит чап қўли билан белидаги энли камарига осиғлиқ димишқий қиличи дастасини ушлаб, Доруссалтана[2] деб аталмиш ганчин оқ бинога кираверишдаги зинапоялар олдида тўхтади. Бошқа сарбозлар юриши унча сезилмаса ҳам, айниқса, бу йигитнинг қадам ташлаши ичкари хоналарга ҳам эшитилиб кетарди. У асли Хўжанд атрофидаги, номи унча тилга тушмаган Дўлдай қишлоғидан бўлиб, исми Иброҳим. Аввал сардор Шерюрак Шоший қўшинида навкар бўлиб, у билан биргаликда Темур Маликка қўшилган. Кимдир саркарданинг Қарчиғай отию Иброҳим Дўлдайнинг харсанг устида қадам ташлаши жуда ўхшаш, дебди. Бу, Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистонийда кулги қўзғади. Лекин садоқатли бу сарбоз бошқа сардорлар диққатини ҳам жалб этган эди, унинг ринд табиатли йигит эканини яхши кўришарди. Кейинги пайтларда бошқа йигитлар ҳам унга тақлид қилиб, шахдам қадам ташлашар, уларнинг сони борган сари кўпаяр эди. Бу гап ҳатто Гурганжга етди. Қўшиндаги сигир терисидан чориқ тиктириб, бенағал, тақ-туқсиз юрадиган тоғликлар тезда этик сотиб олишди. Қадамимиз зарбидан замину замон, макину макон ларзага келсин, деб уқтиришарди.

Иброҳим Дўлдай баланд, нақшин шифтни кўтариб турган Хоразм услубидаги ўймакор устунлардан бирига суяниб, Темур Ма-

[1] Чуҳра — ҳокимнинг шахсий қўриқчиси.
[2] Доруссалтана — шаҳар ҳокими қабулхонаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик билан суҳбатлашаётган кутвол[1], баъзилар атай ҳазил қилиб Тахмурас[2] деб атайдиган Шоҳмурод Кўҳистонийнинг ҳам ўзига қарашини кутиб ўтирмай салом берди. Ундан сал нарироқда, йўлбарс териси ташланган курсида чордана қуриб ўтирган Темур Маликни кўриб, қўли кўксида, таъзим қилди, Саркарда ёнида муставфий[3] Ҳусайн Гов ҳам турарди. Зарур иш билан келган сарбоз йигит улуфа[4] хусусида гап кетаётганини пайқаб, бир лаҳза жойида турганча сукут сақлаган эди, Темур Малик дарҳол Иброҳимга қаради. Эрта тонгда унинг шитоб билан бунда келиши бир муҳим гап борлигидан далолат берарди. У айғоқчилар сардори «Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий» деб аталувчи Муҳаммад Интизом билан бирга келмагани сабабли, шошилинч махфий гап йўқлигини фаҳмлаб, саркарда ўтирган жойидан унга мурожаат этди:

— Бир сўз демоқчимисен, Иброҳим? Айт! Бу оғоларингдин дориғ тутадурғон сир йўқ.

— Ҳазрат, Гурганждан карвон билан йўлга чиққан Абдулқодир мунший-қилқалам икки ўғли, аёли ва яна бир шогирди, жами беш чоғли киши кеча оқшом Хўжандга кирди. Улар карвонсаройда... Мунший ёши ўтгон, асо била юрадурғон заиф одам...

— У ҳазрат машҳур кимса. Нечун бизга хабар қилмай, пешвоз чиқмоғимизни хоҳламай карвонсаройга тушдилар экан? — деди таажжубланиб Темур Малик.

— Бехабармен... — деди Иброҳим Дўлдай.

Темур Малик бир лаҳза хаёлга толди. Султоннинг эътиборли муншийси, вазири аъзам Низом ал-Мулк ва кадий Мужириддин Умар ибн Саъд, Шаҳобиддин Хивақий ҳазратлари қошида ҳам ғоятда обрўли кимса нечун Гурганждан чиқиб кетди экан? У чордана қурганича рўпарасидаги Шоҳмурод Кўҳистонийга тикилди, даҳанини бармоқлари учи билан беихтиёр енгил қашлади...

Темур Малик ибн Маҳмуд — ўттиз ёшларга борган барваста, елкалари кенг, қўл-оёқлари узун, йўғон овозли киши. Бундан беш-олти йил муқаддам Гурганжда султон хизматида бўлганидаёқ, саройнинг обрўли мансабдорларидан бири, сардор Шаҳобиддин Хивақий: «Сиз чинакам қилич тутиб, отда югуришга туғилгансиз...» деган эди. Гавдасининг сарбастлигига қарамай, йўлбарсдек сапчиб от минар, отнинг бели сал-пал қайишарди. Жанг кўрган отлар енгил, эҳтиёт билан ўтирадиган одамни хуш кўрмас, от билан бир тан бўлиб кетадиган, чайир кишиларни хуш кўрарди. Бундай сарбоз ёғийга ҳам ҳужум қиларди, отини ҳам рақиб тиғидан асрарди. От буни пайқамай иложи йўқ, дердилар. Темур Маликнинг қора мўйлови, даҳанидаги бир энликча юпқа тақа монанд соқоли ўзига ярашар, ҳеч қачон овозини баланд қилмас,

---

[1] Кутвол — қалъа бошлиғи.
[2] Тахмурас — 30 йил подшолик қилган Эрон ҳукмдори.
[3] Муставфий — молия ишларини бошқарувчи мансабдор.
[4] Улуфа — сарбозларга маош ва отига ем-хашак пули.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сарбозларга: «Бақириб гаплашманглар, овозларингиз ўткир бўлса, уни жанг вақтидаги наъра тортишга сақланглар...» деб ҳазил қилар эди. Баъзан кулгисинию қаҳрини юзидан аниқ сезиб бўлмас, шу сабабли ҳам уни «фили Маҳмуд» дердилар — эллик қадамча ердан тегирмон тошини елкада кўтариб келиб, чарх устига ўрнатиб берганидан ташқари, гап кўтарар, ҳар қандай нохуш хабар олдида сачраб кетмас, бўронларга қоядек чидамли эди. «Фили Маҳмуд» лақаби ҳам шундан бўлса керак.

Темур Малик Гурганжда, султон қўшинида хизматда эканида, шаҳзода Жалолиддин билан танишиб, унинг эътиборини қозонган, кейинчалик дўстлашган. Ўз укалари Узлоғшоҳ, Пиршоҳлардан дўстини юқори қўяр, салоҳиятини тан олар эди. Шаҳзода Жалолиддиннинг бурни устидаги қора майиздек холи, Темур Маликнинг баланд бўй, қулочлари кенг, қирра бурун, дўнг пешоналиги, Шерюрак Шошийнинг паст бўй, овози ўткирлиги, Шоҳмурод Кўҳистоний эса ориқ, серҳаракат, қошлари қуюқ, тоғликларга хос тантилиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Айниқса, Шоҳмурод Кўҳистоний узоқни бургутдек яхши кўрарди. Унинг бир ишга тез киришиши, қатъий қарорга келгач, уни амалга оширмай қўймаслиги Темур Маликка ёқарди.

Бадахшон беги билан араз бўлиб чиқиб кетган Шоҳмурод Кўҳистонийни ҳам Жалолиддин орқали султондан сўраб, Хўжандга олиб кетган эди. Шаҳзода, Темур Малик ва Шоҳмурод Кўҳистоний ўрталаридаги илиқлик аввало Туркон хотунга, қолаверса, амакилари Маликшоҳ, Тўғон-Туғдишоҳ, шаҳзода Узлоғшоҳларга ёқмасди. Узлоғшоҳнинг мавқеини кўтариш мақсадида улуғ биби— Туркон хотун, яъни «худованди жаҳон»[1] кўп қайғурарди. Чунки шаҳзода неваралари ичида қиётлиги, «емак» уруғидан бўлгани, унингча, валиаҳдликка муносиби мана шу шаҳзода Узлоғшоҳ эди... Шундай бўлишини Туркон хотун жуда истарди.

Бу кечмиш негадир ҳозир Темур Малик хаёлидан ялт этиб ўтди. У Иброҳим Дўлдайга тикилди.

— Ҳазратнинг келишидан тамоман бехабармиз, — деди бирлаҳзалик сукутдан сўнг, — таажжуб! Абдулқодир мунший султон иқтоъсиға мушарраф зот. Мурғоб — Пулисанг юришида сипоҳсолар[2] ёнида бўлиб, «Сират...» ёзадурғонлиғидин хабарим бор эрди. Мунший-қилқаламнинг Хўжандга фавқулодда доҳил бўлмоғининг боиси нимадир?

— Дарҳақиқат, таажжуб! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний елка қисиб.

Темур Малик Кўҳистонийга маслаҳат тарзида сўз қотди:

— Иброҳимни йиборайлик, мунший ҳазратларини қўрғонга олиб келсин. Жой тайёрлансин. У зот «забони арабийни фасеҳ, туркийни сахеҳ, форсийни малеҳ...» биладурғон донишманд. Бу сўзлар

---

[1] Туркон хотунни «худованди жаҳон», яъни жаҳон ҳокими, деб аташарди.
[2] Сипоҳсолар — олий қўмондон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бекорга айтилмаган. Иброҳим, сен Шоший ҳазратларини бўнда олиб кел!

Иброҳим Дўлдай таъзим қилди-да, яна қиличи дастасидан ушлаганча шахдам қадамлар ташлаб чиқиб кетди. Орадан бир нонушта муҳлатичалик вақт ўтгач, қайтиб келиб, мунший чол таклифни рад этганини маълум қилди. У «ўз иззатини билмаётгани» ни қўшиб қўйди. Бу гапни эшитиб турган Қалъаий Хумблик, феълан анча тез, қуюқ қошлари остида доимо кўзлари ёниб турувчи Шоҳмурод Кўҳистоний беихтиёр илжайди. Тоғлик бу одамнинг қаҳри қаттиқлиги кўпларга маълум, аммо меҳрибонлик қилса сидқидилдан қилиши, баъзан ўта соддалигига бориб, ёмонларга ҳам яхшилик кўргазиб юбориши кўпларни таажжубга соларди.

Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди. У яна елкасини қисди, айни вақтда: «Э келмаса келмас, нодон чол экан! Қари нодонга ким ақл ўргатади!» деган гапни тилига чиқармоқчи эди, кўнгли бўлмади, елкасини қисганча тура берди. Илгари шундай бир тезоблик қилиб, тоғликларнинг беибо мақолини айтиб юборганида, Темур Малик унга: «Сиз султон Санжардек қаҳри қаттиқ экансиз. Ҳар қалай, султон Санжар тилига сўз олган бўлса ҳам асир олинган шоирни етти пора қилмади. Сиз етти пора қилдингиз!» — деган эди.

Ҳозир ўшал гапни эслаб:

— Саркарда, у — шоир эди, бу қари калхат! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, муншийнинг Гурганжни ташлаб кетаётгани, Хўжанд ҳокимини назар-писанд қилмаётганидан аччиқланиб. — Ҳа, агар мунший салтанатга хиёнат қилган бўлса, етти пора қилмоғлиқ муҳаққақ! Жосуслар кўпроқ мунший ва ялавоч[1]лардан чиқадур.

— Азизим, ундоқ деманг. Мен муншийни яхши танурмен, — деди Темур Малик меҳрибонлик билан. — Бир кори ҳол содир бўлғонки, кексаликка қарамай сарсон-саргардонликни ихтиёр этибдур. Буни билмоқ зарур. Султон Санжар бўлмангиз, аммо баъзида «Золи замон» бўлинг! Ғазаб кули ақл шамчироғини ўчиради, дейди машойихлар...

Шоҳмурод Кўҳистоний яна елка қисди. Хўжанд қўшининнинг асосий қисмини тоғликлар — «Тахмурас» лақаби олган Шоҳмурод Кўҳистоний йигитлари ташкил этиб, қалъани султоннинг машриқдаги энг мустаҳкам қўрғонига айлантирган эдилар. Бундан уч йил бурун Гурганжда, «султон саройида Бағдод олинганн, халифа Носир устидан ғалаба шарафига берилган базмни яшнатган беқиёс гўзал раққоса Нигина билан Бинт-Занкижа оёғи остига тилло тангалар сочилди»[2]. Айниқса, Сайҳун томондан олиб келинган Нигина Абдул Саид қизига мафтун бўлган Темур Малик ҳамёнидаги бор тилло тангаларни унинг оёғи остига сочди. Бу қилиқ

---

[1] Ялавоч — элчи.

[2] Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сират...» китобидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

султонга ёқмай, дарғазаб бўлиб, бу ишни ким қилди, деб бўйнини чўзиб, гуногун таом емакни унутиб, раққосага маҳлиё бўлиб ўтирганларга кўз ташлаган эди, Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан дик этиб туриб кетди-да, қўли кўксида, шоҳга таъзим этди, гуноҳни ўзига олди. «Сенмисан?» ишорасини қилиб, шоҳ унга ўқрайди. Тоғлик бўлгани сабабли кечирди. Темур Малик ғазабдан холи қолди.

Темур Маликка Шоҳмуроднинг тантилиги ёқарди. Хўжандда унга ўзидан кейинги юксак — кутвол мансабини берган. Кўнгли пок, забардаст бу тоғлик кишига қаттиқ ишонар, ўзидан беш ёш катта бўлишига қарамай, тенгдошлардек бир-бирларини сен деб аташар, ҳазилда ҳам бир-бирларини аямасдилар. «Раққоса Нигина асли Хўжандга қарам Воруҳ қишлоғидин...»[1] экани, ёшлигида отаси билан Гурганжга келиб қолгани, созанда Ота Муҳаммад унинг устози эканини ҳам билди.

Темур Малик дастлабки йиллар сарой одатларини, бундаги ички зиддиятларни яхши билмасди. Сарой аъёнларининг ўз шеваларидаги қочирим гапларига тушунмас, қоидаларни бузиб қўярди. Баъзан тушунса ҳам бу қоидаларга атайи бўй бергиси келмасди. У дағалроқ, баъзан саволга ҳам баланд овозда жавоб қиларди, сўзни қаттиқ айтиб юборарди. Силлиқ, сермулозамат аъёнлар бундай пайтларда бақрайиб қолишар, кейин «Сайҳун бўйидан келган қанғли-да», деб мийиғида кулишарди. Мусалласни у пиёлани тўлдириб, хўриллатиб ичар, нам мўйлабини илгаригидай енги билан артарди. Қайфи ошгач, қаттиқ-қаттиқ йўталиб, базмни ташлаб, ташқарига чиқиб кетарди. Одамлар қолиб, ўз отига хушомад қилар, унинг бўйнига шапатилаб уриб, эркаларди. Бу «йўнилмаган, нотекис харсангтош»ни фақат Жалолиддин ёқтирар, юраги тозалигини билгани учун ҳам унинг базм куни раққосага керагидан ортиқ хушомад қилганини кечириб юборган эди.

Шоҳмурод Кўҳистонийнинг Хўжандга келганини эшитган тоғликлар Гарм, Кўлоб, Қалъаи Хумбдан, яна бир қисми Рўшон, Хорог томонлардан келиб, Хўжанд қўшинида хизмат қила бошладилар. Тиргарон, Сафедхирс дараларидан келган тоғ йигитлари ҳам жанговарликда ҳаммадан ўзиб кетарди. Узоқдаги элини ташлаб келиб, Хўжанд учун хизмат қилаётган бу сарбозларга Темур Малик эътибор бериб, яхши оқча тўланарди. Улар бошқалардан кўра имтиёзлироқ фидойилар ҳисобланишарди. Шоҳмурод Кўҳистоний султон амри билан Бадахшон беклигидан четлатилган бўлса ҳам, бари бир у томонларда иззату ҳурмат этилар — Бадахшоннинг ёш беги ҳар йили кузда оту аравалларда Хўжандга — Шоҳмурод Кўҳистонийга совға-саломлар, ёнғоғу қуритилган мевалар юборарди. Мўмиё ва турли доривор тоғ ўтлари келиб турарди...

— Мунший ҳазратлари ёнига ўзим борурмен! — деди Темур Малик қатъий, — ҳурмат кўрсатмоқ лозим! У зот саксонлардан ошиб қолгон бўлсалар эҳтимол. Бу ғоятда мўътабар ёш.

---

[1] Шу китобдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Маликнинг кўз олдига тарихнавис Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий келди. «Эҳтимол, Абдулқодир Шошиий қариб қолган бўлса, унинг ўғли Абдулнодир Хўжанд хизматида бўлар...» деб ўйлади. Гурганждан чиқиб кетиш сабабларини билиш ҳам кўнглидан ўтди.

Темур Малик Қарчиғайни олиб келишни буюриб, ҳозироқ карвонсарой томон йўл олишини маълум қилди. Айвон зинапояларидан пастда, саркарда рўпарасида шамдай қотиб, бўлаётган барча гапларни жон қулоғи билан тинглаб турган Иброҳим Дўлдай хаёлидан бундан икки йил аввал Хўжандга тушиб ўтган «мўътабар зот» — элчи Маҳмуд ялавоч ўтди. Уни катта дабдабалар билан кутиб олишган эди. Аммо нияти бузуқ экан, мамлакатига хиёнат қилиб, хорижда қолиб кетди. Лекин мунший Абдулқодир Шошийдан бундоқ ёмонликни кутиш мумкин эмаслигини саркарда муносабатидан билиб олиш қийин эмас эди. Бу зотни нафақат Гурганжда, Хўжандда ҳам танишликларини пайқади.

— Кетдик! — деди Темур Малик Иброҳим Дўлдайга. — Бошқаларга буюринг, бунда дастурхон тайёрласунлар.

Иброҳим Дўлдай итоат билан бош қимирлатди-да, айвон зинапояларидан тушиб, яна текис харсанглар устидан шахдам қадам ташлаб, қўрғондан чиқиб кетди.

Темур Малик қалъа ҳовлисига олиб кирилган оти Қарчиғайга минди, дарбозагача боргач, бунда шай турган бир неча отлиқлар иҳотасида карвонсаройга йўл олди. Абдулқодир аш-Шошийдек мўътабар бир одамнинг истиқболига пешвоз чиқмай, уни кутиб олиб, навозиш кўрсатмаслик мутлақо одобдан эмас, деб билди. Бу «пири зако» мўйсафид киши Шаҳобиддин Хивақий даражасида турувчи, шаҳзода Жалолиддиннинг эътиборини қозонган, салтанатнинг боббрў кишиларидан эканини дилидан ўтказди. Бундай кишига иззат кўрсатмай қалъада ўтириш айбдур! Мунший-қилқаламни бир неча бор Гурганжда кўрган, мулоқотда бўлган эди. Кекса муншийнинг карвонга қўшилиб бунда келиши Темур Малик диққатини чулғаб олди. Не сабабдан кейинги пайтларда эътиборли зотлар Гурганждан чиқиб кетмоқда? Бу фикр ҳам унинг хаёлини чулғаб келарди. Ҳатто ўз хизматидаги Гурганжнинг махфий кишилари Али Меҳтар билан Абдул Ваҳобларга ҳам лоқайд бўлиб қолган саркарда уларни кузатишни Муҳаммад Интизомга топширганди, холос.

Дарбозадан ўтишгач, Иброҳим Дўлдай ҳам ўз отига сакраб минди. Бу ерда пайза ушлаб турган дарбозабон ва бошқа соқчи навкарлар от устида турган ҳокимга эгилиб салом беришди. У олти чоғлиқ навкарлари билан карвонсаройга йўл олди. Шай, қуролланган навкарлар иҳотасида Хўжанд ҳокимининг эрта билан бозор ёқалаб карвонсарой томон кетаётгани кишилар диққатини тортди. Ёши катталар бир лаҳза тўхтаб, салом-алик қилишар, суворилар оти жиловини кўча четига тортиб, ҳокимга йўл беришар эди. Болалар анча жойгача ҳаллослаб, суворилларга эргашиб боришарди. Иттифоқо, шу пайт, бозор ёнидан ўтишда ҳамма нарса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан хабардор, ҳамма жойда ҳозиру нозир, лақаби «аёс» — бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ҳам пайдо бўлиб, ҳаллослаб келиб Темур Маликка пешвоз чиқди. Хўжандда уч таниқли Аҳмад бор эди. Уларнинг бири Тороз шаҳридан бўлмиш Аҳмад Торозий, иккинчиси — Аҳмад Болосоғуний, учинчиси — Мороз қишлоғидан бўлмиш Аҳмад ибн Мораз эди... Бу одам шаҳар ҳокими келаётганини тезда пайқаб, рўпарада пайдо бўлгани отлиқларни тааж-жубга солди. Афтидан, шу атрофдаги дўкондорлардан унинг яқин бир маҳрами борга ўхшайди. Шу атрофга доҳил бўлган мансабдорлар ҳақида дарҳол унга хабар етиши ҳам сезилди. Сертакаллуф Аҳмад ибн Мораз ҳокимга эгилиб салом бергандан кейин, югуриб келиб, от жиловини ушлади. Бир лаҳзага ўзининг «кулбаи канори»га таклиф этди. Ҳоким илжайиб, бу ҳозир мумкин эмаслиги, «баргийларнинг қарзидин қутулиб[1]», ўғлининг тўйида боражагини айтди. Бозор оқсоқоли Аҳмад Мораз ҳокимнинг қай томонга ва қандай сабаб билан йўл олаётганини билишга жаҳд этарди. Оқсоқолнинг сурбету сергаплигини унча ёқтирмайдиган Иброҳим Дўлдай уни ҳокимдан четроқ туришга даъват этиб, аввал ўз отини ниқтади. Кейин саркарданинг оти ҳам тўхтаган еридан яна қалқиб юриб кетди. Шу лаҳза Хўжанд бозорининг «ариллаган-дариллаган...» баззози Шамс ал-Мулк ҳам ўз дўконидан отилиб чиқди. Отасига қарашаётган, асли Девонбеги мадрасасининг талабаси Рукниддин ҳам ҳокимга эгилиб салом беришди. Аҳмад ибн Мораз Темур Маликка тикилиб туриб, Хўжандда сиз жаноби олийларига мана бундоқ тобе кишилар бор, дегандек ғурур билан уларни кўрсатди. «Улар ниҳоятда одамшаванда, зарурат туғилганда сизга истаганча тилло ақчалар беришга қодир», демоқчи бўлиб турарди. Иброҳим Дўлдайнинг энсаси қотди. Лекин, бари бир, бозор оқсоқоли саркарданинг қаёққа, нечун кетаётганини пайқай олмади. Сергак чуҳранинг ўз рўпарасида турган ўқимишли, муллавачча йигит Рукниддинга оз-моз рашки келарди. У тезроқ ҳокимни бундан олиб кетишга энтикарди. Қарвонсарой Хўжанд қўрғонқалъасига нисбатан бирмунча юқориликда, катта йўл ёқасида эди. Қалъа дарё бўйида, шаҳарнинг деярли ҳамма баланд-паст кўчалари қалъага олиб келарди. Хўжанд ҳокимининг карвонсаройга келаётганини пайқаган шу атрофдаги кишилар дарҳол мунший-нинг ўғилларига хабар қилишди. Барваста йигит ичкарига кириб, қоронғи ҳужрада ухлаб ётган кекса отани уйғотди. Чол устидаги кийимларини тартибга солиб, ҳужра қозиғидаги кулоҳга ўроғлиқ тайёр саллани бошига қўйиб, карвонсарой ҳовлисига чиқди. Отдан тушаётган ҳокимга яқинлашди. Чол Хўжанд ҳокимига бир лаҳза тикилиб туриб, унинг табассумини, очиқ чеҳра билан ўзига яқинлашаётганини кўриб, қучоқ очиб, омонлаша кетди. Қарвонсарой ҳовлисидаги одамлар, савдогар, болалар шаҳар ҳокимининг кекса мунший билан илиқ омонлашаётганини кўриб,

---

[1] Меҳтар Бодиялдойи Самарқандийнинг айтиб юрадиган сўзига ишора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

юракларидаги қўрқув ғубори йўқолиб, мамнуният билан бир бирларига боқишди.

— Хуш келибсиз, мавлоно! Хўжандга хуш келибсиз!

— Хушвақт бўлинг! Хушвақт бўлинг, саркарда!

— Бизнинг заминда юз кўришганимиздан бағоят хурсандмен.

— Шукр, ўзига шукр! Мен ҳам сиз ҳазратни кўрганимдан бағоят хурсандмен.

— Қўрғонда жой тайёрланғон. Аробалар тайёр. Мунтазирмиз. Сиз мавлонони олиб кетгани келдим.

— Ташаккур! — деди омонлашиб бўлгач, ҳассасига таяниб кекса мунший. — Мен ҳозир сиз ўйлагандек Гурганждаги мартабадор кимса эмасмен. Фақир кимсадурмен, — деди атрофдаги бошқа одамларга бир қараб қўйиб, унча эшитилмас овозда, — менинг қўрғонга боришга ва сиз ҳазратни безовта қилишга ҳаддим сиғмайдур. Бу даркор ҳам эмас. Мени маъзур тутурсиз, ҳазрат...

— Муҳтарам зот. Мансабни бекор қилмоқ мумкин, аммо инсон закосини бекор қилиб бўлмайди. Бу ер — Хўжанд, бунда менинг ҳукмим вожиб! — деди Темур Малик жилмайиб, муншийга навозиш кўрсатиб.

— Ундоқ бўлса, мен фақат сиз ҳазратнинг фармонингизга бўйсунамен! Қариган чоғимда ит каби карвонга эргашиб, дашту биёбонларда, жазирама қумликларда сарсон-саргардон бўлиб юришим нега керак! Гурганжни тарк этдим! Султоннинг бундан буён хизматларида бўлмасликка қатъий қарор қилдим. Саҳроларда ўлиб кетармен, деб ўйлаган эдим, ўзига шукрким, мана бир ойга қолмай, Хўжандга етиб келдим. Сиздек саркарда жамолини ҳам кўрар эканмен...

Темур Малик навкарларга буйруқ бериб, муншийни рафиқаси, бола-чақалари билан араваларга солиб, қўрғонга олиб боришни буюрди.

— Муҳтарам зот, ҳамма гапни унда гаплашурмиз, — деди Темур Малик, кекса мунший билан енгил хайрлашиб, кейин отига минди-да, навкарларни бунда қолдириб, Иброҳим Дўлдай билан ўзи қўрғонга жўнади. Йўл-йўлакай Хўжанд қалъаси ёнгинасида жойлашган Намозгоҳ маҳалласидаги ўз ҳовлисига ҳам кириб чиқди.

Меҳмонлар шу куни қўрғонга, бу ерда тайёрланган хоналарга олиб келиниб, ҳаммомда ювинтирилди. Йўл кийимлари ечилиб, озода либослар кийилди. Кекса мунший хизматига қўйилган икки навкар бозордан бир неча хурмачада қатиқ олиб келиб, косаларга қуйиб, устига пиёз тўғраб, ҳаммаларига ичирди. Буни кекса муншийнинг ўзи илтимос қилган эди. Улар овқатланиб, шу куни ётиб ухлаб, дам олишди.

Эртасига Доруссалтана — ўймакор оқ ганчин хонада Темур Малик кекса мунший шарафига зиёфат берди. Катта хонанинг ўймакор устунлари, шифтдаги алвонранг тоқилар мунший диққатини тортди. Абдулқодир муншийи-қилқаламга унинг Хўжандга қадам ранжида қилгани шарафига чиройли тўн кийдиришди. Нозу

www.ziyouz.com kutubxonasi

неъматлар тўла дастурхон устида Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Сардор Олабуқа мунший билан илиқ суҳбатлашишди. Иброҳим Дўлдай ва яна икки эпчил навкар йигит уларнинг хизматларида эди.

— Уликлар тирик, тириклар ўлик, — деди Абдулқодир аш-Шоший. — Биз султоннинг хизмати билан банд, ҳеч нарсани ўйламай кунларни ўтказадурмиз. Аммо Олий Ҳазратнинг оталари — Хоразмшоҳ Такиш, илгари бож-хирож тўламади, фисқу фасодлар кучайиб кетди, бу салтанатга таҳдид сола бошлади, деган иштибоҳлар била лашкар юбориб, она шаҳрим Шошни ер билан яксон этганини кейинчалик билиб, ҳушим бошимдан учди. Мен гумроҳ молга ўхшаб юра берганмен. Шаҳримни вайрон этиб, ҳамшаҳарларимни қириб ўлдирган султонга хизмат қилиб юраберганмен... Бундан кўра ўлганим яхши эмасми? Оға-иниларимни қириб ўлдирган жаллодга шерик бўлиб, унинг товонини ялаганмен. Мендек гумроҳга ҳар қанча жазо оз! Мен кексайганда шундай бир нобакор кимса бўлиб қолдим...

— Сиз — гуноҳкор эмассиз. Сиз — покиза одамсиз.

— Шош аҳли нима ёмонлик қилғон эканки, бунчалик жабру ситам кўрса. Султоннинг панжалари қон! Шош аҳли тамомий фуқаро божни вақтида тўлаган. Шунчаки «фисқу фужур» учун тўғонларни бузиб, ариқларни қуритиб, шаҳарни вайрон қилмайдилар! Мен салтанатдан юз ўгирдим! Вайрона шаҳримга борурмен, бир сиқим тупроғим ўша вайрона — култепаларда қолсун...

Темур Малик хомуш, боши қуйи бу гапларни тингларди.

— Э, саркарда, маълумингиз бўлғайким, султон Жалолиддин хусусида «Сират ас-султон Жалолиддин Менкбурни» ёзилмоқда... Бу китоб устод Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий қаламига мансуб. Мен ким бўлғойким, бир ғариб мунший... Мен, Хурандиз қасридек бир мулкка эга эмасмен. Сайҳундин нари Шош шаҳрида дунёга келдим. Аммо менинг аждодим шайхулраис Абу Райҳон ал-Беруний номи покларига етиб бориб, у зот наслу насабидин бўлғоним билан фахр этурмен! Минг қатла шукрким, саломатмен. Наса шаҳрини вайрон қилмоқчи бўлган Ғиёсиддин Пиршоҳга лаънат ўқиган эдим. Билмабманки, ўз шаҳрим Шошни анча йил бурун, унинг бобоси вайрон қилғон экан. Мен қандай қилиб Гурганжда ўтирурмен?!

Темур Малик курсида, тиззаси устидаги ғилофи заррин шамширини ушлаганча бу оғир гапларни хомуш тингларди. Унинг кўз олдида узоқ Хоразмдаги султон Жалолиддин пайдо бўлди. У, Қутбиддин Узлоғшоҳ, Ғиёсиддин Пиршоҳ, Оқшоҳ, Хуршоҳлардан кўра ҳам Жалолиддин Менкбурнини хуш кўрарди. У фақат саркардаликка туғилгандек, қалъаларни эмас, ўз навкарлари дилини ҳам мустаҳкам эгалларди. Шу сабабли унинг қўшинида хиёнат қилувчи кимсалар доярли бўлмасди.

— Муҳтарам саркарда, — деди мунший хаёл сураётган ҳокимга боқиб. — «Сират ас-султон...» бошламоғига «Ал-комил фит таърих» китоби сабаб бўлди. Аммо бизнинг устоди кабиримиз Абу

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Хоразмий тўрт юз йил аввал Гурганждан ота шаҳрини вайрон қилганликлари учун Бағдодга кетиб қолди. У Бағдодга бориб, «Байт ал-Ҳикма»ни тузди. Сарсон-саргардон бўлиб юрган кунлари бисёр...

Кекса мунший яна Темўр Маликка боқди:

— Султон хусусида сиз, саркардага яхши сўзлар айтмай, бундоқ сўзлар айтмоғим тўғри эмас. Сиз, салтанатнинг содиқ кишиси, маликсиз. Аммо сиз ҳасаду рашк билан ҳеч қачон ўз қадрдонингиз, қўрғон ноиби — кутвол Шоҳмурод Кўҳистонийнинг бошини кесмайсиз. Кўп йил вазири аъзам мансабида султонга хизмат қилган, Хуросону Мовароуннаҳрнинг машҳур кимсасини яқинда ўлдириб юбордилар. Бу фожиа авом ичида ёмон сўзларга сабаб бўлди. Бултур Ўтрор ҳокими Тожиддин Билгехонни чақириб олиб, даштдаги Наса шаҳрига юбордилар. Қанча хизматлари билан салтанатда обрў топган, мункиллаган Билгехон қисмати ёмон бўлди... Шу қатлда бўлган бир дўстимнинг хатини ўқиб берамен. — Мунший қўлидаги китоб қатидан бир варақ қоғоз олиб, Темур Маликка ўқиб берди: «Биз Наса ҳокими Заҳириддин Масъуд ибн ал-Мунаввара аш-Шошийнинг кўркам хонасида ўлтурғон эрдик. Кимдир келиб, ҳокимнинг қулоғига бир неча навкарлари билан Жаҳон-паҳлавон[1] ва Аёз-тоштдор[2] келганини айтди. Бу одамлар «тоштдор» унвонида «малик» даражасига чиққан — ўн минг суворига бошчилик қилардилар. Жаҳон-паҳлавоннинг келганини эшитган ҳокимнинг ранги ўчиб, оёқ-қўли титрай бошлади. Нафаси ичига тушиб кетди. Бу одамлар султон томонидан юборилиб, ҳокимларни жазолардилар. Келган одамлар Доруссалтанага тушди, деган гапни эшитгач, сал-пал унга жон кирди. Заҳириддин Доруссалтанага етиб келгач, Жаҳон-паҳлавон унга султоннинг тауки[3] қоғозини тутди. Фармонни ўқиб чиқишгач, у бу ерда истиқомат қилаётган малик — Тожиддин Билгехонни уйидан чақиртириб келишни, зарур иш борлигини айтиб, одам юборишди. Билгехон ўз кишилари билан келгач, одамларни ташқарида қолдириб, ўзини «маслаҳатлашмоқ учун» пастки — ертўла хонага таклиф этишди. У кириб боргач, шу лаҳза зунуд[4]лардан бири ханжар билан кекса малик Билгехон бошини узиб, Жаҳон-паҳлавон қўлига берди. У каллани қопга солиб, шу лаҳза зудлик билан Гурганжга жўнади. «Қандай даҳшатлисан, эй маккор олам! Лаънат сенга!»[5] Мана, саркарда, бу хатга нима дейсиз? Менинг дўстим шу фожиа устида бўлган. Тожиддин Билгехоннинг навкарлари ҳам султон фармони олдида лол қолганлар. Билгехоннинг мол-мулки талон-торож этилиб, қимматбаҳо тошлари, тиллолари султон хазинасига олиб кетилган. Султондан вафо кутганларнинг бири шу Билгехон эди...

[1,2] Хоразмшоҳнинг жазоловчи мансабдорлари.
[3] Тауки — фармон.
[4] Зунуд — жаллод.
[5] Ан-Насавий. «Сират...» китобидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг ҳам изимдан Жаҳон-паҳлавон ёки Аёз келиши мумкин, аммо мен бундай «сийлов» га арзимаймен. Мен на «малик», на «тоштдор» ва на «вазир»! Мен бир муншиймен, изимдан от чоптириб келиш харажатига арзимаймен. Менинг бошим ҳам жуда арзон. Қимматбаҳо тошларим йўқ, тилла тангаларим йўқ. Аммо хуржуним тўла китоб. Мана, менинг бойлигим. Султон лак-лак қўшинга эга, бошида тож, кун чиқишдан кун ботишгача ҳоким. Аслида у — майпараст, қўрқоқ одам. Кишиларни ноҳақ қатл этиш — мард кишининг иши эмас!

Темур Малик чолнинг дарғазаб сўзларини тинглар, аммо бир нима демас эди.

— Ҳайдалиш, бош олиб чиқиб кетиш бизнинг салтанатда янги гап эмас. Шайхулраис Абу Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Хоразмий Қиётни тарк этди. Ул сарсон-саргардонликда юриб, охир Бағдодда қўним топди. (Чол айтган гапини яна такрорлади.) «Ал-муқобала»[1] китоби Арасту монанд асардир. Султоннинг боболари шундоқ беназир олимни ўз ватанидан узоқларга ҳайдади. Аммо гавҳар ҳамма ерда ҳам гавҳардир. «Рў ба Ҳинд овардани соҳибдилон бежиз нест...» деб шоирлар бекорга айтмаганлар. Дили поклар султон саройидаги мазаллатга чидолмай, Хоразмни ташлаб кетмоқдалар. Она шаҳрим Шошни вайрон этганларни узоқ вақт мендан яширганлар. Мен ақлини еган чол «Қилқалам» унвонини олдим, еганим олдимда, емаганим орқамда, деб, ҳайвон мисол эрталабдан-кечгача ишлайберганмен! Илдизим қирқиб ташлангач, қурий бошладим. Шундан кейингина косам ичидан тошбақадек бошимни чиқариб, у ёқ-бу ёққа қараб, яна бошимни тиқиб ётаберганмен. Юртим, қондош-қариндошларим қирилгач, тоқатим тоқ бўлди. Менга энди бу дунёда рўшнолик қолмади, саркарда! Мен энди ўша вайрона Шошни бир кўриб ўлсам, майли. Ўша вайроналар ичига мени кўмсинлар. Муддаоим шу! Мен ҳеч ерда қолмаймен, она-Еримга етиб олсам бас! — Чол илгари айтган гапларини беихтиёр такрорлаб, кўзига ёш олди.

Бир муддатдан кейин Темур Малик муншийга мурожаат этди:

— Шош фожиасидан хабарим йўқ. Хабарим бўлғон тақдирда ҳам иложим қанча. Султон бизнинг эмас, онаси Туркон хотуннинг сўзидан чиқмағай. Бундан буён адолатсизлик бўлмайди. Хўжандда қолинг. Шаҳобиддин ан-Насавий ҳазратлари каби иззату икром этилурсиз, фикру зиёнгиздан эл манфаат кўрғай...

Мунший бош чайқади.

Темур Малик муншийнинг мақсадини-ю, юрагидаги аламини

---

[1] Ал-Хоразмий асари «Ал-жабр ва ал-муқобала». Бу асарни биринчи бор араб тилидан Роберт Чейер 1145 йили инглиз тилига таржима этган. Кейинчалик инглизлар бу асар Европа алгебрасининг дебочаси, деган. Ал-жабр — «Алгебра» ва ал-Хоразмий — «Алгоритм» бўлиб, дунё фанида қабул қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайқади. Асабий чол туғилган шаҳрини вайрон қилгани учун Гурганждан, бутун имтиёзлардан воз кечганини, подшоҳга деб қирқ йил қилган хизматлари жаллодга бўлиб чиққанидан қаттиқ афсусланаётгани, ўша вайроналар томон бориши қатъий эканини аниқ сезди. Чолни йўлдан қайтариш, Хўжандда ҳамма имтиёзу шароитлар яратиб, бунда олиб қолиш асло мумкин эмас эди. Мунший аш-Шошийнинг важоҳати шуни тасдиқлар, унинг юрагида катта алам ётгани кўриниб турарди. Бу аҳволда чол Шош тепаларига бориб етадию, «қазойи муаллақ эмас, қазойи муҳаққақ» топади, деб ўйлади Темур Малик. Инсон туғилиб ўсган тупроғига шунчалик боғлиқми? Чўлу биёбонлардан сурилиб, оҳу надомат билан вайрона шаҳар қолдиқларига интилиш унинг хаёлини олди. Чолнинг чуқур кўзларига, пешонасидаги қават-қават ажинларига тикилди. Бу ажинларда шоҳу ҳокимларга нисбатан бениҳоя нафрат яшириниб ётганини кўрди. Лекин чол ичдан йиғлаётган бўлса-да, Темур Маликдан бирон ёмонлик кўрмагани, у доимо Гурганждан узоқда бўлгани учун ҳам, зоҳиран кулгандек бўлиб, ҳокимга итоат этарди. Аслида, мунший дунёдаги барча ҳокимлардан нафратланарди — бойлик ва шаён-шавкат йўлида шаҳарларга лашкар тортиб бориб, қирғин қилиш, обод ерларни вайронага айлантириш, золимлик — барча ҳукмдорлар учун хос одат деб тушунарди.

Мунший ҳокимга ташаккур айтиб, ўрнидан қўзғалди. Темур Малик ҳам туриб, барваста қаддини ростлади. Чолни ҳовлигача кузатди.

Ҳа, муншийнинг тажанг гаплари тагдор эканини пайқаган Темур Малик инсон ўзи ўлса қийналмаслиги-ю, ватани ўлса мана шундай дўзахий қийноқларда азоб чекишини кўз олдига келтирди. Низом ал-Мулкдек «замон закоси», Гурганжда «Байт ал-Ҳикма» тузаман, султон шаънини ал-Маъмун, Хорун ар-Рашид даражасига етказаман, деган вазири аъзам сидқидилдан хизмат қилиб юрган бир муншийга карам қилолмабди, деган гапни хаёлидан ўтказди. Дарҳақиқат, Шош Гурганж қаҳрига дучор бўлиб, ер билан яксон бўлган эди. Бу унинг иккинчи ўлими эди. Эрон шаҳаншоҳи Доро II, ундан кейин Искандари Зулқарнайн беадад лашкар билан Мовароуннаҳрни босиб-янчиб ўтиб кетган, лекин Шош йўқолмади. Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Такиш «Салтанатга бўйсунмади» баҳонаси билан Сайҳун томон юборилган қўшини шаҳарни вайрон этиб, талаб, ўт қўйди...»[1] Бу иш Гурганжда фуқародан тамоман яширин тутилган. Лекин жони омон қолиб, тўрт томонга қочганлар бу фожиа манзарасини ҳасрату надомат чеккан фуқарога етказди. Зотан, бу воқеа тоабад эсдан чиқмайдиган қонхўрлик бўлган эди.

Бундан бир ой муқаддам кекса мунший Гурганждаги карвонсаройларга бориб, «тиллари боғлаб қўйилган» сарой мансабдор-

---

[1] Ан-Насавий. «Сират...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларининг баъзиларидан Шош фожиасини батафсил эшитиб, бу ишнинг тагига етгач, бир неча ҳафта давомида изтироб чекди, қон-қон йиғлаб, юраги зардобга тўлди. Охири вазири аъзам Низом ал-Мулк ёнига кириб, ўзининг муншийликдан истеъфо этгани, бундан буён Гурганжда туролмаслигини маълум қилди.

— Бу телбалик! — деди вазири аъзам Низом ал-Мулк ўшанда, қора соқолини ушлаб. — Бу ишга сай этманг, токи султон қулоғига етса, яхши бўлмас! Ахир сиз билан биз қасамёд этганмиз. Жонимизни қурбон қилмоғимиз мумкин, лекин садоқатни йўқотмаслигимиз керак!

— Керак бўлса, мени қатл этарсиз, аммо шаҳримни вайрон этиб, уруғ-аймоғимни ўлдирган қотил султонга ҳеч қандай садоқатим йўқ! — деди бароқ қошлари остида кўзлари ёниб мунший. — Ул — малъун!!!

— Ҳай-ҳай! Боринг, йўқолинг! Бундай гапларни менинг ёнимда айтманг!

— Қўрқасиз?! Ҳа, вазири аъзам Низом ал-Мулк, қўрқасиз! Сизнинг ҳам ватанингиз Ҳамадонни вайрон қилганларида буни билардингиз! Дунёда энди нимам қолди! Мен, ломакон кимса кимга керакмен! Мен, қари нодон умр бўйи бу қотилга хизмат қилибмен!

— Мунший, бу ердан йўқолинг! Майли, мен сизга рухсат этамен! Мол-мулкингизни олиб, хоҳлаган томонингизга жўнанг!

— Кетамен!

— Қаёққа кетасиз? Шош энди йўқ, Маккага боринг, оқча берамен! — деди ҳурпайиб Низом ал-Мулк.

— Маккага эмас, Шошга! Очиқ мозорга кетамен! Билдингизми?! Оқчангиз ҳали ўзингизга керак бўлади. Султон сизнинг хотинингизни ҳам тортиб олади.

— Йўқол! — деди нафаси тиқилиб Низом ал-Мулк, кейин бир оз бўшашиб, — менинг одамларим Хўжандга кетаётган карвонга қўшиб юборади... — деди.

— ...

— Хайр!

Кекса мунший орқасига ўгирилиб, индамай чиқиб кетди.

Бу гаплардан хабар топган Темур Малик мунший сиймосида ниҳоятда қатъиятли бир инсонни кўрди. Қамиш қалам ушлашдан қўли бўшаб, мункиллаб қолган бир чол юрагида шунча жасорат бор экан, қўлида доимо қилич ўйнаганлар унга тасанно айтиши керак! Она тупроқни севиш шунчалик бўлар-да! Муншийнинг бундай кайфияти султонга билдирилмаганини ҳам сезди. Темур Малик хаёли Низом ал-Мулкка йўналиб, бу юқори мансабдор кимса ҳам баъзида султоннинг кам ақллигидан юраги ёрилгудай диққинафас бўлишини эшитган эди. Агар у мунший ҳақида бир оғиз сўз айтса, чолнинг Гурганждан чиқиб, қумга кириши биланоқ орқасидан одам юбориб, «қароқчилар ўлдирибди», деб чопиб кетишлари аниқ эди. Қиличи қонсираб, қутуриб ётганлар Гурганжда қанча!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИНЧИ БОБ

МАҒОРАДАГИ ЗОҲИД ВА БОЗОРДАГИ ФАРРОШ ҲИКОЯТИ

Она шаҳри Шошнинг вайрон бўлганини эшитиб чидолмай, Гурганжни тарк этган бағри қон кекса Абдулқодир — қилқаламнинг феълу атвори Темур Маликка қаттиқ таъсир қилди. «Саксон ёшга бориб қолган бир чол иссиқ ўрнини, мартабасини, бутун имтиёзларию ҳовли-жойларини тарк этиб, қумликлар оша сарсон-саргардон кетаётганини бир араз деб тушунса бўладими? Йўқ! Бу қатъият! Қатъият эмас, бу — ҳақиқий жанг», деди ўзига ўзи Темур Малик. Бу жанг уни чуқур ўйлашга мажбур этди. Бу ҳодиса фақат султоннинг ўзбошимчалигидан норозилик эмас, туғилган ер ҳалокати чолни оёққа турғазди. Бу, нечун сен менинг туғилган шаҳримни вайрон қилдинг, деган киборлик эмас, ғораткорга нисбатан тубсиз ғазаб! Лекин ўз томирлари узилиб, беватан қилинган баъзи мансабдорлар Гурганжда бемалол юрибдилар. Беш кунлик дунёда кайф суриб қолиш керак, ғам-андуҳни юракка яқинлатмаслик учун боданинг кайфини суриш даркор, дейдилар ундайлар. Буни Темур Малик ўшанақа мансабдорлардан кўп эшитди.

Бугун учинчи кун. Лекин кейинги йилларда Хўжандга келган ҳеч бир меҳмон Темур Малик диққатини муншийчалик жалб этмаган эди. Бу араз жасоратми ёки шунчаки довдираган чолнинг ўжарлигими, деди яна у ўзига-ўзи. Йўқ, бу — жасорат! Инсон ҳеч қачон ўз онасини унутиши мумкинми? Туғилиб ўсган ер — она! Энг паст, жирканч инсон ҳам, жуда бўлмаганда, қазоси олдидан онасини эслайди. Мутафаккир буни жуда тўғри айтган...

Хўжандда аҳвол яхшилиги, Гурганждан кишини нотинч қилувчи бир хабар бўлмагани сабабли, Темур Малик кўнглида мунший чолни бир синаб кўриш иштиёқи пайдо бўлди. Мунший чол юрагида туғён урган нарса жезми ёки олтин, шуни билмоқчи бўлди. Йўл азоби босилиб, у бирмунча ўзига келгач, учинчи куни, муншийни ҳоким Доруссалтанага чорлаб, бирга нонушта қилдилар. Муншийнинг ўғли Абдулнодир билан Иброҳим Дўлдай ҳам дастурхон атрофида ҳозир бўлдилар.

— Ҳазрат, йўқ демасалар тоғ каноридаги зоҳидни зиёрат қилиб келур эдик. У зот ҳаммавақт сиздек азиз кишилар суҳбатига муштоқдирлар, — деди Темур Малик.

— Қандай зоҳид? — чол ажабланди. — Нечун тоғ канорида?

— У кимсани сиз кўрмасингиздан бир сўз айтолмаймен, — деди Темур Малик. — Вақти-вақти билан биз у зотнинг ҳолидан хабар олурмиз. Ул шахс мўмин, хушфеъл кимса. Гўдаклик вақтимда ҳам шу зоҳидни эшитган эдим. Отам мени тоғ канорига олиб борган эдилар. У зотга назру ниёз бериб турамиз.

— Бу яхши фикр, — деди мунший, — ўртанган дилимга бу ду-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нёда даво йўқ, аммо сиз, муҳтарам саркарданинг бир оғиз сўзингиз ҳурмати, майли, бориб зиёрат қилайлик.

«Ўртанган дилимга бу дунёда энди даво йўқ...» Бу гап ҳам Темур Маликка ёқди. Муншийнинг ўз фикрида қатъийлиги унга ёқарди. Иброҳим Дўлдай ҳокимга қараб, билинар-билинмас бош қимирлатди, бу билан у «чол жасоратли» демоқчи бўларди.

— Бизга от, мавлонога ароба ҳозирлансин, — деди у Иброҳимга, — ва яна катта қайиқ ҳам жиҳозлансин. Бугун шамол йўқ, сув текис оқмоқда...

Иброҳим Дўлдай ўрнидан туриб, таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

Орадан бир муддат ўтгач, от-аравалар Доруссалтана яқинига олиб келинди. Кекса мунший ўғли билан аравага, Темур Малик, Шоҳмурод Қўҳистоний, Иброҳим Дўлдайлар отга миниб, яна беш чоғлиқ қурол-яроғлик навкар иҳотасида қасрдан чиқиб дарё ёқаси томон юришди. Дарё бўйида улар отдан тушиб, атроф-жонибга тикилишди, қирғоқларига тўлиб, буралиб, бир неча ерда айланмалар ясаб, офтобда жимирлаётган дарёйи азим — Сайҳунга тикилишди. Буюк дарё салобат билан, сезилар-сезилмас, аммо мислсиз қудрат билан кунботиш томон силжирди...

Минглаб ариқлар, жилғалар, сойлар тошдан-тошга урилиб югурар, шалолалар баландликдан гумбурлаб тушар, биллурий булоқлар ўтлоқлар бағрига кирар, аммо ягона Сайҳун ўзи бир дунё, қуёшга қараб, унинг йўли бўйича салобат билан мағриб сари оқарди. Қирғоқда, сув юзида устига соябон тутилган катта кема — ҳар томонида уч эшкакчи — олти забардаст киши кутиб туришарди. Темур Малик муншийга дарёнинг нариги томонидаги Қўнғиртоғни ҳам кўрсатди.

Хўжанд шаҳри баланд деворлар билан ўралган. Қалъанинг кўкўпар кунгуралари офтобда ярқираб турибди. Сайҳун Хўжандни ўраб, айланиб оқади. Рўпарада Қўнғиртоғ, унинг чўққилари оралаб ҳали бирон отлиқ ўтолган эмас. Искандар Хўжанд остонасида қаттиқ талафот кўрган. Сайҳун ўртасида катта-кичик бир неча ороллар бор, бу ерга ўн минг чоғлик лашкар жо бўлмоғи мумкин. Сайҳун доимо Хўжандни ҳар қандай ёвдан ҳимоя қилиб туради. Баланд тоғларнинг нариги томонида яксон бўлган Шош, ундан нарида Ўтрор, ундан нарида Туркистон... Хўжанд — султоннинг тўрт юз мустаҳкам қалъасидан биридир.

— Вақтийки, Искандар Зулқарнайн мағрибдан лашкар тортиб келганида қалъаларнинг баланд деворлари фойда бермади, — деди Темур Малик. — Мардум кўксидаги қалб қалъаси яхши иш берган. Хўжанд қалъасини на Афросиёбу Искандар, на салжуқийлар султони Санжару ва на қорахитойлар подшоҳи Гурхон ололган!

Ҳассасига суяниб турган Абдулқодир мунший ёш ҳокимнинг бу сўзларидан мамнун бўлгандек бош қимирлатди.

— Муҳтарам зот! — деди йўлда яна Темур Малик муншийга мурожаат этиб. — Биз ҳар куни чопқи машқи, найзабардорлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

машқи, камон машқи, сув машқи қиладурмиз. Қадрдоним Шоҳмурод Қўҳистоний навкарларни машқ ила тоза чарчатадур. Биз қўшинни шу ерлик садоқатли йигитлардан туздик.

— Азиз саркарда! Тоғу дарё ва яна қалъа сизнинг шижоатингизга суянса, анда сизни на Искандар ва на Доро енга олур! Сиз, Тахамтан Рустамдек Хўжандда устивор бўлурсиз.

— Ташаккур!

Оту аравалар дарё ёқасида қолди. Улар зинапоялардан пастга тушиб, кемага ўтишди. Темур Малик ишораси билан катта кема, дарё оқими томон қия кесиб сузиб кетди. Бир муддатдан сўнг улар лиммо-лим сув устида сузиб бориб, нариги қирғоққа ўтишди. Аввал ҳоким, кейин муншийни навкарлар кемадан кўтариб олиб, бу ерда кутиб турган оту араваларда тоғ канори томон юришди. Улар бир муддат юқорига кўтарилишгач, икки баланд чўққи оралиғида, булоқ бўйида деворлари харсанғтошлардан кўтарилган кулбага етишди. Уларнинг ташрифи соқоллари ўсиб кетган ярим-яланғоч кекса бир одамнинг икки тегирмон тоши катталигидаги текис бир харсанг устида бошини саждага қўйиб, ибодат қилаётган пайтига тўғри келди. Улар бир муддат отдан тушиб, кулба ёнида чўққайиб ўтиришди. Ҳар йили ҳокимнинг икки-уч келишини сочлари ўсган зоҳид биларди. Бир муддатдан кейин яратганга туну кун сиғиниб, ибодат қилиб ётган зоҳид ўрнидан туриб, меҳмонлар билан омонлашди. Икки қўли кўксида Темур Маликка навозиш кўрсатиб, ҳужрадан курси олиб чиқди. Лекин ҳоким курсини муншийга қўйди. Қирқ йилдан буён бу тош устида ибодат қилиб, яхлит, текис харсангтош устига пешона, икки тиззаси излари тушиб, чуқурча бўлиб қолганига кўзлари тушди. Темур Малик бу изларни муншийга кўрсатди. Зоҳидни унинг ўз олдида мақтаб, менинг раҳматли отам ҳам бу азиз банда зиёратига келган эканлар, деди. «Бу азиз одам тоғ канори, мағорага, узлатга чекиниб, тоат-ибодат билан машғул бўлганида ҳали биз дунёда йўқ эдик...» Темур Малик мунший ҳақида зоҳидга яхши гаплар айтиб таништирди. Шундан сўнг Темур Малик зоҳидга мурожаат этди:

— Э, зоҳид, марҳамат қилиб, бизга баён этгил, не сабабки, тарки дунё этиб, бу мағорани ватан қилдинг?

— Яратганнинг қулимен, — деди зоҳид тиз чўкиб, ялинчоқлик билан, — беш кунлик умримни ўзига бағишлаб, тоат-ибодат билан ўтказамен.

— Э, зоҳид, бу йўлни ихтиёр этганингда неча ёшда эдинг? — деб сўради мунший.

— Йигирма ёшда эдим...

— Қандай сабаб бу йўлга тортди?

— Биҳишт умидида эрсанг, тоат-ибодат қил, дедилар.

— Э, зоҳид, менга айт-чи, — деди яна савол бериб кекса мунший, хилқати ёқасига тўғнаб қўйилган бир игнани қўлига олиб, — бу игна тешигидан туя ўтадими?

— Бу чол жинни бўлиб қолганми? — деди зоҳид, Темур Маликка қараб. — Игнанинг тешигидан ҳам туя ўтадими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мунший зоҳидга тикилиб, қовоғини солди. Темур Малик муншийга боқиб, бу жаннати одам ҳақида бир нима яхши сўз айтади, деган хаёлга бориб турган эди, чол индамади. Бир муддатдан сўнг, муншийнинг имоси билан юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан қўзғалдилар. Муншийнинг кутилмаганда қўзғалиши ва таъби тирриқ бўлганига Темур Малик тушунмади.

— Луқмони ҳаким минг ёшга кирган эканлар... Шунда ҳам, мен у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетдим, кўп яшолмадим, деган эканлар. Атрофларидаги донишмандлардан бири ногоҳ, э, ҳаким, не сабабдин уйингизга бир тузукроқ эшик қурмагансиз? — деб сўраб қолибди. Луқмони ҳаким, шу умрга ҳам овора бўлиб, уйимга эшик қуриб ўтираманми, деган эканлар. Ҳурматли саркарда, у — Луқмони ҳаким, биз — бир мунший, эртаю кеч султоннинг амру фармойишларини ёзадурғон... Луқмони ҳакимдан фарқимиз шулки, бизнинг илдизимиз ер ичида, биз болаларимизни, навкарларимизни ўйламай иложимиз йўқ. Луқмони ҳаким авлиё, уларнинг тупроғи бошқа ёқдан олинган. Улар эшик қуришни эп кўрмаганлар. Биз қурамиз, чумолидек оёғимиз тинчимайди. Менинг шаҳримни вайрон қилиб, ер билан яксон этган эканлар, демак, мен яксон бўлганим йўқ, мен шаҳримни бошқатдан қурамен! Ўн бор бузсалар, ўн бор қурамен! Юз бор бузсалар, юз бор... Лекин аълоҳазрат бу ишлари учун элу халқ олдида жавоб берадилар!

Улар яна отларга миниб, муншийни аравага ўтказиб, дарё томон қайтишди. Дарёдан кечиб, Хўжанд бозори ёнидан ўтишда уларга бир жулдур либос кийган, пешонасини танғиган фаррош рўбарў келди. Унинг қўлида тугун, елкасида каттакон супурги, бўза ичиб олган бўлса керак, ниҳоятда кайфи чоғ эди. У ҳокимни таниса ҳам, парво қилмай, ашуласини баралла қўйиб борарди. Темур Малик фаррошни кўриб кулди. Нописанд, бошини баланд кўтариб кетаётган кимсани олиб келишни Иброҳим Дўлдайга буюрди.

— Э, фаррош, бизга хурсандлигинг боисини айт. Нечун бугун ғоятда кайфинг чоғ? — деб сўради Темур Малик.

— Мен бугун саҳарлаб келиб бозорни супурдим, йўлларни тозаладим. Ҳафталик хизматимга ҳақ олдим. Сахийлар берган ақча бир қадоқ гўшт, тўрт кулча, уч қадоқ дон ва бир қадоқ новвотга етди. Бугун қозон қайнайди, болаларим новвот ейди. Мен хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин! Мана шунга кайфим чоғ! — деб жавоб қилди фаррош.

Бу жавобни эшитган мунший дарҳол аравадан тушиб, фаррош билан омонлашди. Юқори мартабали кишиларга хос либос кийган чолни кўрган фаррошнинг ҳуши ўзига келди. Кекса кимсаларни ниҳоятда ҳурмат қилишга одатланганиданми, дарҳол тугунли қўлини кўксига яқинлаштириб салом берди.

— Э, фаррош, ҳокимга қилғон жавобинг менга маъқул тушди. Айт-чи, мана бу игна тешигидан туя ўтадими?

Фаррош кулди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тақсир, ўзи истаса, бу игна тешигидан туя эмас, ўн саккиз минг оламни ўтказиб юборади!

— Жавобинг ёқди! — деди мунший кулимсираб, — дономен деганлар доно эмас, сен доносен!

— Бу чол жинни бўлиб қолганми? — деди бундай гапларни умрида эшитмаган фаррош, Темур Маликка илжайиб. Ҳоким фаррошнинг илжайишини сезмагандек сукут сақлади.

— Агарда бу ҳазрат девона кимсани кўрмоқчи бўлсалар, ана, девор тагида ўтирган сўқир чол билан ҳам гаплашсинлар, — деди фаррош, Темур Маликка мурожаат этиб.

Уларнинг гуфтигўсига жон қулоғини тутиб, эшитиб турган сўқир чол ўтирган ерида гап қотди:

— Ҳа, умрим ўлжага қолган. Офтоб менинг танимга тушиб турибди. Бу — бахт. Бу тана аллақачон тупроқда чириб кетган бўларди. Ҳамма нарса менинг учун бўлаётгандай, табиат менга ёқади, шукр қиламен. Ёмғиру шамоллар, кечаю кундуз, дарахтлар, ўтлар, гуллар... ҳаммаси мен бир сўқир чол учун яратилгандай. Менга ҳамма нарса ёқади, шикоятим йўқ.

Улар яна йўлларида давом этиб, қалъага кириб келишди. Яна ўша устунлари ўймакор, тоқилари нақшин баланд айвонда ҳордиқ чиқаришди.

— Чарчамадингизми, ҳазрат? — деб сўради Темур Малик.

— Муҳтарам саркарда! Бу юриш мендек фақирга, ватанда беватанга истироҳат бўлди. Мен қум саҳролари ичида надомат билан келдим. Унинг олдида бу ҳеч гап эмас. Қиши тугилиб ўсган шаҳрини йўқотса, бундан оғир ситам йўқ. Агар юртимни вайрон қилмай, ўзимни қирқ кун товада жизғанак қилсалар, султондан заррача хафа бўлмасдим. Буни тақдирдан кўрган бўлардим. Аммо мен энди то қиёмат юртим дардида азоб чекадурмен. Зоҳидни кўрсатганингиз жуда маъқул бўлди. Мен эсини еган чол ҳам дунёни яхши билмас эканмен.

— Мавлоно, сизнинг фикрингизча, зоҳид улуғ одамми? Уни авлиё ҳам дейишади.

— Йўқ, саркарда, у — дўзахи! У — иблис! У, фақат жаннатга тушиш илинжида ётибди. У, ватанидан, элидан, бола-чақасидан кечиб, узлатда жаннатни тама қилиб ётибди. У ҳамма жиҳатдан ҳақиқий дўзахи! Лекин биз бозорда рўбарў келган жулдур либосдаги фаррош жаннати одам. У, йўлларни, бозорни супуриб, тозалаб, авомга хизмат қилади. Болаларига хўракни ишлаб топади. Фарзанд боққанидан бағоят масрур. Бу фаррош ҳақиқий одам!

Темур Малик бу гапни эшитгач, донг қотиб қолди. Мунший унинг кўзига жуда ҳам ажойиб одам бўлиб кўриниб кетди. У даҳрий эмасмикан, деган шубҳа ҳам хаёлидан ўтди. Наҳотки, қирқ йилдан буён руҳга сиғиниб, туну кун тоат-ибодат қилиб ётган кимса дўзахи бўлса?

Шу кеча тун бўйи Темур Малик хаёлидан зоҳиднинг «дўзахи»лиги кетмади, чалкаш фикрлар боши атрофида аридек ғувилларди. У, мағорадаги зоҳидни дунёдаги энг асл одам деб тушунарди. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшлигида полвон йигитлар билан қаттиқ бел олишиб, чалиниб енгилганидан хафа бўлмас, аксинча рақибининг ҳалол курашидан завқланар, тантилик кўрсатарди. Мунший чолнинг рост, юз-хотир қилмай гапириши Темур Маликка ёқди. Лекин, ҳар қалай, у хаёлот дарёсига чўкди. Отда чопиш, қилич солиш, найза уриш, камон отишда қудратли бўлиш яхши, аммо ўз сарбозларининг қалб қалъаларининг мустаҳкам бўлиши, бу жуда ҳам муҳим экани хусусида бош қотира бошлади.

УЧИНЧИ БОБ

НОҒОРАЛАР ТАК-ТУМИДА ҲАРБИЙ МАШҚ

Абдулқодир муншийни Шош вайроналари сари жўнатган Темур Малик бу муҳожирлик муносабатларини ўйлаб, катта айвон сўрисида хаёл суриб ўтирарди. Гўё «зимистон қиш келиб, турли қушлар Жайҳун ёқаларини тарк этиб, иссиқ мамлакатларга учиб кетаётгандай» сезилди. Эҳтимол, Сайҳун ёқаларини ҳам ташлаб кетаётганлар бордир? Бу яхшилик белгиси эмас, албатта. Кексаликда муншийнинг зор-зор йиғлаб, қум саҳроларида кезиб юриши — сарой ичида «сичқону» «каламуш»ларнинг кўпайиб кетганидан эмасмикан? Султон кўзининг ёғини еганлар фуқаро аҳволидан тамоман бепарво. Шу сабабли олиму уламо, фозилу фузало, шоиру шуаро... атроф жонибга тарқаб кетмоқда.

Бундан икки йил муқаддам Ахсикат беги Садриддин Музаффар Оталиқ таклифи билан Темур Малик у томонга бориб, бир ҳафта меҳмон бўлиб келди. Бек анча кексайиб қолган, нуроний юз, сўзлари бағоят сермаъно кимса эди. «Бир дарёдан сув ичамиз, Ахсикатдан анор оқизсак, эртага Хўжандга етиб боради... Масофа узоқ эмас, бир ернинг фарзандларимиз», деган эди Садриддин Музаффар Оталиқ Темур Маликка навозиш кўрсатиб. Лекин унинг Фарғона водийсига донғи кетган бениҳоя гўзал қизи Темур Маликдан юзини бекитмай, ўзини водий фуқаросига хос эркин тутиб, отаси ёнида суҳбатга аралашиб ўтиргани лол қолдирди. У қизнинг номи Қоракўз бека бўлиб, шаддодлиги, сўзга чечанлиги билан Темур Маликнинг ақлини ўғирлади. Аммо бари бир Гурганжда кўриб, ғойибона яхши кўргани раққоса Нигиначалик дилига оташ сололмади. Қамар олдида Зуҳро юлдузи бўлиб кўринди. Кейинчалик бек Хўжандга, гарчи ёш бўлса ҳам, «малик» даражасига етган ҳокимга итоат юзасидан Ахсикатдан туҳфалар юбориб турди. Шундай туҳфалар ичидан бир гал Қоракўз бека қўли билан тикилган либос ҳам чиққанида, бекнинг «бир ернинг фарзандларимиз», «Ахсикатдан Сайҳунга анор ташласак, эрта тонгда Хўжандга етади» деган сўзлари қулоғи остида қайта янграгандек бўлди. Аммо минг афсус, Хўжанд ҳокими Туркон хотун иродаси билан қиётлик беклардан бирининг қизига уйланган эди. Буни кейин билиб қолган Қоракўз беканинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ҳаф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

саласи пир бўлади. Унинг қалбидаги эзгу бир илинж ўрнини аллақандай адоват эгаллайди, отасининг Хўжандга мутелиги асар қилиб, дарғазаб ҳолга келади.

Булардан Темур Маликни мутлақо бехабар деб бўлмайди. Ахсикатдаги ўз одамларидан сардор Муҳаммад Интизом орқали хабар топади. Хўжанддаги Садриддин Музаффар Оталиқнинг ўз кишиси бўлмиш дўкондор Давлат Ҳожи ҳам бу ердаги аҳволни етказиб турар, унинг ишларига на ҳоким, на Шоҳмурод Кўҳистоний ва на сардор Муҳаммад Интизом монелик қиларди. Ҳожининг махфий ишларини ипак қуртига қиёс этишарди: у аслида беозор қурт, қурт бўлганда ҳам аслида ипак тўқийди, яъни Хўжанд манфаатига зарарли иш қилмайди, «Меҳтар Бодиялдойи»дан қўрқмаслик керак, дердилар. Айни вақтда Ҳожи Ахсикатга ҳам, Хўжандга ҳам хизмат қилмоғи мумкин.

Давлат Ҳожи орқали Темур Маликка йўлланган наврўз мактубида Қоракўз бека бир байт шеър илова қилади. Аммо бу мактуб Бинафша бека орқали Ойчечак қўлига тушиб, уни ёқиб юборади. У ҳам бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз орқали ўз мактубини Ахсикатга йўллайди. Мактуб форс-тожик тилида битилган бўлиб, Қоракўз бекага дўқ-пўписани ифодаларди:

Ҳар чандки, фарзанди улуғ султонам,
Ё мевайи бўстони дили Турконам.
Ми хондам аз иқболу саодат ликан,
Ми гирьям аз ин ғурбати бепоёнам...

Темур Малик айвон устунига суяниб ўтирганича, Абдулқодир Шошийни ўйларди, одамзод қариб, вақти етгач, ўз она тупроғини қидириб қолармикан. Ҳаммага ҳам бундай жавоҳир туйғу насиб этабермайди. Мунший қалбидаги туйғу, бу «ўзига кафанлик ҳозирлаб қўйиш» маъносида эмас, бу туйғу — ватан, она-Ер туйғусидур! Саркарда хаёлини мунший қисмати чулғаб олган, у айқириб оқаётган Сайҳунни — мунший қалбидаги ватан изтиробларини кўриб турарди-ю, оқим тагидаги яна бир чуқур оқимни кўрмас эди.

Киши дилини андуҳ эзса, у бир ерда ўтирмай, ҳаракат қилмоғи — юрмоғи даркор. Токи томирларда қоннинг равон оқмоғи ҳар қандай ғазабни тарқатиб, юракни андуҳдан фориғ этадир. Қўксини захга бериб, забун ётмоқ — эр кишининг иши эмас, тан ичра жон бор экан, киши ҳаракат қилмоғи даркор, дерди машойихлар. Аммо андуҳ сабабли эмас, киши ҳар доим барвақт ётиб, офтоб ёйилмай турмоғи, танидаги барча аъзоларини жунбишга келтирмоғи — сиҳатлик ва донолик белгисидир. Ёв босқини бўлмаса, киши ҳар қандай зарур ишларини ҳам бир муддат тўхтатиб, танни жунбишга келтирмоғи фарздир. Бу фикрларни Темур Малик қулоғига ёшлигидаёқ отаси қуйган эди.

У одатдагидек, тонг ғира-ширасида туриб, ювиниб-тараниб, отда

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳар четидаги майдонга келди. Шоҳмурод Қўҳистоний аллақачон эгарланган Қарчиғайдек шай бўлиб, ҳокимни кутиб турарди. Унинг ёнида Шерюрак Шоший, сардор Олабуқа, Қанғли Арслон, Муҳаммад Интизом, Ҳусайн Говлар бор эди. Ҳокимнинг Иброҳим билан келганини, унинг руҳи тетиклигини кўришиб, ҳамманинг юзида кайфичоғлик аломатлари зоҳир бўлди. Машқни бошлашдан олдин у бир муддат майдон четидаги курсига ўтириб, Шоҳмуроду Шерюракни, сардор Олабуқа билан Муҳаммад Интизомни курсига ўтиришга таклиф этди. Бир зарур гап айтади, деб лашкарбошилар унга қулоқ осишган эди, у «ҳар қандай зарур гапдан ҳам китобот муҳим» дегандек, Шоҳмурод Қўҳистоний кўксида тутган китобга боқиб, унга мурожаат этди:

— Азизим, бу кеча ҳам «Алиф лайло ва лайло» ўқиган кўрнасиз. Бизга бирон ҳикоят айтиб беринг.

Бошқалар ҳам Қўҳистонийга тикилишди, саркарда илтимосини маъқуллашди. Негадир, «машқни бир муддат кечроқ бошлаймиз», дегандек қилишди. Майдонни тўлдириб турган мингдан ортиқ сарбозлар ўзларича қиличбозлик машқини давом эттиришар, лекин улар унча олатўполон қилишмас, саркардадан кўз узишмас эди.

Шоҳмурод Қўҳистоний қўйнидаги китобдан ўзига маъқул бўлган бир неча жойларини белгилаб қўйган эди. Китобни олиб, белгилаб қўйган жойларидан бирини ўқий кетди.

— «Эшитдимки, подшоҳ қўлга тушган бир асирни ўлдиришга ҳукм этди. Ҳаётидан умид узган асир оғзига нима келса шуни айтиб, подшоҳни ҳақорат қила бошлади. Жонидан умид узган киши кўнглига нима келса, шуни айтади. Подшоҳ асирнинг сўзларига тушунмай, вазирларидан, асир нималарни сўзлайди, деб сўради. Раҳмдил, шафқатли вазир айтдики э, подшоҳим, асир сиздан марҳамат сўраб, инсонларга марҳамат, шафқат қилганлар жаннатга тушади, демоқда. Подшоҳга вазирнинг сўзи таъсир қилиб, асирни озод этди. Аммо вазирга зид иккинчи бир мансабдор, вазир ёлғон сўзлаяпти, деб подшоҳни огоҳлантирди. Асир сизни ҳақорат қилмоқда, деди. Подшоҳ айтдики, майли, у, вазирим, сиз айтганингизча ёлғон сўзлаган бўлсин, аммо унинг ёлғони менга сизнинг тўғри сўзингиздан кўра ҳозир маъқулроқ... Чунки унинг ёлғони яхшилик, сизнинг тўғри сўзингиз ёмонлик келтиради».

Темур Малик бу ҳикматли гапни Шоҳмурод Қўҳистоний бекорга ўқиб бермаганини фаҳм этди. У ўйланиб қолди: Гурганждан келган икки фармон хаёлини олди. Бири султондан, иккинчиси «Худовандй Жаҳон» дан эди. Туркон хотун Ўтрор ҳокими Инолхонга мадад юбормаслик, Шош вайроналарини тикламоқчи бўлган савдогарларга ҳуқуқ бермаслик хусусида ёзган. Бу фармон султон фармонини бекор қиларди. Икки ўт орасида қолган Темур Малик биринчи фармонни қаттиқ туриб қувватлаган Шерюрак Шоший билан уч кундан бери гаплашмай, қовоғини солиб юрарди. У Туркон хотундан келган фармонларни ёқтирмасди. Бу сафар ҳам иккинчи фармон уни ғазабга солиб, оғзидан ҳақоратомуз гап чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қиб кетганини ўзи сезмай қолди. Хўжандда, ҳатто қалъа ичида ҳам Туркон хотуннинг айғоқчи кимсалари борлигини биладиган Муҳаммад Интизом бу ҳақда неча бор Темур Малик қулоғига шипшитган эди. Шу сабабли ҳам Шерюрак Шошийнинг меъёридан ошган гапларини ёқтирмас, агар тилга ҳадеб куч бераберсангиз, мансабингиздан жудо этамен, деб огоҳлантирар, кўпинча эса, жиззакилик қилманг, сиёсат билан ўйнашиб бўлмайди, деб унга танбеҳлар ҳам берарди. Лекин аслида қилични яхши чопадиган бу одам саркардага жуда ёқарди.

— Сардор Шерюрак, сиз — ўша асир! Сиз эса, — деди Темур Малик, Шоҳмурод Қўҳистонийга боқиб, — яхши вазир! — Шоҳмурод ҳам кулиб юборди.

— Бу ерда биз тўрт кишимиз, тўртовимиз ҳам сизнинг энг садоқатли вазирларингизмиз! — У ёнида турган Муҳаммад Интизом, Ҳусайн Гов, сардор Олабуқаларга кўз ташлади. Иброҳим Дўлдай «жангга» кириб кетган.

Темур Малик сарбозларга ишора қилган эди, бирдан ноғораларнинг так-так, тум-тум, так-так, тум-туми бошланиб кетди. Йигитлар одатдагидек жуфт-жуфт бўлиб, қиличбозлик қилишни авж олдириб юборишди. Қиличлар шарақа-шуруқ овоз чиқариб осмонда ялтирарди. Машқ қиличлари ҳақиқий қиличдан бир қадоқча оғир бўлиб, тиғ томони арра бўлиб кетган. Навкарлар ўзларининг ҳақиқий қиличларини доимо чархланган ҳолда тайёр тутишарди.

Энли қайиш камари билан белини сиқиб, пешонасини танғиб олган Темур Малик ёғочга осиғлиқ қиличлардан бирини олиб, майдонга тушиб кетди. Ҳокимга йўл бериб, уни аяб четланган йигитларни ёқтирмасди: машқ ҳам ҳақиқий жангдек бўлиши лозим, дерди. Бирон ери лат еса ҳам астойдил қилич солиб, сипар тутадиган, пайт пойлаб, «рақиби» гарданига қилич соладиган сарбозларни юқори баҳоларди. Шу сабабли у фақат ноғоранинг така-туми эмас, бўйнига дўмбира осиб олган жулдур кийимли қанғли йигитни ҳам имлаб, ўртага тушираради. У жазавага тушиб, сакраб, нортуядек лабларидан кўпик сочиб ўйнаб, икки савағич билан дўмбирани ура кетди. Темур Малик ҳам бир-икки «ҳамла»дан кейин оломон ичида кечгача чопди-чопди бўлса ҳам чарчамайдиган Аҳмад Дажжол деган қорача йигитга яқин борди. У ҳам ҳокимнинг атай сурилиб, чап қўлида қалқон, ўнг қўлида оғир қилич, дам у йигитнинг қалқонига уриб, дам чап томонидаги йигитга тиғ ҳавола қилиб, тобора яқинлашиб келаётганини кўрди-да, илжайди. Бош ирғаб, ҳокимга салом берди-ю, ҳамласини тўхтатмай, Темур Малик томон хўроз бўлиб бораверди. Баъзи йигитлар сездирмай, ҳокимга йўл бериб, ичкарироққа киришар, унинг ҳар гал Аҳмад Дажжол билан олишишни ёқтиришини яхши билишарди. Бу гал ҳам улар бир-бирларига кўзлари тушгач, уюрдаги икки айғирдек бир-бирларига яқин келиб, қилич солиша кетишди. Юз чоғлик бошқа йигитлар ҳам ернинг чангини кўтариб «тарақа-туруқ амуди гарон, санги осмон...» бўлиб, «жанг» қили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шарди. Машқ шовқини анча узоқда бўлишига қарамай, қийқириқлар Хўжандга, бозору каппонларга эшитилиб турарди. Эрта билан Темур Малик навкарлари машқ қилаётганини, шаҳар четидаги катта майдонда «Афросиёб жанги» ёки «Рустаму Суҳроб талотуми...» бўлаётганини билишарди. Ҳокимнинг кейинги пайтда муттасил машқ қилиши, яхши отлар сотиб олиб, катта қайиқлар қурдираётганини эл яхши фаҳмлар эди. Қўплар Гурганжу Бухорода, Ўтрору Ўшда бунчалик ҳарбий машқлар йўқлигини, аслида бундай бўлмаса ҳам, бу иш албатта султоннинг иродаси билан бўлаётир, деб тушунишарди.

Темур Малик билан Аҳмад Дажжол чунонам бир-бирларига қилич солишдики, қалқонларининг тарақлаши қулоқни батанг келтирди. Уларнинг икковлари ҳам терлаб кетишган, лекин бир-бирларидан узоқлашмай, қилич ҳавола қилишар, пайт пойлашар, қўлларидаги қилични учириб юборгудай зарб билан уришарди.

— Қалайсен, Аҳмад! — Темур Малик кўзлари ёниб, «кучли рақиби»га гап қотди.

— ...

— Нега жавоб қилмайсен?!

Аҳмад Дажжол илжайиб оғзини кўрсатди. Унинг лаблари шишиб кетган эди. Уларнинг ёнгиналарида машқ қилаётган йигит ҳокимга ҳаллослаб, тарақ-туруқ ичида бақириб гапирарди: «Саркарда, Аҳмад кеча қумғондан сув ичаётганида лабини қовоғари чақиб олибди, бечора икки кундан буён гаплашолмайди...» Темур Малик у билан «жанг» ни тўхтатиб, йигитлар орасидан ташқарига олиб чиқди. Табибни чақириб, Аҳмад Дажжолни унга топширди. Машқдан сўнг энг яхши йигитларига ҳар гал кийдириладиган тўнлардан бирини Аҳмад устига ёпиб, камарни белига боғлади. Дарҳақиқат, Аҳмад паҳлавон йигит эканига кўплар тан берарди. Бу шарафлаш ҳаммага ёқди.

— Қумғондан сув ичаётган эдингми?

«Ҳа» ишорасини қилиб, бош қимирлатди Аҳмад.

— Ўша қовоғари сенинг лабингни чаққандан кўра, сардор Шерюрак Шоший тилини чақса бўлмасмиди?

Отдан тушиб, ҳоким ёнига келган Шоҳмурод Кўҳистоний хахолаб кулиб юборди. Аччиқ гаплар айтиб, кейин тезда пушаймон бўладиган сардор Шерюрак Шоший, Қанғли Арслон ва сардор Олабуқалар ҳам қўл қовуштириб туришарди.

— Дунёнинг тескарилигини қарангки, ари ҳам камгап, аммо қиличи бурро одамнинг тилини чақиб, тили аччиқ одамнинг тилини чақмайди-я!..

Устига тўн кийиб, белини камар билан боғлаган Аҳмад иситмаси чиқиб, тили оғзига сиғмай, шишиб турганига ҳам қарамай саркардага ўнг қўли кўксида, таъзим қилди. «Ташаккур!» сўзини айтишнинг иложи йўқ эди.

— Табиб жаноблари! Бу паҳлавонни аробада уйига элтиб, яхши дорулар била шифо беринг!

Улар жўнаб кетгач, Темур Малик Шерюракка имо қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, сардор, «жангга» тушамизми?
— Амрингизга тайёрмен!
— Қилични олинг!

Улар иккови олатўполон ичига кириб кетишди. Ҳокимнинг яна «жангга» кирганини кўрган ноғорачилар така-тумга авж беришди. Жулдур кийимли, бўйнига дўмбира осган йигит ичкарига кириб, яна жазавага тушди. У бақирар, нортуядек оғзидан кўпик сачратарди. Шерюрак билан Темур Малик «жанг»лари жуда ҳам қизиб, ниҳоятда терлаб кетишди. Пайдарпай қалқонга урилаётган қилич саркардани шошириб қўяётгандай, уни аямай ураётгандай кўринди. Бу ноқулай ҳолни кўрган Иброҳим Дўлдай бехосдан Шерюрак қиличига қилич уриб, қўлидан учириб юборди-да, унга хўмрайиб қараб қўйди. Ердан қиличини олиш учун энгашган Шерюрак орқасига қиличнинг ёни билан туширди. Ундан сўнг ўзи саркарда билан «хадис» ола кетди. Саркардага имо қилди. Темур Малик Иброҳимга боқиб, билинар-билинмас кулди: «Иложимиз қанча, жангда ҳеч ким бир-бирига шафқат қилмайди...»

Офтоб ёйилгач, машқ тўхтаб, бир қисм навкарлар «арра» қиличу қалқонларини кўтариб, юзбоши орқасидан боргоҳга, бир қурум кишилар уйларига жўнашди. Темур Малик, Шоҳмурод Қўҳистоний, Муҳаммад Интизом, сардор Олабуқа, Иброҳим Дўлдайлар ҳоким билан бирга қалъага келишди. Темур Малик машқ тугаши биланоқ қолган икки тўннинг бирини «яхши олишган тоғлик навкарга», иккинчисини «ўз саркардасини иҳота қилиш ҳам мардликка киради...» деган маънода Иброҳим Дўлдай устига ёпди. Чарчаган Темур Малик майдондаги машқ-тўполондан кейин отда кетаётганида хаёлига бундан ўн йилча муқаддам Самарқанд ёнидаги Қатвон даштида қорахитойлар бош кўтаргани, уларни бостириб, Самарқандни қўлга киритиш учун бўлган жангни эслади. Ушанда ҳам мана шундай қиличбозликлар бўлган эди...

ТЎРТИНЧИ БОБ

ЕТТИ ГЎДАК МУАММОСИ ВА ИККИ ОНА ДАЪВОСИ

Ушбу саҳифаларда мелодий ҳисоби билан роппа-роса етти юз олтмиш йил бурун Гурганжда бўлган бир воқеа қаламга олинди. Шу йили Темур Малик Хўжандга ҳоким этилиб тайинланган, «иқтоъ»[1] ва сўнг «малик»[2] номи берилишида шаҳзода Жалолиддиннинг илтифоту кўмаги борлиги унга маълум эди. У ўша йиллари шаҳзоданинг яқин дўстларидан бири сифатида ҳарбий машқларда қатнашиб, доимо унинг ёнида турарди. Атайинми ёки тасодифми, ўз ҳушёрлиги билан шаҳзодани бир неча бор фалокатдан сақлаб

---

[1] Иқтоъ — амир ва ҳокимларга бериладиган ер-сув, вилоят ва катта инъом.

[1] Малик — ўн минг отлиққа эга ҳоким.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган. Келтирилган таомни аввал чашнагир тановул этишини таъкидлар, камончилар машқи пайтида четроқда туриши, иложи бўлса, келмаслигини маслаҳат берарди. Туркон хотун уни хуш кўрмаслиги, Узлоғшоҳни валиаҳд ва амакиси Насриддин Маликшоҳнинг ўғли Ҳиндухонни ҳам вақти келиб тахтга чиқариш нияти борлиги ҳам маълум. Шу сабабли саройда Жалолиддиннинг бошқа онаолардан бўлган укалари Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Оқшоҳ, Гурсанжтишоҳ, Ҳуршоҳларнинг махфий тарафдорлари борлиги баъзан Жалолиддинни безовта қиларди. Садоқатли дўсти Темур Маликдан бу гапларни яширмасди. Қорахитойлар билан бўлган ўша жанг, Бухорога қарши юришда катта жасорат кўрсатган Темур Маликка кейинчалик султон ўз қўли билан димишқий шамшир туҳфа этади. Бу иш Туркон хотунга ёқмайди, ўнлаб фарзандлари ва бошқа қиётлик аслзодалар қолиб, Сайҳун ёқасидан келган бир қанғлига шунчалик илтифот кўрсатилиши кампирни ғазаблантиради. Лекин султон онасини юпатиб, бу бир сиёсат экани, шу йўл билан салтанатнинг машриқдаги қалъаларини маҳкам ушлаб туриш кўзда тутилганини билдиради. Бўлмаса Болосоғун томондан қорахитойлар ёки Бадахшон беклари Сайҳунгача бостириб келиши мумкинлигини тушунтиради. Жалолиддинни бувиси, атрофидаги мансабдорлар «Менкбурни», яъни «бурни устида холи бор» деб атардилар. Бу ном Жалолиддинга унча ёқинқирамасди.

Кунлардан бир кун, иттифоқо, султон Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида ҳамма фарзандлари, оға-иниларининг ўғиллари — юз чоғлик аслзодалар тўпланди. Жалолиддин билан Узлоғшоҳ тахт ёнида шоҳга яқин ўтирарди. Бу йиғинда вазири аъзам Низом ал-Мулк ва унинг инниси, лашкарбоши Тоған-туғди ҳам ҳозир эди. Шоҳ катта айвон четида, ўймакор гулдор икки баланд устун оралиғида қатор турган етти гўдакка шаҳзодалар ва ёш соҳибқиронлар диққатини тортди. Гўдаклар тўрт-беш яшар бўлиб, бир хил либос кийдирилган. Уларнинг бўйлари баробар, қош-кўзлари ҳам бир-бирларига жуда ўхшашиб кетарди. Улар қилт этишмасди. Гўдакларга кулиш, гапириш ман этилган, улар атай суратдек қотиб, кўзлари ҳам ўйнамай қимир этмай туришарди.

— Бу гўдаклар ичидан ўғил болалар билан қиз болаларни ажратиб беринглар, — деди тахтда ўтирган султон, ясаниб, виқор билан турган аслзодаларга мурожаат этиб. — Қани, ким менга уларни ажратиб беради. Ёнимга чиқсин! Агар ўртага тушса-ю, уларни ажратолмаса, саройга кириш ҳуқуқидан маҳрум этаман.

Вазири аъзам Низом ал-Мулк билан лашкарбоши бу синовга аралашмасликлари керак эди. Султон катта ўғли Жалолиддинга ҳам боқди. У, елкасини қисиб, жим турди. У отасининг бу ўйинига ҳайратланди. Шаҳзодалар, барча аслзодалар гўдакларга тикилиб, индамай қотишди. Қатор гўдакларга тикилишар, султон одатдагидек яна бир синов ўтказаётганини фаҳмлашарди-ю, отилиб, ўртага чиқишга журъатлари етмасди. Ҳар ҳолда, бу сафар унча даҳшатли — қонли бир синовга ўхшамасди-ю, аммо сархуш сул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тон шаҳзодаларга аждардек тикиларди. Шу лаҳза улуғ Бибининг ишораси билан чертса юзидан қон томадиган, семиз шаҳзода Узлоғшоҳ қўлини ўқ қилиб, тахминини гапирди.

— Биринчи турган гўдак ўғил, иккинчиси қиз бола!..

Султон икки гўдакни ҳам, Узлоғшоҳни ҳам ўз ёнига чақирди, гўдакларнинг иккаласи ҳам қиз бола экани маълум бўлди. Иккала гўдакка ҳам ширинлик бериб, ичкарига киритиб юборди. Узлоғшоҳ хижолат тортиб жойига ўтирди.

— Қани, бу қолган гўдакларнинг қай бири қиз бола, қай бири ўғил бола? Менга аниқлаб беринглар-чи?!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳатто вазири аъзам билан лашкарбоши ҳам кулимсираб, бош қашлашди. Йигитлар бир-бирларига қараб жилмайишди. Жалолиддин ҳам бу иш жиддий экانини англаб қолди. Султоннинг синови илгаригиларидан мураккаброқ кўринди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, бир муддатдан кейин пастроқда чўкка тушиб ўтирган Темур Малик султонга таъзим этди:

— Мен ажратиб берамен!

— Қани, ажрат!

Темур Малик ўрнидан туриб бориб, султон ёнидаги патнисдан бир ҳовуч ёнғоғу ширинликлар олиб, гўдаклар оёғи остига сочди. «Теринглар уни!» — деб гўдакларга кескин айтди. Шу лаҳза гўдаклар ердаги ёнғоқларни ва ширинликларни теришиб, бирлари этакларига, бирлари қўлларига йиғиша бошлади. Гилам устида ёнғоғу ширинликлар қолмагач, Темур Малик ширинлик ва ёнғоқларни этакларига йиққан гўдакларни бир томонга ажратди. Қўлларига, иштонбоғларига қистираётганларни иккинчи томонга ўтказиб: «Булар ўғил болалар!» — деди. Этакларини ушлаб турганларини кўрсатиб: «Булар қиз болалар!» деди.

Дарҳақиқат, бу тўғри чиқди. Паст бўйли, жуссаси кичик, чўққисоқол султон илжайиб: «Офарин!» — деди. Унинг чўққисоқоли, мўйлаби ликиллай бошлади.

Жалолиддин билан Низом ал-Мулк хўжандлик Темур Маликка ҳайратомуз боқиб, жилмайишди. Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Ҳуршоҳ ва юқори курсида ўтирган улуғ бувининг энсаси қотарди. Неваралари нинг нодон бўлиб қолгани улуғ бувини ғазаблантирди.

Худди шундай синов яна бир ойдан кейин бўлди. Ўзини «Хорун ар-Рашид» ҳисоблайдиган Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ жума куни кечга яқин «салтанат кўрки ва заковати» Туркон хотин берган рўйхат бўйича ёш жиҳатдан катта-кичик барча шаҳзодаларни, амакилари фарзандларини, вазири аъзам Низом ал-Мулкнинг ўғилларигача, Шаҳобиддин Хивақий неваралари ҳамда қозикалон бошчилигида бир неча шаҳар қозиларини ҳам тўплаб, ўзи улкан ганчин оқ хона юқорисидаги тахтига чиқди. Шундан сўнг қозикалонга боқиб, мана энди муаммони ечамиз, деди. Бола важидан шикоят билан келиб, ўртага ўлимни қўйиб, султонга мурожаат этган икки аёлни хонага олиб киришди. Бу муаммони эшитган султон ўта қизиқсинган эди. Бола талашаётган икки она султон ҳузурига олиб кирилиб, кўрсатилган жойга туришди. Юзла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рига чодра тутган аёллар султонга, аъёнларга эгилиб салом беришди. Улар олдида яхши кийинтирилган уч яшар бола тик турарди. Бир аёл, бу менинг болам, деса, иккинчиси, бу менинг болам, деб йиғларди. Чақалоғи тетапоя бўлиб, ёшига тўлганида йўқотганини, султондан ўз боласини у хотиндан ажратиб олиб беришини сўрарди. Иккинчи она ҳам бу унинг боласи эканини, ўзи туққанини, бу хотин ноҳақ даъво этаётганини айтарди. Қозилар ҳар қанча суриштирсалар ҳам, тагига етолмаган эканлар. Бу гап қозикалон орқали Низом ал-Мулкка етиб, у бу гапни эрмак учун султонга айтган эди. Бу гап унинг диққатини тортиб, бир оғиз сўз билан муаммони ҳал қилмоқчи бўлди. Лекин у шаҳзодаларни яна бир синаб кўрай деган хаёлда муаммони улар ҳукмига ҳавола қилди. Оналарнинг иккови ҳам, «бу менинг болам, бу менинг болам!» — деб зор-зор йиғлашарди.

— Бу муаммони ким ҳал этади? Бола кимники? — дея султон аслзодаларга боқди.

Ёш аслзодалар жим, ўртага сукунат тушди. Икки она ҳам жавдираб, ҳокимлар ҳукмига илҳақ турардилар.

— Агар менинг болам унга берилса, мен ҳам бунга юрагим ёрилиб ўламан! — деди аёллардан бири.

— Агар менинг болам унга берилса, мен ҳам бунга чидолмай, ўзимни Жайҳунга ташлайман! — деди иккинчи она.

— Шаҳзодалар! Қани, айтинглар, бу кимнинг боласи? — деди чўққисоқол, жуссаси кичик, мажмағил султон илжайиб, унинг гапи билан кулгиси ҳамоҳанг бўлмасди. Унинг оғзидаги сўйлоқ тишлари ҳам кўриниб кетди. — Мен сизларни синаб кўрмоқчимен. Қайси бирингиздан ақлли фикр чиқиб, бу муаммони ҳал этадурсизлар. Гўдак кимники?

Шаҳзодалардан яна садо чиқмади. Ҳаммалари оғзиларига толқон солгандек индамай ерга қараб ўтира беришди. Султон ва вазири аъзамнинг салобати босди. Жалолиддин ҳам бир гувраниб, сўз демоқчи бўлди-ю, яна кулимсираб сукут сақлади. Кўзлари ёниб, ҳамма ёшларни ақлсизликда масхаралаб, илжайиб ўтирган султон қозикалонга бош чайқаб қўйди. Шу лаҳза кенг хона этакроғида, аслзодалар орқасида ўтирган Темур Малик яна ўрнидан туриб, султонга таъзим қилди.

— Бу муаммони мен ечамен...

Султон ҳайратланиб, аввалги муаммони ҳам ечган ёш Хўжанд ҳокимига боқди. Хонадаги барча тўпланганлар ҳам Темур Маликка боқишди. Унинг отилиб чиққанига ҳаваслари келди. Бу, жасоратга ҳам ўхшади.

— Қани, айт! — деди султон.

— Улуғ султон! Мен айтган сўз шу ерда бажо келтирилса, шундагина бу боланинг онаси кимлиги маълум бўлади.

— Айтганинг бажарилади! Айтганинг — ҳукм! — деди султон қатъий туриб.

— Болани қилич билан икки бўлакка бўлиб, ярмини бу хотинга, ярмини у хотинга бермоқ лозим! Бошқа йўл йўқ! — деди Те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мур Малик ва қиличини ғилофидан суғуриб, болага яқинлашаётган эди, бир хотин жим қараб турди, иккинчи она бирдан дод солиб юборди. У султонга ёлвориб:

— Бундай қилманглар, майли, мен кечдим. Бола уники! Болани ўлдирманглар! Мен кечдим! Болани у аёл олаберсин, — деди.

Бу лаҳза боланинг чинакам онаси аниқ бўлган эди. Темур Малик қиличини ғилофига тиқди, болани йиғлаб чиқиб кетаётган хотинга бердилар.

Султон илжайиб, сўйлоқ тишини кўрсатиб, одатдагидек «офарин!» ишорасини қилди.

Аслзодалар Темур Маликнинг қилич солишига, найза уришига тан беришган эди-ю, унинг бунчалик тадбиркорлигини билишмасди. У кўп вақт Жалолиддин ёнида юришининг, шаҳзода нега уни ёқтириш боисини ҳам билиб олишди.

БЕШИНЧИ БОБ

ВИЖДОН ТАЪҚИБИ

Бу воқеага анча йиллар бўлганлигига қарамай, ҳамон Темур Маликнинг ёдидан чиқмасди. У эндигина йигирма бир ёшга кирганида султон лашкари билан Гурхон лашкарига қарши жангда қатнашган. Сувлиғини чайнаб, йўлбарсмонанд тишларини кўрсатиб, эгаси билан биргаликда жанг қилаётган от жилови тортилгач, бошини чапга буриб, яна душманга ташлана бошлади. Қалқонини ўнг қўлига олган Темур Малик олатўпалондан бир оз четга чиқди. Сўнг кимгадир тикилди-да, от биқинига ниқтаб, югуришга ундади. Отдан йиқилиб, пиёда чопиб кетаётган бир одамнинг кетидан қувди. Унинг бир қўлида қалқон, бир қўлида қилич, жанг олатўполонидан узоқлашиб, дамо-дам орқасига қайрилиб қараб, қочиб борарди. Темур Маликнинг оти ҳаллослаб пишқирар эди. Ўзининг ўнг биқинидаги жароҳат аввал сезилмаган бўлса ҳам ҳозир оғрий бошлади. Агар у эпчиллик билан шу лаҳзада найзадорнинг елкасига қилич солмаганида аҳволи ночор бўларди — найза санчилиб, отдан қулаши аниқ эди. Бу жароҳат борган сари оғриқ бериб, Темур Маликнинг ғазаби жунбишга келди. Унинг жангдан чиқиб кетишга ҳаққи йўқ! Аввал унча сезилмаган оғриқ борган сари кучайиб, ҳолдан тойдира бошлади. Жангдан сурғилиб қочаётган кимсанинг орқасидан қиличини ярқиратиб қува бошлади. Қочаётган пиёда ўқтин-ўқтин орқасидан қувиб келаётган Темур Маликка қайрилиб қараб қўяр, яна ҳам тезроқ югуришга, дўнглик орқасига яширинишга интилар эди. Қўрқув ичида илонизи қилиб, дам ўнгга, дам чапга бурилиб, отлиқни чалғитмоқчи бўларди. Темур Малик жуда яқинлашиб келганида қочоқ қўлидаги қиличи билан қалқонни ерга ташлаб, чўккa тушиб ўтириб олди. Оғриқ аламида шамолдек учиб келган Темур Малик шилт эткизиб қилич солиб ўтди. Ўн қадамча юриб, қайрилиб орқасига қараган эди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

танадан узилган калла ерда думалаб ётганига кўзи тушди. Бадани жимирлашиб кетди. У биринчи бор қилич солиб, инсон калласини узиши эди. Рақибининг узилган калласи сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшаб, оғзини каппа-каппа очаётганини ҳам кўрди. У оқ аралаш қора соқолли кекса бир одам экан... Ёш сарбознинг юрагига қўрқув тушди: «Жангдан чиқиб, қочаётган одамни ўлдиргани тўғри бўлдими? Тўғри! — деди у ўзига ўзи хитоб қилиб. — Агар мен уни ўлдирмасам у менинг калламни узарди! Бу — жанг! У ҳам бир карра ўлимни бўйнига олиб жангга кирган». Лекин унинг кекса одамлиги, яроғини ташлаб, ерга ўтириб олгани юрагига ғашлик солди:

— Эҳ, қилич ушлаб, бир-икки олишганида яхши бўлармиди...

Кесилган бошга қараб туриб, биқинидаги оғриғини ҳам унутди. Кейин у оти жиловини яна жанг олатўполони томон буриб, сарбозлар ичига кириб кетди. Шарақ-шуруқ қилич солишлар авж олган. Лекин кўз олдида ўша узилган оқ аралаш қора соқолли калла турарди. Нима, у ўзи жангчими, жангчи эмасми? Елкасидаги тарвузмидики, бир селпишда узилиб тушса? Сал-пал ўзини ҳимоя қилиши керакмиди, йўқми?! Қалқон тутмайдими? Қандай кимсаки, ўз рақибига шундай бўйнини тутиб беради?!

Бир муддатдан сўнг, ўша боши узилган оқ-қора соқолли кекса одам отига мингашиб, узун қўллари билан маҳкам қучоқлаётгандай бўлиб туюлди. Темур Маликнинг баданлари жимирлашиб кетди. Қайрилиб, орқасига қараган эди, чанг-тўзон ичида у тиржайиб қараб, оғзини каппа-каппа очаётгандек кўринди. Яна бадани жимирлашиб кетди. Шу лаҳза у ғойиб бўлди. «Кекса одам, эҳтимол, бола-чақалари кўп, аёлманд бўлса ҳам уни зўрлаб олиб келиб, жангга солгандирлар, — деди ичида. — Ёки унинг руҳи таъқиб этаётирми?» Олатўполон, қилич солиш, ҳамла қилиш авж олганида кесик калла ғойиб бўларди-да, сал-пал четроққа чиқиб, нафасни ростлайман деганида оти орқасида пайдо бўлиб, Темур Маликка илжайиб тикилиб турарди. «Мен уни нега ўлдирдим, деб афсусланди Темур Малик. Эҳтимол, у девонадир?»

У баъзан Ахраман девдек жуда ҳам улкан ва қўрқинчли бўлиб, орқасидан отига мингашиб, белидан маҳкам қучиб олгандек бўларди. Безовта бўлиб, ўнг, чап елкасига бошини буриб, унга қарагач, оқ-қора соқолли кесик калла кўздан ғойиб бўларди.

Жангдан сўнг ўз боргоҳига қайтиб келган Темур Маликнинг тани қўрқувдан титрар эди. Беомон жанг тўполони ичида ҳам мутлақо ўлимдан қўрқмаган Темур Малик юрагига негадир ногаҳоний ваҳима тушиб, арвоҳнинг таъқиби юракка ларза солди. У чинакамига қўрқа бошлади. Унинг оқ-қора соқоли, занжилардек япаси бурни, сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшаб, оғзини каппа-каппа очиб туриши ўша кесилган бошнинг айнан ўзи! Демак, жангда қилич солиб, жонига қасд қилмаган, яроғини ташлаб қочган кимсани таъқиб этиб бориб ўлдириш — гуноҳ! Мана унинг арвоҳи Темур Маликни таъқиб этиб, ундан ўч олмоқ мақсадида зир югуриб юрибди... Темур Малик биқинидаги жароҳат зирки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раб, иситма берар, унинг кўзлари тиниб, нохушлик авж ола бошлади.

Энди нима қилмоқ керак?

Қоронғилик чўкиб, икки томонда карнайлар чалиниб, ўз қўшинларини боргоҳ томон чақириб олишгач, кетмон, замбил ушлаган, гўрковлик вазифасини бажарувчи йигирмадан ортиқ киши икки томондан майдонга тушиб, ўз одамлари жасадларини таниб, четга олиб чиқишди. Ўз қуролларини танлаб йиғиб олишди ҳам. Ярадор отларни ушлаб, боргоҳ томон олиб кетишди. Эрта билан тонг отиб, офтоб чиққач, гўрковлик қилувчи бир қисм кишилар ўликларни жанг либосида тупроққа топширдилар. Бу пайтда яна икки томон бир-бирларига ҳужум бошлаб, кенг майдонда олатўполон, отлар чинқириғи, қиличлар шарақ-шуруғи, қалқонларга урилган найзалар овози авжга минди... Сарбозларнинг ниҳоятда тинкаси қуриган. Тарақа-туруқ, амуд-гарон, санги осмон... бўлиб турганда яна Темур Малик орқасидан кимдир маҳкам қучоқлагандек бўлди. У қайрилиб, орқасига қаради: дарҳақиқат, ўша оқ-қора соқолли кесик бош орқасида, отига мингашиб, белидан маҳкам қучоқлаб турарди. Темур Малик жонҳолатда қичқириб, наъра тортиб, орқасида илжайиб турган каллани итқитиб ташлади. Рўпарасидаги шамшир ҳавола қилаётган рақибининг оти ҳам чўчиб, олдинги икки оёғини кўтариб осмонга сакради. Темур Маликнинг бу ғайритабиий наъраси душманни саросимага солиб, у қиличини ҳавода ушлаганча «телба сувори»га тикилди. Кейин зарб билан қилич солди. Ўткир яроғ қалқонга тегиб, қарсиллаган овоз чиқди. Бу зарб Темур Маликни ҳушига келтирди, орқасидаги кесилган бош ҳам кўздан ғойиб бўлди. У ўзини ўнглаб, бошини мўлжалга олиб турган қорахитой суворисининг чап томонига ўтиб, ҳужумдан ўзини сақлади. Бояги туришда рақиб эпчиллик қилиб, довдираётган Темур Маликка зарб билан қилич солганда унинг боши олмадек узилиб ерга тушиши аниқ эди. «Ўзи бир асради», деди Темур Малик ўзига ўзи. Рўпара келган суворига қилич ҳавола қилар, қалқонлар тарақлар, аммо гоҳ-гоҳда орқасига ҳам қараб қўярди — оқ-қора соқолли яна белидан қучоқлаб ўтирибдими, йўқми?.. Офтоб тиккага келгунча жанг бўлди. Пешиндан кейин султон лашкари устун келиб, қорахитойлар дарёни кечиб қочди.

Жанг тугади. Ёш соҳибқирон «султоннинг музаффар туғи» остида, саркарда Шаҳобиддин Хивақий раҳнамолигида аввал Самарқандда, ундан сўнг Бухорода тўхтаб, кейин Жайҳун ёқалаб, асъаса ва дабдаба билан бир ой деганда Гурганжга кириб келишди. Самарқандда амир берган зиёфатдан кейин бир неча ўнбоши, юзбошилар ўз боргоҳларига қайтишди. Чарчаган Темур Малик иттифоқо ўз чодирига киргач, қоронғиликда оқ-қора соқолли кесик бошнинг муаллақ турганига кўзи тушди. Унинг аъзойи бадани жимирлашиб, чодир ичида қотиб қолди. Белидаги ханжарга қўл юборишига ҳам мажоли келмади. Бадани муз бўлиб, совуқ тер чиқиб кетди. Ерга қараб турган кесик бош бирдан Темур Маликка

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикилди. У ҳеч нима демай шу турганича қараб тураберди. Унинг кўзлари баъзан мушукнинг кўзидек ёнарди. Темур Малик чодир ичидан қайтиб чиқиб кетишини ҳам, кетмасини ҳам билмай, қотди. Лаблари сўзга келмай гунг бўлди. Шу турганча туриб, ерга гурс этиб йиқилди. Чодирнинг бир томони лопиллаб, бир нима гурсиллаб тушганини сезган ён чодирдаги дўсти Муҳаммад Интизом билан Шерюрак Шошийлар дарҳол Темур Малик ёнига чиқишди. Уни ердан кўтариб, жароҳати азоб бераётган бўлса керак, деган хаёлга боришган эди, у сапчиб оёққа турди:

— Бу ерда ётмаймен! Олиб кетинглар, бир ўзим ётмаймен! — деди у дўстларига.

— Соҳибқирон, тўшагингизни олиб чиқайлик, майли, гаплашиб ётамиз!

— Жароҳат азоб берадурми? — деб сўради Шерюрак Шоший.

— Йўқ, — деди Темур Малик телбалардек кўзи бежо бўлиб. Унинг ҳуши ўзида эмас эди. — Мени қора соқолли бош таъқиб этадур. Келсам, тўшагим устида турган экан. Бир оздан сўнг унинг жасади ҳам пайдо бўлиб, тўшакка ўтирди. Менга тикилганча тураберди. Орқамга қайтиб чиқишга илож бўлмай, ҳушим кетиб йиқилибмен.

Темур Маликнинг кўрпа-тўшагини кўтариб кирган Муҳаммад Интизом ҳам бу гапларни эшитиб, ҳайрон турган эди, Темур Малик унга мурожаат этди:

— Сиз уни чодир ичида кўрмадингизми?

— Йўқ...

— Мушук кириб қолган, — деди Шерюрак, — у сизнинг кўзингизга одамга ўхшаб кўринган.

— Азизим, мушук эмас, у мени таъқиб этадур! Мен, бегуноҳ сарбоз қочаётганида қувиб бориб ўлдирган эдим. Виждоним менга тинчлик бермаётур. Кўзимга дамо-дам кўринади.

Шерюрак Шоший билан Муҳаммад Интизом Темур Малик чодирига кириб, у ёқ-бу ёққа қарашди. Шундан сўнг яна соҳибқирон ёнига келиб, «ёсин» ни ўқиб, ўзига дам солишни эслатишди. Гурганжга етиб боришгач, жонлиқ сўйишни, ўзини ўқитиб юборишни тайинлашди. «У, дарҳақиқат, зўрлаб келтирилган кимса бўлиши керак, болаларини ўйлаб, қочаётган пайтида калласи узилган», — деди Шерюрак.

— Қорахитойлар бизга қанча зулм етказди, жангга киргандан сўнг ё ўлади, ё ўлдиради, — деди Муҳаммад Интизом, — соҳибқирон, тўғри қилгансиз! Агар биз ўлдирмасак, султон лашкари бундай музаффарият қозонмас эрди.

Уч йигит шу кеча ухламай чиқишди. Азонга яқин кўзи илинган Темур Малик бирдан алаҳлаб, ғўлдираб, уйғониб кетди.

Яна ўша оқ-қора соқолли бош ётган ерида кўкрагига миниб, жон-жаҳди билан бўғаётган эмиш...

Қўлга тушган қорахитойлар хони Улусхон султон Муҳаммад Хоразмшоҳ фармони билан шу лаҳзанинг ўзидаёқ бошн узилиб, молу мулки талон-торож этилди. Бир қисм қорахитойлар Шарқий

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркистон томон қочишди. То Талас наҳри бўйларигача қувиб боришди. Улусхон қўшини қорахитойларнинг сўнгги бўлаги эди. Қатвон жангида Темур Малик икки отлиқни найза санчиб, отдан қулатди. Даштда яна икки отлиққа қилич солиб, сафдан чиқарди. Бу, албатта йигирма бир яшар абжир йигитнинг баҳодирлиги эди. Бу иш султоннинг қулоғига ҳам етиб борди. Унинг ўз ўғли Жалолиддин ҳам бир неча ғанимни ер тишлатгани, паҳлавон энг олдинда ўз лашкари билан душманни Зарафшонгача қувиб бориб, қириб ташлагани султонга маълум эди. Қатвон даштидаги ғалаба-ю, султоннинг Самарқандга оқ отда кириб бориши, қорахитойларни буюк шаҳар тупроғидан ҳайдаб чиқариш тантанасида султонга «ғозий» номи берилди. Шаҳзода Жалолиддин саркарда номига сазовор бўлди. Қўпгина юзбоши, элликбоши, ўнбошилар қатори Темур Маликка ҳам димишқий қилич ва кумуш камар туҳфа этилди. Султон уни боргоҳига чорлаб, димишқий қиличини ўз қўли билан топширди.

Бу одамлар ҳозир Темур Малик хаёлидан ўтди. Султоннинг инъомига сазовор бўлиш ва буни султон ўз қўли билан топшириши — катта воқеа. Хўжандлик Маҳмуд Малик ўғли Темурнинг салтанатга садоқати кейинчалик Хўжандга ҳоким этиб тайинланишига асос бўлган эди. Бу девқомат йигитнинг «Худованди жаҳон» — Туркон хотунга итоаткорлиги, унга доимо қўли кўксида, саломини канда қилмаслиги, айниқса ҳамиша бургутдай чақнаб туриши қаҳри қаттиқ Туркон хотуннинг диққатини ҳам жалб этган эди.

Темур ўша йиллари Гурганжда, саройдаги катта базмда Нигина исмли бениҳоя гўзал ёш раққосани кўриб, оғзи очилиб қолган эди. Бу қиз асли Конибодомдан нари, тоғ оралиғи, Исфара дарёси бўйидаги Воруҳ қишлоғидан бўлиб, устод Ота Муҳаммад деган кекса созанда тўпида юришини, фақат катта базмларда ўз санъатини кўрсатишини, уларнинг тўпида икки-уч ҳинд созандаси, раққосалари, Шомдан катта пул эвазига келтирилган араб хонандалари ҳам борлигини суриштириб билди. Уларнинг яна бирини — Бинт-Занкижа дейишар экан, Султон уларга катта пул тўлаб, инъомлар бераркан. Созанда устод Ота Муҳаммад ҳимоясидаги бу хонанда ва раққосалар — саройга тааллуқли, ҳар қандай базмларга борабермас эканлар. Айниқса эндигина балоғатга етган тоғ малаги Нигина Абдул Саид қизи ниҳоятда эҳтиёт сақланар, устод Ота Муҳаммад сўзидан чиқмас экан. Ёш раққоса кўзларидаги фусун, ҳарир ипак кўйлак ичида ним кўринадиган беқиёс гўзал қадду қомати, шаҳзодаларни, саркардаю катта мансабдор шахсларни «беш кетгазган», бутун молу мулкларини тўкиб, мансабларидан кечиб, шу қизга эга бўлишга тайёр кимсалар йўқ эмас экан. Аммо султоннинг ханжари бурро айғоқчилари, жазо берувчи яширин сипоҳлар, сардор Аёз қўлига тушишдан чўчиб, унга тикилиб қарашга, гап отишга ҳаддилари сиғмас, қўрқишар экан.

Нигина очиқ юрар, хушмуомалалиги, тоғликларга хос эрка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаддодлиги, бари бир, аъёнлар диққатини тортар, ҳирсларини қўзғарди.

Нигина эса, мункиллаб қолган устод Ота Муҳаммаднинг ўз қизидек эмин-эркин ва дахлсиз юрар, анча-мунча ҳуқуқлари ҳам бор эди. Баъзиларнинг айтишича, султон туҳфа этган тилло тангаларни Нигина ўктамлик билан устодига топширар экан. «Менинг отам қазо этганлар, Ворухда биргина онам бор, бу тиллолар менга нега керак?» — дер экан.

Нигина ўз санъати билан маст, фақат шу рақс учун туғилгандек, шу рақс борлиги сабабли тирик юргандек кайфиятда эди. «Тақдир ҳар бир инсонга бир ҳунар берган, менга рақс этмоқни...» — дерди у. Баъзан оқ кабутар кўксидек кўксини, нигичка белию елкаларини, қўлларини ўйнатганида, йигитлар чидаб туролмай, дод деб юборишарди. Султон ҳам бир куни унга тикилиб туриб: «Бу — мўъжиза, бу — тупроқдан яралган одам эмас... Бу самовий бир мўъжиза», — деган. Базмларни обод қилиб турган бу «мўъжиза» дан маҳрум бўлмаслик, овунишга ундан ҳам аъло канизаклари борлигини кўнглидан ўтказган султон Нигинани ўз ҳарамига тортишдан воз кечди. Фалакнинг гардиши... буни қарангки, кейинги йилларда шаҳзода Жалолиддин билан ога-ини мюнанд, Гурганжда юрган хўжандлик сардор Темур Малик Нигина диққатини жалб этди. Султон ўғилларидан на Узлоғшоҳ, на Ниршоҳ ва на Жалолиддин раққоса диққатини жалб этган эди. Бу шаҳзодалар ҳам раққоса Нигинани кўрганларида кўзлари ўйнаб, бағирлари ёнарди. Аммо хўжандлик Темур шаҳзодалардан устунроқ чиқди, унинг қайси бир феъли раққоса диққатини тортди. Кунлардан бир кун устод Ота Муҳаммаддан рухсат сўраб, ўз энагаси билан бирга «хўжандлик соҳибқирон йигитни» ҳовлига таклиф этди. Бу соҳибқирон Сайҳун бўйидан бўлгани, унинг қаеридир Ворухда қолган ўз оғасига жуда ўхшашлиги бу қарорга келтирганди. Сардорни кўрса, узоқда қолган ёлғиз оғасини кўргандек бўлишини устодига тушунтирди. Устод бу илтимосни қабул қилиб, ходимларига дастурхон тайёрлашни буюрди. Хонандалардан бири Темурни устод ҳовлисига таклиф этиб келди. Бу таклифни жондили билан қабул қилган Темур Малик устодга ва раққосага яхши инъомлар олиб, қадрдони Шоҳмурод Қўҳистоний билан ўшанда устод ҳовлисига меҳмонга борган эди. Созандалар икки меҳмонни эшикда навозиш билан кутиб олиб, ичкарига бошлашди, дастурхон устидаги қуюқ суҳбатдан сўнг, созандалардан бири танбур чертиб, устоднинг ўзи наво қилди. «Бизлар димишқий қилич инъом этмаймиз, қўлимиздан келгани шу...» — деди устод Ота Муҳаммад.

Ҳеч қандай рақс бўлмади-ю, бошқа аёллардек кенг ипак кўйлак кийиб, юзига парда тутган Нигина меҳмонлар ёнига чиқиб, эгилиб салом берди. Бир муддат чўкка тушиб ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашди. Узининг Хўжанд атрофидаги — тоғ оралиғидаги Ворух қишлоғидан эканини айтди. Бу меҳмондорчилик атай Темур Малик учун бўлаётганини, бундай учрашувлар яна бўлмоғи мушкул

www.ziyouz.com kutubxonasi

эканини фаҳм этган Шоҳмурод Кўҳистоний: «Мен ҳозир келамен», — деб дарҳол ўрнидан қўзғалди. У чиқиши билан Нигина юзидан оқ ҳарир пардани кўтарди-да, Темур Маликка мурожаат қилди:

— Муҳтарам сардор, сиз менинг оғамга жуда ўхшайсиз. Сизни узоқдан кўриб таажжубландим... Сиз билан бир оғиз сўзлашмоққа муштоқ эдим. Мана, ниятимга етдим.

Унинг овози ҳам ниҳоятда чиройли экан, Темур Малик маст бўлиб, ўзини йўқотди.

— Мен... — деб Темур Малик ҳаяжонланганидан ғўлдираб қолди. — Мен... сиз билан бир оғиз сўзлашмоқни орзу қилардим. Сиз ўз журъатингиз билан мени мафтун этдингиз...

— Оға, мен шаҳзодаларнинг хушомадларидан зерикканмен. Балиқ сув билан тирик, мен рақс билан... Фақат рақс билан! Бу ҳунаримсиз ўзимни тирик ҳисобламаймен. Ўз юртимни соғинганмен. Бош олиб кетгим келади. Аммо илож йўқ. Устоднинг меҳр-муҳаббати устун келиб, бу қулликда ҳам ўзимни саодатли ҳисоблаймен...

Бу билан Нигина мени Хўжанд томонга олиб кетинг, демоқчи бўлаётгандай туюлди Темур Маликка. Бу, албатта, унча тўғри эмас эди.

Темур Малик жавоб қилди:

— Она юртни соғинмайдиган ким бор! Агарда у томонларга борсангиз бошимиз осмонга етарди. Сиз, маликани Хўжандга таклиф этамен. Сизнинг санъатингизнинг мафтунимен. Агар ҳаддим сиғса, йўлингизда Мажнундек нолавор эканимни, бутун Хўжандни, барча мулку мартабамни биргина рақсингизга нисор этардим. Бу сўзлар юракдан. Ворух тоғларидан чиққан гавҳар Жайҳун қумликларига тушиб ётибди...

Хомуш Нигина бирдан чақнаб кетди. Темур Маликнинг барваста қоматига тикилди. Кулди.

— Сизни соҳибқирон атардим, сиз — шоир экансиз...

— Фозил кишиларга, шоирларга бениҳоя эҳтиром тутадурмен, тафаккур ва санъат — инсонга берилган инъом. Бусиз инсоннинг ўзга жонзоддан фарқи қолмасди. Бу, шайхулраис Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий зоти покларидан қолғон фикр, малика. Менинг дўстим бадахшонлик Шоҳмурод Кўҳистоний «Алиф лайло ва лайло» ни ҳам, «Калила ва Димна» ни ҳам яхши мутолаа қиладур. Хўжанд мадрасасида етук мударрислар талабаларга илм ўргатадур...

— Соҳибқирон, сизнинг толиби илм ва маърифатга хайрихоҳлигингиз таҳсинга сазовор.

Темур Малик ерга қаради. Унинг ортиқ мақтаниб юборганидан ўзи хижолат бўлиб турганини сезган Нигина давом этди:

— Шаҳзода Узлоғшоҳ кўп вақт айшу ишрат билан вақт ўтказади. У фақат қиличи ўткирларни кучли инсон ҳисоблайди. Унинг суҳбатида юрагим сиқилиб кетади. Маърифатдан ғоят узоқ, у рақсни ёки устод танбурининг ноласини сезмайди, у — ҳирсий

www.ziyouz.com kutubxonasi

туйғу қули. Шаҳзода Жалолиддин эса, инисининг акси. У зот устод Ота Муҳаммадга кўп ғамхўрликлар кўрсатган, мени Бинт-Занкижани ва бошқа раққосаларни баъзи улуғ зотлар чангалига тушишдан асраган. Шаҳзода Жалолиддин бизни ҳимоя қилади, «саройдаги созанда, хонанда ва раққосаларга кўз олайтирган кимсанинг ким бўлишидан қатъий назар, боши узилади! Бу, олий ҳазрат ҳукми, мен шу ҳукмни бажарамен!» деган. Ҳатто султоннинг ўзи ҳам бу ошкор айтилган сўзни эсласа керак, ўғлидан ҳайиқади. Бундай ҳимоя бизлар учун ниҳоятда зарурлигини ўзингиз сезсангиз керак. Аҳли адаб, аҳли илмга ҳомийлиги, сиз, соҳибқиронни эслатади. Бизнинг тўдамизда шаҳзодага нисбатан беиҳоя эҳтиром сақланадур. Бу ҳол Гурганжда баъзи кимсаларда ҳасад қўзғатгон. Начора. Баъзан улуғлар дилхушлиги учун хизмат этамиз, аммо бунинг орқасида соядек таҳлика ҳам турганини сезамиз. Шаҳзода Жалолиддин каби бизга нисбатан инсофли кишиларга суянамиз, уларнинг борлиги бизнинг бахтимиз. Сиз, соҳибқирон, оғамни эслатасиз, унга ўхшайсиз. Хўжандга кетаётганингизни эшитиб, устод рухсати ила бунда таклиф этдик. Шукр, сиздек бир яхши, санъатпарвар соҳибқирон суҳбатида бўлдим...

— Бу сўзларни мен, сиз, малика шаънига айтмоғим керак эди, — деди Темур Малик гапи-гапига қовушмай, гўзал Нигина рўпарасида довдираб. — Сизни кўриб, бошим осмонга етди. Ўлаўлгунча сизнинг ёдингиз билан бўламен...

— Дўстингиз Кўҳистоний ҳазратларини чақирайлик, у зот ҳовлида, гуллар сайрида, — деди Нигина ўрнидан туриб.

Нигина устод Ота Муҳаммад, Шоҳмурод Кўҳистонийни ва яна бир Насриддин отлиқ созандани дастурхонга таклиф этиб, ўзи ичкарига, энагаси ёнига кириб кетди.

Улар ширин таомлардан тановул қилишиб, қош қорайгач, ҳовли эгаси устод Ота Муҳаммад ва Нигина, энагаси, созандалар билан хайр-хўшлашиб, отларига минишди.

Бу суҳбатдан сўнг, ҳафта ўтгач, Темур Малик ўз сафдошлари билан бирга Хўжандга жўнаб кетди.

Орадан йил ўтди. Аммо раққоса Нигина Темур Малик кўз олдидан нари кетмади. Уни қаттиқ севиб қолган эди Хўжанд ҳокими! Баъзан уни хаёл олиб қочиб, андуҳ юрагига чанг солганида, Хорун ар-Рашиддек[1] қўлидаги гавҳар кўзли тилла узугига тикиларди. Бу узук кўзлари ичида бир раққоса тасвири бўлиб, уни савдогарлар Ҳиндистондан келтириб Гурганжда шаҳзода Жалолиддинга сотишган. Шаҳзода эса, дўстлик рамзи сифатида уни Темур Маликка туҳфа этган эди. Бу узукдаги ҳинд раққосаси тасвири унга Нигина бўлиб кўриниб, узоқ Гурганждаги севикли раққоса узук ичида гўё унга ғамза қиларди...

---

[1] Ривоятларга кўра, Хорун ар-Рашид юрагига андуҳ тушга[illegible] қўлидаги узуги кўзларига боқар экан. Қ[illegible]ммат[illegible]ҳо тошга «инам мегузар[illegible]» яъни «бу ҳам ўтади...» деб ёзилган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОЛТИНЧИ БОБ

ТАЪМИР ВА ИСТЕҲКОМ

Жума куни тонготардаги ҳарбий машқ анча кечикди, қалъа билан дарё оралиғидаги кенг майдонга лашкар тортилиб, катта доира ясалди. Лекин негадир ноғоралар така-туми, бўйнига дўмбира осиб олган жулдур кийимли йигитнинг жазавада оғиз кўпиртириб, дўмбира чалиши эшитилмасди. Отлиқлар ерга тушиб, орқароққа ёйилиб ўтишди. Икки томонда икки ўқ-ёйга ўхшаб, салоҳу камонларини тақиб, белларини сиқиб боғлаб олган йигитлар ўз юзбошиларига итоат сақлаб шай турардилар. Лекин ҳамманинг хаёли бундай йиғинларга файз киритадиган, ҳарбий машқ пайтида кичкина бир хато бўлса қайтадан ишни бошлайдиган, сарбозлар билан яхши муомала қиладиган Темур Маликда эди.

У йўқ...

Фуқарони ҳушёр бўлишга чақириш, мабодо Кучлукхон ёки қорахитойлар ҳужум қилгудай бўлса, лашкар пароканда бўлиб кетмаслигини, фуқаронинг бир тану бир жон бўлишини гап, панду насиҳат билан тушунтириб бўлмаслигига кўзи етган Темур Малик бошқачароқ йўл тутди. Шу ҳафта ичи қурол-аслаҳани, кифтига султон белгиси чатилган тўнни ечиб, ярим кечада Дашти Қипчоққа қочган икки йигитни тутиб келишган эди. Уни сардор Муҳаммад Интизом кишилари Ахсикат йўлида қўлга туширишибди. Уларнинг ёнларидан анча-мунча тилла тангалар чиқибди, сўроқ ва тафтиш маълумотига кўра, бу икки йигит Талас дарёси бўйида, бозорда Найман мансабдорлари билан учрашишлари, Хўжанд лашкари, истеҳкомлари ҳақида кўрган-билганларини гапириб беришлари керак экан. Шундан сўнг яна минг тилла танга олар эканлар. Бу аҳволни сардор Муҳаммад Интизом шу куниёқ Темур Маликка етказди. Бу икки қочоқ орттирган ақчаларига ўша томонда мўйна моллари сотиб олиб, ота касблари — савдогарчиликни давом эттирмоқчи эканлар...

Темур Маликнинг ҳадеб ҳарбий машқни кучайтиргани ҳам бир бўлди, лашкар ичида хоинлар борлиги ҳам бир бўлди.

— Лашкар қуртлаган олмага ўхшаб қолибди, — деди қалъа олдида отга минаётган Темур Малик, дарғазаб бўлиб, — наҳотки, биз буни пайқамадик?

— Саркарда, мени маъзур тутинг. Қўшин соғлом! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, аҳвол жуда ҳам жиддийлигига қарамай, ҳокимга эътироз билдириб.

Кеча фармон берилиб, Хўжанд қўшинининг бир қисми, яъни суворилар бозор майдонига бориб саф тортиб туриши, шаҳар аҳли, узоқ-яқин жонибдан келганлар, айниқса, савдогарлар майдонга тўпланиши, хотин-халаж, болалар бўлмаслиги маълум қилинган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрта тонготардан бошлаб, бугун — жума бозор бўлганлиги сабабли майдон кўчаларига одам тўлиб кетди. Дўкондорлар дўконини ёпиб, каппондагилар қопу тарозусини бекитиб, мискарлар ўчоқни ўчириб, болғани қўйиб, майдонга югуришди. Ҳамма ҳаяжону ҳайратда, нима гап, нима бўлади, деб бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан сўрашарди. Оқсоқол елкасини қисиб, уларга бир сўз айтолмасди. Дарҳақиқат, унинг ўзи ҳам ҳеч нарсани билмасди. У, ҳоким фармонига бўйсуниб, тўпланган оломоннинг энг олдида пакана бўйини тик тутиб, қўл қовуштириб турарди. Орқада, кенгликда мингга яқин суворининг оти ер тепиниб, сафда тизилган. Бугунги фавқулодда бу тўпланиш сабабини олти киши — ҳоким, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший, сардор Олабуқа, Муҳаммад Интизом ва Иброҳимдан бошқа ҳеч киши билмасди.

Бир муддатдан кейин майдон четида, ерга қизил гилам ташланиб, устига бир курси қўйилди. Ўртага қўллари орқасига боғланган икки қочоқ йигитни бошяланг олиб келишди. Уларнинг ёнида қилич яланғочлаган тўрт навкар шай турарди. Одамларнинг нафаси ичида, нима бўлишини қўрқув ва ваҳшат ичида қилт этмай кутишар, баъзилар ҳоким ниҳоятда инсонпарвар, кўнгилчан одам, бу гуноҳкор кимсаларга шафқат қилар, танбеҳ бериб, гуноҳидан кечар, деб ўйларди. Баъзилар, бу икки йигит қўшиндаги интизомни бузган бўлса, яхшилаб калтакланса керак, деб ўйлашарди. Қўли боғлиқ йигитлар шаҳар ҳокими Темур Маликка термилиб туришарди.

Ҳоким атрофидаги қуролли суворилар билан майдонни кесиб ўтиб, курсига яқин ерда отдан тушди. Бошқалар ҳам гурсса-гурсса отдан тушишди. Бир неча навкар отларни жиловидан ушлаб, четга олиб чиқди. Темур Малик бориб курсига ўтирди, унинг орқасида Кўҳистоний, Шоший, Муҳаммад Интизом ва яна бошқа сардорлар қўл қовуштириб туришарди. Ҳокимнинг ишораси билан Муҳаммад Интизом ўзи бориб, ҳалиги икки банди йигитни гиламга яқинроқ олиб келди. Оломон нима бўлишини нафасини ичига ютиб, жим кутиб турарди.

— Отинг нима? — дея Темур Малик сўроқ бошлади.

Улар аввал бир-бирларига қараб олиб, кейин тилга киришди.

— Мен. — Самадмен...

— Мен — Ансормен...

— Оталарингиз ким? Касб-корларингиз?

— Отамиз мўйна билан савдо қиладурлар...

— Ёнингиздан кўп тилло тангалар чиқди. Бу ақчаларни Уренгу, Зайсан томонлардан келган мўғул мансабдорлари бергани ростми?

— Ҳа.

— Хўжанд қалъаси, султон лашкари ҳақида маълумот берганингиз ҳам тўғрими?

— Ҳа. Гуноҳкормиз... Адашдик, гуноҳимиздан ўтинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Лашкар сафидан қочгансиз. Шуни бўйнингизга оласизми?
— Ҳа.
— Сизларни зиндонда калтаклашдими?
— Йўқ.
— Сардор Муҳаммад Интизом тафтиш пайтида сизларни қўрқитдими?
— Йўқ.
— Ўз гуноҳларингизга иқрормисиз?
— Ҳа. Гуноҳкормиз... Раҳм этиб, гуноҳимиздан ўтинг... Энди қилмаймиз. — Икки йигит бошини эгиб, баланд овоз билан илтижо қила бошлади.
— Оломонга қараб, баланд овоз билан ўз гуноҳларингизни яна бир карра айтинг! Оломон яхши эшитмаётир: сизлар хоинлик қилгансиз, лашкар сирини душманга бориб айтиш, бу — хиёнат! Сизлар ўз юртларингизни тилло тангаларга сотгансиз! Султон қўшинидан қочиш қанчалик оғир жиноят эканини тушунасизларми? Қилган гуноҳингизга қандай жазо берилишини биласизларми?
— Гуноҳимизни кечиринг, саркарда!
— Мамлакат қудратига путур етказиш — оғир гуноҳ, хоинликдир! Сизларга ҳукм чиқарилган, мана бу қоғозда! — Темур Малик қоғозни сардор Муҳаммад Интизом қўлига берди. Сардор қоғозни ўқиб, кейин айбдорлар томон юра бошлади. Бутун оломон, гўё нафас олмай, кўзларини сардор билан икки айбдорга қадаб турарди. Сардор Муҳаммад Интизом қилич яланғочлаган йигитларга имо қилиб, уларнинг қўлини ечишни буюрди. Шундан сўнг, гуноҳкорлар ўлим жазосига ҳукм этилганларини маълум қилди. Икки гуноҳкор саросима ичида кўзлари ола-кула бўлиб, ғўлдираб, у ёқ-бу ёққа олазарак бўлаётганларида, ҳавода чақмоқдек ярқираган қиличлар уларнинг бўйинларига тушиб, бирининг боши узилиб тушди. Йўғонроқ гавдали савдогарбаччанинг боши осилиб қолиб, ўзи тебраниб турган эди, иккинчи бор шилт этиб қилич тушиб, ерга қулатди. Оломон кўзини юмди. Қилич ушлаб турган навкарлардан бири қатл этилганлар жасади устига катта бир бўз мато ёпди.

Дарғазаб Темур Малик отга минатуриб атрофдагиларга, бозор оқсоқоли, сардор ва бошқаларга: «Ҳар бир хоин шундай бўлади! Савдогарлар мол сотмоғи мумкин, аммо юрт сотганлар қисмати шу!» — деди-да, отга қамчи босиб, сафдошлари билан бозор майдонидан чиқиб кетди.

Оломонни қўрқув босди. Ҳамма унинг кетидан тикилганча қараб қолди. Қўнгилчан, пешона силайдиган, шоҳу гадони ажратмай, одамохунлик қиладиган Темур Малик юрт хоинларига нисбатан бешафқат эканини халойиқ ўз кўзи билан кўрди. Лекин ҳеч ким ҳокимни қоралаб бир сўз айтолмади.

Темур Малик отга қамчи босганча тўппа-тўғри дарё ёқасидаги машқ майдонига келди. Бунда мунтазир турганлар унинг важоҳатидан ҳукм бажарилганини сезишди. Саркарданинг кечикаётга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нини, икки хоин йигитни атайи бозор ичида жазолаш лозим бўлиб қолганини мингбошидан ташқари, бундаги бошқа сардорлар ҳам билишган эди. Ҳоким отдан тушиб, дўнгликдаги соябон тагига юрди. Чарчаган бўлмаса ҳам пешонасидаги терни артди, ёнидагиларга сўз айтмай, чилим чақириб, обдан хўриллатиб тортиб, оғзидан бурқитиб тутун чиқарди. Шу лаҳза негадир унинг кўзига яна оқ-қора соқолли кесик бош кўриниб кетди. «Оббо, яна у пайдо бўлди-ку», деди ўзига ўзи. Сардор Шерюракнинг имоси билан машқ бошлаб юборилди.

Ноғора чўпларини тайёр ушлаб турганлар «така-тум» ни, бўйнига дўмбира осган жулдур чопон ҳам жазавани бошлаб юборишди. Қиличбозлар ўртага тушиб, шамширлар бир-бирларига шарақ-шуруқ урилиб, ярқираб, оёқ остидан чанг кўтарилди.

— Тўғри иш қилдикми? — Темур Малик ёнидаги Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди, — ўзи кечирсин...

— Тўғри бўлди! Хоинга шафқат йўқ!

— Бундан бошқа чора йўқ. Лашкарда интизомни мустаҳкамлаш учун хоин гуноҳидан кечиб бўлмасди, — деди гапга аралашиб Иброҳим Дўлдай.

— Кўзимга яна кесик бош чалинадур...

— Саркардам, кечин совуқ сувга тушиш ва ходим этишни табиб маслаҳат берган. Шу ишни қиламиз. Бодахўрликни тўхтатамиз.

— Ёмонлик деҳқондан эмас, савдогардин чиқмоқда,— деди Темур Малик тажангланиб. — Маҳмуд ялавоч биздан юз ўгириб, рақиб ҳукмдор томонига ўтиб кетгач, савдогарларни ишга солиб, кўп ёмон ишлар — жосусликлар қилмоқда. Тилло тангалар берсанг, улар оталарини ҳам сотадилар!

Шу куни пешингача машқ давом этди. Тушлик қилгали Темур Малик қалъага қайтди. Бир муддат дам олиб, ҳордиқ чиқаргач, кечга Доруссалтанага Шоҳмурод Кўҳистоний бошлиқ мансабдор кишилар тўпланди. Эрталабки жазо барчани хомуш қилиб қўйган эди. Ҳазил-мутойибасиз туролмайдиган Кўҳистоний ҳам қовоғи осиқ, бирин-сирин ичкарига кираётганларни тезроқ жой-жойларига ўтиришга, бир-бирига: «Сиз ўтинг, сиз ўтинг...» қилавермай, ёзиб қўйилган кўрпачаларга илдамроқ чўкишларини даъват этар, юқорида, хонтахта четида боши қуйи, тиззасидаги қоғозлардан кўз узмай ўтирган Темур Маликка қараб-қараб қўярди. Шайхулислом Хўжа Идрис Кубаро қўлини очиб, султонга, ҳокимга зафар, ўтирганларнинг барчасига омонлик тилаб, юзига тортди.

— Мўътабар жаноблар! Султоннинг марҳамати ила биз муаззам мамлакатнинг кунчиқиш томонида юртимизни обод этиб, посбон бўлиб турибмиз. Кейинги ҳафталарда бизга етиб келган хабарларга қараганда (бу гапни айтаётганида у сардор Муҳаммад Интизомга беихтиёр кўз ташлаб қўйди), Чу дарёси ҳамда Бойқадам, Оқсой, Оққўл... томонларга мўғул лашкарининг бир қисми етиб келгани, Илғиз томонларда яна бир қисм лашкар тўпланаётгани маълум бўлди. Бу хабар биздан аввалроқ султонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

етгани, мўғуллар хони билан султон ораларида низо, нифоқ содир бўлгани муносабати билан Гурганждан чиққан анчолар[1] нома олиб келди. Анчоларнинг Ўтрор, Жанд, Бинокент, Ахсикат ва Ўш томонларга ҳам шитоб била кетганидан хабардормен. Хўжанд қўшини яна икки мингга кўпайтирилди. Уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш иши муҳтарам сардор Шоҳмурод Кўҳистоний зиммасига юклатилди. Оту барча аслаҳа сотиб олинади. Чилангарларга буюртмалар бердук, улар ҳозир тинимсиз ишламоқда. Сардор Кўҳистоний, Шоший ишни янада жадаллаштирмоқлари лозим! Пул бор ва яна бир миқдор фуқародан солиқ йиғамиз! Иккиламчи, қалъани таъмир этиш, уни мустаҳкам қўрғонга айлантириш лозим. Таъмир этилган девор кунгуралари ва бошқа ишларни ортиқ кутишга вақт йўқ, қўрғон тепасига харсангтош ва манжаниқларни, палахмонларни шай қилмоқ, идишларда қора мой, олтингугурт ва бошқа қурол-яроғлар тайёр турмоғи лозим. Шош қанғлиларига буюрмоқ керак, камону ўқ-ёйни кўп ясашсун! Бу иш сардор Шерюрак Шошийга, сардор Олабуқа баҳодирга буюрилади. Таъмир иши эрталабдан бошлансун. Бир қисм лашкарни авомдан ёллаш керак. Устоларни бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз бошлаб олиб келади. Сиёвуш паҳлавон, Қанғли Арслон, сардор Муҳаммад Интизом жанобларига Сайҳун ёқасида ясалаётган етмиш кема қурилишини тугаллаш топширилади, Даҳмоний яқинидаги дарё ичидаги оролга бир минг кишига мўлжаллаб истеҳком қуриш лозим. Иброҳимни ҳам бу ишга йўллайлик. Шу ишларга уч ой муддат берилади! Шаҳарда шов-шув, турли гаплар, ваҳималар тарқатилмаслиги, бу ишлар авомдан хуфия тутилмоғи даркор. Иш кўп, вақт оз, лекин ишнинг уддасидан чиқмаслик асло мумкин эмас! Бўлаётган тайёргарликдан душман хабардор бўлмаслиги, агарда лақмалик ва хоинлик йўлига ўтган шахслар чиқиб қолса, уларга нисбатан шафқатсизликни буюрамен! Лашкар ичида тартиб бузиб, фармони Олийни ҳамда бизнинг буйруқни оёқости қилганлар ўша лаҳза тафтишу сўроқ қилинмай чопиб ташлансун!..

Бу гапларни айтган Темур Малик бир лаҳза сукут сақлаб, катта хонада гир айланиб ўтирган сардору, мингбошию мансабдор кишиларга қаради. Бу қараш: «Яна бирон гап борми? Тушунарлими! Розимисизлар?» деган маънони билдирарди. Сардор Кўҳистоний бу зарур фармон эканини, сидқидилдан рози эканликларини айтди. Имом Хўжа Идрис қўлини очиб, юзига тортди. Мансабдор кишилар ўринларидан туриб, айвонга чиқишди. Бу ерда ечиб қолдирилган қиличу ханжарларини қайтадан тақиб, уйларига тарқалишди.

Эртасига эрталабдан қалъа таъмири бошланиб кетди. Бир қисм навкарлар тоғдан араваларда харсангтош ташиб келтириш-

---

[1] Анчо — ҳоким фармонларини элтувчи чопар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

га киришдилар. Сомонли лойганчхок қорилиб, ҳавозалар орқали баланд қалъа деворн устига олиб чиқилди. Бозор ёнидаги аспхона қурилишидан бир қисм ёғочлар, ходалар қалъа тепасига, ундан сўнг дарё ёқасига олиб келиниб, кемаларда оролга ташилди. Чилангарлар тунда ҳам ўтни ўчирмай пўлатни тоблаб, болга уриб, найзаю қилич ясадилар. Хўжандга келиб қолган шошликлар камону ўқ-ёй ясашга киришиб кетишди... Бу ишларнинг боришини сардор Муҳаммад Интизом ва унинг одамлари зимдан назорат қилиб турардилар.

Ўша куни Темур Малик кўнглига дарёга кўприк қуриб, Турон ва Дашти Қипчоқ ерларини бир-бирига боғлаш фикри келди. Шу йўл орқали фақат жануб ёқдан келадиган Арабу Эрон савдогарлари эмас, шимолдан Ўрусия савдогарлари ҳам Хўжандга келишини, ундан ўтиб Самарқанду Бухоро, Гурганж бозорларини обод қилишини хаёлдан ўтказди. Айни вақтда, негадир унинг кўз олдига кекса Абдулқодир мунший ҳам кела бошлади. Унинг вайрон бўлган Шошга етиб борганидан хабар топган эди-ю, чолнинг кейинчалик аҳволи нима бўлганини билмасди. Сергак, питрак чол яна ўша ёзув-чизув ишларини қилаётганмикан ёки бу ишлардан воз кечдими? У энди култепалар канорида кимга ҳам мунший-лик қиларди! Дунё бешафқат эканлигини... кўнглидан ўтказди.

Хоразмшоҳ Шошни вайрон қилиб, бу ерлик мингбоши ва бошқа сардорларга бериладиган иқтоъ ерларини ҳам бекор этди. Ломакон[1] этилган Абдулрасул Қишварий ҳам вақтинчалик Хўжандга кўчиб келган эди.

Мамлакатда таҳлика кундан-кунга кучая бораётганига қарамай, улуғ малика — Туркон хотун томонидан бирон фармон келмаётгани, Бинафша бека ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгани Темур Маликни ажаблантирди. У Муҳаммад Интизом билан маслаҳатлашиб, Бинафшанинг Туркон хотунга нома йўллашини, кунчиқар томонда мўғул лашкари кучайиб бораётганини хабар қилишни сўради. Темур Малик Ўтрорга бориб Инолхон билан учрашмоқчи, деган гапни ҳам номага қўшишни айтди. Бу сирли иш Темур Малик учун жуда зарур эди. Мазкур режани Муҳаммад Интизом ўйлаб, таклиф этганди. Бир ойга етар-етмас, Гурганждан, Туркон хотундан Бинафша бекага яширин маълумот келди. Тумор ичидаги чиний-юқа қоғозга битилган хатда: «Темур Маликнинг Сайҳун ёқасидаги қалъаларга бориши, Ўтрор ҳокими Инолхон билан учрашуви ўзига маълум ва султон амри билан бўлаётгани, бу сафарда ҳоким кишилари ичида Аҳмадхон ибн Мораз исмли киши — Хўжанд бозорининг оқсоқоли ҳам ҳокимга қўшилиб боришини алоҳида уқтирган эди. Ойчечакка Ўтрордан тилло тақинчоқлар олиб келиш баҳонаси билан унинг қўшиб юборилиши жуда муҳим», дейилганди алоҳида таъкидланиб.

---

[1] Ломакон — ватансиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕТТИНЧИ БОБ

ИШҚ ВА ИШРАТ

Агар он турки шерозий, ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро...

Ҳофиз

— Хўжанд — Чин-мочиндин ва Фарғона водийсидан чиққан ипак карвонлари йўлидаги бекатлардан бири, дердилар. Фақат бугина эмас, азизларим, — деди қалъа таъмири ва бошқа ишлар яхши кетаётганидан мамнун бўлиб, эрталабдан ўзида фавқулодда кайфичоғлик ҳис қилган Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний билан Муҳаммад Интизомга. Бу ерда доимо қиличдек шай турадиган Иброҳим Дўлдай ҳам ҳозир эди. — Аҳли дониш, аҳли санъат... Нили муборакдин учган ажиб қушлардек бир неча кун Хўжандда — Сайҳун бўйида дам олиб, сўнгра Шимол мамлакатларига йўл олганларидек, хоразмликлару хуросонликлар Хўжандга юзланмоқдалар. Абдулқодир мунший, Қорача Ҳожиблардан ташқари устод Ота Муҳаммад ўз созандалари ва улар тўпида «раққосаий жаҳон» — Нигинабека ҳам келубдур...

Лабининг таноби қочган Темур Маликни кузатиб турган Шоҳмурод Кўҳистоний қочирма қилди:

— «Баҳор, келиши билан Нили муборакдин учган қушлар...» бўлмасалар керак, саркарда. Мунший ҳазратлари сарсону саргардонликда келдилар. Бир гап бор... Бир балоси бўлмаса...

— Сиз, сардор, кўп вақт: «Рў ба Ҳинд овардани...» ни оғиздан қўймайсиз, — деб иттифоқо гапга аралашди Муҳаммад Интизом, кесакдан овоз чиққандек, — «Рў ба Хўжанд овардани...» деса ҳам бўлади.

— Тўғре! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний унга ёвқараш қилиб. У мунозара қилган кимсани ёқтирмасди. Лекин сардорга у лутф қилмоқчи бўлди, — бародаре азиз, сиз ханжарбозликда беназирсиз, аммо ғазалга қўл урманг, майиб қиласиз! «Ҳинд» сўзи ўрнига «Хўжанд» соз тушмайде!

— Тушиш-тушмаслиги билан ишим йўқ! Тушмаса туширамиз! — деди кўзларини ола-кула қилиб Муҳаммад Интизом.

— Туширолмайсез! — чақчайиб боқди Шоҳмурод Кўҳистоний.

— Бу билан нима демоқчисизлар?! — Икки сардорнинг «хўроз» бўлаётганидан Темур Маликнинг кулгиси қўзғаб, — наҳотки, Хўжанд ҳақида фикрингиз шу даражада паст бўлса? — деди.

— Асло, саркарда! «Ҳинд» турган ерга «Хўжанд» сиғмайде! Хўжанд кабир!

— Офарин! Бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқдингиз. Доноликда ҳамда сарбаландликда, аробани қуруқ олиб қочишда ҳам тоғликларга тенг келадигани йўқ.

— Хе-хе-хе-е! «Қуруқ ароба» ибораси ғалат, саркарда! Бу сўз ёпишмайде!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаттиқ сўз айтманг, саркарда, улар аразлаб, хуржунини елкага илиб, жўнаб қоладилар, — деди Муҳаммад Интизом. — Ғармлик икки йигитим бир кечада ғойиб бўлди. Кейин билсам, аччиқлашиб қолиб, Хўжанди тарк этибдилар.

— Ғармлик эмас, мўлтони деб қўяқолинг!

— Мўлтонни билмаймен!

— Сиз тилга олган Ҳиднинг бир шаҳри. Ҳиндустоннинг ўзини ҳам қаёқда эканлигини билмасангиз керак! Мағрибдами, машриқдами... Оғзингни кўрсат деса қулоғини ушлайди деганлар, сиз, жўражон!

— Қўйинглар, азизларим, жиззакилик сардорга фазилат эмас. Энг муҳим масала хусусида гаплашайлик.

— Яъни? — сўради Шоҳмурод Кўҳистоний, — «раққосаий жаҳон» — Нигинабека хусусидами?

— Ҳа! — деди аввал жиддийлашиб турган Темур Малик бир лаҳзада ўзини қўлга олиб. — Ҳар қандай шароитда ҳам жаҳлга йўл бермаслик, асоссиз шубҳа билан кишиларни жазоламаслик ҳоким учун чинакам фазилат. Агар ҳоким кичик хатою ноқулайликлар ичида ўралашиб қолса, унинг ҳоли ачинарли. Шу сабабли ҳеч қачон жаҳлга куч бермаслик керак.

Ҳоким Шоҳмурод Кўҳистонийга жилмайди. У кайфичоғ пайтларида ва энг яхши кўрадиган кишиларига бундай чиройли жилмайиш қиларди. Темур Малик табассуми ишнинг осон кўчиши, аҳвол яхши эканидан далолат берарди. У сўзини давом эттирди:

— Биз, дарҳақиқат, Ота Муҳаммад устодни ва Нигинабекани яхши кутиб олмоғимиз керак. Иккиламчи, юрт қудрати, эл фаровонлиги ҳақида ўйлаб, иш тутаётганимизда бундай «жўжахўроз» бўлишлик айб! Араз ва ғараз орамизга кирмаслиги лозим. Бу, яхшиликкка олиб бормайди!

— Ташвишланманг, саркарда, Муҳаммад жанобларини энди кўрибмизми.

— Уларни яхши жойлаштирдингизми? — Темур Малик четда турган Иброҳим Дўлдайга боқди.

— Улар «Боғи насим»да. Устод, ҳаммалари мамнун...

— Эртага базм! Улар бунга қандай қарайди?

— Улар худди шуни истайди, ҳазрат. Балиқ сувсиз, созанда базмсиз туролмайди...

— Раққоса деганнинг бели эгилиб турмаса, у қанақа раққоса! — деди кулиб Шоҳмурод, — бетоб бўлиб қолишлари ҳам мумкин. Хўжанд сўфийлар, қаландарлар макони эмас...

— Ўзи уларни шунга яратган, — деди Муҳаммад Интизом, — агар ҳар ким ўз ҳунарини қилмаса, дарҳақиқат, бетоб бўлиб қолади.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, — бош чайқаб кулди Темур Малик мамнун, — ҳозир базм қуришга эҳтиёж йўқлигига қарамай, устод Ота Муҳаммад келгани сабабли ҳам бу ишни қилурмиз. Боққа ҳамма мансабдорлар таклиф этилсун. Базм султон шарафига бўлғай, — деди яна Темур Малик киборлик билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мансаб ва саркардалик номи Темур Маликка сиполикни даъват этар, аммо у Иброҳим Дўлдайдек шай, ҳокимга югуриб хизмат қилиб юрадиган йигит бўлганида, ҳозироқ «Боғи насим» га бориб, меҳмонлар хизматида Нигина суҳбатига интиларди. У шу топда гўзал раққосани жудаям кўргиси келиб кетди. Унинг ширин суҳбати, ёқимли қилиқлари, шаддодлигию дадиллиги, эркаклар суҳбатидан тортинмаслиги Темур Маликка ёқарди. Гурганжда шаҳзодалар бу гўзалнинг «ишқида» оҳ урганлари, қимматбаҳо туҳфалар йўллаганларини ҳам биларди. Лекин биронтаси бу «паст табақа» — Сайҳун бўйидан келган қишлоқ қизини хотин қилолмасди. Кўзларига қон тўлган шаҳзодалар, Гурганж аъёнлари у билан фақат ишрат қилишни ўйлардилар. «У ўртага тушиб, рақс қилганида мурдага жон кирар, жони борлар ўринларидан қўпардилар», дебди сарой шоирларидан бири. Аёллар ўртасида ҳам «Улуғликда Туркон бўл, эр бағрида Нигинаий жаҳон бўл...» деган гап юрарди.

Кечки оқшом салқинида Хўжанднинг мансабдор ва номдор кишилари ҳокимнинг дарё ёқасидаги «Боғи насим» қароргоҳига кириб кела бошладилар. Дастурхонлар ёзилган, Иброҳим Дўлдай бош-қош, унинг сўзи, имо-ишорасига тайёр турган йигирмага яқин эпчил йигитлар қўл қовуштириб, меҳмонларни кутиб олардилар. Уларни даража-бадаража жойларига ўтказардилар. Ошхонада қозонлар қайнар, кабоб иси бутун боққа тарқалган, димоқларни қитиқларди. Хум ва хумчаларнинг оғзи очилмаган, сўйилажак қўйдек мунтазир. Қўчқору қўйлар, қирғовуллар... аллақачон бўғизланиб, қозонда пишарди. Оқбел тоғи томонларда от чопиб, ўқ-ёй билан отиб келинган икки кийик гўшти ҳам сихларга тортилиб, кабобга ҳозирланарди. Номига султон шаънига аталган базмга йиғилган икки юздан ортиқроқ киши ҳозироқ Қарчиғайида кириб келиши керак бўлган Хўжанд ҳокими Темур Маликни бетоқатлик билан кутишарди.

Саркарда белгиланган вақтдан бир муддат ўтказиб, базмга кириб келди. «Боғи насим» даги меҳмонлар ғала-ғовури дарҳол босилди, ҳамма ўрнидан турди. Қадди-қомати келишган, сарбаст ҳоким ёнидаги кутвол Шоҳмурод Кўҳистоний, Хўжа Идрис, қози, сардор Шерюрак Шоший, Ҳусайн Гов, Муҳаммад Интизом, Олабуқа, бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз, Қанғли Арслонларни дарвозада Иброҳим Дўлдай бир тўп йигитлари билан бирга кутиб олди. Қўнғирранг либос кийган, бошига йигитлардек қўнғирранг афғоний салла қўндирган, белига заррин камар боғлаб, димишқий ханжар тақкан ҳоким бош эгиб, қутлаган меҳмонларга табассуму навозиш кўрсатиб, отдан тушди-да, Иброҳим Дўлдай бошлаб борган баланд айвоннинг энг юқорисига чиқиб ўтирди. Унинг икки томонида бирга келган ҳамроҳлари ўз даражаларига қараб, чўккка тушишди. Бирон пиёладан чой ичилиб, нону ангурдан тановул қилингач, ўнг томондаги айвонда ўтирган устод Ота Муҳаммад ўз йўлдошлари билан мақом бошлади. Ғала-ғовур босилиб, атроф сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Одамлар берилиб куй тинглар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дилар. Сетору ғижжак, наю даф жўрлигида Ота Муҳаммад ҳазин бир овоз билан Рудакий ғазалини ўқиди. «Боғи насим» беқиёс бир файз кашф этди. Тез-тез базмлар бўлиб турадиган бу боғ ҳеч қачон бундай гўзал бўлмаган, бугун ҳаддан зиёд завқиёб ва серфайз эди. Меҳмонлардан бири киши ҳаётида бундай дилбар дақиқалар кам бўлишини гапирар, мусаллас симирар, созанданинг куй оҳангига маст бўлиб, икки томонига чайқалиб ўтирар, кўзларини юмиб, афсонавий бир руҳий оламда сайр этар, ҳаётида лазиз бир онни кечирарди.

Созанда Ота Муҳаммад мақомидан кейин меҳмонларга кабоб тортилди. Ёши анча кетиб қолган бир аёл қўлида даф билан ичкаридан чиқиб, созандалар тўпига қўшилди. У, узун кўйлак, бошида ҳарир рўмол, деярли чодрага ўралгандай. Аёл устод Ота Муҳаммадга бош ирғаб, салом берганидан кейин, шўх бир мусиқага жўр бўла кетди. Бу лаҳза ичкаридан ҳарир пардага ўралиб чиққан Нигина ўртада пайдо бўлиб, шўх ва тезкор даф зарбига ҳамоҳанг рақсга туша бошлади. Чироқлар, беҳисоб шамлар ёруғида заррин ҳарир либоси товланар, бу кийим ичида ҳам унинг келишган қадду қомати, чиройли елкалари, чумоли бели, билаклари қанчалик ўралмасин, бари бир, мана мен, деб ўз гўзаллигини таманно этарди. У ўйнар, унинг тамоми аъзоси ҳам мусиқанинг кучли ва серзавқ куйларига қўшилиб ҳаракатланарди. Кўплар оғизлари очилиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлган. Бу ўзи инсонми ёки паризодми ва ё мўъжизами, одамлар ҳайрон эди. Бунчалик рақсни умрларида кўрмаган кишилар ҳам бор эди. У рақс этар, тамомий санъатини, муҳаббатини ифодаларди. Баъзан кабутарнинг полапон боласидек қанотларини ёзиб эркаланиб, бир дона дон истагида онасига талпингандай бўлар, дам бургут жўжасидек бошини у елкаси, бу елкаси томонга ўйнатар, бургутона қарашлари юракларни қинидан чиқариб юборарди. Нигина халқ рақсларини шундай ижро этдики, баъзи кўрганларнинг шаҳодат беришича, Гурганжда ҳам бунчалик завқ билан ўйнамаган экан. Кейин сурункасига уч бор тоғликлар рақсини ижро этиб, ҳоким ўтирган айвон томон бош эгиб, салом берди. Бугунги базм — созанда Ота Муҳаммаднинг беназир санъати султон шарафига эмас, Хўжанд — машриқдаги буюк қалъа ҳокими шаънига бағишланган эди. Бу базм Мовароуннаҳрга номи кетган, Гурганжда Шому Ироқ, Ҳиндан келган раққосаларни енгган гўзал Нигинани бир кўриш орзусида юрганларнинг унга нисбатан ихлосларини юз чандон ошириб юборди.

Нигина Ахсикат, Андижон, Ўш — «Жавоҳир водий» аҳли ичида тарқалган, майин ва сўлим «Тановар» рақсини ижро этганида водийликлар қийқириб юборишди. Фахр ва ғурур «базми жамшид»ни жунбишга келтирди. Рақс тугагач, раққоса ёнига келган Иброҳим Дўлдай «Хўжанд ҳокими номидан» Нигина бека бўйнига шода дур осди. Нигина айвон томонга боқиб, ҳокимга бош эгиб ташаккур изҳор этди. У созларга жўр бўлаётган Насриддин дафи зарбига янада завқланиб, бошқача рақсни бошлади. Елка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сидаги ҳарир пардаларни ташлаб юборган, белларини, кўкракларини мусиқанинг шўх оҳангига мос ҳаракатлантириб, арабча ўйинни ижро этарди. Бировлар завқланар, Хўжа Идрис Кубарога ўхшаган бошқа бировлар ўтирган ерида уялиб, дам таомга, дам ўғри кўз билан раққосага тикиларди. «Бу чинакам малак...» — деди Темур Маликнинг қулоғига шивирлаб Хўжа. У яшириб бир пиёла шароб симирган эди. «Ўзи бу нозу неъматларни нега яратди? Бандалар булардан баҳраманд бўлсин, деган», деди.

«Фоний дунё беш кундир, беш кундир,
Хонақоҳ қаро тундир, қаро тундир...»

Хўжа Идрис Кубаро бу мисраларни Темур Малик қулоғига айтиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Темур Маликнинг икки кўзи, наинки кўзлари, бутун хаёли Нигинада эди. Хўжанд боғларида етилган узумлар шаробидан қони жунбишга келиб, ҳирс билан Нигинага боқарди.

Базм ярим тунгача чўзилди. Темур Малик қўзғалмагунча ҳеч кимнинг ўрнидан туришга ҳадди сиғмасди. «Чарчадим...» баҳонаси билан ҳоким ёнидаги казо-казоларга ишора қилиб, Иброҳим Дўлдай иҳотасида гулзор оралаб «Боғи насим» даги ўзининг истироҳат хонаси томон йўл олди. Қайфи ошган ҳоким йўлда Иброҳимнинг елкасига қўл қўйиб, эркаланиб сўз қотди:

— Азизим укам, бориб айтинг, Нигина бекам менинг хонамга кирсун!

— Саркардам... Бу ҳазилми ёки чин? Устод Ота Муҳаммад не дейди?

— Мен сиз билан ҳазил қилмағаймен!

— Тушундим, — деди Иброҳим Дўлдай. Лекин унинг кўзлари ёниб, саркарданинг бу ишидан норизо бўлаётганини Темур Малик қоронғида сезмасди. Чуҳра йигит кўзларига саркарда шу топда ёмон, ишратпараст бир шахс бўлиб кўринди. Ўйланиб қолди. Наҳотки шундай жирканч ишга кўнгил берса у.

— Айтинг, келсун! — у сохта мулойимлик билан шундай деди-ю, Иброҳим Дўлдайга қараб қўйди. Буйруқ ниҳоятда жиддийлигини йигит фаҳмлади-да, итоат билан бош ирғаб, базм томон йўл олди. — Йўлни кўрсатинг раққосага... Дарахтлар, гуллар ичида адашиб қолмасун!

— Хўп бўлади, саркарда! — деди у бир лаҳза тўхтаб. Шундан кейин шаҳдам қадамлар ташлаб, базмдан тарқалаётган одамлар ичига борди. Созу анжомларини йиғиштираётган Ота Муҳаммад кишилари атрофида айланди. Шайхулислом Хўжа Идрис, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Қанғли Арслон, сардор Олабуқаларни дарбозагача кузатиб қўйди. Улар ҳокимнинг «чарчаб қолгани, Иброҳим Дўлдай унга қарашини» фаҳмлаб, бировлар отда, бировлар пиёда, бировлар аравада ўз уйларига жўнадилар. Лекин пайт пойлаб, Иброҳим Дўлдай кекса энагаси билан ётоқлари томон кетаётган Нигинани бир лаҳза тўх-

www.ziyouz.com kutubxonasi

татиб, ҳоким ҳазратлари бир муддатга таклиф этаётганини, наридаги хонада кутаётганини айтиб, рўпарадаги гуллар ортидаги баланд оқ айвонни қўли билан кўрсатди.

— Кеч бўлди. Ҳокимнинг қандай юмушлари бор экан? — Нигина эркаланиб сўради.

— Билмадим...

— Мен энагамдан ажралолмаймен... Тун... Бу, қандай бўлади?

— Билмадим...

— Боролмаймен! Узр сўраймен ҳокимдан...

— Бориш керак! Бормаслик мумкин эмас!

Нигина ўйланиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг энагасини йўлда ўз хонасига киритиб юбориб, шахдам қадамлар ташлаб, Темур Малик айвонига юрди. Топшириқни бажарган Иброҳим Дўлдай бу ердан тезда кетди. Тўлин ой шуъласида кенг оқ айвонга зинапоялардан кўтарилган Нигина тўппа-тўғри қандиллар ёниб турган ганчин хонага кирди. Ўртадаги хонтахта устида яна нозу неъматлар, май... Хона ўртасида тик турган Темур Маликка рўпара бўлди.

— Ҳазрат, мени чақирибсиз?

— Ҳа.

— Ярим тунда менинг бу ерга келишимга одамлар қандай қарайди?

— Қандай қараса шундай қарайди! Мен Гурганжда сизга юрагимни очган эдим. Мажнундек йўлингизга нигоронмен. Сизни Гурганждан йўлга чиққанингиздан буён кутамен. Бу базм султон эмас, сизнинг шарафингизга тузилди. Агар мен, сиз маликам билан бир лаҳза гаплаша олмасам, васлингиздан жудо бўлсам, Хўжанддан воз кечамен, бошимни олиб, тоғу тошларга чиқиб кетамен!.. Менинг ҳам ахир чумолича уволим бордир...

— Ҳазрат, бу гапларингиз жуда кулгили. Сиз, шаҳзодаларга ўхшаб, сархушликда бундай пўрсилдоқ гаплар қиладурсиз. Нега керак! Сиз, соҳибқиронсиз, сизнинг олижаноблигингизни эшитганмиз. Ва яна, сиз, санъатни ҳурмат қиласиз...

— Санъатни ҳам, сени ҳам! Сени ҳам, санъатингни ҳам!

— Товба! Тушунмаймен... Бир сўз айтишга ожизмен. Вақти келиб қолар, ҳазрат, биз, албатта, яна дийдор кўришамиз... Мен ҳозир ўз хонамга — энагам ёнига қайтамен! Бунда ортиқ туриш мумкин эмас!

— Кетмайсен!

— Кетамен! — Нигина бўйнидаги ҳоким туҳфаси — шода жавоҳирга боқди, унинг буйруғини ҳурмат қилиб келгани-ю, энди ҳаддидан ошмаслигини шама қилиб, орқасига ўгирилаётган эди, Темур Малик унинг оппоқ икки кифтидан маҳкам ушлади.

— Бундай қила кўрманг, маликам! Бу ердан чиқиб кетиш асло мумкин эмас!

Нигина ўйланиб қолди. У Темур Малик юзига тикилди. «Олижаноблик қани? Бу иш Темур Маликдек номга ярашмайди-ку!» У тикилганича бақрайиб қолди.

— Маликам! Минг бор узр сўраймен... Аммо не қилайки, севиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган бўлсам... Мени ташлаб кетиш иккимизнинг ҳалокатимиз, демак. Кел, маликам, дунёдаги яккаю ягона кишим, кетма бу ердан! Мендан нафратланма! Мен сени жонимдан аъло севамен. Нимаики истагинг бўлса бажо этамен.

— Ҳазрат! Сизга шуни маълум қилмоғим зарурки, мен Хўжандга эмас, ўз она қишлоғим Ворухга, ота-онамни, оғамни кўрай деб кетмоқдамен. Устод Ота Муҳаммадга бир йил ичида яхшиликлар қилиб, кўндирдим. Унга тилло тангалар бердим... Сарой ҳам жонимга тегди, у ердаги казо-казолар ҳам жонимга тегди! Мен ворухликмен... Хўжандда ҳам қариндошларим бор. Ҳазрат, раҳм қилинг, ота-онамни кўрай... — деб Нигина йиғлаб юборди.

— Маликам, мен сени Ворухга, ота-онанг бағрига ўзим элтамен. Сени жонимдан аъло кўрамен. Ота-онангга имтиёзлар яратурмен. Ҳамма нарсадан, бойликдан... бари-баридан кечамен, лекин сендан кечолмаймен! Агар сен ташлаб кетсанг, шу ерда иккимиз ҳам ҳалок бўламиз. Бошқа чора йўқ!

Эрталаб, офтоб нурлари «Боғу насим» гулларига тушиб, беқиёс бир гўзаллик кашф этган эди. Ипак кўрпалар ўзра барқ уриб ётган гўзал Нигина Темур Маликнинг яланғоч тепадек ёлдор кўксини қучиб, эркаланиб, серпай билакларига чиройли юзларини, қошу кўзларини сурар, саркарда бўлса, унинг қуюқ қора сочларини ўйнар, кифтидан қучиб, кўксига тортарди. Улар бир-бирларига ҳазил қилиб, тўшакдан туришди. Ювиниб, ҳовлига, гуллар ёнига чиқишди. Узоқ-узоқлардан уларга мўралаган кимсаларга — созандаларга гўё «гул сайри» қилиб юришгани, ҳоким Темур Малик санъат қадрига етадиган кимса эканлигини кўрсатмоқчи бўлардилар.

Шу куни Нигина илтимосига кўра «Боғи насим» хоналаридан бирида Иброҳим Дўлдай билан устод Ота Муҳаммад иштирокида никоҳ ўқитилиб, Нигина Абдул Саид қизи Темур Маликнинг иккинчи хотини бўлди. У яна уч кун Хўжандда қолиб кетди. Темур Малик билан Нигина муроду мақсадларига етиб, хайрлашиш фурсати ҳам етди. Тақдирга тан бериб, Нигина кўз ёш тўкиб, саркарда билан видолашди...

Хўжанд ҳокими эллик чоғлиқ яхши қуролланган сарбозлари ҳимоясида устод Ота Муҳаммад бошлиқ созанда, хонандаларни, улар ичида Нигина билан энага хотинни Ворух сари йўллади. Уларга кўп сарпою инъомлар берди. Қайроққумдан ўтиб, то Ходарвеш даштигача уларни Темур Маликнинг ўзи отда кузатиб борди.

САККИЗИНЧИ БОБ

ЮЗИГА ПАРДА ТУТГАН СОҲИБҚИРОН

Қизиган ёз кунларининг бирида жанубдаги Белисиниқ тоғи этаклари, Қайроққум даштида иттифоқо гард намоён бўлди. Қамишқўрғон дўнглигидаги баланд қоровулхонада туну кун ҳақ деб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофга сорбургутдек кўз тикиб ўтирган икки посбон бу чангу гард Исфисорга яқинлашаётганини кўрди. Тўрт қатор тизилиб шитоб билан келаётган отлиқларни чамалашди; икки юздан кам эмас. Шу лаҳза ўйлаб-нетиб ўтирмай, дарҳол тепа устидаги қалаб қўйилган саржинга олов ёқиб юборишди. Олов устига қорамой сепиб, устидан латта-лутталар ташлашди. Қорамтир тутун бир муддат ичида бурқсиб, осмонга ўрлади. (Қора тутун катта лашкар келаётганидан белги эди.) Иккинчи қоровул югурганча ҳужрадан бўйра елпиғични олиб чиқиб, оловни елпиди. Бир терак бўйи тутун осмонга тик кўтарилди. Бу қора тутунни Хўжанд кўрмаслиги асло мумкин эмас эди. Икки қоровул-посбон ҳам бостириб келаётганлардан кимдир бу тепаликка чиқиб келиб, ўтни ўчириб, ўзларини чопиб ташламасликлари учун қиличларини ялаҳочлаб, тепа четида чўққайиб ўтиришди. Отлиқлар тепага яқинлашгач, найзадан тортиб, ўқ-ёйгача, яхшилаб қуролланган, пўлат дубулғаю совут кийган суворилар Хўжанд томон шитоб билан келаётгани посбонлар юрагига ваҳима солди. Аммо бу «бургуткўз» лардан бири отлиқлар кийимидаги белги султон қўшинига ўхшаш экан, нечун Ахсикат[1] томондан бундай лашкар йўлга чиққанига ақллари етмасди. Хўжанд билан Ахсикат ҳокимлари ўртасида низо йўқку! Ёки улар Боласоғун, Тороз томонлардан келаётган қорахитой қолдиқларимикан? Икки юз чамаси жанговар отлиқнинг Белисиниқ тоғи этаклари билан тўғри Хўжандга келаётгани соқчиларни ўйлатиб қўйди. Кекса қоровул маслаҳати билан ёш йигитча олов ёнида ҳаяллаб ўтирмай, дарҳол отига минди-ю, Қамишқўрғондан чиқиб, Сайҳун ёқалаб Хўжандга югурди. Бир вақтлар Исфара, Шўроб, Ворух томонлардан, султон амалдорлари зулмидан ғазабланган отлиқлар Қоравшин дарёси, Работ томонларда қўшин тузиб, Ахсикат ва Ўш шаҳарларига ҳужум қилишганди. Бу музофотда энг кучли шаҳар Хўжанд ва унинг ҳокими Темур Маликка қарши юриш ақл бовар қилмайдиган бир ҳол. Ўн минг жанговар отлиққа эса, ҳар бир оти булутга сакрайман деб турган навкарларга қарши бориш ақлсизлик деб ўйларди қоровуллар. Султоннинг машриқдаги икки мустаҳкам қалъасининг бири — Хўжанд. Темур Малик султоннинг Жалолиддин даражасидаги саркардаси бўлганлиги учун тоғ оралиғидан бирон соҳибқироннинг қўшин тортиб, бу томонга юришига ҳеч ақл бовар қилмасди. Ахсикатдан чиққан отлиқлар Қамишқўрғон рўпарасидан дарё томон ўта бошлаганида, шу кун кечга яқин чопар Хўжандга етиб келди. У тўппа-тўғри Ўрдага югурди. Чопар ҳеч ерда тўхтатилмай, ҳокимга учрашишга ҳуқуқ берилган эди. Иш шошилинч бўлгани сабабли чопар Ўрда ҳовлисига ҳам отда кириб, Доруссалтана рўпарасида

---

[1] Ахсикат — Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар. У Сирдарё (Сайҳун ёқасида) бўлиб, мустаҳкам қалъалари бўлган. Уни баъзи манбаларда «Ахси» деб ҳам аталган. У ҳозирги Тўрақўрғон районининг Шаҳанд қишлоғи яқинида бўлган. Бу шаҳарни Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх ўзига пойтахт этган. Бобур Андижонда туғилиб-ўсган, асли андижонликдир. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

отдан тушаётганида рўпарасида Шоҳмурод Қўҳистоний пайдо бўлди. У ғўлдираб, «гард намоён бўлгани, икки юзга яқин отлиқ Хўжанд томонга келаётганини» айтиши биланоқ, шу лаҳза уни ичкарига бошлаб кириб, Темур Маликка рўпара қилди. Курсида ўтирган Темур Малик чопарнинг шошмасдан гапиришини сўради. Унинг тили оғзига тиқилиб ғўлдирарди. Ходимга имо қилиб, сув келтиришни буюрди. (Чунки чопарнинг томоғи қақраб кетганидан аранг гапирар, тез-тез тупугини ютарди.) Темур Малик чопарга бир неча саволлар бериб, бостириб келаётганларнинг баъзи тафсилотларини сўради. Шунга қарамай, Шерюрак Шоший бошчилигида ўн чоғлиқ отлиқни ахсикатликлар қаршисига йўллади. Шу билан бирга қўшин сардорларининг Ўрдага келишлари, шаҳар четида — Лайлак дарё ёқаси, Исфисор йўли устидаги майдонда тўпланишларига фармон берди. У жанг либосларини кийиб, отга миниб, сардор Шоҳмурод Қўҳистоний билан биргаликда қўшин тўпланаётган томонга жўнади. Бу кутилмаган юриш Темур Маликни ўйлатиб қўйди.

Навкарлари билан от чоптириб кетган Шерюрак Қамишқўрғондан сал берида, дарё бўйида бир муддат тўхтаб, отларини суғораётган суворилар ёнига келиб, улар либоси устида султон белгиси борлигини кўриб, кўнгли таскин топди. У, отлиқлар сардори билан гаплашмоқчи эканини айтиб, рўпарада турган уч йигитга мурожаат этди. Нечундир уларнинг учовлари ҳам юзларига ниқоб кийган эдилар. Уларнинг бири этигига урилиб турган қиличи гилофини тўғрилаб, ортидан эргашиб келган Шерюрак Шошийга киборлик билан гап қотди:

— Сени бунда ким юборди?

— Хўжанд ҳокими саркарда Темур Малик.

— Ҳоким нима деди?

— Қўшин билан Хўжанд устига келишдан мақсад нима?

— Мақсадни мен майдонда айтамен! — сарбоз йигит қўлидаги қамчинини этиги қўнжига урди, — гапим тушунарлими? — Унинг дарғазаб эканлиги гапидан сезилиб турарди.

— Биз ҳаммамиз бир султонга тобе кишилар бўлсак... Қўшин тортишдан мақсад нима?

— Тушуниб қоларсен! Элчига ўлим йўқ. Агар яна бунда айланишиб юрсанг, сарбозларим бошингни сапчадек узиб ташлайдилар. Унда мендан домангир бўлма!

Шундан сўнг Шерюрак нима дейишини билмай, қайтадан отга минди-да, йўлдошлари билан Хўжанд томон чопиб кетди. «Оббо, иш чатоқ-ку, — деди у ўзига ўзи, — ахсикатликлар дарғазаб, биз билан жанг қилмоқчи бўлаётганликлари очиқ сезилиб турибди. Буларга бир бало бўлган! Ако ҳолда икки юз отлиқ бу тўда ўн минглик қўшинга тенг санармиди ўзини?! Булар наҳанг олдидаги бамисоли бир итбалиқ! Наҳангнинг оғзига юқ ҳам бўлмайди!»

Шерюрак Шоший бу тафсилотни билиб, Хўжандга етиб келмасданоқ шаҳар дарбозалари тақа-тақ беркитилган, Шоҳмурод Қўҳистоний бошлиқ суворилар совут кийган, қиличу найза билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳардан ташқарига чиқишган эди. Мингга яқин отлиқ дарё ёқасига келиб, яқинлашиб қолган суворилар йўлига бақамти туришарди. Қўшин белгиланган ерга етиб бормасданоқ Темур Малик бир тўп отлиқлари билан орқадан етиб келди. У йўл-йўлакай бу сирли юришнинг сабабини ахтарарди. Бу иш ҳатто айғоқчилар сардори Муҳаммад Интизомга ҳам номаълум бўлиб қолди. Унинг ҳам боши қотиб, Шерюрак Шоший етиб келиб бир нима демагунча, соқов бўлиб турди. От чоптириб келган Шерюрак ахсикатликларнинг нияти ёмон эканини Темур Маликка маълум қилди. Аммо қандай бир сабаб уларни жангга отлантирганини айта олмади.

Кечга яқин отлиқлар Хўжанднинг катта қўшини рўпарасига етиб келиб саф тортди. Темур Маликнинг иккинчи элчиси — Ахсикат ҳокимига жуда яқин бўлган, султоннинг машриқ қалъаларига номи кетган нуфузли Шоҳмурод Кўҳистонийга ишора қилди. «Ҳазрат, бориб сўранг, улар нечун жанг қилмоқчи?» Шоҳмурод Кўҳистоний отининг белига ниқтаб, рўпарада саф тортиб турган отлиқлар ёнига борди. Суворилар орасидан оқ парда тутган сарбоз ҳам оти биқинига пошна билан ниқтаб, уч-тўрт қадам олдинга чиқди.

— Соҳибқирон, бемаъно муҳорабага жаҳд этишнинг боиси нима?

— Қотилни жазоламоқ! Ахсикатлик мўътабар Ҳожи бунда ҳибсда. Ўғли бошқа жиноятчиларга қўшиб қатл этилган... Ҳокимингиз қўлини бегуноҳ қонга урган...

— Бундай сўз айтмоққа қандай тилингиз борди?! Сиз айтган Ҳожи ҳибсда, ўғли қўшин сафидан қочиб, лашкар сирини пучак пулга сотган. Жаҳдингиздан қайтинг! Сотқиннинг айби қон билан ювилмасми?

— Қайтиш йўқ!

Бирдан унинг атрофида турган отлиқлар: «Қайтиш йўқ! Уч оламиз!» деб ғурув кўтаришди!

— Мен Темур Маликни яккама-якка жангга чақирамен! У мард бўлса — майдонга тушсин!!!

Шоҳмурод Кўҳистоний отига қамчи босиб, ўз қўшинига бориб, бўлган гапни дарҳол Темур Маликка маълум қилди.

Шу лаҳза юзига парда тутган ўша соҳибқирон Шоҳмурод Кўҳистоний кетидан майдон ўртасига тушди. Икки қўшин ўртасидаги катта майдонда юзига парда тутган ёлғиз сувори турарди. У қиличини ғилофдан суғуриб, осмонда ярқиратди. Бу энди «майдонга туш!» деган ишора эди. Беҳисоб отлиқлар олдида турган Темур Малик ҳамма гапдан огоҳ бўлгач, майдон ўртасида турган соҳибқирон рўбарусига боришга мажбур бўлди. Бенхтиёр икки сувори бир-бирларига қилич билан ҳамла қилиша кетди. Димишқий қиличлар гоҳ бир-бирига урилиб шарақлар, дам қалқонларга тушиб жаранглар, бош устида ярқирарди. Икки от ҳам бир-бирига сапчир, кўкракларини баланд кўтариб, олдинги оёқлари билан ҳамла қиларди. Жанг кўриб, қон кўравериб жангари бўлиб кетган отлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

асабий кишнарди. Бир-бирларининг кўкрак, лунжларига туёқ урмоқчи бўлишарди. Ахсикатликнинг оти ниҳоятда жунбишга кирган, бароқ ёллари ҳурпайиб, эгасига қўшилиб саркарда отини янчмоқчи бўларди. Яна бир қилич бўлиб, туёқ ўрнида панжа бўлса, уни маҳкам ушлаб, от отни чопиб ташлашга қодир эди. Қиличларнинг шарақ-шуруқи анча вақтгача давом этди. Майдон ўртасида жон-жаҳдлари билан икки баҳодир олишишарди. Икки томонда саф тортган отлиқлар уларни бир дақиқа ҳам кўз узмай кузатишар, ахсикатликлар ғазаб алангасида қийқириб, ўз сардорларига мадад тилардилар.

Икки сувори жанги анча вақтгача чўзилди. Оғизлари кўпириб, обдан ҳолдан тойган отлар йўлбарс монанд ўкиришарди. Ерларнинг тупроғи ўйнаб, чанг кўтариларди, қиличлар шарақ-шуруқи икки томон қўшинига эшитилиб турарди. Саркарда Темур Малик ҳам терга ботиб, анча эсанкиради. Агар у бир лаҳза ташаббусни қўлдан берса, отдан қулаши ҳеч гап эмас. Бир муддатдан сўнг улар бир-бирларидан андак узоқлашиб, отдан сакраб тушишдида, бир-бирларига пиёда ҳамла қила кетишди. Икки томондан югуриб келган икки навкар отларни жиловидан ушлаб, майдондан олиб чиқди. Пиёда бўлиб жанг қилиш ҳам анча чўзилди. Ахсикатлик Темур Маликка нисбатан ёшроқ ва эпчилроқ эди. У ўзини тезда ўнглаб олиб, дубулғаю совут киймаган Темур Маликнинг кўксини мўлжалга оларди. Навқирон йигитнинг чарчаганини сезган Темур Малик устма-уст ҳамла қилиб, йигитни орқага тисарилтира бошлади. Иттифоқо шу лаҳза ахсикатлик паҳлавоннинг қиличи қўлидан учиб кетиб, беш қадамча нарига шарақлаб тушди. У гангиб қолди. Темур Малик шу лаҳза бориб, рақиб кўксига қилич тиқиши мумкин эди, лекин орқасига тисарилиб, қиличи учини ерга тиради. Рақибига: «Қиличингни ол!» ишорасини қилди. Бу ниҳоятда қўрқинчли дақиқани саф тортиб турган ахсикатликлар нафаслари ичларига тушиб кузатиб туришарди. Ахсикатлик соҳибқирон Темур Маликдан юз ўгирмаган ҳолда бир неча қадам орқага босиб ердан қиличини олди. Улар яна шарақ-шуруқ бир-бирига қилич уриб, сипар тутишар, сипарлар ҳам қозондек даранглаб, овоз чиқарарди. Шу пайт Темур Малик юзига парда тутган ахсикатликка пайдар-пай ҳамла қилиб, қўлидаги қалқони билан эзди. У кутилмаганда ерга йиқилди. Темур Малик чалқанча ётган ахсикатликнинг кўксига қиличи учини қадади. Озгина бир куч билан совутни тешиб шу ернинг ўзида ўлдирмоқчи эди, қандайдир бир куч уни бу ишдан қайтарди. Сарбоз юзидаги оқ пардани чап қўли билан шартта юлиб олди-ю, лол қотди. Ахсикатлик «соҳибқирон» ниҳоятда чиройли бир қиз экан... Сутга чайилгандай оппоқ юзлар, оҳу кўзларга тикилди. Пўлат совут ичидан қоп-қора сочлари ҳам сочилиб чиқиб қолган эди. Темур Малик қўлидаги оқ тўрни ерда ётган рақибига берди.

— Соҳибқирон, юзингизни бекитиб, ўрнингиздан туринг! Жанг тугади! Қиз бола билан жанг қилганимни менинг сарбозларим сезмасин. Отангиз ҳазратни бағоят ҳурмат қилардим, ўртамизда

www.ziyouz.com kutubxonasi

адоват йўқ эди. Бу нима қилиқ? У зоти шарифнинг сиздек соҳибжамол қизини ўлдирмаймен. Фақат исмингизни айтинг, билиб қўяй.

— Қоракўз бека.

Ахсикатлик юзига парда тортиб, ўрнидан турди. Лекин бари бир қиличини ушлаганча, ёвқараш билан Темур Маликдан кўз узмасди.

— Адоватни қўйинг! Меҳмонимиз бўлинглар. Бир мамлакатнинг фарзандларимиз! Сиз жангу жадалларга эмас, бир қасри олийнинг гавҳари бўлмоққа ярайсиз, бекам! Сиздай жасур сингил берганда, мен ўзимга умрбод шукрона айтардим. Шаънингизга катта зиёфат берай. Кўздай азиз синглим бўлгайсиз!

— Йўқ! Агар мени ўлдирмасангиз, сирни очманг!

— Ўзи сақласин! — деди Темур Малик. Шундан сўнг у баланд овоз билан ўз қўшинига мурожаат этди: — Биз ҳеч қачон Ахсикат ҳокимига қарши иш қилғон эмасмиз. Яқин қўшнилармиз, қариндош бўла туриб, муҳорабани лозим кўрмаймиз. Ҳибсдаги Ҳожини бўшатиб, буларга топширамиз, мол-мулки билан бирга олиб кетишади...

Аслида гап бошқача эди: Хўжандга Темур Маликнинг отадан сўнг ҳоким этилиб, султон ёрлиғини олиши Ахсикат ҳокими ўртасида кўп фахру ҳаяжонли гапларга сабаб бўлган эди. Темур Маликнинг қорахитойлар билан жангдаги жасорати, шаҳзода Жалолиддиннинг қадрдон дўсти, унинг ниҳоятда келишган ва кучли лашкарбошилик донғи фақат Ахсикат эмас, Ўш, Ўтрор, Барчинликент, Жанд шаҳарларида ҳам машҳур эди. Хўжанд билан Ўтрор султон мамлакатининг машриқдаги Самарқанду Бухороси деб аталарди. Темур мўйлаби энди сабза уриб, овози раста бўлар-бўлмас Гурганжга, султон хизматига кетган вақтларидан бошлаб, Ахсикат ҳокимининг соҳибжамол қизи уни ҳавас қилар, унга ғойибона муҳаббат сақларди. У Хўжандга келин бўлиб тушишни орзу қиларди. Отасининг Темур Малик билан яқинлиги уни жуда умидвор этган эди. Темур Малик жасоратли кишиларни яхши кўради, деб у ҳарбу зарбни машқ қилди. Ҳатто жангномаларни ўқиб, қадимги лашкарбоши Тўмарисга, Гулойимга тақлидан отда югуришни ўрганди. Аммо Темур Малик Гурганжда Туркон хотун уруғларидан бўлган Ойчечакка уйланиб келгани Ахсикат ҳокими қизининг барча умидларини пучга чиқарди. У бу дунёдан якка ўтиб кетишга қарор қилди. Темур Маликдан ниҳоятда ғазабланди. Унинг ишқида ёнгани, тунлар ухламай чиққани алам қиларди... Орзулари сароб бўлиб чиққач, ҳокимга нисбаган душманчилик кайфияти бошланди. Савдогар Ҳожи воқеасини бўрттириб айтиб берганлар уни оёққа турғизди. Темур Малик билан яккама-якка жанг қилиб, ё ўлдиришни, ё ўлишни жазм этди. Бўлмаса, ўн минг отлиққа эга бўлган «малик» билан жанг қилармиди?

Ахсикатлик Қоракўз бека Темур Маликнинг олижаноблиги, паҳлавонларга хос ҳотамлиги, чинакам мардлиги олдида лол қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Интизом от чоптириб бориб, зудлик билан зиндонда ётган Ҳожини бўшатди, ахсикатликлар қўлига топширди. Хўжанд қўшини орқага қайтиб, майдонни ахсикатликларга қолдирди. Улар шу куни дарё ёқасидаги қишлоқда тунаб, эртасига Ҳожини молу мулки, бола-чақалари билан олиб, Ахсикат сари жўнашди.

Ахсикатликлар сардори яна ўз қўшини олдига ўтиб, Қамиш-қўрғон тепаликлари сари, ундан дарё ёқалаб, Белисиниқ тизма тоғлари этагига дохил бўлди. Улар Лайлак дарёсига яқинлашгач, отлиқлар орасидаги икки «сарбоз» ҳам сардорлари Қоракўз бека ёнига келиб, юзларидаги пардани олиб ташлашди. Бу юришда Қоракўз бека зафар қозондими ёки мағлубиятга учрадими, бунинг аҳамияти йўқ, отда хомуш келарди. У ҳам юзидаги пардани олиб ташлади. Бу иш фақат хўжандликлар учун қилинган эди, ўз қўшини, ўз оға-иниларидан юзларини беркитиш ўринсиз эканини биларди. Отлиқлар учун ёш маликанинг гўзал жамоли маълум, шаддод қиздан ҳайиқишар ва уни ниҳоятда ҳурмат қилиб, итоат сақлашарди. Емонларга нисбатан бениҳоя қаҳри қаттиқлиги, яхшиларга бениҳоя меҳрибонлиги бор эди унинг.

Қоракўз бека Темур Маликка нисбатан юрагидаги оташни сўндириб, муҳаббат изтироблaридан бирйўла қутулмоқчи эди. Ахсикатликларни назар-писанд қилмай, хоразмлик Ойчечакка уйланган саркардага Фарғона аёллари кучини кўрсатиб, жангда енгмоқчи бўлди. Аммо «рақиби» қудратли эканини ўз кўзи билан кўрди. Қоракўз бека кўз олдида яна ўша паҳлавон Темур Малик Афросиёбдек жонланди. Ўз қўшини ичра боши қуйи, хаёлот дарёсида сузиб бораётган беканинг юрагини муҳаббат оташи илгаригидан ҳам қаттиқроқ ёндира бошлади.

ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

«ХЎЖАНД БОЗОРИ ОЛДИДА ХОРУН АР-РАШИД БУНЕД ЭТГАН БАҒДОД БОЗОРИ УЧ ПУЛ!»

Бу оқшом негадир Ойчечак бека ғамгин. У ҳокимга истар-истамас салом берди-да, ичкари хонага кириб кетди. Темур Малик ўйланиб қолди, яна нима гап? Юрагига ногаҳоний нотинчлик тушди. У этигини қийналиб ечиб, бир чеккага қўйгач, хотини орқасидан ичкари хонага сарпойчан кирди. Яна раққосани... эсладими хаёл қилиб, Ойчечакка тик қаради.

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ... — Ойчечак партўшакда ётган ерида бош кўтарди.

— Нега хафасен?

— Хафа эмасмен...

— Кўриб турибман-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, ҳеч хафалик йўқ. Сизга шундоқ кўрингандир, — Ойчечак бир оз ўзини қўлга олди. Илгари шундай қилиқ — адолатсизлик қилганида, Темур Маликнинг кўзи ёниб, белидаги ханжарига қўл югуртирган эди. Яна шундай бўлмасин деб, Ойчечак озгина чиройини очди. — Уйқунгизда: «Нигина, Нигина» деб мени қучдингиз...

Темур Малик турган ерида қотиб қолди. Бундай хато учун у бир маротаба қаттиқ изтироб чеккан. Ойчечакка ялинган... Энди нима дейди! Дарҳақиқат, раққоса Нигина унинг юрагида ўчмас из қолдирган. Темур Малик дам ғазаб, дам таажжубда ўчиб-ёнарди. Турган жойида лол бўлиб, тер чиқиб кетди:

— Ойчечак, жоним, маликам! (Бундай аташни Ойчечак ёқтирарди). Сен беҳуда хафа бўлиб, йўқ нарсаларни хаёлингга келтурадурсен. Наҳотки, ўша бир раққосага ўзингни тенг кўрсанг!

— Эшитдим. Раққоса чиройли экан. У сизларнинг барчангизни хурсанд қилар экан... Шаҳзода Жалолиддин, шаҳзода Узлоғшоҳ, шаҳзода Ҳуршоҳлар ҳам унга хуштор экан. Ҳаммасини билдим! Ҳатто вазири аъзам ҳазратлари ҳам четда қолмабдилар. Эркаклар итни кўрса яди! — Ойчечак юрагидаги кинларини тўкиб солиш учун ҳам жаҳл, ҳам эркаланиб йиғлаб гапирарди. — Асли Хўжанд атрофидаги қишлоқлардан эмиш у ярамас! Ҳаммасини билдим... Ҳаммангизнинг оғзингиздан сувингиз келади...

Доно киши ҳеч қачон хотин кишининг ғазабига ғазаб билан муомала қилмайди, аксинча, тилга куч бермай, эркалатади. Мушукни силагандай унинг елкасини силайди. Шунга ўхшаб Темур Малик ҳам хотинини эркалаб қучиб, бирпасда ийдирди... Ойчечак ҳали никоҳ ўқитилганидан бехабар, агар буни эшитиб қолгудай бўлса, Гурганжга жўнаши турган гап эди!

Ярим тунда чарчаган Ойчечак эринчоқлик билан ўрнидан туриб, ҳаммомга кирди. Ювинди. У ниҳоятда хушфеъл бўлиб, тўшакда ётган эрини эркалади. Йўғон пайлари, томирлари, сапчадек бўлиб чиққан қўл мушаклари, кўкракларини уқалади... Эрининг чақмоқ мўйлабининг ўз дудоқларига тегишини ёқтирарди.

— Гурганж бозорида фарангий ифор сотилаётган эмиш. Менга ўша ифор атридан келтиринг.

— Атир? — чала уйқуда ётган Темур Малик кўз очиб Ойчечакка тикилди. — Атир шу ерда, Хўжандда ҳам бор-ку! Эрта билан мен сенга энг яхши атирни етказамен...

— Йўқ, менга Хўжанд бозоридан келтирилган ифор-атир керак эмас! Бағдоддан ёки Гурганждан фарангий ёки аммон атри келтирсинлар! Фарангий атир бу ерда йўқ. Мен пойтахтдан, ўз отаонам бағридан жудо бўлиб, узоқда қолиб кетдим. Фақат сизни деб юрибмен. Менга Гурганждан фарангий атир келтиришсин! Буюринг!

— Хўб, — деди Темур Малик. — Бир ойда етказамиз. Албатта, ўша фарангий атир бизнинг шаҳримизга етиб келади.

Ойчечак ҳар гал «раққоса Нигина» номини тилга олиб, саркарда юрагини сиқиб, ўзининг бир мақсадига етарди. Ҳокимни бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиб олдим, деган қаноатга келган Ойчечак кунлардан бир кун ўзининг садоқатли энагаси Бинафша бекага: «Ҳоким энди бизнинг кафтимизда хамир, ундан патир қиламизми, бўғирсоқ ясаб қовурамизми, нима қилсак қиламиз», деди. Ўша рақкосани эслаб, тилга олсак, бас.

Энагаси Бинафша бека билан Ойчечак анча вақтгача гаплашиб ўтиришди. Энага Ойчечакнинг мақтанчоқлик билан айтаётган ҳамма гапларига ишонди.

Ойчечак асли қиётлик «емак» уруғидан бўлиб, бу уруғ султон ва Туркон хотун салтанатида катта эътиборга молик эди. У, узоқроқ бўлса ҳам, Туркон хотунга қариндош, унинг невараларидан Узлоғшоҳгами, Ҳуршоҳгами мўлжалланган эди. Аммо Туркон хотун иродаси билан Хўжанднинг ёш ҳокимига узатилди. Бу никоҳга ҳатто султон ҳам аралашди; Гурганждан анча узоқдаги Ўтрор ва Хўжанд ҳокимларига ўз уруғларидан бериш — муҳим давлат аҳамиятига эга эди. Бу билан узоқ қалъаларни яна ҳам мустаҳкам, султон кўзи остида бўлиши ҳисобга олинганди. Ойчечак ёш эътибори билан Темур Малик билан деярли баробар бўлиб, аммо у ниҳоятда кўркам, шаддод қиз эди. Султон суяги бўлгани сабабли бошига, сочига гавҳарлар ўрнатилган кичик жиға — тож қадаб қўярди. У қаламқош, кулчаюз, юқори лабида билинар-билинмас кўкиш туклари юзининг жозибасини юз чандон ошириб юборган эди. Ҳарир оқ ва новвотранг хитойи ипак кўйлакни ёқтирар, оёғига кўк сағрли чарм кавуш кияр эди. Хизматида уч-тўрт ёш чўри қизлар бўлиб, Бинафша бека деган катта ёшдаги, ориқ, қорачадан келган аёл асосан Ойчечакнинг ишонган, ҳоким хонадонида ҳамма нарсага аралаша олиш ҳуқуқига эга одам эди. Бинафша бека ҳам Гурганждан Ойчечак билан бирга келган, бу энаганинг ҳам Туркон хотунга алоқадорлигини Темур Малик аллақачон сезган. У ҳамма нарсани кавлаштириб, ҳамма гапга бурнини тиқарди. Шунинг учун бўлса керак, Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний уни «Қора қанжиқ» деб аташарди ўзаро. Агар ғазаби қўзғаб, афсонавий қушдек бир қанотини урса, бутун Хўжанд музофотини остин-устун қилиб юборадиган Туркон хотун унинг орқасида туришини, «қўл орқасида қўл борлиги» ни билганлари сабабли ҳам Ойчечакнинг ишончли энагаси Бинафша бекани ранжитмасликка ҳаракат қилишарди. Баъзан чўчишар, баъзан орқасидан «Қора қанжиқ» деб сўкишарди. Темур Малик Ойчечакни хуштор бўлиб олмаган, аммо хотин сифатида кўнгли тўлмайдиган ери ҳам йўқ эди. Ойчечак эрига ниҳоятда чиройли ва ёқимли қилиқлар қилардики, бу «санъат» ҳамма хотинларнинг қўлидан келмасди. Унинг серэҳтирослилиги, оҳ уриб, чиройли кулиши Темур Малик бошини қуршаган ёмон хаёлларни дарҳол йўқотарди. Лекин ана шу дилбар хотиннинг энагаси Бинафша бека кўрпа тагидаги илон эканини унутмасди. Чунки салтанат шаънига тегадиган ҳар бир гап Гурганжга етиб бориши, «Қора қанжиқ» нинг шаҳарда одамлари борлиги Муҳаммад Интизом орқали унга ҳам маълум эди. Лекин унинг йўлини тўсишга қўллари қисқа эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бинафша бекани безовталантириш, қаттиқ хафа қилиш ёки жосуслик сиридан воқиф эканликларини билдиришга ботинмасдилар. Бир куни Муҳаммад Интизом ҳоким билан ёлғиз гаплашиб ўтирганида, кечирим сўраб, Гурганжга кетаётган карвон ичида бир кимсанинг энаганинг тумор қилинган махфий хатини олиб кетаётганини, фурсатни қўлдан бермай у кимсани йўлда заҳарлаб ўлдириб, кўмиб юборишганини маълум қилди. «Тумор» ни ҳокимга узатди. Муҳаммад Интизом, агар рухсат этилса, энагани заҳарлаб эмас, мавжуд дорулар воситасида, бирон ҳафта касал қилиб, кейин ажали етганга чиқармоқ мумкинлигини, сўнг дабдаба билан кўмиб юбориб, ундан бирйўла қутулишини шама қилди. Темур Малик бунга рози бўлмади: «Сизнинг Меҳтар Бодиялдойи Самарқандийлардан ҳам устунлигингизни биламиз, қудрату тадбирингиз ярим лашкаримизга тенглигини ҳам биламиз... Аммо ғойибнинг қаҳри келадиган ишлар қилманг! Эҳтимол, шу хотиннинг ҳам ичимизда юриши тақдирда бордир. Бу хотинни йўқотсак, султон яна шунга ўхшаган хотинни қалъамизга киритади. Унга тегманг, лекин доимо ҳушёр юринг», — деди.

Қалъани таъмирлаш ишлари қизғин бошланиб кетган кунларнинг бирида саҳар пайти тўшакда бир жаҳон бўлиб ётган Ойчечак эрига унинг «суянган тоғлари» — Муҳаммад Интизом билан Шоҳмурод Кўҳистоний яхши одамлар эмаслиги, бу икки шахсни Гурганжга юбориш ё шу ернинг ўзида вазифаларидан бекор қилиш лозимлигини айтди. Бу ишни Туркон хотун номидан талаб қилди ҳам...

— Сабаб?

— Улар салтанат душманлари! Султонга қарши носазо сўзлар айтадурлар.

— Далил борми?

— Бор. Худованди жаҳон — Туркон хотун энамизни «Қари тулки» атамишлар... Хўжанд қалъасини мустаҳкам таъмирлашдан мақсад Хоразмшоҳга қарши туриш эмиш.

— Аксинча, — деди Темур Малик, — нотўғри тушунишибди.

Бу гапларни эшитган Темур Маликнинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди. У нима дейишини ҳам билмай, тўшакда ётган хотинига бақрайиб қараб қолди. Наҳотки, унинг оғзидан шундай гаплар чиқса. Бу, буйруқнамо гапга асос йўқ-ку! Уларнинг гуноҳи нима? Ахир, бу икки сардор бўлмаса, ўзининг аҳволи не кечади? Дарҳақиқат, улар ҳокимнинг суянган тоғлари-ку! Бу гап Ойчечакникилигига шубҳаланди. Темур Малик ўйлаб-ўйлаб, хотинига қараб илжайди: «Сабр қилайлик, яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди улар», деб қўйди. Кейин бориб эшикни очган эди, орқада Бинафша бека қулоқ осиб турганини кўрди. У энагани имлаб, ўзи билан айвонга, ундан қарши томондаги холи бир хонага олиб кирди-да, ёнидан учбурчакли бир «тумор» чиқарди. Туморнинг ипларини ханжари билан қирқиб, бир парча хитойи қоғозни ёзиб, Бинафша бекага кўрсатди. Ойчечак бўлса, бу вақт хобхонада тўшакда ётарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана бу жосуслик хати сенга ўлим жазоси берилишини тақозо этадур! Мен, Муҳаммад Интизомга худодан қўрқ, бекани ўлдирма, деб фармон берган эдим. Сен — хоинсен! Хотинимни ҳам менга қарши қўядурсен! Шу кунларда сенинг «йигирманг» ўтиб, тупроқда чириб ётган бўлардинг. Нима ёмонлик қилдимки, хотинимга айтиб, икки мансабдорни Хўжанддан четлатишни қулоғига қуйдинг?! Бу ҳам давлатга қарши жиноят! Сардор Муҳаммад Интизомни чақирурмен!

Бинафша бека турган ерида боши айланиб, йиқилди. Оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади.

— Тур ўрнингдан! Ана, Муҳаммад Интизом келадур!

Бинафша бека сакраб ўрнидан турди.

— Улуғ ҳоким, саркарда, тавба қилдим! Гуноҳкормен... Гуноҳимни кечир. Ўла-ўлгунимча хизматингда бўламен. Ёмонлик қилмаймен. Илло, Муҳаммад Интизомни чақирма!

— Бу гапларга қандай ишонай?! Йўқ! Гурганж узоқ, бу ерда сен жодугарни йўқотиб юбориш осон! Сен менинг тўшагим остидаги илонсен. Бошингни мажақламасам, кўнглим тинчимайди. Ҳозир юрт нотинч. Сен буни билмайсен! Машриқда душманларимиз ҳужумга тайёргарлик кўрмоқда. Шу сабабли ичимиздаги сенга ўхшаш хоинларни йўқотиб, қалъани тозалаб олишим керак! Сенинг ўлимингни на султон, на Туркон хотун билади. Итдек ўлиб кетасен!

— Йўқ, ўлдирма! Менда яна бошқа сирли гаплар бор, ўлгунимча хизматингда бўламен. Муқаддас китоб ҳаққи, менга шикаст берма, сенга хизмат қиламен. Ишон! Гапим ёлғон бўлса, мени ўлдириш қийин эмас. Ахир мен хотин кишимен, қаёққа ҳам қочардим...

— Хўб... Аммо сен хотинимга ҳар хил гапларни ўргатма! Бу гап иккимиз орамизда қолсин. Хотинимга билдирма! Шундай ёмон иш қилган бир далла оёғидан отнинг думига боғланиб тиканзорда судратилган... Эшитган бўлсанг керак!

— Тушундим! Тавба қилдим! — деди у бароқ мушукдек ҳурпайиб. — Э, яратган, гуноҳкор бандангни кечир!

Темур Малик билан Бинафша бека ўртасидаги жиддий гапдан Ойчечак бехабар эди-ю, аммо улар ўртасида кўнгилсиз «музокара» бўлганини фаҳмлади. Тезда бу ишни текислаб юбораман, ранжиманг, дегандек имо қилди энагасига.

Қандайдир хавф борлиги, Темур Малик ва бошқа сардорлар қалъани таъмирлаш, машқ, вайрон бўлиб тўрт томонга тарқаб кетган Шош камон-андозларини топиш, камон буюриш, чилангарларга қиличу найза буюртмалар бериш, манжаниқ, кемалар ясаш каби ишлар билан банд эдилар. Аммо Ойчечакнинг булардан хабари йўқ, хабари бўлса ҳам, асло қизиқмасди. Эрининг ташвишлари кўп экани ҳам унга ёқмасди. Бинафша бекага бир куни: «Мени ҳокимга узатишганми ёки доволзонгами, билмаймен! Бу одам эртадан-кечгача қалъа девори устида, қўлида лўмбоз... Ўйин-кулки, зиёфат деган нарсани билмаймиз... Биз ўзи дунёга

www.ziyouz.com kutubxonasi

нега келдик!..» деб йиғлади. «Гурганжга кетамен, бу қанғли — Дашти-қипчоқлар юртида юрагим сиқилиб кетди!» деди. «Қаланғи-қасанғилар[1] ҳоким атрофида ўралашади», деди Бинафша бека тагдор қилиб.

Икки кундан кейин Гурганжга жўнаши лозим бўлган Шоҳмурод Кўҳистоний ҳокимнинг буйруғи билан шу бугун йўлга чиқди. Унинг зиммасига истеҳкомни мустаҳкамлаш, Хўжанд қўшинини яна икки минг отлиққа ошириш учун хазинадан ақча сўраш вазифаси юклатилган эди. Бунинг устига, Гурганж бозоридан Ойчечак бекага фарангий атир топиш ҳам керак... Бу нарса ҳоким хонадонида бошқа барча ишлардан «муҳим» роқ эканини Темур Малик сафдошлари билишарди.

— Азизим, фарангий атир сотиб олишни саройдагилар зинҳор сезишмасин. Шарманда бўламиз... Мабодо хазинадан пул ололмасангиз ҳам, фарангий атир топиб келинг! Шаҳзодадан яширманг, менинг «қисматим» дан хабардор. Зинҳор-базинҳор буюк Энамиз мақсадингиздан воқиф бўлмасун...

— Хотиржам бўлинг, саркарда.

Шундай қилиб, Шоҳмурод Кўҳистоний ўн чоғлик йигит билан Гурганж, қайдасан, деб жўнаб кетди. Ҳар бекатда уларга от берилар, салтанат иши билан кетаётган юксак мансабдорларнинг юриш суръати асло сусайтирилмасди. Баъзан Хўжанддан то Самарқандгача ҳар беш ёғочдаги баланд тепаликларда посбонлик қилаётган кишилар мансабдорлар от чоптириб кетаётганини кичикроқ олов ёқиб, тутун буруқсатиб, навбатдаги тепадагиларга билдириб қўйишарди. Посбонлар ёв бостириб келаётганини хабар қилиш учун тайёрлаб қўйилган саржиннинг ҳаммасини ёқиб, катта аланга чиқарардилар. (Ўрта ва кичик алангалар кундалик каттакичик хабарлар учун ёқнларди.) Кўҳистоний азбаройи дўстига дилдан содиқлиги, қўшинни яна икки мингга кўпайтириш масаласининг муҳимлигини билиб, баъзан кечалари ҳам йўл юриб, даштда бўри галалари билан олишиб, қумдаги қароқчиларни ҳам писанд қилмай, Гурганж томон интиларди.

Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистонийни жўнатиб юбориб, ўзини ёлғиз, юраги узилгандек ҳис этди. Бу етмагандек, уйига кирса, Ойчечак димоғ-фироғ қилар, уйланганига беш йил бўлганига қарамай, унинг баъзи хатти-ҳаракатлари тўнга тушган ямоққа ўхшаб жинини қуриштирарди. Темур Малик хотинининг нодонларча енгил ва айёрона қилиқлари устидан кулар, лекин унинг «султон уруғидан» эканлигини назарда тутиб хуноб қилишларига чидарди. Қанча танбеҳ берса ҳам, Бинафша бека йўриғидан чиқмаслиги уни азобларди. Кейинги кунларда ҳоким Муҳаммад Интизом маслаҳати билан бир чўри қизни Ойчечак билан Бинафша бека хизматига тайинлади. Унга яхши ҳақ белгилаб, иккисига кўз-қулоқ бўлишни, айниқса гапларига эътибор беришни буюришди.

---

[1] Қанғлиларни хоразмликлар шундай аташган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўҳистоний йўқлигида Темур Малик сардор Шерюрак Шошийни ёнига чақириб, бошқа мўътабар мансабдорлар, юзбошлар ҳузурида, кутвол Кўҳистоний йўқлигида маҳкама ишлари, ҳисобкитоб, таъминот ва шунга ўхшаш вазифани бажариб туришига фармон берди. Муҳрдорликни ҳам Шерюракка юклади.

Сардор Шерюрак Шоший асосан ҳарбий киши бўлиб, Хўжанд қўшинида кўп йиллардан буён хизмат қиларди. У султоннинг қорахитойларга қарши юришида баҳодирлик кўрсатган. Бағдод ва Ҳиротни эгаллашда, Машҳад ва Сабзаворга қарши юришда қатнашиб, султон эътиборини қозонган. Аммо отасининг «Шош мустақиллиги» ишида айбланиб, боши кетгани сабабли Шерюрак ҳар қанча баҳодирлик кўрсатмасин, на малик ва на ҳоким лавозимларига чиқа олди. Султон унинг баҳодирлигини тан оларди-ю, аммо косасини оқартирмасди. Шу сабабли у Сайҳун томонга, асли ўзининг қанғли уруғидан бўлган Темур Малик хизматига келган. Шошнинг вайрон бўлгани ҳодисаси бу одам юрагида ҳам доимо бир ярадек алам берарди. Ким ўз шаҳри вайрон бўлиб, хурсанд юрсин! Темур Малик Шерюракнинг ниҳоятда ақлли, тадбиркор ва садоқатли одам эканини яхши билиб, унга ҳам Шоҳмурод Кўҳистонийга суянгандай суянарди. Уни Гурганж таъқибидан доимо сақларди.

Кунлардан бири куни Ойчечак эрига мурожаат этиб, ҳокимнинг: «Хўжанд бозори Хорун ар-Рашид бунёд этган Бағдод бозоридан минг чандон яхши...» деганини эслатиб, энагаси, чўриси билан бозорга бориб, томоша ҳам харид қилиб келишини айтди. Темур Малик кулимсиради.

— Бош устига, маликам! Сиз бозорга борамен, десангиз, мен йўқ дейманми. Одамларни кўрарсиз, кўнглингизда ғариб-ғурабога нисбатан шафқат пайдо бўлар. Бозорда мулкдорлар ҳам бор, ғарибу ғураболар ҳам бор...

— Менинг ғарибларингиз билан ишим йўқ, ғариблар ҳолидан ҳоким ҳазратлари хабар олсинлар! Мен бир хонанишин кимса, қафасдаги қушчамен... Бозорда ҳам чодрам ичида юрамен, мени бир одамнйзод кўрмайди. Аммо мен ҳаммани кўрамен.

— Маъқул.

Лекин Ойчечак Темур Маликнинг кейинги ойларда эрта билан машқ ва ундан кейин қалъа деворларини таъмир этаётганлар, отхоналар, расталар қураётганлар, баланд тимларига ёғоч қоқаётган устолар тепасида бўлаётганини билмас эди. Ҳоким майдонда ҳарбий машқни тугатгач, қилич ва дубулғаларини ечиб, Шерюрак Шоший билан бозорда раста қураётганлар ёнига оддий кийимда борарди. Ёнида бир неча навкари бўлар, улар ҳам амалдор тўнларини маҳкамада қолдириб, пешмат ичидаги камарда биргина ханжардан бўлак бошқа қурол-аслаҳа тақишмасди.

Бозор одамлар билан ғоятда гавжум. Бир томонда баззозлар — дўконларда матолар қалашган. Шоҳию кимхобу ип газламалардан тортиб, Шому Чин, Ажаму Фарғона матолари, гулдор рўмоллар, газмоллар тўлиб кетган. Унинг ёнида заргарлик, унинг ёнида

www.ziyouz.com kutubxonasi

атторлик, ундан нарида мискарлик, чопон бозор, этик ва маҳсидўзлик, қалпоқ бозор, ундан нарироқда каппону мева бозор, ундан нарида кенг майдон бўлиб, ҳафтада уч бор мол бозор гавжум бўларди. Сайҳунга яқин кенг майдонда от бозор...

Бозори асп Хўжандда энг катта бозор бўлиб, ҳукмдорлар бошқа бозорларни бекитсалар бекитардилару, аммо от бозорини доимо эътиборда тутардилар. Одатда сарбозлар қалъаларни, хазинаю дафинани, оту хотинни биринчи галда қўлга киритардилар. Шу сабабли, салтанат қудратини ошириш, лашкарни яна икки мингга етказиш мақсадида Темур Малик от бозори, от боқиладиган ерларни кенгайтиришнинг пайига тушган эди. Сайҳундаги эллик катта кемани саксонга етказиш учун султон Ҳазор кемасозлари, Озорий ва Истамбулдан кемасоз усталар чақириб, хазинадан саксон кемага етарли маблағ ажратган. Темур Малик баъзан кемасозлар, баъзан от бозори, янги раста қураётганлар ёнига бориб, корфармолар билан гаплашар, ишнинг ғоятда муҳимлиги, вақтида битиши лозимлигини сездириш мақсадида атайи корфармо ёнида назорат қилиб турарди. Баъзан Шерюракка имо қилиб, хода кўтаришар, бошқаларга ибрат бўлмоқ ниятида лойга қўл уришар эди. Бу эса усталарга ёқмас, ҳокимнинг паст табақадан бўлган кекса бир кимса билан ёнма-ён ўтириб чой ичиши уларнинг ғашини келтирарди. Аммо ҳокимнинг оддий кишилар орасида иштиёқ билан ишлаши одамлар руҳини кўтарарди.

Шу куни пешиняларга бориб, Хўжанд ҳокимининг икки от қўшиладиган чиройли, нақшин мўрдак араваси навкарлар иҳотасида бозор дарвозаси ёнига келди. Қилич осган навкарлар одамларни четга итариб, аравага йўл очишарди. Яна бир отлиқ йигит бозор оқсоқолини қидириб кетди. Семиз оқсоқол отхона ёгочини гуштираётганлар орасида терлаб ишлаётган Темур Малик ёнида, у билан гаплашиб турган эди. Отлиқ навкар бунда ҳоким билан Шерюракка кўзи тушиб, отдан сакраб тушди-да, эгилиб салом берди. Гапидан адашиб, довдираб қолди.

— Тушунамен, йигит. Сен оқсоқолга малика бозорга келганини айтмоқчисен?

— Олий ҳазрат! — деди йигит таъзим билан.

— Хабарим бор, оқсоқол жаноблари! Марҳамат қилиб, малика ёнларига боринг, биз бунда бўламиз. Султоннинг оналарига қанчалик эҳтиром кўрсатсангиз, маликага ҳам шундоқ ҳурмат кўрсатинг. Отхонада эканимни сездирманг, акс ҳолда, у киши ор қиладилар...

Темур Малик хахолаб кулиб юборди. Шерюрак ҳам кулмоқчи эди, лекин ўзини тийди.

Заррин чодрага ўралган Ойчечак Бинафша бека билан мўрдак аравадан тушишди. Чимматдаги бекага кўзи тушганлар бош эгиб, салом беришди. Одамлар жон кўзини тикиб, икки зодагон аёлни ўраб келишарди-ю, уларнинг бемалол юришларига халақит бермай, аксинча, йўл очишарди. Бегойимнинг бозорга кириши наврўз байрамидек шоду хуррамликка айланиб кетди. Лекин кўплар шун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

доқ ёнгиналарида ҳокимнинг ўзи терга ботиб ишлаётганини билишмасди.

Ойчечак аввал ўзини баззозликка урди. Ҳаллослаб етиб келган бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз эгилиб салом бергандан кейин, уларни энг катта дўконлар олдига бошлаб борди-да, бегойим рўпарасида кўз олувчи ажам матолари, хитойи парчаю ипак матоларни ёзиб ташлайверди. У питирлаб, ҳокимдан ҳам юқори мартабали кимса олдида тургандек бўларди. Баъзан оқсоқолнинг ўзи ҳам яхши матоларни ёзиб, Ойчечакка кўрсатар, хушомад юзасидан таъзим қилар эди.

— Буни оламиз! Мана буни ҳам... Буниси ундан яхши экан...

Ўша матолар дарҳол ўралиб, савдогар йигитлар томонидан мўрдак аравага элтиб қўйилди. Ойчечак гулдор катмончасидан олтин тангалар олаётган эди, Аҳмад ибн Мораз қўлини қалқон қилиб, уни қайтарди.

— Безовта бўлманг, маликам, булар фақирдан туҳфа.

— Дўкондорнинг молини қандай қилиб туҳфа этасиз? Савдогарлар бундай қўли очиқлик қилса синади-ку!

— Маликам, бутун бозорни сизга ҳадя қилишга қурбим етади. Сиз мени нима деб ўйлаяпсиз. Саркардамдан бозору молни эмас, жонимни ҳам аямаймен. Мен ҳоким ҳазратларидан фақат яхшилик кўрган савдогармен.

— Ҳокимдан яхшилик кўрган бўлсангиз, ҳали мендан яхшилик кўрганингиз йўқ. Эҳтимол, мен сизни жазолармен?!

— Биз султон олий ҳазратларининг фуқароларимиз, ўн етти бор Гурганжда бўлганмен. Раҳматли отам ҳам улуғ султонга садоқат билан хизмат қилганлар. Улуғ султон уруғидан бўлган кимса фуқарога ёмонлик қилмайди. Аксинча, авом султон деса жонини беради...

— Энди ўзингизга келдингиз. Сиз доно оқсоқол экансиз. Ўн етти бор Гурганжга борганингиз, улуғ султонга садоқат билан хизмат қилганингиз, бу эътиқодингиз сизга яна омад беради.

— Айтганингиз келсин.

Ойчечак тангаларни қайтариб жиринглатиб, гулдор катмончасига солди. Шундан кейин улар заргарлик растасига йўл олишди. Жажжи дўконларда девору қутилардаги олтин ва кумуш безаклар, тақинчоқлар кўзни оларди. Қичик бир дўкон олдидан ўтишда қандайдир хушбўй ҳид димоққа урилди. Аҳмад ибн Мораз бир лаҳза меҳмонларни тўхтатиб, ўзи дўкондордан икки чиройли қутича олиб, унинг ичидаги шиша идишларни Ойчечакка узатди.

— Мана шу икки шиша атирни ҳам каминадан, хонадонимнинг бекасидан туҳфа, деб тушунгайсиз. Бу атир дарё босиб, узоқ мамлакатдан келган. Олинг!

Ойчечак бармоқларига гавҳар кўзли қимматбаҳо узуклар таққан қўлини чимматдан чиқариб, атирни оқсоқол қўлидан олди-да, шиша қопқоғини очиб, ҳидлади.

Бозор оқсоқоли Ойчечакнинг оппоқ билакларига тикилди.

— Буни оламен. Бу — энг яхши туҳфа!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бинафша чиммати ичидан тирсагини Ойчечакка теккизди. Ойчечак тушуниб, яна халтадан тилла танга чиқарди.

— Учинчи атирни ҳам беринг, бизга керак.

— Марҳамат! — деди Аҳмад ибн Мораз, учинчи қутичани ҳам Ойчечакка узатиб. Кейин кафтини очиб, Ойчечак берган тилла тангаларни олди-да, дўкондорга узатди, — учинчи қутичага пул оламиз, хафа бўлмайсиз!

— Асло, — деди Ойчечак, лекин овози дириллаб чиқди. — Хўжанд бозори олдида Хорун ар-Рашид тузган Бағдод бозори уч пул дейдилар, шу гап рост! Хўжанд бозори — энг катта бозор...

Берган худога ёқибди, деган гап оқсоқол Аҳмад ибн Моразнинг дилидан ўтди.

Оқсоқол раҳнамолигида улар заргарлик растасига ўтиб, бир неча қимматбаҳо тилла буюмлар ҳам харид қилишди. Бошқа расталарга ҳам киришди. Ҳамма ерда Маккадан ҳожи келгандек улар орқасидан оломон эргашиб юрарди. Одамлар бозордан олди-сотдисини тамоман унутиб, Хўжанд ҳокимининг хотини Ойчечак орқасидан эргашишарди. Бозор ҳеч қачон бунчалик обод бўлмаган, агар Гурганждан ҳақиқий малика келганида ҳам бунчалик ободу гавжум бўлмас эди. Ойчечак чиммат ичида бошини виқор билан баланд кўтариб, «чечак» эмас, осмондан тушган «ой» бўлиб, гўё ҳаммаёқни ёритди. Унинг жамолини чодра ичида ҳеч ким кўрмаган ва кўриши ҳам мумкин эмас эди. Аммо оломон бозор ичида мислсиз бир гўзал юрибди, деб хаёл қиларди.

Ойчечак қуролли навкарлар, бозор оқсоқоли кузатувида бошқа расталарга ҳам ўтиб, бозор четига чиққанида, узоқда пойтеша билан хари, тўсин чопаётган, ер қазиётган одамларга бир қараб қўйди. Ҳоким Темур Малик айтган «ғариб-ғураболар» шулар бўлса керак, деди фикран, унинг назарида «исқирт кишилар» тупроққа ботиб, ёғоч ташишарди. Булар орасида Темур Малик билан Шерюрак Шоший терлаб ишлаётганини хаёлига асло келтирмасди.

— Бегойим, у томон — бозори асп. Бозор четида отхоналар қуряпмиз... У ёққа бориш шарт эмас, — деди бозор оқсоқоли ҳадиксираб.

— Яхши, — деди Ойчечак яна заргарлик томон қайтиб, — аравани шу ерга олиб келсинлар, чарчадик. Шу ердан қайтамиз.

Соябонли арава шу ерга келтирилди. Одамлар икки чеккага ўтишди. То бозор дарвозасигача отнинг жиловини ушлаган Аҳмад ибн Мораз азиз меҳмонларни пиёда кузатиб бориб, кейин аравани ўраб олган навкарларга: «Хайр!» ишорасини қилди. Қўли кўксида кузатиб қолди. Оқсоқол маликани кузатгач, орқасига қайтиб келиб, бўлган барча гапни Темур Маликка ҳикоя қилди. Ҳоким хода устида ўтириб тоза кулди.

— Оқсоқол, сиз ҳам султон уруғларидан бирига уйланганингизда шундоқ бўларди. Қандоқ қилайлик. Хайрият, Хўжанд бозори катта..

— Ҳоким ҳазратлари, бу бозорда туядан тортиб то игнагача харид қилмоқ мумкин. Инсоннинг жонидан бўлак ҳамма нарса

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор. Хўжанд бозорига, бу томони — Фарғона, бу томони Самарқанд, бу томони — Шому Ироқдин, бу томони — Нили муборакдин, бу томони Чину Афғон, бу томони — Фарангистону Рум, Андалузия, Олмон томонларидин савдогарлар мол олиб келадур. Ипак карвонларининг йўли ҳам Хўжанд устидан ўтадур... Бу ҳазилакам гапми! Хўжанднинг донғи етти иқлимга кетгон.

— Ўз ҳунарингизни яхши кўриб, эътиқод билан иш тутишингиз бизга ёқади, — деди Темур Малик, Аҳмад ибн Мораз ҳаяжонини кузатиб туриб.

— Қайси ҳоким сиз каби авом ичига тушиб, бундоқ лой ишига қўл уради. Бошингизда жига, елкада хода кўтармоқдасиз. Доимо саломат бўлинг! (У қўлини очиб, Темур Маликни ҳаяжон билан узоқ дуо қилди.)

Аммо Темур Маликка шундоқ долзарб кунларда хотининнинг «султон уруғиданмен», деб тантанавор юриши ёқмасди. У кулгидан сўнг бир лаҳза хомуш тортди. Бундай диққат бўлган пайтларида бармоғидаги узугига тикиларди. У бирон нарсадан диққат бўлиб, юраги сиқилган пайтларида узугининг кўзига боқар, авжи рақсдаги ҳинд гўзали унинг кўзларига Нигина бўлиб кўриниб, бирдан жонланиб кетарди. Эркаланар, дам ўнгга айланиб, дам чапга айланиб Темур Маликка боқар, кулаётгандек бўларди. «Боғи насим»даги унутилмас ширин онлари ёдига тушар, ўзини дунёда энг бахтли одамдай ҳис этиб, ҳаяжонланарди.

ЎНИНЧИ БОБ

ҒАФЛАТ ФОЖИАСИ ВА БЎРИБОСАРНИНГ ВАФОСИ

Хўжанд атрофидаги ўрикзорлар олтин ранг олган. Мислсиз бир гўзаллик кашф этган куз кунлари эди. Шаҳар ичидаги баъзи дарахтлар аллақачон яшил тўнини ечиб, қорни кутар, баъзилари ҳали Қурама тоғи арчаларидек ям-яшил турар эди. Қалъанинг баланд кунгураси ёнида туриб шаҳарга кўз ташлаган Темур Малик, табиат манзарасига суқланиб боқарди. Қўрғон кунгуралари ҳам таъмирдан чиқишга яқинлади. Боболар вақтида қурилган бинолар таъмир талаб бўлиб қолгани кўпларнинг диққатини тортарди-ю, аввалги ҳокимлардан бирортаси ҳам бу ишга жазм этолмасди. Ўлпон йиғиш, султон хазинасидан маблағ сўраш керак, албатта. Бу ният кўпдан Темур Маликка тинчлик бермай келарди. Қалъа кунгурасидан пастга қараган кишининг юраги шиғиллаб кетади, жуда ҳам пастда қудратли Сайҳун тўлиб, буралиб, жимирлаб оқиб ётарди. Дарёдан нари беҳудуд уфқларга, кўз илғамас кенгликларга тикилар эди у. Шу пайт шаҳардаги уламолардан бирининг:

«Хўжанднинг ёш ҳокими Темур Маликнинг анча вақтдан буён шаҳардан ташқарига чиқмай, қалъада ўтира бериши, ҳарбий машққа куч бериб, зироатчи мардум ҳолидан хабар олмаслиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғафлат уйқуси демакдир, бу эса авомнинг шўри. Тахтни фақат қиличу найза билан ушлаб тураман деган ҳокимнинг давлати таназзулга юзтубан кетмоғи муқаррар», деган гапи ногоҳ эсига тушиб кетди. Бу гап айни ҳолатида таъсир этиб, ҳарбий машқ бўлмайдиган жума куни у ўз ёнига кутвол ҳамда мингбоши вазифасини бажарувчи Шоҳмурод Кўҳистоний, яна беш нафар азамат навкарлардан олиб, сафарга отланди. Бир неча чориқ, чироқ, шам, кетмону тешалар олди, ҳамёнига олтин ва кумуш тангалар солди. Шаҳарни боқаётган деҳқону боғбону чорвадорларга илтифот, карам кўрсатишни анчадан бери кўнглига тугиб юрарди. Киши инсофли бўлиши керак, узумини егину боғини суриштирма, деган қабилда иш тутиш инсофдан эмас, деди у ўзига ўзи. Иккиламчи, фуқаро ўз ҳокимини кўрмоғи, танимоғи лозим. У куёвболадек гўшангадан чиқмай ўтирса, уни ким кўради-ю, ким танийди?! Гаплашиб, таниб олган, яхшилик кўрган кишилар ҳокимга суянадилар, мамлакат ишига ҳам жон чекадилар. Ҳокимни кўрмаган, билмаган авом мисоли ёввойи қулондирки, уни асло ушлаб, эгарлаб бўлмайди. Қолаверса, мен ўзим ҳам асли фуқародан чиққан, отам — Хўжанд фуқароси, юзбоши бўлган...

Шундай эзгу ниятлар ҳоким юрагига жо бўлиб, Хўжанд атрофидаги Унчи, Қистакўз, Нав, Куркат, Қўрғонча, Қўшбулоқ қишлоқларини айланиб келишни ўйлади. Маҳкамада ҳокимият ишларига қараб туриш учун Муҳаммад Интизом билан Шерюрак Шошиё қолди. Хўжанднинг иккинчи мансабдор кишиси, Шоҳмурод Кўҳистонийни саркарда ўзи билан бирга олганига бошқа мансабдорлар таажжубланишди. Икки катта мансабдор ҳам шаҳардан ташқарига чиқса, бу пайтларда Туркон хотундан нома ёки одам келиб қолса, нима ҳол кечади? Қалъа аъёнларидаги бу андишани фаҳмлаган Шоҳмурод Кўҳистоний кулди. У Темур Маликка мурожаат этди:

— Саркарда, мени ўз ёнингизда олиб кетмоғингиз боиси шуки, Хўжандда ҳазрат йўқлигида давлатни Шоҳмурод ўз қўлига қаратиб олади, деган хаёл бор...

Темур Малик ҳам ҳазилни фаҳмлаб кулди:

— Шоҳмурод Кўҳистонийга бир Хўжандни эмас, бутун Мовароуннаҳру Хуросонни беришга тайёрмен. Ҳонимдан ҳам ортиқ кўрадурғон қадрдоним Шоҳмуродга, у лозим топса, навкар бўлиб хизмат қилишга тайёрмен...

Бу гапдан кейин улар қучоқлаша кетишди.

— Ha қилайки, сиз ёнимда бўлмасангиз, мен ёлғиз қолгандек бўлурмен. Иккиламчи, ахир авом билан учрашганда ёнингизда бир калласи бор, бутун одам ҳам бўлмоғи даркор.

— Тушундим... Ҳазрат, мен Афлотун, балки шайхулраис ибн Сино ёнидамен, унинг тафаккури бир очун. Мен баҳр соҳилидаги бир ирмоқдирманки, баҳри муҳитга қўшилиб, ўзимни ҳам баҳр фаҳм этадурмен...

— Тоғликлар доно бўлади, — ҳазилини давом эттирди Темур Малик, — сиз жанобнинг ҳокимингизга хиёнат қилишингиздан кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ра ҳам заколиғингиз муҳим! Менга бу фазилатингиз жуда ёқади.

— Бас, шундоқ экан, саркардам, ҳозир шаҳардан чиқиб, далама-дала юришдан мақсад нима? Деҳқонлар ўз иши билан машғул, чўпонлар мол боқиш билан банд. Ерларимизда зироат осойишталик билан унмоқда. Ҳамма вақтдагидай авом ўз юмуши бирла овора... Бозорлар маъмурчилик, шаҳарда савдогарлар, ҳунармандлар ўз ишлари билан куйманишади. Биз оҳангарларга кўпроқ қиличу найза буюрмоғимиз даркор эди, шундай қилдик.

— Сиз жанобнинг ҳамма сўзларингиз ҳақ. Тўғри, султон араб ерларига қўшин сургани билан биз томонда осойишталик. Тўғри, деҳқонлар кўп зироат экди, бозорлар обод. Яхши отлар сотиб олдик, яна оламиз. Аммо биз бориб деҳқон билан гаплашмоғимиз қарзу фарз! Зироатни, йўнғичқаю пичан ғарамларини ўз кўзимиз билан кўрайлик. Мен бу кеча «Шоҳнома» нинг Фаридун ҳикоятини ўқидим, аввалги куни «Калила ва Димна» ни мутолаа қилдим. Сиз бу йўлда тўғаноқ бўлишингиз билан вазири аъзам — Қоплонга ўхшайсиз...

Шоҳмурод Кўҳистоний қаҳ-қаҳ урриб кулди. У Темур Маликнинг ҳозиржавоблигию баъзан гап билан қамчилашини ёқтирарди.

— Хўжанд — султоннинг тўрт юз қалъасидан бири! Хўжанд ҳокимининг содиқ қулларидан бири «вазири аъзам»га тенг кўрилар экан, — деди Кўҳистоний, — мен тоабад бу катта мурувватни унутмаймен. Қани, кетдик, саркарда!

— Гўдак боладек совуқ сувга ювинтириш олдидан бир оз хархаша қиласиз. Тоғликларнинг устидан либосини фақат ўлганидан кейин шилиб оладилар, дейишади, шу ростми?

— Тавба қилдим! — Шоҳмурод Кўҳистоний яна кулиб юборди, — саркардам, афв этасиз! Либосим қалин, найзалар, қиличлар менга кор қилмайди. Аммо бир куни шу бесуяк тилим қурғур ўз бошимга етмаса деб қўрқадурмен...

Темур Малик отига қамчи босди.

Улар айланма йўллар билан шаҳардан чиқиб, баландликка ўрлай бошладилар. Сайҳун орқада қолди. Кун ёйилганида Нав қишлоғига етиб бориб, бир кулба рўпарасидаги майдончада ҳўкиз билан буғдой янчаётган йигитчага кўзлари тушди. Йигитча бу суворилар ичида ҳоким борлигини билмаса ҳам, сипоҳий юқори мартабали кишилар эканини фаҳмлади. Бир лаҳза ишни тўхтатиб, бош эгиб, салом берди. Темур Малик отдан тушиб, юз-кўзлари чанг, ориқ, ҳали мўйлаби чиқмаган, қорачадан келган йигитчага яқин борди. Салом-аликдан сўнг, бу йил ҳосил қандай бўлганини, неча ёшдалиги, исми нима, ота-оғалари борми, нега бунда ёлғиз меҳнат қилаётганини сўради. У ўз исми Довул, отаси борлиги, отасининг исми Совур эканини, у нариги Куркат қишлоғига кетганини айтди. Бу йил ҳосил яхши эканини маълум қилди. Темур Малик деҳқон боланинг хирмонига барака тилаб, яна отга минди. Нав қишлоғи ичкарисига кирмай, шунақаси Куркатга юришди. Икки қишлоқ оралиғида бир жарлик бўлиб, баландликка кўта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилган киши узоқдаги Туркистон тизма тоғ чўққиларини шундоқ аниқ кўриши мумкин эди. Сап-сариқ қирлар, тоғ ёнбағрида яшил ранг тўкилгандек, олис-олисларда икки қишлоқ дарахтлари яшиллик ҳосил қилган эди. Оқсув билан ундан нари Қорасув дарёлари ҳам кўзга илинарди. Тоғ йўллари оша улар Куркат қишлоғига кириб боришди. Йўл четидаги фақиргина бир кулбадан аёлларнинг йиғи овози эшитиларди. Пасқам деворлари ҳам харсангтош бўлаклари билан озгина кўтарилган, бир ҳужраю айвондан иборат кўримсиз ҳовли ёнида отдан тушишди. Қилич осган етти сиҳоҳни кўрган уй эгаси ҳовлида тўпланган одамлар ичидан чиқиб келиб, улар билан ғамгин кўришди. Ҳовлига таклиф қилиб, жой қилинган айвонга ўтқазди. Бир йигит отларни ушлаб турди. Куркатликлар уларни Самарқанд томон кетаётган мансабдорлар, деб ўйлашди.

— Кимингиз қазо қилди? — дея Темур Малик фотиҳадан сўнг балаид бўйли, қўллари қадоқ кекса одамга мурожаат этди.

— Бошимга оғир мусибат тушди... — деди деҳқон ҳўнграб йиғлаб, — кеча чақалоғимни бешикка белаб, онаси бир муддатга бизнинг ёнимизга хўрак олиб кетган эди. Биз далада хирмон тепасида эдик. Бешикдаги боламни бўрига олдириб қўйдик. Вой, юрагим ёниб кетмоқда! Ичимга пичоқ тиқиб олгим келади, эй йўловчи, энди мен нима қиламен. Э, пешонам бунча шўр бўлмаса? Қайси гуноҳларим учун менга бунчалик жазо! Бир яшар ўғлимни бўри еб кетди. Орқасидан қидириб бориб, даладан унинг оёқ панжаларини топдим. Вой, мен энди нима қиламен! Икки ўғлим бўрини қидириб кетди. Агар топиб келмасаларинг, ўзимни ўлдирамен, дедим. Эндигина тили чиққан бола эди. Бизни ғафлат босибди, атрофимизда бўрилар борлигини билмабмиз... Онаси мурда бўлиб етибди. Мен бу мусибатга қандоқ чидаймен!

Темур Малик ўтирган ерида ўйланиб қолди. Рўпарасида кўксини чангаллаб оҳ урастган давангир одамдан кўз узмас, унинг ҳолига бағоят ачиниб, бошини сарак-сарак қиларди. Ёнидаги Шоҳмурод Кўҳистоний, ҳовлида турган сарбоз йигитларнинг ҳам юраклари ачиб, хомуш тортишди.

— Ўзи сизга сабр-ирода берсин, биродар! — деди Темур Малик, — жуда ёмон фожиа юз берган. Ҳасратингизга биз ҳам шерик. Бечора бола қоракўл қўзичоқдек ёруғ дунёни кўролмай кетибди. Э, афсус, э, афсус!..

— Вой-дод, хўжам, энди нима қиламен! Мен ота эмасмен, бир боласини бўридан асролмаган бир ношудмен!

— Сабр! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, — бу зот Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳазратларидир. Сизга сабр тилаймиз, — у Темур Малик ишораси билан ёнидан халта чиқариб, ўн тилла санаб, деҳқонга узатди, — буни олинг, Хўжанд ҳокими номидан.

Деҳқон тангаларни олиб, Темур Маликни йиғлаб дуо қилди. Шундан сўнг улар ўринларидан қўзғалиб, нариги Қўрғонча қишлоғи томон йўл олишди. Йўл-йўлакай Темур Малик чақалоқ фожиасинию ғафлат босган деҳқон ҳақида ўйларди. Ичкарида, чалдивор

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоналарнинг бирида бағри ёнаётган она азобларини сўз билан айтиб бўлмаслигини ҳам ўйларди.

— Сиз, муҳтарам зот, эрта билан менга ҳаммаёқ осойишта, фаровонлик, эл шоду хуррам... деб бу ерга келишга унамаган эдингиз. Аҳволни кўрдингизми? Қазо муҳаққақ, аммо бунақа фожиа бизни ўйлатиб қўяди. Биз ғафлат уйқусида ётиб, фарзандларимизни бўрига олдирадиган бўлсак, бизнинг ҳокимман деб юришимиздан нима маъно! Бу, бизга ибрат бўлмоғи лозим, Хўжанд музофоти фуқароси бизга фарзанд монанд... Фарзандини, наслу насабини йиртқичдан, яъни босқинчидан ҳимоя қилолмаган ота — ёмон ота! Азизим, сиз бу гапни кенгроқ тушунинг — бутун Хўжанд музофотини, фуқаросни, такрор айтамен, сиз билан бизнинг фарзандларимиз қиёс этинг. Эл шундоқ деб фаҳм этади. Элни бўрига едириб юборишга ҳаққимиз йўқ! Тақдирнинг иноятн ила сиз билан биз Хўжанднинг ҳокимимиз. Бас, шундоқ экан, биз бўрилардин элни асрашимиз ҳам фарз, ҳам қарз! Жаноб, англаган бўлсангиз керак?!

— Фаҳмладим, саркарда! — деди от устида кетаётган Шоҳмурод Кўҳистоний, ўнг қўли кўксида, ҳокимга ярим ўгирилиб, — гўдак фожиасидан муҳим хулоса чиқарганингиз тўғре. Бу, мамлакат миқёсидаги гап. Мен бунчалик кенг ўйламаган эканмен. Дарҳақиқат, ғафлат уйқусида ётган кимсани осмон ҳам, ер ҳам кечирмайде!

Қўрғончага етмай, тоғ ёнбағридаги Қийикбулоқ қишлоғига юришди. Ҳоким илтимоси билан аввалги кунлари биронта қишлоқ оқсоқолига хабар қилинмаган, чопар ҳам юборилмаган эди. Шу сабабли, азадан чиқиб, қишлоқ оқсоқолиникига кириб ўтирмай, йўлга тушишган эди. Уларнинг ниҳоятда қоринлари очиб, қош қорайишига яқин баланд чўққилар остидаги Қийикбулоқ қишлоғига кириб боришди. Навкарлардан бири Шоҳмурод Кўҳистонийнинг топшириғи билан хабар қилгани қишлоқ оқсоқоли уйига от чоптириб кетди. Кўп ўтмай, оқсоқол шошилинч отга миниб, ўғли билан бирга ҳоким истиқболига чиқди. Қишлоққа етмасдан йўл устида, тоғ тошларини ювиб, тепадан шарқираб оқиб ётган шаршара ёнида рўбарў келишди. Қишлоқ оқсоқоли дарҳол отдан тушиб, Темур Малик отининг жиловидан ушлади, уни отдан туширмай, ўз ҳовлиси томон бошлаб борди. Ҳокимнинг келаётганини эшитган оқсоқолнинг укалари ва яна бир неча аёллар шошилинч ҳовли супурган, меҳмонхонага кўрпача, парёстиқлар тўшаш билан овора бўлдилар. Темур Малик оқсоқол дарвозасидан ҳовлига кириб, отдан тушди. Шу лаҳза ҳовли четида катта бир қўчқорни ётқизиб, ҳоким ижозатини сўрашди. Қорни оч Темур Малик сал қўлини даҳанига олиб келган эдики, қўчқор сўйилди. Шоҳмурод Кўҳистоний билан ёнма-ён айвон сари бораётган ҳоким дўстига шивирлади: «Қўчқор гўшти пишгунча, сулайиб қолсак керак. Ҳозир менга бир бурда нону чой керак...» «Камина ҳам шундоқ», — деди пичирлаб Шоҳмурод.

Уларни безоғлиқ ичкари хонага олиб киришди. Навкарлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқарида. Уч-тўрт йигит фармонбардорлик қилиб, ичкаригa чою ширинликлар, нону мевалар ташишарди. Гўшту гулоб, хумчада мусаллас олиб кирилди. Потиллатиб бир неча какликлар ҳам сўйилди...

Зиёфату суҳбат ярим кечагача давом этди. Қишлоқ оқсоқоли ҳокимни ёлғиз қолдириб, йўл юриб чарчагансиз, ҳордиқ олинг, леганига қарамай, андак кайфи ошган Темур Малик ҳеч кимга жавоб бермади. Шундоқ ширин суҳбатни ташлаб ким ухларди? Қишлоқ масжидининг имоми чўққисоқол Муҳаммад Ҳайбатулло деган кимса ҳам Темур Малик келганини эшитиб, ўпкасини қўлтиқлаб, ҳалпиллаб, салла-калла қилиб, эшикдан кириб келди. У ҳокимни дуо қиламан, деб гапидан янглишиб кетди:

«Бизнинг қишлоққа қадамранжида қилиб, фуқарони иззат қилгон экансиз, сизни...»

Лекин, бари бир, бешигидан чирқиратиб тортиб олиб бўри еб кетган чақалоқ бола Темур Малик кўз олдидан асло нари кетмасди. Пичоқ ушлаб, жарликларда йиртқичнинг инини қидириб юрган оғалари, йўлдаги қону чақалоқнинг панжалари... бу мудҳиш манзара унинг бағрига пайзадек санчилиб, овқатга ҳам ортиқ ҳуши қолмади. Ўзининг ҳам икки яшар ўғли бор — унинг тили чиқиб, ниҳоятда ширин бўлган. Ҳоким ўз гўдагидан хавотирлана бошлади. Агар бу фожиа ўзининг бошига тушганида нима бўларди! Юрагига ғулғула тушиб, ҳозироқ ўрнидан туриб, шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Ўзини қўлга олди. Ички ҳиссиётларини ёнидагиларга сездирмади. Ҳокимни зериктирмаслик, унинг қишлоқдан мамнун кетишини жон-жаҳди билан истаётган оқсоқол хонандаларга одам юбориб, чақириб келайликми, деб сўради. Темур Малик буни истамади, негадир юраги сиқиларди. Ҳовлидаги қулоқлари кесик каттакон қоплон итнинг салмоқланиб вовиллаётгани оқсоқолни безовта қилиб, ўғлига уни узоқроққа олиб кет, деган эди, Темур Малик буни ҳам истамай, кулди: «Оқсоқол, қўйинг, майли, вовиллай берсин. Ўзи ҳам йўлбарсдек экан. Унинг овози чиябўриларни даф этади», деди. Ҳокимнинг Қоплонга яхши назар билан қараётганини сезган оқсоқол итлар ҳақида ҳикоя бошлади. Ҳовлида боғлоғлиқ Қоплон наслдор экани, унинг отаси Бўрибосар қисмати мураккаб бўлгани ҳақида ҳикоят эшитган Темур Малик парёстиққа ёнбошлаб ётган еридан дарҳол бошини кўтариб, чордана қуриб олди. Ҳокимнинг жониворларга қизиқсинганини сезган оқсоқол ҳикоянинг ёнига қўшибми, қўшмайми, ҳар қалай, инсонни ўйлатиб қўядиган бир воқеани айтиб берди.

...Қишлоқнинг кунчиқар томонидаги Бешиктоғ чўққилари остида серўт яйловлар бор. Ёз бўйи бу баланд кенгликларда боқиладиган подалар куз келиши билан секин-аста пастга, қишлоқларга олиб тушилади. Қулмуҳаммад деган чўпон тоғда, ҳар доим ўтирадиган катта тош ёнида ортиқча бир декчаси ва жулдур пўстинини қолдириб, уч баҳайбат итининг бири — Бўрибосарга озгина эт, қотган нон ва суяк ташлаб: «Шу ерда ёт!» дейди. Ўзи катта сурувни пастга олиб кета бошлайди. Бўрибосар йўл олдидан бир қорнини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўйдириб олсин, деб шундай қилган экан. Бошқа икки ит пода атрофида чўпон билан бирга тоғдан тушиб келибди. Тени билан юриб, анча пастга тушишибди. Тонгда у Бўрибосарни кўрмабди. Икки кундан кейин Қулмуҳаммад чўпон Бўрибосарнинг тамоман кўринмай қолганига таажжубланибди. Бошқа итлари ёнида айланиб юришар, аммо каттаси йўқ эмиш. Қишлоққа етишгач, икки ит ҳам Бўрибосарнинг ғойиб бўлгани учун бош солиб, хомуш ётишганини Қулмуҳаммад чўпон сезибди. У фақат йўлда чарчамасин, деб тоғда ит олдига қотган эту суяк ташлаганини биларкан, холос. Қишлоққа етиб келиб, қўтонларга кирибди, аммо Бўрибосардан ҳамон дарак бўлмабди. Уни тунда бўрилар ўраб олиб ўлдириб кетди, деб ундан умид узибди. Аммо Бўрибосар ўз салобати, йўғон овози, полвонлиги билан Қулмуҳаммад чўпоннинг кўз олдидан ҳеч нари кетмабди.

Ойлар, қишнинг ғиз-ғизон совуқлари ўтибди. Яна баҳор келибди...

Қулмуҳаммад чўпон ўз ўғиллари, чўлиқлари, икки баҳайбат ити ва икки саман оти билан подани ҳайдаб, юқориликка — Бешиктоғ тагидаги ўтлоқларга кўтарилибди. Бир ҳафта йўл юриб, йўл-йўлакай қўю эчкиларини тўйдириб, ўша Қўнғиртош остига борибди. Бирдан узоқда, тош остида озиб-тўзиб, оч арвоҳга ўхшаб қолган Бўрибосарга кўзи тушибди. Чўпон қўйларга ҳам қарамай, от чоптириб бориб, қадрдони Бўрибосар ёнига келибди. У бечоранинг эти суягига ёпишиб, эгасининг тешик декчасию жулдур пўстини ёнидан аранг туриб, қалтираб, чўпонга қарабди. «Шу декчаю жулдур пўстинни қўриқлаб ётгин», деб тушунган экан, бечора. Бўрибосар эгасига садоқат сақлаб, қиш бўйи тоғда қолиб кетибди. Шу атрофдан нималарнидир топиб еб, жилғадан сув ичиб, декчаю пўстинни пойлаб ётибди... Бўрибосар Қулмуҳаммад чўпонга бир қараб қўйиб, индамай, орқасига — пастлик томон йўл олибди. «Ҳой, Бўрибосар, тўхта!» деганига ҳам қарамай, кетаверибди. Кўп ўтмай, у кўздан ғойиб бўлибди. Шу-шу у йўқ, қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. Уни қидиришиб топиша олмади. Итнинг қаттиқ хафа бўлганини кўрган Қулмуҳаммад чўпон ўтириб йиғлади. Шу воқеадан кейин чўпон қишлоққа қайтиб тушиб, уйда ўтириб қолди. Ҳозир унинг болалари чўпонлик қилишади...

Қишлоқ оқсоқолининг бу ҳикояси Темур Малик уйқусини тамоман қочириб, хаёлга чўмдирди. У оқсоқолга тикилганича, бармоқлари билан мўйлабини учини бураб, хаёлот дарёсига ғарқ бўлди. «Мана, вафо, — деди Темур Малик фикран, — итнинг инсонга вафодорлиги ҳақида кўп ҳикоятлар эшитганмен, аммо бунақасини биринчи топқир эшитишим». Шунга ўхшаш ҳодиса Ҳилат вилоятида, узоқ Андалузияда бўлганини шаҳзода Жалолиддиндан ҳам эшитган эди у. Аммо бу воқеа унга қаттиқ таъсир қилди.

— Қалайсиз, азизим? — деди Темур Малик, Шоҳмуродга боқиб.

— Бундоқ воқеани биринчи эшитмоғим. Ит жонивор ўшандан кейин қаёққа кетган экан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кейинчалик, пастда, чуқурликда унинг ўлигини чўлиқлардан бири кўрибди, — деди қишлоқ оқсоқоли.

— Эҳ, бечора! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний.

— Биз баъзан ўз қадрдонларимизга лоқайд боқамиз. Адолатсизлик қилиб қўямиз, — деди Темур Малик, — вафога вафо билан жавоб этмоқ лозим. Жафо билан эмас! Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деганлар. Мана, очун кенг, унга игнанинг тешигидан эмас, кўзни катта очиб қарамоқ даркор. Агар биз, азизим Шоҳмурод, бир ерда тураберсак, кўлмак сувдек айниб қоламиз. Қалъа тагидан айқириб оқаётган Сайҳундек юришимиз лозим. Қирмон ҳукмдорлари бир-бирларига заррин либос туҳфа этиш билан бандлар. Туркон хотун макру инжиқликларига берилиб, фуқарони, ёру дўстларини, Абдулқодир муншийдек мўътабар кишиларни унутган. Биз буни фаҳм этаётирмиз. Мана, шаҳардан чиқиб, ёмон иш қилмадик. Фарзандимизни бўрига ем қилмаслигимиз ва вафога жафо эмас, вафо билан жавоб қилмоғимиз даркорлигини ўргандик. Бу гапни на Афлотун ва на Луқмони ҳаким айта олади! Биз ўз кўзимиз билан кўриб, шоҳиди бўлиб, хулосага келаётирмиз.

Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, қишлоқ оқсоқоли ва бошқалар, тонггача кўзларига уйқу келмай, суҳбатлашишди. Эрта билан улар яна Хўжанд томон йўл олишди. Атроф-жонибдаги олтиранг ўрикзорлар, кузнинг беқиёс гўзалликларидан кўра ҳам чақалоқ фожиаси, Бўрибосар вафоси Темур Малик хаёлини банд қилиб олган эди. Айни чоқда, унинг кўз олдида бу Хўжанд музофотининг кузги жамоли — беқиёс табиат бир улкан паҳлавон тимсолида яшнаб, барқ урриб турар, аммо шу паҳлавоннинг дили қайғули, кўксида алам борлигини ҳам шундоқ сезиб борарди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

«ГУЛХАНИ АДНОДИН ГУЛШАНИ АЪЛОҒА БОРУРМЕН...[1]»

Эрта билан қишлоқдан жўнашда кадхудо[2] дарбозаси олдидаги майдонга қишлоқ кишилари — ўттиздан ортиқроқ йигит-яланг, мўйсафидлар, болалар Хўжанд ҳокимини кузатишга тўпланишган эди. Майдон атрофида пасту баланд уйлар, пахса ва усти сувалган деворлар, пастак томлар тепасида мўрилар. Уч томонга айланма тор кўчалар кетиб, уларнинг учалови ҳам далага олиб чиқарди. Чуқур оқаётган ариқ четларида каллакланган тут дарахтлари эрталабданоқ қилт этмай мудраб, бугунги куннинг ғоятда иссиқ бўлишидан далолат бериб турарди. Қишлоқ аҳли ҳоким келганини кеча кечқуруноқ эшитган, Темур Маликнинг фақат тунаб, эрта салқинда йўлга чиқишини, ҳеч ким хабар қилмаса ҳам сезишарди.

---

[1] «Пастликдаги гулхандан аршу аълодаги гулшанга кетаётирман».
[2] Кадхудо — қишлоқ оқсоқоли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хоразмшоҳнинг юқори мартабали амалдорлари ҳар гал Самарқанддан чиқиб, Ўтрор, Ахсикат, Ўзган томонларга юрганларида, Хўжандга киришдан аввал Куркатда бир кеча тунардилар. Бундаги зиёфат ҳамда кузатиш қишлоқ аҳли учун тўй тусини олиб тўпланишар, ундан сўнг бошқа кўнгилочар ишларига ҳам ружу этишарди. Бу иш юқори мартабали кимса ҳамроҳларига, кадхудога ёқарди. Шу сабабли, бир қадар одат тусига кирган маросим Куркатда, эрта билан ўз-ўзидан бошланиб кетди. Кадхудо саркарда Темур Маликни мамнун этиш ниятида йигитлару мўйсафидларга тўй либосларини кийиб чиқишларини буюрганлиги маълум бўлди. Отлар обдан тўйдирилиб, суғорилиб, эгар-жабдуқлари сириб урилган, айниқса майдон ўртасида жиловидан ушлаб турилган Қарчиғай ер тепиниб, пишқириб, эгасини кутарди. Ариқ бўйлари, деворлар ости, шотут дарахтлари тагида қўл қовуштириб турган одамлар ҳозироқ дарбозадан чиқиб келадиган саркарда Темур Маликни интизорлик билан кутишарди. Уни бу ерликлар кўришмаган, аммо саркарданинг қорахитойлар билан жанги, шамширининг бошқаларникидан узун эканлиги, рўйинтан, яъни «танига тиғ ўтмас»лиги лоф этиларди. «Шамшир солиб, душман елкасидан то минган отигача кесиб, тўрт пора қилиб юборгани...» ҳақида ҳам лофлар оғиздан оғизга кўчиб юрарди. Саркарданинг бўйи томдек баланд, елкаси тепа, отга минганида «бедовнинг бели эгилиб кетиши» ҳақида эшитган куркатликлар Афросиёб монанд ўз саркардаларини бир кўриш умидида эдилар. Бировлар чўққайиб, бировлар тик турарди. Болаларнинг югуриши, шовқин солишига ҳам йўл қўйишмас, тартибу осойишталикни сақлашарди. Туйнуклардан, девор тепаларидан мўралаб турган қиз-жувонлар, қишлоқ аёллари ҳам ўз оғаларидек бу томонларда донғи кетган Темур Маликни кўришга интилишарди. Шаҳзода Жалолиддин билан Темур Маликнинг жанглари паҳлавон Афросиёб, Аҳмад-Замчи, султон Санжар номидек кенг ёйилган, баъзан улардан ҳам ошириб таърифу тавсиф этишарди.

Бир муддатдан сўнг ҳовлида, дарбоза олдида хизмат қилаётган йигитларнинг ҳаракати тезлашиб қолди. Айвон зинапояларидан пастга тушаётган Темур Маликка кўзлари тушган қишлоқ аҳли чўққайиб ўтирган ерларидан туриб, итоаткорлик билан қўл қовуштириб туришди. Шотутга суяниб ўтирган суяги бузуқ, елкалари кенг бир кекса одам ҳам ўрнидан туриб, орқа этагини қоқди. Унинг соқоли, қошлари пахтадек оқарган, бошига афғонларга ўхшаб малланг салла ўраб, узун кўйлаги устидан ҳам бўшгина белбоқ боғлаган; жез пойнакли қинга солиб, осиб олинган дандонсоп пичоғи ҳам ярим газ келарди. Ў одам саксонлардан ошганига ҳам қарамай, қўлида асо йўқ, йўғон гавдасини йигитлардек адл тутиб, олдинга қараб юрди. Дарбозада саркарда пайдо бўлиши билан у одамлар ичидан ўтиб, йигитлардан кимдир, «ота, у ёққа борманг!» деганига ҳам парво қилмай, дадил ва жиддий ҳолда индамай ҳоким ёнига борди, у билан қўл олишиб омонлашди. Қишлоқнинг мўътабар кексаларидан, деб хаёл қилган Темур Ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик у билан кўришганидан сўнг, орқасига қайтиб кетаётган йўғон чолга бир лаҳза тикилиб қолди. Шу йўла саркарда бу ерда турган бошқа кексалар билан ҳам қўл беришиб омонлашди. Бояги чол яна одамлар ичига ўтиб, ўша шотут дарахти ёнига борди-да, саркардага тикилиб қараб турди. Хайр-хўш қилаётган Темур Маликнинг диққати ўша чолда эди. Гавдали кекса одам негадир унинг хаёлини олди. Қишлоқ оқсоқолидан бу кекса одам ким эканини бошқаларга сездирмай сўради. Қадхудо аввал елкасини қисиб, шотут тагида жиддий турган чолга тикилди, кейин саркарда қулоғига: «Бу ерлик эмас, Навдан бўлса керак...» деди. Ғала-ғовур ичида у чол қаёққадир ғойиб бўлди. Темур Малик қишлоқ аҳли билан хайр-хўшлашиб, Хўжанд томон йўл олди. Уларга ҳамроҳ бўлиб келаётган кадхудо саркардани Оқсув томон бошлаб, бунда кўприк солаётгани, шу атрофдаги ўзининг узумзорини кўрсатмоқчи эканини айтди. Темур Малик кадхудо ва йўлдошлари билан тепаликка кўтарилишганида, пастда, узоқда бояги чол эшакка миниб, Нав томон кетаётганини кўришди. Яна Темур Малик диққатини ўша чол қамради.

— Бу кекса одамни Навдан дедингизми?

— Ҳа, — деди кадхудо ёнма-ён кетаётган Темур Маликка.

— Таажжуб... У мўйсафид атайи одамлар ичидан суғурилиб чиқиб, мен билан омонлашди, бир сўз демади. Ҳеч нарса сўрамади. Дарҳол яна эшагига миниб, қишлоғига жўнамоқда...

Қадхудо оти жиловини тортиб, орқароқда келаётган ўз кишиларидан сўради:

— Ҳув анави эшакка миниб кетаётган чол қишлоққа қачон келган эди?

— Шу бугун азонда пайдо бўлиб қолди. Эшагини бозор ёнига боғлаб, одамлар билан дарбозага келди.

— Ана эшитдингизми, саркарда, — деди кадхудо, — сиз ҳазратни бир кўрай деган-да. Бошқа нима бўлмоғи мумкин. Ҳазрат, пайқадингиз, девор тепаларидан, туйнуклардан сизни қанчалар қора кўзлар тийрборон этди... Буни сезмадингиз, фуқаро ўз ҳокимини кўргуси келади. Сиз фақат юрт сўрайдиган ҳоким бўлмай, баҳодирлигингиз билан элда машҳурсиз. Куркатда шу кеча бир ўғил туғилди, номини Темур Малик деб атадик. Сизнинг шарофатингизга.

— Қатта бўлсин фарзанди, — деди Темур Малик бу гапларни диққат билан эшитаётгандай. Лекин хаёлида қошу соқоли пахтадек оқ чол турарди. «Нега у келди?» Шу лаҳза унинг кўз олдига оқ-қора соқолли кесик бош келди... Бирдан Темур Маликнинг бадани жимирлашиб, тер чиқиб кетди. Ўша арвоҳ яна уни таъқиб этиб юрганга ўхшади. Кесик бош — қорахитойлардан эди-ку, деди у ўзига ўзи. Бир лаҳзадан сўнг Темур Малик ўзини қўлга олди; йўқ, бу арвоҳ эмас!

Оқсувнинг тор, бўғилиб ўтаётган ерига қурилаётган кўприк ёнига етиб келишгач, отдан тушишди. Қишлоқ оқсоқоли ўзи бош бўлиб қилаётган иш ҳам фахр, ҳам садоқат эканини ҳокимга сўз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларди. Эрта салқинда иш бошлаган икки уста пойтешани қўйиб, ҳокимга салом беришди. Ер қазнётганлар, харсангтош ташиётганлар ҳам саркарда ёнига келиб, таъзим ила салом беришди. Аммо бирон кимсанинг қўл узатиб, омонлашишга ҳадди сиғмади. Бу ҳол яна Темур Малик ёдига бояги йўғон гавдали чолни келтирди. Унинг атай келиб, саркарда қўлини олиб, омонлашгани ўйлатиб қўйди. Бунда бир ҳикмат бор, деди у ўзига ўзи.

— Ҳазрат, бу кўприк Куркат билан Хўжанд оралиғини яқин қилади, — деди кадхудо Темур Малик хаёлини бўлиб, — биз Хўжандга икки баланд тепаликни айланиб, Оқсувнинг ёйилиб оқадиган еридан кечиб ўтамиз. Эрталаб арава билан йўлга чиқсак, кечга етиб борамиз. Бу кўприк йўлимизни анча қисқартиради. От билан юрган киши бир ош пишгунча вақтда кўприкдан ўтиб, Хўжандга кириб бориши мумкин...

— Бу тўғри, — деди Темур Малик, — менимча, сиз Самарқанд билан Хўжанд орасидаги масофани, қолаберса, Хўжанд билан Гурганж оралиғидаги масофани қисқартириб, хайрли иш қилгансиз. Бу — салтанатга мақбул иш. Салтанат қудратини оширишга қаратилган ҳар бир иш таҳсинга сазовор. Сиз буни ўйлаб қилгансиз.

— Қуллуқ, саркарда.

— Сиз фақат Куркатни ўйлаб, бу ишни қилаётганингиз йўқ.

— Худди шундай, саркарда. Минг маротаба қуллуқ. Тўғри айтдингиз.

Темур Малик қишлоқ оқсоқолига жилмайди, уни навозиш этди. Оқсоқол ўз ишининг моҳиятини тушунмай, калтафаҳмлик қилиб, ҳадеб Куркат, Куркат... деяберганидан хижолат бўлди. Аммо, бари бир, мол-мулк йиғиб, ўз кайфу сафосини суриб ётган оқсоқоллардан бу кадхудо минг чандон яхши эди. Мамлакат қудратига бир томчи бўлса ҳам куч қўшиб турган мансабдорлар Темур Маликка ёқарди. У, ҳатто мағрибдан машриққача, Дашти Қипчоқдан то Эрону Араб амирликларигача етган буюк салтанатни, султон Хоразмшоҳни енгилмас, деб хотиржамликка, фаромушликка тушадиганларни ҳам ёқтирмасди. Султонга итоатдан кўра ҳам бу ишда Мовароуннаҳрга садоқат кўпроқ эди. Орқасидан қўйилган айғоқчиларнинг султонга етказган маълумотларига кўра, «Хўжанд ҳокими Темур Малик мансабига доир ишлари ва бошқа хусусдаги хатти-ҳаракатлари билан салтанатга фидойи эмас», деган пинҳоний маълумотлар ҳам Гурганжга бориб турарди. Ўз ёнида яқин кимсадек бўлиб юрган айғоқчиларни ҳам у тахминан биларди. Ҳа, юртга содиқлик бор, султонга итоаткорлик бор. Темур Малик юрагида биринчи фазилат устун эди. Аммо у бу икки ҳолатнинг иккинчисини ҳам асло ёддан чиқармасди. Аслида подшоҳнинг айшу ишратдан қўли мутлақо бўшамаслигини ҳам яхши биларди. Отадан қолган салтанатда у тўла ҳуқуқли султон эмас, онаси Туркон хотуннинг измидан чиқолмайдиган бамисоли бир қўғирчоқ эди.

Темур Малик отига миниб, кўприк қураётганлар билан хайр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хўшлашди, кутилмаганда қишлоқ оқсоқолига мурожаат этиб, ўзи билан бирга Нав қишлоғига боришини, «қошу соқоли пахтадек оқ, йўғон чол»ни кўриши лозимлигини айтди. Кўприк қураётган жойдан Нав унча узоқ бўлмай, кечувни айланиб ўтишлари билан қишлоққа киришди. Оқсоқол кишиларидан бири чалғимай уларни тўппа-тўғри бояги чол ҳовлисига бошлаб келди. Яқин орада етиб келиб, эндигина юз-қўлини ювиб, ғарибона ҳовлиси четидаги айвонида тамадди қилаётган чол ўз эшиги олдида отлиқлар тўхтаганини, пасқам деворидан отда турган Темур Маликни кўриб, пиёлани курси устига қўйиб, букчайиб, қийинчилик билан ўрнидан турди-да, даҳлиздаги кавушини шоша-пиша сўлақмон оёғига илинтириб, эшик томон юрди. У билан мўйлаби сабза урган икки невараси ҳам орқама-орқа эшикка юрди. Чой қуйиб бериб ўтирган кампир ҳам тик туриб, эшикка ағрайганча қотиб қолди.

Отдан тушган Темур Малик кулимсираб, икки қўлини узатиб, чол билан яна омонлашди.

— Муҳтарам саркарда, сиз ҳазратни бир кўрай деб тонготарда йўлга чиқиб, кадхудо дарбозаларида пойлаб ўтирган эдим. Куркатга ўтиб кетганингизни кеча эшитгандим. «Гулхани аднодин гулшани аълога» кетаётган эски сарбоз Муҳаммад Фақирий сизнинг ҳарбий шижоатингизни эшитиб, жамолингизни бир кўрай, деб Куркатга бордим. Хўжанд аҳли сиз ҳазратнинг раҳнамолигингиз хусусида кўп сўз айтадур. Қулбамга марҳамат, саркарда!

— Сиз ҳам, муҳтарам сарбоз, биз билан қўл беришиб омонлашдингизу дарҳол эшакда қочдингиз.

— Хо-хо-хо-хо-о-о! — чол ўзини тутолмай осмонга қараб кулди. Унинг эрта билан жиддий қовоқ осиб туришлари Темур Маликни бир оз ўйлатган эди. Чол оғзини ўрадек очиб хахолаши саркардани ҳам кулиб юборишга ундади, — жийрон отимиз бўлмаса на қилайлик, кунимиз шу эшакка қолган. Умр бўйи от миндик, тўшагимиз — эгар, йўл юриб ухладик. Бари ўтди... Ичкарига, муҳтарам саркарда, марҳамат!

— Биз ҳам шу ердан кетамиз.

— Муҳаммад Фақирий кулбасида бир пиёла чой ичиб, каминани бутун умрга бахтиёр этинг. Муҳтарам отангиз Маҳмуд Малик ҳазратларига йигирма йил садоқат била хизмат қилдим, султонга хизмат қилдим. Салжуқийларга хизмат қилдим...

Улар қишлоқ оқсоқоли билан бирга Муҳаммад Фақирий ҳовлисига киришди. Бошқа навкарлар ташқарида, отларининг жиловидан ушлаб туришди. Айвонга енгилгина чўкиб, фотиҳадан кейин чой ҳўплашди.

— Сизларнинг қишлоғингизда ҳамма одамлар бедонабозми? — дея тўсатдан сўради Темур Малик.

— Йўғ-е, ҳазрат! — қўрқиб кетди Муҳаммад Фақирий.

— Ундоқ бўлса, нега пашша йўқ?

— Ҳа, дарвоқе, Навда тўртта бедонабоз бормиз, ўшаларнинг бири мен ўзим! Хо-хо-хо-хо-о-о... Навда пашша қолмади, бедона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга едириб юбордик, хо-хо-хо-хо-о-о... Энди Куркатга бориб, пашшаларини тутмоқчимиз.

Чолнинг оғзини қатта очиб кулиши Темур Малик билан Кўҳистонийда ҳам яна кулги қўзғади.

— «Гулхани аднодин гулшани аълога» ҳижрат қилатурғон кимса бедона ўйнайдими?

— Ҳазрат бир хумча мусалласим бор, озгина сабр этинг... Бу дунёнинг на ибтидоси ва на интиҳоси бор...

— Сарбоздурмисиз, сўфийдурмисиз, билмадим...

— Ҳазрат, мен Гурганждан Ўтрору Шошгача, ундан Бағдоду Шомгача, ундан Машҳаду Сийстонгача султон лашкарида юрган одаммен. Хонақода ўтирганлар эмас, биз юрганлар мулло бўлдик. Қўрабериб, кўзимиз пишиб кетди. Марҳум отангизга хизмат қилдим, сиздек фарзанди борлигини эшитган эдим. Жамолингизни бир кўрай деб юрардим, муродимга етдим. Нимаики хаёл қилган бўлсам, тўғри чиқди. Менинг изимдан Навга келишингизни ҳам кўнглимдан ўтказган эдим. Раҳматли отангиз руҳи сизни менинг кулбамга йўллади. Бу кароматни кўнглим сезиб, лом-мим демай қишлоққа жўнаган эдим. Отангиз ҳам ўзининг бир сарбозини йўқлаб Чориқдарронга борган. Қайтур дунё дейдилар, яхшилиқ ҳам, ёмонлиқ ҳам қайтади. «Сабр керак балосиға, ризо керак қазосиға», деган машойихлар.

Бир муддатли ўтиришдан сўнг, Темур Малик ўрнидан қўзғалди. Айвон қозиғида осиғлиқ бесўнақай ғилофдаги узун қиличга кўзи тушди.

— Деҳқончилик билан машғулмиз, ҳазрат, доимо юртнинг тинчини оллодан тилаймен. Бу яроғ билан умрим ўтди. Аммо уни занг бостириб қўйганим йўқ, артиб, тозалаб турамен. Фарзандларим қўлига олиб бекорга ўйин қилишларига йўл қўймаймен. Бу шамшир Мовароуннаҳрнинг ҳимоясида кўп иш қилғон...

Темур Малик ўз навкарига ишора қилиб, эски сарбоз Муҳаммад Фақирийга ўн тилла танга беришни буюрди. «Бу, Хўжанд қўшинига, салоҳиятга эътиборингиз учун...»

Улар кекса сарбоз ҳовлисидан мамнун чиқиб, отларига миниб, йўлда давом этишди.

Хўжандга етиб келишгач, шу куни баъзи зарур ишлар билан банд бўлиб эртасига у ҳамма мансабдор шахсларни ўз ҳузурига, қалъага чорлаб, машварат мажлиси тузди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ЎЧ

— Бу сирли гап, бекам, қўрқамен... Худо кўрсатмасин, ҳазрат эшитсалар каллам кетади, — деди титраб, бўзариб, заргар дўкони орқасидаги ярим қоронғи хонага бегойим Ойчечакни бошлаб кир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз. У, Ойчечакни хонтахта четидаги кўрпачага ўтиришга таклиф этиб, ўзи унинг рўпарасига чўкди, — қўйинг, меҳрибон бекам, мени қийнаманг, айтолмаймен. Қора босиб, мен бу гапни қаёқдан ҳам сизга шама қилдим... Мен сизга ҳеч нарса деганим йўқ, сиз ҳам ҳеч нарса эшитганингиз йўқ! Бир ғариб одаммен — ҳокимларнинг ошиқона ишларига аралашиб, қаллам кетиб қолмасун. Бу жуда хавфли иш! Бола-чақаларим кўп, бекорга ўлиб кетмай... Шунга ўхшаган бир гап учун бозорда икки навкарнинг калласи кесилгани кўз олдимда... Бир қошиқ қонимдан кечинг, мен сизга ҳеч нарса айтганим йўқ, такрорлаймен, сиз ҳам ҳеч нарса эшитганингиз йўқ. Вассалом!.. Сизни, бекам, ҳазрат каби, балки ундан ҳам аъло эҳтиром этамен. Буни ўзингиз билурсиз. Садоқатли қулингизмен, ўлдирсангиз ҳам майли, аммо жаллод қўлида ўлмай.

— Кўп обидийда қила берманг! Нима гап? Бошладингизми, энди очиқроқ, бирма-бир гапиринг! — деди шаддодлик билан Ойчечак юзларини расмана очиб. Аҳмад ибн Мораз унинг чиройли юзларига, лаби устидаги қуюқ туклару узун киприкларига, очилиб қолган момиқ кўкрагига тушиб турган шода дурларига тикилди. Тупугини ютди... — каллангиз кетмайди, қўрқманг! Аксинча, мартабангиз ошади. Ўйлаган ниятингизга етасиз... Бу — аниқ! Эркак киши мард бўлиши керак! Бизнинг хонадонда сиз жанобни ҳурмат қиламиз. Менинг ҳимоямдасиз, мен «улуғ малика» ҳимоясидамен. Ҳаммамиз оллонинг ҳимоясидамиз. Яхшиликларингизга яхшилик қайтади. Қани, бир бошдан ҳаммасини айтинг! — Ойчечак жиддий, ўқрайиб қаради.

У нимқоронғи хонада, хонтахта ёнида парёстиққа суяниб, атайи юзлари, кўкракларини очиб ўтирарди. Унинг жамолига маҳлиё бўлиб, ҳирс билан тикилиб қолган Аҳмад ибн Моразнинг ҳозироқ ўзини қучоқлаб, лабларидан ўпишдан ҳам тоймаслигини кўзларидан сезиб турган Ойчечак нозик қўллари билан оқсоқолнинг кўкрагидан итарди:

— Сал нарироқ ўтириб гапиравернинг. Ўйлаган ниятингизга етасиз, жаноб. Ҳозир мен гапни эшитишим керак. Ҳамма воқеани билишим керак!

— Хўп бўлади, хўп бўлади! — деди энтикиб, нафаси тиқилиб Аҳмад ибн Мораз. — Мен қулингизмен, нима буюрсангиз, шуни қиламен. Тамоман қулингизмен! Босган изларингизни ўпамен, изларингиздан тупроқ олиб, қошу кўзларимга суламен...

— Гапиринг, қани, мукаммал гапиринг!

— Эшикда қолган энагангиз кутиб қолмайдиларми?

— Йўқ! Гапиринг!

— Раққоса бениҳоя чиройли ва ёш... Бари бир сизнинг ёнингизда у ҳеч гап эмас. Ачинамен, куямен... наҳотки, ҳазрат сиздек бениҳоя гўзал парини... ўша бир қишлоқи раққосага алишса...

— Жонига теккан бўлсам керак-да... Ҳар нарсанинг ҳам янги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

си яхши. Уни ёш деяпсиз, чиройли деяпсиз. Ўшани ҳам бир кўргиси келгандир-да... Қани гапиринг!

— Уни «Боғи насим»да, зиёфатдан кейин ўз хобхонасига чақиртириб олганини ўз кўзим билан кўрдим. У сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайди...

— Кейин нима бўлди?

— Шу кеча раққоса Нигина ҳазрат тўшагида бўлиб, кабобпаз одамларимнинг айтишича, эрта билан никоҳ ўқитилган. Никоҳ пайти «Боғи насим» хобхонасида созанда Ота Муҳаммад, Иброҳим Дўлдай ва бошқалар ҳам бўлган...

— Оти Нигина эканми?

— Ҳа.

— Иброҳим Дўлдай ҳам хабардорми?

— Раққосани ҳазратга чақириб олиб борган у!

— Иброҳим Дўлдай?

— Ҳа.

Ойчечак ғазаб алангасида ўйланиб қолди. Юзлари, қошлари ўртаси бужмайиб ниҳоятда даҳшатли бир ҳолга тушди. Ранги ўчди.

— Кейин ҳазрат уч кун «Боғи насим»да раққоса Нигина билан бир тўшакда ётгандир... Вассалом! Агар менинг бу гапларимдан ҳазрат хабар топса ёки у билан жанжал қўзғаб, менинг номимни айтиб қўйсангиз... эшикка сарбозлар қилич кўтариб келиши биланоқ қочамен ёки заҳар ичамен!

— Ҳазрат билан жанжаллашадиган нодон йўқ! — деди ғазабу аламидан қаҳ-қаҳ уриб кулган Ойчечак, — у мен билан маслаҳатлашиб Нигинага никоҳ ўқитгани йўқ. Мен ҳам у билан маслаҳатлашиб иш қилмаймен! Тушундингизми? Сизнинг заҳар ичишингизга мутлақо эҳтиёж бўлмайди, оқсоқол. Заҳар эмас, кўпроқ яхши узумдан қилинган май ичинг, кучга кирасиз. Сиз менга кераксиз... Сиз — яхши одамсиз. Сиз — жуда яхши одамсиз. Сизга ишонамен ва суянамен... Энди бизлар дўст бўлиб қолдик, — у ўрнидан қўзғалиб, бошига рўмолини илиб, эшик томон юраётган эди, Аҳмад ибн Мораз сурбетлик қилиб, Ойчечакнинг қўлидан ушлади.

— Султонлар наслини ерга урманг... — деди Ойчечак қўлини тортиб олиб, унга нафратомуз тикилиб, — сизни хурсанд қиламиз, албатта, ноумид бўлманг...

— Қулингизмен, — у эгилиб тавозе этди. — Ноумид бўлмаймн?

— Мутлақо! — У ташқарига чиқиб кетди. Заргар дўконининг ёнидаги кичик йўлакчада, курсида кутиб ўтирган Бинафша бека дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳазил қилмаган эканми? Гап бор эканми? — деб сўради Бинафша бека.

— Ҳа, — деди қисқагина қилиб Ойчечак энагасига, — гап жуда катта. Никоҳ ҳам ўқитибди. Раққосанинг номи Нигина экан. Асли Хўжанд атрофидаги бир қишлоқдан...

— Вой, мен ўлай... Энди нима бўлади?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳеч нима! У аллақачон жўнаган. «Никоҳ» менимча, у ярамаснинг эрка-тантиқлиги учун ўқитилган, холос.

Бинафша бека оғзини очиб, бундай ҳолларда ёниб, бақириқ-чақириқ қиладиган Ойчечакнинг «босиқ» лигига ҳайрон қолди. Улар кўчага чиқишганида ҳам Ойчечак чодра ичида пинагини бузмади, ҳеч нарса бўлмагандек кета бошлади. У уйга келиб, ўзини партўшакка ташлади. Энага Бинафша бека билан ҳам гаплашмади, шифтдаги нақшин тоқиларга тикилганча ҳаёлга чўмди. Демак, ҳамма иш бўлиб ўтган... Эри унинг кўзига йиртқич бир қашқирга ўхшаб кўриниб кетди. Ёшлигида оға-иниларн билан даштда аравада кетаётганларида узоқда икки қашқир устма-уст қапишиб турганн, бошқа қашқирлар атрофида айланиб юрганига кўзи тушиб, юраги ўйнаб кетган эди. Эри билан Нигина ўша икки қапишиб турган қашқирга ўхшади. Юраги орзиқиб тушди. Шу лаҳза ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди, кимнидир қидирди. Яна уйга қайтиб кирди.

Ойчечак Иброҳим Дўлдайга тез-тез юмуш буюрадиган бўлиб қолди. Ҳоким ҳовлисига ва ҳатто ичкари ҳовлиларга ҳам кириб юрадиган Иброҳим кутилмаганда бекага қамти келиб қолди. У хижолат бўлганида бека уни юпатиб, Иброҳимнинг кўксига, тик қоматига, йўғон панжаларига қараб қўйди. Юзлари чўзиқ, бурни ингичка, оқ-сариқ, устки лабида кўк туклар, Ойчечак унга таманно билан карашма қилишга интиларди... «Ўзи кечирсин», деди бир куни Иброҳим Дўлдай кўксига туфлаб, атайинми ёки билмасданми унинг кўзи хонада ёлғиз ўтирган Ойчечакка тушиб қолди. Иброҳим дарҳол юзини ўгириб, ташқарига чиқиб кетди. Отасидан аъло саркарданинг танмаҳрами яланғоч сонларига қараши мумкинми! Бундай кўзларини ханжар тиқиб, ўйиб ташлар! Баъзан Ойчечак тақимига тушадиган узун сочини серкиллатиб, қўрғондаги эркаклар атрофидан ўтиб қоларди. Унинг бека эканини сезган мансабдорлар дарҳол ўзларини четга олишар, хотин кишига тикилиб қарамасликка ҳаракат қилишарди. Аммо беканинг ўзи, юзига парда тутиб бўлса ҳам ҳоким амалдорлари билан гаплашишни, иш буюришни ёқтирарди. «Олманинг иригани бўлиши мумкин, аммо эркакнинг чиригани — ёмони бўлмайди», деган ганни ҳам мана шу Ойчечак айтган. Юрак ютган бир одам: «У, ота томондан салжуқийлардан бўлгани билан она томондан Боласоғун томондан келиб қўшилган қорахитой хотин... гарчи юз йил ўтганига қарамай улар жисмида икки қон оқади. Ўзини тутолмаслиги, ҳирсга тез берилиб кетиши ана шундан...» деган экан.

Кунлардан бир кун, Темур Маликнинг қалъада муҳим иш билан бандлиги, ундан сўнг далада ҳарбий машқ бўлиши, саркарданинг қўшин тепасида туриши Ойчечакка маълум бўлгач, у атайи шу пайтларда Иброҳим Дўлдайга иш буюриб, уни ҳовлида олиб қолди. Чуҳра йигит юмушни бажариб, бекага йўлиққач, у хона ичида ёлғиз, ҳарир кўйлакда Иброҳим Дўлдайга рўпара бўлиб, жуда яқин келди. Иброҳим орқага тисланишини ҳам билмай, қотганча туриб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Оғанғизга раққосани топибсиз? Шу ростми?

Бу саволни эшитган Иброҳим Дўлдай донг қотди. Нима деб жавоб қилишини билмади. Буни бекага ким етказди экан деб, ўйлаб қолди, чунки бу иш хуфия этилиб, ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Темур Малик Иброҳимни: «Бу сир ниҳоятда эҳтиёт тутилсин!» деб, маҳкамлаб қўйган эди. Энди нима бўлди? Унинг ранги оқариб, оёқлари титрай бошлади. Тили сўзга келмай қолди.

— Муҳтарама бека, мен ҳеч нарса билмаймен! Бундай савол хизматкорга берилмайди.

— Сиз, хизматкор эмас, унча-мунча юқори мансабдорлардан юқорисиз. Ҳокимга энг яқин кишисиз — ҳамма мансабдорлардан баланд. Айёрликни қўйинг! Қани, менга айтиб беринг-чи, кимни қўшдингиз?!

— Бу, менга нисбатан ҳақорат! Мен вазифамдан бўшаб, қишлоғимга кетамен! Сиз, муҳтарама бека, мени бундай гаплар... Мен ҳеч нарса билмаймен! — у ғўлдираб қолди.

— Ҳақорат қилган бўлсам, гапимни қайтиб олдим... Афв этинг. Мен жаҳл устида айтгандирмен. Ёлвориб, ялиниб сўраймен, мени афв этинг!

— Муҳтарама бека, сиз мени ҳар нима деб сўксангиз ҳам, майли, жаҳл устида айтганингизни фаҳмладим, менга, ёлвораман, ундай деманг, сиз бекамсиз, бизни койишга ҳаққингиз бор. Илтимос қиламен, менга юмуш буюринг, жоним билан бажо этамен. Саволларингизга жавоб қилишга ожизмен. Бир чуҳра кимсанинг сиздек мўътабар бека билан тенг гаплашишга ҳадди борми? Агар гуноҳ қилган бўлсам, буюринг, мени жазоласинлар...

— Муҳтарам Иброҳим Дўлдай, мен билан суҳбатлашишга сизга ҳуқуқ берамен. Сиз ҳам мард бўлинг, йигит кишисиз! Ҳадеб қиз болалардек тортина берманг. Мансаб, амаллар икки пул... Биз дунёга бир марта келамиз, гапимга қулоқ беринг! Мен сизни синаш учун гапираётганим йўқ, сидқидилдан гапираётирмен. Бизнинг ҳамма гапимиз мутлақо сир бўлиб қолади. Ҳоким, яъни менинг эрим раққоса Нигина билан ўйнашиб юрибди... Ҳатто никоҳ ўқитган... Ҳаммасидан хабардормен...

— Ким сизга айтди?

— Бу — сир!

— Бундоқ бўлиши мумкин эмас!

— Нигинани сиз ҳоким хобхонасига бошлаб боргансиз!

— Бекам, мен буйруқни бажарамен...

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Ташаккур! Айтилган гаплар тасдиқланди... Азизим Иброҳим, қўрқманг, мен ҳеч кимга ҳеч бир сўз айтмаймен, жанжал ҳам кўтармаймен. Бунинг нима фойдаси бор! Ўтган ишга салавот... Эрим ҳеч нарсани билмайди, унинг қилган бу ишларини юзига солмаймен, билдирмаймен. Бу ҳам сирлигича қолиб кетади. Фақат ақли заиф кимсалар жанжал кў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

таради. Сиз менга айтинг, Иброҳим, азизим, мен жуда хунук, бедаво хотинманми? Ўша раққосадан пастманми?

— Йўқ, асло, — деди Иброҳим Дўлдай, иш осонликча кўчаётибди, деган хаёлга бориб. — Сиз, муҳтарама бекам, дунёдаги энг гўзал ва энг доно аёлларнинг энг аълосисиз! Бу, чин юракдан!

Ойчечак Иброҳим Дўлдайга тикилганча яна ҳам унга яқин бориб қўлларини ушлаб, кўксига бош қўяётган эди, бирдан унинг аъзойи бадани қўрқувдан жимирлашиб кетди. Бир катта чипор илон танига чирмашаётгандай сесканиб, ўзини четга олди.

— Бекам, ўзингизни қўлга олинг! Мен ҳозир ханжаримни суғуриб, ўз кўксимга тиқамен! Ўз-ўзимни ўлдирамен!

— Ха-ха-ха-ха-а! Жинни! — Ойчечак ўйноқилаб, ичкари хонага кириб кета туриб деди: — Бор, кета бер!

Ранги ўчган Иброҳим Дўлдай хонадан айвонга, айвон зиналаридан ҳовлига тушиб, кўчага чиқиб кетди. Унинг оёқларида мадор қолмаганди: «Агар мен аблаҳ бўлиб, саркардамга хиёнат қиладиган бўлсам, бундан кўра ўлганим афзал!» — деди ўз-ўзига белидаги ханжарининг дастасини сиқиб.

Ойчечак ғазабини ичига ютди. Ниҳоятда кўнглига ёқадиган, қадду қомати эридан минг чандон яхши, кучли Иброҳим Дўлдайнинг Темур Малиққа астойдил садоқатли эканини кўриб, энсаси қотди. «Аҳмоқ, қишлоқи, анди! — деди ичида, — шундоқ келишган жувоннинг белидан қучмайсанми, нодон! Сенинг «садоқат»инг кимга керак! Ҳозир султону Жалолиддиндан тортиб, барча ҳукмдорлар айшу ишрат қилиб юрибди. Беш кунлик дунёда айш суриб қолиш керак. Сен, нодон, шундоқ келишган йигит, молга ўхшаб юрибсан! «Садоқат» эмиш? Қанақа садоқат? Дунёда садоқат борми? Йўқ! Роҳат қилиш бор!»

Ўзини тиёлмаган Ойчечак шу куниёқ ҳарир кўйлакларини кийиб, тиллаю гавҳар тақинчоқларини осиб, Бинафша бека билан «зумрад кўзли тилла нигин харид қилиш» баҳонасида яна бозорга, заргарлар дўкони томон жўнади. Бинафша бека ҳам ясаниб, гавҳар тақинчоқларини таққан эди. Бегойи келаётганини пайқаган Аҳмад ибн Мораз дарҳол пешвоз чиқиб, уларни заргар дўконига олиб кирди. Бинафша бекани дўкон четидаги курсига ўтқазди. Дастурхон устига бир ҳовуч тилла тақинчоқларни сочиб, танлаб олинглар, деди.

— Оламиз, пулимиз етарли, — деди Бинафша бека рўмол ичидан оқсоқолга мўралаб, — шу кундан бошлаб, сиз жаноб ҳам Гурганж одамисиз. Ишонамиз, хизматларингиз муносиб тақдирланади. Мен, улуғ маликам номидан гаплашмоқдаман; доимо хоним атрофида юришингизни тақозо этамиз. Ҳамма гапни маслаҳатлашамиз, тақинчоқлар харид этмоқ баҳонаси ила ёнингизга келиб турамиз. Ойчечак бекам юрагига олов ташланган, уни совутиб, бекам ҳасратини йўқотамиз. Раққоса хусусида азиз бекамизга энди ҳеч сўз айтманг, илтимос қиламан.

Улар учовлон тилла тақинчоқлар устида, давлат ишларини ҳал этишди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ЖОСУСЛАР ЖАНГИ

«Асаларининг кўзи бешта, — деган экан Луқмони ҳаким, — икки катта кўзи билан гул қидиради, уч кичиги билан ўзига йўл топади. Ҳид сезиш аъзолари ҳам кўздан қолишмайди, асални ҳам сезиб, ҳам кўриб олади. Шу тариқа жамиятига хизмат қилади...»

Темур Малик сардор Муҳаммад Интизом билан бундан ўн беш йил муқаддам султоннинг қорахитойларга қарши жангида дўстлашиб, кейинчалик уни ҳам Шоҳмуроддек Хўжандга олиб келган эди. У асли самарқандлик: қирра бурун, рангпар, кўзлари ичига тушган, нигоҳлари ўткир одам. Бир оғасини қорахитойлар ўлдирган, бир оғасини Туркон хотун кишилари ҳибсга олиб, бўҳтон билан Жайҳунга чўктириб юборганлар. Бўйнига тош осишганини ўз кўзи билан кўрган эди. Муҳаммад Интизом ундан ҳам, бундан ҳам ўч олишга фурсат пойлаб тайёр юрарди. У қиличбозликка чоғи келмагани билан ханжарбозликда тенги йўқ эди. Қоши ўсиб, кўзи устига тушган. Баъзилар уни «аёс» деса, Шоҳмурод Кўҳистоний: «Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий-соний»[1], деб юксак баҳоларди. Ҳар қалай, бу одам — Хўжанд қўшинида анча обрўли, салобатли кимса. Темур Малик унинг учун хазинадан анча-мунча пул ажратиб, баъзан ҳар қандай зарур ишларига қарамай, хоҳлаган вақтида ёнига киришга ҳуқуқ берган. Юзбоши, мингбошилар, қалъа посбонлари бароқ қошли, камгап, бу «заҳар одам» ни кўрганларида анча ҳушёр тортишар, ҳамма эшиклар унга очиқ эди. Унинг хизматида бевосита йигирмадан ортиқ ханжарбоз йигитлар бўлиб, яна қирқ йигит қўшин ичида хуфия юрарди. Муҳаммад Интизом номи айтилганда Гурганжда «Қамак Қайёний» каби айғоқчилар сардори борлигини султон ҳам, Жалолиддин ҳам билишарди. Муҳаммад ялавочга алоқадор бир Холбек деган хоин мансабдорнинг фош этилишида Муҳаммад Интизомнинг хизмати заррин тўн билан тақдирланганидан Туркон хотуннинг ҳам хабари бор.

Муҳаммад Интизом Хўжанд қалъасидан унча узоқ бўлмаган, айланма, тор кўчаларнинг биридаги катта ҳовлида туради. Уни шу атрофдагилар савдогар деб тушунишарди. Баъзан жуда ҳам тақводорларга ўхшар, «у ёқ-бу ёққа мол олиб кетмаганида» масжидга келарди. Бозорда ҳам дўкони бўлиб, кўп вақт ўғли ўтирарди. У ҳокимнинг сардорларидан бири эканини бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз яхши биларди. У асосан мўйна билан савдо қиларди. Ҳовлисига савдогар қиёфасида «хизматкорлари» — йигирма йигит гўё мол ташигандай ҳафтада, ойда бир кўринишиб қолишарди. Бошқа томонларга от-аравада мол ташигандек бўлиб кўринсалар-да, аслида бир ойлаб, икки ойлаб Жанд, Барчинликент, Янгикент, Ахсикат, Ўтрор, Ирғиз, баъзан Ўзган, Ўш томонларга

---

[1] Қамак Қайёний, Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий — жангномалардаги афсонавий айғоқчилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўнашарди. Бу кишилар қопида айёрликнинг ҳамма анжомлари, сунъий соқол-мўйлаб, доруйи беҳуш, заҳар, устара, тилла тангалар, турли бўёқлар ва кийим-кечаклар муҳайё турарди... Йигитларнинг кийими ичида ўткир дандон сопли ғоятда чиройли ханжар осилган бўларди. Бу ханжарнинг қини ҳам ўхшатиб, қора чармдан тикилган. Пўлат ханжарнинг юзига пичоқчи томонидан «алқасос» сўзи зарб қилинган бўлиб, Муҳаммад Интизом кишилари бир-бирларини танир ва бошқа қалъа посбонлари ҳам чиройли ханжарни кўришлари билан ичкарига киритиб юборишарди.

Меҳтар Бодиялдойи Хўжандийнинг «қочган ҳам худо дер, қувган ҳам худо дер» сўзи ханжарбоз йигитлар ичида бир белги бўлиб, баъзан шу сўз орқали ҳам бир-бирларини танир эдилар. Султоннинг ўғилларига насиҳат қилиб, маҳорабада доим кўзинг лашкарда бўлсин, тинчликда «меҳтарбодларга эътибор бер», деган сўзида ҳикмат борлигини сезган Темур Малик Муҳаммад Интизомни тез-тез ёнига чақирар, уни ўз ҳолига ташлаб қўймасди. Хоразмлик Маҳмуд ялавочнинг ўз ватанига хиёнат қилиб, Машриқ элларида қолиб кетгани биринчи галда султонни ва унинг вазирларини, тўрт юз катта-кичик қалъа шаҳарлари ҳокимларини ҳайратга солган. Маҳмуд ялавоч у томонда тинч ётмаётганини ҳам билишарди. Шу сабабли ҳам султон Темур Маликка фармон қилиб, яширин кучларга эътибор бериш, уларни мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам юборишни топширган эди.

Шанба куни йўл устидаги Чориқдаррон қишлоғидан от чоптириб келган йигит дарё бўйида, бундаги қайиқчилар ҳовлисида отини қолдириб, тайёр қайиқ билан Хўжандга ўтди. У бир лаҳза ҳам алаҳсимай, Муҳаммад Интизом ҳовлисига йўл олиб, эшик очган йигитга ханжарини кўрсатди-да, сардорга юзланди. Орадан бир муддат ўтгач, сардор тўртовлон бўлишиб, шитоб билан йўлга отланишди. Улар «Хўжанд бозоридан мол харид қилиб, қишлоғига қайтаётган чўпонлар» қиёфасида дарё ёқасида доимо тайёр турадиган ўз кемаларига тушиб, нариги томонга сузиб ўтишди. Кемада қопдаги соқол-мўйлабларини юзларига ёпиштиришди. Эски, урниган кийимларни кийиб, сардорнинг гапига жон қулоқларини тутиб, режа тузишди. Чориқдаррон қишлоғидаги кўримсизгина карвонсаройга келиб тушган савдогарлар асосан мўйна олиб келгани, бир-бирлари билан муносабатлари жуда хуфия, чиний тилла тангалари мавжудлиги, туркий сўзлашадиганлари ҳам борлигини сезиб, Муҳаммад Интизом йигити кўз олдига ялавоч кишилари келган эди. Уларнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари йигитни шубҳага солган. Чармдан тикилган хуржунда дорую беҳуш ва турли асбоблар, ясама соқол-мўйлабу ва бошқа жосуслик анжомларига ҳам кўзи тушган. Кўзга чалинмайдиган «оддий хизматкор» бўлиб юрган йигит бу ҳолни кўриши биланоқ отига миниб, йўлга тушган. Чориқдарронда жосуслар пайдо бўлгани Муҳаммад Интизомни шу лаҳза ўрнидан қўзғатди. Улар «ўз молларини Хўжандга олиб бориб сотмоқчи эканликларини, жуда олисдан келишаётганини» айтишган. Савдогар асосан тўрт киши

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, яна бир кексароқ кимса уларга қўшилмай, «ўз моли» билан бошқа ҳужрага тушиб, баъзан-баъзан ўша тўрт савдогар билан саломлашиб, киши англаб бўлмайдиган тилда гаплашишларини ҳам йигит сезган.

Улар отда Чориқдарронга етиб, карвонсаройга тушишлари асносида кекса савдогар ўғли билан бирга юкларини аравага ортиб, Хўжандга жўнади. Эртасига тўрт савдогар ҳам араваларга юкларини ортиб жўнашди. Муҳаммад Интизом ўзининг «чўпон чол» қиёфасини «мунший» қиёфасига айлантириб, «ўғли» билан кечаёқ кекса одам изидан яна Хўжандга қайтган эди. Икки навкари ҳам эртасига бошқа қиёфада тўрт савдогар билан кетма-кет шаҳарга жўнашди. Бу келди-кетдиларни Чориқдаррон бекатида ҳеч ким сезмагандек бўлгани билан Муҳаммад Интизом қаттиқ шубҳада эди. Чин мамлакати томондан келган айғоқчилар, агар улар чинакам жосус бўлса, буларнинг Чориқдарронда пайдо бўлиб қолганини сезмасликлари мумкин эмас эди. «Ҳамкасабалар» бир-бирларини кичкина, кўз илғамас ҳаракатдан ҳам сезиб олардилар. Уларнинг «кекса»си бир кун аввал отни қамчилаб қолгани Муҳаммад Интизомни шубҳага солди. Улар жосусми, жосус эмасми, буни аниқламай туриб, бирон иш қилмоқликлари жуда мушкул. Аммо сардор бир неча белгидан уларнинг жосус эканликларини сезди. «Кекса» ни ушлаб олишни ўйладилар.

Чориқдаррон билан Хўжанд оралиғи бир кунлик йўл. Аксар чиний савдогарлар Чу дарёсидан ўтгандан кейин, Ўтрору Шошни ёқалаб, Хўжандга киришарди. Чориқдаррон ва баъзан Қеловчи қишлоқларида, карвонсаройда қўнишарди. Самарқанд — Бухорога йўл оладиган карвонларнинг Ўратепа ҳамда Зарафшон ёқалаб бориб, Панжикент карвонсаройига тушмай иложлари йўқ.

Муҳаммад Интизом «кекса» ни Хўжанд карвонсаройнгача кузатиб келиб, шаҳардаги ўз «ханжарбоз»ларидан бирини «унинг хизматига» йўллади. У чилим ва чой ҳозирлаш, юкларини туширириб бериш ишлари билан шуғулланарди. Аммо «кекса» изига одам тушганини пайқаб қолди. Бу ҳолни сезган Муҳаммад Интизом бирон икки кундан сўнг «кекса савдогар»ни ўғли билан биргаликда ҳибсга олиб, Хўжанд зиндонига қамади. Тўрт савдогарни ҳам ҳибс этиб, молларини эҳтиёт сақлади. Уларни алоҳида-алоҳида зиндон хоналарига киритди. Муҳаммад Интизом ёш йигитчага улар гарчи савдогар қиёфасида келган бўлсалар ҳам, аслида жосуслик ишлари билан машғул эканликларини очиқ айтди. Йигитча бундай гуноҳ учун калла кетишини биларди. У кўзини ола-кула қилиб: «Ҳеч қандай гуноҳим йўқ, отам билан савдогарчиликка келганман», деб такрорлай берди. Бошқалар ҳам шундай қаттиқ туриб олгач, Муҳаммад Интизом машриқ жосусларига маълум бўлмаган ўз усулларидан бирини қўллашга эҳтиёж сезди. Зиндон ҳовлиси бурчагига арқон тортиб, парда осди. Орқасига унча чуқур бўлмаган ўра қаздирди. Парданинг ички томонида тупроқ уйилиб ётарди. Жосусликда айбланган кимсаларни чуқур зиндон хоналаридан олиб чиқиб, қўллари боғлиқ, ҳовли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бериги чеккасига қатор ўтқазиб қўйди. Олти «савдогар» бош яланг, кўкси очиқ, бир-бирларидан узоқроқ чўққайиб ўтиришарди. Улардан сал нарироқда яна бир қўли боғлиқ, юзлари кўкарган кимса ўтирарди. Парда атрофида енгини шимарган, этагига қон сачраган, икки бадбуруш жаллоднинг бири қайроқтошга туя сўядигандай даҳшатли узун пичоғини чархлаб, белбоғига осиғлиқ дандон сопли иккинчи пичоқ тиғларини тирноғига текказиб кўрарди. Орадан бир муддат ўтгач, Муҳаммад Интизом қўли боғлиқ ўтирганларга мурожаат этди:

— Сизларнинг кимлигингиз, нима мақсадда келганингиз бизга маълум. Ҳақиқатни айтиб, тавба қилган кимсани ўлдирмаймиз. Молларни қайтариб бериб, юртига жўнатамиз. Агарда қайтиб кетишни истамаса, султоннинг мамлакати кенг, хоҳлаган шаҳрига бориб тура беради. Биз учун етти кишини ҳозир қатл этиб, кўмиб юбориш ҳеч гап эмас. Кимда-ким ҳақиқатни айтса, жони омон қолади! Қани, нима мақсадда келдингиз?!

«Савдогарлар» миқ этишмади. Аҳвол ўзи ўйлагандан жиддий эканлигини, пўписа қилмаслик мумкин эмаслигини сезган Муҳаммад Интизом бош чайқаб, афсусланди-да, пичоқ ушлаб турганларга даҳшатли овозда буйруқ берди:

— Буларнинг оғзи қаттиқ боғланган, ҳеч нарса айтишмайди. Шу сабабли сўйиб юборабринглар! Шунда хавф йўқолади...

Пичоқ ушлаган икки барзанги энг чеккадаги, юзлари кўкарган йигитчани ёқасидан ушлаб, бақиртириб, парда орқасига тортиб кетишди. Парда орқасига ўтгач, йигит яна овозининг борича бақирди. Шу лаҳза йигитчани ҳужрага киритиб юбориб, бу ерга яширинча олиб келинган эчкининг кекирдагига пичоқ тортиб, калласи узиб олиниб, ўрага тўп этиб ташланди. Қон оқ пардага сачраб, парда орқасидан гўё жасаднинг талвасаси шундай кўриниб турарди. Қўллари қон, пичоқ ушлаган бадбуруш жаллодлардан бири парда ёнидан ўтиб, «кекса»нинг ўғли ёқасидан ушлаб, ҳовли четидаги ўра томон тортаётган эди, йигит дод солди. Олти «савдогар» нинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бесўроқ, бетафтиш сўйиб юборишларини кўрган кекса одам дарҳол ўрнидан туриб, ўғлини сўймасликларини, ҳамма гапни айтишлигини, дарҳақиқат, жосуслик ниятида келишганини бўйнига олиб, Муҳаммад Интизомга ёлворди. Сардор пичоқ ушлаган жаллодга: «Тўхтаб тур!» ишорасини қилди. У йигитни қўйиб юборгач: «Қайси бирини сўяй?» деб кўзини шиғрайтириб, Муҳаммад Интизомга қаради.

— Мен ҳамма гапни айтамен! Боламни сўйманг! — деди кекса одам.

— Бизларни ҳам сўйманглар, бизлар Маҳмуд ялавоч ёллаган кишилармиз... Унинг буйруғини бажаришга қасам ичганмиз... Пул олганмиз...

— Ҳамма гапни айтасанларми?

— Ҳа.

— Қўлингни ювмай, ўрани кўмиб юбормай, бир оз қараб тур! — деди Муҳаммад Интизом ғилай жаллодга, — агар булар инсофли

www.ziyouz.com kutubxonasi

жосуслар бўлса, бор гапни айтиб, бизни огоҳ этсалар, унда ботларини кесмаймиз, юртларига жўнатиб юборамиз. Агар алдасалар, унда ўзларидан кўрадилар. Ҳозир бизнинг бошқа ишимиз кўп, вақт ғанимат, ишни тамомлаб ҳокимга хабар қилиш керак.

— Йўқ, тамом! Алдаш йўқ! Биз енгилдик, сиз енгдингиз.

Муҳаммад Интизом буйруғи билан уларни яна қайтариб, зиндонга олиб киришди. Қўллари ечилди. Ҳар бир хонага алоҳида-алоҳида кириб, Муҳаммад Интизом икки йигити билан уларни сўроқ қилди. Маълум бўлишича, улар «савдогар» ниқобида ёлланган мўғул жосуслари экан. Ўтрорда тўрт юз савдогарни Инолхон ўлдириб юборгандан кейин, мўғуллар кўпроқ жосусларни юборадиган бўлибдилар. Улар султон лашкарининг қудратини билиш мақсадида асло пул аямаётганликларини ҳам маълум қилдилар, Хўжандда ҳам мўътабар кишилардан бири Маҳмуд ялавочга сотилганини маълум қилишди. Лекин унинг номини, мансабини мутлақо айта олишмади. Бу хабар шу куниёқ Темур Маликка етказилди. Лекин энг муҳими — Муҳаммад Интизомнинг обрў-эътиборини юз чандон кўтарган нарса — Чингизхоннинг жуда катта лашкар тортиб, Мовароуннаҳр томон юришга тайёргарлик кўраётгани, лашкарининг сони беадад эканини билишди.

— Машриқдан совуқ шамол келмоқда, — деди Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистоний билан Муҳаммад Интизом ёнида, — бу жуда сезиляпти. Илгари Чингизхон йўллаган тўрт юз савдогарни султон фармони билан ўлдириб юборилгани хато иш бўлган!

Тафтиш ва сўроқлар тугаб, ҳамма гап аён бўлгач, Муҳаммад Интизом кекса жосусни ҳовлига олиб чиқиб, парда орқасидаги чуқурни кўрсатди. Бунда бир эчки сўйилиб, калласи ўрага ташланганини, пардага сачраган қон эчки қони эканини айтди. Судраб олиб кетилган йигит ҳам кулиб, илжайиб, уларга ўзини кўрсатди. Юзларидаги қон, моматалоқлар ҳам бўёқдан эканлигини кўришгач, Ялавоч одамлари ёқаларини ушлашди.

— Бу, бир усул эди... — деди Муҳаммад Интизом кекса жосусга.

— Сизлар устун экансизлар, — деди у Муҳаммад Интизом ишига тан бериб, — аммо ҳали бу томонга кўп жосуслар келиши менга маълум. Бизлар у томонга қайтмаймиз, бунда кетмаган бош у ёқда кетади. Иккиламчи, сизнинг зўр усулингиз у томонда ошкор бўлмаслиги учун бизлар бу мамлакатда қоламиз.

Уларга рухсат этилди.

Муҳаммад Интизом шу куни ҳовлисига қайтиб келиб, йигитлари ичида дорбозлик, қалъанинг баланд деворлари устида юриш, узун қамиш пай билан дарёдан ўтиш машқини эртадан бошлашликларини маълум қилди.

— Асаларининг кўзи бешта, деган Луқмони ҳаким, — деди сардор, — икки катта кўзи билан асал қидиради, уч кичиги билан ўзига йўл топади, шу тариқа ўз жамиятига хизмат қилади... Бизлар ҳам асаларига ўхшаймиз. Лекин у ханжар урриб ўзи ўлади, биз ўлмаслигимиз керак!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

БУЗИЛГАН ҲАЛОВАТ

Ўша куни «Боғи насим» да Хўжанд ҳокими Темур Малик оғушидан ниҳоятда мамнун чиққан раққоса Нигина келинлик суруини кечирарди. У бениҳоя шод: қабоқлар сурмаранг, лаблар олучаранг... Атрофлари тиллақошдек, кумушга беҳисоб зумрад кўзлар қадалган катта, тухум шаклидаги ойна олдида анча муддат ўтириб ўзига оро берди. Ўз-ўзини томоша қилди. У яна ҳам гўзалроқ бўлиб қолгандай ҳис қилди ўзини. Узоқ йўл босгани, ҳар хил кийимларга ўралиб юра бергани учунми, у кейинги вақтда ўзини яхшироқ кўришга фурсати бўлмади. Ҳозир ёлғиз ўзи ички ҳарир кийимда каттагина кўзгу олдида жамолини обдан томоша қиларди. Йигирма беш ёшларга бориб қолганига қарамай, ҳали унинг юзлари, ингичка белу йўғон сонлари, бўртиб чиққан кўксию оппоқ кифтлари, бўйнининг узунлиги... бениҳоя бир инсоний гўзаллик кашф этиб, ҳар қандай йигитни ҳам мафтун этмоғи аниқ. Лекин бу гўзаллик олтин безаклар қадалган ипак либослар ичида доимо яширинарди. Айниқса, султон саройида рақс қилиб, катта мансабдору шаҳзодаларни маҳлиё этиб юрган Нигинанинг жон олгувчи қилиқлари, ёқимли кулгую табассуми, ҳазил-мутойиба сўзлари, ҳаракатлари — бебаҳо жавоҳир. Ҳозир ўз гўзаллигига ўзи маҳлиё эди.

Бу гўзаллик Темур Маликка аталган экан... Эркак кишининг бунчалик кучли ва жасоратли бўлиши Нигина қалбига завқу шавқ, ишонч бағишлади. «Ҳар бир гул, ҳар бир дарахт панасида ханжар ушлаган кишиларим пинҳон турибди, маликам, бу ердан чиқиб кета кўрманг, улар ханжар урриб маҳв этади!» деган гап дўппи тор келганидан айтилган, аслида ёлғон эканини ҳам билиб, мийиғида кулиб қўйди. Баъзан илон заҳри инсон дардига даво бўлганидек, қўрқитиш ҳам ўрнида ишлатилса, у ҳам даво бўлар экан. Нигина Гурганждаги бир донишмандниинг шунга ўхшаш сўзини эслади. Лекин Нигинанинг Хўжанддан чиқиб кетиши унинг юрагини ғижимларди, сиқарди.

Ўша куни у устод Ота Муҳаммад раҳнамолигида ўз тўдаси билан уч арава бўлиб йўлга тушишгач, икки от қўшилган, ғилдираклари паст, ичига юмшоқ тўшагу парёстиқлар солинган, ҳаммаёғи берк мўридек аравада энагаси билан ўтирган Нигина обдан йиғлади. «Худо мени чиройли раққоса қилиб яратгани билан бутун умрга бахтсиз инсонмен. Мен ҳам бирор-бир кимсанинг хотини бўлиб, уй юмушларини қилиб, умр ўтказгим келади. Бола туғгим келади... Мен қачонгача ҳукмдорлар дилхушлиги учун ўзимни бағишлаймен. Бир коранда ёки косиб кимса бўлса ҳам ўз эрим бўлишини истаймен. Хўжанд ҳокими қўйни-қўнжимни тилла, гавҳарларга тўлдириб, уч кун ишрат қилди! Менинг ҳам она бўлгим келади! Ҳеч чидолмаймен! Тинимсиз йиғлагим келади!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Маликам, сабр-қаноат керак, — деди кексайган энага, — менчи, мен ҳам сенинг хизматингда умр ўтказаётирмен. Пешонамизга нима ёзилган бўлса шуни кўрамиз. Йиғлама, бебаҳо гавҳарим, йиғлама».

«Менга ҳеч нарса керак эмас! Тилла тақинчоқлари ҳам, гавҳарлари ҳам! Иккинчи хотин бўлиб Хўжандда қолсам ҳам майли эди. Ҳоким буни истамади. Айбим — раққосамен, аслзодалар уруғидан эмасмен...»

Уч арава қатор тизилиб, Хўжанддан Қистакўз қишлоғига, ундан Белисиниқ тоғи оралаб ўтиб, Лайлак дарёси ёқасига чиқди. Дарё бўйлаб икки кечаю кундуз йўл юриб, Роботга, ундан Қаравшин дарёсига, Чорку орқали Ворухга ўтишлари керак. Уч ойча бунда қолиб, наврўзи олам билан яна орқага, Сайҳуну Жанд орқали бепоён Қизилқумни кечиб, Гурганжга қайтиш лозим. Саройда вазири аъзам Низом ал-Мулк ҳузурида гап шундоқ бўлган эди. Бу аҳду паймонни бузиш асло мумкин эмас. Нигина ота-оналари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарларини кўриб, уларга қимматбаҳо совғалар қолдириб, яна Гурганжга қайтмоғи шарт. У, айниқса, муштипар онасини соғинар, унинг бир кеча базмида топган, бўйнига тақилган жавоҳирлар ота-онасининг бутун тирикчилигига етарди. Шунча қимматбаҳо тақинчоқларни нима қилади? Қимларгадир қолиб кетмаслиги, қароқчилар қўлига тушмаслиги учун у вазири аъзам Низом ал-Мулк рухсати билан йўлга отланиб, устод Ота Муҳаммадни кўндириб, карвон билан Гурганждан йўлга чиққан эди. Устод ниҳоятда инсофли одам. Бу ишдан кўпларнинг хабари йўқ, ҳатто унинг қимматбаҳо буюмларини кўзлаб юрган Аёз ҳам раққосанинг йўлга чиққанини билмай қолган.

Хўжанддан чиқиб, бир йиғоч[1] чамаси Қистакўз томон отда, устод Ота Муҳаммад ўтирган биринчи арава ёнида келаётган Темур Малик, Иброҳим Дўлдай отдан тушишиб, аравалардаги хонанда, созандалар ҳамда устод билан хайрлашишди. Соябонлик аравада ўтирган раққоса ва унинг энагаси билан ҳам қўллари кўксида, таъзим ила хайрлашишди. Нигина юзларини очиб, саркардага бир қаради-да, беркитди. Гўё ярқ этиб кўринган қамар яна қора булутлар ичига кириб, кўздан йўқолди. Аравалар юриб кетиши билан Нигина шундай бақириб йиғладики, унинг кўз ёшлари бурнидан оқиб, томоқларида ғарғара бўлди. У ёш боладек ўкириб-ўкириб йиғлар, энага эса аравакашдан хижолат бўлиб, ўзини қўярга жой тополмасди. Бу сиру синоатдан оз-моз хабардор аравакаш ҳам от устида миқ этмай қўққайиб борар, улар хижолат бўлмасин, деб орқасига бирон марта ҳам ўгирилиб қарамасди. Ҳоким Темур Малик раққосани ўз никоҳига олганини эшитиб, аёлни ҳам, Темур Маликни ҳам ҳеч кимса орқасидан ёмон сўз билан атамаслигини биларди. Дарвоқе, биринчи хотинининг асли насли насаби Қиётдан экани, «қиличидан қон томиши...» Туркон

---

[1] Бир йиғоч — ўн километрга яқин келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотуннинг қариндоши бўлиб, ҳокимнинг жиловини ушлаб турмоқ мақсадида унга узатилганидан огоҳ одамлар «иккинчи никоҳ» ни эшитганларида ёмон фикрга боришмади.

Нигина ўкириб йиғлайбергач, энагаси унинг қўлидан тутди:

— Маликам, меҳрибоним, бебаҳо жавоҳирим, қўй, йиғлама! Хотинлар қисмати шундай...

— Онажон, ҳеч чидолмаймен. Наҳотки, мен шундай бебахт туғилганмен?! Юрагим ёниб боради. Менга бу жавоҳиру тилдалар нега керак! Наҳотки, мен унинг хотини бўлиб туролмаймен! Нега никоҳ ўқитди? Нега мени Хўжанддан чиқариб юборади? Мен фақат ҳукмдорлар ишрати учун керак нарсаманми?! Мен ҳам одамман-ку! Мен энди ҳеч рақсга тушмаймен!

— Бу сенинг ишинг, маликам.

— Мен бунчалик жудолик азобига чидолмаймен! Мен нега Хўжандга тушдим?! Тўғри Ворухга ўтиб кетаверсак бўлмасмиди?! Мен йўлда тушиб қоламен! Ворухга бормаймен, саҳроларда тентираб юрамен! Билдингизми, менга ачинманг, йўлимни тўсманг! Ана, хуржунларда, тугунларда ҳамма қимматбаҳо буюмлар. Мен ортиқ бу дунёда туролмаймен!

— Маликам, енгил бўлманг. Сиз кетадиган бўлсангиз, менга ҳам бу дунёда юришнинг нима ҳожати бор?.. Мен сизнинг бебаҳо санъатингиз шайдоси бўлиб, хизматингизни қилиб юрибмен. Саҳрою қумлар ичида жизғанак бўлиб юриш менга не керак эди?.. Маликам, сиз саркардани қанчалик яхши кўриб қолган бўлсангиз, мен сизни... Сиз бўлмасангиз, менга ҳеч нарса керак эмас. Тиллажавоҳирларингиз ўзингизга буюрсин. Мен сизни кўриб, ёнингизда юрганим билан бахтиёрмен. Сиз бўлмасангиз, бир лаҳза ҳам туролмаймен!..

Нигина жим бўлиб қолди. Шу ўтирганча қош қорайиб, тун чўккангача миқ этмай кетаберди. Овқат ҳам емади, аравани тўхтатиб пастга ҳам тушмади. Нигинанинг ҳолатидан бошқа аравада кетаётганлар ҳам хабардор эдилар. Устод араваларни бир муддатга тўхтатиб, Нигина ёнига келди. Унга насиҳат қилиб, сабр-қаноат тилади, қайтишда яна Хўжандга тушишга ваъда берди. Ундан сўнг саркарда учун Ворух, Чорку, Конибодом томонларга келиб-кетиш ҳеч гап эмас, нома ёзиб, ташрифларини сўраймиз, деди. Нигина устод ёнида ёш қизлардек ўкириб йиғлар, кўз ёшидан ёноқлари ҳўл эди. Унинг ёлғон бўлса ҳам кўнглини овлаётгани, ўз отасидек насиҳат қилиб, сабр-қаноат тилаётгани, дил андуҳларига — изтиробларига тортинмай аралашаётгани Нигинага тасалли берарди. Бу унинг ҳадеб кўз ёш тўкиб йиғлашдан тўхтатди. У устод ёнида ўзини қўлга олди, бари бир энг азиз кишисини йўқотган кимсадек бағри ёнарди... «Нечун мени никоҳига олди? Ўзига тенг билиб, никоҳига олгач, нечун видолашмоқ?! Бундан кўра бир кеча дилхушлиги, ишратига олиб қолиб, кейин канизаклардек воз кечгани маъқул эмасмиди?»

Нигина арава ичида, юмшоқ кўрпача устида чўққайиб ўтириб борар, гапирмас, юзларини ҳам узун рўмол билан беркитиб олган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. У энди саркардани мутлақо кўрмайди, дарёга тушган игнадек ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади... Уч кунлик ишрат ишратлигича қолиб, саркарданинг ҳам хаёлидан кўтарилиб кетади. Агар фарзандим бўлса бўйнига осгин деб берган тилла занжиру Темур Малик номи ёзилган лавҳа ҳам нозик бўйнидаги қават-қават оғир жавоҳир тошлар, тилла занжирлар орасида туриб бўйнини эгарди. Улар ботмон-даҳсор бўлиб қаддини букаётгандек. Бу оғир нарсаларни бўйнидан олиб, аравадан отиб юборгиси келарди. Улар ҳатто аравага ҳам оғирлик қилиб, гупчакларни тинимсиз ғижиллатар, от жониворларни ҳам терлатиб, аравани зил қилиб юборгандай бўларди.

Учинчи куни, Воруҳга киришга яқин Исфара дарёси бўйида тўхтаб, чўпонлар ўтовида тунашди. Руҳан сўнган, емак-ичмакка ҳам хоҳиши йўқ, қандайдир фавқулодда қайғу ридосига ўралган Нигина ҳеч ким билан гаплашмас, телба бўлиб қолган кимсадек хаёл суриб, ўзи билан ўзи гаплашарди... Ёнида турган энагаси билан ҳам мутлақо иши йўқ. Мотамсаро Нигинанинг аҳволидан қисман воқиф йўлдошлари уни зимдан кузатишарди-ю, лекин унга бир сўз дейишмас, устод Ота Муҳаммад чин юракдан насиҳат сўзлари айтиб, ўгит берганини билишарди. Жароҳат оғриғи олти кун, аммо дил оғриғи... умрбод эканини билган энага хотиннинг юраги шиғиллаб кетди. Чунки унинг бори-жаҳони, тириклиги шу Нигинага боғлиқ эди. У ҳам ҳоким ҳазратларидан бағоят хафа бўлди. Гўзал Нигинани Хўжандда олиб қолишини, шу баҳона унинг атрофида хизмат қилиб юришини жуда ҳам истаган эди. Энди чиройли кўкракларни учириб, бўйинларини у ёқдан-бу ёққа ўйнатиш, ўткир қарашлар йўқ, бебаҳо жозибалар, қувноқ кулгилар йўқ. Нигина бамисоли жонсиз ва беҳарорат тошга айланиб қолган эди.

Сўзамол, шаддод малакнинг уч кун ичида тамоман ўзига ўхшамай қолгани йўлдошларини ўйлатиб қўйди. Айниқса, дафчи Насриддин бунга ҳайрон эди.

Тун.

Қимсасиз дашт тепасида янги ойнинг ўроғи.

Қора бахмал фалакда олтин юлдузлар шу даражада яқин чақнаб турибдики, қўл узатса етадигандай. Уч-тўрт ўтов ёнида аравалар, четан деворлар, хашак ғарамлари... Йўл юриб чарчаган отлар ҳам тик турганча мудраб ухларди. Баъзан узоқ-узоқларда қандайдир бир кўппак итнинг вовуллаши эшитилар, ўқтин-ўқтин чақалоқ бола йиғисига ўхшаш чиябўриларнинг улиши ҳам тўрт томонга тарқаларди. Бу ерлик чўпонлар дашт шамоли, бўрилар улишига ўрганиб қолган, кучли, вафодор итлар молни йиртқичлардан яхши ҳимоя қилишини билардилар. Лекин бари бир ўз қўналғасида ўликдек қотиб ухлайдиган чўпон ҳам, чўлиқ ҳам бу музофотда йўқ.

Энага назарида қотиб ухлаб ётгандек кўринган Нигина аслида уйғоқ эди. У ярим тунда бўйнидаги қимматбаҳо дурлару билакларидаги тилла ҳалқа, балдоғу бармоқларидаги гавҳар кўзли узук-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини — барча тақинчоқларини аста-секин ечиб, ётган ерига қўйди-да, бошига узун қора рўмолини ташлаб, ўтовдан ташқарига чиқди. Атрофига алангланди, ҳамма қотиб ухлаб ётарди. У кимсасиз даштда олис тепалик ортидаги дарё томон оёқяланг юриб кетди. Шамол ғувуллаб, танига ўралган қора рўмолини учирар, «борма, борма!» дегандек кўкрагидан итарарди. Аммо у борган сари қадамини тезлатар, шошарди. Унинг кимсасиз, ваҳимали даштда чопиб кетаётганини кўрган фалакдаги ой ҳам қўрқув ичида кўзларини юмиб олгандай... Қоронғилик ва шамол... Саҳрода бошсиз қорамтир бир нарсанинг югуриб кетаётганини кўрган тунпараст жониворлар — юмрону бўрсиқлар ҳам ин-инларига кириб ғойиб бўлди. Лекин узоқ тепаликда чўққайиб ўтирган тулки чўчимай, қора ридога ўралиб, арвоҳларга ўхшаб кетаётган Нигинани бемалол кузатиб турарди. У тепаликка яқинлашганида қўтон атрофида юрган чўпон итларидан бири «бу нима экан» деб бир-икки вовуллади. Лекин оёқларига чўкиртаклар, янтоқ тиканлари кириб қонатиб юборганини ҳам сезмаган Нигина ҳамон тепалик орқасидаги жарлик томон югурарди. Бу жарлик остида айқириб, буралиб Исфара дарёси оқиб ётарди. Болалигида бу ерларга келган, ота-оналари, укалари билан аравада Чорку, Исфара, Қонибодом томонларга борган, Қаровшин ва ундан Робот томонларга ҳам сафар қилишган эди. Ўкинч, васваса, Темур Маликдек кимсанинг «гўзал раққосани таҳқир этгани...» га чидолмаган Нигина йўлдошлари қотиб ухлашаётганида ажралиб чиқди. У бирйўла дунё ташвишларию юрак изтиробларидан қутулмоқчи бўларди. Узоқ вақт кўрмаган, ғоятда соғинган онасию укалари, қариндошуруғларини ҳам унутди. Васваса тўзони ҳамма нарсани босиб кетди. Тепаликка етгач, тик жарлик ёқасига келиб, пастликда ялтираб турган дарёга қаради. Телбагезак[1] дардига мубтало бўлган кимсадек жарнинг чуқурларига оёқ қўйиб янтоқ илдизларини ушлаб пастга туша бошлади. Фақат бўрию тулкилар, даррандалар юра оладиган жарлик қияларидан юмалаб тушаётган қора ридо-рўмолига ўралган нарсага кекса қашқир нариги томондан тикилиб қараб турарди. Афтидан, инсонга ўхшамаган бундай жониворни биринчи кўриши бўлса керак, оч қашқир лол қолган эди. Нигина икки терак бўйи келадиган тик жарликдан пастга тушганида орқама-орқа сарпойчан келаётган бир одам жарлик тепасидан пастга қарадию дарё лабида гандираклаб турган қора ридоли Нигина томон ўзини отди. У оёқ қўядиган чуқурлигу янтоқ илдизларини қидириб ўтирмай, сурилиб, юмалаб, баъзан боши қуйи, оёғи осмонга бўлиб пастга тушди. Нариги тепаликда чўнқайиб ўтирган оч қашқир унга ҳам эътиборсизлик билан қараб қўйди. Орқасидан кимдир келаётганини мутлақо сезмаган Нигина айқириб оқаётган даҳшатли дарё ёқасида осмонга қараб пичирлаб, икки қўлини юзига тортаётганида ҳалиги кимса маҳкам ушлади.

— Маликам, бу нима иш?.. Нима қилмоқчисиз?!

---

[1] Телбагезак — ойпараст дарди ҳам дейилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен кимсен? Шайтонмисен? Қўлимни қўйиб юбор!

— Мен йўлдошингиз дафчи Насриддинмен.

— Йўқ. Сен жинсен!

— Жин эмасмен, Насриддинмен. Маликам, қайтинг бу йўлдан! Онангизга раҳмингиз келмайдими? Ахир, сизни бир яхши инсон деб, йўлдош бўлиб Гурганждан келаётирмен. Мен сизнинг пулу садақангиз эмас, санъатингиз ошифтасимен. Бу қандай иш?! Устодни ҳурмат қилмаганингизда ҳам, онангизга раҳм қилинг! Сизнинг ҳамма эркаликларингизга чидаб келаётган бўлсагу бу қандай шафқатсизлик?!

Нигина дарё ёқасида ерга ўтириб, дод солиб йиғлай бошлади. Унинг ҳуши ўзига келгандай, васвасалар тўзони йўқолиб, ҳаво ёришгандай бўлди. Ёмон туш кўриб, босириққан одамдай кўзини очиб, дафчи-созанда Насриддинга қаради. Тепасида тик турган забардаст, елкалари кенг йигит бундан беш кун аввал Хўжандда, «Боғи насим» да Нигина ўз тўдасидан ажралиб ҳоким хобхонасида уч кечаю уч кундуз қолиб кетганида худди шу аҳволга тушган эди. Темур Малик сарбозларининг ўткир қиличлари ёнига йўлолмаган дафчи Насриддин Сайҳун ёқасига бир неча маротаба бориб, ўзини сувга ташлаб ўлдирмоқчи ҳам бўлган. Мана ҳозир Нигина ўзи ўша ҳолга тушганини кўриб, лол қотди. Бу қайтар дунё эканига ишонди.

— Маликам, кетдик.

— Мен қайтиб бормаймен! Қўйиб юборинг, ялинамен... Мен, гуноҳкор банданинг жазоси шу!

— Йўқ! Борасиз! Сиз гуноҳкор эмассиз.

— Мен энди ёруғ дунёда туролмаймен. Мен ўлган кимсамен.

— Йўқ! Сиз ҳаммамиздан кечган бўлсангиз ҳам, онаизорингиздан кечолмайсиз! Қайси гуноҳлари учун онаизорингизни азоб ўтига ташлайсиз? Сиз онангиз ёнига борасиз! У бечора ўз қизининг жамолини бир кўргач, кейин нима қилсангиз қила берасиз! Унгача сизни ўз ҳолингизга қўймаймен! Мен нодон, қандай бебурд, номард кимсага йўлдош бўлиб қолдим! Умримда бунчалик номардликни кўрмаганмен!

Бу гапларни эшитган Нигина ўтирган еридан туриб, Насриддинга ўқрайиб қаради. Бу очиқдан-очиқ ҳақорат Нигина кўз ёшларини музлатди. У ҳеч қачон «номард» сўзини ўзига яқин йўлатмас, бир оғиз сўз учун бўйнидаги бебаҳо дурларини кишиларга бериб кетган эди. Насриддиннинг тик турганча нописанд айтган бу сўзлари Нигинанинг эс-ҳушини жойига келтирди.

— Мени ҳақорат қилманг.

— Сизни ҳақорат қилмоқ у ёқда турсин, қаттиқроқ гапиришга ҳам ҳаддим сиғмайди. Аммо ҳозирги аҳволингизга бундан бошқа сўз айтмоқ нолойиқ. Ахир, мен сизнинг онаизорингизни кўрмаганмен, сиз ўзингиз устодга таъриф этганингизни тинглаганмен Онаизорни йиғлатган фарзандни нима демоқ мумкин?

Нигина яна бошига қора рўмолини ёпиб, тик жарликдан тепага қараб юра бошлади. Чўгиртаклар кириб, қонаган оёқларининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

оғриғи сезила бошлади. Аъзойи бадани титраб, тепаликка бемадор тирмашаётган эди, дафчи Насриддин Нигинанинг қаршилик кўрсатишига ҳам қарамай, даст кўтариб олиб, ён томондаги сўқмоқ билан юқорига чиқиб кетди. Нигина унча оғир эмас эди, забардаст йигит учун чивиндек раққосани кўтариш ҳеч гап бўлмади. Насриддиннинг кучли билакларидан тойиб тушиб кетмаслик учун Нигина бир қўли билан Насриддиннинг бўйнидан маҳкам қучиб олди. Гўзал Нигинанинг шундоқ нафаси нафасга урилиб, ҳаллослаб юқорига чиқаётган Насриддин ҳеч нарсани кўрмас, ўтовда ётган шериклари бу ишни сезиб қолмасликлари учун шошар, энтикар, тезроқ Нигинани ўтовга, энагаси ёнига етказишга интиларди. Жарликдан юқорига чиқишди. Нариги томонда чўнқайиб ўтирган оч қашқир уларнинг «қўрқинчли дарё ёнига келиб, сув ичмай қайтиб кетаётганликлари»дан таажжублангандек эди.

Насриддин ўтовга етиб келгунча Нигинани қўлидан қўймади. Уни ичкарига киритиб юбориб, ўзи бир муддат ҳансираб ерда ўтирди. Атроф ёққа алангланди. Ухлаб ётган шериклари тепасига бориб, барчани бир-бир кўздан кечирди. Нарироқда, намат ўтовдаги чўпонлар ҳам пишиллаб ухлаб ётарди. Яна айланиб келиб, ўтов эшигидаги пардани озгина очиб, ичкарига қаради — Нигина энагаси ёнида ётганини кўриб, яна ўз жойига қайтди...

Тонг отди.

Йўловчилар ўрниларидан туришди, юз-қўлларини ювиб, нонуштага ҳозирлик кўришди. Отларга хашак ташланиб, суғорилди. Ҳамма уйғониб, ҳаракатга тушган, тезроқ гўзал Воруҳ қишлоғига етиб олиш иштиёқида юракларда завқу шавқ жўш урарди. Лекин битта одам кўринмайди... Ясаниб-тусаниб, она қишлоққа кириб бориш шавқи билан ўтовдан ташқарига чиқиб, биринчи бўлиб устодга салом берган Нигина йўлдошларини бир-бир кўздан кечириб, дафчининг кўринмаётганини сезиб, дарҳол сўради:

— Насриддин қани?

Йигитлардан бири шу лаҳза ўтовга кириб, қотиб ухлаб ётган дафчи Насриддинни уйғотди.

— Тур, сени сўрашаётир!

Насриддин кўзларини уқалаб, ташқарига чиқди. Обдастадан дўсти сув қуйиб юборди, у юз-кўзларини ювди, нарироқда ясаниб, ҳеч нарса бўлмагандек пинагини бузмай, кулимсираб, яшнаб турган Нигинага қараб қўйди. «Ё тавба, бу ўзи инсонми ёки малакми? Оз бўлмаса худди шу пайт у дарё қаърига чўккан, йўқолган... йўлдошлари мотамда бўларди... Бунинг кулиб, жилмайиб туришини кўринг! Ё тавба!»

Нигинанинг энагаси уни фақат зарурат учун далага чиқиб келди деб, хаёл қилган эди. Фожиа бўлишини ҳеч ким пайқамаган эди.

Уч арава эрта тонгда яна йўлга тушиб, тушга яқин Ворух қишлоғига кириб борди. Нигина хонадонида хурсандчилик бошланиб кетди. Онасининг ўз қизини бағрига босиб, қувонганини кўриб турган Насриддин муроду мақсадига етгандек, хурсанд бўлиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ногоҳ кўзларига ёш олди. Бу йигит дийдаси қаттиқ бўлишига қарамай, кўнгли бўшашиб кетган эди.

* * *

Нигина ўз йўлдошлари билан Ворухда икки ойдан мўлроқ қолиб кетди. Гурганжда вазири аъзам Низом ал-Мулк билан бўлган аҳдга кўра уч ойдан сўнг улар Гурганжга етиб келишлари, султон хизматида бўлишлари лозим эди. Устод Ота Муҳаммад, бу аҳдни бузиш асло мумкин эмас, «Аёз паҳлавоннинг ханжари қонга беланмасин», деб улар яна йўлга тушишди. Нигина онасига анча тилла тангалар, қимматбаҳо тошлар қолдирди.

Улар йўл-йўлакай Хўжанддан ўтиб, Нигина илтимоси билан карвонсаройга тушганликлари ҳақида ҳокимга мутлақо маълум қилмадилар. Хўжандда бир кун тунаб, Ўратепа ва Самарқанд йўли билан Гурганжга жўнадилар. Лекин Нигинанинг Хўжандга кирмай, йўлга тушгани айғоқчилар — Муҳаммад Интизом кишилари орқали ҳоким қулоғига етиб келди. У Иброҳим Дўлдай ва яна уч мансабдор билан карвон орқасидан от қўйиб, Куркат қишлоғи яқинида уларни тўхтатди. Нигина ўтирган соябонли арава ёнига келиб, отдан тушди. Энтикиб унга мурожаат этди:

— Маликам, бу нима қилганингиз?

— ...

— Карвон кетаверсин, сиз, устод, ҳамма йўлдошларингиз бунда қоласиз!

— Ҳожати йўқ...

— Нега?

— Чунки Гурганжга шошилмоқдамиз.

— Шошилишнинг ҳожати йўқ!

— Ҳожати бор!

— Бундоқ қилмоқлик мумкин эмас!

— Мумкин!

— Нега, ахир Хўжандда тўхтамайсен?

— Бунга эҳтиёж йўқ.

— Сен менинг шаръий хотиним! Сен! Шу ёдингдами? Никоҳ ўқитганмен!

— Уч ойдан сўнг никоҳ бузилади. Шариатда шундоқ ёзилган... Талоқмен...

Темур Малик донг қотиб қолди. Тилига сўз келмай, ўзини йўқотди. Ҳа, дарҳақиқат, хотин киши уч ой эрини кўрмаса, никоҳ янгиланиши керак... Шариатда шундай дейилган.

— Хайр, саркарда, доимо саломат бўлинг. Менинг қисматим шу экан. Бу сафар дилхушлигингизга яролмадим... Мен хотин бўлолмас эканмен, она бўлолмас эканмен... Ишратингиз менсиз ҳам ўтаверади, албатта...

— Йўқ! Йўқ!!! Мен сени яхши кўрамен! Ҳаммадан аъло кўриб, хотин қилганмен. Мен сенинг кетишингга йўл қўймаймен! Мен

www.ziyouz.com kutubxonasi

сени жонимдан аъло кўрамен! Бундай қилма! Нимани хоҳласанг, шуни қиламен! Фақат мени ташлаб кетма! Оёқларинг остига тиз чўкамен...

— Саркарда, энди бу гапларни қўйинг. Мен бир бечора рақ-қосамен... Ичимдан йиғласам ҳам ҳокимлар базму жамшидини обод қилишга одатланганмен. Мен, Ворух қишлоғидаги бир кам-бағал деҳқонинг қизимен, аслзода эмасмен. Қўйинг бу гапларни! Сизни бир карра хурсанд этиб, дилхушлигингизга ярадим. Севиб қолиб, ҳаловатим бузилди. Энди мени тинч қўйинг. Раҳм этинг. Сиз, ҳазрат, ишқ оташи билан ўйнашаётирсиз, бировни жизғанак қилиб куйдириб юбориш сизга нега керак! Инсоф қани? Қўйинг, улуғ саркарда, ўйин тамом!

— Тамом эмас! Йўқ, тамом эмас!!

Карвон юриб кетди. Хўжанднинг шаён-шавкатли ҳокими Темур Малик отдан тушганча гилдираклар, тасир-тусир туёқлардан кўтарилган чанг ичида қаққайган ёғочдек қотиб қолди...

УН БЕШИНЧИ БОБ

ФАҚИРИЙНИНГ ТАРВУЗИ ҚЎЛТИҚДАН ТУШДИ...

Бир зайлда кун кечираётган, елиб-югуришлар, шов-шувлардан узоқ Куркату Нав қишлоқларининг одамлари азалдан содда бўлади, деган гапга ишониш мумкин. Осуда ҳаёт кишига таъсир ўтказмай қолмас экан. Кексаликда Куркат билан Навдан нарига ўтмай, «Гулхани аднодан гулшани аълоға борурмен...» деб юрадиган чўлоқ сарбоз Муҳаммад Фақирий бозор куни, иттифоқо Темур Маликнинг бетоблигини эшитди. Қадрдон инниси хасталангандек юраги ачишиб кетди. У билан яқинда учрашгани, унинг «сермурувват»лиги чол юрагига меҳр солган эди. Муҳаммад Фақирийнинг султони ҳам, шоҳи ҳам, дунёдаги энг яхши инсони ҳам кейинги пайтда Темур Малик бўлиб қолган эди. У, йўрға эшаги устига икки кўзи туршагу баргак, анору нашвати, беҳининг сархили билан тўлган жундан тўқилган ола хуржунни ортиб, ўзи Хўжанд қайдасан, деб йўлга пиёда тушди. Кечга яқин шаҳри азимга кириб келди-да, одатдагидай бозорга бурилмай, тўғри ҳоким қўрғонига юрди. Қалъа дарвозасининг икки томонида қурол тутиб турган сарбозлар устига хуржун ортилган йўрға эшакни етаклаб келган чўлоқ чолни тўхтатишди.

— Қаёққа?

Ҳеч нарса билмагандек ичкарига кириб кетаётган Муҳаммад Фақирий бир лаҳза тўхтади. У тўппа-тўғри Темур Малик айвонигача бориб, бемор ётган ҳокимни нашватилар билан бир хурсанд қилмоқчи бўлган эди. Ҳоким Куркатда бўлганида кадхудо — қишлоқ оқсоқоли зиёфатида навшватиларни мақтаб, сувини оқизиб еяётганига кўзи тушган. Саркарданинг юраклари куйиб турган бўлса, мана бу сершарбат нашватидан еб, юрак тапти

www.ziyouz.com kutubxonasi

олинар деб ўйлади. Ҳазратнинг, эҳтимол, тезда чиройлари очилиб, ўрниларидан туриб кетарлар, деган гапни ҳам дилидан ўтказди. Сарбоз йигитларнинг дарбоза олдида тўхтатганига ҳайрон қолди.

— Ҳоким ҳазратлари ёнларига кирамен. Нашвати олиб келдим. Юракнинг таптини босади...

— Ҳоким ҳазратлари нашвати емайдилар. Орқангизга қайтинг! — Сарбоз чолни девона хаёл қилди.

— Ейдилар! Ўз кўзим билан кўрганмен! Ахир бу нашвати иситмага шундоқ даво-ку! Қўйиб юборинглар, ҳазратни бир кўриб чиқай.

— Мумкин эмас! Бозорга боринг!

— Бозорда қиладиган ишим йўқ! Мен Навдан келдим! Бир кекса одаммен. Атайи ҳоким ҳазратларини кўрай деб келдим. Бозорда нима қиламен!

— Девонамисиз?! Қалъага кириш мумкин эмас!

— Ҳоким ҳазратлари — менинг иним. Навдан Муҳаммад Фақирий келди деб айтинглар!

Посбонлар хахолаб кулиб юборишди.

— Йўлни очинг, қария! Эшагингизни олиб кетинг бу ердан!

— Кетмаймен!

Шу пайт, қалъа ичидан қилич яланғочлаган сарбозлар тўпи ичида қўллари орқасига боғланган ярим-яланғоч бир неча маҳбусни атрофини қуршаб олиб чиқиб кетишаётганига кўзи тушди. Муҳаммад Фақирий ўз эшаги ёнида туриб, уларга бақрайганча қараб қолди. Уларнинг тани қамчиндан қабарган, юзлари қон эди.

— Четроқ тур деяпмен! — сарбозлар чолни сансанлаб, эшагини четга тортишди, — маҳбуслар олиб кетиладур, кўзинг борми?!

— Нима гуноҳ қилғон эканлар? — чол шаҳдидан тушиб, посбонга мурожаат этди.

Қовоқ уйиб турган сарбоз чолга жавоб қилмади. Бир лаҳзадан сўнг, ўўл четида эшаги ёнида турган чолга хўмрайиб қаради.

— Қай бири ўлпонни бермоғон, қай бири итоат этмағон, қай бири қўшинни ташлаб кетғон...

Маҳбуслардан бири юрмай, одамларга ағрайиб тўхтагани сабабли сарбозлар қамчин билан қарсиллатиб ура кетди. Маҳбус дод солиб ўзини қўярга жой тополмасди. Бешафқат сарбозларни кўриб, Муҳаммад Фақирийнинг юраги орқасига тортиб кетди. У турган жойида қотиб қолди. Маҳбуслар олиб кетилгандан кейин у дарбозага яқинроқ келиб, ичкарига тикилди. Қўрғон ичи осуда, йўлнинг икки томонида арча-сарв дарахтлари, узоқда атиргуллар очилиб ётибди. Харсангтош ётқизилган йўлнинг икки томони ариқ, шилдираб сув оқмоқда. Бамисоли жаннат... Муҳаммад Фақирий яна эшаги ёнига қайтиб келиб, нима қилмоғини билмай, хомуш турган эди, қалъа ичидан туёқ товуши эшитилди. Посбонларнинг танбеҳига қарамай, дарбозадан йигирма қадамча четда турган чол, ҳаккачоқлаб олдинга бориб, отлиқларга тикилди. Улар олдида сарбаст қоматли ҳоким Темур Малик, унинг ёнида ҳокимнинг сергайрат, келишган хизматкори Иброҳим Дўлдай ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа отлиқларга ҳам кўзи тушди. Ҳокимни ҳам, Иброҳим Дўлдайни ҳам чол яхши таниди. У эшагини орқада қолдириб, турган ерида ҳокимга эгилиб, таъзим қилди. (Чолнинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган дарбоза посбонлари бир-бирига қараб кулишарди.) Отда кетаётган Темур Малик ҳам, Иброҳим Дўлдай ҳам чолга қараб қўйишди-ю, парво қилмай, мағрур кета беришди.

— Муҳтарам ҳазрат, сизга нашвати олиб келган эдим... Бетобсиз деб эшитган эдим. Мен, Муҳаммад Фақириймен...

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайнинг қулоқларига бу гаплар етиб келдими, улар яна бир орқаларига қараб қўйдилару йўлларида виқор билан кета бердилар. Ҳоким Иброҳим Дўлдайга бир нима дегандек бўлди, у оти бошини қайириб, бир лаҳзага чол ёнига келди-да, отда турганича буйруғомуз гап қотди:

— Ҳоким ҳазратлари бетоб эмаслар! Бу гапни ким сенга айтди?! Қалъа олдида турма, Гурганждан шаҳзода келмоқда...

— Мени танимадингизми, сардор жаноблари, мен Муҳаммад Фақириймен. Ҳазратни бетоб деб эшитиб атай келган эдим.

— Қишлоққа кетмоқ лозим! — Иброҳим Дўлдай яна от чоптириб, Темур Маликка етиб олди. — Анави довдираган чол сизга нашвати олиб келибди... — Улар иккови бирдан кулиб юборишди.

Дарбоза ёнида турган посбон сарбозлар эшаги ёнида лол қотган Муҳаммад Фақирийга илжайиб қарашди.

— Ҳей навлик қария, ҳазратни иним, деган эдинг, «бир туғишганинг» сени танимади-ку?! Ха-ха-ха-ха-а!

— Навликларнинг ҳаммаси ҳам сенга ўхшаганми? Ха-ха-ха-ха-ха!

— «Иним» эмиш! Ха-ха-ха-ха-а...

Мулзам чол, дарбозабонлар сўзича «эшаги ёнида эшак бўлиб қолган» Муҳаммад Фақирий, яна жониворни «хиқ-хиқ»...лаб қишлоққа жўнади. Унинг кўз олдида доимо барқарор турадиган «сермурувват», «дунёдаги энг яхши одам», «султонлар султони, шоҳлар шоҳи» — Темур Малик бир лаҳзада жинлардек ғойиб бўлиб, абадул-абадга йўқолди.

Чол қишлоққа келиб, сарпойчан супасига чиқди. Ўтириб, обдан хаёлга чўмди. Уч кеча-ю, уч кундуз шу зайлда юриб, бўлиб ўтган воқеанинг асло тагига етолмасди. Мансабдорлар вафоси мана шундақа бўлади, деди охири, ўйлаб-ўйлаб дунёнинг тагига етаман деган нодон чол!

Унинг хаёлига отаси раҳматлининг бир гапи келди: йўлбарсу қоплонларни болаликдан сут бериб боқиб, ўзига ром қилмоқчи бўладилар. Йўлбарс эгасига ўрганади, аммо минг ўргангани билан айниб бир вақтда йўлбарслигини ҳам қилиб, чинакам йиртқич бўлади. Шоҳу султонларнинг «овомпарвар бўлгани» — аждарнинг қўлга ўргатилгани билан баробар. Дарғазаб бўлганида эгасини ютиб қўя қолади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎҚҚИЗ АСР АВВАЛГИ ОРЗУ

Дарё ёқасида қурилаётган катта аспхона ишлари авж олиб кетди. Бу ерда юздан ортиқ устаю шогирдлар терлаб ишлашарди.

Пешинга бориб ҳаво жуда қизиб кетди. Яланғоч бўлиб олган Темур Малик терга ботиб, Шерюрак Шоший билан хода таширди. Пойтеша чопаётганлар ёнида турган кекса корфармо қаттиқ берилиб ишлаётган ҳокимга гап қотиб, буйруқ беришга ийманар, у бир қадар довдираб қолган эди. У ҳокимнинг катта аспхона қуришга астойдил киришгани фақат отга ишқибозликдан эмас, мамлакат мудофааси учун бўлаётганини сезарди. Темур Малик бунда терга ботиб ишлаётганини мабодо шундоқ биқинидаги бозор аҳли билса, битта қолмай бунга ёпирилиб келишлари, ялпи ҳашар бошланиб кетиши аниқ эди. Аммо Темур Малик фуқаро ичида ҳар хил гап тарқалмаслиги учун ҳозирча унинг бунда ишлаётганини одамларга сездирмасликни корфармога тайинлаган. Бошқаларга намуна бўлиш учун, ўзининг кучлилигини намойиш қилиш учун ҳам чаққон ишларди. Қилич солиш, отда чопиб кета туриб найза урриш куч талаб қилади.

Терлашга обдан терлади-ю, лекин баъзилардек ҳаллослаб қолмади. Шерюрак бўлса ҳаллослаб, йўғон ходага миниб ҳокимга илжаярди.

— Юрагингиз ўйнаб кетдими, сардор?

— Сизга тенглашолмас эканмен. Бу оғир ходалар шерниг эмас, филнинг ҳам («Фил» сўзи билан у Темур Маликка ишора қилди) юрагини ўйнатиб юборади.

— Филнинг ҳам бўладигани бўлди. Юринг, дарёда бир чўмилиб келамиз.

— Бу оқилона гап, — деди ўрнидан туриб Шерюрак, — шундай вақтда Сайҳун керак бўлмаса, қачон керак бўлади! Кетдик, саркарда! Ҳозир дарё филталаб...

— Йўқ, фил дарёталаб... — деди кулиб Темур Малик. Унга ўзини «фил» деб аташлари ёқарди. Ҳатто «малик» унвонини тушириб, «Темурфил» деган Шоҳмурод Кўҳистоний билан қучоқлашиб кетган.

Икки ўртоқ ярим-яланғоч ҳолда дарё томон юришди. Масофа узоқ бўлмаганлиги учун на от сўрашди ва на кийинишди. Улардан эллик қадамча орқада бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз, Иброҳим Дўлдай ва яна уч навкар анжомлар, кийимлар ортилган отларни етаклаб келишарди. Ҳокимнинг дарё томон чўмилгани боришини илгари ҳам кўришган эди. Аҳмад ибн Мораз дарҳол белбоғини ечиб қайнаб турган чойгумни, уч-тўрт пиёлани олди. Навкар йигитлар бунинг нима ҳожати бор, дейишган эди, кўпни кўрган, сертакаллуф Аҳмад ибн Мораз ўзини Афлотун кўрсатиб, йигитларга илжайди. У дамо-дам ҳокимни кузатарди.

Темур Малик жимирлаб оқаётган дарё ёқасига бориб, баланд-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликдан бир лаҳза сувга тикилди. Унинг ёнига Шерюрак билан Иброҳим Дўлдай келиб, улар ҳам дарёга тикилишди. Шоҳмурод Кўҳистонийни эслашиб, унинг кечикаётганига бир оз ташвишланишди ҳам. Темур Малик этигини, чолворини ечиб, оқ иштон билан пастга тушиб, сувга ўзини отди. Ғайратига чидамай ўзини сувга ташлаган Темур Маликни чегараси элас-элас кўзга ташланиб турган азим дарё айланмалари тортиб кетмасин деб оқсоқолнинг сўзи билан икки навкар ечиниб, шай туришарди. Ҳокимдан сўнг Шерюрак билан Иброҳим ҳам ўзларини сувга отишди. Уч баҳодир дарёда қулоч отиб, андак сузгандек бўлишди-да, кейин қирғоққа чиқишди. Юрагини ҳовучлаб, ташвишланиб турган оқсоқол Аҳмад ибн Мораз бир оз хотиржам бўлди... Тани роҳат қилиб, салқин тортиб юқорига чиққан Темур Малик бир оёқлаб сакраб, қулоғига кирган сувни туширди. Дўнг ерга ўтириб, одатдагидек яна дарёга тикилди. Шу лаҳза Аҳмад ибн Мораз ҳоким кўзи олдида ниёлаларни чайқаб, чой қуйди. Ҳаммадан олдин ўзи шошиб-пишиб иссиқ чойни ҳўплади. Темур Малик ҳам, Шерюрак ҳам оқсоқолнинг идроклиги таҳсинга сазовор эканини имо билан бир-бирларига билдириб, иссиқ чойдан ҳўплашди. Ниҳоятда чойталаб эканликларини йигитлар сезиб, улар ҳам оқсоқолга қараб қўйишди.

— Оқсоқол, ўтиринг, тик турманг, — деди Темур Малик, — айтинг-чи, шу дарёга кўприк солса бўладими?

— Ҳазрат, бу ерга илгари ҳам неча бор келиб, хаёл ичида тикилганингизни кўрганмен. Энди фаҳмладим...

Бозор оқсоқоли ўйланиб қолди. Аспхона усталарини ҳам ўзи топиб, Хўжанд бозори тимларини ҳам ўзи қурдирган одам шу оқсоқол эди. Темур Малик бу сармоядор кимсани яхши биларди. Бозорга кетган харажатларини чиқариб олган деган гапни ҳам эшитган. У уй тиклаш, тим қуриш, аспхонаю ҳаммом солиш, меъморчиликдан хабари бўлмаса ҳам, шу иншоот битгандан кейин фойда берадими ёки сармоя тамом бўлиб, харж қилган одамни синдирадими, деган нуқтаи назардан қарарди. Сайҳунга кўприк қуриш нега керак? Ахи, катта қайиқлар сузиб турибди-ку, деди ўзига ўзи. Ундан ташқари, нариги соҳили кўзга аранг илинаётган бу дарёйи азимга кўприк қуришни фақат ақлидан озганлар ўйлаши мумкин. Бунга ёғоч етказиб бўладими? Тошни қаердан олади? Лекин Темур Маликнинг жазм этган нарсасини қилиши, йўлида ғов бўлганларни кўтариб ташлаши, шаҳдини қайтарган одамни ёмон кўришинг сезиб, кўзини жимирлаб оқаётган сувдан олиб, ҳокимга боқди:

— Бўлади! — деди Аҳмад ибн Мораз дадиллик билан.

Хаёл суриб, кўнглидаги бу гапни айтиб юборганига андак пушаймон бўлиб турган Темур Малик ялт этиб тақамўйлаб Аҳмадга қаради.

— Бўлади, муҳтарам саркарда! Сиз бир ишни жазм этиб, айтдингизми, бўлади. Сиз бу гапни бекорга айтаётганингиз йўқ, мен кўп маротаба синаб кўрганмен. Бундоқ қараса, бу бир афсо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нага ўхшайди. Лекин кичик ариғу сою анҳорларга қурилган кўприк нечун Сайҳунга қурилмасин. Ариғу сойларга биз кўприк қурамиз, дарёга сиз... Ҳар ким ўзининг қудратига яраша иш қилади... Фил ишини от қилолмайди...

— Офарин, — деди Темур Малик иккинчи пиёладаги чойни ҳўплаб, — мен сизнинг шунчалик жасоратли киши эканлигингизни билмас эканмен. Сиз бозорнинг эмас, Хўжанднинг оқсоқоли бўлишга арзийсиз.

Аҳмад ибн Моразни анча йиллар илгари бозорда ўтириб, зироатга деҳқонлар олиб келган донни улгуржи сотиб олиб, устига нарх қўйиб сотганлиги, гуручга, мошга майда тош қўшиб сотаётганини аҳли бозор пайқаб, анча дилгирликлар ҳам бўлган. Қимлар-гадир пора бериб, шов-шувни босди-босди қилиб юборган эди. Бу гапдан ҳокимнинг мутлақо хабари йўқ эди.

— Муҳтарам саркарда, мен, Хўжанд эмас, ўз жойим — бозорга муносибмен. Садоқатли қулингизни афв этинг.

— Дарёга кўприк жуда зарур, — у ёнида ўтирган Шерюракка қаради. — Бу томондан келаётган савдогарлар Хўжандга ўтиш учун жуда ҳам қийналадилар. Айниқса Ўтрор, Шош, ундан нари Туркистон... Бу томони Дашти Қипчоқ, ундан нари Русия... Гурганжда бўлганимда, шаҳзода Жалолиддин Русия кенаси Хоразм салтанати билан яхши савдо алоқаси қуриб, ўзининг ялавочини Гурганжга йўллашга розилик берганини эшитдим. Андалузия шоҳи ҳам ялавоч юборишга рози. Шаҳзоданинг айтишларича, султон бу ишга хоҳиш бермаётир. Шаҳзода Жалолиддин мени Русияга юборишга қарор қилган эдилар. Аммо султон ва Туркон хотун бунга рози бўлмади. Русиянинг Бископ, Маскоп, Қий, Новгород[1]... деган шаҳри азимлари бор. Савдогарлар биз томонга келса, албатта, Ўтрор, Туркистон, Шош, Хўжанд орқали ўтадилар. Қум орқали юрмоқ — жуда мушкул. Шу сабабли Сайҳунга кўприк солмоқлик зарур. Қандай солинади, бу иш қандай бўлади, билмаймиз. Бунинг учун султон хазинасидан кўп ақча сарфлаш зарур.

— Офарин, — деди Аҳмад ибн Мораз.

— Бу ишнинг ниҳоятда муҳимлигини пайқаган фақат бир киши, — деди ганга аралашиб Шерюрак Шоший. — Бу киши саркарда Темур Малик.

— Ҳокимимиз омон бўлсинлар, худо омадингизни берсин... — оқсоқол юзига фотиҳа тортди.

Улар учови жимирлаб оқаётган дарёга тикилишарди. Устидан оту аравалар, туя карвонлари ўтаётган узун кўприк Темур Малик кўзига кўриниб кетди. Кўприкнинг ҳар ер-ҳар ерида катта ёғочлар қоқилган, то бошдан-охиригача катта ходалар қирқиб, пойтешада текисланиб, кўндаланг ётқизилган... У бошидан бу бошигача ўн икки ғиштин пойдеворлар қўйилган бўлиб, гўё тагидан катта кемалар бемалол сузиб ўтишарди. У томони билан бу томонига йигирматадан қирқта катта ходалар михдек қоқилган, баъзи ерлар-

[1] Псков, Москва, Киев, Новгород...

www.ziyouz.com kutubxonasi

га сепоя қилиб, хода ташланган. Тоғдан ташиб келинган харсанг-тошлар кўприкнинг икки учига ганчхок билан яхшилаб девкор қилинган эди...

Темур Малик хаёлан яратган бу бўлғуси кўприкка тикилар, назарида ёнида ўтирган сардорлар ҳам кўриб тургандек эди. Арслонхон Бухорода юз газдан баланд Минораи Калонни қурса-ю, наҳотки Хўжанд ҳокими Темур Малик Сайҳунга кўприк сололмаса. Дашти Қипчоқ ҳамда Русия мамлакати билан алоқа қилолмаса! Буни тарих асло кечирмайди!

Қуёш ғарбдаги чексиз қумликлар бағрига чўкаётганида улар кийимларини кийиб, отларига миниб, навкарлар иҳотасида қўрғонга қайтишди.

Кунлар ўта бошлади, аммо Темур Малик хаёлидан бу улкан кўприк қуриш асло кетмади.

Орадан бир ою беш кун ўтгач, Шоҳмурод Кўҳистоний Гурганждан қайтиб келди. Қалъа ҳовлисида рўбарў бўлган Темур Малик билан қучоқлашиб, омонлашгач, биринчи сўрагани: «Ўғилмисен, қизмисен?» бўлди.

— «Ўғилмен», саркарда! — деди бир-бирларининг қўлларини қўйиб юбормай. — Хўжандда ўғил кўп туғилади, Гурганжда қиз... Ҳали Хоразмнинг ҳаммаёғи яхши қизларга тўлиб кетади...

— Хо-хо-хо-хо-о! Қиз ҳам фарзанд, ўғил ҳам фарзанд, — деди кўзидаги севинч ёшларини енги билан артиб Шоҳмурод Кўҳистоний, — бизга ҳозир шоҳи дорпеч, палак... тикиб бериш эмас, отда чопиб, ёвга найза соладиганлар керак. Шу сабабли хўжандлик оталарга кўпроқ эт, қази едирмоқ, новвот чой ичирмоқ лозим. Айниқса, қора қўчқор этини едирмоқ даркор...

— Гурганжда совуғинг жуда ошиб кетганга ўхшайди-а? Базм бўлдими?

— Ҳа.

— Ана уни кўрдингми?

— Йўқ. Бундан бориб бетоб бўлиб қолибди. Ётган эмиш...

— Устод Ота Муҳаммадни кўрдингми?

— Уйига бордим. Дардман экан. Туҳфани хасмингиз Нигина беканинг ўз қўлига бердим. Кўзларига суртиб, йиғлади... Тезда чиқиб кетдим. Ортиқ туриш иложи бўлмади, хоразмликлар ҳар қадамимни кузатди...

Темур Малик бир лаҳза хомуш бўлди. Суҳбат ҳам тўхтаб, Доруссалтана томон юришди. Ичкарига кирибоқ Шоҳмурод Кўҳистоний ёнидан икки дона заррин қутича чиқариб, Темур Маликка тутди:

— Бу, ўша Фарангистондан келтириб сотилаётган атир. Ҳар бири ўн тилла... Муҳим бўлгани учун аввал буни топширай... Султон сизнинг бошқа илтимосларингизга рози бўлди. Хазинадан озроқ ақча берилади, фуқародан йиғилсин, деди. Қўшин сонини ўн мингдан оширишга рози бўлди. Лекин яқин кунда Гурганждан бир неча киши юборамиз, деди.

Бу гап Темур Маликка ёқмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шунча жосуслар етмасмиди!

— Майли, юборганича юбораберсин, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний, — текин томоқлар кўпаяди, холос. Ишқилиб, Жаҳон Паҳлавонимми, Аёзнимми юбормаса бўлгани. Бу ярамаслар душманни эмас, ўз бошимизни олишга уста бўлиб кетганлар.

Темур Малик йўлдан келган дўстини кўп гапга сола бермай, уйига жўнатди.

— Қатиқ ичиш ёддан чиқмасин!

— Хўп бўлади. Сиз менга кўпроқ новвот чой ичгин деган эдингиз-ку?!

— Ҳозир қантарилган отдексен, новвот чойнинг ҳожати йўқ. Икки-уч кундан кейин сўлагинг оқиб қолади, азизим. Ҳушёр бўл! Чи кор кунем... вой, миёнам-эй... бўлиб қолади.

— Хо-хо-хо-хо-о! — Шоҳмурод Кўҳистоний ўзини тутолмади.

Темур Малик Гурганждан олиб келинган икки чиройли қутичани шу лаҳза олиб кириб Ойчечакка берди. Хотини жуда хушсурат бўлиб, эри бўйнига осилди. Ваъдага вафо қилиш хотинларга ёқади. Ойчечак эркаланиб ёпишиб туриб, ўзининг қилган ишларини бир лаҳза бўлса ҳам хаёлидан ўтказди. Юраги шувиллаб кетди. У ҳозир эридан мамнун, ҳозироқ хобхонага кирамиз, тайёргарлигингни кўр, деса одатдагидек нозини йиғиштириб, тўшакка ўзини ташларди...

Темур Малик яна маҳкамага қайтди.

Ойчечак заррин қутичаларни очиб, атирга кўз ташлаб ҳангу манг бўлиб қолди. Бу иккала қутича, унинг ичидаги шиша ва атир бундан бир ҳафта илгари бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз туҳфа этган атирнинг ўзгинаси. У ҳам фарангий, бу ҳам фарангий... Эрини овора қилиб, Шоҳмурод Кўҳистонийни узоқ Гурганжга йўллаганига ачинди, аммо заргарлар ҳовлисига махфий бориб, бозор оқсоқоли билан қилган хиёнати бирдан тер чиқариб юборди.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

«ҚАЗИСАН, ҚАРТАСАН, АХИР АСЛИНГГА ТОРТАСАН»...

Ўша куни ҳоким ҳазратларини бетоб деб эшитиб, хуржунига нашватилар солиб, Нав қишлоғидан йўрга эшагида шатиллаганча Хўжандга етиб келган кекса сарбоз Муҳаммад Фақирий қалъа ичига киролмай, дарвозабонлар билан сан-манга бориб, анча гуфти-гў қилди. Ўз ҳамроҳлари билан отда-қалъадан чиқиб келган Хўжанд ҳокими Темур Малик чолга қайрилиб ҳам қарамай, қаёқ-қадир шошиб кетди. Мулзам бўлган кекса сарбоз эшаги бошини бозор томон буриб, хуржунидаги нашватиларни гадоларга улашди-да, қишлоғига қайтиб кетди. «Агар арслон оқ тишларини кўрсатиб турган бўлса, уни кулаётир, деб ўйлама, — деди ўзига ўзи

[1] Ўзбек халқ мақоли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақирий. — Мен янглишибман. Мана, оқибат!» Чол Хўжанддан чиқиб, ясси тепаликлар оша диққат бўлиб борар экан, нашватиларим ғарибларга буюрди деб бирдан завқланиб кулди.

Қалъа дарбозасидан Қарчиғайда шитоб билан чиқиб кетган Темур Малик, Муҳаммад Интизом, Иброҳим Дўлдай ва бошқа сипоҳлар шаҳардан ташқарида кутиб турган уч юз отлиқдан иборат қўшинга етиб келиб, салоҳ анжомлари шай, ер тепиниб турган отлардаги сарбозларнинг олдига ўтиб узун сафни Ахсикат томон сурди...

Гап бундоқ бўлган: кеча тонгда Фарғона водийси томондан келган чопарлар Садриддин Музаффар Оталиқ номасини ҳокимга етказиб, шаҳарда чилангарлар, мисгарлар, аравасоз ва қайиқчилар, майда савдогарлар бош кўтариб, солиқ тўламаслик баҳонаси билан бекка қарши исён кўтарганликларини билдирган. Дарҳақиқат, Ахсида, бозорда одамлар тўпланиб, бек зулмига ортиқ чидаб бўлмаслигини, қўлларига қурол — чалғию ўроқ, сўйилу пичоқ олгани бекни беиҳоя қўрқитди. Мадраса талабалари ҳам уларга қўшилгани ваҳима бўлиб кетди. Йигитчалар тунда икки мансабдорни сўйиб кетгани, каппонга, аспбозорга кириб бўлмай қолгани ҳам бекка етиб келди. Ахсикат қўшинидан кўплар, биз қариндош-уруғимизни чопмаймиз, бу гуноҳ, дебдилар. Мансабдорлар орасида ҳам девонбеги томонидан қадимдан бериладиган ҳуқуқ пулини бекор этилиши, идрорат[1] вақтида берилмаслиги, тасвигат[2] ҳам тўланмаслиги улар ичида норозиликни кучайтирган.

Жаъфар деган кекса чилангар солиқ йиғувчи мансабдорлар келганида кўрпа қатига яширган катчадаги динорларини тополмай шошиб, шубҳа васвасасида кулиб турган келини эгнидаги нимча чўнтакларига қўл тиқиб кавлаштираётганида ўғли келиб қолиб, отасининг «қилиқлари»дан қаттиқ бад олиб, ранжиган. Хотинини ичкари ҳовлига олиб кириб, йўлакда сўйиб юборган. Этиги қўнжидан пичоқ олишда дод солган хотинини солиқ йиғувчи мансабдорлар ажратиб ололмаган. Қушдек питирлаб жон бераётган бегуноҳ келинига кўзи тушган кекса чилангар Жаъфар бу номус ва фожиага чидолмай шаҳар кўчаларида бақирганча бориб, ўзини тепаликдан дарёга ташлаб, ғарқ бўлган. Жоҳил ва нодон ўғил бегуноҳ ота-ю, бегуноҳ хотинини ҳалок этиб, тоққа чиқиб кетган. Бу даҳшатли воқеа шу куниёқ бутун Ахсикатга тарқаб, одамларнинг сочини тикка қилди. Танни жунбишга солди. Нобоп ўғилнинг шубҳасидан қатъий назар, солиқ йиғувчилар дўқи-ю, бу гапни эшитган аҳли бозор оёққа турди. Мадраса талабалари шу куни бачабоз бир мударрисни ҳам ҳовлига судраб чиқишган, оломон уриб ўлдирган... Чилангару косиблар шанба куни оломон билан бек ҳовлисига бостириб кириб, уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин икки юзга яқин отлиқлар Қоракўз бека раҳнамолигида от чоптириб келиб, ҳовлини ўради. Оломон йўлини тўсиб, кўзидан ўт чақ-

---

[1] Идрорат — пенсия маъносида.
[2] Тасвигат — ялпи пул.

www.ziyouz.com kutubxonasi

наган авомни тарқатиб юборди. Бир ойдан буён Ахсикат нотинч, кекса бек Садриддин Музаффар Оталиқ тунда шаҳар ҳовлисидан яширинча қочиб чиқиб кетган эди...

Бу аҳволни эшитган Темур Малик кўз олдига таъқибдан яшириниб юрган мўътабар бек келди. «Наҳотки шундай кекса бек ярамас исёнкорлар таъқибига учраса?! Наҳотки таги паст кимсалар хушманзара Фарғона водийси ичра талотум этиб, беклик даъво этадурлар?! Ярамас исёнкорларни батамом бош кўтармайдурғон қилиб қўймоқ даркор!»

Шитоб билан Ахсикат томон бораётган Хўжанд лашкари йўлда бир кеча тунаб, эртасига эрта билан шаҳарга яқин — бир йиғоч ерда тўхтади. Темур Маликнинг ўзи қўшинга бош бўлиб келаётганини эшитган Садриддин Музаффар Оталиқ қочган еридан беш-ўн фидойи отлиқлари билан келиб Темур Малик рўпарасида отдан тушиб, кўз ёш қилди. Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳам дарҳол Қарчиғайдан сакраб тушиб, бекни қучди. «Ҳазрат, асло дилгир бўлманг, душманлардан ўч оламиз. Шаҳарни нотинч қилганлар пушаймон бўладилар!» — деди. «Ғанимлар»нинг асосий кучи қаерда экани, Ахсикатдаги ғалаён тафсилотини билиб олгач, бекни шаҳардан ташқаридаги боғида қолдириб, уч юз отлиқ шаҳарни батамом ўраб олди. Биронта кимсанинг на Ўзгану Ўш, на Андижону Хўқанд ботқоқликлари томон ўтиб кетмаслигини мўлжаллаб, Темур Малик сарбозлари шаҳар кўчалари оғзини бекитдилар. Ўзи тўппа-тўғри Доруссалтана томон юриб, бунда ташқарига чиқа олмай ўтирган мансабдорларни отларига миндириб, исён ўчоғи бўлмиш — бозор четидаги чилангарлар растаси томон юрди. Бир қисм отлиқларни мадраса томон йўллади. Растанинг икки томонида қатор чилангарлик дўконлари бўлиб, Хўжанд отлиқлари келганидан хабар топган исёнчилар дўконларидаги тинимсиз тақтуқни тўхтатиб, яроғларини қўлга олмай кўчани тўлдиришди. Аллақандай бир одам қўлидаги яроғини шеригига бериб, оломондан олдинга чиқиб келди. Афтидан, у исёнчиларнинг сардорларидан бири бўлса керак. У, Темур Малик билан гаплашмоқчи бўлди. Аммо кўчани тўлдириб, бекдан шикоят қилмоқчи бўлган исёнчилар: «Султон бизнинг арзимизни эшитмоқ ниятида Темур Маликни юборди. Хўжанд ҳокими холис...» деган фикрда отлиқлар томон юра бошлади. Бирдан Темур Маликнинг отлиқ сарбозлари қиличларини қинидан суғуриб, растада тўпланган чилангар-косиблар устига ташланиб чопа кетдилар. Бир зумда қий-чув, тўполон, дод-фарёд кўтарилиб, бозор тўла одамлар қашқир кирган подадек дам у томонга, дам бу томонга қочишарди. Бир неча калласи узилган жасадлар йўлларда, тор кўча ўртасида чўзилиб қолди. Баъзи сарбозлар отдан тушиб, чилангарлар дўкони ичига кириб, тўғри келган кимсани, ёшми, қарими, чопиб ташлай бошлади. «Сен ярамас исёнчилар, худони унутиб, ўз бекларингизни ўлдирмоқчи бўлдиларингми?! Сенлар оллонинг қаҳрига учрадиларинг! Сенлар султон мамлакатининг душманларисенлар!» — деган бақириқ, «ур!» «чопиб ташла ҳаромини!» деган совуқ нидолар авжга минди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир муддат ичида растаю кўчалар қонга беланиб, оломон ер тишлади...

Исёнчиларни батамом қириб ташлаган Темур Малик ўз отлиқлари иҳотасида яна Доруссалтанага келди. Бекни богдан олиб келишиб, ўз маҳкамасида барқарор ўтказиб, шу куннёқ тунда йўлга чиқишга қарор қилди. Муҳаммад Интизом бошчилигида эллик чоғлик отлиқларни қолдириб, ўзи Хўжандга қайтажагини бекка билдирди. Бекнинг унамаганига ҳам қарамай, нимаики гап бўлса сардор Муҳаммад Интизомга маълум қилишини айтиб Хўжандга қайтди. Бек ҳовлисида истиқболига чиққан соҳибжамол Қоракўз бека қисқа мулоқотдан кейин: «Жиноятчиларни тутиш, исёнчилар сардорини жазолаш лозим эди, авом қириб ташланди. Хатолик бўлди...» — деди. Бу гап Темур Маликка ёқмади, юрагига ханжардек ботди. «Бекни тахтдан тобутга тортамен, деганларни йўқотсам, бу — хатоми? Мен салтанат тинчлигини сақлаш ниятида бу ишни қилдим!» Қоракўз бека жим бўлиб қолди.

Темур Малик бир қисм отлиқлари билан шаҳардан чиқиб кетаётганида, девор орқасида, кимнингдир ҳовлисидан йиғи овози эшитилди: «До-о-од! Уйинг куйсин, бек! Уйинг куйсин, Темур Малик! Жаллодлар дастидан до-о-о-од!» Яна парироқда бир йигит жасадини оёқ-қўлидан ушлаб кўтариб келаётган кекса одамнинг овози келарди. «Вой, боле-ем, вой боле-ем, сенинг ҳеч гуноҳинг йўқ эде! Фақат ўроқ сотиб олгин, деб растага юборган эдем, энди қандоқ қиламе-е-ен...»

Хўжанд отлиқлари қиличларини қонга ботириб, Ахсикатнинг мана-мен деган йигитларини чопиб, қайтиб кетишди. Ахсикатдан чиқиб, Роботга, ундан Конибодомга етиб келмасданоқ Темур Малик орқасида қора соқолли кесик бош мингашиб, белидан маҳкам қучоқлаб келаётганини сезиб, аъзойи бадани жимирлашиб кетди. Арвоҳ тун қоронғисида гоҳ ерга тушиб, гоҳ от олдида юмаланиб, гоҳ коптокдек сакраб келарди. У баъзан Темур Маликнинг бурнига яқин келиб, илжаяр, тилини чиқариб, оғзини каппа-каппа очиб, ҳокимни масхара қиларди.

Сафдошларининг маслаҳати билан Темур Малик Конибодомда тунаб, эртасига яна йўлга тушди. Кечга яқин Хўжандга етиб келиб, ўзини тўшакка отди. Унинг бирдан иссиғи кўтарилиб, аъзойи бадани мисдек қизий бошлади.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ПИСТИРМАДАН УЗИЛГАН ЗАҲАРЛИ ЎҚ...

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзиға жавр этар.

Навоий

— Аҳли тижоратдин хабар топдимки, Шом музофоти ва яна Баҳри муҳит мамлакатларида ҳовлисида ўрик дарахти бўлмаган кимсаларга қиз узатмас эканлар. Бу, кўп ғаройиб ҳикмат, — деди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжанд ҳокими шаҳардан четда, ўрик кўчатлари экилаётган далада эътиборли зотлар даврасида, — бу ишда катта ҳикмат борлиғи кўпдан аён. Мевалар ичида ўрик неъмат бўлмоқдин бошқа кўп дардларга даводир. Унинг таркибида тилло борлиги, дил хасталиги, қон хасталигига даво эканлиги наинки Луқмони Ҳаким, бу ҳикматни шайхулраис Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино ҳам айтмишлар. Хўжанд, Конибодом, Исфаранинг мўътадил иқлими бошқа мевалардин мустасно, ўрикнинг ривож топмоғига кўп қулайдир. Ўрик таркибида инсон учун ҳамма фойдалик унсурлар бор. У мўмиёйи асл каби бебаҳо нимарсадирки, Хўжандда унга ривож бермоқ бизга ота-бободан мерос. Хўжанд аҳлининг кўп баркамол аёллари ва яна алалхусус тоғ аёлларининг зеболиги ҳам фақат чашмалар суви эмас, олтин ўригу анжиру анорига ҳам боғлиқдир...

— Норак тоғлари орасидаги Элак қишлоғида духтари зебо бисёр, — деди ҳазил қилиб сардор Олабуқа. У баъзан гап орасида кулгили қочирим сўзлар айтиб туришни ёқтирарди. — Маликам устига қантак ўрикдек яна бир маликани тоғдан олиб тушгим келади-ю, катта маликам қаҳридан қўрқадурмен. Саркардамни тоғликларга қариндош қилгим келади. Қиёт текисликларининг қизини ҳам камситмоқчи эмасмен, ҳар қалай, саркардамнинг пойи Жайҳун тепаликларида эмас, Сайҳун бўйида...

— Азизим, юракдаги ярамни тирнаманг, ахир бир Воруҳ қизи дилимни забун этди. Воруҳ ҳам тоғ оралиғида, — деди Темур Малик паст овозда Сардор Олабуқа қулоғига.

Асосий гапдан четга чиқиб кетмаслик ниятида у гапни яна ўрикзорлар хусусида юритди.

— Жаноб Шоҳмурод Кўҳистоний кўринмайдилар, у зот қантак ўрикнинг қадрига етадиганлардан эди, — гапирди Шерюрак Шоший. — Қалъаий Хумб томонларда макка, арпа яхши битади, қантак ўрикни қоплаб Хўжанддан олиб кетадилар...

— Хўжанд ўригини фақат Қалъаий Хумб томонларда эмас, Бадахшон, Ҳисор... бу томони Самарқанду Бухоро, то Гурганжгача, бу томони то Ахсикату Ўш, Андижону Ўзгангача яхши биладилар. Қантак ўрик, оқ ўрик, кеч пишари, эрта пишари бунда кўп. Ўрик ўсган ердан ўлим қочади, дейди машойихлар.

Хўжанд арбоблари кеч кузак ўрикзорларни айланишарди. Белгиланган супага етиб келиб, андак ҳордиқ чиқардилар. Темур Малик ўтирган еридаги каттагина ўрик дарахтига суянди. Сафдошлари доира тузиб, рўпарасига — илгари тайёрланиб, ташлаб қўйилган намат устига чўкка тушдилар. Юз қадамча нарида, деворлари пасқам чорбоғда кекса бир одам қозон қайнатиб, хўрак тайёрларди. Ўрикзорлар ичидан тутун чиқаётганини улар кўриб туришарди. Юриб чарчаб ўрикка суянган Темур Малик кўз олдида яна Нигина пайдо бўлди. Сардор Олабуқанинг ҳазили сабаб бўлдими, у яна намоён бўлди. Баъзан саркарданинг хаёлотга чўмганида ёнидаги дўстлари халақит бермасликка уринардилар. «Мен кўкнори хаёл бўлиб, етти қабат осмон устида, ўйлар оғушига кир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганимда тарақ-туруқ қилманглар...» — деб куларди баъзан Темур Малик. Бундай «кўкнори хаёл» чоғларда уни кўп вақт гўзал Нигина эркаларди... Шу лаҳза аллақаёқдан ногаҳоний ҳувва учиб келган бир дайди ўқ Темур Малик қулоғидан тўрт энлик нари — суяниб ўтирган ўрик дарахтига қадалди. У ялт этиб ўққа қараган эди, иккинчи ўқ ҳам унинг ўнг ёнидан ғизза ўтиб, йигирма қадамча нарига тушди. Супа рўпарасида оти жиловини ушлаб турган Иброҳим Дўлдай қоплондек сапчиб бир лаҳзада саркардани ўз қомати билан тўсди. Бургутдек атрофга олазарак боқди. Учинчи ўқ отилганда Иброҳим Дўлдай кўксига қадалиши аниқ эди. Йўқ, ўттиз қадамча нарида, эски девор ортида яшириниб турган бир отлиқ тўсатдан шаталоқ отиб қочди. Иброҳим Дўлдай рўпарада турган сардор Олабуқа билан сардор Шерюрак Шошийга ва яна бошқаларга таажжубланиб боқиб, ўрнидан туроётган саркардани уларга топширди. Ўзи яна қоплондек бир сакраб отига минди-да, қорабайирни ниқтаб, чопиб кетатуриб, йўл-йўлакай қиличини қинидан суғурди. Ўқ отган сувори изидан далама-дала қувиб кетди. Қўздан йўқолган сувори узоқ тепаликка кўтарилишда йўл чанги ичида кўзга ташланди, аммо у ким эканини таниб бўлмас эди. Иброҳим Дўлдай отни ниқтаб, зарда билан чу-чулай бошлади. «Чу, жонивор, чу!» Бари бир қочиб кетаётган кимсанинг кимлигини асло таниб ололмасди. Отлиқ Тапқоқ қишлоғига яқинлашиб, тор кўчага кириши билан ерга қулади. Иброҳим Дўлдай унинг тепасига етиб келганида, отдан қулаб ерда ётган нотаниш бу тоғлик йигитнинг кўксига ўқ қадалиб, оғзини балиқдек каппа-каппа очарди. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, жон берар, тепасида қилич ялангочлаб турган Иброҳим Дўлдайни танимасди. Иброҳим шу лаҳза кўча бошигача чопиб борди, шу атрофдаги эшикларни очиб, ҳовлиларга кирди. Ҳаммаёқни қидирди. Қўлига ўқ-ёй ушлаган биронта эркакни кўрмади. Нима бўлаётганига тушунмасди. Рўпара келган бир кекса хотин кишидан: «Шу атрофда биронта кимсани кўрдингизми? Қўлига ўқ-ёй тутган одамни кўрдингизми?» — деб сўради. Болалардан ҳам сўради. Нариги кўча майдонидаги ҳовуз бўйида ўтирган кексалардан ҳам сўради. Отнинг дукурлаб келганидан бўлак ҳеч нарсани сезмаганликларини маълум қилдилар. Иброҳим Дўлдай таажжуб ичида қолди. Баъзи ҳовлиларга қайтадан кириб чиқди. Кўчалар жимжит. У яна от ёнига борди, икки от ҳангиллашиб, бир-бирлари билан келишолмай тишлашмоқчи, орқаларини ўгириб, тепишмоқчи бўлардилар. Кўксига ўқ қадалган нотаниш кимса аллақачон ўлиб қолган, ерда оғзи ва кўзлари чақчайиб ётарди. Тор кўча эшикларидан чиққан ўспирин йигитлар кўмагида қотил жасадини отга ортиб, жилови қўлда Иброҳим Дўлдай қалъа томон кетди. Ўлдирган кимсадан дарак тополмай, ҳамон у ёқ-бу ёққа алангларди. Қиличи ялангоч, атрофдан кўз узмасди.

Аммо китобхонга маълум бўлсинки, бу тоғлик йигит режага кўра, худди шу Тапқоқ маҳалласидаги тор кўчага кириб, бунда ўзини кутиб турган кимсага «Саркардани ўлдирдим...» деб айтиши

www.ziyouz.com kutubxonasi

лозим ва дарҳол ҳовлига яширинниб унинг чопқир отида бу хабарни яна бир кимсага етказиши зарур эди. Жулдур либосдаги бу одам саркардани ўлдирдингми, деб сўраб ўтирмай қўлида ушлаб турган ўқ-ёйдан заҳарли ўқни тоғлик кўксини мўлжаллаб отди, отлиқ қулади. Шу лаҳза у ўз эшагида айланма жинкўчалар билан бозор томон жўнади. Қаппондаги яна бир кимса саркарда ўлимини эшитиши биланоқ жулдур кийимли кимсани ҳужрага яшириб, ўзи тайёр эгарлоғлиқ отда қалъага бориши, хуржунидаги ироқ матоларни ваъдага биноан Бинафша бекага бериши лозим эди...

Бу режа, унинг наздида ниҳоятда пухта ўйланиб, қароқчиларга икки минг тилладан ваъда этилган эди. Тоғлик қароқчи ишни бажариб, маҳалла ичида турган шеригига айтиши ҳамоно ўзи ўлдирилишини мутлақо билмасди. Қассоб ҳам эшакда ўпкасини қўлтиқлаб, каппонга кириши биланоқ, бунда кутиб ўтирган кимса уни ичкарига олиб кириб, гапириб турганида қўлига бир коса муздек айрон сунди. Ўпкаси оғзига тиқилиб, юраги куйиб турган қароқчи заҳарли айрондан симирган ҳамон кўзлари ола-кула бўлиб, шу лаҳза ерга ағанаб, тил тортмай ўлди.

Қўкариб кетган кимса жасадини қопга солиб, бир неча тош ҳам ташланди. Қош қорайиши билан тепаликдан дарёга юмалатиб юборишни мўлжалланди. Бу ишлардан Иброҳим Дўлдайнинг хабари йўқ, у тоғлик қароқчи жасадини қалъага олиб кирганида узоқдан унга кўзи тушган яна бир отлиқ одам секин орқасига қайтди. Қотилнинг жасади ва оти қалъа ҳовлиси ўртасида, харсангтошлар устида турарди. Бир муддатдан сўнг ўрикзордан йўлга тушган Темур Малик, сардор Олабуқа, Шерюрак Шоший ва яна бошқа арбоблар қалъага кириб келишди. Ҳовлида анча-мунча мансабдор шахслар ҳам тўпланди. Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам тезда етиб келди. Унинг тоби қочиб, ўрикзорга боролмаган эди. Шу лаҳзада «мени қора босиб, шаҳардан чиқиб кетган эдим», деб Муҳаммад Интизом ҳам етиб келди. У ниҳоятда хижолат. Шунчалик ёмон иш — ҳокимга суиқасд бўлармишу у ғофил қолармиш?! Ўз маҳкамасидан йигитларни чақиртириб келиб, тоғлик қароқчининг оти ва либосларини тинтув қилди. Мурдани қалъадан олиб чиқиб кетишди...

— Бу гап ортиқча шов-шувга сабаб бўлмасин, — деди Муҳаммад Интизом ҳоким ичкарига кириб кетгач, бу ерда қолган мансабдорларга.

— У четдан келган одамга ўхшайди, — деди айғоқчилардан бири.

— Шаҳарда уни ҳеч учратмадингларми? — Муҳаммад Интизом зарда билан сўради.

— Йўқ...

— Тафтиш этамиз! Тафтиш, тафтиш!.. Бизни ғафлат босибди! Шаҳарнинг барча дарбозаларига зудлик билан одамларимиз борсин! Ҳеч ким шаҳардан чиқмасин! Унинг шериги бор, бусиз мумкин эмас...

Атрофда турган отлиқлар ўз сардорлари фармони билан ша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳарнинг дарвозалари томон шитоб билан чопиб кетишди. Қимдир бу қароқчи тоғликлардан эканини такрор айтгач, Шоҳмурод Кўҳистонийнинг юрагига бир нима санчилгандек бўлди. Наздида ҳокимнинг ҳам совуққина хайрлашиб, ичкарига кириб кетгани ҳам юрагига ботди. Бу ярамас қароқчи наҳотки тоғлик бўлса? Қимнингдир тилидан: «Қалъаий Хумб одамлари чориқ кияди, хуржуни ҳам олача бўлади», деган гап ҳам юрагини зириллатди. Мурданинг хуржуни олача, оёғида дарҳақиқат, чориқ эди... Муҳаммад Интизом ўз иши билан қаттиқ банд эди-ю, аммо сардор Олабуқа билан Шоҳмурод Кўҳистонийнинг хомуш тортганини сезиб, улар билан қалъа ҳовлисида ёнма-ён юриб, чеккароққа боришди.

— Ҳазрат, бу ярамаснинг тоғлик эканига хижолат бўлманг. Емон одам ҳамма ерда бор, — деди сардор Олабуқа. — Суиқасд жуда сирли... Биринчи навбатда Муҳаммад Интизом жаноблари гофил қолганлар. Ҳаммамиз ҳам кейинги пайтда Хўжандни обод этамиз, ўрикзорларни кенгайтирамиз, деб, эҳтиётсизликка йўл қўйғонмиз. Ота-боболарим султон Санжар хизматида бўлишғон. Давлат ишида юрғонлар беташвиш бўлмайди. Хижолат бўлманг. Орамизда ағёр борлиғи жуда аниқ бўлиб қолди.

— Тўғри. Мен ҳам бу фикрни қувватлаймен, — деди Муҳаммад Интизом.

— Тавба... — деди Шоҳмурод, — бу кимсанинг тоғлик бўлгани юрагимга ханжардек санчилди. Тоғликлардан хиёнатгар чиқмайди, деб кўп айтган эдим. Наҳотки иним Элмурод Қалъаий Хумбда ўтириб, бундай нобакорларга бепарво бўлди экан. Гумоним бор, бу — тоғлик эмас! Мен бунда олий хизматда эканман, тоғликлар ҳеч қачон ёмон душманчиликка ружу қилмасликлари керак эди. Тушунолмаётирмен...

— Тафтиш аниқлайди, жаноб.

— Майда ҳунарманд, косиблардан шу йил эллик чоғлик одам салтанатга қарши исён кўтаргани туфайли зиндон этилди. Улар нафақат ҳокимга, султонга нисбатан ҳам носоз гаплар айтдилар, солиқларни тўлашдан бош тортдилар... Бу одамлар зиндонда ётгани билан шериклари, бола-чақалари бу ёқда. Улардан ҳар нарса кутмоқ мумкин. Улар тинч ётмайди. Ўша ҳибс этилган исёнкорлардан иккиси тоғлик эди, уларнинг гуноҳини ҳокимдан сўраб, Қалъаий Хумбга жўнатиб юборган эдим. Буни ҳамма билади. Бу ишда сир йўқ. Лекин мана шу иш мени хижолат қилмоқда.

— Ҳазрат, мен сизнинг садоқатингизни яхши биламен, — деди сардор Олабуқа, — изтиробга ҳожат йўқ. Сиз билан биздан ёмон иш чиқмайди. Бизлар жонимизни тикканмиз, юрт учун жон беришга тайёрмиз.

— Саломат бўлинг, — деди сал-пал чеҳраси очилиб Шоҳмурод Кўҳистоний, — сиз билан биз жонимизни аямаймиз.

Эртасига Муҳаммад Интизом саркарда ёнига кириб, ўрикзорда ўқ отган кимса дарҳақиқат тоғлик экани, дарахтга санчилган ўқ заҳарли, тиғдор пойнак Қалъаий Хумбда ясалганидан хабардор этди. Ўқ узган қотилни Тапқоқ маҳалласига қочгани, бунда

www.ziyouz.com kutubxonasi

пойлаб турган кимса ўқ-ёй билан тоғликни ўлдиргани, ўзи каппон томонга эшакда келиб, ғойиб бўлганини ҳам маълум қилди. Суиқасд ниҳоятда сирли эканини, калаванинг учини топа олмаётганини маълум қилди. Ўзининг ғофил қолгани, бу билан ҳокимнинг ҳар қандай жазосига лойиқ эканини ҳам қайд этди.

— Каппонга кириб, ғойиб бўлган кимсани топиш керак, — деди Темур Малик, — изни йўқотиш ниятида улар бир-бирларини ўлдирган бўлсалар эҳтимол. Ҳар қалай, бу суиқасд бошида қудратли қўл борга ўхшайди.

— Тагига етурмиз, қасд қилганлар паст бўлур.

— Аввал мен зиндондаги исёнкор кимсалардан шубҳа қилдим, тоғлик деганимиз ва яна ўқ пойнаги Қалъаий хумбликларники деганимиздан сўнг, хаёлим бошқа ёққа кетмоқда...

Муҳаммад Интизом сукут сақлади.

— Наҳотки бу иш Қалъаий Хумбга алоқадор?

— Бир сўз айтолмаймен, саркарда. Аммо бу сирни очмагунча қўймаймен. Қаллам кетади, аммо бу ишнинг тагига етмагунча ором йўқ.

— Менинг ўлимим унга нега керак?! Мен унинг гуноҳини султондан сўраб олиб, Хўжандда энг олий мартабани бердим-ку! Яна нима керак? Иниси Элмуродни Қалъаий Хумбга бек этиб тайинладик...

Муҳаммад Интизом ялт этиб Темур Маликка қаради. Ҳоким бу ишда Шоҳмурод Кўҳистонийнинг қўли бор, деб, ундан шубҳа қилаётгани уни донг қотирди. Бундай хаёл Муҳаммад Интизом бошига келмаган эди. Наҳотки Хўжанднинг иккинчи буюк мансабдори суиқасд уюштирса? Айғоқчилар сардорининг боши қотди.

— Исёнкорлар орасига одам қўйинг! Бу сирли ишни батамом очиш лозим.

— Бу иш очилади. Қаллам билан жавоб бераман, саркарда! Агар очолмасам, Интизом отимни бошқа қўяман! Аммо Кўҳистоний ҳазратларига ҳеч кўнглим чопмаётир.

— Шундай бўлсин.

Муҳаммад Интизом ўрнидан туриб, бир неча қадам орқаси билан юриб Доруссалтанадан чиқиб кетгач, ёлғиз қолган Темур Малик хаёлот дарёсига ғарқ бўлиб, шубҳалар оғусида кўкси ёнди... Бу суиқасд зиндонда ётган исёнчилар тарафидан кўра ҳам ўз ишонган дўсти Шоҳмурод Кўҳистонийга бориб тақала бошлади. Паҳлавон Шоҳмурод унинг кўзига жирканч бир махлуққа, шер эмас, қўтир сиртлонга ўхшаб кўрина бошлади. «Наҳотки бу тоғликка бирон ерда ёмонлиқ қилғон бўлсам, — деди ўзига ўзи фиғон бўлиб. — Наҳотки у айнаб, хонилик йўлига ўтса! Наҳотки тоғликлар билан шаҳарликлар ўртасида доимий нифоқ бўлиб, бу то қиёмат йўқолмайди, деган бемаъни гап ҳақиқат бўлиб чиқса! Наҳотки, у, дўст деб суянган кимса қалбидаги унга нисбатан садоқату ишончни сезмаса! Наҳотки, ҳокимлик мартабаси унга шу даражада зарур бўлса?! Ахир у ҳозир ҳам ҳоким даражасида-ку!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

У яна ўйлаб кетди: «Шоҳмуроднинг бирон сўзи ерда қолиб кетдими? Йўқ! Бирон ишига монелик кўрсатдиммми? Йўқ! Бирон маротаба унинг обрўсига путур етадиган иш бўлдими? Йўқ!.. Нега бундай?!»

У бир куни ўз тоғликлари орасида «ҳокимнинг раққосага ошиқлиги давлат ишига путур етказмаса яхши эди...» деганини қалъа ичидаги айғоқчилар билиб, бу гап Муҳаммад Интизом орқали ҳокимга етиб келган эди. Гавдаси оғир Темур Малик отга минганида Қарчиғайнинг бели андак эгиларди. Қирра бурун, бургут кўз Шоҳмурод Кўҳистоний от устига заҳча қўнгандек енгил қўнар, саркарданинг залварли гавдаси хусусида ҳам ҳазил қилган: «Отнинг бели эгилгани маъқулу, аммо мамлакат бели эгилмасин...» Бўлиб ўтган бу гап ҳам Темур Малик ёдига тушди. «От»ни у раққоса Нигинага ишора қилган эди. Темур Малик ўшанда дўстининг ҳазилини тушунган.

— У соҳибжамол ҳеч қачон ўз бели қайилишидан шикоят қилган эмас, — хахолаб кулган эди саркарда, — аксинча. Бу бел қайилишининг мамлакат ишига дахли йўқ.

— Узр, саркарда, узр.

Мана бу гуфтигў ҳам Темур Малик ёдига тушди. Бундан ташқари, у бултур Хўжанднинг бир неча арбоблари билан шаҳардан ташқарига чиқиб, чўпону деҳқонлар, зироат ўстираётганлар ҳузурига борган эди. Чақалоғини бўрига олдирган деҳқон ва Бўрибосар ит вафоси ҳақидаги ҳикояларнинг шоҳиди бўлган эди. Ўшанда Шоҳмурод Кўҳистоний ўзини бир қадар бошқача тутиб, бу иш саркардада таажжуб уйғотгани, ҳатто Хўжандда қолишликни илтимос қилгани ҳам ёдига тушди. «Хўжандда ҳукуматни ўз қўлига олмоқчи...» деган гап ҳазил-мутойиба ичида айтилган бўлса ҳам, ҳазил таги зил... Бу гап ҳам ҳозир хаёлини қуршай бошлади. «Сирли бир иш бўлмаса бундай оғир гаплар нега тилга қалқиб чиқди экан?»

Хуллас, Темур Маликнинг боши қотди. Наҳотки ўнг қўли — Хўжанд ҳокимлигининг олий мартабадор кишиси унинг ўлимини истаса?! Шубҳадан Муҳаммад Интизомни хабардор этиб, жуда ҳушёр бўлишга, ҳеч нимани сездирмай, доимо кўз-қулоқ бўлиб туришга чақирди. Ўзи ҳам қовоқ осиб, юрагидаги таъқибни билдириб қўймаслигу усталик билан кузатишни дилига тугди.

Оға-ини ўртасига шубҳа тушди...

Лекин орадан бир ой ўтгач, кечки пайт Доруссалтанада пайдо бўлган Муҳаммад Интизом Темур Малик қулоғига шивирлади: «У ишга сардор Шоҳмурод Кўҳистонийнинг дахли йўққа ўхшайди. Унга нисбатан совуқ муносабат адолатсизлик бўлур. У аразлаб тоққа кетиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Бу иш Хўжанд эътиборини пасайтиради...»

— Шундайми?

— Суиқасдга алоқадор бир кимса қўлга тушди. Тафтиш сардорнинг бу жиноятга алоқаси йўқлигини кўрсатмоқда. Ҳозирча гап шу!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен у билан илгаридек эмасмен, ўртада совуқлик бор... Қўзимга у малъундек кўринадир.

— Саркарда, жаноб Қўҳистоний ғазабингизга муносиб эмас. Адолатингиздан дариғ тутмаслигингизни бир қулингиз сифатида сўраймен. Шоҳмурод Қўҳистоний ҳазратлари бундай ишга қўл урмасликлари, биз йигирма нафар «Меҳтар Бодиялдолар» анжуманида ҳаммамизни бир қарорга келтирди. Ипнинг учи бошқа ёққа кетаётир...

— Э, хайрият... — деди ҳаяжонланиб Темур Малик.

— Бари бир тафтиш давом этади. Биз ғанимларнинг гирибонидан тутмагунча бу иш сирлигича туради... Қўҳистоний хонадонини карамингиздан дариғ тутманг, ҳазрат. Сардор рафиқаси ёмон хулосаларга бориб бир тўп уруғлари билан аллақачон Қалъаий Хумбга жўнаган.

Юракни кемираётган шубҳа бир оз тўхтагандек бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАҲЛИКА

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ТАРИХ ҚОРАЛАГАН ЭЛЧИ

«...Султон Ироқдин қайтғоч маъво асосини Мовароуннаҳрга ташлағонида, уни Чингизхон элчилари учратдилар. Булар Маҳмуд ялавоч ал-Хоразмий, Алиакбар Ҳожа ал-Бухорий ва Юсуф Кенка ал-Ўтрорий эдилар. Улар туркий одат бўйича совғалар: аравада туя ўркачи баробар — Чин тоғларидин келтирилғон қуйма олтин, қимматбаҳо маъданлар, нусуб ал-хутувв[1], қопқоп мушк, ёқут ва тарку деб аталадурғон — оқ туя юнгидин тўқилғон кийимлар келтирғон эдилар. Бу юнгдан тўқилган кийимлар бозорда эллик ёки ундан ортиғ динорға сотиларди...»

Шаҳобиддин ан-Насавий

(1219)

«...Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ўрнига тантанаю дабдабабозлик, манманлик, айшу ишратга муккасидан кетиб, давлатни таназзулга олиб борди. Ҳар қандай зафарларни ўз шахсиятига боғлади. Элчилар макрини фаҳмламади. Исмини «Искандари соний», «Султон Санжар монанд...», «Яратганнинг ердаги сояси...» деб хутбага солиб ўқиттирди. Булар уни ниҳоятда талтайтириб юборди, маддоҳлар сўзига учиш борган сари продасиз қилиб қўйди. Ақлий ожизлиги давлат ишларини издан чиқарди.

Чингиз Мовароуннаҳрга ҳужум қилишдан аввал айғоқчилар юбориб, Хоразм қўшини аҳволини билиб, султоннинг ўз саркардаларини ўзидан бездираётганигача, фитнага ишониб, уларни жазолашларигача ўрганган

[1] Морж тишлари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. «Менинг мамлакатимга ҳужум қилишга ҳадди сиғадиган жаҳонда бирон давлат йўқ», деб керилиш билан бирга, бирон одам юбориб Чингизхоннинг ҳарбий қудратини кўриш у ёқда турсин, бу ишни ўзига тубанлик, пасткашлик деб тушунди...»

Садриддин Айний

(1944)

Чоршанба куни кечга яқин баъзиларнинг фикрича, «Чин мамлакатидан келган савдогарлар...» Ўтрор карвонсаройига тушди. Уч кимса ўз либосу хулқу киборликлари билан жуда ажралиб турарди. Сардор Муҳаммад Интизом айғоқчиларидан бу ерда «хизмат қилувчи» «Тўрғай» тахаллусли кимсанинг ниҳоятда эътибор бериб кузатишича, ўша уч киборнинг хизматини адо этиб юрган уч одам аниқланди. Уларнинг хуфия қуролланганн, ҳалиги уч киборни ҳеч вақт холи қўймай, шаҳзодаларни қўриқлагандек бир дақиқа ҳам чалғимай улар атрофида айланишиб юрганини пайқаган «Тўрғай» аввал бу «уч савдогар»ни ниҳоятда қимматбаҳо моллар ёки ақча билан йўлга чиққан, деб хаёл этди. Кейин улар Чиндан эмас, Орхан, Баян-Удэгей, Хунгуй дарёлари томондан, ўзлари мусулмон эканини билди. Охирида ўша уч хизматкор ёнига «Тўрғай» ҳам тўртинчи бўлиб сингишиб кетди: чилим келтириб, бурқитиб чектирди, жаноблар нимани истасалар, шуни муҳайё қилишини маълум этди. Хизмат ҳаққига кўп сўрамаслигини ҳам қўшиб қўйди. Биринчи куниёқ — ўттиз ёшлардан ошган, новча, соқол-мўйлаби ҳам ўзига ярашган биттаси, қолган иккитаси ичида эътиборли, гўё пулдорроғи, мабодо мансабдор бўлса, юқори мансаблиси эканини, бошқалари унинг сўзи билан иш қилишликларини ҳам сезди. Унинг номи Маҳмуд эди. Семиз, юмалоқдан келган, ёши қирқларга бориб қолганининг исми Хўжа Алиакбар, учинчиси — рангпар, ориқ, қирра бурун — Юсуф эканини чилим тутиб юриб, исмларига «муҳтарам жаноб» иборасини қўшиб, аниқлаб олди. Ўтрор ҳокими Инолхоннинг айғоқчи кимсалари бор бўлса, ҳам, «ўлик кимса» бўлиб қолгани, Хўжанд айғоқчиларининг Жандда, Туркистонда, Ўтрорда, бу томони Ахсикатда, Ўзгану Ўшда пинҳоний юриши, Ўратепаю Шаҳристонда ҳам борлиги сардор Муҳаммад Интизомнинг тадбиркорлигидан далолат берарди. Темур Малик ундан ақча аямасди. Баъзан неча ойлар мобайнида бир жиддий хабар етмаса ҳам, Хўжандга бўйсунмаган, аммо султон амрида бўлган қалъалардан хабардор бўлиб турарди. Султондан араз бўлиб, Гурганждан чиқиб кетган қари мунший — Абдулқодир Шоший хабарини ҳам айғоқчилар ҳокимга етказишган. Қалъа ичида оғзини очиб ўтириш, қўшинлар ҳолидан хабар олмаслик, бу эса энг ишратпараст ҳокимнинг ишидирки, бундай мансабдорлар бугун бўлмаса, эртага қаттиқ қоқилиб, ағдарилиб тушиши мумкин, дерди Темур Малик.

Баланд бўйли, қорақош Маҳмуд ниҳоятда ҳушёр, атрофида айланишиб чилим, чой келтирувчи «Тўрғай» га ҳам унча рўйхуш бермас, ҳатто ўз йўлдошлари тўпида ҳам шароб ичмас эди. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуда камгап, ичимдагини топ тонфасидан бўлиб, чопонини ечмас, ҳужрага олиб кирилган қопу хуржуну қутиси ёнидан узоққа кетмасди.

Эртасига «Тўрғай» хизматкорлардан бирини «арзон яхши этик...» топиб бериши, этикдўз ёнига бошлаб бориш баҳонаси билан уни Сайҳун томон — жарликка олиб бориб, кутилмаганда йиқитиб, таппа тагига босди. Бўғзига ханжар қадади. «Улар кимлар? Нима мақсадда Хўжандга кетаётирлар? — деб сўради. — Агар ҳақиқатни маълум қилмасанг, алдасанг, шу ерда бўғизлаб кетамен. Ўлигинг бўриларга ем бўлади!» — деб қўрқитди. Кўзлари ола-кула бўлиб, ҳозир бўйни узиб ташланишини билган хизматкор ялина бошлади. Ҳеч нарсани яширмаслигини маълум қилди:

— Соҳиб, мени ўлдирма, ҳамма билганимни айтамен.

— Қани, айт!

— Ўлдирмаслигингга қасам ич!

— Нон урсин, ҳамма гапни рост айтсанг, ўлдирмаймен! Боз, оёгимдаги янги этигимни ҳам ечиб берамен.

— Улар уч ялавоч. Мўғул хони Темучин, яъни Чингизхоннинг элчилари. Улар Хўжандга эмас, Хўжандда икки кун тўхтаб, ундан Самарқанд, Бухоро орқали Гурганжга, Хоразмшоҳ ёнига борадурлар. Уларнинг ёнида Чингизхоннинг номаси бор. Чингизхон бу томонга қўшин сурмоқчи... Мен бир мўмин мусулмон одамман. Сенга ҳамма билган гапимни айтдим...

«Тўрғай» ханжарини қинига тиқди. Шу лаҳза ўрнидан турди. У хаёл ичида яна ерга ўтириб, оёқларидаги янги этигини ечиб, хизматкорга узатди.

— Этикни ол, у сеники. Розимен. Бу гапни менга маълум қилганнигни шерикларингга айтма, йўлда — қум ичида каллангни узиб, ташлаб кетадилар. Мен бу ерда қолиб кетадиган кимсамен. Бор, карвонсаройга бориб, сўраган шерикларингга этик соҳиб олдим, деб айт. Бошқа гап йўқ!

— Ташаккур, соҳиб, — деди-да, хизматкор жарликдан чиқиб бозорга, ундан карвонсаройга жўнади.

Оёқяланг «Тўрғай» шу лаҳза уйига бориб, бола-чақаларига хавотир олмасликларини тайинлаб, отни эгарладию хуржунни ташлаб, тайёр йўл анжомларини хуржун кўзларига жойлаб, Хўжанд томон от чоптириб кетди. У отни шитоб билан югуртириб қош қорайгунча Жандга, ундан бир неча ерда тўхтаб, тунни билан тинимсиз йўл босиб, тонготарда Хўжандга кириб борди. У ўзига маълум бўлган икки бекатда отни ўзгартирди. Шитоб билан шаҳарга кириб келган «Тўрғай» тўппа-тўғри сардор Муҳаммад Интизом ҳовлисига тушиб, нонуштани у билан бирга қилди. Нонушта вақтида ҳамма гапни: икки кундан сўнг элчилар Хўжанд орқали Самарқандга ўтишини сардорга маълум қилди. Улар орасидаги Маҳмуд ялавоч жуда маккор одам кўринишини ҳам уқдирди... У ўз хизматига лойиқ ақча ва илгариги хизматлари учун ҳам ҳақ олиб, шу куни Хўжанд бозоридан анча-мунча нарсалар харид қилиб, эртасига яна Ўтрор сари жўнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сардор Муҳаммад Интизом шу куниёқ бу хабарни ҳокимга етказди. Масаланинг ниҳоятда муҳимлиги, Чингизхон қўшин суриб Чин мамлакатини босиб олганидан сўнг Мовароуннаҳрга юриш бошлашга ҳозирлик кўраётгани, Маҳмуд ялавочнинг келиши фақат юқоридан аҳволни билиш, аслида қудрати бениҳоя Чингизхон мағрибга юриш бошлаши муқаррар эканини сезиб, Гурганжга, султон ёнига нома билан Шоҳмурод Кўҳистонийни шошилинч йўллади. Ўзи элчиларнинг Хўжандга кириб келишини кутди. Номада Маҳмуд ялавоч асосий шахс, Чингизхон ишончини қозонган кимса — ёшлигида шўхроқ бола бўлганигача маълум этиб, султонни мўғул ҳужумидан огоҳ этди. Гап, кимсаларнинг устун томонларини ҳисобга олган ҳолда, ожиз томонларини ҳам билиб қўймоқ ниҳоятда зарур, деб тушунтирди Шоҳмурод Кўҳистонийга.

— Зарбоф чопонларини яхшилаб ўраб қопга солибди. Ёнида тилло пайза, тилло камар... Агар у барча либосу анжомларини устига ёпса тамоман тиллога бурканган, тилло бўлгон одамни кўрурсиз, — деди Темур Малик.

— Маҳмуд ялавоч — тилло пашша. Тилло пашша бундан учиб, Гурганжга кетади. У нима устига қўнишини билурмен, — деди қуюқ қошлари остида кўзлари чақнаб Шоҳмурод Кўҳистоний.

Гапга қулоқ солиб турган Шерюрак Шошийнинг ранги ўчиб кетди.

— Бундоқ гапни айтманг, сардор! Бошимиз кетади!

Темур Малик билан Муҳаммад Интизом индамай қолишди.

— Демак, менинг Гурганжга боришим, шу йўлда бошдан ажралишим керак экан-да? Майли, борамен! Сиз, сафдошларимки бир тоғлик иниларининг калласи узилишини истаб, у томонга юборар эканлар, бари бир борамен! Мен билмай гапириб юбордим, деб ўзимни нодонликка солмаймен. Бу ёшда «билмай гапирдим, оғзимдан чиқиб кетди», демакликнинг ўзи нодонлик! Ҳар кор ба тақозойи тақдир...

— Сиз ҳазратга ёмонлик ниятида сўз демасмиз. Сизга кўтарилган қилич, бизга кўтарилган қилич! Ичимизда хоин кимса йўқ, хотиржам бўла беринг. Ҳали эсон-омон Гурганждан қайтиб келасиз. Биз кафил! Сардор Шерюрак Шошийнинг фақат тилга эҳтиёт бўлмоғликни таъкидладилар, холос. Бундан бошқа гап йўқ!

— Тўғри, — деди Муҳаммад Интизом, Шоҳмурод Кўҳистонийга тик боқиб. Унинг кўзларида киши кўксига қадалувчи қандайдир қўрқинчли «тиғ парроғи» бор, ҳатто ҳокимнинг ўзи ҳам бу нигоҳдан баъзан ҳайиққандай бўларди, — сиздек бир қадрдонни ем қилиб юборадурғон кимсалар бу ерда йўқ! Билъакс, жони билан сизни ҳимоя қиладурғонлар бор. Киши баъзан дилидагини очиб юбормай, сир сақлашни ҳам билмоғи лозим. Сардор, сиз хуш кўрмайдиганни биз ҳам хуш кўрмаймиз. «Тағофили орифона»[1] йўси-

[1] Тағофили орифона — билиб туриб, ўзини билмасликка солиш санъати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нидан сиз, тоғлик иниларим бехабар, ўрик истеъмол этиб, дам чиқариб юраверасизлар...

— Хо-хо-хо-хооо! — Шоҳмурод Кўҳистоний овозининг борича кулди, — отангга раҳмат! Бисёр ташаккур! Э, божа, сухан ана бундоқ бўлибду!

Ҳамманинг чеҳраси очилиб кетди.

— Бизлар «божа»миз, хўжандликлар, ўратепаликлар ҳаммамиз божамиз, — деди Шоший.

— Хо-хо-хо-хооо! Отангга бисёр ташаккур! — деди яна Шоҳмурод Кўҳистоний, — тоғликларни билмайману, аммо шошликларнинг ҳаммаси «божа!» — деди кўз ёшини енги билан артиб.

Эрта тонгда Шоҳмурод Кўҳистоний ўн чоғлик сарбоз отлиқлари билан қум оша Гурганж сари югурди...

* * *

Хоразмшоҳ саройидаги ўн олти устунли, оқ ганчин хонада тантанавор қабул қилинган элчилар билан суҳбат одатдан ташқари қисқа бўлди. Чингизхон номасини овоз чиқариб ўқиган вазири аъзам Низом ал-Мулк султонга боққан эди, юзида дарғазаблик аломати зоҳир султон оқариб, асабий бир тусда бошини сарак-сарак қилаётгани кайфини учириб юборди. Овози жаранглама й, захда қолган ноғорадек пўкилларди... Султон заррин тахтиравонда, элчилар бўлса рўпарасидаги курсиларда ўтирар, сарой олий мансабдорларидан юзга яқини ганчин хона деворлари тагида қўл қовуштириб турарди...

Ўша замон анъанасига мувофиқ, Чингизхон ўз номасида қўлга киритган барча ғалабаларини — Чин мамлакатини босиб олгани, Мўғулистондаги ҳамма аймоғу уруғларни бирлаштириб, ўзинга тобе этганини ёзган эди. Султон билан дўст бўлмоқ, агар бу аҳду паймон кўнгилдагидек самара берса, султонни энг қадрдон ўғли сифатида кўришини билдирган эди. «Энг яхши ўғлим...» деган сўз султон танидаги тукларни тикка қилди. «Наҳотки бир ғайридин ўғлим деса?! Наҳотки, ғалабалардан ғалабаларга эришаётган «Искандар Зулқарнайн» — Хоразмшоҳга у ўзининг ғолиблигини пеш қилса?! Ахир, у Бағдоду Шомга юриш қилиб халифа Носирни енгди-ку! Ҳалаб шаҳридаги жанг юз йиллар мобайнида Аббосийлар ёдидан чиқмайди-ку!..»

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳи Соний бундан уч кун аввал Хўжанддан Темур Малик йўллаган номани, уни қора қош, қирра бурун тоғлик бир мансабдор олиб келганини эслади. «...Олампаноҳ, улуғ султон, бизга фақат фурсат керак, Чингиз лашкар сурмаслиги учун ялавочларни чалғитиш, тинчлик учун ҳамма чорани кўриш, ҳозир айниқса муҳимлигини маълум этмоқликни ўз бурчим деб биламан...» «Э, манглайи қора, қўрқоқ! — деди ичида султон. — Сенга қанақа фурсат керак? Мен лашкар суриб, Бағдоду Ҳамадону Ҳалабгача олсам, халифаларни титратсаму бу хўжандлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

таги паст менга чалғитишу тирриқликлардан дарс бермоқчи! Филга пашша ақл ўргатмоқчи...» Хўжанддан келган нома ҳам, Чингизхон номаси ҳам султонга ёқмади, у нома ёзадиганларни ёқтирмасди. Китоботу аҳли қалам, муншийларга ҳам тоқати йўқ. «Бобом — Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсизни шоир Рашидиддин Ватвот чалғитган, бўлмаса султон Маҳмуд Ғазнавий билан оралари бузилиб, муҳорабалар бўлмасди...» — дерди у баъзан.

Султон шу фурсат элчиларни ҳар қанча ёмон кўриб, даргазаб бўлгани билан умумқоидага биноан дастурхон олдида бир-икки яхши сўз айтган бўлди. Лекин бари бир «ғайридин» Чингизхон номини тилга олмади. Шу маросимда ҳам Маҳмуд ялавоч, Юсуф Утрорий, Ҳожи Алиакбар Бухорийлар кўпи билмас бир-бирларига қараб қўйдилар. Султоннинг Чингизхонга бўлган муносабати ғоятда ёмонлигини пайқадилар. Уларнинг кўз олдига Ўтрорда қириб ташланган тўрт юз савдогар — мўғул фуқароси келди. Бу фожиа Хоразмшоҳнинг қонхўрлигидан далолат берарди. Маҳмуд ялавоч бир оз чўчиди ҳам. Чунки қайтиб кетишида ўртада қанча қумликлар, даштлар бор... «Йўлда қароқчи босибди», «бўрилар еб кетибди...» демак маккор султон учун ҳеч гап эмас. Орхон, Селенге, Хунгуй, Гол дарёлари, Баян Удэ-Гей аймоғининг беҳудуд даштлари, ундан сўнг Или дарёси, Зайсон, Балхаш кўллари ёқалаб, Чу ва Талас дарёларидан ўтиб, Туркистон ва Шошни, ундан Сайҳунни ёқалаб келиб, Хўжандга тушишди. Уч кундан сўнг Ўратепа, Шаҳристон, Панжикент, Самарқанд ҳамда Бухоро орқали Жайҳун бўйига чиқишди. Бу — Хуросону Чин ўртасидаги ипак йўли эди... Бунда катта кемаларга ўтириб, сувнинг оқими билан Гурганжга етиб боришди. Икки ой деганда султон пойтахтига етиб бориш — ҳазилакам машаққат эмас! Бу йўл машаққатлари Маҳмуд ялавоч кўз олдидан бир лаҳзада ўтди.

— Ўйлаб кўрамиз, бирон ҳафта меҳмонимиз бўлинглар, — деди элчиларга қараб жиккакдан келган Хоразмшоҳ, чўққисоқолини қашлаб, сал-пал илжайгандек бўлиб. Ҳар қалай, султоннинг хаёлини Темур Малик йўллаган нома қамраган эди.

Орадан бир кун ўтказиб, султон топшириғи билан Ҳожи Алиакбар Бухорийни шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ лашкар машқини, манжаниқларни томоша қилдириш баҳонаси билан юз отлиқ атрофида Қиёт томон, Юсуф Ўтрорийни иккинчи шаҳзода Ғиёсиддин Пиршоҳ ўз сарбозлари иҳотасида катта бозорга олиб кетди. Бозордан чиқишгач, Шаҳобиддин Хивақий ҳовлисида зиёфат тайёрланган эди. Шу фурсатдан фойдаланиб, элчиларнинг сардори Маҳмуд ялавочни султон яширинча ўз ҳузурига чақирди. Бу тадбирни вазири аъзам Низом ал-Мулк билан Туркон хотун ва бир неча яширин савдогарлардан бошқа ҳеч ким билмади.

— Сен, манглайи қора мусулмон бўла туриб, бунинг устиға, аслинг хоразмлик бўла туриб, нечун беимон бадавийлар ёнини оласен?! — деди тўсатдан султон Маҳмуд ялавочга ўқрайиб, — сен имонини сотганлар ўша Чингиз ёнига омон борамен, деб хаёл қилурмисен?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен — ялавочмен, улуғ султон, ҳукмдорим топшириғи билан келдим...

— Сен, манглайи қора, туркий уруғдан бўла туриб, қандай қилиб уларнинг топшириғини адо этасен?! Ўша ваҳший сенинг ҳукмдорингми?! — Султоннинг важоҳати бузилиб, лаблари қийшая бошлади. Бундай пайтда унинг оғзидан ҳар қандай ҳукм чиқиб кетиши вазири аъзамга маълум. Икки шериги ажратилиб олиб кетилган, султонга ва бунда турган бошқа мансабдорларга ғилтиллаб қараб, улар юзидаги имо-ишораларни пайқаб турган Маҳмуд ялавоч ўзининг шу куниёқ қазоси етганини фаҳмлади. У Хоразмшоҳнинг яқинда Араб мамлакатларини енгиб келгани, халифа Носир ўлдирилганидан ҳам хабардор. Хоразмликнинг Ҳалаб шаҳридаги қонли ишларидан Чин ва Мўғул хонлари ҳам хабар топган эдилар. Маҳмуд ялавочнинг оёқлари қалтирай бошлади. У ўтирган курсидан беихтиёр туриб келиб, султон рўпарасида тиз чўкди.

— Тавба қилдим, улуғ султон! Мени афв эт! Олампаноҳ, сенинг офтоб янглиғ қудратли лашкаринг олдида Чингизнинг лашкари, бир хира шамдир, офтоб — оламтоб чиққач, юз минг шам нури ҳам бир пул бўлади. Шам тунда лозим, офтоб ҳаммавақт... Улуғ султон! Мен беимон эмасмен! Аслим улуғ ва муқаддас хоразмлик. Сенинг қудратинг олдида бош эгурмен. Унда ер-сувим, мол-мулким Чингизхон тасарруфидаги тупроқда бўлғони сабабли унинг хизматидамен. Дилимда она тупроқ манфаати ҳукмрон. Яна бир карра она тупроқ манфаати ҳаққи, қасам ичиб айтадурменки, мени ғазабингга дучор этма, мен фақат ялавочмен... Элчига ўлим йўқ...

Султоннинг ўнг томонидаги алоҳида курсида заррин либосларга ўралиб, юзини гулдор ипак рўмоллар билан ўраб ўтирган Туркон хотун хурсанд бўлгандек, бир гувраниб қўйди. Бу билан у «режаларим амалга ошди...» дегандек хурсанд бир чиройда ўғлига қараб қўйди. Султоннинг ҳам юзидаги дарғазаблик аломатлари дарҳол йўқолиб, Маҳмуд ялавочни имлаб, ёнига яқинроқдаги курсига чақирди. Вазири аъзам Низом ал-Мулк ҳам Туркон хотун имоси билан султонга яқинроқ борди.

— Мен сенинг дилингга ишонамен, — деди ярим овозда султон. — Она тупроқни тилга олиб, қасам ичдинг, мен бунга ишонамен. Сен хоразмлик экансен, менинг инимсен. Хоразм давлатимизнинг ҳамма жойида сен мўътабар зотсен, хоҳласанг, бизнинг юртимизга кўчиб кел, сенга катта лавозим берурмен...

Низом ал-Мулк билан Туркон хотун бу гапларни тасдиқлашди.

— Улуғ султон, бу ҳимматларинг учун ташаккур! — деди танига жон кириб Маҳмуд ялавоч.

— Чингизга тобе бўлганинг билан, дилингдан бизга, ўз халқингга хизмат эт! Бадавийлар орасида бизнинг одамимиз бўл. Сенга катта тилло ақчалар берурмиз. Хоҳлаган вақтингда болачақаларинг билан кел, сен ёнимда вазири аъзам сифатли мансабдор бўлурсен.

— Қуллуқ, улуғ султоним, қуллуқ!

«Султон» сўзини «султоним» дегани Хоразмшоҳу Туркон хоту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ну вазири аъзамга ёқиб тушди. Элчини тамоман ўз томонларига ўтди деб тушундилар. Улар табассум этиб, султонга қарашди. Султон шу лаҳза катта хона бурчагидаги унча кўзга ташланмайдиган эшикчага қўли билан имо қилди. Орадан бир лаҳза ўтгач, ганчин оқ хона рўпарасидаги катта эшиклардан тантанавор кириб келган ўн чоғлиқ мансабдорлар патнисда бағдодий салла, заррин чопон, заррин камар, қимматбаҳо дасталик қилич олиб киришди. Салла билан заррин чопонни Низом ал-Мулкнинг ўзи элчининг бошига қўндириб, чопонни устига ёпди. Унинг бундан бўён Хоразм давлати манфаати учун хизмат қилажагига шак келтиришмади. Ҳожи Алиакбар Бухорий билан Юсуф Ўтрорийга ҳам худди шундай инъомлар ҳозирлаб, уларни ҳам вақти билан ўз йўлига солишни Маҳмуд ялавочдан илтимос этишди.

— Ҳаммаси бажо келтирилур! — деди Маҳмуд ялавоч, — сенинг амринг олло амридир!

Бу сўз султонни ўрнидан турғазиб юборди. У келиб Маҳмуд ялавоч билан қучоқлашди. Ишнинг анча осон кўчганидан мамнун бўлган Туркон хотун билан Низом ал-Мулк ўзларини енгил ҳис этишди.

Элчилар жўнаш куни шаҳзода Жалолиддин худди шундай сарупо ва қимматбаҳо буюмларни элчилар орқали мўғул хони Чингизга йўллаш зарурлигини, яна бунинг устига, Чингизхон мактубига жавоб мактуби битиб, «яхши қўшничилик қилмоғлиқ»ни таъкидлаб, «яна элчилар юбориш», агар лозим бўлса, «Хоразм давлати элчиларини ҳам юбориш» ни эслатди. Жалолиддин ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам, Темур Малик ҳам мана шундай йўллар билан яна ўн йилча уруш қилмай туришни мўлжаллаган эдилар. Бу ўн йил ичида Хоразмшоҳ қўшинини яна ҳам қудратли этиш кўзда тутиларди.

Айниқса Хоразмшоҳ Чингиз юборган элчиларни қўлга олдим, бу илонларни энди унинг ўзининг қўйнига йўллайман, деб ўйлади. Темур Малик ва Жалолиддин режалари оқибатсиз қолди. «Сайройи Чингизга заррин чопону қимматбаҳо тошлар йўллаб сийлаш — хатодур, бу эса сенга тобе бўламиз деган гап!» — деди ранги ўчиб Туркон хотун. Кейинги пайтларда шаҳзода Жалолиддиннинг кўп ишлари бувининг эпсасини қотириб келарди. Туршакка ўхшаб қолган буви жавоҳир тақинчоқларга бурканиб, кўпчилик олдида невараси Жалолиддинни танимагандек, уни тан олмагандек бўлар, ҳатто саломлашмас, лекин буви ва невара ёлгиз ўзлари қолганларида невара билан қуюқ гаплашар, меҳрибонлик қилгандек ҳам бўлар, кўпчилик ичида ён бергандек бўларди... Бу маккорликни Жалолиддин анча вақтдан буён пайқаб юрарди-ю, лекин ўз бувиси хусусида отага бир оғиз ҳам шикоят гап айтмоқни лозим топмас, гуноҳ деб тушунарди. Юрагини фақат Шоҳмурод Кўҳистонийга очиб, саройдаги бу гаплардан дўсти Темур Маликни хабардор этиб қўйишни илтимос қилди.

Элчилар Гурганждан жўнаб кетишди. Улар шитоб билан йўл юриб, бир ярим ой деганда Ўтрордан ўтиб, иккинчи ойга ўтганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўғулларнинг Или дарёси бўйларига яқинлашишди. Уч элчи йўлдаги маслаҳатга кўра Хоразмшоҳ инъомларини бир қопга солиб, тунда яширинча бориб, Или дарёсига ташлашди. Ундан сўнг Чингизхон тупроғига кириб, хонга ҳамма бўлган гапни, инъомларни, сотиб олмоқчи бўлган Хоразмшоҳни, туғилган тупроқни ўртага қўйганини батафсил айтишди. Хоразмшоҳ билан ҳеч қандай қўшничилик қилиш мумкин эмаслигини таъкидлашди. «Яхши ният билан борган элчиларни ўлдираман, деб қўрқитиб, жосусга айлантирмоқчи бўлган ҳукмдордан ҳеч бир яхшилик чиқмайди», — дейишди.

Эрталаб туриб, очиқ ҳавода яланғоч ҳаракат қиладиган, гўшту пайларини ётиб обдан уқалатадиган, шу йўл билан асабларини созлаб, элчиларни ёки бошқа йирик мансабдорларни, саркардаларни қабул қилаверадиган Чингизхон бугун ўз бадантарбиясидан кейин оқ намат устида чордана қуриб ўтириб, узоқ Хоразмдан келган элчиларни қизиқ гапларини эшитаман, деб кутган эди. Унинг кайфи бузилиб, ғазаби аланга олди. У жойида ўтиравердию, бир сўз демади. Ўғли Удегэйга, бу элчиларга шундай яхши инъомлар берилсинки, Или дарёсига ташлаб келган заррин чопонлардан икки баробар баланд бўлсин, деди. Хоразмшоҳ инъомларини дарёга ташлашгани, аччиқ ва хавфли бўлса ҳам тўғри гапни айтишгани Чингизхонга ёқди.

Аммо у ичдан ниҳоятда дарғазаб ўтирарди...

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

ИНОЛХОН БАЗМИ

Темур Малик қанча манзилу мароҳилни тай этиб, қирқ навкари билан Ўтрорга етиб келди. Бу шаҳар ўзининг катталиги, иморатларининг тиғизлиги, жамоа масжиди, мадрасаси, катта минораси, бозорининг ободлиги, бир томони Олтой, Торбуқатой, Болосоғун ва шунақаси Чин, жануби — Афғону Кашмир, ғарб томони — Самарқанду Бухоро, ундан нари Гурганжу Машҳаду ал-Ҳирот бўлиб, катта йўл устида тургани, ёнидан Сайҳун ўтгани сабабли ниҳоятда ривож топиб кетган. Баъзан у қудратли Хўжанд ҳокимлигини ҳам унча менсимас, фақат Шош қисмати бошимизга тушмасин, деб Гурганжга қаттиқ итоат этарди. Инолхон султондан, Туркон хотундан ҳайиқса ҳам шаҳзода Жалолиддин, Шаҳобиддин Хивақий ва яна бир неча сардорларни кўнглига яқин тутарди. Қорахитойларга қарши юришда баҳодирлик кўрсатгани учун Темур Маликни, Ахси ҳокими Музаффар Оталиқни ҳам ёқтирарди. Жалолиддин атрофидаги мансабдорларни таниса-танимаса ҳам ўзига яқин билар, шу сабабли ҳам у Темур Маликни Хўжанд ҳокимлигидан кўра ҳам Жалолиддин дўсти сифатида ёқтирарди. Икки шаҳар оралиғида тез-тез чопарлар қатнаб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инолхон — олтмиш ёшларга борган, чўққисоқол, баланд бўйли, ориқ ва чайир одам. Отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ — Отсиз хизматида бўлган. Ўзи Муҳаммад Хоразмшоҳ Такиш, ундан кейин Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Сонийга хизмат қилиб келмоқда. Лашкар ичидаги кўп саркардалар Инолхоннинг яқин дўстлари бўлиб, ўзи Хоразм салтанатига кўп хизматлар қилган обрў-эътиборли саркардалиги, «малик» даражасидан ошиб кетган мансабдорлиги билан тажанг, муҳокамаси саёз султонга баъзан соя туширириб қўядиган қилиқлари кўп бўларди. Шу сабабли бундан тўққиз йил муқаддам уни мамлакатнинг машриқдаги улкан шаҳарларидан бири — Ўтрорга ҳоким этган эдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, Инолхон ўзи билан бирга Гурганждан жуда кўп бойлик олиб кетган экан. Ҳиндистон рожаси туҳфа этган «Зуҳал» деган гавҳартош, «туя ўркачи» деб аталувчи ярим ботмонлик яхлит тилла ва яна ўз хусусий мулки бўлган қимматбаҳо буюмлар Гурганждан Ўтрорга кетган эди. Булар ичида Абубакир Сиддиқ билан Усмоннинг назири тушган Қуръон нусхаси, улуғ мутафаккир Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий китоби, Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал Ҳадис», Ибн Синонинг «Ал Қонун», Баҳромшоҳнинг «Калила ва Димна», Абу Наср ал-Ўтбийнинг «Тарихи ал-Йаминий», «Шоҳнома», Термизий, Самарқандий, Рашидиддин-Ватвот Хоразмий, Нишопурий, Фаръёбий ва Асириддин Ахсикатий, Арасту ва Суқрот китоблари ҳам Ўтрорга кетган эди.

Инолхон кексаликда фоний дунё лаззатини суриш, «фоний дунё беш кундир, беш кундир, сўфийлик аҳдин синдир, аҳдин синдир...» деган қарорга келиб, эртаю кеч айшу ишрат билан банд бўлиб қолган эди. У Олтойдан, Тунқус ўлкасидан келадиган савдогарлардан кўплаб буғу муйизи сотиб олар, муйиз ичидаги қондан табиблар унга дори тайёрлаб берарди.

Темур Маликнинг Ўтрор сари келаётганидан ҳоким бир кун аввал хабар топди. Шош билан Ўтрор оралиғи отда икки кунлик йўл. Темур Малик Шош вайроналари ичидан, қадимги ўз ҳовлиси ўрнида ўғиллари билан бирга уй солаётган Абдулқодир мунший «қилқалам» уйида ҳам бир кун қўниб, яна Ўтрор сари йўл олган эди. «Замон соҳибқирони» келаётганини эшитган Инолхон аъло тайёргарлик кўришга фармон берди. Шаҳар тозаланди, бозорларга мол қалаб ташланди, карвонсаройларга, дарвозаларга ва бошқа ерларга навкар қўйилиб, Ўтрор саройида, Сайҳун ёқасидаги боғда жуда катта зиёфат тадоригига киришилди. Бу томони Дашти Қипчоқ, бу томони Туркистон, жануби — Барчинликент томонлардан ҳам меҳмон чақирилиб, жамики созандаю хонандалар таклиф этилди. Эртасига эрта билан Инолхон беш юзга яқин қўшинини шаҳар дарвозаси олдига чиқариб, сафга тизди. Ўзи қирқ отлиқ мартабадор кишилари, ўғиллари билан бир тош йўл юриб, Жилга бўйида саркарда Темур Маликни кутиб туришди.

Пешинга яқин Чордара йўлида гард намоён бўлди. Гурганждан чиққан бир тўп отлиқ Инолхон ҳузурига етиб келди. Кексаликда ўта обрўталаб бўлиб қолган, ҳатто султонга қилинажак таъзиму

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиз чўкишларни қилган кимсага ниҳоятда меҳрибонлик кўрсатадиган Инолхон, узоқда, Темур Малик отдан тушиб, унинг ёнида пиёда юра бошлаганини кўриб, ўпкаси тўлиб кетди. Шу лаҳза қирқ навкар ҳам отдан тушди. Бу ҳолни кўрган Инолхон ҳам отдан тушиб, азиз меҳмон сари пиёда қадам ташлади. Ўтрорликлар билан хўжандликлар Жилға бўйи, йўл устида бир-бирлари билан қучоқлашиб, омонлаша кетишди. Ҳол-аҳвол сўрашишди...

Инолхон билан Темур Маликни қайтадан отга миндиришди; бу гал Инолхон олиб чиққан оқ отга Темур Маликни миндириб, навкарлар олдида икки ҳоким ёнма-ён шаҳар сари юришди. Чанг етмасин деб, ўнг томон йўлдан анча нарида беш, чап томондаги тепаликларда ҳам беш соқчи навкарлар илгарилаб юришди. Шаҳар дарвозаси тепасида авжга чиққан карнай-сурнай ва ноғоралар овози ҳаммаёқни қамраган эди.

Ўтрор байрам қучоғида.

Темур Малик Инолхонга туҳфалар олиб келганди. Чунки Инолхон ғоятда молга ҳирс қўйган эди.

Шу куни Темур Маликка саройдаги энг чиройли ганчин — нақшин хона ажратилди. Озгина ҳордиқдан сўнг базм бошланди. Сарой хоналари, айвону ҳовлиларга жой қилиниб, курсию хонтахталар тартиб этилган. Дастурхонда нозу неъматлар, пиширилган гўшт, қазию қарталар, шилпилдоқ билан гўшт, қовурилган балиқ ва кабоб дамо-дам жизиллаб келиб турарди. Ҳар ўн одамга бир «жўрабоши» тайинланиб, май сузиб туриларди. Созандаю хонандалар хониши жонга роҳат берарди, раққосалар ўйини киши ҳисларини жунбишга келтирарди.

Темур Маликнинг хаёлига яна гўзал Нигина келди, назарида бу ердаги раққосалар «унинг жинжилоғи» га ҳам арзимасди. У бир рўёдек ўтди-кетди... Энди у ширин дамларни қайтариш, жамолини кўриш мутлақо машҳарга қолди...

Темур Малик билан Инолхон саройнинг уч юз киши жо бўладиган оқ ганчин хонасида, бошқалардан баландроқ тўрда, орқаларига икки йўлбарс териси ташлаб қўйилган беқасам кўрпача устида, шоҳи матога заррин иплардан гул солинган болишларга суяниб ўтиришарди, май ичишарди. Бир-икки пиёладан кейин Инолхоннинг кайфи ошиб, сергап бўлиб кетди. Темур Малик шу бугуноқ гаплашиб олиши зарур бўлган масалани Инолхон: «Эртага! Азизим, эртага гаплашамиз...» деди. Бир муддатдан кейин кайфи ошган Инолхоннинг сал-пал ҳуши ўзига келгандек бўлиб, Темур Маликка гап қотди:

— Малик ҳазратлари, бу дунё кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади. «Фоний дунё беш кундир, беш кундир... Сўфийлик аҳдин синдир, аҳдин синдир...» деганлар. Не-не саркардалар, не-не шоҳлар ўтиб кетди. Афросиёб, Доро, Искандар, Султон Санжар, Маҳмуд Ғазнавий, Хоразмшоҳлар... Барча ҳукмдорлар тупроқда ётибди. Биз ҳам бир куни шу тупроқ бағрида ётамиз. Бу дунёда ўлимдан қочиб қутуладиган ҳеч бир жонзот йўқ. Шоҳ ҳам ўлади, гадо ҳам... Шу сабабли биз, эгамнинг қуллари, унинг ҳимоясида беш кунлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган умримизни фароғатда ўтказайлик, дейман. Маъқулми, ма-лик ҳазратлари?

— Маъқул, — деди Темур Малик, Инолхонга бир қараб қўйиб, дилидан муншийнинг «қари нодонга ким ақл ўргатади» деган гапи ўтди. Инолхоннинг гапига асло эътироз билдириб бўлмаслигини, у ўз сўзига эътироз билдирадиганларни ёқтирмаслиги, кибор-манманлик дарди уни тамоман чулғаб олганини эшитган эди. Лекин шунга қарамай у дилидаги гапни қисман очишга уринди. Агар уни айтмаса, нега бу ерга келди!

— Ҳоким ҳазратлари, агар ижозат этсангиз, бир гапни сизга маълум қилсам, — деди Темур Малик паст овозда. Инолхон ёнига қийшайиб, қулоғини олиб келди. Атрофларида киши бўлмагани, холи ўтирганликлари сабабли Темур Малик Инолхонга оғиз чоғлади. Сабри чидамаган ҳоким Темур Маликка қаради:

— Айтинг, иним!

— Султон мўғуллар шоҳининг номасига қаттиқ жавоб қилибди. Номусулмон шоҳ Чингизнинг Олтойтотор ерларида лашкар тўплаб, ёмон ниятлар қилаётгани Гурганжга маълум. Бизга ҳам... Бунинг устига, Маҳмуд ялавоч яна айниб қолган. Бу ишдан хабар топган султон мени зудлик билан сизнинг ёнингизга боришга фармон берди. Менга шошилинч чопар келиб, султоннинг махфий номасини топширди. Аҳвол анча жиддий.

— Малик ҳазратлари, барчасидан хабардормен... Ташвиш тортманг, ҳаммавақт шундай бўлган. Бу номаларни султоннинг ўзи ҳам кўрмаган, Туркон хотун одамлари ҳозир ҳаммамизни ётқизиб турғазмоқда...

— Ҳоким ҳазратлари, Ўтрорда ўлдириб юборилган тўрт юз савдоргар ва бу иш Чингизхонни ҳаракатга солиб қўйган. Бу жуда хавфли...

— Иним, кўп ташвиш тортманг, — деди тиззасига уриб, кулиб Инолхон, — сиз саркардага бу ярашмайди. Мен бормен, султон бор... Мусулмонларни эгам ҳаммавақт ўз паноҳида асрагай. Мабодо ўша ёввойи, маърифатдан узоқ мажусийлар ҳужум қилса менинг ўттиз минг отлиғим бир наърайи раддивор тортса, ёввойи галалар тўрт томонга қочиб кетади! Мен, оғангиз Инолхон Ўтрорда бор эканмен, Хўжандда тинч ухлай беринглар. Беш кунлик дунёни фароғатда ўтказа беринглар. Султоннинг ўзи ҳам айшу ишрат билан қаттиқ бандлар. Тўғри қиладилар! Бағдод халифасини енгиб, қанча молу дунё билан қайтдилар. Ғолибга айшу ишрат ярашур.

Темур Малик сукут сақлади. У, Инолхон маст бўлиб, ўз фикрига ўзи эга бўлмай қолганини пайқаб, гапни тўхтатди. Суҳбатни эрталабга қўйиб, бу ҳақда гап очмади.

Базм ярим тунгача давом этди.

Эртасига эрта билан нонуштада Инолхон билан Темур Малик учрашди. Аммо минг афсус, Инолхон май ичишни яна эрталабдан бошлаб юборган экан... Темур Малик тунда тўшагига юборилган канизакни қабул қилмагани ҳам Инолхонга етиб, зарда билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичиб юборган экан. Лекин улуғ меҳмон келгани сабабли ўз болалари ёнига бормай, Темур Малик ётоғи ёнидаги шунга ўхшаш бошқа хонада маст ухлаб қолган Инолхон тўшагидан турган канизак қиз эрта билан юзларини буриштириб, мурда бағридан суғурилиб чиққандек қочди. Энагаси унга тасалли берарди: сархушлик кишини мурдадан баттар қилади. Начора... Қўлидаги тилла тангалардан бирини унинг кафтига ташлади...

Темур Малик Инолхоннинг ҳушёр кунлари бўлмаслигини пайқагач, эрталабки понуштада яна ўша гапни ўртага ташлади.

— Мўғулларнинг бизга қарши юриши аниқ бўлиб қолди. Шу сабабли Ўтрор, Хўжанд, Ахсикат, Жанд, Туркистон, Янгикент, Узган, Ўш қалъаларидан лашкар тузиб, сизнинг раҳнамолигингизда душманнинг йўлини тўсмоқ лозим, деб тушунамен. Гурганж, Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Балх қўшинлари шаҳзода Жалолиддин раҳнамолигида Қатвон даштида бирлаштирилиб, душман йўлини тўсмоғини ҳозирги аҳвол тақозо этмоқда. Бу фикрларни сиз, ҳазрат билан бирга келишиб олиб, султонга одам юборсак, деган фикрдамен. Лозим топилса, Ўтрордан қайтгач, мен ўзим гўғри Гурганжга, султон ҳузурига бормоқчимен. Нима дейсиз?

— Булар хомхаёл! — деди кулиб Инолхон. — Эътирозимга хафа бўлманг, малик ҳазратлари! Мен тўғри сўзни юзга айтмоқни аъло биламен. Сизнинг раҳматли отангиз билан ёшим тенг. Ўттиз йил мобайнида биз қатнашмаган муҳорабалар қолмади. Уч бор Бағдодни қўлга киритдик. Уч бор Хуросонни олдик... Хоразм салтанати дунёда энг кучли салтанатдир! Бунга шак келтирманг! Уни енгилмас, қудратли этишда менинг хизматларим султонга маълум... Сиз, ҳоким ҳазратларининг мамлакат учун қайғураётганингизни юқори баҳолаймен... — Унинг кайфи бор, чайқалиб сўзларди, — аммо васвасага забун бўлиб, бундай фикрларга бормоғингиз хўб эрмас! Султон асло қўшинларини бирлаштиришга йўл бермайди. Бу фикрни бошдан чиқаринг, саркарда, токи, бошингиз жойида турсин! Султондан ташқари, мен ҳам сиз айтганингиздек, лашкарни бирлаштиришга рухсат этолмаймен! Бу хато фикр. Мабодо бирон томондан душман лашкари бош кўтарса, Ўтрор лашкари бориб, ўша фурсат ёвни ўз жойида янчиб ташлайди. Бундай воқеалар кўп бўлган. Дарҳақиқат, мен султонга нома ёзиб, ёғийларнинг жосус савдогарларини ўлдиртириб юбордим!..

Темур Малик сукут сақлаб, ичдан таассуф этди. Инолхон чинакамига ишратпараст ҳамда манманлик дардига мубтало бўлганини фаҳмлади. Унинг фикрлари доираси тор, давлат кишиси бўлиш у ёқда турсин, қадимги Инолхон эмаслигини билди. У энди бурни тагидан парироқни кўролмайдиган бўлиб қолгани аниқ бўлди. Ортиқ бу фикрни такрорлаш шарт эмас, бундан фойда ҳам йўқлигини билган Темур Малик эртасига у билан хайрлашиб, Хўжандга жўнади. Унинг тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.

Шу куни кечга яқин Ўтрорга Дашти Қипчоқ беги меҳмон бўлиб келди. Яна зиёфат, яна мол сўйиш, яна базм... Дарвозалар тепасида қатор турган олти карнайчи, тўрт ноғорачи эрталабдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

пешингача қулоқни батанг келтирди. Қипчоқ беги уч кун меҳмон бўлиб, тўртинчи куни яна карнай-сурнай билан жўнади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Туркон хотунинг эркаси, валиаҳд шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ Барчинликент қалъаси атрофида ов қилиб юргани, эрта-индин уч юз навкари билан Ўтрорга келиши хабари ҳам Инолхонга етди. Валиаҳдга Темур Маликдан ҳам аъло тайёргарлик кўриш ҳақида фармон берилди. Шаҳзода Узлоғшоҳ Ўтрорда бир ҳафта меҳмон бўлди, ҳар куни эрталабдан пешингача шаҳар дарвозаси устида олти карнай, тўрт ноғорачи ғат-ғати ва така-туми авжга минди...

Ўтрорнинг мундоқ «базмлар макони» бўлиб қолгани мансабдорларнинг тинимсиз кети узилмай келиб туриши эмас, бурни шолғомдек қизариб, тани шароб ичишдан кўкариб кетган Инолхоннинг ўзи бундай базмларни истарди. Ҳатто бир-икки кун «мўътабар меҳмон» келмай қолгудек бўлса, Туркистон беги ёки майхўр Туркибас оқсоқолига одам юбориб, чақиртириб олиб келар, азонгача маишатбозлик қилишарди.

Карнай-сурнайлар одамларнинг жонига тегди. «Инолхон меҳмондўстлиги» деган гап ҳам оғиздан-оғизга кўчиб, аллақачон Гурганжга етиб борган эди. Хуросонда ҳам «базми жамшид» эмас, «базми Инолхон» деган гап кулги билан айтиладиган бўлиб қолган эди.

«Ишқилиб, охири бахайр бўлсин! Молу дунёни, вақтни шамолга учириб, сархушликдан чиқмайдиган ҳоким яратганнинг қаҳрига учраши муҳаққақ!» — дерди Мовароуннаҳр фуқароси.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

СЕРГАК ТЕПАЛАР

Темур Малик Ўтрордан ниҳоятда таъби тирриқ бўлиб қайтди. Наҳотки кўпни кўрган кекса Инолхон мўғуллар солаётган таҳдидни сезмаса! Наҳотки, бу ном чиқарган лашкарбоши ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, айшу ишратга муккасидан кетган бўлса! Бу, таназзулга кетиш эмасми?! Ҳар куни Ўтрорда базм, ёш жувонлар билан айш-ишрат... Карнай-сурнай... Сархушлик... Мияси айниган Инолхон ўзи нима қилмоқда?

У йўлда кела-келгунча шундай хаёлларга ботди. Унинг кўз олдидан шолғом бурунли, лаблари илвираб, юзлари кўкарган, сергак Инолхон кетмасди. Хўжандга етиб келиб ҳам асло чиройи очилмади. Ойчечакнинг ширин сўзлари, меҳрибонликлари ҳам унча таъсир қилмади. Наҳотки, замон охир бўляпти. Шундоқ бурнимиз остида қиличини чархлаётган душман турса-ю, биз уни кўрмасак?! Наҳотки, айшу ишрат, «Фоний дунё беш кундир, сўфийлик аҳдин синдир...» деб, фақат фароғат суриб қолайлик, десак! Наҳот, болачақаларимизнинг истиқболи хаёлимизга келмаса!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Малик хаёл уммонига ғарқ бўлган. Эҳтимол, уларнинг гапи тўғридир! «Беш кунлик дунё» да ўйнаб қолиш маъқулдир. Эҳтимол, Инолхонлар бу ишнинг мағизини чақиб, шу хулосага келгандир. Наҳотки, бизлар бир нодон кимсалармиз, юртнинг қайғуси деб, бўлмайдиган ишлар туфайли ўзимизни ўзимиз қийнаётганларданмиз! Ҳамма иш яратгандан эканини фаҳмламай, куфрга бораётгандирмиз! Мовароуннаҳр қисматини нега битта биз, хўжандликлар ўйлашимиз керак!

«Ҳа, биз ўйлашимиз керак! Мен ўйлашим керак! Чунки, буни мен ўйламасам, ким ўйлайди?! Ҳокимни ғафлат ишрати чулғаб, болаларини бўрига едириб юбормаса яхши эди? Инолхондек молдунё тўплаш, қолган умрида айшу ишрат, фароғат суриш ниятидагилар Гурганжда ҳам кўп. Унинг ёшига етсам, эҳтимол, мен ҳам шундай бўлиб қолармaн? Обрўталаб, айшу ишратга муккасидан кетган, ўз ҳузурини ўйлайдиган бир кимса бўлиб қолсам-а?.. Ий-ў-ўқ! Менинг табиатимда бундай одат йўқ, — деди ўзига ўзи Темур Малик.

— Менга отам бундоқ тарбия берган эмас!»

Темур Малик қирқ навкари билан Чордарага яқинлашгач, баланд тепаликдаги қоровулхонага кўз ташлади. Ярим чақиримча нари, пастликда сой айланиб оқарди. Ҳоким қулоғига бир-икки чалинган Саритепа қишлоғи ҳам шу сойнинг ўнг томонида бўлиб, ўн-ўн иккитагача пасту баланд томлардан иборат эди. Қоровулхона арава йўлидан беш юз газ баландликда, тупроқ уйилиб кўтарилган бу сунъий тепалик, баъзиларнинг айтишича, Афроснёб вақтида қурилган экан. Худди шундай тупроқ уйилиб қурилган тепаликлар ҳар ўн йиғоч узоқда ахраман девдек салобат солиб турарди. Темур Малик отдан тушиб, икки-уч навкари билан юқорига — қоровулхонага кўтарилди. Зинага ўхшатиб, ўйиб қўйилган қия йўлда ҳаллосларди. Тепаликка чиққач, ғир-ғир шабада юзга урилди. Бунда кичкинагина ҳужрача бўлиб, ҳужранинг бир томонига майдаланган саржин, иккинчи томонига катта-катта палёндан иборат баланд қилиб саржинлар тахлаб қўйилган. Тепаликда шамол учириб кетмасин деб, қозиқ қоқилиб, бирмунча ғўлаю ёғочлар терилиб, арқон билан боғлаб қўйилган. Эшиги очиқ ҳужра ичида, салқинда ўн-ўн беш ёшлардаги бир бола Темур Малик келганини сезмай, пишиллаб ухлаб ётарди. Темур Малик атрофидагиларга уни уйғотиб юбормасликни имо билан билдирди. Ҳужра ичида икки катта хумда қора ёғ, пастда чўмичу олтингугурт, ишқалаб ўт чиқарадиган тошлар, пилталар ҳам турарди. Ҳужра қозиғида эскидан қолган, қисман занглаган қилич ҳам осиғлиқ турарди. Темур Малик ҳаммаёқни кўздан кечиргач, ёнидаги навкарга гап қотди.

— Ҳаммаёқ шай. Бола уйқуда... Лекин бунинг уйқуси Инолхон уйқусичалик эмас. Сал томоқ қирсак, уйғониб кетади. Аммо анави кекса нодон уйғонолмайди, — деди сал-пал томоқ қириб.

Шу лаҳза бола кўз очиб, дик ўрнидан турди-да, саросимада қозиқдаги қиличга қўл узата бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега ухлаб қолдинг?! — Темур Малик сиёсат қилди.

Бола жавоб қилмай, ҳоким ёнидан сирғилиб бориб, олтингугуртни ёқмоқчи бўлди.

— Тек тур! Ҳовлиқма! — деди Иброҳим Дўлдай унинг елкасидан маҳкам ушлаб.

— Кимнинг ўғлисан? — Темур Малик сўради.

— Отамни...

— Отанг ким?

— Сирбой.

— Сирбой қаёқда?

— Отам касал. Оғаларим билан қоровулчилик қиламиз.

— Оғаларинг ким?

— Дўнанбой, Ғунанбой, Тўриқбой...

— Сен бундай ухлаб ётсанг, душман отлиқлари сени ўлдириб, ўтиб кетмайдими? Сен ўз вазифангни яхши бажармаётирсен! Мана биз бостириб келдик!

Боланинг ранги ўчиб, сурилиб бориб, яна қозиқдаги қиличга ёпишаётган эди, Иброҳим яна маҳкам ушлади.

— Жинни! — деди Иброҳим кулиб, — сен тентак бир ўзинг қилич билан нима қила олардинг! Биз беш кишимиз, пастда яна қанча отлиқлар турибди, ана кўрдингми?

Бола бўзрайганча тура берди. Кейин яна пилтаю олтингугуртга қаради. Унинг хатти-ҳаракатларини Темур Малик кузатиб турарди. Болани сал бўш қўйса югуриб бориб, саржинларга олов ёқиб юборишдан ҳам тоймасди.

— Энди ухлайсанми?

— Йўқ.

— Бизлар душман эмас, султоннинг лашкариданмиз. Мана бу йигитнинг чопони орқасига қара! Мана бу шакл султон қўшинини билдиради. Яхшилаб кўриб ол! Ёдингдан чиқарма!

Бола бош қимирлатиб, тасдиқлади.

— Ўтрор қайси томонда?

— Бу томонда, — деди бола тилга кириб, — олис эмас.

— Биз ўша ёқдан келаётирмиз. Хўжанд қайси томонда?

Бола жанубга қўлини тўғрилади.

— Тўғри. Биз Хўжандга кетаётирмиз, — деди Темур Малик, — Ўтрорга, Инолхон ҳазратларига қўноққа борган эдик. Хўжандгача яна қанча қоровулхона бор?

— Ўтрор томонда Жилға, бу томонда Бўрикалла қоровулхонаси бор. Биз Жилға ва Бўрикаллага ўт жақиб хабар қиламиз. Отам айтган, Тўйтепа, Олмалиқтепа, Келовшитепа, Тошли, Бўстон, Қонсой... сўғин, Чориқдаррон даштидан сўғин Хўжанд келади...

— Офарин! Зеҳнинг ўткир бола экансен. Бу яхши бола кўринади, — деди Темур Малик унинг елкасига қоқиб, кейин рўпарада, камарига қиличу ханжар осган навкарга қаради, — белингдаги ханжарни ечиб, бу болага бер, Хўжандда сенга бошқа ханжар берамен.

Навкар дарҳол камарини ечиб, осиғлиқ ханжари билан бола

www.ziyouz.com kutubxonasi

белига боғлади. Темур Малик ёнидан бир тилла танга чиқариб, болага узатди.

— Хизматда турганингда асло ухлама, ўғлим! Оғаларингга ҳам айт, душман белгиси кўриниши билан тезда ўт ёқиш керак! Душман айғоқчилари бундай ухлаб қолсанглар, сизларни сўйиб кетади.

— Қуллуқ қил, бу киши Хўжанднинг ҳокими саркарда Темур Малик бўладилар! — деди Иброҳим Дўлдай болага.

— Қуллуқ! — бола бош эгиб ҳокимга таъзим этди.

Темур Малик тепаликдан қия зинапояларга оёқ қўйиб тушиб кетаётганида пастдаги овулдан жадал юриб келишаётган уч оғаини отлиқлар ёнига келиб, Темур Маликка таъзим этишди.

— Оқсоқол, бизнинг овулда дам ол, қўноқ бўл, ўтиниб сўраймиз!

— Саритепа қоровулхонаси жуда ҳам муҳим жойда, — деди зиналардан текисликка ўтган Темур Малик, — наҳотки, бир кичик укангизни ёлғиз ташлаб, ўзингиз бозорга кетсангиз?

— Кечиринг, отамиз бетоб эди.

— Ҳушёр бўлинглар! Ҳамма нарсани шай қилиб, ҳушёр турмоқ лозим! Айниқса тунда! Отангизга мендан салом айтинг. Тезда соғайиб кетишларини тилайман.

— Раҳмат, минг маротаба раҳмат.

— Хайр! Биз нариги қоровулхоналарни ҳам кўрмоғимиз керак.

Темур Малик қирқ йигити билан Бўрикалла ва Келес, ундан кейин Чиноз, Тўйтепа, Олмалиқ, Келовчи тепаликлари сари жўнади. Чунки Саритепадан бошлаб бу ёғидаги ерлар Хўжандга қарарди. Икки кун мобайнида ҳамма қоровулхоналарни кўздан кечириб, бунда посбонлик қилувчиларга туҳфалар инъом этди. Доимо сергак туришликни, мабодо ўзларига қурол-яроқ, кийим-кечак ва ҳатто от зарур бўлса, Хўжандга бориб, унинг ёнига киришни маълум қилди. Келовчи ва Чориқдаррон тепалигидаги кекса қоровулларга қоғозга хат битиб, иккинчи бармоғидаги олтин нигин кўзига ўрнатилган муҳрни босиб, гувоҳномалар берди. Бу қоровулхоналарнинг мудофаадаги ўрни муҳим, душман мана шу тепаликлар орасидан ўтишини биларди. Душман йўлини тўсиш, бу ерда чалғитиш имконияти ҳам бор эди. Султон Санжар, Гурхонлар замонида мана шу Чориқдаррон ва Келовчи атрофида бир чўпон эронликлар қўшинини йўлдан чалғитиб, сувсиз қумга киритиб юборган дейилади. У чўпон шу йўл билан босқинчидан Туроннинг Хўжанд, Шош, Самарқанд, Бухороларини асраб қолган, деган ривоят ҳам тарихда бор...

Темур Малик Хўжандга етиб келибоқ, эртасига эрта билан яна шай бўлиб, қалъани таъмир этаётган усталар ёнига келди. Ундан сўнг, дарё ичидаги оролда истеҳком қураётганлар, қирғоқда кема ясаётганлар ёнига келиб, ишнинг бориши билан танишди. Негадир ишнинг ривожи йўқдек, сусткашлик, баъзиларга ақча берилмаганини билиб, таъби тирриқ бўлди. Доруссалтанага қайтиб келиб, ўз хонасида ўтирди. Мулозимларнинг кириб-чиқабериши ҳам ёқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мади. Иброҳимга чилим буюрди. Бундоқ пайтларда пихини ёрган Шоҳмурод Қўҳистоний Иброҳим билан шивирлашди. Ғулом отлиқ ҳоким хонадонининг содиқ қули — чолга буюриб, ҳокимнинг икки ёшли ўғли — юзлари лўппи Муҳаммад Метинни ичкарига отаси ёнига атайи киритиб юборишарди. Ўзлари айвонда яшириниб турардилар. Янги тили чиққан Метин «ада-ада» деб югурганча бориб отаси Темур Маликни қучоқлар, мўйлаб ва қисқа соқолларига юзини суйкарди. Темур Малик юрагидаги ғазабу ғам ғубори бир лаҳзада йўқолиб, боласини бағрига босар, қучоқлар, унга турли саволлар берарди. Ҳокимнинг бундай ҳолини кузатиб турган икки дўсти — Шоҳмурод Қўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай илжайишиб, ҳоким ёнига кириб келишарди.

— Билган эдим, — деди Темур Малик кулиб. — Бундай иш фақат пихини ёрган тожиклар билан қипчоқлардан бошқанинг қўлидан келмайди!

— Менинг жияним, қадрдоним Метин Малик билан биз иккимиз, сиз ҳазрат сафарда эканлигингизда Хўжандга раҳбарлик қилдик. Жияним ниҳоятда ақлли, отасига ўхшайди. Қўрасиз, у ўз отасидек доно саркарда бўлади!

— Бас, гўдакни жуда мақтаб юбордингиз, — деди Темур Малик, кейин ўқрайди. — Нега одамларга ҳақ тўланмади?! Нима сабабдан бозор ёнидаги аспхона битмади?! Қайиқсозларга ёғоч келтирилмабди?!

— Саркарда, ёғоч борасида озгина кечикдик. Бошқа ишлар унча хафа бўлишга арзимайди.

— Сен ҳам Инолхондек хотиржамликка тушиб қолибсен! Фақат ишратбозлигинг йўқ. Эҳтимол, буни бекитарсен! Биламен, сен ҳам базмни яхши кўрасен, май ичишга суягинг йўқ. Қўйиб берса, Инолхондан ҳам ўтасен! Лекин ҳушёр бўл, Муҳаммад Интизом сенинг гирибонингдан ушласа, нажот тилолмайсен! Бозор майдонидаги савдогарбаччалардек калланг учиб кетади!

Шоҳмурод Қўҳистоний қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Болани менга беринг, саркарда, жуда қаттиқ гапирмоқдасиз. Шоҳмуроднинг ҳеч қачон бозор ичида калласи учмайди. Шоҳмурод Темур Малик кўксидаги совутдирки, сизга ўқталган найза аввал мени тешиб, кейин сизга етади. Мовароуннаҳрнинг бирорта қиличи Шоҳмурод бўйнини узолмайди. Ўтмайди!

Темур Малик ўрнидан турди. Ўғлини унинг қўлига тутқазди.

— Бўлди, бас! — У бир-икки бор чилим тортди. — Сусткашликни кўрсам, чидаб туролмаймен. Шу ишлар мен қайтиб келгунимча битади, деб ўйлаган эдим...

— Саркардам, сабр қилинг. Усталарни шоширш ҳам керак эмас. Таъмир жуда пухта бўляпти. Кемасозлар, истеҳком қураётганлар ҳам астойдил ишлашмоқда. Сизга берилган муддатда ҳамма иш битади. Мен каллам билан жавоб бергаймен!

Муҳаммад Метин отасини соғинганми, ундан асло ажралмади. Шоҳмурод Қўҳистоний қўлга оламан деган эди, йиғлади.

— Саркардам, бола сизни соғинган, унинг айтганини қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уйга боринг. Илтимос, олис йўлдан келдингиз, бир кун дам олинг.

— Хўп, — Темур Малик ўғлини кўтарганча қалъадан чиқиб, ҳовлисига жўнади.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

САРОЙ САРОСИМАДА

«...Шундан кейин султон ҳузурига Ибн Кафраж Буғро (унинг отаси султон Такиншинг амирларидан эди) ва унга ҳамроҳ бўлган икки татар кимса Чингизхон элчилари сифатида келдилар ва нома топширдилар. Номада бундай гаплар бор эди: «Сен савдогарларнинг бехавф-хатар бўлмоғини, уларга ҳеч кимса ҳужум қилмаслигини ёзиб, ўз қўлинг билан имзоланган ваъдани берган эдинг. Лекин хиёнаткорона йўл тутдинг ва сўзингни буздинг. Бу ишни ислом султони томонидан қилинганн яна ҳам ёмондир. Инолхон қилган иш сенинг амринг билан бўлмаганини тасдиқласанг, у ҳолда Инолхонни менга тутиб бер, токи биз уни жазолайлик... Акс ҳолда, энг азиз қалбларни арзон қиладиган ва найзаларнинг сопи синадиган уруш бўлади».

Султон юрагини қамраган қўрқув, ақлини ўғирлаган ҳадик туфайли Инолхонни унга йўллашдан бош тортди. Ахир султон Инолхонни унга юбора олмас эди, чунки лашкарининг кўп қисми, олий мартабали амирлар Инолхоннинг уруғидан эдилар. Улар султон қалқонининг нақши ва занжирининг асоси эдилар. У ўз жавобида Чингизхоннинг талабларини рад этди. Шу орада унинг кўнглида қўрқув пайдо бўлди. У бу элчиларни ҳам ўлдиришга буюрди ва уларни ўлдирдилар».

Шаҳобиддин ан-Насавий

«...Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг олтин тахтида ўтириб, одатдагидек бармоқларини ўйнаб, рўпарасидаги саркардаларнинг фикрини сўради.

— Мен у қўпол кўчманчиларни яхши биламен, — деди саркардалардан бири, — мўғуллар мамлакат ичкарисига киргач, талон-торож билан шуғулланадилар. Улар бари бир саратон жазирамасига чидаб туролмай, тезда кетиб қоладилар. Уларнинг оти қиш аёзига ўрганган. Биз ўзимизнинг шаҳаншоҳимизни кўз қорачиғимиздай асраймиз, илоҳим унинг салтанати пойдор бўлсин! Мўғуллар кирган ерларида ҳукмронлик қилганида, бизлар Ҳиндиқуш тоғидан ўтиб Ғазнада боргоҳ ёзамиз, унда яна катта куч тўплаймиз. Агар мўғуллар яна ҳужумни кучайтирса, биз Ҳиндистонга борамиз. Шу вақтларда улар оладиганини олиб, яна ўз ерларига қайтиб кетадилар.

— Бемаъни гап! — деди ўтирган ерида дарғазаб Темур Малик ҳаммага эшиттириб. Унинг важоҳати бир зумда ўзгариб кетди.

Хоразмшоҳ ўғли Жалолиддинга боқди:

— Сен нима дейсен?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен сенинг сарбозингмен, амрингни кутамен.
— Сен нима дейсен, Темур Малик?
— Ҳужум қилганлар ютади. Тарқоқ лашкарни тўплаб, душманга омонсиз зарба бермоқ галаба келтиради. Ҳиндиқуш тоғи орқасига қочиш—хиёнат!— деди ўрнидан туриб Хўжанд ҳокими, саркарда Темур Малик. — Ҳатто ожиз инсон ҳам бор кучи билан ташланса, ваҳшатли йўлбарсни енгади. Наҳотки, биз чекинишни ўйласак? Душманни саратон иссиғидан қочади, демаклик — нодонлик! Амрингга доимо мунтазирмен. Жангга кирсак, ўқимиз нишонга тегишини, қиличимиз осмонда ярқирашини кўрсинлар...»

В. Ян («Чингизхон» романидан)

Хоразмшоҳ яқин орада уруш ҳаракатлари бошланиб кетишини сезгач, онаси Туркон хотун маслаҳати билан руҳга сиғиниб, эсидан буткул чиқиб кетган диний удумларни бажара бошлади. Бағдод устига юришда ҳам шундай қилган эди. Жанггоҳдан анча олисда турган. Ўзига дам солдирди. Фалакдан ўз юлдузини қидиртириб, «мунажжим» лик даъво қилиб юрган узунсоқол шиага ром ва фол очтирди, қуръа ташлаттирди... Қилмаган иши қолмади...

Сарой саросимада...

Машриқда, Или ва Чу дарёлари бўйида мўғулларнинг катта лашкари тўпланиб, ҳужумга ҳозирлик кўраётганини ҳаммадан аввал Хўжанд айғоқчиларининг сардори Муҳаммад Интизом аниқ билиб, бу ҳақда Темур Маликка маълумот берди. У тезда Гурганжга чопар йўллади. Бунга ҳам қараб турмай Хўжанд олий мансабдорларининг махфий машваратини тузди. Эртасигаёқ, машварат тавсияси билан Шоҳмурод Қўҳистоний билан Иброҳим Дўлдайни олиб, шошилинч Гурганжга жўнади. Мўғулларнинг ҳужум бошлаши негадир Ўтрор ҳокими Инолхонга номаълум экани Муҳаммад Интизомни ҳайратга соларди. Ахир, султон мамлакатига йўл Ўтрор устидан ўтади-ку!

Темур Малик Гурганжга етиб бориб, айғоқчилар етказган хабардан шоҳни огоҳ этди. У, шаҳзода Жалолиддин билан ҳам учрашиб, Сайҳун ёқасидаги қалъалар аҳволидан уни хабардор қилибгина қолмай, Хўжандда олиб борилаётган ҳарбий машқлар хусусида, мамлакат ишига алоқадор ҳамма гапни унга айтди.

Султон катта қалъалари лашкарбошиларини шошилинч Гурганжга тўплади. Мўғуллар бостириб келишини уларга маълум қилди, аммо Мовароуннаҳрнинг Дашти Қипчоқдаги энг катта қалъаси Ўтрор бу хатардан бехабар экани, Инолхоннинг «бетоб»-лиги сабабли пойтахтга келолмагани Гурганжга тўпланган саркардаларни ўйлатиб қўйди. Султон қисман умидсизликка тушиб қолгани, Туркон хотун шоҳнинг бошини қотириб, лашкарни тўплаш эмас, қалъаю шаҳарларни ўз ҳолича ўзлари мудофаа қилишлари лозимлиги ҳақидаги режасини тавсия этарди. Саркарда Шаҳобиддин Хивақий, шаҳзода Жалолиддин, саркарда Темур Малик ва бошқалар қўшинни бир ерга тўплашни (Самарқанд яқинидаги Қатвон даштига) маслаҳат кўришди. Султон унамади. У онаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапига қулоқ солди. Машваратдан сўнг у, вазири аъзам Низом ал-Мулкдан Ўтрор билан Гурганж оралиғи отда неча кунлик йўл, деб сўрабди. Вазири аъзам қумни кесиб ўтмай Самарқанд ва Бухоро орқали борилса, бир ой... дебди. Шундан кейин султоннинг ҳафсаласи пир бўлибди. Султоннинг бу гапи Темур Маликка ёқмади: биз она-Еримизни токи жон танда экан, ҳимоя қиламиз, деди. Ғафлат босиб чақалоғини бўрига олдириб юборган деҳқон фожиасини Гурганжда дўстларига ҳикоя қилиб берди.

Шаҳзода Жалолиддин машварат айёмида камгап, камсухан бўлиб қоларди. У отаси фикрига очиқдан-очиқ қарши чиқмас, аммо қўшинни Қатвонга тўплаш тарафдори экани, лашкарга султон ҳам эмас, вазири аъзам ҳам эмас, саркарда Шаҳобиддин Хивақий ҳам эмас, ўзи бошчилик қилишини истарди. Лекин Хивақийнинг сипоҳсолар экани унга ёқмасди. Жалолиддин машриқдаги қалъаларнинг мустаҳкамлиги, ҳокимларнинг ҳадоқати ҳақида кўпроқ ўйларди. Қалъалар мустаҳкам, лашкар етарли бўлгани билан сардорлар қўрқоқ ёки сотқин бўлиб чиқса, унда мағлубият аниқ эканини дилидан ўтказар, бу мулоҳазасини султонга маълум қилганида у бу фикрга ҳам қўшилган эди.

Лашкарбошиларнинг салтанатга садоқатини билиб қўйиш мақсадида султон яширин мансабдорларига бу иш билан шуғулланишни топширди. Тез бажарилмоғи лозим бўлган бу тадбир тепасида шаҳзода Жалолиддин турарди. Шундай бир зарурат туғилганини Жалолиддиннинг ўзи бир неча бор такрорлаган эди. Ўтрор ҳокими Инолхоннинг феъли атвори бу тадбирни яна ҳам тезлаштирди.

Иттифоқо шахдам қадамлар ташлаб орқадан келаётган сарбоз йигит сарой ҳовлисида кетаётган Темур Малик ва Шоҳмуродга салом бериб, шоҳайвон олдида уларни шаҳзода кутаётганини маълум қилди. Саркарда, бу йигитнинг юришини Иброҳим Дўлдай қадам ташлашига жуда ўхшашлигини сезиб турарди. Кўрмасдан туриб, орқадан Иброҳим келаётир хаёл қилган эди ҳам. Сарой ҳовлисида ёнма-ён гаплашиб кетаётган Темур Малик билан Шоҳмурод Қўҳистоний бир лаҳза тўхтаб, кейин айвон томон бурилишди. Зинапоялар ёнида икки қўлини кўксида чалиштириб ғоз турган шаҳзодага кўзлари тушди. Қадамларини тезлаштириб бориб, унга иккинчи бор салом бердилар.

— Эртага эрта билан Жайҳун ёқасидаги боргоҳимда сизларни кутамен, азизларим! Озгина отамлашамиз, — деди шаҳзода дахлатанги.

Темур Малик билан Шоҳмурод ўйланиб қолишди. Ўта шошилинч иш билан Гурганжга келганлари, бунда узоқ туриш мумкин эмаслигига ҳам қарамай, Темур Малик шаҳзода Жалолиддиннинг эрталаб Жайҳун бўйида улар шарафига беражак зиёфатини рад этолмади.

— Меҳмон ўз ихтиёри билан келади, кетиш изми мезбонда, — деди шаҳзода яна пурвиқор бир оҳангда. — Аҳволнинг ниҳоятда ташвишли эканини сезиб турибмиз, ғаддор Чингиз мамлакатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бостириб кирмоқчи. Қалъаларимизга суянамиз, сизлар бор экан-сиз, султон мамлакати ёв оёғи остида қолмайди. Сизнинг дарё кечиб, қум кечиб, саҳро кечиб бунда келганингизни юксак баҳолаймиз. Уч-тўрт кун қолинг, азизларим, бари бир йўлда ҳам қанча кунлар кетади...

— Муҳтарам шаҳзода! Амрингиз вожиб. Бир оғиз сўзингиз етарли. Сизга садоқат — салтанатга садоқат демак. Аммо бу фурсатда зиёфат емоқлик кўнгилга сиғарми? Тезроқ Хўжандга бормоқ, лашкарни шайламоқ лозим эмасми? — деди Темур Малик юмшоқлик билан. У шаҳзода Жалолиддиннинг бундай пайтда зиёфат беришига таажжубланди.

Бу гап шаҳзодага унча ёқинқирамади. Девқомат Жалолиддиннинг пешонасида қизиллик пайдо бўлиб, лаблари оқарди. Бундай чоқда бурнининг ўнг томонидаги қора майиздек хол яна ҳам бўртиб, аниқроқ кўзга ташланарди. Жалолиддиннинг ҳам, Темур Маликнинг ҳам гавдалари пурвиқор бўлиб, улар рўпарасида турган Шоҳмурод Кўҳистоний ўзининг хипчадан келган, ориқ, қирра бурунли кимса эканлиги билан икки саркардадан ажралиб турарди. Шоҳмурод ҳаяжонланганида, дарғазаб бўлганида турган жойида бешиктерватга ўхшаб чайқалиш одати бор эди. Икки юксак мансабдор дўстнинг гаплари бир-бирларига қовушмаётгани, бунинг устига шаҳзоданинг асаби бузилаётганини сезган Шоҳмурод турган ерида чайқала бошлади.

— Муҳтарам шаҳзода! Пойтахтга келибмиз, ихтиёр сизда. Биз фақат таҳлика хабарини эмас, сиз ҳазратни кўриш ниятида ҳам келганмиз, — деб қўшиб қўйди Темур Малик, чайқалаётган дўстига бир қараб қўйиб.

— Ҳамма гапни дарё бўйида гаплашамиз, — деди Жалолиддин, андак юмшаб, — Жайҳуннинг мўйлабли мойбалиғи Сайҳунда йўқ. Унинг жойи фақат Жайҳунда. Беш-ўнтасини тутиб, сувга боғлатиб қўйганмен. Бу тансиқ хўрак. Сизлар қўчқору жайронни кўп ейсизлар, мойли балиқни ҳам татиб кўриш керак. Қолган гапни эрта билан дарё бўйида, менинг боргоҳимда гаплашамиз...

— Ташаккур, муҳтарам шаҳзода.

Шаҳзода Жалолиддин ичкарига кириб кетди. Темур Малик, Шоҳмурод, Иброҳим Дўлдайлар ҳам қаср ичкарисидаги ўзларига ажратилган хоналар томон йўл олишди.

Кеч кирди. Улар, уч қадрдон хона ичида бир муддат гаплашиб ўтиришгач, негадир ётиб ухлагилари келмади. Шу бугуноқ йўлга чиқишни мўлжаллашган эди. Аммо бу, Иброҳим Дўлдай фикрича, шаҳзоданинг саркардага нисбатан ғоятда яқин дўстлиги, қуруқдан-қуруқ безиёфат жўнатиб юборишга кўнгли бўлмаганлигига йўйилди. Лекин Шоҳмурод Кўҳистоний, негадир бу гал шаҳзода ўзгариб қолгани, устози Шаҳобиддин Хивақийга нисбатан ҳам ёмон кўз билан қараётгани, Инолхондан ҳафсаласи пир бўлгани, машриқ қалъаларини яна ҳам мустаҳкамлаш ниятида Ахсикат беги Саид Музаффар Оталиқни ҳам ўзгартириш ёки қариндошларидан бирини бек кўтариш нияти йўқ эмаслигини сезганини айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умуман, кўпгина беклар Гурганжга чақирилиб, ўрнига бошқа одамлар тайинланмоғи кўзда тутилаётганини сарой аҳлидан эшитганини гапирди. Бу гапдан сўнг, улар учовининг ҳам юракларига ғулғула тушиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Дарҳақиқат, шаҳзоданинг кайфияти бошқачароқ эди... У, ниманидир сир тутар, илгарилари Темур Маликдан ҳеч нарсани яширмас, ҳатто отасининг сиёсатидан ҳам норози бўлиб, кўнглини Темур Маликка очган вақтлари бўлган. Бувисини ниҳоятда ёмон кўришини очиқ айтар, унга тоқати йўқлигини ҳатто «подишоҳ буви»нинг ўзи ҳам биларди. Бу гал шаҳзода юрагида нима сир борлиги, нега у хўжандликларни икки кунга олиб қолаётгани ҳайратга солди.

Лекин бари бир Темур Малик дўст сифатида Жалолиддинга ишонар, раққоса Нигинага бўлган майлини сезиб, бу қизга мутлақо кўз олайтирмагани ва ҳатто Ота Муҳаммадга ёрдам бериб, раққосани шаҳзодалар таъқибидан асрашини, зарурат туғилганда менга хабар қилинг, деб тайинлаганини ҳам эслади. Жалолиддин майда фитналарга қулоқ солмаслиги, уларнинг дўстлиги мустаҳкамлигини кўнглидан ўтказди. Феълининг негадир бошқачароқ кўрингани — Жайҳун билан Сайҳун балиқлардан холи бўлмаганидек, сарой фитналардан холи эмас, албатта. Қандайдир бир иш юрагини гаш қилиб тургандир, деб ўйлади. Айниқса шаҳзода Узлоғшоҳ ва унинг атрофидаги кишиларнинг Жалолиддинга нисбатан ёмон хатти-ҳаракатлари қаттиқ ҳушёрлик талаб этарди. Эҳтимол, «саховатли Жалолиддин»[1] юрагида фитна андуҳи бордир?.. Бир куни у Темур Маликка сарой ичидаги душманлари хусусида сўзлаб, «бу ярамас фитначилар илонқуйруқ жонворга ўхшайди, думини эмас, ярмини узиб ташласанг ҳам ярми юриб кетаберади», деб кулган. «Баъзи мансабдорларнинг қиладиган иши йўқ, зироат экмайди, қилич чопмайди... Аммо тили билан дилимизга ниш уради. Нонимизни туя қилади... Улар гардонига қилич солиб юборгим келади...» деган эди. Ўшанда Темур Малик: «Азизим, уларда гардон ҳам йўқ, агар гардон бўлганда отга миниб, даштга югурардилар. Уларда фақат қорин бор...» деб, Жалолиддинни қувватлаган эди. «Болари лабида асал, думида заҳар олиб учади — асал билан заҳар ёнма-ён. Умуман, яхши билан ёмонлик ҳам доимо ёнма-ён. Саройда ҳозир фақат заҳарли қовоқарилар қолган. Боларилар бўлса кошки эди...» деган эди Жалолиддин.

Бу гаплар ҳозир Темур Малик ёдига тушди. У бир лаҳза хаёлот дарёсида оқиб, ўртадаги хонтахта устида ёниб турган шамга тикилди. Учиб келиб, шамнинг олов тиғига ўзини уриб, тахта устига жизғиннак бўлиб тушаётган парвоналарга тикилди. Эҳтимол, биз ҳам Гурганжда оташ тиғга ўзимизни уриб ҳалок бўлармиз? «Аждаҳо комига тортиб кетадими?..» деган хаёл чулғади. Темур Маликнинг хаёлотга кетганини сезиб турган Шоҳмурод Кўҳистоний жимликни бузди.

---

[1] «Аҳли Гурганж, авом уни шундай атарди...» («Сират»дан)

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Саркарда! Шаҳзодага «бир қошиқ қонимиздан кечинг, знёфатни, насиб этса таҳликалар тугаб, музаффарият оқшомида еймиз...» деган нома қолдириб, тун салқинида йўлга чиқсак нима дейсиз?

— Асло! Бундай нома ёзиб кетиш уят! Азизим, сиз яхши фаҳмлаб олингки, Жалолиддин-паҳлавон менинг энг қадрдон кишим. У зотдан ажралмоқ — бизларнинг дунёда энг бечора кимса бўлиб қолғонлигимиздир. Жалолиддин фақат баҳодир шаҳзода эмас, қалби олижанобликларга тўла инсон.

Иброҳим Дўлдай ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам бу гапдан сўнг жим бўлиб қолишди. Энди ётиб ухлайлик, ишорасини қилиб, Темур Малик ичкари хонага кириб кетди. Ўрта хонада Шоҳмурод билан Иброҳим қолиб, ҳоким ечиниб тўшакка ётгач, шамни пуфлаб ўчирди. Чарчаган хўжандликлар қотиб ухлаб қолишди.

Ярим тунда хона даричаси очилиб, юзига қора парда тутган аллақандай бир кимса даричадан ошиб тушиб, хонтахта устидаги шамни ёқди. Чўчиб уйғонган Иброҳим Дўлдай тўшаги ёнида ерда ётган қиличини шартта ғилофидан суғурди.

— Кимсен?!

— Қилични ерга қўй?! Мен қуролсиз келганмен, мана, қўлимда ҳеч нарса йўқ. Темур Малик ҳазратларини уйғотинг, бир сўз айтамен ва бундан тезда кетамен. Мен асли хўжандликмен, сизларнинг бу ердаги дўстларингизмен. Бир ишдан огоҳ этгали келдим...

Уйғониб кетиб, бу гапни эшитиб турган Темур Малик ханжарга қўл узатиб, ўзининг уйғоқ эканини билдириб, не гап айтмоқчисен, деб ўрнидан тураётган эди, юзига қора тутган сирли одам саркарданинг бу хонага чиқмаслигини ва юзидаги пардани олиб ташламасликларини сўради. Иброҳимдан юқорироқда ётган Шоҳмурод ҳам ханжарига қўл узатди. Аммо сирли одам буни ҳам пайқаб, ўзига таҳдид қилмасликни, жим туриб, гапини тинглашликларини илтимос қилди.

— Гапир! — деди Темур Малик, тўшакда ўтириб.

— Мен сизларнинг дўстингизмен. Хўжандликмен... (Дарҳақиқат, у хўжандликларга хос урғу билан туркий тилда сўзларди). Сизларга маълум бўлғайким, шаҳзода Жалолиддин эртага Жайҳун бўйида (ўз кишиларига тайинланган) сизларни ўлдиради. Эҳтимол, заҳарлаб ўлдиради. Хўжанд қалъасига бошқа кимсалар белгиланган. Гўё «мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш» ниятида Ўтрор ва Хўжанд ҳокимлари ўзгартирилади. Сизлар ё заҳарланиб, ё дарёга чўкиб ҳалок бўласизлар... Мен бир ватандошларингиз сифатида бу сирли фожиадан воқиф этишни бурчим, деб билдим. Мен саройда, Низом ал-Мулкнинг юқори мансабдор кишиларидамен. Юзимни беркитиб, қурол-яроғсиз келганимнинг сабаби бор. Менинг юзимни кўришнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Жонингизни омон сақламоқларинг менинг ҳам муддаоим, насиб этса, Хўжандда юз кўришурмиз. Вассалом! Эрта тонгда Жайҳун бўйига борманглар! Хайр!

Юзига парда тутган одам бу гапни айтди-ю, яна лип этиб, да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ричадан ташқарига чиқди. Қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди. Уч биродарнинг тамоман уйқулари қочиб, шам атрофига тўпланишди.

— Саркарда! Мен айтган гап тўғри чиқди, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний кўзлари бургут кўзидек шам нурида ярқираб. — Бу кутилмаган «зиёфат»да бир гап борлиги кўнглимдан ўтган эди... Мана оқибат! Султонга ҳам, шаҳзодаларга ҳам ишониб бўлмайди! Улар Чингиз ҳужумини билиб, машриқ қалъаларини бизга ишонмаётирлар. Инолхон панд бериб қўйди. Менга ишонмасликлари аниқ, чунки мен Бадахшон беклигига ярамадим. Сиз кафил бўлиб, мени сақлаб қолдингиз. Буни султон яхши билади. Аъло ҳазратнинг оналари, айниқса бундай ишларга қаттиқ эътибор берадилар. Шаҳзода Жалолиддин ҳам султоннинг бош фарзандлари, биздан кўра ҳам у зот учун ота азиз. Бу очиқ мантиқ, саркарда! Кўнглим сезаётган эди бир фожиани. Юринг, ярим тунда жўнаймиз! Мабодо Хўжандга бошқа бир ҳоким тайинласалар, мен сиз ҳазратни тоққа, Бадахшонга олиб кетамен. Кўз қорачиғидек сақлаймен. Йигит сўзим! Сиз ҳазратнинг битта мўйингиз ҳам булғанишига мен асло йўл қўймайдурмен! Менга ишонинг, азиз саркарда! Фитнаю игвогарлик султон саройида одатий юмушдек бир оддий нарсага айланиб қолган.

Кийиниб, шай бўлиб олган Иброҳим Дўлдай миқ этмай ўтирарди. У Шоҳмурод Кўҳистоний фикрига мойилроқ эди-ю, диққати Темур Малик оғзида. Темур Малик бўлса хаёлот денгизида жим сузарди. Кўнглини зиддиятли ўйлар қамраб олган. Қадрдон дўсти Жалолиддин кўз олдидан сира нари кетмасди: «Наҳотки дўстидан ажралган бўлса? Наҳотки Жалолиддиндек бир баҳодир саркарда бундай пасткашликни ихтиёр этган? Наҳотки уларнинг кунлари битгану бир ёввойи жонзодни бўғиб ўлдиргандек ўлдириб юборсалар? Ҳа, — деди саркарда ўзига ўзи, — Гурганж жаллодларининг доимо беш панжаси қон. Жаллод Аёз қанчалар номдор кишиларни у дунёга жўнатган...».

— Азизларим! — деди бир вақт уйқудан уйғонгандек бошини кўтариб, — ётиб ухлайлик! Ҳар хил хаёлларга бориб ўтириш бефойда. Тонг отсин. Тонг офтоби лойқа хаёлларни қувади, киши тафаккурини ёритади. Шу сабабдан мен сиз азизларимга ётиб, хотиржам бўлиб ухлашни тавсия этамен. Қора ридо ёпинган кимса бизнинг дўстимиз эмас, кўнглим чопмайди. Қани ухланглар! Эрталаб гаплашамиз.

Темур Малик ичкари хонага кириб бошқатдан ечиниб, кўрпа орасига кирди. Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай тўшакларига чўзилгандай бўлдилару шамширлар ғилофидан суғурилган, мабодо эшик ёки даричадан бирон кимса кирса, суриштириб ўтирмай шартта чопишга тайёр эдилар. Улар иккови саркарданинг кўзига бўла гўё хириллаб ухладилар. Аслида тонггача мижжа қоқмадилар. Темур Маликнинг ўзи ҳам ухламай ётди. Лекин тонг отиб, офтоб ёйилганда, пинжакка кетди. Шоҳмурод билан Иброҳим юзқўлларини ювиб, либосларини кийиб, тайёр бўлдилару ухлаб ётган саркардани уйғотишга кўзлари қиймади. Чойга таклиф этиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирган хизматкор Темур Маликни уйғотиб юборди. Шоҳмурод «нима қиламиз» ишораси билан Темур Маликка қаради.

— Борамиз, азизлар! Биз номард қўрқоқлар эмасмиз. Агар шаҳзода Жалолиддинга бизнинг ўлимимиз керак бўлса, майли, ўлдирсин. Унда у Жалолиддин эмас, жаллод! Аммо мен бундай бўлишига ишонмаймен. Агар биз қурбон бўлсак, она юртимиз мудофаасида ҳалок бўлган бўламиз. Чунки биз мамлакат ҳимояси борасида маслаҳатлашмоқ учун қум кечиб келдик...

Шоҳмурод Кўҳистоний билан Иброҳим Дўлдай саркардага хомуш боқиб, жим бўлиб қолишди. Сарой хизматкори нариги хонада нонушта тайёрлаб, муштоқ турганини кўриб, олдинма-кетин ташқари хонага чиқишди. Нонуштадан сўнг отларига миниб, Жайҳун бўйи — шаҳзода боргоҳига йўл олишди. Бир тошдан мўлроқ масофани босиб, узоқда кўринган боғ — шаҳзоданинг дарё бўйи оромгоҳига кўзлари тушди. Саркарда пинагини бузмагани билан Кўҳистоний билан Иброҳим оёқлари тортмай, ҳар лаҳзада бир фалокатни кутиб, боғга етиб келишди. Дарвозада қуролли сарбозлар уларга пешвоз чиқишди. Отдан тушириб, айвон сари бошлашди. Баланд ва баҳаво шоҳона айвон зинапояларидан биттабитта қадам ташлаб, пастга тушган шаҳзода Жалолиддин уларни кутиб олиб, айвонга таклиф этди. Атрофда шаҳзоданинг йигирмадан ортиқроқ сарбозлари шай юрар, гўё хизмат қилаётгандай серҳаракат эдилар. Шаҳзода негадир бугун Темур Малик билан расмийроқ омонлашди. Бу «андаккина совуқлик» Темур Малик юрагини шиғиллатиб, юзига қора парда тутган сирли кимса сўзларини тасдиқлаётгандек бўлди. Аммо у ичдаги шубҳаю қарамақаршн хаёлларни шаҳзодага сездирмади. Шаҳзода таомлардан тановул этишга таклиф этди. Ўзи юқорида ўтириб, ёнидан Темур Маликка жой кўрсатди. Султон ва шаҳзодалар ҳеч кимга бундай илтифот қилмас, бу сарой одати бўйича тўғри эмас эди. Темур Маликнинг бир поғона пастроқ ўтирамен, деб чўккан еридан турғизиб, ўз қаторига олди. «Ўлдирилиши лозим кимса шундай сохта эъзозланишн»ни ҳам эшитган эди. Темур Малик мийиғида кулди. Нозу неъматлардан тановул эта бошлашди. Ҳаммадан ҳам ёш Иброҳим Дўлдайнинг юраги така-пука эди. У атрофида юрган қуролли сарбозларга тез-тез қараб қўярди. Унинг ёввойи қушдек ҳозир учиб кетишга шай турганини сезган Жалолиддин унга кўз ташлаб қўярди. Шу лаҳза хизмат қилиб юрган йигитлардан бири олтин патнисда мусаллас тўлдирилган иккн пиёла олиб келиб, аввал шаҳзодага сунди. Шаҳзода Жалолиддин патнисдаги оқ пиёлани олди, кўк пиёлани хизматкор Темур Маликка сунди. У ҳам олди. Неға бу пиёлаларнинг бири оқ, бири кўк экани ўйлатиб қўйди. Бунн сезиб турган Иброҳим Дўлдай ҳозироқ ўрнидан туриб, саркарда қўлидан пиёлани олмоққа ҳозир эди. Лекин шаҳзода ёнида бундай ишлар қилмоқ асло мумкин эмаслигини пайқаб, нима бўларкин, деб индамай тура берди. Дастурхон атрофида ўтирган бошқа меҳмонлар ёнига кичик хумчалар ва пиёлалар қўйилган эди. Боғ четидан кабоб иси анқир, қаердадир Жайҳун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг мўйлабли мойбалиғи қовуриларди. Одатда май хумчалардан қуйилади, нима сабабдан, икки пиёлага май ичкарида қуйилиб, олиб чиқилди? Нима сабабдан, пиёлалар ранги икки хил? Бу Темур Маликни ўйлатиб қўйди. Фожиа ҳозироқ бошланишини кутиб турган Шоҳмурод Кўҳистоний саркарда пиёлани қўлдан тушириб, тўкиб юборишини кутди.

— Қани, майдан сипқаринглар! — деди шаҳзода пиёладаги мусалласни охиригача симириб, кейин нам бўлган мўйлабини артди. Темур Малик ҳам қўлидаги кўк пиёладаги майни охиригача симириб, шаҳзода Жалолиддинга ўхшаб мўйлабидаги намни артди. Жалолиддин ёнида ўтирган Темур Маликка қараб кулди:

— Мусаллас қалай?

— Яхши. Жуда яхши!

— Ажамдан келтирилган! Хўжанд мусалласларига ўхшайдими?

— Ҳа. Аммо бу мусаллас билан пиёлаларни ювиб, кейин Хўжанд мусалласини қуйиб ичса хўб бўлур.

Бирдан Жалолиддин ҳам кулиб юборди.

— Офарин! Мен ҳам сиз саркардадан шундоқ гапни кутган эдим.

Бу гапларни эшитган Шоҳмурод Кўҳистонийга оз-моз жон кирди.

— Соқий! Бунда кел! — деди Жалолиддин айвондан пастда турган йигитлардан бирига. — Хўжанддан, Ахсикатдан келган хумчаларни олиб кел! Улар зўр мусаллас. Фарғона водийси мусалласи Хоразмда тансиқ, юзта Ажамдин зўр! Сардор кам ичадурлар (у Шоҳмурод Кўҳистонийга кулиб боқди), у зот олдиларига бир ҳовуч қантак туршак ташлаб қўйинглар.

— Хо-хо-хо-хооо!

Кулгидан ўзини тиёлмаган Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан турриб, шаҳзодага бош эгиб, таъзим қилди.

Базм анча вақтгача давом этди. Ҳеч ким заҳарланмади, ҳеч қандай фожиа юз бермади. Эрталаб йўлга чиқиш кераклигини хаёлидан ўтказган Иброҳим Дўлдай, боши қотиб, нима бўлаётганига тушунмасди.

Зиёфат тарқади. Шаҳзода Темур Маликни боғ дарвозасигача кузатиб келиб, дўсти билан қучоқлашиб хайрлашди. Эртага ўзи йўлга чиқаришини, Хўжанд қўшинини яна икки минг отлиққа кўпайтириш, хазинадан бунга етарли ақча берилишини маълум қилди. Хазораспгача бирга боражаги, ундан дарёга, кемага туширишини ҳам маълум этди. Бу гапларни у дўстини одамлардан четга олиб чиқиб гапирарди. Султон ҳам, бу ердаги арбоблар ҳам машриқдаги қалъаларни мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаётгани, улар саркардага тамоман ишонишларини маълум қилди. Кейин бугун ярим тунда юзига қора парда тутиб кирган кимса унинг одами экани, бу иш учун маъзур тутишликни Темур Маликдан илтимос қилиб сўради.

Темур Малик ўйланиб қолди, хафа бўлишини ҳам, кулишини ҳам билмасди.

— Ичингиздан мени койиётганингизни биламен. Начора! Баъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зан мамлакат иши бундай ишларни тақозо этади,— деди Жалолиддин жиддий бир тусда.

Темур Малик Иброҳим Дўлдайдан устод Ота Муҳаммадга йўлиқишини сўради. Нигинага нома ёзди: «Шошилиб келдим, шошилиб кетаётирмен, бебаҳо маликам! Юрт қисмати қалбларимизга беҳаловатлик солди... Афв этинг». У севикли Нигинага Иброҳимдан шундай бир қисқа нома киритиб, икки дона гавҳар ўрнатилган тилла билагузук туҳфа қилди.

Хазораспда Жайҳундан чиқишгач, Қизилқум орқали Томдибулоқ таги билан, йўлни қисқа қилиш ниятида Қулжуқ тоғи этаги, Шўркўл, ундан Нур ва Зарнук қалъа шаҳарларида тўхтаб, сардоба томон юришди. Ўн беш кун деганда Хўжандга доҳил бўлишди.

Йўл азобидан кўра ҳам аниқ бўлиб қолган беомон муҳораба хусусида сўзлашишарди. Вазиятнинг ниҳоятда жиддийлиги, аммо баъзи қалъаларнинг мўғул ҳужумидан бехабарлиги, фақат Жалолиддинни эмас, Хўжанд сардорларининг барчасини ҳам ташвишлантирмай иложи йўқ эди.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

ЎТРОРДА ОНАЛАРНИ ВАҲШИЁНА ЎЛДИРИШ ХАБАРИ ХЎЖАНДГА ЕТИБ КЕЛДИ...

«Мен ўзга халқларга бахтсизлик ва жабру зулм келтирадиган баҳодирликни рад этаман!»

Ганди

Гарданига гурзи тушиб, отдан қулаган Қанғли Арслон тун бўйи беҳуш ётиб, азонга яқин кўзини очди. Афтидан, мўғуллар уни отдан қулагандан кейин ҳам бир неча бор сўйил билан уриб, кўксига қилич суқишган. Чопон ичидаги совут тиғни кўксига ўтказмаган, лекин анча заха қилган эди. Елкасига тушган гурзи суягини эзиб, чап қўли, чап ёнбоши жонсизга ўхшаб қолганди...

Ҳаммаёқда ўликлар, чалажонларнинг инграши.

Қанғли Арслон бошини кўтарди. Узоқ-узоқларда Ўтрорнинг тутуни осмонга ўралаётганини кўрди. У бундай ҳолни кўргандан кўра ўлиб кетганим маъқул эди, дегандай яна ерга бошини қўйди. Шу аҳволда яна бир муддат ётди. Кўз олдига Темур Малик келди. Енгишнинг енгилиши ҳам бўлади. Аммо ҳеч қачон жангчи руҳан енгилмаслиги даркор. Бизни тўрт бўлакка чопиб ташлаганларида ҳам, бир бўлагимизда жон бор экан, шунисига шукр қилиб, тирик бўлагимиз билан душманга ҳамла қилмоғимиз ло-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зим, дерди. Саркарданинг бу гапи қаттиқ оғриқ азобида ётган Қанғли Арслонга бир оз далда бергандек бўлди. У атрофга тикилди. Бош кўтарган одам йўқ — чексиз даштда жасадлар, каллалар, отлар, аслаҳалар... тўкилиб, тўпланиб ётарди. Ҳар ер, ҳар ерда ётган навкарларга кўзи тушган Қанғли Арслон Ўтрор лашкари ёмон жанг қилмаганини, ҳар бир навкар то ҳушдан кетгунча найза уриб, қилич билан чопишига қаноат ҳосил қилди. Қорни шишиб, ўлиб ётган, баъзан ҳакка-чоғланиб юрган отларга кўзи тушиб энди улардан биронтаси ёнимга яқин келармикан, деб илҳақ бўлди. Ётган ерида ўзининг тўриқ отини ҳам излади. Ўнг ёни билан отлар томон сурилди. Ерга санчилган қилични тортиб олиб, дастасидаги чармини тишлаб, ўзидан юз қадамча нарида турган от томон сурила бошлади. У кўзлаб бораётган от ҳуркиб қочмади, негадир у ҳозироқ ўз эгаси минишини истаб тургандай бўларди. У сурила-сурила жонивор ёнига бориб, отнинг олдинги оёқларини маҳкам ушлади. Ўтрорлик тўриқ жароҳатланган жангчига ёрдам бермоқчидек қилт этмай турарди. Қанғли Арслон у машқ кўрган от эканини сезди. Ҳатто унинг тагидан ўтганида ҳам безовта бўлиб, ҳуркмади. У от туёқларига осилиб, не машаққат билан ўрнидан турди. Қалъа деворидек мустаҳкам турган от эгарига ёпишиб, Жилға томонга йўл олди. Бунда у ўзгина дам олиб, жароҳатларини боғлаб, шитоб билан Хўжандга жўнамоқчи, мўғулларнинг Сиғноқ ва Жанд томонга юришини тезда хабар қилмоқчи бўлди. Сайҳун ёқаси, Жилғадан унча узоқ бўлмаган Хўжатўрғай қамишзорларига етиб келгач, отдан тушди. Бунда ёнаётган Ўтрордан қочиб келган яна бир кимсага дуч келди. У отдан Қанғли Арслонни авайлаб тушириб, сув ичириб, жароҳатини боғлади. Икковлон Чордара томон юриб, ундан Хўжандга интилишди. Ўтрорнинг тор-мор бўлганини, Инолхоннинг ўлдирилганини Темур Маликка хабар қилмоқ даркор эди. Душман жангда кўпроқ ўқ-ёй ишлатишини ҳам сезиб олган эди. Мўғуллар шаҳардаги барча аёлларни ҳайдаб келиб, яланғочлаб, қилич билан чопиб ўлдираётганликлари хабарини шеригидан эшитган Қанғли Арслон ҳушидан кетиб йиқилди. Кейин ҳушига келиб, ўрнидан туриб ўтирди. Мен қайси юз билан саркарда ёнига борамен! Хотинларимизни, оналаримизни душман қиличи остига ташлаб, дунёда қандай бош кўтариб юрамен, деган андишага бориб, Хўжандга бориш ниятидан қайтди.

Лекин улар, бари бир Хўжанд томон йўл олишди.

Онани ўлдирмоқ — келажакни йўқотмоқ демак. Саҳройи мўғуллар бу ерларнинг аҳолисини, маданиятини йўқотиш мақсадида ўз ишини билиб қиларди. Уларнинг бу заминда яратилган «Ал-жабр ва ал-муқобала» билан на ишлари бор? Улар эт емоқ, ишрат ва тиллаларни таламоқ учун келганлар. Бу — дунёдаги ҳамма тажовузкор босқинчиларга хос хусусият. Аммо мўғуллар тарих саҳифаларида қора хат билан қоладиган бошқа бир разолатни ишга солдилар. Бу, «она қўйни асра, она рақибни ўлдир», деган ақида эди. «Душманнинг бир урғочисини ўлдирсанг — мў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғулнинг келгусидаги юз душманини йўқотган бўласан», деб ўргатилар эди уларга. Сирдарё бўйидаги бўйсунмас қипчоқ ва қанғли уруғлари Чингиз қўшинига катта талафот етказиб, нўёнларни қаттиқ ташвишга соларди. Уларнинг «ярим ёввойи» уруғ экани халқ ичида кенг тарқалганини Чингизхон эшитган эди. Ўтрорни уч ой қамалдан сўнг босиб олган мўғуллар мадрасаю кўприклар, кутубхонаю ҳаммомларни бузиб, вайрон этишди. Маърифат ўчоқлари уларнинг ғазабини қўзғатарди. Маърифатдан узоқ кишилар бошқаларнинг ҳам ўзларидек бўлишини истайдилар, ғиштин иморат солиш нега керак? От ва чорва, кўчманчилик, бу ҳамма учун ҳам яхши, деб ҳисоблайдилар.

«Булар нима ейди!» — деб сўрабди Чингизхон Ўтрорни ўраб олган кунлари бир асирдан. «Булар ердан ўсиб чиққан гиёҳу меваларни...» дебди у. Чингизхон ўйлаб турриб: «Мол ердан ўсиб чиққан ўтни ейди, ўт ейдиган молни биз еймиз. Булар ўт еса, мол экан! Буларни молдек сўйиб ташлай беринглар», дебди, у одамларига.

Уч ойга чўзилган оғир, қонли жангдан сўнг Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Сайҳун бўйидаги энг катта шаҳарларидан бири Ўтрор енгилди. Шовқин-суронлар, мўғулча «ғў-ғў, ийн!» товушлари, мўри-малахдай ёпирилиб шаҳар кўчаларига кирган тўда-тўда мўғул суворилари рўпара келган болани ҳам, кексани ҳам чопиб ерга қулатар, ҳовлиларга кириб ёш жувонлар кўринса, уларни булғар эдилар. Шаҳар ўраб олинган, биронта одамнинг четга чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун дарвозалар беркитилган, қоровул қўйилган. Ўтрор енгилган куниёқ Чингиз фармони билан шаҳарга ўт қўйилиб, кули кўкка совурилди. Олов ва тутун осмонга ўрлади. Қий-чув, қаердандир аёллар, болалар бақириги эшитилар, аммо шу лаҳза бирдан бақириқ тўхтар эди. Бу, қилич тушиб калласи узилгани ёки чопиб ташланганидан далолат эди. Мўғуллар бир зарб билан маглубнинг калласини ерга узиб туширишга гаров ўйнашарди, ерда беҳол ўтирган кимсаларнинг ҳам бошини қилич билан шартта узиб кетиш мўғул сарбозлари ичида бир «жасорат ўйини»га айланган эди.

Ўлган шаҳар ёнарди. Шаҳар тутуни осмонга ўрламаган биронта хонадон йўқ эди. Атроф кўчаларда бирдан хунук қийқириқ овози эшитилар, қочаётган бир кимса орқасидан бир неча отлиқлар қиличини ярқиратиб қувиб, тутиб олар, орқа ёқасидан ушлаб тутиши биланоқ у ерга йиқилар, мўғуллардан бири шерикларига «ғу-ғу, нимайн...» деб алланима дер, ерда ётган одамни туришга мажбур этишарди-да, одам ниқиллаб ўрнидан туриши билан хезланиб турган мўғул унинг бўйнига қилич солар, одамнинг калласи узилиб, ерга тушар... Бу ишдан сўнг мўғул сафдошлари олдида ўзининг «жасурлиги» билан кўксини кериб, яна атроф ёққа олазарак бўларди. Этдан-бетдан чиқиб қолган қари-қартангни ўртага олиб, калла узиш ўйини қилишарди. Йигирма қадамча наридан найза отиб — ўтрорликнинг икки кураги орқасидан кириб, кўксидан тешиб чиқишини завқланиб кўришарди. Ерга йи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган кимса жасадидан найзани суғуриб олиб, қонни унинг либосига артиб, яна йўлларида давом этишарди.

Бир ҳафта мобайнида тупу кун қий-чув, дод-фарёд овозлари эшитилиб турди. Эрта билан мўйлари сабза урган йигитларни, ниқга яроқли кишиларни найза ушлаган мўғуллар ўраб, қаёққадир олиб кетди. Бир кумуш қилич ялангочлаган мўғул хонадонлардан хотин-қизларни судраб олиб чиқиб шаҳарнинг кунчиқар томонидаги бозор майдонига тўплади. Туртиб, судраб келинган юз чоғли аёл қуролли ёвнинг совуқ, даҳшатли башараси олдида эс-ҳушини йўқотиб қўйган эди. Қилич ялангочлаганлар орқасида доира ясаб отлиқлар ҳам турарди. Ожиз аёллар бир-бирларига ғужанак бўлиб, ёпишиб олишган. Бир муддатдан сўнг: «Устингдаги кийимларингни еч!» — деган хитоб қилинди. Хотинлар нима қилишини билмай, гангиб, индамай тура беришди. Шундан сўнг бояги мўғул бир хотинни тортиб устидаги либосини йиртиб, ялангоч қилди. Хотин панжалари билан кўксини бекитди. Мўғул уни ерга қулатиб, қип-ялангоч қилди. Бошқа хотинларга ҳам шундай ялангоч бўлишни буюрди. Хотинлар ғужанак бўлиб тура беришди. Мўғул иккинчи хотинни ҳам тортиб, кийимларини ечиб, олиб отди. Хотин қип-ялангоч бўлгач, бошқаларнинг ечинишини кутиб ўтирмай, қиличи билан иккала ялангоч хотинни чопиб ташлади. Ечинсам ўлдирмайди, деб ўйлаган бир хотин мўғулга ялиниб, мен ўзим ечинаман, деб дарҳол қип-ялангоч бўлган эди, мўғул уни ҳам чопиб ташлади. Хотинлар ўзларининг бу ерга ўлдирилгани олиб келинганини пайқашди. Сарбаст бир жувоннинг кўзлари ёниб, ўлим олдидан қоплондек мўғулга сапчиб, қилич ушлаган жаллоднинг томоғига ёпишди. Яна бир аёл жон аччиғида мушукдек сапчиб, бошқа мўғулнинг томоғига ёпишди. Унинг қўлидаги ўткир тиғни тортиб олиб, жаллоднинг томоғига тиқди. Шу лаҳза, у аёлнинг орқасига найза санчилди. Аёл жонҳолатда тиғни мўғул томоғига ишқалаган эди, ҳўкиз сўйилгандек, мўғул бўйнидан тирқираб қон оқиб кетди. Томоғи қирқилган душман анча вақтгача ерда питирлаб, хириллаб ётди. Шу лаҳза доира ясаб, ўтроглик оналарни ўраб турган отлиқлар тулки тумоқли нўённинг имоси билан қиличларини суғуриб аёлларни чопа кетишди. Бу аёлларнинг баҳодир эрлари шаҳар четида, кенг далада ер тишлаб ётарди. Фарзандларини қаёққадир ҳайдаб олиб кетишган. Ўзлари ваҳшёна қатл этилди.

Сардор Қанғли Арслон бўлган фожиани Темур Маликка, қалъада ҳозир бўлган ҳамма мансабдор кишиларга етказди. Шоҳмурод Қўҳистоний, Хўжа Идрис, Шерюрак Шоший, сардор Олабуқа, Муҳаммад Интизом, Ҳусайн Гов, Иброҳим Дўлдай ва бошқалар бу хабарни эшитиб, бошлари қуйи эгилди, қаттиқ қайғурдилар. Инолхонга Темур Маликнинг огоҳлантириш номасини олиб бориб, мўғул тажовузи бошланиши кундан-кунга кучайиб бораётганини айтмоқчи бўлиб Ўтрорга борган сардор Қанғли Арслон уруш ҳаракатларининг устидан чиқиб қолган эди.

Темур Малик топшириғи билан Гурганжга яна чопар кетди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

АДИБ ИЛОВАСИ

Чингизхон ва Ботухоннинг қонли юришларидан роппа-роса 592 йил кейин Россияга қонли юриш қилган француз жаҳонгири Бонапарт Наполеон Мовароуннаҳр, Хуросон ва Россияни камситиб, Чингизхонни ҳимоя қилиб, бундай деган: «Кимда-ким мўғулларнинг бостириб келишини осиёликларнинг бетартиб ҳужуми деб ўйласа, хато қилади. У чуқур ўйланган ҳужумдирки, рақибига нисбатан ҳарбий тузилиши жиҳатидан ниҳоятда юқори турган».

Бизнинг авлод зобит Наполеоннинг башарасини ҳам бир кўриб қўйиши керак, деб ҳисоблайман.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

МАШВАРАТ, ЯЪНИ ХОРАЗМШОҲ САРОЙИДА ЯНА ФАВҚУЛОДДА ҲАРБИЙ КЕНГАШ...

Ўтрорни ер билан яксон этиб, Мовароуннаҳр тупроғига бостириб кирган мўғулларга қарши Темур Малик дарёдан ўтиб, Чориқдаррон даштига лашкар тортиб чиқди. У душман йўлини тўсаётганида Гурганжда бўлаётган фавқулодда мажлислар хабари чопар орқали етиб келди.

Мовароуннаҳрга юриш бошлаган Чингизхон Ўтрорга яқинлашмасданоқ Дашти Қипчоқ ерида ўз лашкарини иккига бўлиб, бир қисмини ёш невараси Ботухон бошчилигида келгусида шимолга, рус князликларига қарши юришга тайёргарлик кўриш мақсадида Олтойда қолдирган эди. Унинг ўзи Самарқанд, Бухоро, Гурганжни... Ундан кейин Хуросон шаҳарларини босиб олишни кўзлаб, йўлини андак буриб, Ўтрор қалъа шаҳрига солган эди. Мовароуннаҳр тупроғига ўтишда у Хўжанд, ундан то Ўшу Ўзгангача боришни «синалган» цергийн[1]лари Сўқту нўён билан Улоқ нўёнларга топширди. Уларнинг каттаси ўттиз беш ёшда, лақаби «Хулгана»[2] эди. Юмалоқлиги, тишларининг ўткирлиги, питирлаб тез юриши сабабли шу лақабни олган бўлса керак. Иккинчиси, ўттиз уч ёшда бўлиб, лақаби — «Чоно»[3]. «Удирдагч»[4] бу икки нўёнга Удегей, Чиғатою Ботухондек эътимод қўйган. Жуда кўп жангларда бу икки нўён «ўзини кўрсатган»и хусусида тарихчи Рашидиддин хабар берди.

Ўтрор олингач, Чингиз тўғри Хўжандга юрмай, чўл орқали аввал Барчинликентни босиб олди. Ундан сўнг Зарнук ва Нур орқали Бухорога юриш бошлади.

---

[1] Цергийн — ҳарбий бошлиқ.
[2] Хулгана — сичқон.
[3] Чоно — қашқир.
[4] Удирдагч — йўлбошчи дегани, Чингиз шундай аталарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Душманнинг шиддат билан келаётгани пойтахтни, айниқса, саройни ларзага солди.

Султон яна фавқулодда машварат чақирди. Асосан, вазири аъзам Низом ал-Мулк, Гурганж, Қиёт ва Хазорасп қалъа ҳокимлари, бир қанча саркардалар узоқ-яқиндан от чоптириб келиб, қўрғон девори баланд, дарвозаларида найза ушлаган аламли ясовуллар сафи орасидан ўтиб, султон саройига кириб кетишди. Таппа-таппа отдан тушишлари биланоқ қилич осган навкарлар отларнинг жиловидан ушлаб, отхона томон олиб кетишарди.

Қиш. Ҳазор кенгликларидан тинмай учиб келаётган совуқ шамол киши баданини жунжиктирар, Гурганждаги қасрлару баланд деворларга урилиб изғирин касб этарди. Аллақандай бир ноаниқлик, шошилинчлик ҳарбийлар кўзида зоҳир эди: мағрибдан то машриққача ҳукми олий юргизадиган, тахтиравонда Афросиёб сингари барқарор ўтирадиган Муҳаммад Хоразмшоҳ рўпарасида ўтириш кўплар юрагига ҳам фахр, ҳам қўрқув соларди. Султон ўз отаси Аълоиддин Муҳаммад Такиш каби жуссаси кичик, чўққи соқолли, товуши ҳам бир қадар ингичка одам бўлиб, манглайи кенг, аммо чуқур кўзлари доимо ялтираб турарди. Унинг газабини ҳам, хурсандлигини ҳам пайқаб бўлмасди. Девқомат саркардалар олдида у кичик болага ўхшарди, аммо ўша девқомат саркардалар ундан ғоятда ҳайиқардилар. Жаҳон Паҳлавон исмли хивалик бир сипоҳи доимо шоҳ орқасида турарди. Бу одамга чексиз ҳуқуқ берилиб, у шоҳ фидойиларига соҳиблик қилар, машваратларда султонни қўриқлаб, чеккада юрарди. Сал-пал қалтис ҳаракат Аёз ва Жаҳон Паҳлавон учун кифоя бўлиб, шу лаҳзадаёқ шубҳали кимсанинг, ким бўлишидан қатъий назар, жонини олиб қўя қолишарди. Икки йил бурун катта базмда ўтириб, негадир ханжарини суғуриб ялтиратган бир мансабдорни Жаҳон Паҳлавон бир зарб билан ўлдириб, жасадини ташқарига олиб чиқиб ташлаган. Хоразмшоҳнинг ёниб турган кўзларига ботиниб қараб бўлмасди. У тантаналарда олтин тахтига чиқиб, бошига олтин тож кияр, лекин базмда ўзига қулай бўлсин учун суптароқ кийинар, аммо бундай фавқулодда ҳарбий машваратда қўнғир чопон, гайёр ўралган қўнғир саллани бошига қўйиб, манглайи тепасида ўрик данаги катталигидаги олмос ўрнатилган жиғани қадаб қўярди. Бу олмос Ҳиндистондан келтирилган, номи «Тонг юлдузи». Шоҳ бошидаги бу кичик жиға тождан ҳам қимматли эканини сарой аъёнлари яхши биларди.

У қаддини бир қадар баланд кўрсатиш мақсадида баланд пошнали этик кияр, ичкарида юмшоқ кавуш, эгнида енгил оқ либос бўларди. Онаси Туркон хотуннинг дағдағалари бир қадар иродасини сўндирган. Бу, Аълоиддин Муҳаммадни тахтга чиқариш учун Туркон хотун не-не ишлар қилмади, қанча мансабдорларнинг боши кетмади. Отадан кейин қирқ олти ёшида тахтга чиққан Аълоиддин Муҳаммад йигирма йилдан буён ҳукмдорлик қиларди. Шоҳнинг тўрт маликаси бўлиб, бош фарзанди Жалолиддин, ундан сўнг Қутбиддин-Узлоғшоҳ, қизи Хон Султон, яна бири — Ғиёсиддин

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пиршоҳ, яна Оқшоҳ, Рукниддин, Гурсанжти, Қюмоҳишоҳ, Ҳуршоҳлар дунёга келди. Туркон хотун валиаҳдликка қиётлик ўз уруғи — Гулчечак хотундан бўлган Қутбиддин-Узлоғшоҳни белгилаган. Жалолиддиннинг онаси бошқа уруғдан бўлгани сабабли унинг валиаҳд бўлишига Туркон хотун жон-жаҳди билан қарши эди. Негадир буви бу неварасини ёқтирмасди. Жалолиддиннинг ўз сўзли, шижоатли ва укалари орасида эътиборли экани бувига мутлақо ёқмасди.

Султон кейинги йиллар савқи табиий дардига мубтало бўлганини мутлақо сезмасди. У, душманларим кўпайиб кетган, деб саройидагиларнинг ҳаммасидан бад олар, шу боисдан саройда бир-бирларининг пайини қирқиш, жосуслик кучайиб кетган эди. Ўзи сезмас, аммо бу дард кундан-кунга кучайиб борарди. Айниқса, тунда у асабийлашиб, ҳамма нарсадан бад оларди.

Мана, султон саройининг етмиш устунли катта машварат хонасига кириб келди. Бунда тўпланиб турган вазирлар, мансабдору саркардалар ўринларидан туриб, бош эгиб, ўнг қўлларини кўксиларига қўйишди. У бошини тик кўтариб, икки томондаги улуғ мансабдорларга билинар-билинмас бош иргаб, тўппа-тўғри тахтга бориб ўтирди. Ҳамма ўз ўрнига чўккач, вазири Низом ал-Мулк шоҳга яна бир карра таъзим қилиб, мурожаат этди. Вазир бу гал шоҳ шаънига узундан-узоқ ҳамду сано ўқиб ўтирмай, гапни лўнда қилишга тиришди. Низом ал-Мулк барваста, серсоқол, қошлари қуюқ одам эди. Унинг овози ҳам залварли, қарашлари ўткир. У ўн беш йилдан буён улуғ мамлакат тепасида туриб, султоннинг бенихоя ишончини қозонган. Хуросонда жуда катта мулкка эга эди.

— Олампаноҳ! Икки ҳафтадан ошдики, ғаддор Чингизхон беадад лашкар тортиб мамлакатимиз сарҳадидан ўтди. У номи қаро Ўтрор қалъасига босқин ясаб, кўп ёмон ишлар қилғон. Душманнинг йўлини тўсиб, уни мамлакатимиз тупроғидан ҳайдаб чиқармоқлик мамлакатимизнинг барча фуқаролари, айни вақтда, ҳар бир сарбозу саркарда зиммасидаги бурчдир. — У машварат аҳлига қараб давом этди: — Мамлакат ёғий мўғул аёғи остида топталмаслиги учун жонни бағишламоқ пайти етди! Улуғ ҳазрат ўз қўшинларига мудофаага ўтиш, ҳамма шаҳару қалъаларда пухта тайёргарлик кўриб, душман яқинлашгач, қаттиқ зарба беришни маслаҳат кўрмоқдалар. Агар саркардаларда бошқа бир фикр бўлса, уни эшитиш ниятлари бор.

Ўртага сукут тушди. Вазир тик турганича саркардаларга бир-бир кўз ташлади. Ҳамма сукутда. Султоннинг ҳужумга қарши ҳужум қилмоқ ниятида эмаслигига, мудофаада бўлиши ва бунинг устига шарқдаги ҳар бир қалъа ўзича душман йўлини тўсиш ҳақидаги режаси шаҳзодаларга, баъзи саркардаларга ҳам бундан уч кун аввал маълум бўлган эди. Бу режа кўпларни ўйлантириб қўйганди. Биринчи бўлиб шаҳзода Жалолиддинга бу режа ёқмаганди. Хазорасп ҳокими ва яна бир неча саркардалар Гурганжнинг мўътабар зотлари Шаҳобиддин Хивақийга фикримизни улуғ султонга баён қилинг, дегандек кўзларини қадаб, имо қилишди. Ша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳобиддин Хивақий — Қиёт ҳокими, олтмиш ёшларга борган, донишманд ва жасур одам эди. Жалолиддин, Узлоғшоҳ ва Темур Маликнинг ҳарбий муаллими ҳам эди. У кўп муҳорабаларда саркардалик қилиб, катта тажриба орттирганди, баъзан ўрнидан туриб, кўзини юмиб, баъзи мансабдорларнинг нуқсонларини дадил айтиб юборарди. Шаҳобиддин Хивақийдан Жаҳон Паҳлавон ҳам ҳайиқар, чунки султон бошлиқ кўп саркардалар уни ҳимоя қилишларини биларди.

— Ҳазрати олийлари! Салтанатга бениҳоя садоқатим ҳаққи мен бу ердаги бир неча муҳтарам зотлар фикрини баён этадурмен. Улуғ султон, барча лашкарни бир ерга жамлаб, бениҳоя катта куч бўлиб ҳамда қулай майдонни аниқлаб, Чингизга бирйўла қаттиқ зарба бериш лозим, деб ҳисоблаймен. Самарқанд ёнидаги Катвон дашти қулай. Қўшинни майда бўлакларда сақлаб, душман яқинлашиши билан мудофаага ўтиш — мағлубият келтиради.

Бу сўзни эшитган султон бўйнини чўзиб, Шаҳобиддин Хивақийга қаради.

— Биз лашкарни бир ерга жамлагунча, душман Сайҳун бўйидаги қалъаларни олиб қўймайдими?

— Олади. Аммо катта қўшин кўп ўтмай душман билан тўқнашиб, уни тор-мор этади. Мен асосий кучни Самарқанд ёнидаги Катвон даштида тўплашни маслаҳат кўрамен. Янгикенту Сиғноқни балодан асрасин, агарда у қалъалар ҳам қўлдан кетса, Чингиз тўғри Бухоро ва Самарқанд устига, ундан пойтахт томонга йўл олади. Қизилқум йўли битта, у — Нур ва Зарнук қалъалари орқали юради, бошқа йўл йўқ. Улуғ султон, шу сабабли мен қўшиннинг асосий қисмини бир ерга тўплашни лозим, деб топамен.

Султон ҳам, Низом ал-Мулк ҳам, Туркон хотун ҳам ўйланиб қолишди. Шаҳзодалар Пиршоҳ, Рукниддин, Гурсанжти, Узлоғшоҳлар оталари режасини маъқуллашди: «Қўшинни тезда тўплаб бўлмайди», деган Туркон хотун фикридан четга чиқиша олмади. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг, султон вазири аъзамга қаради, Низом ал-Мулк султонга яқин бориб, қулоғини тутди.

— Фикрларни муншийлар ёзмоғи даркор!

— Улуғ султон, муншийлар шай, даҳлизда... Ҳамма фикрларни қоғозга битишаётир...

— Абдулқодир мунший кўринмайди?

— У аразлаб юртига кетиб қолган.

— Юрти? Қанақа юрти?

— Шошга кетган.

— Шош йўқ-ку! Нодон чол, араз бўлибдими? Ҳозир араз қиладиган пайтми?

Яна ўртага сукут тушди.

Шифти баланд, тоқилари камалакдай ранго-ранг, устунлари ўймакор, ерга ташланган қизил гиламлар, оқ наматлар устида ўтирган мартабадор кишиларнинг нигоҳи тахтда. Қичкинагина бу одам — юриб етиб бўлмас, боғлари беҳисоб, тоғлари баланд, дарёлари тезоқар, далалари беҳудуд, шаҳарлари обод, одамлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

беҳисоб бир мамлакатнинг ҳокими. Тикилиб турган Шаҳобиддин Хивақий «Алиф лайло ва лайло»даги улкан аждаҳо бошида тилла патнисда кулча бўлиб ётган тождор бир кичкина илонни олиб юргани — бу кичик илон бутун аждаҳою илонлар подшоси эканини эслади. Чувалчангдек бир илон — кун чиқишдан то кун ботишигача етган буюк бир мамлакатнинг ҳукмдори...

— Муҳтарам зотлар, мамлакатимиздаги барча қалъалар душманга қарши жанг қилсин! Фармон шундоқ! — деди султон ўтирган жойида хотинчалиш ингичка овози билан. — Токи мамлакатимизда битта ҳам ёғий мўғул қолмасин! Биз қўшинни бир ерга тўплолмаймиз. Бу фикр — хато! Биз ҳамма ерда душманга ўлим зарбаси етказамиз! Ҳамма паҳлавонларимга, соҳибқиронларимга, саркардаю сардорларимга омад ёр бўлсин! Омин!

Ҳар қандай арқон ҳам охири титилади ва узилади. Ҳар бир иш ҳам барҳам топади. Баайни: «Оллоҳ, хоҳлаганига ҳокимиятни беради ва у хоҳлаганидан ҳокимиятни олади», деди.

«Ҳақиқатан ҳам, — деди султон ўзига ўзи, — бу замин оллоҳга тегишлидир. У буни ўз қулларидан хоҳлаган бирига хоҳлаган вақтида беради. Оллоҳдан қўрққанларга мерос қилиб беради. Эгам! Минг қатла ўзингга шукр!..»

Машварат султоннинг уйда, онаси Туркон хотун иштирокида пишитиб чиққан фармони билан тугади. У, онаси билан яккамаякка гаплашганида бу фармонга икки шаҳзода ва уларнинг пийри — Шаҳобиддин Хивақий ва яна уч-тўрт олий мансабдорлар қўшилмасликларини сезишган эди. «Энг муҳими, — деган эди Туркон хотун, — вазири аъзам Низом ал-Мулкка эҳтиёт бўл, у айнимасин. Саройда у ниҳоятда эътиборли одам. Хивақийнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, у бақага ўхшаб вақиллаб-вақиллаб, охири тинчийди...»

Мамлакатнинг ҳақиқий ҳукмдори Туркон хотун қўлини орқасига қилиб, ўғлига бу гапларни обдан тушунтирган эди.

Шаҳобиддин Хивақий ерга қаради. Султоннинг «бу фикр — хато!» сўзи унинг кўксига ханжар бўлиб санчилиб, орқасидан чиққандек бўлди. У бари бир итоат сақлаб, бош эгиб турди. Ер тагидан Жалолиддинга, Узлоғшоҳга қаради. Улар жим. Султон, вазири аъзам, шаҳзодалар, улар орқасидаги Жаҳон Паҳлавон, Аёз ва бошқалар хонадан чиқиб кетгач, ўз жойидан аранг турган Шаҳобиддин Хивақий мулзам бўлиб, орқада келарди. Ҳеч ким унга яқин келиб кўнглини сўрамади, яқинлашгани ҳайиқишди. Султон кўз олайтирганга ҳеч ким боқмасди. Бундай ҳолларда арзимаган гапни султонга пашшадан фил ясаб етказадиганлар, эвазига мартаба оладиганлар бор эди. Аммо Жалолиддин шаҳзодалар тўпидан сидирилиб чиқиб, орқароқда қолди-да, етиб келган Шаҳобиддин Хивақийга имо қилиб, бир оз орқароқда қолишди. У эшитилар-эшитилмас овозда устозига деди:

— Муҳтарам зот! Подшоҳ амри вожиб. Сиз билан биз унинг сипоҳлари, айни вақтда, мамлакатимизнинг фарзандларимиз. Мамлакат бошига кулфат тушиб, дарбозамизни қаттол ёв қоқаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, адовату норизолик қоронғулиғини қалбдан ҳайдаб, юртга хизмат қилайлик. Сиз ҳазратнинг фикрингизни қувватлаймен. Тўғри фикр айтдингиз. Аммо шоҳ фармонига бўйсунмай илож йўқ. Бу қарор, машваратдан аввал ичкарида, бувим иштирокида ҳал бўлган. Сиз, ҳазрат, ўзингизнинг юз чоғлик навкарларингиз иҳотасида зудлик билан Хўжандга, саркарда Темур Малик ёнига борсангиз маъқул иш бўларди. Кейинги келганида у мендан сўраган эди. Биринчидан, ҳозирча Гурганждан нарироқда турмоқлик ва машриқдаги энг мустаҳкам қалъа ҳимоясида бўлмоқлик ҳар тарафлама муҳимдир!.. У ерда, Темур Малик ёнида Шоҳмурод Қўҳистоний ҳам бор. Лекин сиз унда бўлишингиз Хўжандни яна ҳам мустаҳкамларди. Бир ўйлаб кўринг...

— Муҳтарам шаҳзода! Сиз жасоратли саркардасиз, мен сизни шогирд эмас, дўстим деб биламен. Мулзам бўлган киши кўнглини олиш ҳам мардлик! Ташаккур! Ҳозир вазири аъзамдан бошлаб, ҳамма мендан қочади. Мен Темур Малик ёнига боришга розимен, лекин султоннинг бунга розиликларини олишингизни илтимос қиламен.

Эртасигаёқ Шаҳобиддин Хивақий юз чоғлиқ навкари билан Гурганждан чиқиб, Хўжанд томон йўл олди. Худди шу йўлдан бундан бир йил муқаддам Абдулқодир мунший аш-Шоший ҳам қон йиғлаб, вайрона шаҳри томон йўл олган эди.

...Инолхоннинг ва у билан бирга бўлган қўшинларнинг батамом қириб ташланганлигини эшитган султон, ҳар томонга қочиб қутулаётган кучларини ҳам кўриб, тунлари уйқусини йўқотди, жонини асраш режасини тузиб, Халаб ва Андхуд чегараларини кўзлаб қолди.

Дарвоқе, унинг аҳволи тобора танглаша бориб, Мовароуннаҳр мамлакатини ҳимоя қилишга кўзи етмай қолди. Чунки, энг жасур жангчилар жиянлари (она томонидан акаларининг ўғиллари), қўшинидан етти минг кишилик даштиқипчоқликлар уни тарк этдилар. Одамлар ундан безиб, сездирмай кетишга бошладилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МОВАРОУННАҲР ЎТ ИЧИДА

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

ЧОРИҚДАРРОН ЖАНГИ

Олти юз ўн еттинчи йил — ҳижрия, минг юз йигирманчи йил — мелодия. Жадий[1] ойининг йигирма иккинчи куни қирқ кунлик шиддатли жанг, қамал, ўтли тийборон, сувсизлик, очарчилик билан Ўтрорнинг кулини кўкка совурган мўғуллар Сиғноқни, Жандни, Барчинликентни, Янгикентни олиб, ундан кейин Шош вайроналари[2] ёнидан ўтиб, Бинкентни ҳам босишди. Ундан сўнг Сайҳун ёқасидаги энг катта қалъа — Хўжанд томон силжиб, Чориқдаррон даштида Темур Малик лашкари билан тўқнашмоқ, уни тор-мор этмоқ ниятида даштлар оша ажал келтирувчи совуқ овоз ила шиддат билан силжиб келардилар.

Темур Малик шаҳарда сардор Муҳаммад Интизомни машқ кўрган юз чоғлиқ ханжарбоз, камонбоз йигити билан қолдириб, ўзи ўн минг отлиқ лашкарини бошлаб Чориқдарронга чиққан эди. Қўшинни учга бўлди: бир қисми тоғ тагида, унга сардор Шерюрак Шоший, иккинчи бўлакка — Қанғли Арслон билан сардор Олабуқа, учинчи бўлакка — Ҳусайн Гов сардорлик қиларди. Ўрта бўлак-

---

[1] Жадий — ҳижрий ҳисоби билан ўнинчи (октябрь) ой, форс-тожикча «бузғола», ўзбекча «тоғ эчкиси» бурж туркумидаги юлдузларга ўхшатма қилиб олинган.

[2] Шош вайронлари. Мелоддан илгари, II ва I асрларда Тошкент ва шу атроф ерлар Чоч деб аталган. VIII асрга келиб, араб истилоси даврида Шош номини олди. Йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Эронийлар уни Бинкент, деб ҳам атаган. Шаҳар баланд деворлар билан ўралган бўлиб, ички қисмини — Рободи доҳил, сиртини — Рободи ҳариж дейилган, XI—XII асрга келиб, қорахонийлар, салжуқийлар Тошкент деб атаган. Шаҳар XIII асрда Хоразмшоҳ Такиш ҳамда 1214 йили Кучлукхон томонидан вайрон этилган. XIV асрга келиб, Тошкент яна қайтадан тиклана бошлади. Амир Темур ва темурийзодаларнинг муҳим иқтисодий ва стратегик нуқтасига айланди. («Катта Совет Қомуси»дан)

www.ziyouz.com kutubxonasi

да ўзи, Шоҳмурод Қўҳистоний, яқинда Гурганждан сурилган собиқ сипоҳсолар Шаҳобиддин Хивақий, шайхулислом Хўжа Идрис Кубаролар турардилар...

Мор йили.

Куз эрта тушиб, далаларда изғирин-қорасовуқ ҳоким. Юз эллик йил муқаддам мор йилида Мовароуннаҳрга қорахонийлар ҳужум қилиб, ҳаммаёқни эгаллаган эди. Мор йили Искандар Зулқарнайн Дорога қарши Шарққа юриш қилган. Мор йили Доронинг ўзи Туронни босиб олган эди. Авом бу йилнинг бехосият эканини билса ҳам, жаҳонгирлар оёғи остида Мовароуннаҳру Хуросон топталгани тарихини фақат муллалар биларди. «Мурғ» ва «ҳамдуна» йиллари юрт тинч бўлиши, «гўсфанд» ва «бақар» йиллари ундан ҳам яхши — мўл-кўлчилик бўлади, деб ишонардилар.

Мўғуллар Хўжандга юриш бошламасдан бир ой аввал унинг шабадаси етиб келганди, Саритепа, Жилға, Бўрикалла тепаликларидаги қоровулхоналарда саржинларга ёғ сепиб бир муддатда аланга олдириб, душман бостириб келаётгани маълум қилинган эди. Темур Малик кўз олдига Саритепа қоровулхонасидаги Сирбой деган абжир бола келди. Лашкари, қоровулхоналаридан унинг кўнгли тўқ, уларга суяниб, мўри-малаҳдай ёпирилиб келаётган душманнинг йўлини тўсиб, Сайҳун ёқасига етказмай тор-мор этишни ният қилиб қўйган эди.

Ўтрорнинг ер билан яксон бўлгани, деворларигача бузиб ташлангани, босқинчилар у ерда бирон тирик жонни қўймагани, кексалар, болаларгача қириб ташлаганидан хўжандликлар огоҳ эди. Айниқса душман асир тушган навкарларга қуриган кўлдан туз ташиттириб келиб, шаҳар ерларига тўктириб, кейин ҳайдаттиргани, шу тариқа бу ерларда абадул-абад зироат битмаслиги чорасини кўргани хабари эшитганларни даҳшатга солди.

Ўтрор яксон бўлгани ҳамоно мўғулларнинг бир қисми Сиғноқни ўраб олиб, қаршилик кўрсатган шаҳару қалъаларни аёвсиз вайрон қилгани, бегуноҳ одамларни қиличдан ўтказаётгани, Сайҳун ёқасидаги қатор шаҳарларни: Жанд, Барчинликент, Хўжанд халқини қаттиқ таҳликага солди.

«...Чингизхон асир олинган Ўтрор ҳокими Инолхонни ўз ҳузурига келтиришга амр этди. У, кумушни эритиб унинг қулоғи ва кўзига қуйишни буюрди. У шундай жазода қийналиб ўлди»[1]

* * *

Ҳут[2] ёмон келди...

Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаб турган Хоразм давлатининг шарқдаги катта қалъаларидан бири — Ўтрор қўлдан кетиб, мўғулларнинг Сайҳун ёқалаб ёпирилиб келаётгани, ўз йўлида учраган қишлоғу кўчманчи Дашти Қипчоқ овулларигача ёндираётгани сарой аъёнларини қаттиқ таҳликага солди.

---

[1] Ан-Насавий. «Сират...» (16-бобдан)

[2] Ҳ у т — февраль.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гурганжда Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Соний саройида машварат устига машварат кетарди. Шарқий қалъаларнинг ҳокимлари иш берадиган йигитларнинг барчасини териб олиб, жаддаллик билан қўшинни кенгайтирардилар. Ем-хашак, пичан ғарамларини фармонга мувофиқ зўрлик билан тортиб олиб кетилгани, совуқ тушиб қолгани чорвага офат келтира бошлади. Ҳутнинг ёмон келганидан Сайҳун бўйларида нолиш кўп эди — молга пичан бўлмагач, қипчоғу қанғли уруғлари айниқса ночор аҳволда қолди. «Яхши келса, ҳутни кўринг, товоқ-товоқ сутни кўринг, ёмон келса ютни кўринг, керагида путни кўринг...» дейди чорвадор халқи. Даҳшатли ёв бостириб келаётгани сабабли баъзилар каламушдек ертўлаю ўраларга дон яшириша бошлади.

Келовчи тепалигидаги «султоннинг мустаҳкам истеҳкоми» фақат икки кунга бардош берди. Қуруқсой, Такали... қоровулхоналарига маълум қилмоқчи бўлиб, Келовчи тепалигида ёқилган олов бир лаҳзада ўчди. Чориқдаррон истеҳкомида турганлар тезда ёниб ўчган алангадан Хўжандга кираверишдаги асосий истеҳкомлардан ҳисобланган Келовчининг қўлдан кетганини дарҳол сезишди. Темур Малик Чориқдарронда ёвни тор-мор этиш учун асосий кучни дарёдан ўнг томонга олиб ўтган эди. Бугун ўн биринчи кун, Темур Малик қўшини Чориқдаррон атрофидаги кенгликда мўғулларни кутарди. У атай бу кенгликни танлади. Хўжанддан олислаб кетиш ҳам тўғри бўлмаслигини ўйлади. Шаҳарда эсанкираш, нотинчлик аломатлари сезилмас, аҳли тижорат бозор ва ҳунармандлар тирикчиликлари билан машғул, халқ орасида ваҳима йўқ. Буни кўрган сардор Муҳаммад Интизом ҳам ўн чоғлиқ йигитни қалъада қолдириб, ўзи Чориқдаррон майдонига жўнади. Шаҳарда Аҳмад ибн Мораз кўп ишларга бош-қош бўлиб юрарди.

Қорасовуқ.

Далаларда аччиқ изғирин кезади. Душанба куни эрта билан бу ерга келган мўғулларнинг бир қисм каллакесар, бошларига тумоқ кийган ваҳшатли суворилари шовқин солиб, Хўжанд қўшини билан тўқнашди. Биринчи куни Темур Малик кучларининг устунлиги сезилгандай бўлди. Қаттиқ зарбага учраганлар бақириб, афти башарасини буриштириб, қилич солувчи босқинчиларнинг деярли кўпчилиги ер тишлади. Лекин уларнинг орқасидан келаётган Сўқту нўён билан Тугуш ботир бошчилигидаги иккинчи, учинчи отлиқ қўшин йўл-йўлакай тўхтамай олатўпалон жангга кириб кетди. Улоқ нўён отлиқлари аллақачон жанг бошлаб юборган эди.

Жанг учинчи кунга ўтганда Чориқдаррон қишлоғи янчилиб кетди. Деворлар қулаб, пастак уйлар босиб қолган эди. Тарақатуруқ, амуд гарон, санги осмон... Маҳораба тўполони, отларнинг кишнаши, қиличу найзаларнинг шарақ-шуруғи, бақириқ-чақириқлар, хўжандлик паҳлавонларнинг наъравор ўкириги ҳаммаёққа ваҳима соларди. Ўн мингдан ортиқ отлиқ тўлиб оқаётган Сайҳун гирдобига ўхшаб дам у томондан, дам бу томондан бир-бирларини суриб кетардилар.

Ора-чора отдан қулаган паҳлавоннинг ё бўйнидан, ё пешонаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ҚӨн оқиб, ерда отлар оёғи остида ётарди. Мўғул отлиқлари бир-бирларидан ажралмай, зич ҳолда ҳужум қилишар, икки отлиқ ўз шерикларидан айрилдими, шу лаҳза, уларнинг ерда ётганини кўриш мумкин эди. Бошларига тумоқ кийган мўғулларни таниб олиб, найза урмоқ қулай эди-ю, аммо тумоқ киймаган маркит, кероитни ажратиш қийин эди. Шу сабабли, баъзан ёндан, баъзан орқа томонга ўтиб ҳужум бошлаган уч юз, тўрт юз маркит отлиқлари хўжандликларни анча шошириб қўярди. Мўғуллар ўнбоши, элликбоши ва юзбошилардан ажралиб, ўз тўдаларини йўқотмай, сочилиб кетмай ҳужум қилишарди. Жуда узоқ масофа — Олтой, Қумул, Турфон кенгликларидан, Нилка, Хонтангри чўққилари остидан бошлаб қанча тўқнашувлару катта-кичик жангларни кўриб келаётганлари сабабли, ортиқча ҳовлиқмай оғирлик билан жанг қилишар, гўё ўз ғалабаларига ишонишарди. Ўнбошининг белидаги сув ичадиган ёғоч идиши мабодо узилиб тушиб кетса совуққонлик билан отдан тушиб, ердан олар, лекин рўпарада қилич яланғочлаб, пайт пойлаётган хўжандликдан ҳайиқмас эди. Бу руҳий бардамлик, қандайдир ўзининг «Удирдагч»ига ишонч, олтину молу мулк, ёш хотинга эга бўлиш мақсади босқинчиларни яна ҳам чопқин қилишга ундарди. Мўғул, кероит ва маркитлар ёшликдан фақат жангчи бўлишни ўйлаб, яхши найза, ўқ-ёй, қилич, чидамли тезчопар от сотиб олардилар. Улар туялар билан эшакларни ҳам ўз қўшинларида олиб юрар, қозон, арқон, болтаю арра, игнаю майда мих, туз, ёмғирда ёпиниб юрадиган мато, намат каби анжому ашёларни ҳам ортиб олишар, олтингугуртдан ясалган ва ўт чиқариш учун тошу пўлат парчалари, фонусга ўхшаш нур сочувчи чироқлар олиб юришарди. Йўлда нимаики керак бўлса, ҳаммасини туяларга ортиб олишган эди. Ўлжа қилиб олинган аравларда табибу жарроҳ, турли дори-дармонлар ҳам тайёрлаб қўйилган, тилмочу табиблар жангга кирмай, орқароқда, нўёнлар атрофида туришарди. Мўғул қўшинида интизом ниҳоятда мустаҳкам, арзимаган бир жиноят учун жангчи ўлим жазосига ҳукм этилиб, шу лаҳза қилич билан боши узиб ташланар ёки ўра ёнида турғазиб қўйиб, ўқ-ёй билан кўксига отиб ўлдириларди. Шу сабабли қўшинда қочоқ бўлмасди.

Душман жангни тунда ҳам давом эттирди. Бир қисм отлиқлар ўзларининг карнайлари дўриллаб чалингач, орқадаги қўшин жангга кириб, бир қисм ҳолатдан кетган отлиқлар сафини ёриб ўтиб, кенгликка тушишди. Сув ичиб, отларини ҳам суғориб, наридан-бери ўзларини тартибга солиб, ниманидир кавшаб, яраларини боғлардилар. Баъзилари ўтириб пешхўн[1] ейишарди. Бу имконият хўжандликларда йўқ, кун бўйи давом этган сурункали жанг обдан тинкани қуритди. Фақат бир қисм, Шерюрак Шоший паҳлавон сарбозларига Темур Малик рухсат этди, улар ҳам тезда орқага ўтиб, ўзларини тартибга солишди.

Баъзан жангга кириб, қилич солишиб, баъзан жиловини буриб,

---

[1] Пешхўн — қовуриб, йўлга тайёрланган мол гўшти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

жангдан чиқиб, ўнг томондаги тепаликка кўтарилиб бунда ёлғиз ўзи жангни кузатаётган Темур Маликнинг нигоҳи ўн беш-ўн олти отлиқ ниҳотасида турган Сўқту нўёнга тушди. Отни чоптириб бориб, у билан яккама-якка олишмоқчи бўлди. Бу ишни у жуда ҳам хоҳларди. Лекин Шоҳмурод Кўҳистоний бундай хаёлга бормасликни, мўғулларда бундай тантилик одати йўқлиги, улар дарҳол ўраб олиб, найза уришлари мумкин эканлигини айтди.

— Одам юборсак бўлармикан у тўнғизга, — деди Темур Малик сардор Шоҳмурод Кўҳистонийга. Ундан сўнг чап томонида турган Шаҳобиддин Хивақий билан Хўжа Идрисга ҳам боқди.

— Мўғуллар бундай жангни билмайди. Истамайди ҳам... Одам юбориш хавфли.

Шаҳобиддин Хивақий ҳам бу гапни тасдиқлади.

— Бир синаб кўрайлик. Эҳтимол, Сўқту мен билан яккама-якка жангга тушар?

— Бу даргумон.

Шоҳмурод Кўҳистоний Темур Малик ёнидан пастга от чоптириб тушди-да, икки сарбозга гап тайинлаб, узоқда турган Сўқту нўён томон йўллади. Саркарда амри — вожиб! Шаҳобиддин Хивақий мўғуллар сардорининг якка жангга тушмаслигини, Сўқтудек Чингизхоннинг «суянган тоғлари» ни эҳтиёт қилиш хусусида фармон борлигини биларди. Буни Муҳаммад Интизом ҳам аллақачон Темур Маликка маълум қилган эди. Лекин саркарданинг фармони бажарилиши керак! Икки Хўжанд сарбози Сўқту нўён томон от чоптириб кетаётганини кўрган мўғуллардан ўн чоғлиқ сувори улар орқасидан эргашиб, нўёнга яқинлашганда ушлаб, отдан тортиб туширишди. Шу лаҳза уларнинг қўлларини орқасига боғлаб, нўёнга яқин олиб боришди. Тезда ғилай тилмочни топиб келишди.

Маҳмуд ялавоч[1] атрофида туркий ва форсий тилни биладиган бир неча маркит, найман уруғларидан бўлган кишилар мўғулларга тилмочлик қиларди. Улар туркийлар удумини қилиб, белини узун малла белбоғ билан бир неча бор айлантириб, танғиб оларди-ю, бўрипўстин, тулки тумоқлари мўғул мансабдорларига ўхшаб кетарди. Тумоқнинг орқа томонидаги осилиб турган «думи» — фидойиликни билдирарди. Шу тилмочлар ичида думалоқдан келган, бурни ҳам башарасига чўкиб ўтирган бақага ўхшаш, эт еб тўймайдиган кимсани «Ғулғул тилмоч» деб аташарди. У аслида туркий сўзлашига қарамай, сўзларига урғу бериб, «Ғу-ғу...» ва «найн» лаб, мўғулчага ўхшатиб гапирарди. Хўжандлик жангчилар ўз тилларида саркарда Темур Малик Сўқту нўён билан майдонда яккама-якка жангга тушмоқчи экани, қон кўп тўкилмаслиги учун

---

[1] Маҳмуд ялавоч — хоразмлик Маҳмуд ал-Хоразмий Чингизхон ҳукуматидаги Хоразм элчиси вазифасидан воз кечиб, мўғулларга сотилиб кетган. Истилодан кейин Мовароуннаҳрга ҳоким бўлган. Анчадан сўнг, мўғулларнинг Пекиндаги ҳокими ҳам бўлиб турган. Мовароуннаҳр халқлари уни хоин сифатида биладилар. Яна бир ривоятда у Турон учун ҳам хизмат қилган, дейилади. Ялавоч шахси мураккаб. *(Муаллиф)*.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу иш тантилик бўларди, деган гапни айтишди. Бу сўзни эшитган Сўқту нўён от устида турганича қаҳ-қаҳ уриб кулди, кейин сичқон думидек ингичка сариқ мўйлаби асабийликдан ликиллай бошлади. Ғазабнок нўён ўз навкарларига имо қилди. Икки мўғул югурганча келиб, отларни ёнида турган хўжандлик сарбозларнинг бўйнига ногаҳоний қилич уриб, икковининг ҳам калласини узиб ташлади. Отлар ҳуркиб кетди. Ерда ётган жасадни отга ортиб, маҳкам боғлаб, хўжандликлар томонга ҳайдаб юборишди. Икки қонли калла далада юмалаб қолаверди.

Бу воқеани ўз кўзи билан кўриб турган Темур Малик ҳам, Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам, Шаҳобиддин Хивақий ҳам даҳшатга тушиб, ғазаблари мислсиз алангаланди. Бу, ҳаёт-мамот жанги эканини яна ҳам аниқроқ пайқашди. Шу лаҳза Темур Малик Гурганжда ўтириб, машварат устига машварат тузиб, ғойибга ёлвораётган султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг нақадар жирканч кимса эканини кўз олдига келтирди. У от чоптириб бориб, мўғул тўдаларига ўзини урди. Бир неча дақиқа ичида икки мўғулнинг бошига қилич уриб, отдан йиқитди. Мўғул оти эгарига танғилган узун найзани суғуриб олиб, ерда ётган ярадор мўғуллар кўксига урди. У яна ҳамлага ўтиб, йўлбарсдек ўкириб, юрагидан наъра тортиб, душманга ташланарди. Танида қандайдир бир ғайритабиий куч пайдо бўлиб, тўғри келган мўғулни қилич билан уриб қулатарди. Оғизлари кўпириб, кўзлари ёниб кетган Темур Маликка рўпара келишдан қўрқиб, мўғуллар тислана бошлади. У тинмай бақириб, отларни ҳуркитиб, қилич соларди. Саркарданинг ғазаб оташида ҳамла қилаётганини кўрган бошқа хўжандликлар ҳам ғазаб алангасида ёниб, мўғулларнинг ҳозироқ орқага тумтароқ қочишларини ўйлаб, жон-жаҳдлари билан наъра тортиб, ҳужум бошлашди. Кексалигига қарамай, Шаҳобиддин Хивақий ҳам қиличини ғилофидан суғуриб, шайхулислом Хўжа Идрис Кубаронинг фатвосидан кейин от чоптириб, жангга кириб кетди. Саркарда Темур Малик жанг қондасини бузиб ўзи олатўполонга кириб кетгани барча сардорларни ҳам тек қўймади. Хўжанд туғи ёнида биргина Хўжа Идрис билан Муҳаммад Интизом қолди. Сардор, сарбозларнинг бир кучларига ўн куч қўшилиб кетди. Бошқа саркардалар ҳам тепаликдан кузатишни тўхтатиб, ўзларини жангга уришди. Бугун ҳам қоронғи тушгунча қиёмат-қойим бўлди. Чориқдаррон қишлоғи тамоман отлар туёғи остида қолиб кетди. Бунда биронта жонлик йўқ, каттаю кичик, хотин-халаж кўтарганини олиб аллақачон Қурама тоғлари этаклари томон қочиб кетган эди.

Хўжанд, Чориқдаррон узра тун қоронғилиғи туша бошлади. Учинчи тунга ўтарда мўғуллар хунук овозли карнайини чалиб, ўз отлиқларини Сариқ дашт — озгина сув оқиб ётган Ўткансой томонга олди. Сўқту негадир тунда жанг қилишни лозим топмади. Элчига ўлим йўқ деган гапни мўғуллар билмади, икки элчи — сарбознинг ўлдирилганидан кейин хўжандликлар ўлган-тирилганига қарамай душманга ташланишарди: Темур Маликнинг ўнг чаккасидан ярадор бўлиб, латта билан танғиб олганига қарамай, ола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўполондан чиқмай қилич солаётганини кўрган Сўқту нўён жангга тушмади-ю, тунда қўшинини бир ерга тўплади. Бугун кечагига нисбатан уч баробар кўп одам ўлгани, Чориқдаррон қишлоғи атрофидаги ерлар икки томон жангчилари жасади билан тўлганини кўрди. Тепаликда, шайхул-ислом Муҳаммад Хўжа Идрис Кубаро ўтирган еридан туриб: «Ўлдирган ғозий, ўлган шаҳид! Босқинчиларни битта қўймай қиринглар!» — деб қўлига қилич ушлаб, отлиқлар томон юра бошлади. Ҳолдан кетган хўжандликлар яна қайтадан шарақ-шуруқ қилич солиб, қалқонларни тарақлатиб, душманни отдан қулатиш пайига тушишарди. Шу аснода Темур Маликнинг кўзи Муҳаммад Хўжа Идрис Кубародан нарироқда, отдан тушиб, яланғоч, қонли қиличини ушлаб, шайхулислом фатвосини олаётган куркатлик мўйсафид сарбоз Муҳаммад Фақирийга тушди. У, ўз ўғли билан етиб келиб, қўшин ичида душман билан жанг қилаётганини кўриб, кўзига ёш олди. Чолга қараб узоқдан қўлини кўксига олиб бориб, «ташаккур!» деб бош иргади. Муҳаммад Фақирий билан орқасида турган ўғли дарҳол саркардага салом беришди. Душман жанг майдонини ташлаб Сариқ дашт — Уткансой томон чекингач, Темур Малик фармони билан хўжандликлар кимсасиз Чориқдаррон қишлоғида қолишди. Она тупроқни ташлаб кетишмади. Саркарданинг Сайҳун томон чекингиси келмади. У тун бўйи куч тўплаб, жангчиларга дам бериб, душман устига тўсатдан ҳужум бошлаб, Қурама тоғлари этагида уларни батамом ер билан яксон қилиб ташламоқчи бўлди.

Тўртинчи куни тонготарда Қурама тоғлари томонидан бўрон мисол от чоптириб келаётган мингларча мўғуллар тўппа-тўғри Чориқдарронга йўналди. Далага сочилиб ётган жасадлар ичида юрган қузғунлар осмонга кўтарилиб, сиртлону чиябўрилар тўрт томонга қочди. Эгари белига тушиб қолган отлар ҳам далада юрарди. Шимолдан ҳужум бошлаган душмандан чўчиб-ҳуркиб кетган ўнларча от тирақайлаганча дарё томон югурди. Қишлоққа яқин тепалик устига чиқиб олиб, пастдаги ўлиб ётган одамлардан кўз узмай, мунғайиб турган бошяланг бир девона ҳам югуриб келаётган мўғул отлари оёғи остида қолиб кетди.

Чориқдаррон вайроналари олдида улкан доира бўлиб турган хўжандликлар найзаларни тўғрилаб, душманни матонат билан қарши олдилар. Худди шу лаҳза, ўнгда — Қорамозорсой томонда чанг кўтарилиб, беш юзга яқин найзабардор отлиқлар пайдо бўлиб, бўрондай шиддат билан далада ёйилиб кела бошлади. Темур Маликнинг юраги шиғиллаб кетди.

— Жаноб, бўлар ким? Мўғулга ёрдамга келаётган маркитлар эмасми? — сардор Шоҳмурод Кўҳистоний олдида қўлини пешонасига соябон қилиб Темур Малик узоққа тикилди.

Қурама тоғлари тепасида пайдо бўлган қуёш қип-қизариб худди Чориқдаррон далаларида кесилган бошларнинг бирига ўхшарди. Чанг осмонга кўтарилгани сабаблими, офтоб нурсиз ва қизғиш кўринар, бу кесилган бошлар учун гўё у гуноҳкордай совуқ бир мис баркашдай безрайиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ҳайрон, саркарда. Сабаб чист, ки онҳо дар тарафи рост, бо мўғулҳо пушт ба пушт пайдо шудани... — деди Шоҳмурод Кўҳистоний беихтиёр ўз она тилисида гапириб, жон-жаҳди билан ўнгдан югуриб келаётган отлиқларга тикилиб.

— Йўқ, саркарда, уларнинг туғи бошқача... — деди шайхулислом Хўжа Идрис Кубаро, бир лаҳза дуони тўхтатиб, — бу туғ кўзимга таниш кўринмоқда. Ахсикат бегининг туғига ўхшайдур.

Кўп ўтмай ўнгдан ёйилиб, далада чанг кўтариб келаётган қўшининг туғдори Темур Малик ёнига етиб келди. Лекин анча яқинлашиб қолган мўғулларга саҳрода югуриб келаётган, кутилмаган отлиқлар биринчи бўлиб ҳамла қилди. Суворилларга юзига оқ парда тутган бир соҳибқирон сардорлик қилиб, жангга олиб кирди. Темур Малик ёнига етиб келиб, таъзим этган туғдор йигит шу лаҳзада сардори — юзига оқ тўр тутган соҳибқирон томон югуриб, ўзини жангга урди. Темур Малик воқеага тушуниб, ҳаяжонланиб кетди. Юзида пардаси бор сувори Афросиёб янглиғ қадди тоғ бўлиб кўринди. Темур Малик ҳам ўзини яна оломонга урди, у йўл-йўлакай Иброҳим Дўлдай, Ҳусайн Гов, Шерюрак Шошнй ва Шоҳмурод Кўҳистонийга юзига парда тутган ахсикатлик саркардани эҳтиёт қилиш, иложи бўлса, орқага олиб ўтишни, у қиз бола эканини маълум қилди.

«Ахсикат беги султоннинг номатлаб, хато фармонини тўғриламоқчи бўлган. Аслида биз ҳаммамиз бирлашмоғимиз лозим эди. Хато фармон тезда Ўтрор, Сиғноқ, Барчинликент, Жанднинг қўлдан кетишига сабаб бўлди», — деди отда ҳаллослаб кетатириб Темур Малик. Унинг сўзларини фақат Шаҳобиддин Хиваҳий билан Шоҳмурод Кўҳистоний фаҳмлади, холос.

Куркатлик Муҳаммад Фақирийнинг ҳам шу атрофда, саркардадан узоқ бўлмаган ерда жанг қилаётганига кўзи тушди. Бир лаҳзада «гулхани аднодин гулшани аълоға борурмен...» деб юраётган чолнинг «гулханда» қовурилаётганлигини фаҳмлади. «Гулшани аъло»ни қўятуринг, дегандек бўларди.

Хўжандликлар сафига озроқ бўлса ҳам ахсикатликларнинг келиб қўшилгани катта далда бўлди. Бу кучнинг иттифоқо жанубдан пайдо бўлиб қолгани Сўқту нўёнга ҳам маълум бўлиб, қисиқ кўзлари ғазаб билан ёниб, сичқондум мўйлаби ликиллай бошлади. У қўшин орқасидан келарди. Икки куч яна тўқнашиб, қийқириқ, наъраю радивор, қалқонларнинг тарақ-туруқи, отларнинг кишнаб, бир-бирига ташланиши, қиличларнинг осмонда чақмоқдек ярқираб тушиши қулоқларни қоматга келтирди. Жанг олатўполонига кириши қатъиян ман этилган саркарда Темур Малик юзига парда тутган, душман бошига тинимсиз қилич ураётган Ахсикат қўшининнинг сардори ёнига уриниб-суриниб етиб келди-да, қизни найзага илмоқчи бўлаётган икки мўғулни қилич билан чопиб ташлади.

— Ҳурматли соҳибқирон, жангни йигитларга қўйиб берсангиз! Мен билан бирга туғ тагига юринг! Келганингиз учун мингданминг ташаккур ва офарин! Бундан ортиқ ватандошлик, мардлик бўлмайди! Четга чиқмоқлиғингизни сўраймен!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен жанг қилганк, сримизни ҳимоя қилгани келганмен, саркарда!

— Сиз минг қатла ҳақсиз! — деди Темур Малик Шоҳмурод Кўҳистоний билан пардали паҳлавонга ҳужум қилаётган мўғуллардан яна ҳимоя этиб. — Аммо маслаҳат жоиз! Фармон шундай! Мен билан бирга тугимиз тагига чиқингиз! Отни тепага сурингиз!

— Саркарда, бу жазм-қароримиз қалбимиз амри! Мен жанг қиламен! Нима бўлса, шу! — деди кескин бир тарзда Ахсикат бегининг қизи Қоракўз бека. Бу гапдан сўнг у юзидаги оқ пардани олиб, ерга ташлади. Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий рўпарасида бенҳоя гўзал бир қиз пайдо бўлди.

Илож бўлмагач, Темур Малик, Хивақий, Кўҳистонийлар отлари бошини қайириб, олатўполондан четга чиқишди. Чориқдарроннинг қулаган томлари ёнида уларни кутиб турган ёлғиз отлиққа, «пистирмадагилар ҳам ҳозироқ ҳужумга ўтсин!» деб фармон берилди. «Ахсикат қўшинининг сардори — бека эҳтиёт қилинсин!» деган гапни ҳам айтди. Қишлоқнинг юқори қисмидан, тепалик орқасидан бирдан отлиқлар кўтарилиб, ўзларини жангга урдилар. Нариги томон тепалигида отда турган Сўқту нўён бу кучнинг келиб қўшилганини ҳам сезди. Шу маҳал у ҳам куч тўплаб, пастроқда турган отлиққа фармон берди. Отлиқ Ґакали томонга шиддат билан югуриб кетди. Орадан кўп ўтмай мўғулларнинг пистирмадаги отлиқлари ҳам жангга кирди.

Куннинг ўрталарига борганда икки томон ҳам кўп талафот кўриб, хўжандликлар сийраклаша бошлади. Душманнинг қўли баланд келаётганини сезган Хўжанд сардорларидан бир неча киши югуриб келиб, Темур Маликка зудлик билан шаҳарга қайтиш, шаҳар дарвозаларини маҳкам ёпишни маслаҳат беришди.

— Жангни Чориқдарронда тугатолмаймиз, саркарда! — деди Шерюрак Шоший, — бир қисм отлиқлар билан тезда Хўжандга қайтинг! Бизлар бунда жангни давом эттириб, душман йўлини тўсиб турамиз.

— Шундай, саркарда! Хўжа Идрис, Хивақий ҳазратларини олиб Хўжандга қайтинг, — деди сардор Олабуқа ҳам.

— Яна бир кечаю кундуз душманни ушлаб туришга кучимиз етади, — деди Ҳусайн Гов билан Қанғли Арслон, — тезда шаҳарга қайтмоқ лозим, саркарда!

— Бу тўғри маслаҳат, — деди Хўжа Идрис Кубаро, — вақтинча, билиб чекинмоқ ҳам зафарга йўлланма, буни усталик билан ўтказганлар жангда ғолиб чиқишлари муқаррар! Афросиёб ҳам чекинган. Аммо кучни тартиб тузиб, сўнгра яна ҳужум қилиб, душманни тор-мор этган. Бу, ҳақиқат!

Шу пайт отдан йиқилган ахсикатликлар сардори тепасида иҳота қилиб турган икки жангчига кўзи тушган Темур Малик яна шу томон югурди. Бошқа ахсикатликлар ҳам буни кўриб, атрофни ўраб келдилар.

Темур Малик дарҳол отига минди-да, ярадор Қоракўз бека

www.ziyouz.com kutubxonasi

душман қўлига тушмасин деб, уни ердан олиб оти эгарига ёнлама ўтқазиб, ўзи орқада, ярадорнинг қўлларидан ушлаб, Хўжанд томон чопиб кетди. Унинг орқасидан йигирматача отлиқ сарбоз сардор Шоҳмурод Кўҳистоний топшириғи билан от қўйиб боришди.

Ахсикат бегининг яралланган «соҳибқирон» қизини шахсан Темур Малик ўзи кўтариб олиб кетганини ахсикатликлар кўриб, юраклари таскин топди. Лекин Қоракўз бека ўзини Хўжандга олиб кетишликни сира истамасди, негадир у бир лаҳза бўлса ҳам Темур Малик билан ёнма-ён туриш истагида эди. У аслида Темур Маликни душмандан сақлаш учун бунда келганди. Хоразмшоҳнинг фармонига мувофиқ мўғуллар то Ахсикатга ҳужум қилмагунларича, қалъадан чиқмай туришлари керак эди. Бунчалик нодон фармон уни ғазабга солиб, отасига итоат этмай, беш юз Ахсикат сарбозлари билан йўлга тушган, шаҳзода Жалолиддин, Темур Малик, Шаҳобиддин ХиваҚийларнинг «ҳамма лашкарни бир ерга тўплаб, душманга қарши ҳужумга ўтиш» режаси тўғри экани, султон ва Туркон хотун фармонлари номақбул эканини отасидан эшитиб, жаҳлига чидолмай, чиқиб келган эди.

Мана, оқибат!

Темур Малик Сайҳун ёқасига етиб келгач, отларни қолдириб, бунда тайёр турган кемалардан бирига тушиб, Хўжанд соҳилига жўнади. Темур Малик ярадор Қоракўз бекани бағридан қўймай, елкасидан ушлаб турарди. Сочларини тўғрилаб, қалқон ичига яширди. Атрофидаги кишилар бу жангчи қиз бола эканини билишса ҳам, сездирмасликка ҳаракат қилишарди. Темур Маликдан ўзга кишилар кемада орқаларини ўгириб ўтиришарди.

— Саркарда, мени Хўжандга олиб кирманг. Мени бирон аравада отамларнинг ёнларига юборинг. Эрта тонггача Ахсикатга етиб олармен...

— Йўл узоқ, Хўжандда сизни дарҳол жарроҳ кўрмоғи лозим. Жароҳатни даволаймиз... Тузалиб кетасиз. Ахсикатга бориш мумкин эмас.

— Йўқ, мен Хўжандга кирмаймен! Мени аравада отам ёнларига олиб борсинлар! — Қоракўз бека ҳеч кутилмаганда Темур Маликнинг қўлларини ушлади, — буюк саркарда, дунё бебақо... Энди маҳшар куни юз кўришамиз...

— Азизам, ундоқ демагил! Биз босқинчиларни тупроғимиздан ҳайдаб чиқарамиз! Сенинг жароҳатинг тузалиб кетади. Отанг бек ҳазратлари отамнинг қадрдони эди. Яхши кунларга етишга умидвормен...

Қоракўз бека Темур Маликдан худди мана шу гапни кутган эди. Ўз қўли билан қизнинг пешонасини силаб, сочларини тўғрилаб қўйгани — бу унинг учун гўё муродга етгани ҳисобланарди.

Темур Малик Қоракўз бека илтимосини қондириб, қирғоққа чиқишлари биланоқ бунда тайёр турган аравалардан бирига намат-кўрпача ташлаб уни ўзи оҳиста кўтариб, ўринга ётқизди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўн чоғлик отлиқ йигитлар ҳимоясида Ахсикат сари йўллаб, ўзи яна шитоб билан Хўжандга қайтмоқчи бўлди. Лекин орадан кўп ўтмай Қоракўз бекани кузатиб кетаётган отлиқлардан бири орқага қайтиб келди. У Темур Маликка: «Ахсикат бегининг қизи дашт йўлида қазо қилди. Арава тўхтаб турибди...» — деди. Темур Малик ҳали қалъага кирмаган эди. У зудлик билан атрофидаги сардорларга топшириқлар бериб, от чоптириб, Қоракўз бека ёнига келди. Қизнинг жасадини аравадан олиб, ерга, намат устига ётқизишди. Дарҳол уч отлиқ — чопарни Ахсикат сари йўллаб, паҳлавон қизнинг шаҳид бўлганидан отасини, шаҳар аҳлини хабардор қилишни буюрди. Жанг майдонида шаҳид бўлган соҳибқирон шаҳарга олиб кирилмай, четда дафн этилиши удумига амал қилиб, Темур Малик уни ўз қўли билан дафн этишга қарор қилди.

Шу куни офтоб ботишига яқин Қоракўз бека жасадини даштда дафн этишди. Темур Малик қизни жанг либосида, қуроллари билан тупроққа топшириб, қабри устига қалқонини қўйди. Саркарда топшириғи билан тўрт жангчи уч кечаю уч кундуз қабр атрофида посбонлик қилишди.

Кейинчалик бу ерда пайдо бўлган қишлоқ Қоракўз бека номи билан аталган. «Қоракўз» асрлар ўтиши билан «Қистакўз» бўлиб кетган. Соҳибқироннинг қабри шу қишлоқ қабристони ичида, мана, салкам саккиз юз йил ўтишига қарамай собит, кўпларнинг зиёратгоҳига айланган.

Энг яқин ва қадрдон кишисини йўқотгандай Темур Малик шошма-пиша қазиган қабр тепасида чўққайиб ўтирди, кўз ёш тўкди. Анча вақтдан буён бу қаҳрамон қизнинг юрагидаги гавҳар орзуни сезмаганига ачинди. Қўшинни бирлаштирмай, султон, ҳар бир қалъа ўз йўлича душмандан мудофаа қилиши ҳақидаги «фармон»нинг ўта хато эканини, саройдаги хоинлар сўзига қулоқ солганини ҳатто Мовароуннаҳрдаги тўрт юз шаҳардан бирининг беги ҳам, унинг жасур қизи ҳам фаҳмлаган эди. Султоннинг бундан ортиқ шармандалиги, қўрқоқлиги ҳам бўладими?! Аждаҳо Ўтрордан бошлаб, Мовароуннаҳрдаги ҳамма шаҳарларни битта-битта домига тортиб келаверди.

Темур Малик қабр тепасидан қўзғалиб, яна Хўжандга югурди. У энди шаҳар қўрғонлари остида, дарёда жанг қилишга тайёргарлик кўрарди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

ГУРГАНЖДА АҲВОЛ...

Энди сўзни тарихнавис, мавлоно Шаҳобиддин ан-Насавийдан эшитинг:

«...Бу оғир аҳволда — таҳлика домида султоннинг биринчи тадбири Самарқанд атрофида шаҳар миқёсига тенг девор қурмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

анинг айланаси ўн икки фарсахни ташкил этмоғи керакдур. Ўз мансабдорларини, солиқ йиғувчиларини мамлакатнинг гурли вилоятларига юбориши ва Самарқанд деворини қуриш ниятида олти юз ўн бешинчи йил бўйинча иккинчи маротаба тўла хирож йиғишни буюрди. Хирож қисқа муддатда йиғиб олинди, аммо босиб келаётган саҳройи мўғуллар унга бу мақсадни амалга ошириш имкониятини бермади. Йиғилган динорлардан истеҳком қурилишига ҳеч нарса сарфлашга улгуролмадилар. Иккинчи тадбир: яна мамлакат бўйинча хирож йиғувчиларни юборди, уларга ўша йилда учинчи марта ер хирож йиғишга, бу йиғилган динорларга тўла қуролланган ёйандозлар тайёрлашни буюрди. Ҳар бир вилоят ёйандозларнинг миқдори у ерда йиғилган пулнинг кўплиги ё озлигига мувофиқ келиши зарур, жангчиларнинг ҳар бири миниш, қурол-яроғини ортиб юриш учун бир туяга эга бўлиши керак. Янгидан лашкар тўплаш иши имкон даражасида жуда тез ўтказилди. Улар пастга қараб оқаётган оқимга ёки камондан узилган ўққа ўхшаб, султоннинг байроғи остида тўпланмоқ учун ҳар гомондан йўналдилар.

Султон Чингизхоннинг яқинлашиб келаётганлигини эшитиб, ўз лашкарларини Мовароуннаҳр ва Туркистон шаҳарлари бўйлаб тарқатиб юборгани нотўғри ҳаракат эканини фаҳмлай бошлади. У Инолхонни йигирма минг сувори билан Ўтрорда, Қутлуғхон ва бошқа ҳарбий саркардаларни ўн минг сувори билан Шаҳрикентда, амир Ихтиёриддин, Қушлу амир-охурни ва Инонжхонни, Ўғул Ҳожибни ўттиз минг сарбоз билан Бухорода, Темур Маликни Хўжандда, ўзининг она уруғидан Тоғайхонни ва Гурни Хурманж, Ҳурзур ибн Иззадин, Курт Ҳусамиддин Масъуд каби амирларини ва бошқаларни қирқ минг қўшин билан Самарқандда, Айёр ан-Насавий деган ном била танилган Фахриддин Ҳабашни Сийистон қўшинлари билан Термизда, Болхамурхонни Вахшда, амакиси Оймуҳаммадни Балхда, Ўтрук Паҳлавонни Жондорудда, Ўғулчиқ Маликни Хутталиёнда, Аловиддин ал-Буртасийни Қундузда ва Аслабхонни Валжда қолдирди. Бир сўз билан айтғонда, Мовароуннаҳрнинг биронта шаҳрини ҳам катта қўшинсиз қўймади. Агар у қўшинларни тарқатиб юборгунгача, тоторларга қарши жанг очганда эди, у тоторларни ҳиқилдоғидин олғон ва ер юзидин бутунлай супуриб ташлаған бўлур эрди...»

Аммо, минг афсус, бу кучлар ўз ҳолича ҳаракат қилди, уларни бирлаштириш учун уринишга кечиккан, кўпгина қалъалар султондан юз ўгириб, ҳокимлар ўртасида адоват авж олиб кетган эди.

Мовароуннаҳрда борган сари таҳлика кучая бошлади. Мўғуллар ҳужуми саройларга эмас, бозорларга ҳам етиб келди. Нарху наво кўтарилиб, тижорат аҳлининг ҳамёни тўлиб, семира бошлади. Самарқанд, Бухоро, Гурганж, Ахсикат, Балх, Ўзган ва Қеш бозорларининг ўз оқсоқоллари бор, аммо Хўжанд бозорининг басавлат оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг эътибори илгаригидан юз чандон ошиб, отни ҳам, эгар-жабдуқни ҳам, қопу қанорни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам... унга буюрдилар. Хўжанд бозори Хорун ар-Рашид бунёд этган Бағдод бозоридан минг чандон ошиб кетгани, бунда филдан то игнагача сотиб олиш мумкинлигини оқсоқол Аҳмад ибн Мораз амалда исбот қила бошлади.

Таҳликали кунларда, султоннинг баданига майда қизилча тошиб кетгани, тунда уйқу йўқлиги сабабли Гурганжнинг таниқли табиблари саройга чақирилиб, шаҳаншоҳ дардини тезда даволашга фармон этилди. Табиблар султоннинг сутли таомлар истеъмол этиши, бир неча кун узлат этиб, ҳордиқ олишини тавсия этдилар. Султон табиблар сўзига амал қилиб, давлат ишларини шаҳзода Жалолиддинга топшириб (бувиси билан маслаҳатлашишни таъкидлаб), ўзи саройдаги хоҳонасида ҳар хил дорулар ичиб ётди. Баъзан кичик невараларини чорлаб, улар билан ҳангома қиларди. Кунлардан бир куни у катта хонага йигирмадан ортиқ невараларини тўплаб, вазири аъзам Низом ал-Мулк иштирокида сино-топишмоқ ўйини ҳам қурди.

— Энди осонроқ синовга ўтамен, — деди султон. Вазири аъзам кўксига босиб турган китобни султонга узатди. — Қани, ким топади? Оға-ини бир турару бир-бирини кўрмас ҳеч?

Мўйлаби сабза урган икки шаҳзода бир-бирларига қараб қўйишди. Султон атай уларга теккизиб бу топишмоқни айтдимикан? Бармоқларини ўйнаб, ўйлаб кетишди.

— Мен айтамен, улуғ бобо, — деди Жалолиддиннинг ўғли тик туриб.

— Айт!

— Жайҳун ила Сайҳун... Улар оға-ини, аммо бир-бирларини асло кўролмайдилар...

— Йўқ! — деди султон.

— Бу инсоннинг икки кўзи, — деди дик ўрнидан туриб Узлоғшоҳнинг ўғли.

— Бу тўғри! Топдинг, — дея бир оз ўйланиб қолди. Муқовани очиб, жавоби «икки кўз» эканини ўқиди. — Китобда аниқ жавоби дарҳақиқат икки кўз, аммо Жалолиддин ўғлининг муқоясаси ҳам жоиз эди. Жайҳун билан Сайҳун — оға-ини, аммо улар бир-бирларини кўрмайдилар ва учрашмайдилар.

— Яна бир топишмоқ, — деди султон, — ит деса — ирилламас, одам деса — уйга қўймас?

— Қулф! — деди топганига хурсанд, дик ўрнидан қўпиб Жалолиддиннинг ўғли.

— Топдинг! — деди султон, — яна топ! Қичкина қозоннинг оши тотли? Бу нима?

Яна сукут. Болалар ўйланиб қолишди.

— Мен топдим, — деди Жалолиддин ўғли яна ўрнидан туриб, — бу ёнғоқ.

— Топдинг!

Саройда султоннинг кунлари шу тариқа ўтарди. Аммо Сайҳун бўйида тинимсиз жанг кетарди, қон дарёдек оқарди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

ҚАМАЛ ВА ХИЁНАТ

Хўжанд ҳамма томондан ўраб олинди. Демак, тайёргарликларимиз яхши бўлмаган экан, деди пешонасини кафтига қўйиб Темур Малик. Мўғуллар кўпчилик ва яна камонда устунлик қилмоқда. Вазиятни тўғри баҳоламоқ зарур, улар жондан кечиб олишадур. Тепасига келиб турган Иброҳим Дўлдайга ҳам қарамасди. У йўл қидирар, мўғулларга панд бериб, қириб ташлаш чорасини изларди.

Душманнинг асосий қисми Музбек ва Мутуғил тоғлари этагида жойлашгани билан яна бир қисми Ходарвеш[1] дашти томон силжиб, дарёдан ўтишга уринарди. Улар қўлга олган кемаларда, қандайдир ғўла-ёғочларда, сузишни биладиган баъзилари қиличу найзаларини ушлаб, дарёда сузишарди. Баъзилари ҳатто Сарисанг, Тапқоқ ва Қаландархона томонларда, шаҳар деворлари тагида ҳам пайдо бўлишди. Вазият ниҳоятда мушкуллашди. Чорқишлоқ томонда Сўқту нўённинг ваҳший пиёдалари изғиб қолганига одамлар ҳайрон эди. Муҳаммад Интизом йигитлари тўпидан ажралган бир неча мўғулни тутиб, ўлдиришди. Аммо шаҳар девори томон силжиган мўғуллар кўп вақт тўдаланиб юришарди. Қўрғон тепасидан мўлжаллаб отилган ўқ баъзан уларни ер тишлатарди. Дарё ёқасида чумолидай ўрмалаган, ўлган-тирилганига қарамай шаҳар деворлари сари интилаётган мўғулларнинг ҳисоби йўқ эди. Улар шу даражада сурбет чигирткага ўхшардиларки, босиб-янчиб ўлдирганинг билан ҳеч тугашмасди.

Душман ички маҳаллалар сари сурилиб, Ўратепа дарвозаси орқали шаҳарга кирмоқчи бўлди. Қўрғон тепасида, кунгураларда, баланд томларда пойлаб турган хўжандлик навкар йигитлар душман тўдаси устига ёниб турган қора мой ағдаришар, оғир харсанг-тошлар ташлаб, мажақлаб юборишарди. Кимдир камондан ўқ узиб, нўённинг ёнгинасидаги мўғулни ағдарди. Улар ҳам ўқ отиб, тўрт томонга югуришди; томлардан, девор орқасидан ўқ отаётган хўжандликларни қидиришарди. Черебек, Чўянчи дарвозалари томон интилишарди. Қушбеги, Мадрасаи хиштин, Оҳунгузар, Хонақоҳ, Гумбаз, Қўшмасжид, Шаршара маҳаллаларида мингларча хўжандликлар қўлларида қурол-яроғу, паншахалару гавронгача кўтариб, душманни ичкарига қўймаслик учун тўсиқ тузиб, шай турардилар.

Темур Малик фармони билан Шоҳмурод ва Шерюрак ўз навкарларини тунда қалъа тагидаги яширин йўл — Тапқоқ орқали дарё бўйига, бунда шай турган кемаларга тушириб, дарё ичидаги истеҳкомга жўнатиб турди. Ҳоким қўшин тепасида, шаҳарда қолди. Одамларга мутлақо ваҳимага тушмасликка, қайси йўл билан бўл-

---

[1] «Бобурнома»да айтилишича, Ходарвеш дашти Хўжанд билан Конибодом оралиғида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

са ҳам душманни қириб ташлаш кераклигини буюрарди. Агар биз ўлдирмасак, у бизни ўлдиради, ё ватан, ё ўлим, дерди Темур Малик. Черебек ва Чўянчи дарвозалари оралиғидаги Мозор ва Кўрхона, Араб ва Қалъача томонларда айниқса жанг авж олди. Масжиди Савр ариғи томонда ёриб кирмоқчи бўлган душман билан жанг қилаётган Темур Малик, от чоптириб келган бир сарбоз хабаридан сўнг сардор Олабуқани бу ерда қолдириб, Қўшмасжид ва Араб маҳалласи томон от солди. Черебек дарвозасига яқин Кўрхона, Мозор ариқлари атрофида эрталабдан бошлаб тарақатуруқ жанг кўтарди. Тапқоқ билан юқорида Намозгоҳ, Хўжа Биробод, Зингари, Сада теги маҳаллалари қалъани ўраб турганн, бу томонни жуда эҳтиёт қилиш учун қалъадан унча узоқ бўлмаган Бозор, Тўбахон ва Пийри Сорбонага тўрт юз навкар юборилиб, кўчалар тўсилиши, ҳар эҳтимолга қарши қалъага борадиган бозор йўлида катта чоҳлар қазилишини буюрди. Душман Масжиди Савр ариқларини тўсиб, қуритиб қўйиши мумкинлигини ўйлади. Темур Малик хонадонларга сув олиб қўйиш, ҳовузларни тоза сақлаш лозимлигини буюрди. Дарё томондан кириш иложини қилолмаган мўғуллар иккинчи ҳафта ичи бетиним, ўлган-тирилганига қарамай жануб томондан — Чорчироғ, Чўянчи, Черебек ва Ўратепа дарвозалари атрофида жангни авжга чиқарди.

Кечқурун, қоронғи тушгач, бу ердаги душман кучи шаҳар деворлари тагидан орқага чекиниб, тоғ тагидаги ўз боргоҳларига боришар, иккинчи шай турган қисм улар ўрнини эгаллаб, яна шаҳар деворлари тагига ҳужум қилиб, камондан ўқ ёғдирарди. Тунги жангда мўғуллар Темур Малик қўшини дам олиб, куч тўпламаслиги учун шунчаки нотинч қилиб туриш мақсадида оз қўшину бақирув-шовқинни кучайтиришликларини, ҳийла-найранг ишлатаётганликларини пайқаган Темур Малик Тапқоқ ва Девонбеги томонидаги мингга яқин навкарни оқшомгача етказиб олиб келиб, душманга қарши солди. Бу чоғ душманнинг катта кучи дам олиш учун тоғ тагига кетган эди. Қичик куч етиб келиши пайтида Хўжанд суворилари беш юз чоғлик пиёда мўғул қўшинини ўраб олиб, қиличдан ўтказишди. Темур Малик, ҳозирги шароитда мутлақо асир олиб бўлмайди, чопиб ташлайберинглар, деб буйруқ берди. Хўжандликлар бу буйруқни икки баробар бажаришди, қочиб қутулмоқчи бўлганини ҳам орқасидан қувиб бориб чопиб ташлашди. Дарғазаб сарбозлар Чориқдарроондан сўнг фақат қириб ташлаётган эди. Эрта билан Чўянчи ва Черебек дарвозалари рўпарасидаги майдонда ширага тушган пашшадек мўғуллар ўлиги ер билан битта сочилиб ётарди. Иссиқ кунда ҳам бошларидан қўймайдиган тумоқлари бир томонда, тандан узилган каллалар бир томонда, қиличу найзалар бир томонда сочилиб ётарди. Бу мағлубиятдан хабар топган Улоқ нўён қилич ўйнатиб, қийиқ кўзларини шаҳарга тикиб бақирар, сиртлонга ўхшаб, тишларини кўрсатиб ирилларди. У ҳар ириллаганида атрофидаги йиртқич галалар тиришар, бошлари қуйи, қийиқ кўзларини илтижо билан тикишар, тишларини беда еяётган отдек кусурлатишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчи ҳафтада яна бошда тумоқ, эгнида совут, қилич ялангочлаган мингга яқин мўғул Чўянчи дарвозасига ёпирилиб келиб, бу ердаги сон жиҳатидан оз бўлган пиёда ва отлиқларни чопиб, янчиб, ичкарига интилди. Қўрхона ариғи ўлган, ярадор бўлган мўғулларга тўлиб, бирини устидан бири бостириб кела бошлади. Қўрхона ариғининг суви тошиб, пахса деворлар тагини сув босди. Эрталабдан-кечгача шарақ-шуруқ қиличлар-қалқонлар овози, қийқириқ, отлар кишнаши тинмасди. Майдону кўчалар одамлар жасадига тўлиб кетди. Оғлуқ, катта тут таги, Даҳнав маҳаллаларидаги баъзи уйлар ёна бошлади. Шаҳар жанубида, тунда беш юзга яқин мўғул қўшини ўраб олинниб, қириб ташлангани Улоқ нўёнга тинчлик бермас эди. У яралганган йиртқичдек у ёқдан-бу ёққа сапчиб, шаҳар сиртида ҳам, ичида ҳам жангни авжга миндирди. Мўғуллар ўлган-тирилганига қарамай, болами, каттами, хотинми, кексами чопиб, найза уриб, қалъа томон интилишарди. Кўчаларда жанг кетарди. Қуюндек оқиб келаётган беадад кучга бас келиб, Темур Малик атрофидаги садоқатли дўстлари билан бирга қилич солар, рўпара келган мўғулни қулатмай қўймасди. Баъзан найза урар, баъзан қилич... Саркарда қўшини катта кўчалар бўйлаб тисарилиб, бозор майдонига чиққанда Карнайчи деган жойда кўчани устунлар, харсанглар билан тўсиб қўйилди. Қоронғи тушиши билан мўғуллар орқадан куч келишини кутиб олдинга силжишни тўхтатди. Улар шу яқинда, яна икки маҳаллани ўтгач, қалъага етишликларини билишмасди. Бозор майдони юқорисидаги Баландҳовуз яқинида Темур Малик сарбозлари ҳам бир муддат тўхтади. Иморатларнинг нариги томонида мўғуллар борлигини томдан, мўри орқасидан кўриб турган йигит ҳамма ҳаракатни билдириб турарди. Томоқлар ниҳоятда қақраган, ўлим мутлақо кўзга кўринмасди. Биров тўпписида, биров ҳовучлаб, биров қумғонда, биров челакни бошига кўтариб сув ичарди. Шу даражада чанқоқлик авжга чиққан эдики, агар ҳозироқ мўғул бостириб келса бари бир тўппидаги сувни ташлаб юборишмас эди. Кимдир елкасидан, кимдир билагидан оқаётган қонни латта билан боғлар, кимдир ҳаккачоғланиб, юролмай оти ёнида турарди-ю, аммо ялангоч қиличини, қалқонини қўлдан қўймасди.

Шу лаҳза Муҳаммад Интизом Темур Малик ёнига келиб, бу ерда раҳнамоликни Ҳусайн Говга топшириб, ўзи тезда қалъани ёқалаб ўтиб, дарё томонга боришини, Кўҳистоний билан бирга оролга ўтишини маслаҳат берди.

— Бошқа чора йўқ, саркарда! Агар мўғуллар туни билан яна жазавада ҳужумга ўтсалар, эрта билан қалъада бўлишади. Бизни ўраб олишлари анниқ. Ўтрордан ҳам даҳшатли воқеа юз беради. Ҳозироқ яширинча дарё ичидаги истеҳкомга чекинмоқ даркор!

Темур Малик ўйланиб қолди.

— Бир дақиқани ҳам қўлдан бермаслик лозим. Мен ўз йигитларим билан Хўжандда қоламен. Сизни, яна ўн кишини менинг йигитларим қалъа ости билан кемаларга тушириб қўяди. Саркарда ҳазратлари, сўзимни қайтарманг, биз ишни шу ерда тамом

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш ниятимиз йўқ, биз лозим бўлса, қиёматгача жанг қиламиз! Сиз, мингга яқин сарбоз билан дарё ичидаги истеҳкомдан ҳужум қиласиз. Маслаҳатимиз шундоқ бўлган эди. Мен ўз йигитларим билан ичдан...

Атрофдаги сарбозлар Темур Малик билан Муҳаммад Интизом ўртасидаги бўлаётган гапни эшитмасалар ҳам, мазмунини аниқ фаҳмлаб турардилар.

— Саркарда, бошқа илож йўқ! — деди уч қадамча нарида турган давангир сардор Олабуқа.

Темур Малик унга тикилиб қаради. У яқинда икки мўғулни ер тишлатиб, Улоқ нўён орқасидан шиддат билан қувиб, калласини учириб юбораман деб кетаётганида бир мўғул отига ўқ узиб, мункитиб йиқитган эди. Оти қуламаганда, Улоқ нўённинг калласи кетган эди. Темур Малик жим, ўйланиб қолди.

— Саркарда, биз ҳам сизни истеҳкомга боришингизни маслаҳат берамиз.

— Азиз саркарда, биз ҳали уларга кўрсатамиз! — деди Қанғли Арслон. — Вақтинча чекинаётирмиз.

— Истеҳкомга ўтиш, Хўжанддан узоқлашмаслик тадбирини саркарда Жалолиддин маъқуллаган. Мен бу чорани шаҳзода билан маслаҳатлашиб олганмен. Чориқдарронда жангни ютқазсак, истеҳкомга ўтамиз; Жалолиддин бу ишдан хабардор. Самарқанд қўшинининг бир қисмини юборишни айтибдилар. Чопар келди, мана нома! (У дўстларига қоғоз кўрсатади.) Эҳтимол, бу қўшин билан Жалолиддиннинг ўзлари ҳам етиб келарлар.

Одамларда жонланиш, тетиклик, ишонч аломатлари пайдо бўлди.

— Эрта билан сизлар ҳам истеҳкомга ўтасиз! — деди яна Темур Малик.

Шундан сўнг ўн беш чоғли йигит Темур Малик билан қалъани ёқалаб, дарёда лопиллаб турган кемаларга тушиб, Сайҳун ичидаги истеҳком томон сузиб кетишди. Кемалар оқшом қоронғисида кўздан йўқолгунча, Муҳаммад Интизом ва бошқа сардорлар йигитлари билан кузатиб туришди, сўнг айғоқчилар халталаридан соқол-мўйлабларини олиб, юзларига ёпиштиришди. Савдоргарлар қиёфасида шаҳарга кириб кетишди... Ёмон аҳвол юз бергундай бўлса, карвонсарой ёки Қаландархона томонда учрашишга қарор қилишди. Улар яна тезликда Карнайчи ва Намозгоҳ томонга, навкарлар ёнига боришди, саркардани омон-эсон истеҳкомга ўтказиб юборишганини Шерюрак Шоший билан сардор Олабуқага ҳам айтишди. Шундан сўнг, Муҳаммад Интизом бу ердаги йигитларга зафар тилаб, Тапқоқ маҳалласига, ундан қалъага ўтди. Миршабхона саркорини ёнларига олиб, тун қоронғисида уч томонга йўл олишди.

Ёнаётган шаҳар ичида яна шарақ-шуруқ қилич қалқон овози, айланма кўчалар ичида «ғуду-ғирр, найн-ғирр...» деган тушуниб бўлмайдиган даҳшатли товушлар эшитилиб турарди. Тун бўйи кўчалар ичида жанг, хотин-қизларнинг аянчли фарёдлари, бола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар йиғиси эшитилиб турарди. Қуролларнинг шарақ-шуруқ овози баъзан аёл кишининг ўткир фарёдини ҳам, оғилхонадаги сигирларнинг қўрқувдан маърашларини ҳам босиб кетарди. Чарс-чурс қилиб ёнаётган уйларда фарёд, кийим-кечаги ёниб, қочаётган одамлар яна мўғул тиғига рўбару келиб, ерга шилққа йиқилишарди.

Қиёмат-қойим... Тун қоронғиси, ўт кетган уйлар шуъласида икки куч шарақа-шуруқ қилич солишарди. Хўжандликлар ҳолдан тойганига қарамай ҳаёт-мамот жанги қилишар, агар уларнинг чинакам паҳлавон йигитлардек олишаётганини саркарда кўрганида садоқату фидойиликларидан ичга сиғмай хурсанд бўлиб йиғларди. Йигитлар она тупроқни деб Алпомишу Гўрўғли, Рустаму Суҳроб каби жанг қилишарди.

Тонготарга яқин Қўҳистоний ҳоким номидан фармон бериб, жанг қилаётган йигитларнинг бир қисми дарё ёқасига тушиб, бу ердаги кемаларда оролга ўтиши лозимлигини маълум қилди. Тонг ғира-ширасида кемалар жуда тез қатнади. Баъзи кўчалардан чиққан навкарлар жанг билан қирғоққача чекинишди. Дарё ёқасида турган хўжандликларни кўрган мўғул тўдалари бетлаб келолмай, ичкарига — ёнаётган шаҳарга кириб кетишарди. Қирғоққа бехосдан отилиб чиққан бир қурум мўғул отлиқларини дарё бўйида турган сардор Олабуқа йигитлари шу лаҳза ўраб олиб, чопиб ташлашди. Ўн чоғлиқ суворидан бирортаси ҳам орқага қайта олмади. Хўжандликлар кема келишини кутиб туриб ҳам жанг қилишади. Бир кемачига оролдаги Темур Малик сузишни биладиганлар кутиб ўтирмай, қилич-қалқонини кемага ташлаб, сузиб келиша берсин, дарё тинч оқмоқда, дебди. Кема эшкагини тинмай эшаётганлар бу хабарни қирғоқдагиларга етказди. Эҳтимол, бу билан саркарда кишиларнинг сузишга қанчалик лаёқати борлигини ҳам билмоқчи бўлгандир.

Шерюрак бир неча йигити билан кемага тушаётиб, қалъа томонга кўз ташлаб, уйларнинг ёнаётганини кўрди. Шерюракдан икки юз қадамча нарида, дарё ичидаги оролда турган Темур Маликнинг ҳам шундай манзарага кўзи тушди.

Хўжанд ер билан яксон бўлиб, чўкаётгандай, одамлар куйиб кул бўлаётгандай... Унинг ичи ёниб, интиқом ўти аланга оларди. У ўз жонини сақлаб, бу ёққа ўтдими? Йўқ! Унинг учун ўлим ҳозир ҳеч гап, шаҳар ёнганидан кўра минг маротаба қийноқ ўлимига рози эди. У енгилишни бўйнига олмас, тинимсиз жанг қилмоқ, фақат шу йўл билан душманни тор-мор этмоқ мумкин, дерди. У айқириб оқаётган дарёга тикилар, кучли дарё унга қудрат бағишлаётгандай эди. Сув гўё: «Эй, саркарда, мен отдан ҳам, филдан ҳам кучлиман, менинг елкамга мин, мен сени душман устига олиб борамен, мени улар ўқ отиб ҳам, қиличу найза уриб ҳам ўлдириша олмайди! Мен енгилмас ва қудратли арғумоқмен! Менинг елкамга мин, эндиги жангда мен сенга ёр бўламен», дегандек бўларди. Шу қудратли арғумоқни паноҳ этиб Темур Малик дарё ичига кирди. Бу «арғумоқ»қа манжаниқдан тош отиб ҳам етказа олмай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дилар, ўт очиб ёндиролмайдилар. Темур Малик ёнаётган Хўжандга, ундан кейин дарёга тикилди. У ёқда онаси, фарзанди — уч яшар Метин Малик, хотини Ойчечак ва бошқа қадрдонлари қолди. Юрагини алам ғижимлай бошлади. Агар яна бир кун ичида уларни мўғуллар ўлдирмаса, қутқазиб олиб келиши аниқ. У шуни ўйлади. Бошқалар-чи? Хўжанддаги бошқа одамлар-чи? Бошқа онаизорларнинг бола-чақалари-чи? Унинг фарзандлари бошқаларникидан азизми? У ўйланиб қолди.

Мўғуллар қалъани ўраб олиб, бостириб киришга интилардилар. Улоқ нўён ўз айғоқчиларини ишга солиб, Баландҳовуз маҳаллосидан бозор майдонига, ундан миршабхонага ўтди. Шу йўл билан Девонбеги орқали шитоб билан Сайҳун бўйига тушди-да, қалъани ўраб олишга уринди. Қалъани ҳимоя қилиб турган хўжандликлар дарвоза олдида яна қаттиқ жанг бошлаб юборишдилар. Девор тепасидан ёниб турган қора мой, харсангтошлар ташлаб, душманни мажақлаб ўлдирдилар. Қалъа дарвозаси яқинида бўлаётган жангни шу ердаги бир ҳовли ичидаги молхона туйнугидан Муҳаммад Интизом анча вақтгача кузатиб турди. Очиқ жангга тушишдан ўзини тийиб турган сардор мардларча ҳалок бўлаётган, ҳеч нарсадан қўрқмай, ўлимга тик боқиб, қалъани ҳимоя қилаётган йигитларни кўриб, ичдан тасаннолар айтарди... Саркарда Темур Малик уларни тўғри тарбия қилганини фаҳмлади. Бу йигитларнинг баъзи бировларидан шубҳаланиб, агар бошимизга иш тушса, савдогарбаччалардек хиёнат қилади, деб бад оларди. Уларнинг ҳозирги садоқати, гарчи мағлубиятга кетаётган бўлсалар ҳам ватан йўлида қаҳрамонона жанг қилишлари ниҳоятда кўнглини кўтарди. Шубҳаланиб, кўз остига олгани, конибодомлик, ўшлик икки йигит мўғуллар билан чунонам жанг қилдики, буни кўриб унинг оғзи очилиб қолди. Уларнинг иккови ҳам паҳлавон сифатида шаҳодат топди. Муҳаммад Интизом ола-тўполон жангни кузатиб туриб, найзага илиб кўтарилган конибодомликнинг ўлимини кўриб, беихтиёр юзига фотиҳа тортди. Бу ўлим Муҳаммад Интизомни яна ҳам дадил қилди. Икки йигит ўнга яқин мўғулни чопиб ташлаб, охири ҳалок бўлди. Мўғуллар тўдаланиб келиб уларга ёпишмаса, енгишолмасди. Улар конибодомлик йигитни найзага кўтаришди, лекин ўзлари ҳам завол топишди.

Қалъа атрофида мўғулларни жанг билан ушлаб туриш кўпчилик қўшиннинг оролга ўтиб олишини таъминлаган эди. Бу пайт яланғоч йигитлар сувнинг оқими билан қиялаб сузиб, оролдаги истеҳкомга ўтиб олишди. Бу томонга мўғуллар ҳужум қилишини кутиб турган камонандозлар заҳарланган ўқларини ёйга қўйиб шай турардилар.

* * *

Қалъа посбонлари тенгсиз жангда деярли барчаси ҳалок бўлди. Қалъада ҳоким ва бошқа сардорларнинг оилалари тўпланганлиги, ҳужжату Хўжанд бойлиги сақланаётганлиги сабабли юзга

www.ziyouz.com kutubxonasi

яқин яхши қуролланган йигитлар сўнгги дақиқагача мардонавор жанг қилиб ҳалок бўлишди. Мўғуллар қалъа ҳовлисига бостириб кириб, у ёқ-бу ёққа аланглашди. Шу пайт қўрқув ичида қалъа ҳовлисига Бинафша бегим тушди. Ҳовли негадир жимжит. Мўғул жангчилари иҳотасида, от устида туриб, у ёқдан-бу ёққа аланглаётган Сўқту нўён ёнига шатиллаганча келди-да, бир нималар дея бошлади. Мўғуллардан бири қиличи билан чопиб ташламоқчи бўлган эди, Сўқту нўён уни тўхтатиб, туркий тил биладиган тилмочини қидиртирди. Мўғул ҳарбийлари кийимидаги бир одам қуроллилар орасидан туртиниб Сўқту нўён ёнига келди.

— Бундан сўра, нима дейди?

— Эй хотин, нима дейсен? — деди тилмоч ҳаллослаб.

— Мана, мана! — Бинафша бека ёнидан мўғул пайзасини чиқариб кўрсатди. Тилмоч уни қўлига олиб, дарҳақиқат бу мўғул пайзаси эканини Сўқту нўёнга кўрсатди. — Менга бу пайзани Маҳмуд ялавоч савдогарлари берган. Савдогарнинг ўзи шу ерда, мен унга золим Темур Маликнинг ҳар куни ҳарбий машқлар қилаётганини айтганмен... У савдогар бозорбошида дўкондорлик қилади. Мени Темур Малик кишилари қийнаган, унинг сардори Муҳаммад Интизом ўлдирамен деган. Мен ҳам, Ойчечак ҳам Туркон хотун уруғларидамиз. Мен... Ҳали гапирадиган гапларим кўп...

Тилмоч Бинафша беканинг ҳамма гапларини мўғулча қилиб, сўзма-сўз айтиб берди.

— Бу хотинга тегманглар! У бизга керак, — деди Сўқту нўён жиддий бир тусда. У, отдан эгилиб, Бинафша бекага қулоғини яқин олиб келди, кейин сўради: — Темур Маликнинг хотини қаерда?!

— Ичкарида.

Бу гап ҳам сўзма-сўз таржима этилди.

Сўқту нўён дарҳол отдан тушди. Бир неча мўғуллар иҳотасида ҳовлини кесиб бориб, зинапоялардан кўтарилиб, катта айвонга чиқди. Ундан олдин зингиллаганча Бинафша бека бориб, айвонга ёзуғлиқ такаёвмитнинг қизил гилами устига курси қўйди. Биққасемиз Сўқту нўён виқор билан курсига ўтириши билан Бинафша бека ичкарига кириб, бир муддатдан сўнг обдан ясанган, бошига оқ ҳарир парда тутиб «келин» бўлган Ойчечакни олиб чиқди. Ойчечак мўғулга эгилиб салом берди...

— Бу, сизлар ўлдирган ўша золим Темур Маликнинг хотини! Бу, Ойчечак маликам у ярамасдан кўп зулм кўрган. Темур Малик ишратбоз эди...

«Сизлар ўлдирган ўша Темур Малик» деган сўзни эшитган Сўқту нўён ёнидаги мўғулга қачон ўлдирибмиз, дегандек қараб қўйди.

— Бу могайнинг[1] гапи ростми?

— Йўқ, у қочди, — деди мўғул ўз тилида.

— Бари бир, тутиб ўлдирамиз! — деди Сўқту нўён яна ҳеч

[1] Могай — илон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ким тушунмайдиган ўз тилида. У яна Бинафша бекага, ундан кейин Ойчечакка тикилди. Бинафша бека бориб, Ойчечак юзидан пардани кўтарди. Сўқту нўён оғзини очганча бақрайиб қараб қолди...

— У — шу бугундан бошлаб менинг хотиним!

— Мен ҳам буни тасдиқлаймен. Ойчечак ҳозирдан бошлаб ғолиб саркарданинг хотини! Ғолиб саркарда — сен! Лекин биз мусулмонлар одатига кўра, мулла чақирилиб никоҳ ўқитилишини илтимос қиламиз.

— Мен рози. Мусулмонлар одатини қиламиз. Кечга, хона эшигига мулла келтириб қўйинглар! Хонани менинг кишиларим тайёрлайди. Ҳеч қаёққа чиқмай, уйда ўтиринглар!

Сўқту нўён ўрнидан туриб, қуролли мўғуллар иҳотасида ҳовлига тушиб, отига минди. Қалъа ҳовлисида, дарвозалар ёнида, кўчаларда йиқилиб, чўзилиб ётган жангчилар ўлигини йиғиштириб олишни, ҳамма ерга қоровуллар қўйишни, бўғиб қўйилган ариқларнинг тўғонини очиб юборишни буюрди. Кўчага чиқиб, баландликдан кафтини қисиқ кўзлари устига соябон этиб дарё томонга тикилди. Шаҳар гўё тинчиган ҳисоб, мўғуллар — церег[1]га уч кун муҳлат бериб, шаҳарни талаш, қимматбаҳо нарсаларни олиш, хотин-қизларни зўрлаш, кўнглига ёқса «ўзларига хотинликка олиш», бу ишда ким қаршилик қилса, ўлдириб ташлашга рухсат берилди. Ўзи яна кўтарилиб, Хўжанднинг Сариптепа дўнглигига чиқди. Дарёнинг нариги томонида фалакка қад чўзган Музбек ва Мутуғил тоғларига тикилди. Бу тоғ этагида Сўқту нўён Ўтрордан ҳайдаб келинган ўттиз минг асирлар тоғ этакларида ётганини хаёлидан ўтказди. Хўжанд олингач, улар Қонибодом, Исфара, Ахсикат, Хўжанддан то Ўшу Ўзгангача юришлари, бу ерларнинг ҳаммасини босиб олишлари керак эди. Улоқ нўён Хўжанд шаҳрига бостириб киргани ҳақида Сўқту нўёнга хабар қилди. Бу хабар шу кунларда қаттиқ жанг кетаётган мусулмонларнинг муқаддас шаҳри — Бухоро ёнида турган Чингизхонга етишини жуда истарди.

— Цайз[2] қўлимизда, — деди Сўқту нўён ёнидаги шеригига хурсанд боқиб, бугун қўйнига кирадиган Ойчечакни кўз олдига келтириб.

Шу куни қалъа ҳовлисида ўндан ортиқ қўй сўйилиб, қозонларга ташланди. Ҳаммаёқда мўғуллар ҳокимлик қиларди. Бугун Шоҳмурод Кўҳистонийнинг хотини ва бўйи етган қизини мўғуллар зўрламоқчи бўлганида ўзларини қалъа деворидан ташлаб, ҳалок қилишгани хабари тарқалди. Шерюрак Шошийнинг хотини ҳам заҳар ичиб ўлганини эшитишди. Аммо Ойчечак шу кеча обдан безаниб, пардоз-андоз қилиб, зиёфатдан кейин Сўқту нўён тўшагига ўзини ташлаб, «ғолиб»ни эҳтирос билан маҳкам қучоқлади. Сўқту нўён «мусулмон аёли» Ойчечакнинг эркаланишлари, қилиғу

---

[1] Церег — қўшин.
[2] Цайз — қалъа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қичиқларидан ниҳоятда мамнун бўлиб, бу томонларга бекорга келмагани-ю, бу лаззат пайғомида қанча мўғулларнинг ер тишлаганини ҳам тамоман унутди. Ойчечак ҳам саркарда Темур Маликни, хизматкор қули қўлидаги уч яшар ўғли Метинни тамоман унутди. Сўқту нўён тўшагида бир жаҳон бўлиб, эркаланиб, шаҳвоний лаззатни суриб ётарди... Умр бўйи ўрганган хотинлик «санъати»ни, қилиғу қичиқларини ишга соларди. Сохта инграрди...

— Сизлар гўштни кўп ейсизлар-а? — деди таманно билан Ойчечак ярим тунда тўшакда ўтириб қўйнинг катта бир устихонидаги гўштни чайнаётган Сўқту нўённинг сонларига юзини текизиб.

— Ҳа. Сен ҳам гўштни яхши ер экансан... — деди Сўқту нўён кинояли, — эринг қондиролмасмиди?

Ойчечак танглай қоқиб, кулди...

Сўқту нўён гўшт чайнаб туриб, Чингизхон сўзини эслади: «Бу ернинг одамлари гиёҳу ўсимликларни ер экан, бизларда гиёҳни мол ейди, биз мўғуллар молни еймиз. Бу ерликлар одам эмас, мол. Мол бўлгандан сўнг уни сўябериш мумкин».

Ойчечак мўғулнинг ишрат тўшагида наҳс босиб ётгани бу томонда турсин, энди икки оғиз сўзни Темур Маликнинг уч яшар ўғли Метиннинг бир кечада ғойиб бўлишидан эшитинг.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

ТЕМУР МАЛИКНИНГ УЧ ЯШАР ЎҒЛИ МЕТИННИНГ ҒОЙИБ БЎЛИШИ

Темур Малик ўз сарбозу сардорлари билан дарё томон чекинаётганини сезган ҳовлисидаги садоқатли хизматкори Ғулом деган кекса одам болохона деразасидан отлиқ мўғуллар тўдаси Девонбеги томонларда пайдо бўлиб, қалъани қамал қилишга интилишаётганини аллақачон пайқаган эди. Шаҳар дарвозаларининг баъзилари бузиб ташлангани, душман қалъага яқинлашиб келаётгани, қалъадан унча узоқ бўлмаган Темур Малик ҳовлисини ҳам хавф остида қолдирганди. Бу ҳолат саркарда хонадонида кўп йиллардан буён хизмат қилиб юрган, ёши анча жойга бориб қолган Ғуломни ҳам саросимага солди. У кеча тушдан кейинроқ иш қўлдан кетганини пайқаган эди. Супургисини отиб юбориб, белига эски бир қилични тақиб олди. Бу иш ҳам бўлмади, тўс-тўполон ташқарида авжга чиқиб, шаҳарнинг Қаландархона, Сарисанг томонларида уйларга ўт кетганини ҳам кўрди. Бир бошга бир ўлим, деди ўзига ўзи, ўн душманни ўлдиришга кучи етмайди, аммо бирини ўлдириши мумкин! Ҳозир шу ҳам керак! Агар у ўлдирмаса, душман уни ўлдиради, бунда ҳам Ўтрор фожиаси бўлиши аниқ! Бинафша беканинг тамоман ўзгариб қолгани, мўғулларнинг қалъага бостириб киришини кутиб ўтиргани жуда таажжуб, деди ўзига ўзи. Камгап, доимо оғзини очиб, бақрайиб турадиган бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматкордан Бинафша бека ҳам, Ойчечак ҳам мутлақо шубҳаланишмасди, унга иш буюришарди-ю, унинг нима ҳақида ўйлаётгани, нима қилмоқчи эканига қизиқсинишмасди. Унинг эски, занглаган шамшир кўтариб юрганини кўриб, Бинафша бека қаҳ-қаҳ урриб кулди. «Ташла уни, нодон чол! Иш қолипдан кўчди! Битта-яримтасининг кўзи тушса, бошинг кетади!»— дея яна қаҳ-қаҳ урриб кулди. Қовоқ солиб, тўрсайиб ўтирган Ғулом ўгирилиб, ўз ҳужрасига кирди, эски қиличини ташлаб, этиги қўнжига ўткир пичоқни тиқди-да, қош қорайишини пойлаб ётди. Эски хуржунига нималарнидир солиб, йўл ҳозирлигини кўрди. Қалъа дарвозасидаги посбонлар ёнига борриб, нималарнидир шивирлади. Боғлоқлик отлардан бирини эгар-жабдуқларини тортиб кўриб, олдига хашак ташлади. Ғуломнинг гапи ўнбошига маъқул бўлдими, у саркарда маҳрамининг илтимосига «хўп, майли...» деб жавоб қилди. Қоронғилик чўккач, Ғулом ҳеч кимга сездирмай, ўз ҳужрасидан хуржунни олиб чиқиб, суғориб, айили таранг тортилган тўриқ от устига ташлади. Ундан сўнг, саркарда истиқомат қиладиган хонага кириб, нималарнидир излади. Дам ичкарига, дам ҳовлига, дам зиналардан кўтарилиб, дам қалъага мокидай ғизиллаб борриб-келиб юрган Бинафша беканинг Ғуломга кўзи тушиб, сув олиб келишни буюрди. Лекин ичкари хонада ўзи билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолиб, йиғлаб ўтирган уч яшар гўдак хизматкорни кўриб: «Мени ол», дегандек қаттиқроқ йиглади. Бу саркарданинг фарзанди Метин эди. Гўдак хизматкор чолни жуда яхши кўрарди. Баъзан саркарда ёнида гўдакни кўтариб, ҳовлига олиб чиқар, эркалар, соқоллари билан унинг даҳанларини қитиқлаб, кулдирарди. Ғуломга кўзи тушган гўдак полапон қушдек интила бошлади. Ғулом бир қўлида мис кўза, бир қўлида гўдак, Бинафша бекага таъзим қилди. «Беглар ойим, рухсатингиз билан болани бир оз ўйнатамен, сув ҳам олиб келамен...» деди. Хаёли ўзида эмас Бинафша бека: «Майли, боланинг овозини ўчир, ўйнатиб келақол», деди. Ғулом шу лаҳза фурсатни қўлдан бермай, гўдакни кўтариб, тўппа-тўғри дарвозага — ўнбоши ёнига келди-да, устунга боғлоғлиқ тўриқни ечди. Бир сакраб отга минди. Ўнбоши болани ердан кўтариб, Ғуломга узатди. Қалъанинг Тапқоқ маҳалласи томонидаги дарвозабонлар Ғуломни чиқариб юборишди. Олдиндан мўлжаллаб қўйгани — режаси бўйича Ғулом ҳали мўғуллар етмаган шаҳарнинг Ўратепа дарвозаси томон айланма — жинкўчаларидан ўтиб, бунда қўриқлашнинг маъноси ҳам қолмай, очилиб ётган дарвозадан чиқди. Шаҳар қўрғонидан бир оз узоқлашгач, аввал Конибодом томон қочсаммикин, деб ўйлади. У далама-дала юргач, Конибодомдан кўра ҳам Куркат, Нав, Қорасув томон юришни лозим топди. Бу томонларга ҳали-бери мўғуллар келолмаслигини, ҳар қалай тоғ ичига киришни кўзлади. Баъзан отга қамчи босиб чоптирар, баъзан чарчаган от лўкиллаб юрарди. Қимсасиз дала... Аллақаерда кўппаклар вовилларди. «Э, нодон кўппаклар, ўзингникига вовиллайсанми?! Босқинчи мўғулларга вовилламайсанми?!»—дерди Ғулом. Куркатда узоқ қариндошларидан бири тури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шини биларди. Мабодо, бунда бир-икки кун бўлса, ундан Ўратепа орқали Шаҳристонга, кейинчалик Панжруд қишлоғига жўнаб, ўша ерда яширинишни кўзлади. Бу гўдак Темур Малик фарзанди эканини ҳеч кимга билдирмасликни ҳам кўнглидан ўтказди.

Ярим кечага борганида Метин унинг тиззасида ухлаб қолди. Шу яқиндаги бир хонадонга тушиб, дам олишди. Хўжандда бўлаётган қиёмат-қойим ҳақида деҳқонларга гапириб берди. Бу невараси экани, ўзи хўжандлик бир фақир киши эканини айтди. Бунда дам олиб, чой ичиб, қоринларини тўйдиришгач, отни ҳам суғориб, хашак беришди. Тонготарда у яна отига миниб, тиззасида Метин билан Шаҳристон томон йўл олди. Агар унда синглиси ёки инисини тополса, замон тинчигунча яшириниб туришни ўйлади. Агар тополмаса, Панжрудга жўнашни, унда жиянлари, яна бир иниси борлиги аниқ, Панжруд тоғ оралиғи, бу ерга мўғул етиб келолмаслигини кўнглидан ўтказди.

* * *

Мўлтониларга ўхшаган қора ва ориқ, тишларини тишқоли билан бўяган Бинафша бека бундан бир ой бурун Темур Малик Чориқдарронга жўнаши биланоқ Хўжандда аҳвол яхши бўлмаслигини бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан эшитиб, юрагига ғулғула тушган эди. У ўша куниёқ тайёргарлигини кўриб — Ойчечакка бир нима демаса ҳам, орттирган олтин-жавоҳирларини халтачага тугиб, пахталик нимчаси ичига билинмайдиган қилиб чатиб олган эди. У Темур Маликдан эмас, «чўққисоқол, қирра бурун, қорақош Муҳаммад Интизомдан» азроилдан қўрққандай қўрқарди. Сардор уни қўлга тушириб, ўлдириши лозим бўлганида ҳоким олдидаги тавба-тазаррудан кейин тирик қолган. Иттифоқо, шу одамга кўзи тушганида қўрқувдан жони бўғизига келарди. У Аёз сардор, Жаҳон Паҳлавоннинг одам сўяр пичоғидан ҳам даҳшатлироқ кўринарди. Муҳаммад Интизом ҳокимнинг энг ишонган кишиси, уни «Меҳтарбод» деб аташларигача Бинафша бекага маълум қилган эди.

Мўғуллар қалъага кириб, ҳаммаёқни остин-устун қилган кунинг эртасигаёқ Ойчечак хаёлига ўғли келди. У боласини сурштирди. Биринчи бўлиб Бинафша бекадан сўради. Бинафша бека гаранг, боланинг йўқолгани Ойчечакнинг юрагига ваҳима солди. Мўғулларнинг катталардан кўра ҳам ҳоким болаларини бўғиб ўлдиришлари қулоғига етган эди...

— Тезда Ғуломни топ! — деди у Бинафша бекага бақириб.

Бинафша беканинг ранги оқариб, кўзлари ола-кула бўла бошлади. «Мўғуллар унинг боласини ўлдирган бўлса-я! — Беканинг юраги шиғиллаб кетди.— Унда нима бўлади?!»

У қалъа ҳовлисига чиқиб, бирон кимсадан сўролмас, чунки ҳаммаёқда мўғуллар... Қалъа устунларига от боғланган. Гиламу

www.ziyouz.com kutubxonasi

наматлар йиғиб ташланиб, боғ-боғ бедалар босилган эди. Қалъа ҳовлисида бир неча ерга қозон қурилиб, эт пиширилар, икки-уч ерда қўй сўйилган. Нималар бўлаётганини киши тушуниб бўлмайдиган бу пайтда, қалъа ҳовлисида бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз пайдо бўлиб қолди. У тетик, илгаригидек сергап, серхушомад юрарди. У ҳеч нарсадан ҳайиқмас, мўғуллар, ўнбоши, юзбошилар ҳам унга ёмон кўз билан қарамаётганини, Темур Малик даврида қандай бўлса шундай бемалол юрганига кўзи тушган Бинафша бекага жон кирди. У кўксига туфлади: «Хайрият-е, Аҳмад оқсоқол бор экан...» — деди.

Бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразни деярли барча «ибн»ни туширириб қолдириб, «Аҳмад Мараз» деб атарди. Бозорда Болосоғун томондан келган яна бир Аҳмад Тороз деган боққол ҳам бор бўлиб, у аслида Тороз шаҳридан, бозор оқсоқолининг ишончли кишиларидан. «Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга», деб юрарди. У ҳам ҳовлида ивирсиб юрган экан. Аҳмад ибн Мораз мўғул қўшини Хўжандни қамал қилиши биланоқ шаҳар ҳокими Темур Маликнинг тарафдорларига нисбатан тўнини тескари кийиб, бундан бир йил муқаддам бозор майдонида қатл этилган икки қочоқ навкарнинг уруғларини қидириб қолганидан хабардор эди.

Шунинг учун бека булардан ҳам болани сўрай олмай, ичкарига ноилож қайтди.

Гап шу ерга етганда тарихчи Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий таъбирича. Туркон хотун ҳақида қисқа тарих илова этамиз:

«Зикр этилмиш Туркон хотун емек қабиласининг шажараларидан биридир. Унинг иши равнақ топганида «худованди жаҳон» — «Жаҳоннинг ҳукмдори» деган лақаб олди. У турк шоҳларидан бири бўлмиш Жонкишининг қизи. Шоҳлар шоҳларнинг қизларига уйланишлари одатига кўра, Эл-Арслоннинг ўғли Муҳаммад Такиш унга уйланди. Такишдан мерос қолган ҳокимият султон Аълоиддин Муҳаммадга ўтганида, емек ва унга қўшни қабилалар келиб қўшилдилар. Улар шарофати билан султоннинг кучлари кўпайди ва бу қабилаларнинг мавқеини кўтарди. Шу сабабга кўра, Туркон хотун давлатда хўжайинлик қилди, султон қайси бир давлатни забт этмасин, унинг яқинлари учун муҳим бир вилоятни албатта ажратур эрди.

У улуғвор ва ақлли. Унга ёзма шикоятлар тушганида, холислик ва одиллик билан ажрим қилурди, дилозорга қарши ўлароқ, жабрланганнинг ёнини оларди. Лекин қатлга осонгина журъат этаверарди. У мамлакат учун кўп яхшиликлар қилди, агарда биз унинг ўзимиз кўрган улуғ ишларини санайдиган бўлсак, гапимиз чўзилиб кетади. Машҳур ва юртга муносиб кишилар ва йирик тўралардан бўлмиш етти киши унинг котиблари — хуттаб ал-иншолари эдилар. Агар ундан ва султондан бир иш бўйича икки хил фармойиш келган бўлса, ҳамма мамлакатларда эътибор фақатгина санага қаратилар ва кейингиси бўйича иш тутилар эди. Унинг фармонларининг туғроси шундай эди: «Дунё ва дин ҳимоячиси, икки олам аёлларининг маликаси улуғ Туркон». Унинг шиори:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Елғиз Оллоҳдан ҳимоя излаймен». Буни қалин қалам, ажойиб ҳуснихат билан ёзар эдики, унинг белгисини қалбакилаштириш қийин эди».

— Қани менинг ўғлим? — бақирди юзлари бўртиб, кўзлари кўкариб кетган Ойчечак, бекага пешвоз юриб. У, бутун хотинлик санъатини ишлатиб, мўғул нўёнини хурсанд қилиб, ундан гўдагини сўраган эди, мўғуллар ҳозир қалъа ва қалъадан ташқаридаги бирон гўдакни ўлдирмаганликларини, агар шундай иш бўлган бўлса, у билмаслиги асло мумкин эмаслигини айтди. Гўдагини топиб беражаги, унга ҳеч ким тегмаслигини маълум қилди. Улар тилмочсиз, имо-ишора билан гаплашишарди. Лекин бари бир Ойчечакнинг юраги шопуриб кетди. У на қўлдан кетган Хўжанд ва на эри Темур Маликка заррача ачинди, аммо гўдагининг йўқолиши унинг юрагига ғулғула солиб, ғижимлай бошлади. У ўзининг Сўқту нўёнга ғоятда ёқиб қолганини сезарди.

Ойчечак айвонда туриб, Бинафша бекага дўқ урди.

— Ўғлим қани? Ҳозир топасен, қари қанжиқ! Агар топмасанг, сочингдан от думига боғлаттирамен!

— Ўзингизни босинг, бекам!

— Босмаймен! Боламни топ! Мен уни сенга ишониб қўйган эдим!

— Сенсираманг! — дўқ урди Бинафша бека.

— Сенсираймен! Ярамас, ким бўпсан! Агар ўғлимни топмасанг, кўрасен! Мен бирваракайига ҳам юртимдан, ҳам ўғлимдан ажраламенми?!

— Бу кам, — деди заҳархандалик билан Бинафша бека. — Сен ўғлингдан ҳам, юртингдан ҳам жудо бўлдинг!

— Сен қилдинг бу ишларни!!! Дод, сен қилдинг!

— Мен сенинг дўқингдан кўрқмаймен! Сенинг фоҳишалигингни нўён билса, у ҳам ўлдиради. Сен, ярамас, Темур Маликнинг хотини бўлганинг учун нўён сени тўшагига тортди. Хўжандда чиккабел қизлар тўлиб ётибди.

— До-од, бу кунимдан ўлганим яхши! Дод!

— Ҳа, ўлганинг яхши! Агар сен менга итоат этмай, енгилтаклик қилаберсанг, сени мен ўзим ўлдиртираман!

— Дод! Сен — Далла махтола! Сен — қари қанжиқ! Сен!..

— Шоҳмурод Кўҳистоний билан Шерюрак Шошийнинг хотинлари, қизи ўзини қўрғон кунгурасидан ташлаб ўлдиришди. Сен нега ўзингни ўлдирмадинг?! Нега заҳар ичмадинг, қўлингдан ушлаб турдимми? Болани сен туққансен, уни сендан сўрашади. Қани у? Менга дўқингни қилма! Сендан қўрқмаймен!!!

Ойчечак бирдан кўкариб кетди. Ғўлдираб, кўзи тониб ерга йиқилди. Оғзидан оқ кўпик чиқариб, кўзларини ола-кула қила бошлади. Бир лаҳзадан кейин Бинафша бека ичкарига кириб, тўшакда ёнбошлаб ётган Сўқту нўёнга имо-ишора билан бу ҳолни тушунтирди. Эринчоқлик билан айвонга чиққан нўён Ойчечакни ердан кўтариб, ўз тўшагига олиб кириб ётқизди. Хизматкор хотинларга сув келтириб, ичиришни буюрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙИГИРМА ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

«ВИДОЛАШМОҚ ФУРСАТИ ЕТГАН ЭКАН, СОҲИБҚИРОН, БИЗ ЎЛИМ ОЛДИДА МАРД ТУРАМИЗ! ЮЗ КЎРИШМОҚ ЭНДИ МАҲШАР КУНИГА ҚОЛДИ...»

Тунда Темур Малик, Шоҳмурод, Шерюраклар яна бир қисм сарбозлар билан дарёдан чиқиб, қалъа остида душман билан тўқнашди. Пиёдалар билан бўлган жанг анча вақтгача чўзилиб, уни анча нарига суриб, кўпгина мўғулларни ер тишлатишди.

Мўғул камонандозининг пойлаб туриб рўбарўдан отган ногаҳоний ўқи Шерюрак Шоший кўксига қадалди. Камон обдан тортилиб, шу қадар куч билан отилганидан пўлат совутни тешиб ўтиб, паҳлавоннинг орқасидан тешиб чиқибди. От устида қилични баланд кўтариб, олдинга интилаётган сардор Шерюрак Шоший аввал уни сезмагандек бир лаҳза шаҳдидан тушмади. Аммо танида кучли оғриқ пайдо бўлиб, бирдан ҳолсизланиб, отдан қулади. У ерда ётиб, жонҳолатда кўксидаги ўқни суғуриб ташлади. Оти ҳам шу ерда тўхтаб қолди. Одатда ўқ учи заҳарланган бўлса яра́дор титрай бошлайди. Шерюрак ҳам ерда ўтириб, титрай бошлади. Унинг отдан қулаганини, яраланиб ерда ётганини кўрган сарбозлардан бири отини саркарда томон суриб, мўғул тўдасини қувиб кетаётган хўжандликлар ичидан уни четроққа олиб чиқди-да, Шерюрак яраланганини айтиб, қўли билан кўрсатди. Ўн қадамча ўнгга юриб, кўкрагидан ўқ еб, ерда ётган Шерюракка кўзи тушган Темур Малик дарҳол унинг елкасидан ушлади. Оғриқ аламига чидолмай оҳ ураётган соҳибқиронни қучоқлади. Қилич тутган бир неча йигитлар тезда бунга етиб келиб, сардорларни душмандан ҳимоя қилиб турди.

— Лаънатиларнинг ўқини ушламанг, ташланг! — деди дарғазаб Темур Малик. У ёнида турган навкарга қаради: — Югур, жанг қилиб, юқорига кетаётган Шоҳмурод ёнида қон тўхтатадиган намат куйинги, пахта бор, малҳам бор, сардорни дарҳол чақириб кел!

Сарбоз йигит шу лаҳза қўлида яланғоч қилич, Шоҳмурод ёнига йўналди. Темур Малик Шерюракни қучоқлаб ўтирган ерида малҳамга кетаётган йигитга буйруқ берди:

— Йигит, Шоҳмурод Кўҳистонийга айт, қочаётган мўғулларни битта қўймай қирсин! Йиқилганини ҳам чопиб ташласин лаънатиларни!

Сарбоз бош қимирлатиб, буйруқни тушунгани, худди шундай бўлишини саркардага маълум қилди.

Темур Малик қучоғида титраб, жон қийноғида инграётган Шерюрак кўзларини катта очиб, бошини саркарда елкасига қўйди.

— Саркарда, сиз бу ерда ёлғиз қолманг, қўшин орқасидан етиб олинг. Мўғулларнинг баъзи тўдалари оч бўридек изғиб юради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дўстим, Шоҳмуродни чақирдим, у ҳозироқ етиб келади. У— яхши табиб. Жароҳатингизни боғлайди, қонни тўхтатади. Унинг тоғдан олиб келган малҳами бор, оғриқни босади.

— Саркарда, мен табиб келишигача етолмаймен. Оғриғи ёмон бўляпти... Ҳаммаёқ қоронғилашиб кетмоқда...

Темур Малик шошиб қолганидан бир нималар деб пичирлаб, дўстига дам солди. Чанг-тўзон орасида яна «қашқирлар галаси» пайдо бўлиб қолишини ўйлаб, қиличини тайёрлаб қўйди. Шоҳмурод етиб келгунича Шерюрак ерга ётиб, бошини саркарда тиззасига қўйди. Оғриқ аламидан тинмай оҳ урарди. Бу ерга қидириб етиб келган Шоҳмурод дўнглик тагида ярадор Шерюрак ётганини кўрди. Уни қучоқлаб ўтирган саркарданинг кафтлари ҳам қон бўлиб кетган эди. У илгаридан тайёрланган куйдирилган намату пахтани жароҳатга босди. Малҳамни ярадорнинг кўксига, орқа кўкрагига сурди. Аммо Шерюрак Шоший борган сари ҳолдан кетарди.

Шоҳмурод Кўҳистоний ўн қадамча нарида ётган ўқни бориб қўлига олди-да, саркардага кўрсатди. Ўқ учидаги ўткир гиғда қотган қон кўкариб кетган эди. Ўқнинг ёғоч қисмидаги қон ҳам худди шундай, пойнакдагидек кўкариб қотган.

— Саркарда, ўқ заҳарланган, — деди Шоҳмурод бошини саракдарак қилиб, — заҳар қонга ўтган... — У ўқни ташлаб, ёнида юрган сарбоз йигитнинг хуржуни ичидаги мешчадан озгина сув оқизиб, беҳол ётган Шерюракка ичиришга уринди. — Аҳволи жуда ночор... — деди Шоҳмурод саркардага қараб.

Лабига сув текканини сезган Шерюрак бир лаҳза кўзини очиб, саркардага қаради. Бу энди унинг видолашмоқчи бўлаётганини билдирарди.

— Са-р-ка-р-да, ро-зи бў-ли-инг... — деди у шивирлаб.

— Видолашмоқ фурсати етган экан, паҳлавон соҳибқирон, азизим, укам, биз ўлим олдида мардонавор турамиз. Биз ватанимизни, еримизни ҳимоя қилиб, жон бермоқдамиз. Энди биз, маҳшар куни дийдор кўришамиз, дўстим Шерюрак паҳлавон! — деди уни қучоқлаб.

Шерюрак бир-икки кўз очиб, жон берди.

Саркарда билан Шоҳмурод Шерюрак энгагини белбоғ билан танғиб, тепасида фотиҳа ўқишди.

— Саркарда, ўққа заҳар суркалган, бу ўқ танга сал-пал кирдими, киши саломат қолиши мушкул. Бу заҳарни мўғуллар тайёрлаган, қозонда қиздирилиб, ичига ўқлар солиб қўйилади. Мен буни эшитганмен...

— Ўша ўқни ўқдонимга солиб қўй! — деди саркарда.

— Эҳтиёт бўлинг, қўл билан ушламанг, — Шоҳмурод ёнидан латта чиқариб, ўқнинг белидан боғлади. Белги қилиб Темур Малик ўқдонига солди.

— Энг яқин дўстимиздан жудо бўлдик, — деди Темур Малик Шерюрак жасади тепасида боши қуйи, чўққайиб ўтириб, — Хўжанд қўшини бир паҳлавондан айрилди. Йўқ, бутун Мовароуннаҳр

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз паҳлавон ўғлидан ажралди. Уч яшар болам ҳам қаерда қолганини билмаймен. Сиз эшитганингиз йўқ, азизим Шоҳмурод. Бағрим ёнадир... Хиёнаткорларнинг боши — бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз экан. Қалъа девори тагидаги дарёга чиқадиган йўлни ҳам душманга маълум қилган ўша малъун! Султон лашкарни жамлаш ўрнига бўлак-сўлак қилиб юборди, деб уни қўрқоқликда айблаб келардим. Бундан ташқари, биз ўз ичимиздан чириган эканмиз, манманлик, мол-дунё йиғиш касалига мубтало бўлиб, юртига хиёнат қиладиганлар кўпайиб кетибдир! У ёғини сўраманг! Мен сирни ошкор қилган савдогарбаччаларнинг бошини уздим. Аслида бозор оқсоқолининг бошини узишим керак экан! У ёстуғим остида кулча бўлиб ётган заҳарли илон экан... Билмай қолдим, сезмай қолдим! Бағрим ёнадир.

— Сабр тилаймен, саркарда, — деди боши қуйи Шоҳмурод Кўҳистоний.

Икки сарбоз Шерюрак Шоший жасадини кўтариб, қирғоқда қалқиб турган кемага солишди. Ундан сўнг оролга сузиб кетишди.

Эрталаб, офтоб чиққач, Шерюрак Шошийни шу кичик оролга дафн этишди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

ИСТЕҲКОМГА ЎТУВ ЖАНГИ

Биргина Хўжанд халқи эмас, Сайҳун ёқасидаги қанчалаб қишлоқлар муҳораба даҳшатини кечирарди. Отлиқларнинг у ёқдан-бу ёққа югуриши, асир олинганларнинг Хўжанд томон ҳайдалиши, ёнган уйлар, қорамолларнинг очликдан бўкириши — тирик қолганларни ваҳимага соларди. Кутилмаганда найза ўқталиб югуриб қолган мўғулга рўпара келиб ҳалок бўлиш — оддий воқеа. Тери чопон ичидан совут, бошига тумоқ кийиб, қилич яланғочлаб югурадиган мўғуллар ниҳоятда шафқатсиз эканини ёшу қари у ёқда турсин, кўчаларда изғиб юрадиган итларгача пайқаб, тирақайлаганча қочарди.

Чориқдаррон жангида хўжандликлар енгилиб, орқага чекиниши — жуда оғир алам эди. Аммо хўжандликлар нуфуз жиҳатидан мўғулларга нисбатан оз бўлишига қарамай, яхши жанг қилишгани шундоқ сезилиб турарди. Темур Маликнинг тинимсиз ҳарбий машқлари бекорга кетмади. Ҳар қалай, кучли ва маккор душман катта куч билан ёпирилиб келиб, кутилмаганда сурункасига кечаю кундуз жанг қилиб, халқ тинкасини қуритди. Ҳамма нарсани олдиндан ўйлаган Темур Малик мўғулларнинг тунги жанг учун алоҳида катта қўшинни пистирмада сақлашини ҳисобга олмаган эди. Ана шунисн уни доғда қолдирди. Икки томондан қурбонлар ниҳоятда кўп бўлди...

Энг оғир кунларда инсон бир лаҳза бўлса ҳам саодатли дамларини эслайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарё ёқасида қирғин жанг кетарди, қиличларнинг шарақ-шуруқи, бақириқ, отларнинг кишнаши шундоқ яқиндан эшитилиб турарди. Шаҳар ичида кетаётган тинимсиз олишувга икки томон ҳам ўрганиб қолган: бир лаҳзада ерга қулаган одаму баъзан отлиқларнинг гурсиллаб чопиши, ҳовлиларда кимнингдир фарёд чекиши одатий ҳол тусига кирганди.

Найза тутган сарбозлар иҳотасида Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний дарё ёқасига боришарди. Йўлда бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразнинг хиёнаткор бўлиб чиққани, мўғуллар билан қандайдир йўллар билан топишгани хусусида гаплашишди.

— Лекин бу хоин шундай қолабермайди! Сардор Муҳаммад Интизом унинг изидан тушган, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний.

— Кучли одамлар бенхтиёр ёмонлик жари ёқасига бориб қолганларида ўзларини ўнглаб олиш қобилиятига эга, — деди катта кема четида ўтирган Темур Малик. — Фақат ожиз кимсалар хоинлик кўчасига осонгина кирадилар.

Бозор оқсоқолининг калтакесакдек совуқ башараси бир лаҳзада йўқолиб, Темур Малик кўз олдида раққоса Нигина пайдо бўлди. У саркардани юпатиб, ноумид бўлмасликка ундарди. Оғир дамларда ҳам киши кўнгил торлари овозига қулоқ солар экан. Рўпарасидаги тўлиб, жимирлаб оқаётган Сайҳун дарёси устида Нигина рақсга тушаётгандек бўларди. Раққоса энагасининг Аҳмад Моразни масхаралаб, қўшиқ айтаётгани ҳам қулоғига эшитилиб кетди:

Оқсоқол Аҳмад — куюк,
Ғаркўз, шилқим, суюқ...
Қиз-жувонга боқиб суқ,
Қийиқ кўзи мана бундоқ!

Қўшним Нисора кампир,
Кўнгли кўп қора кампир.
Тергаб овора кампир,
Изимдан юради мана бундоқ!..

— Қийиқ кўзи мана бундоқ, — деди ўзига ўзи хаёл суриб турган Темур Малик. — Қийиқ кўзлар, ялпоқ юзлар жуда қонхўр чиқди-ку! Улар қўлига тушган ерлиларни итоатсизлиги учун чопиб ташлаётгани, одам ўлдириш улар учун ҳеч гап эмаслиги, ишга яроқсиз қари-қартангларни қириб ташлаётгани ғазабни аланга олдираётган эди. «Бир томчи қоним қолгунча бу қийиқ кўз, ялпоқ юзлилар билан жанг қиламен!»

— Чарчадингизми? — Темур Малик кулимсираб Шоҳмурод Кўҳистонийга боқди.

— Йўқ, — деди у, — боболаримиз от чарчаганда бошқасига минишган. Биз, от эмас, туя эмас, фил эмас, Сайҳунга минамиз. Мана бу, бениҳоя кучга тўлиб оқаётган дарё ҳаммасидан қудратли. У бизга мадору қудрат беради. Биз келгиндиларни яхшилаб савалаймиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дилимдаги гапни айтдингиз, — деди Темур Малик.—Дарё—жонимизни сақлаб қоладиган жой эмас, биз унга миниб, куч олиб, босқинчиларни мажақлаймиз!

Кеч кирмоқда. Қунботар томонда жимирлаб оқаётган дарё уфқида кесилган бошдек қуёш қизариб чўкмоқда. Тунги жангни бошлаган мўғуллар кейинги пайтда бу ишдан қайтишгани, хўжандликлар куч тўплаб, айниқса ярим кечада бўладиган жангга катта тайёргарлик кўраётганини пайқадилар. «Ота-боболар удумини ушлаб, фақат кундузни ўйлабмиз, тунда жанг қилишни ўрганмабмиз. Бу бизга аччиқ сабоқ. Султоннинг кучни бирлаштирмаганини хато деб юрардик. Ўзимизга ўзимиз маҳлиё бўлиб, зўрлигимизга ишониб юраберган эканмиз. Димоғдорлик оқибатида мана, душманга ем бўлаётирмиз! Кўзимиз кеч очилмоқда. Лекин ҳеч қачон ноумид бўлмаслик керак. Босқинчилардан тупроқни озод этамиз!» — дерди Темур Малик. Хўжандликларнинг дарё ичидаги истеҳкомга чекинаётганини, унда мингга яқин сарбоз борлигини душман биларди. Дарёнинг нариги томони — тоғ этакларига ёйилган мўғуллар, асир олинган ўтрорликлар, дарёни бўғамиз, деб тинимсиз харсангтош ташишарди. Саккиз юздан ортиқ хўжандлик фидоий омон-эсон сувдан ўтиб, оролда манжаниқларни ҳозирлаб қўйишган. Саркарда фармони билан орол қирғоғида катта кемалар арқонлар билан боғланиб тайёр турарди. Ўзи чап қирғоқда икки юзга яқин суворисн билан тунги жангга ҳозирлик кўрарди. Шаҳарнинг Тапқоқ, Қаландархона, Чорқишлоқ, Сарисанг томонларида ҳалокатдан кетган мўғуллар ётишга жой изларди. Кейинги пайтларда ҳар қанча жаҳду жадал қилмасин, улар тунги жангларда кўп талафот кўраверишди, Хўжанднинг ҳар қулаган девори, ҳар дарахту ҳар мўриси орқасида яшириниб турган сарбозлар тўсатдан пайдо бўлиб, илвирсдек бир онда мўғул устига сапчиб, бўғизлаб кета бошлади. Шу сабабли мўғуллар эҳтиёткор бўлиб қолдилар, майдон ёки кўчаларда тунайдиган бўлдилар. Улар отларига беда тополмай, у ёқдан бу ёққа изғишар, шаҳар ичидан четроққа чиқишга мажбур бўлардилар. Баъзи томонлардаги беда ғарамлари ёниб кетган. Дарёнинг нариги томони Мутиғил тоғи этагида боргоҳ қуриб, жангга сардорлик қилаётган Сўқту нўён диққати дарё ичидаги истеҳкомда. Улар дарё ёқасига келиб жимирлаб, буралиб оқаётган Сайҳунга соатларча тикилишар, узоқда, дарё ичидаги узун оролга боқишиб, бунда чумолидек тинимсиз ҳаракат қилаётган хўжандликларни кузатишарди. Кейинги кунларда уларнинг диққатини Хўжанддан кўра ҳам дарё ичидаги истеҳком торта бошлади. Маркит уруғидан бўлган отлиқлар сардори хўжандликлар қўлига асир тушиб қолганини эшитган Улоқ нўён тоғ этагидаги боргоҳда Сўқту нўённи қолдириб, кеча учинчи бор дарёдан ўтиб, Хўжандга кириб келди. Ў жанглар тафсилотини билмоқчи эди.

Дарҳақиқат, маркит отлиқларининг сардори Ўратепа дарвозаси атрофида бўлган жангда отдан қулаб, оёқ-қўли боғланиб, дарё ёқаси — Чорқишлоқ соҳилида турган Темур Малик ёнига олиб ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

линган эди. Қўллари ечилиб, саркарда олдида бош эгиб турган йигит туркий тилни биларди. У мўғулларга ўхшаш юзлари япасқи, икки ёноқ суяклари бўртиб чиққан эмас, бурни узун, хипчадан келган, соқол-мўйлаби сабза урган — йигирма икки, йигирма уч ёшлардаги йигит эди. Темур Малик унга ғазаб билан боқди.

Қуёш ботган.

Ўртада ёқилган гулхан шуъласида асир важоҳатига тикилди.

— Сен ҳам тошга топинасанми? — деб сўради Темур Малик.

— Бизлар, муслим...

— Тошга сиғинадиганларга хизмат қиласиз, шундайми?!

— Бошқа иложимиз йўқ. Мажбур этиб қўшдилар...

— Бизнинг кўп одамларимиз ҳалок бўлди. Чекинаётирмиз. Аҳвол сенга маълум. Сени ўша ерда ўлдиришлари мумкин эди, лекин сардорлигингни либосингдан билиб, ўлдирмай ёнимга олиб келдилар. Бизда асир тутмоқ имконияти йўқ, хафа бўлма, маркит, сени бир чеккага олиб чиқиб ўлдирамиз! Бошқа илож йўқ. Ўлдирмасак, эртага сен мени ўлдирасан. Ҳарб-зарбнинг қаттиқ қонуни шунақа.

— Йўқ, сабр этингиз! — деди кўзлари ола-кула бўлиб маркит йигити, — мўғуллар орасида беш юздан ортиқ маркит бор. Кўпчилиги Хўжанд жангида ўлди. Биз оз қолдик. Мени ўлдирмагиз. Мен сизга хизмат қилурмен.

— Бу гап дилингданми? Ишонсак бўладими?

— Буюк саркарда, ўлдирманг мени, юракдан сўз айтамин, — маркит йигити Темур Малик оёғи олдида тиз чўкиб, бошини эгди, — Чингизхон қўшинида туркий уруғидан суворилар кўп. Маҳмуд ялавоч кўпларни алдади.

Темур Малик бир лаҳза ўйланиб қолди. Аслида унга мўғул қўшинидан шундай бир киши керак эди. Агар унинг гаплари астойдил бўлса, бундай асир жуда асқотарди унга.

— Бу йигитнинг гапларига ишонамен. Уни ўлдирманглар, — деди Темур Малик ўз одамларига қараб, — уни кемада, дарё ичидаги истеҳкомга олиб ўтинглар! Қолган гапни унда гаплашамиз!

Сув ичидаги оролга сузиб ўтаётган кемалардан бирига уни ҳам солишди.

Тун оғиб, қоронғилик чўкди. Темур Малик Муҳаммад Интизомга нималарнидир шивирлаб, уни дарё бўйида қолдирди-да, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа отга миниб, Сарисанг ёнидаги дарахтзорда шай турган отлиқлар ёнига боришди. Кутилмаганда овоз чиқармай, тўсатдан Тапқоқ ва Қаландархона атрофида дам олаётган мўғуллар иҳогасини ёриб ўтиб, чопқи бошлаб юборишди. Ўзини ўнглолмаган душманни азонгача юзга яқинини қириб ташлашди. Ўратепа, Масжиди Савр томонларга қочган ўн-ўн беш мўғулни ҳисобга олмаганда, бу ердаги юз чоғлик душман ер тишлаб, кўчаларда чўзилиб қолди. Қўлга тушган ўлжа — қурол-яроғларни олиб, Темур Малик ўз сафдошлари билан яна дарё ёқасидаги гулхан ёнига қайтди. Жароҳатланганларни ётқизиб, яраларига пахта куйдириб босишди. Баъзиларига дори бериб, баъзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

хишиларни тезда яралангаи қули ва пешанасини латта билан боғлашди...

Шу куни азонга яқин Муҳамад Интизом умрида биринчи марта тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди... «Меҳтарбод»нинг ҳеч қачон бундай фармонни бажармай келган вақти бўлмаганди. У тунда икки йигити билан қалъанинг дарёга чиқадиган қўрғон деворлари остидаги яширин йўлдан ўтиб, Ойчечакни ҳам, Бинафша бекани ҳам бу ерга олиб келиши, агарда бунинг иложи бўлмаса, уларни ўша жойда ўлдириб, Метинни ўғирлаб чиқишлари лозим эди. Бу ишларнинг биронтасини ҳам бажара олмай, либослари йиртилиб, тирсагу пешоналари тошларга тегиб, қонаб, қайтиб келишди. Қалъага ўтадиган махфий йўл харсангтошлар билан беркитилгани, сув киритиб юборилгани маълум бўлди. Темур Малик бу ишга эртага тунда яна киришиш лозимлигини таъкидлади. Агар бугун хоин Аҳмад ибн Моразни ушлаб келсаларингиз, яхши бўларди, деди. Қалъанинг Тапқоқ томондаги деворлари остида яширин йўл борлигини, ғиштлар атай териб қўйилгани, уларни битта-битта суғуриб олса бўлишлигини саркарда Муҳаммад Интизомга тушунтирди.

— Хоинларни тутиб келишнинг иложи бўлмаса, ўша жойда ўлдириш керак! — деди дарғазаб саркарда.—Сиз, сардорнинг дарё ичига ўтишингизга зарурат йўқ, ўз йигитларингиз билан тамоман ниҳон йўлига ўтмоқлиқ пайти етди! Хўжандни сизга, сизни ярагганга топширамен. Душмандан ўч олинг!

— Муҳтарам саркарда, фармонингиз бажарилади! — деди Муҳаммад Интизом Темур Маликка тикилиб, таъзим этиб. — Бинафша бекани бундан бир йил аввал қўлимга тушганида ўлдирмаганимга ачинамен, — деди ўзига ўзи. — Қўлдан чиққан душман ҳеч қачон дўст бўлмайди. «Ёмон кун яхши бўлар, ёмон одам яхши бўлмас!»

Бу гаплар гулхан ёқасида хомуш ўтирган Муҳаммад Интизом дилидан ўтди. Унга тикилиб ўтирмаган бўлса ҳам, Муҳаммад Интизом дилидан ўтказаётган изтиробларни Темур Малик сезиб турарди. Дарҳақиқат, у илон қўлга тушиб, боши янчилиши керак бўлганда, Темур Маликнинг ўзи сақлаб қолган эди. Саркарда бир одамни кузатаётганида атай кўзини ундан олиб, бошқа томонга қадарди. Аслида диққатини тортган кимсани наинки кўз, бутун вужуди билан кўриб турарди.

— Асир тушган маркитга қандай қарайсиз?

— Бундан иш чиқади. Уни синаб кўриш керак.

— Қулай фурсат топиб, истеҳкомга келиб кетинг.

— Албатта, албатта!

Муҳаммад Интизом орқасида кутиб турган йигитлари билан қоронғилик қўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Сарисанг пастлигига, дарё соҳилига тун қоронғисида келган бўйи қирқ газлик икки катта кемага ҳайдаб келинган қўю эчкиларни, қопдаги донларни ортишди. Озиқ-овқат, қурол-яроғ ва бошқа зарур ашёлар билан тўлган икки кеманинг эшкаклари яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

шитоб билан сувга урилиб, оролга сузиб кетди. Бошқа катта кемалар ҳам дамо-дам Сарисанг соҳилига сузиб келиб турарди.

— Бир неча тўр билан беш-олти хумча сирка олиб келиш ёддан чиқмасин, — деди Темур Малик сардор Олабуқага, — Чорқишлоқда Раззоқ бобо деган боғбон бор, инсофли одам. У кишида сирка бўлади. Шамни ҳам унутманг...

Сардор Олабуқа сирка топиш буюрилганидан кулиб қўйди: «Шундай долзарб вақтда саркарда гўштни сиркага ўлдириб, кабоб емоқчилар?» У бу ишга тушунмаса ҳам, фармонни бажаришга киришди. Оролнинг ўнг томони — Мўтиғил тоғи томон кичик кемалар, Хўжанд томонга катта кемалар боғлаб қўйилишини ҳам саркарда бир неча бор таъкидлаб айтган эди. Арқону занжир, кучли болталар олишни ҳам буюрди. Ҳар қалай, одамлар қалин кийиниши, дарё шабадаси кишини енгиб қўйишини тайинлаган эди.

Бугун учинчи кеча, яна бир катта кема оролга тинмай ўтин, ғўла ва саржин ташиди. Истеҳкомлар қурилаётганида ҳам анчамунча ўтин олиб ўтилган эди.

Яна бир куни тунда душман отлиқларига қирғин солган Темур Малик гулханни ўчириб, фидойи йигитлари билан саҳар пайти отда Лайлак дарёси томон, ундан тўппа-тўғри Нав, Куркат қишлоқларига ўтиб, ўзининг саломат эканини кадхудоларга кўрсатиб, ярадорларга дори-дармон топиб келди. Аммо Темур Маликни қўлга тушириш мақсадида Улоқ нўён Хўжандни икки қават ҳалқа қилиб ўраган, шаҳар ичидаги мўғуллар ҳам уларга қўшилган эди. Душман отлиқлари қалъа тугул, шаҳарнинг ҳамма кўчаларини тўлдириб, Темур Маликни излашарди. Чунки унинг баъзан шаҳар атрофида юрганини ҳам кўрганлардан эшитишганди. Саркарда ўз йигитлари билан Сарисангда ўтирмай, азонда шаҳардан чиқиб кетганини мўғул айғоқчилари пайқамай қолишди. Улар Сарисанг соҳили ва шу атрофга қўшин тушириб, дарё ичидаги истеҳкомдан кўз узмасдилар. Темур Маликни улар оролга ўтиб кетди хаёл қилиб, ҳамма ерга соқчилар қўйдилар. Бозорда, расталар ичида виқор билан юрган Аҳмад Моразга дўқ уришиб, майдон четларида қолган мурдаларни йиғиб олишни буюрдилар. У бўлса, шўрлик хўжандликларни бу ишга жалб этди. Мўғуллар асосан дарё ичидаги истеҳкомга кўз тиккан. Ўнг ва сўл қирғоқлардаги катта-кичик етмиш кема орол атрофига олиб бориб боғлаб қўйилди.

Тун қоронғилиги чўкиши билан Нав ва Куркат оралиғида яшириниб турган юз отлиқ яна тўсатдан шаҳарга бостириб кириб, бу гал Сарисанг эмас, Қаландархона ва Кемачи томондан ҳужум бошлади. Осмондан тушган чақмоқдек мўғуллар боши устида қиличлар ярқирай бошлади. Саросимага тушган душман бу отлиқлар қаёқдан келиб қолганини билмай доғда эди. Улар ичида Темур Малик борлигини ҳам ўз кўзлари билан кўришди. Ўзларини ўнглаб олгунча чопди-чопди авж олиб, ярим кечада Шаршара, Гунбаз томонларга югурганча кетишди. Жангдан сўнг Темур Малик шаҳар четида яширинишнинг иложини тополмаса, унда Конибодом

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқали Ахсикатга бориб, Бек қўшини билан бирлашиб, яна ҳужум бошлашни мўлжаллади. Чориқдарронда Қоракўз бека ҳалокатидан кейин бекнинг ғазабу андуҳи ичига сиғмас, аммо нима қилишини билмай: «Қачонгача ҳажиқизлардек ўтираберамиз, душман бир чеккадан еяпти-ку!» — дея хуноб бўларди.

Ярим тунда йигитлари билан дарё ёқалаб кетаётган Темур Малик оролдан кўз узмасди. Шоҳмурод Қўҳистоний билан маслаҳатлашиб олганига кўра, чоршанба, тунда катта кемалар Қайроққум соҳилида саркардани кутишлари лозим эди. Соҳилда турган қуролли қайиқчилардан икки киши Темур Маликка пешвоз чиқди. Саркарда бир қисм отлиқларини Қонибодомга йўллаб, бўш отларни ҳам уларга бериб, ўзи бир қисм сарбозлари билан кемага ўтирди. Йигитлар отларни Ахсикат беги ихтиёрига олиб кетишди.

Бу гал ҳам мўғуллар Темур Малик режасини пайқаб ололмай доғда қолдилар. Улардан жуда кўп одам ўлдирилгани, бу талафотлар ҳақида Чингизхонга хабар етса Улоқ нўён, Сўқту нўёнларнинг аҳволи вой бўлишини сезиб, нафаслари ичига тушиб кетди.

Шу кеча Темур Малик омон-эсон оролдаги истеҳкомга ўтиб, Шоҳмурод Қўҳистоний ва бошқа сардорлар билан юз кўришди. Оролни айланиб, ҳамма томонни кўздан кечирди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

ҚАДДИ АФРОСИЁБДЕК, ҚАЛБИ ҚОРА, СИЁҲДЕК...

Дунёнинг ишларини қарангки, унинг номи ҳам Темур экан... Саркарда Темур Малик бу девқомат, елкалари тепадек, қорамағиз, қалин мўйлаби ҳам ярашиғлик йигитга қараб туриб завқи келди; агар унинг ҳамма сарбозлари шундоқ девқомат, ҳар бири бир Афросиёб бўлса... бундай фарзандлари бор мамлакат ҳеч қачон завол топмайди! Яна бунинг устига, йигитнинг номи ҳам Темур. Бу номнинг кўп тарқалганининг боиси элга танилган саркардалар: Туғо Темур, Жаҳон Темур, Мангу Темур, Буқа Темур, Темур Тегиндан бошланди, деди ўзига ўзи Темур Малик. Ҳар қалай яхши Темурлар кўп, Шеруя ёки ибн Мутаваккил[1] дек падаркушлар кам бўлгани маъқул!

Илгари ҳарбий машқ чоғида у отда яхши чопар, қилич уриб, ерга қадалган тол шохини шундай чиройли узардики, бу новда қаламдек яна ерга қадалиб қоларди. Бундай сарбоз қилич урганида, душман ўз калласи узилиб кетганини сезмай қолса, ажаб эмас. У туркий тилда сўзлар, аммо сўз урғулари негадир бошқачароқ чиқарди. Саркарда Темур Малик қизиқсинаётган бу йигитни Шоҳмурод Қўҳистоний Бухоро бозоридан топгани, наслу насабини яхши билмаслиги, ҳар қалай отаси салжуқийлардан, онаси — бо-

---

[1] Шеруя, ибн Мутаваккил... — бу шаҳзодалар ўз оталарини ўлдириб тахтга чиққанлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лосоғунлик қорахитойлардан эканини эшитган. «У Бухоро бозорида йўлиқиб қолди, мен уни Хўжанд сари бошлаб кела бердим...» деган гапни қўшиб қўйган эди сардор. Саркарда дўстидан мамнун. Шундай азамат йигитларни лашкар сафига қўшиш ғоятда мақбул. Унга от ва салоҳ, бош-оёқ либос, совуту дубулға беришни тайинлади. Қичик Темур Хўжанд қўшинида хизмат қилиб юрди. Хатти-ҳаракати, қилиқлари ҳам сал-пал совуқроқ. Бунга ҳам одамлар бора-бора ўрганиб кетиб, пойинтар-сойинтар гаплари унча сезилмайдиган бўлиб кетган эди.

Жанг давом этарди. Мўғуллар шаҳар кўчаларида бир ойдан буён жанг қилиб, сиқиққа оларди. Темур Малик мингга яқин жанговар сарбозлари билан дарёга — Сайҳун ўртасидаги истеҳкомга батамом ўтгач, ғала-ғовур ичида эътибор беришмаган экан, икки кундан кейин «девқомат» нинг ғойиб бўлгани маълум бўлиб қолди. Саркарда топшириғи билан икки йигит тунда шаҳарни айланиб, қалъа ичидан ҳам хабар олди. Лекин у ҳеч ерда йўқ эди. Темур Малик ёвнинг устун келаётгани бу ёқда қолиб, бир муддат кичик Темурнинг ғойиб бўлганидан ташвиш тортди. Изтироб чекди. Уни мўғуллар чопиб ўлдирди, жасади ҳам далада қолиб кетди, деб ўйлади. Бу сарбоз тавсифини эшитган Ойчечак бека ҳам уни бир кўриш орзусида эди. У ё атай ёки ўйлаб-нетмай ичкари ҳовлига ҳам кириб чиққан. Бу қилиқ саркарда қулоғига етганида у кулиб қўйган. Қалласи кетишидан қўрқмаган навкар жасоратлидир. Жасоратли сарбоз юртнинг мустаҳкам қўрғони демакдир!

Баъзан ярим тунда, баъзан тонготарга яқин Темур Малик йигитлари қайиқда, эшкакларни унча шапиллатмай, кутилмаганда нариги қирғоққа ўтишар, шу атрофда соқчилик қилиб юрган мўғулларга тиғ санчиб, йиқитиб, нўён чодири томон югуришарди. Тўғри келган босқинчини ер тишлатишар, баъзан чодир ичига бостириб кириб, қандайдир юзбошими, ундан каттасими — пичоқ уриб ўлдириб келишарди. Шундай тунларнинг бирида, ўнг қирғоққа — душман боргоҳига ўтган Темур Малик сарбозлари иттифоқо тепаликда — катта тош орқасида уч мўғулга рўпара келиб қолишди. Бир лаҳзалик қиличбозликдан сўнг, икки мўғулни чопиб ўлдиришди, учинчиси қочди. Бу гавдалик йигит бошқачароқ эди. Ой нурида унинг сарбаст елкалари, устидаги либоси хўжандликларни ҳайратга солди; бошида мўғулларга ўхшаб тумоқ эмас, барра қалпоқ, белини энлик камар билан танғиб, қилич осган эди. У юзини кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, туядек лўкиллаб, тоғ томон қочди. Сарбозлардан бири: «Бу, мўғул эмас, танидим, ўзимиздан қочиб ўтган кимса. Уни сардор Кўҳистоний Бухородан топиб келган эдилар...» деди. Орқасидан қувиб етиша олмади. Ҳаллослаб қувлаётган шериги: «Биз уни шаҳар дарвозаси ёнида ўлди деб ўйлаган эдик. Лаънати!» — деди. Улар ортиқ ичкарига кирмай, ярим йўлдан қайтиб, дарё ёқасига боришди. Бунда қайиқда кутиб турган шериклари ёнига сакраб тушиб, оқим билан тезда сузиб кетишди. Қайиқда камон ушлаб, шай ўтирган шерикларига

www.ziyouz.com kutubxonasi

сотқин ҳақида гапиришди, ушлай олмаганларига жуда ачинишди. Қайиқ тонготарга яқин оролга етиб келиб, икки мўғулни ўлдиришгани, учинчиси қочиб кетгани — у «яқинда сардор Шоҳмурод Кўҳистоний Бухоро бозоридан эргаштириб келган» йигит эканини Темур Маликка хабар қилишди. Саркарда ниҳоятда дарғазаб бўлди.

— Девқомат бўлгани билан палағда тухумдан чиққанлиги... юрагимга шубҳа солган эди. Лаънатининг номи ҳам «Темур». Шубҳам тўғри — у иблис бўлиб чиқди!

— Менинг гуноҳим катта! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний. — Уни мен бошлаб келган эдим... Ножинс, аттанг қочибди, лекин қўлимизга тушмай иложи йўқ! Мен бу хоиннинг Афросиёбдек қадду қоматига, муртига қарабману юрагига қарамабман. Кўзим кўр экан. Мен бир чаённи бағримизга олибман. Қалъадан дарёга чиқадиган пинҳон йўлни ҳам шу ярамас душманга кўрсатгани энди маълум бўлди.

— Сотқин кимса душмандан кўра ҳам хавфли! Уни тутиб келиш лозим! — деди Темур Малик қатъий, — бу жуда мушкул, лекин бари бир ушлаб келиш керак!

— Ин шаб ман рафтем, саркардаи азиз, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний. У ниҳоятда жиддий гапларни она тилида айтарди. Туркий гапирганда ҳам бари бир тожик оҳанги сезилиб турарди.— Ин гуноҳи ман!

— Майли, боринг, — деди Темур Малик, — тангри ёр бўлсин!

Шоҳмурод Кўҳистоний кун бўйи диққат бўлиб сўкиниб юрди. Тунга тайёргарлик кўра бошлади. Қоронғилик тушишини бетоқатлик билан кутарди. У, Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий каби найза олмай, ўткир ханжару заҳару доруйи беҳуш олиб, садоғига кўпроқ ўқ олди. Олти сарбоз йигитни танлаб, уларни ҳам жангга тайёрлади. Муҳаммад Интизомнинг истеҳкомда эмаслигига ачинди. Йўқса, уни ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Ўз йигитларига душман боргоҳи, чодирларнинг туриши, посбонлар қўйилган жойлар, қайиқ яшириб қўйиладиган қоятошли қирғоқ ҳақида тушунтирди. Сотқин билан учрашган жой, катта тош ва қияликлар хусусида ҳам борганлардан муфассал сўраб олди. Сотқиннинг кийимлари эскича экани, дарё чети — текисликда бўлиши, тоғ тагидаги оқиб ётган жилға бўйида, бундаги чодирларда нўёнлар туриши маълум эди. Утрор, Жанд, Барчинликентдан олиб келинган асирлар ва мўғул томонига ўтиб кетган кимсалар кенг текисликда, очиқда ётишарди.

Азонга яқин Кўҳистоний шериклари билан қайиққа тушиб, ўнг қирғоққа ўтди. Кун бўйи у ёқдан-бу ёққа юриб, бақирган «ғолиблар» тепасига қоплондек пусиб, ер бағирлаб келишди. «Биз қирғоққа ўтгач, иккига бўлинамиз, тўполон кўтарилса, аввал ўша сотқин безовта бўлади. Унинг гирибонидан ушлаб, қўл-оёғини боғлаб, дарҳол қайиққа элтиш лозим! Бу гал сотқинни қўлга туширсак, бас, чопти-чопти қилмай қўя қоламиз. Тезда орқага қайтмоғимиз даркор!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, дарҳақиқат, иш у ўйлагандек бўлиб чиқди; қирғоққа яқин ерда посбонлик қилаётган икки сарбознинг бири ханжар зарби билан тил тортмай қулатилди. Иккинчиси қаршилик кўрсатмай ўрнидан тура солиб қоча бошлади. Бу — ўша эди! Орқасидан қувиб бораётган Шоҳмурод Кўҳистонийга у йўл-йўлакай қилич урмоқчи бўлди. Икки ўртада бир муддат қиличбозлик бошланиб, хоин Темур жон-жаҳди билан олишар, чап қўлидаги ўткир ханжарни баъзан Кўҳистоний биқинига санчишга уринарди. Уни тирик қўлга туширишнинг мутлақо иложи бўлмагач, Шоҳмурод Кўҳистоний олишувни чўзиб ўтирмай, қорнига ханжар урди. Хоин иҳраб, букчайганча ерга йиқилди. Кўҳистоний елкасига иккинчи бор ханжар уриб, ишини тамомлади-да, калласини танидан жудо қилди. Эгнидан ўзи кийгизган хўжандий тўнни шилиб олиб, унга ифлос каллани ўради. Вақтни ғанимат билиб, қирғоқ томон юрди. Сардор Шоҳмурод Кўҳистонийнинг бошқа йўлдошлари ҳам босқинчилар боргоҳи — чодир ичидаги ўн чоғлик душманни қилич билан чопиб, тезда кемага қайтишди.

Тонг ёришига яқин кема оролга етиб келди. Етти баҳодир соғ-саломат ўз истеҳкомларига кириб бориб, Темур Малик оёғи остига сотқин калласини ташлашди:

— Саркардам! Сотқинни тирик олиб келишнинг иложи бўлмади. Агар бу каллани келтириб оёғингиз остига ташламаганимда, мана бу нодон каллани (ўз бошига ишора қилди) узиб оёғингиз остига ташлардим! Орамизда мана шундоқ хоинлар бўлмаганда, Хўжанд қўлдан кетмаган бўларди...

— Азизим! Ҳозир жанг ҳам, чидам ҳам даркор. Сабр гавҳарини дилга солайлик. Она-Еримизни топтамоқчи бўлганларнинг қисмати мана шундоқ бўлсин!

Тонгда сотқиннинг узилган калласи оғзини очганча ерда ётарди.

Начора, ота-оналар фарзандини хоин бўлсин, деб ҳеч қачон ўйламаган. Аммо дунё бу қадар телба-тескарилигини қаёқдан билсин улар...

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

ЎЧМАС ДОҒ

Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,
Қим ўлган бирла одамнинг иши йўқ...

Завқий

Шаъбон... Бу ой арабларда «тарқалмоқ», «бўлинмоқ» маъносини бериб, мозийда кўчманчи бадавийлар бу ойда босқинчилик юришлари қилган. Араб ақидаларига кўра бу ой муҳаррам, рабиулаввал, рабиулсоний каби хосиятли ой эмас. Иссиқ шаъбон кунлари бозорлари гавжум Хўжанд шаҳри мўғуллар оёғи остида топталиб, мурдадек жонсизланиб қолди. Ёниб, тутуни осмонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққан уйлар деворн қорайиб, баъзи ерларда култепалар пайдо бўлди. Кўчалар жимжит, кўчаларда кўзга кўринмас бир ваҳима ҳоким. Дўконлар таланган, айниқса заргарлик, баззозлик, зардўзлик расталари вайрон, майдонлар бўм-бўш. Аҳмад ибн Мораз саркорлигида ҳа бўл, ҳа бўл, қилиб, уч кундан буён ўлганларнинг жасадлари аравалларга устма-уст тахланиб, тепаликка — қабристонга ташиларди. Асирлар, бозор оқсоқоли кафилга олиб қолган баъзи давангир одамлар мозористон четида чуқур хандақ қазиб, ўлган от-уловларни ҳам арқон билан судраб келиб ташлашар, баъзан аравадан одамлар жасадини олиб келиб, хандаққа ётқазишар, устидан тупроқ тортиб кўмишарди. Мўғул отлиқлари кўчалардан тапира-тупур қилиб шиддат билан ўтиб қолишди дегунча ҳовлиларда яшириниб ётган қари-қартанглар, қизлар, болалар юрагини қўрқув ларзага соларди. Кўчага чиқишга ҳеч кимда журъат йўқ, аммо баззоз Фахр ал Мулкнинг ўғли Рукниддин кўчага чиқди. Уч ойдан буён қоронғи ҳужрада биқиниб ётган Рукниддиннинг ранги синиқиб, офтоб кўрмай «палаги сарғаяётгани»га раҳми келган баззоз Аҳмад ибн Мораз билан маслаҳатлашиб, уни кўчага чиқаришга қарор берди, ҳеч нарсадан қўрқмай юра бер, деб тайинлади. Биринчи куни Рукниддинни Аҳмад ибн Мораз жаноблари ўз ёнида кўчага олиб чиқди. Душман отлиқлари Аҳмад ибн Моразни яхши билишарди. Ўз юзбошиларига нисбатан кўрсатилган итоату ҳурматни бу кимсага ҳам кўрсатишарди. У белида мўғул нўёни берган кумуш тўқалик қалин камар, ёнида пайза, шаҳарда ҳокимдек виқор билан юрарди. Жуда катта ақча эвазига ошнаси баззоз Фахр ал Мулкка ҳам пайза олиб берди. У бундан икки йил аввал шу баззоз ошнасидан юз тилла танга ҳисобига ўртага тушиб, ўғли Рукниддинни Темур Малик қўшинидан олиб қолган эди. Муллавачча хушбичим, қош-кўзлари қора, яхши либослар кийиб юрадиган баззознинг эрка ўғли Рукниддин шаҳарда кўпларга маълум. Уни кимлар «бесоқол» дерди, кимлар бошқача атар, аслида бундай эмасди.

Рукниддин Тапқоқ маҳалласида, ўз тенги болаларга қўшилмай, улардан ўзини юқори тутиб ўсди. Маҳаллаларидаги барча болалар балоғатга етиб, отлиқ, қилич-қалқонли суворилар бўлиб етишиб, Темур Малик қўшини сафига киришди. Аммо ҳокимнинг қатъий интизомидан Рукниддин сурғилиб чиқиб қолган эди. Бу йигитнинг қўшинга олинмаганидан Темур Маликнинг хабари бор, бозор оқсоқолию Ойчечак бегим ўртага тушиб, уни ҳарбий машқлардан озод этилганди. Бунга Темур Малик бирон юриш бўлиб қолгудай бўлса, уни дарҳол чақиртириб олиш шарти билан кўнган эди — Рукниддин мадрасада ўқиш билан бирга, «Анқо» тахаллуси ила ғазал ва маснавий битарди. «Эҳтимол, уч машҳур «Хўжандий» тўртта бўлар, менинг замонимдан ҳам бир «Хўжандий» қолар...» деган эди Темур Малик фикран яхши ният қилиб.

Афсус, бу «Анқо»нинг номи Тапқоқ маҳалласидан нарига ўтмади.

Шу куни Рукниддин бозор оқсоқоли билан қаландархонагача

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирга келиб, ундан сўнг мадраса томонга ёлғиз кетди. Кўчалар жимжит. Йўлда ўз ишлари билан банд турган икки мўғулга қўйнидан пайзасини чиқариб, улар эътибор бермасалар ҳам кўрсатди. Жўна бу ердан, дегандек ўшқирди мўғуллар. Афтидан, улар кимнингдир уйига кириб, қимматли буюмларини олиб чиқиб, ўзаро бўлишлаётган эди. Ундан нарироқда аллақандай хотиннинг бақирғини эшитиб, юраги орқасига тортиб кетди. Очилиб қолган дарвозадан ҳовлига ногоҳ кўзи тушиб, ҳовли ўртасидаги супада пўстин кийган бир мўғул айиққа ўхшаб, хотин кишини босиб, бўғиб турганини кўрди-ю, шатиллаганча қочди. Рукниддин мадрасага етиб бориб, ланг очиқ дарвозадан ҳовлига кирди. Мадраса ҳовлисига отлар боғланиб, ҳонақо ва ҳужраларга хашаклар уйиб ташланган эди. Бунда Ўтрордан ҳайдаб келтирилган асирлар отларга қарарди. Озгина итоатсизлик учун қаттиқ жазоланишини биладиган асирлар қўрқа-писа ишлашарди. Улар бир-бирларига ҳам ишончсизлик билан қарардилар. Рукниддин ичкарига кириб, отбоқар асирлардан бирига салом берди. Лекин у алик олмади, муллаваччанинг бетига ҳам қарамай, ўз иши билан машғул бўлаберди.

— Нечун саломимга алик олмайсен?!

— Тақиқланган, — дея кекса одам Рукниддинга бир қараб қўйди-да, яна ишини давом эттираверди, — бу ерлик фуқаро билан биз сўзлашмаймиз. Биз, хонавайрон бўлган Ўтрор фуқаросимиз. Болаларимиз ўлди, ўзимиз дўзах азобига қолдик. Сиз, галабага ўхшайсиз, мулла йигит, нечун баҳодир саркардангиздан ажралдингиз? Биз, наҳс Инолхон касрига қолганмиз...

— Саркарда ҳалок бўлди, Темур Малик йўқ...

— Саркарда Темур Малик ўз қўшини билан дарё ичидаги истеҳкомда! Саркарда тирик! Биз уни кўриб турибмиз... Дарё ёқасига боринг, Темур Маликни кўрасиз!

Рукниддин индамай, лол қотди.

— Сиз нечун қўлингизга қилич тутмадингиз? Ҳамма йигиглар истеҳкомда! — деди кекса одам, Рукниддиннинг кўзига тик қараб, унга шубҳа билан боқаётганини сездириб.

Рукниддин ичкарига киришини ҳам, кирмасини ҳам билмади. Бу ўқдан ўткир кўзлар шундай дарғазаблигича қолмаслиги, мабодо ичкарироққа кирса аламдан уни бўғиб ўлдиришларини фаҳмлагач, орқасига қайтди. У нега бу томонга келиб қолганини ҳам билмас эди. У яна тўппа-тўғри ўз ҳовлисига қайтиб келиб, супа устида ўтирди. Шу лаҳза бояги очилиб қолган дарвоза, супа устида бир мўғул йиртқичлардек хотин кишини босиб, зўрлаётгани, қичқириқ-фарёди қулоғига эшитилиб кетди. Юраги ҳаприқиб яна кўчага чиқди. Нариги кўчада Абдулқодир дўкондор эшигида бир оз тўхтади. Дунёда энг гўзал қиз — Зебони кўрмоқчи бўлди. У кўчада серрайиб туриб-туриб, яна уйига қайтиб кирди. Дўкондорнинг эшиги берк, ичдан танбаланган эди. Рукниддин яна супадаги кўрпачага чўзилди. Уч ой ҳужра ичида чўзилиб ётавериб, чўзилиш жонга теккан эди. Қўни-қўшни, ўртоқлари — мадраса талаба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларидан ҳеч ким қолмаганга ўхшайди. Нанки талабалар, отда керилиб юрадиган Сиёвуш паҳлавон, Шоҳмурод Қўҳистоний ҳазратлари, мансабдорлар... қани? Бутун Хўжанд бир улкан қабристонга ўхшарди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, бу гўристон сукунати мўғул сардорлари, айниқса Сўқту нўён билан Улоқ нўён тоқатини тоқ қилгач, улар бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразни қалъага чақиртиришди. Сўқту нўён ўтирган жойида илжайиб, гўё «дориломонлик» берилгани, одамлар уйда бекиниб ўтирабермаслигини, бозорларда олдисотди бошлаб юборилиши кераклигини тайинлади. Унинг илжайиши заҳархандаликми ёки астойдилми — билиб бўлмасди. Қўл қовуштириб турган Аҳмад ибн Мораз — «мўътабар зот» Сўқту нўён амри тезда бажарилишини маълум қилди. Жоме масжиддан ҳам отлар, ем-хашаклар олиб чиқиб кетилишини, мусулмонлар кириб, ибодат қилиши мумкинлигини қўшиб қўйди. Нўённинг юмшагани бозор оқсоқоли ёнидаги сўфини бениҳоя хурсанд этиб, Сўқту нўённи узундан-узоқ дуо қилди. Сўфи дуосини мўғуллар яхши фаҳмлаб, илжайишди. Бу «дуо» уларни жуда ҳам мамнун этиб, «ўз яқин одамларингизга беринг», деб бир неча пайза, тулки терисидан тикилган тумоқ ва яна бошқа «қимматбаҳо» туҳфаларни «Хўжанд мўътабар зотлари» олдига қўйди. Бу ишончу иноят кекса сўфи билан оқсоқолни мамнун этиб, эгилиб, бир неча бор таъзим қилиб, ташқарига чиқишди. Эртадан бошлаб, жар солиб, одамларни бозорга ва Жоме масжидига чақиришди. Аммо ҳеч ким келмади...

Эртасига Рукниддин яна кўчага чиқди. Аҳмад ибн Моразнинг шунча жидду жаҳдига қарамай Хўжанд кўчиб кетган ҳовлидек жимжит, ҳувиллаб ётарди. Илгариги файзу тароват, бозору каппонлардаги гавжумлигу серҳаракат савдогарларнинг фойда учун терлаб-пишишлари, мадрасалар ҳовлисидаги мусоҳаба, мунозара ва мутолаалар йўқ...

Саркарданинг ҳалок бўлмагани, вақтинчалик Сайҳун ичидаги истеҳкомга чекингани кишиларга далда берарди. Оғир жангларда жасурлик кўрсатган Темур Малик Хўжандни мўғулларга шундоқ ташлаб кетиши мумкин эмас эди.

Рукниддин яна ўша Абдулқодир дўкондор — эгарчи эшиги ёнига келди. Соатларча кўча четидаги харсангтош устида чўққайиб ўтирди. Девор тепасиданми, мўри туйнугиданми, эшик тирқишиданми мўралаб, ўзини бунда интизор ўтирганини Зебо кўради деб тахминлади. Дарҳақиқат, шундай бўлди, чурук-чориқ кўйлак кийиб, юзларига қоракуя суркаган, сочлари тўзиган бир алвасти эшикни қия очиб, чўққайиб ўтирган Рукниддинга қаради.

— Бу, мен, Зебоман.

— Сенмисан? — деди ўрнидан туриб, эшик ёнига келган Рукниддин Зебони бу ҳолига ҳайрон бўлиб.

— Бу, мен. Атайи шундай қилиб, бекиниб ўтирибман. Ойимлар шундай «ясатдилар». Бу — ниқоб... Нега дарёдаги жойга, саркарда ёнларига кетмадингиз?

Рукниддин сукут сақлаб, саволга жавоб беролмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега қилич ушлаб, Хўжандни душмандан ҳимоя қилмадингиз?

Олазарак бўлиб турган Рукниддин бу саволга ҳам жавоб беролмай донг қотди. Чўнтагидаги мўғул пайзасини маҳкам ушлаб турарди.

— Жанг тугади. Энди тинчлик... Мана, энди қўрқмай юрабер-сак бўлади. (У чўнтагидан пайзани олиб кўрсатди.) Сенинг ҳам, менинг ҳам отам савдо-сотиқ қилишади, энди бозорлар яхши бўлади. Бизлар учун бозор муҳим...

— Менинг отам эгарчи, саркарданинг отларига эгар-жабдуқ ясаган... Қўлингиздаги нарсадан маълумки, сиз мўғуллар томонига ўтибсиз. Уйлаганларимнинг ҳаммаси ёлғон чиқди. — Зебо шу сўзни айтиб, эшикни ёпган эди, шу лаҳза қаердандир пайдо бўлган барваста мўғул дарҳол эшикни итариб очиб, Зебони қўлидан тортиб, кўчага олиб чиқди. Афтидан, мўғул босқинчилари шаҳардаги хотин-қизлар бекиниб, юзларига таппи, қоракуя суриб «алвасти» бўлганликларини ҳам фаҳмлаган бўлса керак, улар панада туриб, ҳовлиларни кузатишарди. Чингизхоннинг фармони билан бирон шаҳар босиб олингач, бир неча ой мобайнида шаҳарни талашга, босқинчилик-тажовузга рухсат берилган эди. Мўғул «чиройли йигит»нинг чўққайиб ўтирганидаёқ унинг кетига тушиб, пойлаб юрган эди. Узоқроқда турган бошқа отлиқ ҳам югуриб келиб, шеригига ёрдамлашди. Қўлидаги пайзасини пеш қилиб, Рукниддин мўғулларга ғўлдиллаб, қўлини ушламоқчи бўлган эди, мўғул унинг қорнига тепиб, кўчага ағдариб ташлади. Икки мўғул Зебони бақиртириб, отга ўнгаришди-да, қаёққадир гурсиллаганча кетишди. Рукниддин ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғини қоққанча уйига жўнаб қолди... Унинг кўз олди қорайиб, оёқлари чалишиб, яна йиқилди. Кафтида мўғул пайзасини маҳкам ушлаганча, атрофга олазарак бўларди. Унинг Зебоси кетди... Неча ойдан бери яшириниб ётган севикли қизни у ўз қўли билан мўғулларга тутиб берди. Энди нима қилади! Унинг бағри ёна бошлади. Қизнинг ота-оналари дод солади. Шунча фожиалар етмагандек, Рукниддин биқиниб ётиб, юзага чиққан куни Зебони бўрилар олиб кетди. Бу менинг касофатлигим, деди ўзига ўзи Рукниддин, мен энди қайси юз билан бошқаларга қарайман?! Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистонийларни ҳалок бўлган деб эшитган эдим. Унинг ҳаммаҳалла ўртоқлари, мадрасадаги талабаларнинг анча-мунчаси саркарда ёнида, улар Ўтрор жанги вақтидаёқ қўшинга олинган эдилар. Отам хато иш қилиб, мени сарбозликдан олиб қолди, деган гапни ҳам кўнглидан ўтказди. Лекин бугунги иш — кўз олдида Зебони мўғуллар судраб олиб кетиши қиёматгача унутиб бўлмайдиган шармандалик бўлди. Бу мислсиз шармандаликка қандай чидаш мумкин?! «Юртини душманга сотган кимса, севиклисини ҳам ўз қўли билан сотди...» Бу овоз Рукниддин қулоғига эшитилиб кетди. «Сен касофат, инсон пуштикамаридан эмас, сен нфлос йирингдан вайдо бўлган нимарсасен! Сен, савдогарбачча, молни эмас, юртни, муҳаббатни, инсонийликни ҳам сотасен! Бундан кўра ўлганинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

яхши эмасми! Бировнинг покиза қизини ҳам мўғулларга сотдинг! Сен жирканч одамсен!» — деган бир овоз ҳамма томондан эшитиларди. Чўнтагида қўли билан маҳкам ушлаб келаётган пайза чаёнга ўхшаб, қўлини жазиллатиб чаққандай бўлди. У қўлини чўнтагидан олиб, пайзани кўчага отиб юборди. Унга энди пайзамайзанинг нима кераги бор!

У, бирдан телбаланиб, мўғуллар Зебони отга ўнгариб олиб кетган томонга югурди. Ердан тош олди. Унинг ёнида пичоқ тугул қаламтарош ҳам йўқ эди. Тиғсиз, пичоқсиз йигит — йигит эмас, деган гапнинг маъносига мана энди тушунди. Наҳотки, у ёнига бир пичоқ ҳам солиб олмабди, мўғулнинг ёнига боргач, яна унинг қорнига бир тепиб, ер билан яксон қилади-ку! Қам деганда мўғулнинг бирон ерига пичоқ уриб, жароҳатлаганда ҳам дунёдан армонсиз кетармиди. У, ўз назарида дарҳақиқат, «йирингдан ҳам жирканч бир нарсадан пайдо бўлган кимса» бўлиб қолди. Рукниддиннинг бағри ёнар, нима қилишини билмай, кўчаларда у ёқдан-бу ёққа телбадек югурарди. Зебодан ном-нишон йўқ.

Рукниддин кечгача барзанги мўғулни излади. Зебодан дарак бўлмагач, жонсиз мурдадек оқариб уйига қайтиб келди. Ҳеч ким билан гаплашмади, туз тотмай, хона бурчагида ғужанак бўлиб ётди. Нима бўлаётганига тушунмасди, қўлига қурол олиб мамлакатини ҳимоя қилиши у ёқда турсин, битта қиз болани ёв чангалидан олиб қололмагани қаттиқ таъсир қилиб, ўзидан жирканиб кетди. «У ҳеч кимга керак эмас, уни ҳар бир мўғул ерда ғимирлаб ётган қуртдек оёғи билан босиб кетаберади. Шундоқ хор бўлгандан кўра қўлига қилич ушлаб, душманнинг бирини ўлдириб, иккинчиси қўлида ҳалок бўлган яхши эмасми, — деган гапни кўнглидан кечирди. — Бу гапни ҳам ақли расолар билади — фикри ожиз, иродаси йўқ кимсалар мана мендек ҳолга тушади...» деди ўзига ўзи Рукниддин. Бир муддатдан кейин унинг шу ётганича кўзи илинди. Рўпарасида Хўжанд ҳокими, саркарда Темур Малик пайдо бўлибди. У ўзининг булутга сакрайдиган Қарчиғай отида турган эмиш. От сўлиғини чайнаб, ер тепиниб, бетоқатланади. Хўжанд илгаригидай гавжум, бозорлар, мадрасалар, расталар одамлар билан тўла эмиш...

Ғужанак бўлиб ётган Рукниддин рўпарасида турган баҳайбат сувори ер тепиниб турган арғумоқдан тушиб, Рукниддин ёнига келди:

— Шу она-Ер, шу мамлакатни деб кўплар қурбон бўлди. Сенинг икки оғанг қўшинимизнинг муносиб соҳибқиронларидан эди, Чориқдарронда ҳалок бўлишди. Сен уларга муносиб бўлиб, юртингни ҳимоя қилиш ўрнига неча қочиб юрибсен?!

— Мен қочганим йўқ, мен — талабамен. Мударрис ҳазратлари, мутаввалли жаноблари мени олиб қолишди. Мадраса аҳли, толиби илм аҳли муҳорабаларга қўшилмайди, шоҳлар шоҳлар билан тахт талашиб жанг қилади, бизлар тожу тахтга даъвогар эмасмиз. Биз илм аҳлимиз, бизга илм мўътабар...

— Она ватанингни бошқалар босиб олиб, сени қулга айлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирса, сен қандай илм қиласану халқ бўлмагач, сенинг илминг кимга керак! Мўғуллар Хўжандни босиб олиб, уйимизни ёқиб, итимизгача қирмоқда. Бу ҳолда сен қандай илм қиласан?! Мўғуллар мадрасаларга от боғлаб, кутубхоналаримизга ўт қўймоқда, уларга бизнинг Муҳаммад Мусо ал Хоразмий, Абу Райҳон ал Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларимиз керак эмас! Уларга на Афлотуну, Арасту ва на Суқрот керак! Улар мол-жонингни талаб, хотин-қизларни зўрлаб, болаларимизни бўғиб ўлдирмоқда. Ўтрордан, Сиғноқдан, Барчинликентдан, Жанддан йигирма минг асирни ҳайдаб келиб, тош ташитиб, Сайҳунга ташламоқдалар. Улар, қул бўлишни истамаган ҳамма одамни йўқотмоқдалар. Ҳамма йўқ бўлганидан кейин сенинг илминг кимга керак! Сен ал Беруний эмассан, сен оғир кунда ватанини сотган хоинсан! Мен ҳозир сенинг каллангни узиб ташлаб, кейин дарё ичидаги истеҳкомга қайтамен!

Темур Малик қиличини ғилофидан суғуриб олиб, ҳавола қилган эди, Рукниддин дод солиб юборди:

— Саркарда, мени афв этинг... Мен гуноҳкормен!

— Йўқ, сен хоинсен!— Темур Маликнинг оти олдинги оёқларини кўтариб, осмонга сакрайман деб, Рукниддин атрофида айланаётган эди, у яна фарёд чекди.

— Мени афв этинг! До-од!— деб бирдан Рукниддин уйғониб кетди. У терга ботиб, сув бўлиб кетган эди.

Эртасига у чала ўлик кимсадек танида жон йўқ, руҳан тамоман сўнган, кўча четидаги харсангтошларда қоқилиб, тўппа-тўғри Зеболар эшиги томон юрди. Кўчада юрган бир бобоқхўроз Рукниддинга йўл бермагандек пинагини бузмай ғўдайиб турарди. У Рукниддинга қия кўз ташлаб: «Қўр-қоқ, қўр-қоқ...» дегандай бўларди. Бу сўкинишни у шундай фаҳмлаб эшитди. Хўрознинг ёнидан ўтиб кетди. Нарироқда, шундоқ оёғи тагида турган бир жуфт мусича ҳам «хоин» деб парр этиб учишди. Ундан нарироқда тут дарахти шохларида бетоқат, у шохдан-бу шохга ўтиб турган чумчуқлар ҳам: «Дили чирик, дили чирик...» деяётгандай бўлди. Ундан нари боргач, йўл четида турган кимнингдир эшаги унга қайрилиб ҳам қарамади, рўпарасидан келган чувринди кўппак тилини осилтириб ўтди. У ҳатто Рукниддинга кўз ташламади ҳам... «Хаҳ, мени шу қутир ит ҳам писанд қилмади-я, — деди у хўрлиги келиб.— Эҳтимол мен ўлгандирман,— деди ўнг қўли билан елкаси, бошини ушлаб Рукниддин, мен балки бир руҳдирман, мен балки ўзимни ўзим билмаётгандирману жониворлар менинг руҳимни кўрмаётгандир Эҳтимол, от устида туриб, ўткир қиличини ярқиратиб селпиган Темур Малик менинг бошимни узиб ташлагандир, мен ўлган одамдирман, ўзимни-ўзим билмай довдираб юргандирман... Ҳамма ўлганлар ҳам бу жараённи ўтказсалар керак бир муддат довдираб, кейин тинчийдилар, руҳлари кўтарилиб, арши аъло томон учиб кетиб, кўздан ғойиб бўлсалар керак. Муфтий ҳазратлари инсон ўлганидан кейин унинг руҳи анча вақтгача ўз уйи, ўз жасади, бола-чақалари атрофида айла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб юради. Уттиз йиллардан кейин узоқларга кетиб қолади, деган эди. Руҳ-арвоҳ фақат инсонга хос, бошқа жониворларнинг руҳи бўлмайди», деб тушунтирган эди.

Қушлар ва жониворларнинг унга нафрат билан қарашлари, сўкишлари Рукниддиннинг ҳушини бошидан учирди. У ўзини ўлган одам ҳисобларди. Лекин қандай бўлмасин, Зебони бир кўрса-ю, кейин унинг руҳи тутундек фалакиётга сингиб, йўқ бўлиб кетса, майли эди.

У, Зеболарнинг эшигига келиб, бир муддат остонада ерга қараб турди. Зебо йўқ. Уни барзанги мўғул бақиртириб отга босиб олиб кетган. Шу пайт унинг кўзига бир ушоқни тишлаб олиб кетаётган кичкина чумоли негадир оғзидаги озиғини ташлаб, Рукниддинга тикилгандай бўлиб кўринди. Назарида у: «Сен — хоин бизларни ҳам душман оёқ остига ташлаб қочдинг! Бизлар мўғул отлари туёғи остида янчилдик! Сен хоинлик қилмаганингда бизлар босқинчилар оёғи остида босиб мажақланмаган бўлардик!» — дегандек бўларди.

Рукниддин Зеболар эшигида анча вақтгача телбалардек серрайиб туриб, кейин яна орқасига қайтди. У ўз бўйнига тавқилаънат илинганини сезди. Бу тавқилаънатни буюк саркарда Темур Малик эмас, ҳатто Зеболар остонасида ўрмалаб юрган чумоли ҳам билган. Бу тавқилаънатни Рукниддин то қиёмат ўз бўйнидан олиб ташлолмайди!

Дарё ёқасида қаттиқ жанглар бўлаётгани билиниб турарди. Тунда учидаги пахта ёққа ботирилиб, ёндирилиб ўқ-ёйдан отилаётган ўқлар ғувиллаб келиб, кемаларга, истеҳком томларига тушарди. Баъзан у томон ҳам, бу томон ҳам манжаниқлардан тош отишар, палахмонлардан тош ёғдириларди. Баъзан ўнг қирғоқда, баъзан чап қирғоқда олатўполон кўтарилиб, қиличлар ялтираб, найзалар ишга тушарди. Ўн-ўн беш мўғулни тўнғиздек ерга ағдариб, қилич санчиб ўлдириб, хўжандликлар яна кемаларда истеҳкомга сузиб ўтишарди. Темур Малик ўз фидойи йигитлари билан бир ойдан бери тинимсиз жанг билан душманни тинкасини қуритиб, зарбалар бераётганини хўжандликлар шундоқ кўриб-билиб турардилар. Дарёнинг икки томонини эгаллаб олган душман Хўжанддан шаҳар атрофидаги қишлоқлардан чиққан одамлар кема билан бориб Темур Маликка қўшилмаслиги учун соҳилларда кечаю кундуз соқчилик қилишар, шубҳали кишиларни тутиб олиб кетишарди. Ўтрор, Сиғноқ, Барчинликент, Жанд томонлардан ҳайдаб келинган асирларга тоғдан тош ташитиб, оролгача йўл қурмоқчи бўлардилар. Харсанг ташиб, далада чумолидек қатор ўрмалаб ишлаётган асирлар узоқдан яхши кўриниб турарди. Бу бўлаётган воқеаларни, ҳали жанг тугамаганини, саркарда Темур Малик бардам эканини Рукниддин ҳам узоқдан кўриб турарди. Аммо юзи қаро Рукниддин Темур Малик юзига боқиш у ёқда турсин, номини тилга олишга ҳам ҳадди сиғмасди. Саркарда энг ёмон рақибни «ит эмган!» деб сўкарди. Эҳтимол, бу гап энди Рукниддинга ҳам алоқадор, у балки сўкиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

у ёқда турсин, бу қочоқ қўлига тушса қилич суғуриб, тикка чопиб ташлаши жуда аниқ эди.

Орадан ҳафта ўтди, дарё ёқасидан баъзан бўлиб қоладиган фавқулодда тўқнашувни айтмаганда, асосан, жимлик. Чориқдаррон осмонида калхату қузғунлар учиб юрарди. Баъзан катта ўлаксахўрлар қанотини кенг ёзиб, доира ясар, Чориқдаррон яқинидаги тепаликдан чиқиб, узоқларга боққан киши у ер-бу ерда ўлиб ётган жангчи ё отлар устида ўнларча қузғунлар уймалашаётганига кўзи тушарди. Тунда чиябўри билан сиртлон йиғиси эшитиларди. Бу йиғи эмас, даррандаларнинг «фаровонлик қаҳқаҳаси, базми» эди. Бу манзарадан унча узоқ бўлмаган жойда — Хўжанд қалъаси ичида Сўқту нўён ҳам ўз кишилари билан базм қурарди.

Кунлар ўтди. Жавзога келиб, ҳаво ғоятда қизиб кетди. Шаҳарга кириб келган баъзи одамларнинг кўзи қизариб, тинмай ёш томарди. Бундай кўзи қизарган одамлар бозор ёқасидаги пана ёки бурчак жойларга бориб ўтиришар, танда пайдо бўлган кучли ҳарорат уларни беҳузур қилиб, эрталабгача ўлиб қолишарди. Аксар қишлоқдан келганларнинг кўзи қизариб, ёшланиб, шаҳар кўчаларида йиқилиб қола бошлади. Бир кунда юздан ортиқ одамнинг йиқилиб қолгани Хўжандни даҳшатга солди. Чориқдаррон даштидан вабо келаётганини пайқаган Сўқту нўён дарҳол Аҳмад ибн Моразни ҳузурига чақириб, у билан ҳам узоқда туриб гаплашди. Фақат бозорга эмас, Хўжанд аҳлига оқсоқоллик қилаётган Аҳмад ибн Мораз қалъадан қайтиб чиқиб, шаҳар бозорида ва ҳамма ерда, кўчалар, муюлишларда гулхан ёқиб, унинг устига ҳар нарса ташлаб, саситиб, тутун бурқитишга фармон берди. Оғзини, кўзини рўмол билан ўраб олган хизматкорлар мурдаларни бордон устига тортиб, шаҳар четидаги хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортишарди.

Вабо... Бу даҳшатли офатнинг Хўжанд атрофида пайдо бўлиб, шаҳар ичида уйдан уйга кириб айланиб юргани, одамлар одамларнинг кўзига қараб, қизариб ёшланганини кўргач, тезда бундан қочиб кетаётгани, растада, каппонда мурдаларнинг қатор ётгани — мўғулларнинг бостириб келаётганидан ҳам даҳшатлироқ бўлди. Вабо мўғул қўшини ичида ҳам пайдо бўлиб, кўзи қизарган сарбозлар ўтирган жойида йиқилиб ўлиб қола бошлади. Унинг чўнтагидаги ўлжа тилла тақинчоқлару матоларни олишдан ҳам ҳазар қилишарди. Асирларни мурда ташишга мажбур этишди. Ҳамма ин-инига қочди.

Ўзи мурда бўлиб қолган Рукниддин кўчага чиқиб оғзи-бурнини рўмолча билан танғиб, исириқ саситиб турган тўрт кишига қараб кулди:

— Оқсоқол, нима гап? — Рукниддин оқ кўйлакда, бош яланг, нигичка бўлиб турарди.

— Бўтам, бор уйингга кир! — деди Аҳмад ибн Мораз муллавачча меҳрибонлик кўрсатиб, — вабо тарқалди. Кўриб турибсан-ку, одамлар ўляпти. Вабо!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Зебони олиб қочди, вабо эмас! Мўғуллар Зебони олиб қочди... Вабо Зебони олиб қочди...

— Бу телба!— деди оқсоқол ёнидаги шерикларига,— бу ҳам эрталабгача етиб бормайди. Ана, қаранглар, кўзлари қизарган, ёш томади...

— Менга ҳам иш буюринг, оқсоқол!— деди Рукниддин қаҳ-қаҳ уриб,— мен вабодан қўрқмаймен! Мени у ёққа борсам, саркарда Темур Малик ўлдирадилар, бу ёққа борсам, мўғуллар ўлдиради. Мен Зебони ўз қўлим билан мўғулга тутиб бердим. Мен ўлган одаммен! Мен вабоингдан қўрқмаймен! Агар вабо юқиб ўлдирса, кўп яхши бўларди. Оқсоқол, қани, вабо юқиб ўлган мурдаларни кўрсат, уларни қучоқлаб ўпамен, ҳурмати билан уларни ўзим қабристонга ташиймен!

У сочилиб ётган бордонлардан бирини тортиб келиб, йўл четида вабодан ўлиб қолган кимсани қучоқлаб кўтариб, бордонга ётқизди-да, юқорига, қабристон яқинидаги чуқурлик томон тортиб кетди.

— Бу телба!— деди Аҳмад ибн Мораз,— бу йигит баззознинг ўғли, Қўшмасжид томондаги Девонбеги мадрасасининг талабаси. Телба бўлиб қолибди, бечора! Эрталабгача адойи тамом бўлади. Исириқни яхшироқ тутатинглар!

Дарҳақиқат, телбасифат бўлиб қолган Рукниддин мурдани чуқурга ташлаб, устига кетмон билан тупроқ тортиб, яна бордонни судраб орқага қайтди. Телба муллаваччанинг бу иши оғзини ўраган асирларни ҳам таажжубга солди. Рукниддин оғзини ҳам ўрамаган, шундоқ қўли билан вабодан ўлган кишиларни елкасидан ушлаб, бордонга ётқизар, ундан кейин тутун ичида жимжит кўчалардан судраб қабристон ёнидаги хандақ томонга кўтариларди. Илгари қилганидай мурдани чуқурга қўйиб устидан тупроқ тортарди. У кечгача ўнга яқин кишини қабристонга олиб борди. Кечқурун ҳовлисига кириб, юз-қўлини ювиб, супада чўзилиб ётди. Қариндошлари ҳам ҳовлини ташлаб, қаёққадир қочишган эди. У қаттиқ нонни сувга бўктириб еб, ухлаб қолди. Эрта билан Аҳмад ибн Мораз нима бўлганини билмоқчи бўлиб, уникига бир одамни юборди. Муллаваччa азонлаб туриб, яна бордонда мурда ташиётганини айтиб келди. Оқсоқол ҳайрон қолди. Эртасига ҳам, индинига ҳам «телба талаба» «шаҳримга мен ўзим вабо олиб келдим, энди мен ўзим шаҳримни шу вабодан тозалайман...» деб, мурдаларни баъзан бордон қолиб, опичиб қабристонга олиб кетарди.

Орадан ўн кун ўтди. Лекин нима учундир Рукниддинга вабо юқмади. Таажжуб! Мурдалар ҳам камайиб, тутун ичидаги Хўжанддан вабо чекина бошлади. Ҳамма йўллар бекитилиб, шаҳарга одам қўйилмаган эди. Охири кўча айланиб, ўлиб қолган бирон одамни тополмаган Рукниддин Зеболар эшиги ёнига келиб, остонада ўтириб йиғлади. Бунга кўзи тушган баъзи одамлар, унинг телба эмаслигини пайқаб қолишди. Темур Малик қўшини-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га бормай, бекиниб қолишининг сабаби ҳам эҳтимол мана шу қиз, уни қаттиқ севиб қолгани бўлса керак, деб ўйлашди. Вабо дарди ҳаммага ҳам юқавермаслигини ўз кўзлари билан кўришди.

Ўзига атайин вабони юқдириб, ҳамшаҳарлари билан бирга гўрга киришни кўзлаган Рукниддин ниятига етмади. Мамлакат мудофаасидан қочган кимсадан чумоли эмас, ҳатто вабодек офат ҳам ҳазар қилишини, эҳтимол бундай кимса мурдасидан ер ҳам ҳазар қилишини фаҳмлади.

Бу — ғоят даҳшат!

Энди нима қилмоқ керак, деди ўзига ўзи Рукниддин. У аршу аълодан қувилган азозилдан ҳам жирканч бир нарсага ўхшаб қолди. Улим ҳам яхши нарса, кўз юмиб, танинг совийди, ҳеч нарсани кўрмайсан ва эшитмайсан. Наҳотки, инсон ўлимга ҳам эриша олмаса! Рукниддин боши қотди. Агар у вабо юқиб ўлганида ҳозир бунчалик азоб чекмаган, ўз севгилисини ўз қўли билан мўғулга тутиб бермаган бўларди. Бу азоблардан бирйўла қутулган бўларди. Энди нима қилса экан? Унинг ўлиши ниҳоятда керак. Эртага яна шундай кунни мутлақо кўргиси келмайди.

У ўз ҳовлисидан икки қулоч арқон олиб чиқиб, мадраса ёнидаги тут дарахтига чиқиб, бир учини йўғон бутоғига боғлади. Бу шохда туриб, у тут териб еган эди. Арқоннинг иккинчи учини сиртмоқ қилиб, бўйнига солди-да, ўзини ўзи пастга ташлади...

УТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

ЗАРНУК ФОЖИАСИ

«Утрорни ер билан яксон этган Чингизхон, бир қисм қўшинини Сайҳун ёқалаб, Сирноқ, Барчинликент, Жанд, Хўжанд томон йўллаб, ўзи асосий куч билан қумлик орқали тўғри Бухорога юрди. Йўлидаги Зарнук қалъаси ва Нур (Нурота) шаҳри унга жангсиз таслим бўлди...»[1]

Қаш чилласи. Лекин Мовароуннаҳрнинг бепоён далаю даштларида на қору на ёғин-сочин бор, ерлар тарашадек қотган, ҳаммаёқда қаҳратон қорасовуқ ҳоким. Сайҳун ёқалаб ёпирилиб келаётган бешафқат ёв томонидан қалъаларнинг бирин-кетин таслим этилиши ёки вайрон бўлаётгани, шаҳарларнинг ер билан яксон этилиб, тутуни осмонга ўрлаётгани узоқ Қизилқум бағрига ҳам етиб борди. Бундаги Зарнук қалъаси-ю, Нур шаҳри гўё қассоб қўлига тушган жонивордек саросимада титрай бошлади.

---

[1] «Ўзбекистон ССР тарихи», 1 жилд, 416-бет, 1967 йил, Тошкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барчинликентни ҳам қўлга олган Чингизхон Сўқту нўён ва Улоқ нўён отлиқ номдор саркардаларини саралланган кўп қўшин билан жанубга, Хўжанд устига йўллаб, ўзи асосий кучи билан Чордара яқинида Сайҳунни сол-кемалар орқали сузиб ўтиб, қумлик билан тўғри Бухорога йўл олди. Дашту биёбонда чанг кўтариб ўттиз минг отлиқ ёпирилиб келаётганидан хабар топган Зарнук ҳокими йигирма тўққиз ёшли Сайфиддин Муҳаммад тезлик билан Нур шаҳри беги Бисмиллохонга чопар юборди. Бу пайтда мўғуллар ҳали тоғ этакларига яқинлашмай Шўркўл — туз конлари атрофида эди. Сайфиддин Муҳаммад Нур шаҳри бегидан бемаслаҳат кимнингдир сўзи билан қалъа дарвозаларини очиб, юз эллик шай сарбоз отлиқлари билан Чингизхонга пешвоз чиқди. Енига шаҳар қозиси билан имомни ҳам олиб, сарупою қутидаги қимматбаҳо тошлари билан шаҳардан ташқарида «яъжуз-маъжузлар»ни кутиб ўтирди. Шу куни кечга яқин мўғул айғоқчилари қалъа яқинидан от чоптириб ўтиб, жанг бўлмаслигини пайқагач, орқаларига қайтиб, бу ҳолдан Жўжини хабардор этишди. Айғоқчилар бу билан чекланиб қолмай, ҳатто ўн беш чақирим нариги Нур шаҳридан ҳам ўтиб, шу атроф жонибни кўздан кечирдилар. Икки қалъанинг ҳам жанг қилмаслиги, дарвозалар очиқ, мансабдорлар титраб-қақшаб кутишаётганини ўз кўзлари билан кўриб, қалъа ҳокими билан гаплашишгач, бу хабарни ҳам от чоптириб бориб нўёнларига етказишди...

Зарнук Мовароуннаҳрнинг тоғ этагидаги ўртача қалъаси бўлиб, катта бозорга эга. Бир ривоятда унинг аҳолиси шаҳри Нурдан зиёдроқ, уч минг хонадонга эга, деб айтилади. Сайфиддин Муҳаммаднинг икки минг отлиқдан зиёдроқ қўшини ҳам бор эди. Зарнук асосан қум ичида, жануб томонларида Нурота тоғининг этакларидаги жилғалардан сув ичарди. Зарнук халқи асосан чорвачилик билан машғул, бир қисм аҳоли зироатчилик ҳам қиларди.

Зарнук қалъасига бир чақиримча масофа қолганида лашкар ўрталиғида соябон аравада келаётган Чингизхон отга миниб, тантанавор қиёфада шаҳарга кирди. Беҳудуд саҳрода баҳайбат бир аждаҳога ўхшаб оқиб келаётган мўғул отлиқларидан уч мингга яқини Удегэй, Жўжи, Чиғатой ва бошқа хонларни кузатиб шаҳарга кирди. Аслаҳа-қуроллар, аравалар, туялар ва бошқа ускуналар билан ўттиз минг отлиқнинг Зарнукка сиғиши мумкин эмас эди. Шу сабабли асосий куч шаҳар атрофида манзил қурди. Айғоқчилар қўшини аллақачон Нур шаҳридан ўтиб, Бухоро атрофида изғиб юрардилар. Сайфиддин Муҳаммад бир чақиримча ердан пиёда юриб бориб, отда турган Чингизхон олдида тиз чўкиб, бош эгди. Қўлида кўтариб тургани бир қути жавоҳиру олтин тангаларни унга тутди. Ундан сўнг дастаси олтин, димишқий шамширни ҳам икки қўли билан тутиб, Чингизхонга тақдим қилмоқчи бўлиб, унинг кўзларига жавдираб тикилиб турди. Чингизхон ёнидаги мансабдорларидан бирига ишора қилди. У дарҳол отдан тушиб, Сайфиддиннинг қўлидан қилични, қутини олди. Шундан сўнг, ноғораю карнай-сурнайлар садоси остида Зарнук қалъасига кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унга энг яхши хона ажратилган, истироҳат қилмоғи учун ҳамма нарсалар ҳозирланган эди. Дастурхон ёзилиб, зиёфат бошланди. Зиёфат вақтида Сайфиддин Муҳаммад билан бир муддат суҳбатлашди. Бунгача у татар савдогарлари ҳамда тилмочлар орқали Зарнук ва унинг жуғрофий шароити, қалъа беги Сайфиддин ва бошқалар ҳақида маълумот олган эди. Зарнук унинг қонли юришида биринчи таслим шаҳар бўлгани сабабли, бу ишда бир макр бўлмасин, хаёл қилиб, эҳтиёт чораларини кўриб қўйган эди.

Хона тўрида ўтирган Чингизхон семиз юзлари қовоқдек силлиқ, яласқи бурни остида каламуш думидек узун мўйлаби осилиб турар, кўзлари ўткир пичоқ билан тилиб, очиб қўйгандек қийиқ. Баъзан унинг кулганини ҳам, ғазабини ҳам билиб бўлмасди. Қорни катта бўлганлиги сабабли, камар боғламас, кенг ва узун либос танини ёпиб турарди. Руҳий ҳолатини унча сездирмагани билан ўта айёр эди. Душманидан қаттиқ ўч оларди. Кўп нўёнлар унинг олдида кам гапиришарди.

Чингизхон пойгакда ўтирган Сайфиддин Муҳаммадга илжайиб гап қотди:

— Сай-фид-дин — ислом динининг қиличи, демак. Шундоқми?

— Ҳа, — деди у ўрнидан туриб, таъзим қилиб.

— Бу қилич энди ўз ихтиёри билан бизга хизмат қилмоқчи. Шундоқми?

— Ҳа, албатта.

— Сабаб нима, деб сўрашнинг ҳожати йўқ, чунки менинг дунёга тенг қўшиним Зарнукни ўз йўлида пашшадек босиб ўтиши аниқ, оёғимиз остида Зарнук борлигини пайқамай қолишимиз ҳам мумкин... Сен шундан қўрқиб, бизга ўтдинг. Бунинг айби йўқ. Биздан қўрқиш керак. Қўрққанлар бизни ҳурматлайди, бизга чин юракдан хизмат қилади. Шундоқми?

— Шундоқ, — у яна ўрнидан туриб, таъзим қилди.

— Муҳаммад сени бошқа беклардан паст билиб, сен билан ҳисоблашмаган. Маҳмуд ялавоч сенинг таҳқирланишингдан хабардор... Шундоқми?

— Шундоқ, — у яна ўрнидан туриб, таъзим қилди.

— Эртага бизга қўшилиб Бухоро устига боришни хоҳлайсанми?

— Бизда, мусулмон устига мусулмон лашкар тортиб бормайди. Мен шу ерда хизматингизда бўламан.

Чингизхон ўйланиб қолди. У ўғилларига қаради, улар бир нима демай, елкаларини қисишди. Шундан кейин Чингизхон чарчаганини айтиб, хонадан ҳаммани чиқариб юборди. Тилмоч орқали яна Сайфиддинни ўз ҳузурига чақирди.

— Менинг тўшагимга икки қиз бер, уларни сенинг ўз хотининг олиб келсин. Бирини танлайман. У ёнимда қолади.

Сайфиддин Муҳаммад ташқарига чиқиб кетди. Бир муддатдан сўнг бошларига ҳарир чодра ташлаган уч аёл Чингизхон хонасига олиб кирилди. Зарнук беги эшик олдигача келиб, кейин орқасига қайтиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ичкари хонада ётган Чингизхон даҳлизда турган уч аёл юзини очиб, бир муддат уларнинг жамолига тикилди. Ниҳоятда мамнун бўлиб, биринчи бўлиб Сайфиддиннинг ниҳоятда чиройли хотини Гулираънонинг киришини айтди. Бошқа икки қизни ҳам нарнги хонада, дастурхон атрофида ўтиришини ғудиллаб тайинлади.

Нонуштадан сўнг пўстинларга ўралган саркардалар Чингизхонни аравага ўтқазиб, атрофини ўраб, йўлга тушишди. Сайфиддин Муҳаммад ҳам ўз кишилари билан отда то Нур шаҳригача кузатди. Унинг ичига чироқ ёқса ҳам ёримасди, аммо таъби тирриқлигини мутлақо сездирмасди.

Мўғуллар Нур шаҳрида ҳам бир кеча тунаб, Зарнукда нима иш қилган бўлсалар, шуни қилиб, кейин шитоб билан тўғри Бухорога юрдилар. Уч ой мобайнида Бухорода хунрезликлар бўлиб, Мовароуннаҳрнинг энг катта шаҳарларидан бири — дунёга номи кетган Бухоро мўғуллар оёғи остида топталди. Ундан сўнг, Самарқандга юришди, Чингизхон Зарнук беги Сайфиддин Муҳаммадга нома билан одам юбориб, Самарқандга юришдан аввал Зарнукда бир неча вақт бўлиши, уни яхши кутиб олишини маълум қилди. Икки минг сарбози отда саф тортиб туришликларини, қурол-яроғ осмасликларини тайинлади. Сайфиддин Муҳаммад роппароса икки минг қуролсиз отлиқ билан Чингизхонни кутиб олишга чиқди.

Баҳор ойлари эди. Чингизхон айғоқчилари эрта тонгда Зарнук қалъасининг икки минг отлиғи қалъа ташқарисига чиқиб, қуроляроқсиз саф тортиб турганлигини кўриб, буни хонга хабар бердилар. Куннинг ўрталарига бориб, сафардан шиддат билан чопиб келган мўғул отлиқлари Зарнук отлиқларини ўраб олиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қиличдан ўтказиб, найза уриб, бир муддатда қириб ташладилар. Бу фожиани кўриб, ҳуши бошидан учиб, нима бўлаётганига тушунмай турган Сайфиддин Муҳаммадни бир мўғул нўёни қамчи билан уриб, отдан қулатди. Шу лаҳза қўлини боғлаб, бош яланг Чингизхон ёнига олиб келди. От устида дарғазаб турган Чингизхон бекка: «Мусулмон мусулмонга қарши қўшин билан бормайди, дединг, демак, бир куни менга қарши борасан?! Шундоқми?»

У Сайфиддиннинг қўлини ушлаб турган мўғулга ишора қилди. Мўғул қилич сермаб, зарб билан урган эди, боши танидан узилиб, ерга тушди.

Зарнук қалъаси атрофидаги дала одамлар жасади билан тўлиб қолди, эгасиз отлар чопиб юрарди.

Мўғул қўшини Нурота тоғлари орасидан ўтиб, Қорадарё томон силжиди. Икки ҳафталардан кейин Самарқанд жанги бошланиб кетди.

Мовароуннаҳр қисмати ҳал бўлаётганида Зарнук қалъасининг беги Сайфиддин Муҳаммаднинг қўрқоқлиги — унутилмас хиёнат бўлиб, мислсиз кулфатларга сабаб бўлди.

Душман олдида иккиланишнинг оқибати — доимо фожиа!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

САРОЙДАГИ ФИТНА

Мамлакатда қаттиқ жанг кетарди. Дарё-дарё қон тўкиларди. Аммо, бунга қарамай, айниқса кейинги кунларда Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ майхўрликка муккасидан кетди. Машриқда қалъаларнинг бирин-кетин босқинчи қўлига ўтабошлагани уни умидсизлантириб руҳан тушкунликка тушириб қўйган эди. Аввалги тоат-ибодатлар ҳам қолиб, тинимсиз май ичар, шу йўл билан юрагидаги дардини унутмоқчи бўларди.

Кунлардан бир куни вазири аъзам Низом ал-Мулкка дўқ уриб, Чингизхон ва унинг мамлакатию лашкари ҳақида маълумот беришини сўради. Шу куниёқ саройдаги билағонларнинг оёғи ерга теккизилмай султон ёнига олиб кирилди. Уч мўйсафид тарихнавислар китобу қогозларини — «ноёб» ҳужжатларни қўлтиқлаб кириб, султоннинг саволини кутишди. «Чингиз хусусида гапиравериглар, мен эшитаверамен...» деди сархуш султон. Уч қария билганларини, китобу ҳужжатлардан, саполатхоналар маълумотидан йиққан гапларини бир чеккадан гапираберишди. Аммо султон тахтда хириллаб, ухлаб қолган эди.

Тарихнависларнинг маълумоти:

Мўғул мамлакатининг ичида ҳамиша ўзаро адоват-душманлик қилиб келган турли қабилалар — мўғул, найман, кереит, маркит ва бошқалар ўртасида шиддатли кураш кетаётган бир вақтда нўёнлар — мўғул кўчманчи феодал оқсуякларининг манфаатларини кўзловчи давлат ташкил топди. Бу даврда мўғуллар уруғ-қабила муносабатлари кучли бўлган жамиятда яшамоқда эди. «Мўғул» сўзи ҳам ҳаммаёққа тарқалган, улар ҳатто кўп сонли ва энг эътиборли татар қабиласи номи билан юритилиб, ўзларини кейинчалик татар деб ҳам атардилар. Мўғуллар ўзлари истило қилган мамлакатлар халқларининг кўпчилигига, шу жумладан, Мовароуннаҳр аҳлига, кейинроқ рус халқига ҳам ана шу ном билан маълум бўлдилар.

Мўғул қабилаларини бирлаштирган ва ярим кўчманчи мўғул давлатини барпо этган кимса Темучин, кейинчалик Чингизхон — улуғ хон деган номни олди. Чингизхон кўп сонли, интизомли лашкар тузди. Тарихнавис мавлоно Жувайний маълумотига кўра, тинч вақтда чорва билан машғул бўлган мўғуллар уруш вақтида кўчманчилардаги одат — ўн кишилик, юз кишилик, минг кишилик, ўн минг кишилик — туман бўлинмалардан иборат лашкар тузди-лар. Ҳар бир навкар ҳарбий юриш вақтида ўзига зарур бўладиган ҳамма яроғ-аслаҳаларни, ўқ-ёй, қилич, от ёки туя; турли хил анжомларни — қоп-арқон, қозон, игна, болта, пичоқ ва бошқа зарур буюмларни олдиндан тайёрлаб қўйиши шарт. Лашкар бошлиқлари, яъни юзбошилар, мингбошилар, туманбошилар ҳамда мўғул ҳарбий оқсуякларининг намояндалари — нўёнлар турадиТуманларга кўпинча шаҳзодалар бошчилик қилади. Мўғул қўши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ниҳоятда интизомлилиги билан эмас, балки ҳарбий юришлардаги чаққонлиги, чидамлилиги ва жангарилиги билан ҳам ажралиб туради.

Чингизхон ихтиёридаги асосий қўшиндан ташқари «кешик» деб аталувчи шахсий фидойилари ҳам бор. У жангга фақат ташқи ва ички томондан бирорта хавф туғилиши эҳтимоли бўлгандагина тушарди...

Чингизхон (1215 мелодий) Хитойга юриш қилиб, Пекинни ишғол қилган. Цинь сулоласини ағдариб ташлаб, Шимолий Хитойни мўғуллар давлатига қўшиб олди. Бу юришда у аввалги юришга нисбатан кўп ўлжалар (олтин ва кумуш идишлар, шойи ва атласлар, қуллар, чўрилар) ни олиб қайтди. Чингизхон хитойларнинг шаҳарларини қамал қилишдаги юксак ҳарбий маҳорати билан танилди. Бу эса унинг кейинги юришларида ғолиб чиқишига омил бўлди. Ўзи билан фақат қурол-аслаҳаларни эмас, қуроллар ясайдиган усталарни ҳам олиб кетди. Шу туфайли у тез орада ўз лашкарини энг яхши қуроллар билан таъминлади. Шундан сўнг у Ғарбга — Мовароуннаҳрга юриш бошлади. Аввал у Кучлукхон — қорахитойлар давлатига: Хўтон, Ёркент, Қашқар, Еттисув вилоятларидан иборат бўлган анча катта, аммо беқарор давлатга кўз тикди. Аслида найманларнинг сардори Кучлукхон аҳолининг мусулмон қисми билан яхши муносабатлар ўрната олмади, аксинча ўзига қарши ғазаб уйғотди. Кучлук мусулмонларга қарши очиқдан-очиқ зулм сиёсатини юргизганида бу ғазаб душманликка айланиб, Кучлукнинг тақдирини ҳал қилишда муҳимлигини Чингизхон яхши биларди. Ўтрор томон юриш бошлаган Чингизхон аввал ерли мусулмон уруғларига ислом динига бўлган эътиқодлари учун кишиларни таъқиб қилмади. Шу сабабли ерли уруғлар Кучлукка ёрдам кўрсатмай, майда ҳокимлар Чингиз томонига ўтиб кетабердилар. Шу тариқа мўғуллар «кунботар томон» «сўнгги денгиз» сари қонли юришни давом эттириб, ер юзини батамом эгаллаймиз, деб босиб келаберди...

Гап тугаши билан султон кўзини очди. У деярли ҳеч гапни эшитмаган, қулоғига ҳеч нарса кирмаган эди. Миясида: «Мўғул», «Чингиз», «Мўғул»... деган сўзлар айланарди, холос.

— Бўпти, тушундим! — деди у қўли билан уч кекса тарихнависга «чиқиб кетаберинглар», ишорасини қилиб.

Шундан сўнг ёнига яқин келган вазири аъзамга илжайди.

— Сен ҳам ичсанг бўлмайдими? Ич! Кел, ичақол! Менга ҳам қуй! Бу, кекироқ чолларинг менга ақл ўргатаман демоқда. Чингизни мен улардан яхшироқ биламен! Чинга юриш қилиб, Пекинни олганини ҳам биламен... Мен уни асир олиб, ўз еримизда терисини шиламен! Мен уни... Қани, май қуй менга!

Султон отаси Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Такиш, буваси Абдулфатҳ Эл-Арслон, катта буваси Аълоиддин Хоразмшоҳ Отсизларга ўхшамади. Улар дуркун, қадди-қомати келишган, иродали одамлар эдилар. Аммо невара ота-боболарига нисбатан анча мажмағил, кўнгли бўш, иродасиз, лақма бўлиб ўсди. Вазири аъзам

www.ziyouz.com kutubxonasi

баъзан султонни боладек овутарди. У тез-тез гапирадиган, бир оз жиззаки ҳам. Наинки Низом ал-Мулк, катта ўғли Жалолиддин ҳам отанинг комуносиб қилиқларидан хижолат бўларди. Қатта масалалар — ҳарбий қудрат, зироату чорва, қалъаларни мустаҳкамлаш, хорижий давлатлар билан алоқа ишлари бир ёқда қолиб, сарой ичидаги майда гаплар, фисқу фужур, шаҳзодаларнинг мулку давлат талашишлари, Туркон хотуннинг инжиқликлари билан кўпроқ шуғулланар, базму тўй-ҳашамларга кўпроқ эътибор берар, арзимаган нарсага тажанг бўлаверарди. Унинг бу ожиз томонидан фойдаланган саройдаги хушомадгўйлар султонни ўргимчакдек ўраб, мақтов иплари билан оёқ-қўлини тамом чирмаб ташлаган эдилар. Жалолиддин ҳам, узоқдаги Темур Малик, Шаҳобиддин ХиваҚийлар ҳам султоннинг хушомадгўйлар гирдобига тушганини сезишар, лекин бу ишлардан уни огоҳ этиб, ўнглаб олишга асло ҳаддилари сиғмасди. Баъзи кексалар: «Хоразмшоҳ Такишдан кейин тахтга бош ўғли Тожиддин Алишоҳ чиқиши керак эди...» деган гапларни ҳам айтганлар. Бу гапни тарқатганлар ичида боши кетганлар анча-мунча бўлган.

Қалаванинг учини йўқотиб, сархуш ётган кунларнинг бирида иккинчи ўғли — шаҳзода Қутбиддин Узлоғшоҳ бувиси Туркон хотун билан султоннинг данғиллама хобхонасига киришди. Бир лаҳза бурун султон оғушидан кичик хотини чиқиб кетганди, холи қолган султон яхшилаб ювиниб-тараниб олгани ҳам йўқ эди. Она ва ўғлининг бостириб кириб, салом бергани сархуш султонни шошириб қўйди. Чимирилган Туркон хотун «агар султон бундоқ таҳликали кунларда мамлакатнинг баъзи томонларини фарзандлари Узлоғшоҳ, Пиршоҳ, Гурсанжти, Ҳуршоҳларга бўлиб бермаса, Жалолиддин ўз хатти-ҳаракатлари билан укаларини қаттиқ ранжитади. Шаҳзодалар бўлиниб кетиб, муҳораба устига муҳорабалар бошланиб кетмоғи мумкин...» деган гапни султонга айтди. Боши қотиб қолган султон: «Ҳозир шаҳзодалар жим турсин, мен ўлганим йўқ, юрт талашадиган вақт эмас, ғайридин мўғуллар бостириб келмоқда!» — деди. У яна ғазаб ичида: «Менинг ўғилларим акалари Жалолиддинга ўхшаб, қўшин тортиб, ёв йўлини тўсиш ўрнига саройда ётишибди. Манманликка берилиб кетишган! Агар тезликда Самарқанд мудофаасига боришмаса, мен уларни Аёз жаллодга топширамен! Ўлдирамен!!!» — деди.

Султон одатдагидек жазавага тушиб, ранглари оқариб, титраб, ўтирган жойида қалтирай бошлади. Бундай ҳолатларни кўп кўрган Узлоғшоҳ отасига таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди. Туркон хотуннинг энсаси қотиб, бақрайиб ўтирди, кейин бўшашиброқ деди:

— Султон, ўзингизни қўлга олинг!

Кампир ташқарига чиқиб кетди. Шу лаҳза султоннинг ёнига катта хонада бармоқларини шиқиллатиб, хаёл суриб ўтирган Низом ал-Мулкни киритиб юборди. Маст султонни бағрига олиб: «Олампаноҳим, шоҳи-жаҳоним, қўйинг, хафа бўлманг, йиғламанг... Улар тирноғингизга ҳам арзимайди. Сиз, Искандар, Дорою Тах-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мурас монанд подшоҳсиз. Араб халифаси Носирни Гурхонлар наслу насабидан бўлган қорахитойлар хонини бургадек эзиб ташладингиз. Асабингиз бузилишига арзимайди!» — деб уни овутди. Султон шундай дарғазаб пайтларда ўғилларини сўкиб ўтирмай, одатдагидек: «Шеруя! Сен Шеруясен!»[1] — деб бақирарди. Бу гап шаҳзодаларга энг ёмон сўкишдан ҳам қаттиқ ботарди. «Сенлар араб шаҳзодаларига ўхшаб «Мажистий»[2] ўқиш ўрнига қимор ўйнайсенлар! Сенларга мамлакатни бўлиб беролмаймен!» Султон сархуш пайтларида мана шундай «ақлли» гаплар ҳам ёдига келиб, ўғилларини саваларди. Аслида бу гапларни унга Низом ал-Мулк ўргатарди. Доно вазири аъзам султонга Ҳинд китоби «Калила ва Димна» ни ҳам олиб келиб, ўқиб чиқишини илтимос қилган. Лекин султон бу жониворлар қиёфасида масал этилиб, давлат ва адолат ҳақидаги китобдан бир-икки варақ ўқиб, зерикиб, ташлаб юборган. Низом ал-Мулк баъзан-баъзан бу китобдан саҳифалар ўқиб берар, ўзининг «ҳўкиз» қиёфасида эканини айтиб, султонни обдан кулдирарди. Лекин султон билан ёши баробар машҳур шоир Фаридиддин Аттор[3] ни яхши кўрарди. Уни ўз ҳузурига чорлаб, заррин либос кийдирган. Шоирнинг «Асрорнома», «Тазкират-ул авлиё...», «Мантиқ ут-тайр», «Булбулнома» китоблари сарой кутубхонасида энг мўътабар жавонда турарди.

— Менн, ме-е-е-ин... энг яхши кишиларимиздан ажралдим! — деди эрталабдан май ичиб, қип-қизариб олган Хоразмшоҳ тахтиравонда тамшаниб, асабий бир тусда чайқалиб, Низом ал-Мулкка тикилганча, — мен уларни ҳайдадим. Улар ярамас одамлар, оғир кунларимда ташлаб кетдилар! Абдулқодир аш-Шоший ҳам мендан юз ўгириб, Шош вайроналарига кетди. У вайронада нима бор экан? Нодон чол! Менинг бундаги гулшанимдан вайрона Шошга жўнаган одамни ақли бор деб бўладими! Фақат нодонлик! Бундан бошқа нарса эмас! Бувам замонида қилинган вайроналикка мен жавоб бераменми? Қани, вазири аъзам, айтинг-чи, мен жавоб бераменми? Шунча йилдан кейин эсига тушибдими! Унинг Шош қалъаси бирон гуноҳ қилмаган бўлса, султон вайрон этармиди! Уч нарса юрагимга тикандек санчиладур, азизим, уч нарса! (Сархуш султон юрагини чангаллаб, бетоқат бўлади.) Тўрт юз савдогарни ўлдирганим хато бўлди. Шаҳзода Жалолиддин, сардорлар: Шаҳобиддин Хивақий, Темур Малик ва бошқаларнинг фикрларини бекор қилдим, лашкарни бир ерга тўпламадим, мўътабар мунший Абдулқодир аш-Шошийни, Фаридиддин Аттории қувғин қилдим... Бу гуноҳларимни ҳеч ким кечирмайди! Кечирмайди! — (У хаёл суриб, шифтдаги ранго-ранг тоқиларга тикилганча, телбаларга ўхшаб қилиқлар қилади. Кейин Низом ал-Мулкка ўқрайиб қарайди.) — Сен, ҳазрат ҳам менга тўғри йўлни кўр-

---

[1] Шеруя — тарихда ўз отаси Қубод I ни ўлдириб, тахтга чиққан шаҳзода.

[2] «Мажистий» («Альмагест») юнон олими Птоломейнинг астрономияга оид ўн уч китобдан иборат асари.

[3] Фаридиддин Аттор (1229 мелодийда вафот этган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатмадинг! Сенда гуноҳ кўп! Чингиз менинг бошимни кесар экан, сенинг бошингни ҳам кесади! Ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсен! Ҳеч қаёққа!!!

— Мен ҳеч қаёққа қочмаймен. Шамширингиздек доимо ёнингиздамен. Агарда менда қилча хиёнат бўлса, бошим Аёз болтасида!

— Сенга ишонамен! — деди васваса ичида бақрайиб турган жиккак Хоразмшоҳ, — сен доно одамсен. Қани, менга айт, нега биз енгилмоқдамиз! Улуғ Хоразмнинг қудратли лашкари нега енгилмоқда?

— Тилим бормайди... — Низом ал-Мулк Туркон хотуннинг «тўрт юз қалъамиз бор, ҳар бир қалъамиз Чингизнинг йўлини тўссин, келган душман Сайҳун ёқасидаёқ тор-мор бўлиб, орқасига қайтиб кетсин», деган фикрига ишора қилди. Бу фикр амалга ошган эди. Хоразмшоҳ бадмаст бўлса ҳам бу ишорани фаҳмлаб турарди.

— Нега тилинг бормайди?! Нега ўша вақтда айтмадинг? Қўрқдингми?

— Улуғ султоним, мен бандасидан қўрқмаймен... Кўп йил отангиз ва сизнинг хизматингизда бўлдим. Мени сипоҳсолар шаҳзода ихтиёрига юборинг, юзбоши бўлиб ҳам жанг қилишга тайёрмен! Ҳозир шу муҳим!

— Сен ҳам мени ташлаб кетмоқчимисен? Рухсат йўқ! Сен ҳаммавақт мен бўлган ерда бўласен! Жалолиддин салтанатни ҳалокатдан сақлаб қолади, мен уни илгарироқ фармон билан бутун қўшинга саркарда — лашкарбоши этишим лозим эди. Бу иш кеч бўлди. Нега сен буни менга барвақтроқ айтмадинг! — У яна васвасага тушиб, заррин либоси устидан юрагини чангаллади. — Қани, айт, сен вазири аъзам, нега бу гапни аввалроқ менга айтмадинг?! Мўйна олиб келган тўрт юз савдогарни нега ўлдириб юбординглар?!

— Улуғ султон, бу сизнинг буйруғингиз...

— Йўқ, сен мени чалғитгансен, мен рози бўлганмен!

Низом ал-Мулк Хоразмшоҳ рўпарасида бир сўз деёлмай ёғочдек қотиб қолди. Султон қўли билан имо қилди, салобатли вазири аъзам бошини султонга эгиб, орқаси билан юриб, саройнинг олтин тахт ўрнатилган ганчин хонасидан чиқиб кетди. Ёлғиз қолган султон маҳрамга ишора этиб, олтин пиёлага май қуйдириб ичди. Худди шу фурсат эшикда она-Туркон хотун пайдо бўлиб, виқор билан султон томон юрди. Тахтда якка кифт бўлиб, қийшайиб ўтирган Хоразмшоҳ ўзини тартибга солиб, май пиёласини маҳрамга узатиб, ўрнидан турди. Орқада Узлоғшоҳ ҳам келарди. Султоннинг бу ўғли ўзига ўхшаб, жуссаси кичик, камгап, ичимдагини топ, хилидан эди. Узлоғшоҳнинг пастки лаби остида чиройли холи бор, аммо унинг чақмоқ мўйлаби учи ўсганида холни беркитарди.

— Вазири аъзамнинг ҳамма гапларини эшитдим, — деди қисқа салом-аликдан сўнг Туркон хотун тахт ёнига чўкиб. — Подшоҳи олам Низом ал-Мулк тулки одам, у сенга вафо қилмайди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онанинг бундай серзарда, ҳатто тахт ёнида бўлган гапларини эшитиш одатларига ўрганиб қолган султон ҳиссиётга берилмай, кунчиқишдан то кунботишгача етган, беҳудуд ва буюк мамлакат подшоҳи сифатида эмас, оиласида онаси билан гаплашаётган кишидек ҳис этиб, тахтдан тушди-да, онаси ёнига чўкаётган эди, Туркон хотунга бу иш ёқмай кўзини олайтирди.

— Улуғ султон! Тахтга чиқинг!

Хоразмшоҳ тушаётган ерида тўхтаб, яна ўз тахтига чиқиб ўтирди. Узлоғшоҳ бувисидан бир қадамча нарида ерга чўкка тушди.

— Давлат хазинаси бўш, Низом ал-Мулк Хоразмнинг олтинларини ўз уйига тўплади. Гавҳарлари ҳам қанча... Бойиб кетди. Энди у ё Эронга, ё Шомга қочади. Бориб, эҳтимол, Бағдодда халифаларга хизмат қилади. Хоразмдан омад кетди, деб айюҳаннос солади. Йўқ! Хоразм ҳаммавақт жанг қилиб келган, Хоразм бутун жаҳонни титратган! Сизнинг энг улуғ бобонгиз Ануш Тегин бўлади! Унинг фарзанди Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ! Мана бу фарзандни ҳам, — у орқароқда ўтирган Қутбиддин Узлоғшоҳ пешонасини силади, — ўша улуғ бобосига ўхшаб, жаҳонгир бўлсин деб Қутбиддин қўйдик. Ундан кейин Аълоиддин Отсиз, ундан кейин Абдулфатҳ Эр-Арслон, ундан кейин Аълоиддин Такиш — Хоразмшоҳ. Сиз унинг пуштикамаридан бўлгансиз. Хоразмшоҳлар жаҳонни ларзага солди. Таги паст эронийлар уруғидан бўлган Низом ал-Мулкнинг бунчалик ҳаддидан ошиши, нотўғри йўлларга бошлаши тўғрими?! Бунга қандай чидайсиз?!

Бутун мамлакатни титратган Туркон хотун ўғлига панд-насиҳатлар қилиб аллақандай бир букланган қоғозни шоҳга узатди. Бу Низом ал-Мулкнинг Наса шаҳри ҳокими, яна бири Хурандиз қалъасидаги инисига ёзган мактуби бўлиб, имконият топганида «иссиқ ва хафақон Гурганждан бу томонларга кетиб, сайфу истироҳат қилиб» келишини маълум қилган эди. Бу номаларда бошқа маъно йўқ. Аммо Туркон хотун одамлари Гурганждан чиқиб кетаётган бу номани ушлаб қолиб, дарҳол унга етказишди. Султон маст, тантиқланиб йиғлаганида овутадиган, таъсирини ўтказаётган вазири аъзамга ғаши келиб, Жалолиддинга ўхшаб ўзини менсимай бирон «қилиқ» қилишини кутиб юрган Туркон хотун (Низом ал-Мулк ўз оиласи даврасида уни жодугар кампир деб атарди) бу «муҳим далил» орқали вазири аъзамни бир куни ўз қўли билан ҳўкиздек сўйишни мўлжалларди.

Султон номани қўлига олиб, диққат билан ўқиди.

— Уруш кетаётганида қандай қилиб Наса ёки Хурандиз қалъаларига бориб, истироҳат қилиш мумкин?

Аслида бу нома Чингиз ҳужумидан аввал йўлланган бўлиб, беш ойдан буён Туркон хотун уни сақлаб келарди. Низом ал-Мулк кейинги ойларда мамлакат бошига тушган ташвиш билан бўлиб, нома ёзганини аввал яширган, кейин ўзи ҳам унутиб юборган эди.

— Гап шунда, — деди Туркон хотун, — мабодо мўғуллар билан жанг Гурганж яқинида, Жайҳун бўйида бўлар экан, Низом ал-Мулкни Насада, ундан кейин Бағдодда кўрасиз. У менимча, ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зирдан тайёргарлик қилиб қўймоқда. Бу эронийнинг туркийлар ташвиши билан нима иши бор! У йиғадиган мулкни йиғиб олди. Жавоҳирлари сизнинг хазинангиздагидан кўп. Ўйлаб кўринг, султоним, азиз фарзандим, у яна хиёнатгар кимса бўлиб чиқмасин! Ёқамизни ушлаб қолмайлик! У шаҳзода Жалолиддин ҳимоясида...

— Ҳеч қандай ҳимоясида эмас, ўғлим шаҳзода Жалолиддин тўғри йўлни тутади. Яхши ҳам шу катта ўғлимиз, катта неварангиз бор экан. Салтанатнинг таянчи у! Қатта неварангизга тил теккизманг, у сипоҳсолар!

Бувиси ёнида чўкка ўтирган шаҳзода Узлоғшоҳ қип-қизариб, мулзам бўлди. (Жалолиддин билан Узлоғшоҳ оналари бошқа-бошқа эди. Узлоғшоҳнинг онаси Қиёт бекларидан бирининг қизи бўлиб, Туркон хотуннинг узоқ уруғи эди. Бу малика Туркон хотунни «ялайдиган» шуҳратпараст аёл, ўғлини келгусида тахтда кўриш орзусида эди.) Туркон хотун: «Бу, султоним, рухсат этсангиз, ўглингиз ҳозироқ Қатвонга жўнайди» демоқчи эди. Узлоғшоҳнинг Гурганждан чиқмаслигини, онасидан сўрамай бир иш қилиб қўйишдан ўзини тийиб, индамади.

— Тўғри, салтанатнинг таянчи шаҳзода Жалолиддин. Аммо бошқа фарзандларингизни ҳам камситманг! Мен-чи? Мени ҳам унутманг!

— Бадавий мўғуллар Мўлиён[1] боғини пайҳон этиб, хонақоларга отларини боғлабдилар, — деди султон ўпкаси тўлиб, — Жоме масжидида хунрезлик қилиб, шайхулисломни, имомни, Бухоронинг эътиборли арбобларидан юз кишининг бошини кесиб, қудуққа ташлабдилар. Наҳотки, Хоразмшоҳлардан ўтиб келаётган қўлимдаги бу шамшир ўтмасланиб қолди. Вазири аъзам, доруғалар, [2], удайчи[3], човуш[4] лар хиёнатгар! Мен кимга ёлборамен! — У яна кўксини чангаллаб, оҳ урди. Ёнида турган олтин пиёлаларга ўзи май қуйиб ичади.

— Йўқ, у шамшир ҳали ўткир! — деди Туркон хотун, — умидсиз бўлманг! Ғайридин Чингизни ҳайдаб чиқарамиз!

Туркон хотун ва Узлоғшоҳ султон ҳузуридан чиқиб кетишди. Узлоғшоҳ бу суҳбат давомида бир оғиз сўз демади. Бошини солиб, отага ғоятда эҳтирому таъзим этиб ўтирган ўғлини кўз олдига келтириб султоннинг кўнгли бузилиб, яна кўзига ёш олди. Бир-икки пиёла май сипқорди. Шундай ёшда шаҳзодалар отда човгон ўйнаб, яйраб юриш ўрнига мамлакат нотинчлиги сабабли бошини солиб, бувиси паноҳида ўтирса, бунга қандай тоқат қилмоқ мумкин! Бир вақтлар Боласоғундан қорахитой, энди бу вақтга келиб Олтой томонлардан мўғул-тотор деган ғайридинлар босқинчилик қилиб келсалар!...

Эртасига Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Соний фармони

---

[1] Мўлиён — Бухоро атрофидаги шоҳлар бўстони.
[2] Доруға — шаҳар ҳокими.
[3] Ўдайчи — сарой мансабдори, шоҳ билан учраштирувчи.
[4] Човуш — мансабдор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

олий билан Низом ал-Мулкни вазири аъзам лавозимидан бекор қилди. Ўрнига Абу Сахл Қиётий деган бир мансабдор белгиланди. Низом ал-Мулк Гурганжда туролмай бола-чақалари билан Бағдод томон жўнади. Унинг «Шому Бағдод сари йўллангани...» Туркон хотунга жуда ёқди, гўё «жосус — хоинлиги» тасдиқлангандай бўлди. Лекин Низом ал-Мулкни йўлда, «Мурғоб ва Тажан оралиғида қароқчилар мол-мулкини талаб, бола-чақалари билан ўлдириб кетган» хабари бир ойлардан кейин Гурганжга етиб келди. Бу фожиа Қатвонга, шаҳзода Жалолиддин қулоғига етиб, ғоятда дилгир бўлди. Тадбиркор, доно вазири аъзамнинг саройдан қувилишида ва ҳатто фожиасида оға-иниларини, бувилари — Туркон хотуннинг қўли борлигини аниқ фаҳмлади...

* * *

Бухоро қўлдан кетган, Жалолиддин ортиқ Гурганжда туролмай, Самарқандга — Қатвон даштида тўпланган қўшин сари шитоб билан жўнади. Бувиси Туркон хотуннинг қош-қовоғига ҳам қарамади. Илгари Шаҳобиддин Хивақийнинг фикри ҳам мана шундоқ эди. Чингизхон Бухорони олиб, Самарқанд сари юрганида йўл-йўлакай Зарнук қалъасида қирғин ўтказганини Жалолиддин Қатвонга етиб келгач эшитди. У салкам юз йил аввал бу Қатвон даштида Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатини қорахитойлар подшоси Гурхон катта жанг билан қўлга киритганини биларди. Улар қорахонийлар хони Маҳмуд ва салжуқийлар султони Санжарни енгган эди. Жалолиддин худди шу Қатвонда Чингизни тор-мор этиб, унинг қонли юришига хотима бермоқчи бўлди. Қатвондан тўппа-тўғри у Хўжанд томон юриб, Темур Малик қўшини билан бирлашмоқни ният қилди.

Ақраб[1] ойи ўзининг ёғин-сочинли, қировли ва изғиринли кунлари билан деҳқонни огоҳлантиради. Туябон манзилга етгач, ўз карвонини юкдан бўшатиб, уни яхши парвариш қилиб, тўйдириб, сув ичириб, навбатдаги сафарга тайёрлайди. Худди шундай, деҳқонлар ҳам ақрабда ерни келгуси экинга тайёрлаши лозим. Ақрабда Хоразм деҳқонлари ерга яхоб беради, зовурларни тозалайди, чорвага қарайди...

Аммо кунчиқиш томондаги қалъаларни вайрон этиб, бостириб келаётган мўғуллар ваҳшати, яраланиб, баъзан қочиб келаётган хоразмликлар ёвнинг ғоятда бешафқат экани ҳақида ҳар хил гаплар тарқатишар, халқ ичидаги ғала-ғовур, васвасалар сарой аъёнлари орқали султон қулоғига ҳам етиб турарди. Машриқ халқи Олтою Боласоғун, ундан нари Чин мамлакатини яхши биладиган султон, ёпирилиб келаётган мўғуллар оч қолса ўлган ўлигини ҳам ермиш, деган гапга ҳам ишонарди.

Шаҳзода Жалолиддинни фармони олий билан сипоҳсолар тайинланиб, қўшин унинг ихтиёрига топширилгач, Қутбиддин Узлоғшоҳнинг юраги зил кетди. Туркон хотун бу фармондан норози

[1] Ақраб — 21 октябрдан 22 ноябргача бўлган кун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди. Жалолиддин ўз ёнига отаси унча хуш кўрмайдиган Шаҳобиддин Хивақий, вазири аъзам Низом ал-Мулкнинг катта ўғли Оташвужуд, сардор Абу Сахл Масихий деган тадбиркор кишиларни олиб, Қатвонга жўнади. Дарё ичида туриб жанг қилаётган Темур Малик ҳам ёнида бўлганида, уни ҳам олиб кетиши муқаррар эди. Баъзи мансабдорларнинг фикрича, Жалолиддин ўз яқинларини олиб Гурганждан чиқиб кетиши — пойтахтни ҳувиллатиб қўйган эди. Айниқса, савқи табиий дардига мубтало, калаванинг учини тополмай кўп хаёл сурадиган султон кўпроқ майхўрликка ружу қилиб, жонига теккан онаси Туркон хотунга ҳам ортиқ қулоқ солмай қўйди. Вазири аъзамнинг айтишича, «иккинчи султон» — Туркон хотундан у ҳатто ўч ола бошлади. Энсаси қотиб уни қабул қилар, сўзларига терс жавоб берар, валиаҳд қилмоқчи бўлгани — Узлоғшоҳга ҳам ортиқ қарамас, Пиршоҳ, Оқшоҳ, Гурсанжтшоҳ, Ҳуршоҳлар билан ҳам иши йўқ эди. Фақат ёлғиз қизи Хонсултон ойим баъзан отаси ёнига кириб, саройда бўлаётган ғийбатнамо ишлардан уни воқиф этарди. Султон вазири аъзам ва бошқа махфий кутволлардан ташқари, қизи сўзига қулоқ осиб, бошқа хабарлар билан муқояса этарди.

Самарқанд мудофаасига ҳозирлик кўраётган Жалолиддин Темур Маликдан келган нома мағзини чақиб, анчолардан ўзи ҳам нома йўллади. Унинг тезда Қатвонга етиб келишини сўради. Қалъаларни ўз ҳолича мудофаа қилиш режаси барбод бўлгани, эндиликда кеч бўлса ҳам қўшинни бирлаштириш лозимлиги, Самарқанду Гурганжни қўлдан бермаслик учун ҳамма чораларни кўриш кераклиги ёзилган эди.

Махфий чопарлар яна орқаларига — Хўжанд яқинидаги дарёистеҳкомга йўл олишди.

Жалолиддин Қатвон даштида қўшинни жангга тайёрлади. Бу ерда юз йил муқаддам султон Санжар енгилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон оёқости бўлганини биларди, бу оғир хатонинг яна такрорланишига йўл қўймаслик учун мўғул қўшинини тор-мор этиб, мамлакатни сақлаб қолишини кўнглига тугиб олган эди.

Жалолиддин Қатвонда ўн мингдан ортиқ сарбоз тўплаб, Зарнукдан қайтаётган Чингизхонни кутарди.

Энди сўзни Гурганждан эшитинг:

Майпарастликка муккасидан кетган, феъли ожиз султон ўз вазири Низом ал-Мулкни йўқотиб, Қиётийни вазири аъзам этиш билан хурсанд бўлмади. Янги олий мансабдор нима ишлар билан банд эканини мутлақо билмас, фақат илгариги вазири аъзамдек султон қаттиқ андуҳ гирдобида йиғлаган пайтлари уни овутадиган кимса йўқ эди. Низом ал-Мулкнинг мана шу томони унинг жонига ором бериб, қайғусини енгиллатарди. Кунлардан бир кун онасига ўқрайиб, «Низом ал-Мулкни ёмон кўриб, саройдан четлатдингиз, майли... Лекин уни қароқчилар ўлдириб юборишин» керакмиди, деган гапни айтмоқчи бўлди-ю, лекин бунга журъат этолмади. Гапни бошқа томонга буриб юборди.

— Яҳудийлар қадим замонларда оч бўридек тажовузкор бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганлар. Улар доимо қўшни мамлакатларни нотинч тутиб келганлар. Шу сабабли фиръавнлар уларни Қуддусдан, Мисрдан ҳайдаб, саҳрода қириб ташлаганлар, — деди султон Туркон хотунга ўзини одатдагидек «Мажистий» ўқийдиган, билимдон қилиб кўрсатиб, — қорахитойлар билан мўғуллар ҳам улардан қолишмайдиган тажовузкор экан. Бўлмаса, Чингизхоннинг мағриб сари судралиб келиши — уларнинг қонида бор. Бунда ўзларига гўр топадилар! Яҳудийлар рақибига қопоғон итдек, тўсатдан ташланиб, маҳв этади. Бунга ҳам қовил қилмай, рақиби мурдасини йиртқичдек талаб, тилка-пора этади, эзиб-янчиб, атай ҳамманинг кўзи олдида ўзига қарши адоват қўзғайди. Бундан яҳудийлар икки томонлама манфаатдор: биринчидан, тўсатдан берилган қақшатғич зарба рақиби ва бошқаларнинг юрагини олиб қўяди; иккинчидан, келгусида ўзи, яъни яҳудийлар тинч бўлмоғи, бошқалар ҳужум қилишга ботинолмаслигини ўйлайди. Осмонга ўқ отган Язид ҳам, Намруд ҳам яҳудий!

— Султон, бу сафсата гапларни қўйинг. Мамлакат аҳволи ёмон... Ҳозир яҳудийлар ҳақида гапирадиган пайт эмас! Сизнинг ёнингизга кичик келиним Гултанбека кирмоқчи. Гапи бор, қулоқ солинг. Ҳозирги кунда илму фандан бебаҳра, саҳройи мўғулларни эплолмаган султон, сиз, фиръавнлар вақтида ўтган яҳудийларни гапириб нима қиласиз?

Зукко онадан бу гапни эшитган Хоразмшоҳ тахтида шамдек қотиб қолди.

— Сатанг совуқда ўлади, — деди яна пўнғиллаб Туркон хотун, — катта хотинингизга Бадахшондан келтирилган лаълни берибсиз, ҳаммага кўз-кўз қилибди. Қиётликлар хафа. Гултанбекага ҳам ўша даражада туҳфа этмасангиз, қиётлик беклар Жалолиддинни ёлғиз ташлаб, Қатвондан жўнаб кетадилар...

Султон Туркон хотун ўрнидан қўзғалмасданоқ Абу Саҳл Қиётийни ҳузурига чақириб, хазинабондан қимматбаҳо гавҳар тошни ва яна Ҳиндистондан келтирилган қимматбаҳо тақинчоқларни ҳам олиб келишни буюрди. Бу ишларни Туркон хотун ўз кўзи билан кўриб, кўнгли хотиржам бўлгач, ташқарига чиқиб кетди. Султон қимматбаҳо тақинчоқларни олиб ўз хобхонасига кирди. Бунда уни Гултанбека кутарди. Подшоҳнинг олиб кирган туҳфаларини — бир вилоят божига тенг қимматбаҳо тақинчоқларни кўрган Гултанбека кундошларига рашк-ғазабидан тушиб, султоннинг оёқларини уқалаб, тиззасига бош қўйди. Ширакайф султон унга ёпишиб, қучоқлаб, ўпди.

Чарчаб ухлаб қолган султон туш кўрди. Жулдур тери кийим кийган хўппасемиз, кўзлари қисиқ, шафқатсиз Чингиз ёш неваралари, гўдакларни оёғи остида — бути билан сиқиб, томоғига пичоқ тортаётган эмиш. Улар беданадек питирлаб, жон беришармиш. Қатор турган бошқа неваралари ваҳшат ичида чирқирашиб, тўрт томонга жавдираб, буваларидан нажот кутармишлар...

Султон дод солиб уйғониб, қозиқда осиғлиқ қиличини ғилофидан суғурди. Ёнида ётган Гултанбека чўчиб, ёстиқдан бош кўтар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Қўрқиб кетганидан қўлидаги гавҳар тошни султонга узатди...

— Олақолинг, керак эмас.

— Ёмон туш кўрибмен... — у туш мазмунини айтмади. Гултанбекага май қуйишни буюриб, пиёла узатди. Ўрнидан турган Гултанбекаанинг чиройли қоматига, кўкрақларига суқ билан тикилди. Майни симиргач, у яна бекага талпинди...

Бир ой ичида султоннинг тўрт хотини хазинадаги деярли кўпчилик қимматбаҳо гавҳартошларни бўлишиб олди. Вилоятларни ҳам ўз ўғилларига мўлжаллаб, султоннинг обдан бошини қотиришди.

Бир томонда жанг, бир томонда молу дунё талашиш бошланиб кетди...

УТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

ҚАТВОН ЖАНГИ

Султон хатти-ҳаракатларидан ғоятда ташвишга тушган Жалолиддин аламини босиб-босиб чилим чекишдан оларди. Беш-ўн кун шундай васвасага тушади-да, яна ўз ҳолига келиб, янги вазири аъзам Қиётий Низом ал-Мулкдек донолик кўрсатиб, султонни асрайди, сархушликда ҳар хил ножўя фармонлар бериб юборишига йўл қўймайди, деб умид қилади. Машваратнинг қарорига биноан у эрта билан йўлга чиқиши, қандай бўлмасин, бир ҳафта ичида Қатвон даштига етиб бормоғи, Самарқанд қўшинини жангга олиб кирмоғи лозим! У қалъанинг кунботар томонидаги Доруссалтана айвонида, ўз курсисида ўтирар, хаёл сурар, хизматкор тутган чилимдан босиб-босиб тортиб, оғзидан тутун чиқарарди. Тиззаси устидаги шамширини ушлаб, ганчин токчаларга, осиғлиқ қандилга, шифтдаги рангдор тоқиларга тикилар, хаёлида бир нарса — Самарқанд остонаси Қатвонда душманни тор-мор этиш — ҳукмрон. Агар бунинг иложи бўлмаса, Меҳтар Бодиялдойи Самарқандий ҳийла-найрангларини ишга солиб, чақмоқдек Чингиз боргоҳига тушиб, уни ўлдиради — аждарнинг бошини янчиб қўшинни пароканда қилади. Агар юзма-юз жангда ёв устунлик қилса, «Меҳтар Бодияло усули»ни ишга солади.

Утрордан сўнг Жанд, Сиғноқ, Чордарани босиб-янчиб, даштдаги туз конлари устидан тўзон кўтариб ўтган Чингизхон лашкари Зарнук ва Нур қалъаларини жангсиз таслим қилиб, пойтахт Гурганжни Хўжанд ва Самарқанддан узиб қўймоқ мақсадида Кармана томон силжиб, Зарафшон бўйига чиқди. Дарё ёқалаб бориб, Мовароуннаҳрнинг муқаддас шаҳри — Бухорои шарифга ҳужум қилди. Бу жуда ҳам маккорона ўйланган режа эди. Жалолиддин қаттиқ изтироб ичида тинимсиз хаёл сурарди, шу кунлари Хўжанд қўшини матонат кўрсатаётгани, Сайҳун ичидаги оролга ўтиб, дарё жанги олиб борилаётганини, мамлакатнинг шарқида саркарда Темур Малик ва унинг жасур сарбозлари жон олиб, жон бераётганини биларди. Айни чоқда, Бухоро атрофида турган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўттиз минг мўғул отлиғи Мовароуннаҳрга «пона» бўлиб кириб, мамлакатни икки бўлиб қўйишидан ташвишланарди. Лекин Хўжанд, Ахсикат, Ушнинг босқинчига машриқдан кучли зарба беришига ишонарди. Хўппасемиз Чингизхон Бухорони ўраб, қисиқ кўзларини милтиллатиб, узоқдан Минораи Қалонга тикаётгани, тумоқ кийган мўғуллар шаҳарни олгудай бўлса, бешафқат тажовузу қирғинлар бўлишини Жалолиддин хаёлидан ўтказди.

Сарой ғала-ғовури, баъзи мансабдорларнинг талваса-ҳовлиқишлари жонига теккан шаҳзода якшанба куни саҳарда юз чоғли фидойи сарбозлари билан Хазораспга келди. Бунда ҳам кўп тўхтамай шитоб билан Жайҳун ёқалаб Каркига йўл олди. Бунда дарёдан ўтиб, Толимаржонга, ундан Кеш орқали Қатвонга йўналди. Бу йўл — Бухорои шарифни катта доирада айланиб ўтиб, Қатвонда бетоқатлик билан кутиб турган Самарқанд қўшинига етиб келиш демак эди. Жалолиддин қанча манзилу мароҳилни шиддат билан тай этиб, бир ҳафта деганда Самарқандга етиб келди. У шаҳар девору қўрғонларини Самарқанд ҳокими Амир Тожиддин билан бирга кўздан кечириб таъмирлар, дарвозаларнинг мустаҳкамлиги, қўрғон тепасидаги манжаниқлар, мой тўлдирилган хумлар, посбонларни кўздан кечириб, шу куниёқ ҳоким билан бирга Қатвонга жўнади. Мўғуллар йўлини тўсиб, шай турган ўн минг отлиқ ва пиёдаларни кўздан кечириб, юзбошилар, мингбошилар, қўшин сардорлари режасини кўриб, уларга зафар тилади. Уларнинг салоҳиятини, шижоатини кўриб, у яна ғайратга минди, пайдар-пай чилим чекмоқни унутиб, қўшин бўлакларини, баъзи мингбошиларни лашкари билан тепаликлар ортига ўтказиб «яширди». Зарафшоннинг иккига бўлинадиган — Хўшдала деган манзилгоҳига Мужириддин ал-Ашраф отлиқларини, Қудуқсой томонга ҳам минг отлиқни «яширди». Жума, Хишров манзилгоҳларига ҳам ўз отлиқлари билан бир неча сардорларни юборди. Асосий лашкар Қатвонда туражаги, чопарларнинг ишораси билан пистирмадагилар тезда етиб келиб, яшиндек шиддат билан зарба беришликларини тайинлади. Мўғуллар Бухородан чиқиб, Қатвондаги тўқнашувгача қаерга боргоҳ қуришликларини, мўғул жосусларини тутиб олиб келиш, энг муҳими, ола-була чодир қаерга қурилиши, бу чодир ичида Чингизхон ётишини аниқламоқ мақсадида далаларга айғоқчилар қўйди. Улар жанг бошланиб кетганидан кейин ҳам душман сардорларининг боргоҳларини аниқлаш учун куну тун, айниқса ярим кечада изғиб юришарди. Кармана, Оқтош, Жума йўлларига эллик чоғлиқ ҳар хил қиёфадаги одамлар қўйилди. Жума манзилгоҳининг жанубидаги тепалик остига Жалолиддин ўзи билан бирга келган фидойи юз сарбозни яширди. Унинг назарида мўғуллар Қатвоннинг Жума томонидаги катта текисликка манзил қуришлари керак эди. Худди шундай бўлиб чиқди...

Бухорони кунпаякун этган Чингизхон бир қисм лашкарини унда қолдириб, икки ой деганда Самарқанд сари лашкар сурди. Қўлга тушган айғоқчиларидан аниқланган маълумотларга биноан мўғуллар йўл юриб келаётгани, Қатвон ва Жума остидаги кенг-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликни сардорларига боргоҳ этишни мўлжаллашаётганликлари ҳам маълум бўлди. Жалолиддин яна чилим чекди. Унинг бурқитиб оғзидан дуд чиқараётганини кўрган Амир бу нарса саломатликка яхши эмаслигини меҳрибонлик кўрсатиб, лутф билан айтди.

— Азиз султоним, кўп чекадурсиз. Бу нарса саломатликка кони зарардур!

— Саркарда, ҳозир саломатликни яхшилайдиган нима қолди? Юртни бўрилар босиб кетди. Бизлар кўп хатоликларни саъй этибмиз... Келинг бу гапларнинг вақти эмас. Шу чилим туфайли бир фикр хаёлимда кезадир, — деди Жалолиддин Амир Тожиддинга. — Жанг бошланган биринчи куни кечга яқин мен ғойиб бўламен. Изламанг ва ҳеч ким изламасин. Сўраганларга, менинг отимга минган, либосимдаги кимсани кўрсатинг ва уни ўзингиз билан боргоҳга олиб боринг. Мен Жума ёнидаги тепаликка, пистирмага ўз кишиларимни яширганмен. Биз ярим тунда Чингиз боргоҳига ўқдек кириб бориб, ўз қўлим билан тўнғизни чопиб ўлдирмоқчимен. Бу иш катта жангга халақит бермайди. Зора у жаллодни янчсам. Удэгей ва Тулуй деган ўғиллари, босқинчи қўшин пароканда-ликка тушиши аниқ. Мўғуллар «Удирдагч», деб аталмиш бу «онабошилари»ни йўқотгач, ўз юртларига саросар қочишлари ҳам эҳтимол. Қўлга тушган айғоқчилар қийноқ вақтида буни тасдиқлаганлар.

Амир Тожиддин Жалолиддиннинг ярим овоздаги бу сўзларини диққат билан тинглаб, маъқуллади. «Ўзингизга эҳтиёт бўлинг, шаҳзода!» — деди. Самарқанд қўшини шаҳзода Гурганждан келганини аллақачон билган эди, мабодо у ғойиб бўлса, ёки қўлга тушса — унда бу қўшин ҳам пароканда бўлиб қолишини дилидан ўтказди.

— Ёнингиздамен, ҳамроҳингиз бўлишга менга ижозат этинг, шаҳзода.

— Йўқ! Ижозат йўқ! Сиз қўшин тепасида турганингизни, менинг либосимдаги менга ўхшаш одамнинг ҳам ёнингизда турганини дўстлар ҳам, душманлар ҳам кўриб турсин. Мен биринчи куниёқ яширин жанг бошлаймен. Бу, ҳозир жуда керак. Йигирма беш мингга яқин мўғуллар жанги Қатвонда бир ҳафтага чўзилади. Ундан сўнг, биз уларни тор-мор этолмасак, шаҳарга чекиниб, дарбозаларни беркитамиз. Қамал жанги бошланиб, беш-олти ойга чўзилмоғи мумкин. Агар биз аждарнинг бошини янчсак, бу жанг икки кунда ҳал бўлади... Эрта билан бўладурғон кучли тўқнашувда мен ғойиб бўламен.

— Фармонингизга тайёрмен, шаҳзода!

Шанба кунидан бошлаб, мўғулларнинг олдинги кучлари Қатвон даштига, самарқандликлардан беш тош нарига жойлаша бошлади. Яна бир қисми — Зарафшоннинг Қорадарёга бўлинадиган Хўшдала, Қудуқсой томонларга кетди. Чўпон либосидаги Самарқанд айғоқчилари тепаликлардан буни аниқ кузатишарди. Самарқанд жануби, Қатвон даштида гард намоён бўлганини, ҳужумкор мўғуллар кўз илғамас дашт кенгликларида от чоптириб юрганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

бемалол кўриш мумкин эди. Айғоқчиларнинг маълумотича, уч кун ўтгач, ўрталиқда келаётган Чингизхон аравалари ҳам Қатвонга юзланганини, отлар бемалол ўтлайдиган текисликка юзларча ўтов ва чодирлар қурилаётгани, қозонлар осилаётганини кўришган. Бу чодир-ўтовлар ичида ола-була, тепасига туғ ўрнатилган катта ўтовни ҳам аниқ кўрганлар. Мўғуллар жойлашиб олгач, тонгда карнай чалиниб ёки манжаниқлардан ўт очилиб, жанг бошланади, деб кузатиб турган самарқандликларни гўё доғда қолдириш мақсадида уларнинг илғор қисми Қатвонга етиб келиши биланоқ кунниング ўртасида ҳужумни бошлаб юборишди. Олатўполон жанг бошланиб кетди. Аввал Амир ёнида ҳаммага кўриниб турган Жалолиддин отига бошқа бир одам миниб, шаҳзода ғойиб бўлди. Қаттиқ жанг сурони: ёйлардан учган ўқларнинг ғувиллаши, ур-ур, сур-сур қош қорайгунча давом этиб, осмонда юлдузлар чақнагач, карнайлар ўкириб, икки томон ўз лашкарини чақириб олди. Эгасиз отлар, қулаган сарбозлар, ярадорлар билан кенг дала тўлиб кетган эди. Узоқ-узоқларда осмонга тутун ўрлаб, қозонлар қайнай бошлади. Икки томон кишилари бир-бирларидан чўчиб, ўқ-ёй ушлаб, ҳалок бўлганлар қуролларини йиғиб олишга уринишарди.

Мана шу аснодан фойдаланиб саркарда Жалолиддин тепа остидаги ўзининг фидойилари ёнига келди. Ҳаммалари бошларига мўғул тумоғи, устларига Чингизхоннинг шахсий соқчилари кийимларини кийишди. Таққан қуроллари ҳам мўғулники эди. Улар шай бўлиб, отларини тўйдириб, тепа орқасида шаҳзода амрини кутиб туришди. Жалолиддин уларга ёйилиб, от чоптириб бориб тўппатўғри Чингизхон ўтовини ўраш, йўлдаги посбонларга тегмаслик, агар улар шовқин кўтарса шу лаҳза чопиб ташлашни, шам ёки машъала ушлаганларни биринчи галда чопиш лозимлигини уқдирди. Қимда-ким шаҳзодадан аввал ўтовга кирса, унинг амрини кутиб ўтирмай шу лаҳза Чингизни чопиб, калласини қопга солиб олишни тайинлади. Ярадор ва қурбон бўлганлар қолиб кетаверади, тўхтаб кўмак бериш иложи йўқ, деган фармонни ҳам уқтирди. Чингизнинг калласини узган баҳодир шу лаҳза Қатвонга, Амир Тожиддин ёнига югураберсин, деб қўшиб қўйди. «Мабодо мен жароҳатланиб, мўғуллар қўлига тушадиган бўлсам фидойи сарбозларимдан бири мени шу лаҳза қилич билан чопиб ўлдириб кетсин! Бу қатъий фармон!» — деди Жалолиддин.

Кечадан бошлаб, осмонни қоплаган қорамтир булутлар қуюқлашиб, қовоқ солиб турган фалак бу кун эрта билан бир-икки томчилай бошлаган эди. Жанг бошланганида, росмана ёмғир қуярди. Кечга бориб, ёмғир сийраклашди-ю, тун ниҳоятда қоронғи бўлди. Икки томонга қайтган сарбозлар таом емак у ёқда қолиб, тўғри келган жойга ўзларини ташлаб, дам олмоқ, жароҳатларини боғламоқ билан овора бўлдилар.

Тун қоронғисида мўғул салоҳлари таққан, бошда тумоқлар, гўё мўғул фидойи сарбозлари қўшин сўнгида келаётган «Удэгей маълумотини отасига етказаётган» бўлиб, юз отлиқ Жалолиддин раҳнамолигида шиғиллаганча Чингизхон боргоҳига югурди. Йўлда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бақрайиб қолган мўғул посбонлари уларни бемалол қўйиб юборишди. Қўлида машъала кўтариб, шубҳаланиб ғулу кўтарган баъзи бир посбонни қилич билан чопиб, қулатиб кетишди. Бир муддатдан сўнг Жалолиддин отлиқлари ола-була катта ўтовга етиб бориб, отдан сакраб тушган ўн йигит ичида Жалолиддин ҳам ўтов олдида турган мўғул сарбозларини чопиб ташлаб, ичкарига киришди. Ўтов ўртасида катта чироқ ёқиқлик, юқорида кўрпа ичида ётган семиз мўғул ёнига бориб, Жалолиддин дўқ урди: «Тур ўрнингдан, чўчқа!» Қаламуш думидек силлиқ мўйлабини ликиллатиб, ипак кўрпани сидириб, яроғини қидираётган Чингизхон бўйнига Жалолиддин қўлида ярқираб турган қиличини зарб билан уриб, калласини узиб ташлади. Жалолиддин ёнида турган фидойи йигитлар шу лаҳза қон оқиб турган ошқовоқдек катта каллани чойшабга ўраб, вақтни қўлдан бермаслик учун тезда ташқарига чиқиб, отларига минишди. Йўлда ғулу кўтариб, қаршилик кўрсатган мўғулларга қилич уриб, Қатвон дашти томон ўқдек югуришди. Йўл-йўлакай бўлган жангда Жалолиддиннинг бир неча йигити қоронғида ёйдан отилган ногаҳоний ўқлардан жароҳатланиб, қулаб йиқилишди. Фидойи сарбозлар жасур шаҳзода раҳнамолигида «Чингизхон калласи»ни олиб, саркарда Амир Тожиддин турган боргоҳга учиб боришарди. «Тўнғизнинг калласи» шарт узилганидан хурсанд Жалолиддин орқасида келаётган ўз йигитларига гоҳ-гоҳ қараб қўяр, қоронғиликда уларни кўролмаса ҳам, ҳаммаси бирдай жасорат кўрсатганлигидан мамнун югурарди...

Эрта билан яна жанг бошланди. Мўғуллар саросима, парокандаликда қолиб жангга тушмайдилар хаёл қилишди. Лекин улар яна от чоптириб, майдонга келишди. Уларнинг олдида семиз Чингизхон билан ўғли Чиғатой келарди. Бу ҳолни кўрган Жалолиддин лол қолди. Амир Тожиддин ҳам Чингизхон макрини фаҳмлади. У ўз боргоҳига бошқа одамни қўйиб, ўзи кўримсиз бошқа ўтовда ётгани, маккорликда хоразмликлардан ҳам ошиб тушгани маълум бўлиб қолди...

— Энди мен уни жанг майдонида маҳв этамен! — деди қиличини суғуриб, жангга кириб кетган шаҳзода Жалолиддин ғазаби қайнаб, — сиз, Амир ҳазратлари, жойингиздан жилмай, қўшин тепасида туринг!

Тинимсиз ёмғир ёғар. Икки катта куч эса, Қатвон даштида ҳаётмамот жангига киришиб кетган эди.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

«ШАРҚ ОСМОНИДА ЯРҚИРАГАН ТОНГ ЮЛДУЗИ»НИНГ[1] ҒОЙИБ БЎЛИШИ...

Васвасага тушган султон пойтахтни ташлаб, Қорақум ичи билан Ҳазор денгизи томон қочди. У Эронга ўтиб, жон сақлашни мўлжаллади. Хоразмшоҳнинг қочгани биринчи ҳафтада сарой

[1] Абдулқодир мунший таърифи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳлига, бир ойдан сўнг Гурганжни қамал қилган Чингизхонга маълум бўлди.

Гурганж қўлдан кетган...

Олти ойга чўзилган қамал ва шиддатли жанг, сувсизлик, очлик хоразмликларнинг тамоман тинкасини қуритди. Мўғул қўшини шаҳарга киргач талон-торож, тажовузу босқинчилик, таъқибу вайронагарчиликларни бошлаб юборди. Қочиб кетган Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ соний саройига биринчи бўлиб оти билан кирган Чингизхон қизил така-ёвмит гиламлари устида туриб, султон хотинларини ҳамда донғи кетган раққосаларни топиб келишни буюрди. У киборлик билан оқ ганчин хонада, пар ёстиғу ипак кўрпалар устида ўтирди. Чингизхоннинг амри шу куниёқ бажарилди; қайси раққоса эканини билмади-ю, аммо «ғолибга» хизмат қилиб юрган самарқандлик каххал[1] Зайн Гурганждаги Бинт-Занкижани олиб келди. Аммо бунда «донғи кетган туркий раққоса»нинг топилмагани таъбини тирриқ қилди. Каламуш думидек силлиқ мўйлаби ликиллай бошлади. Доимо очилиб турадиган лунжини ёпиб, каххалга бақрайди.

«Чингизхон семиз, юмалоқдан келган, жуссаси кучли одам. Қийиқ кўзлари мушукникидек ёнарди. У мўғул тилидан бошқа тилни билмаган, ёзишни ҳам билмасди...»[2]

Гурганж қўлга киритилгани муносабати билан мўғуллар ўзлари зиёфат тузиб, унда Чингизхон ўғиллари ва йигирмага яқин лашкарбошилар, нўёнлар қатнашишди. Асосан зиёфат — янги сўйилиб, қозонларга ташланган этларни лаганларда олиб келиб овқат емоқдан ҳамда шароб ичмоқдан иборат эди. Кўп эт еб, май ичган Чингизхон зиёфатдан сўнг ухлаб қолди. Ён хоналарда Чингиз уйғонишини кутиб, султон хотинлари билан бирга Бинт-Занкижа хомуш ўтирардилар. Атрофда найза ушлаган шафқатсиз мўғул посбонлари ғўдайиб турар, ҳовлига чиқишга ҳам ижозат йўқ.

...Тун бўйи зўрланган Бинт-Занкижа хона ичра ёлғиз ўтирарди. Унинг кўз олдида семиз, гўштдор, соқоли тўрттагина узун қилдан иборат, бадмаст Чингизхон турарди. У ўзининг олтмиш беш ёшга борганига қарамай кучли эркак эканини кўрсатиш ниятида ҳайвоний ҳирс билан гўзал Бинтни жуда қийнади. Лекин унда аёл кишига нисбатан дилхушлигу навозиш йўқ эди. Мўғулларда рақсу жозиба, шарқ аёлларидек кўзлардаги фусуну иффат камлиги сабабли бўлса керак, Чингизхон Бинтнинг рақс санъатига тушунмади. Бинт янги ҳукмдордан нафратланиб, кейинги кунги зиёфатда бўйнига ташланган жавоҳирга ҳам қарамади. Хонандаларнинг ранги ўчиб, уқдиришича, юрагидаги норизолик ва нафратни бирорта кимса сезмаслиги керак эди. Нўёнлар унинг ҳар қанча гўзаллигига, ожиз аёллигига ҳам қарамай судраб олиб чиқиб, қорнига пичоқ тиқиб ўлдириб ташлашлари ҳеч гап эмас эди.

---

[1] Каххал Зайн — кўзни даволайдиган табиб. Самарқанд босиб олинаётганда мўғуллар томонига ўтган хоин.

[2] Исай Калашниковнинг «Жестокий век» романидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бинт-Занкижа қўрқув ичида ўтирар, унинг аъзойи бадани мо-маталоқ бўлиб кетган. Киши оғир дамларда яхши кунларини ёдга олганидек, унинг кўз олдига Жалолиддин келди. Бу йигит оғушида ўтказган тун — энг бахтиёр тун эди. У биринчи бор эркак бағрига тушиши, эҳтимол, ёш шаҳзоданинг ҳам биринчи бор ишрат қучоғида бўлишидир. Шундан сўнг, мана, қанча вақт ўтди, эрксиз рақ-қоса ҳокимлар кўнгилхушлиги учун хизмат қилмоқда...

Раққосанинг Гурганжга келиш тарихи «Сират...» китобида бун-дай ёзилган: «Баъдаз, олти юз йигирма биринчи йили (ҳижрия) қаттиқ жанглардан сўнг Бағдоддан қайтиб келаётган шаҳзода Жалолиддин Шаҳобиддин қалъасига яқин келиб тушди. Тунда у Шаҳобиддинга киши юбориб, канизак сўради. Бу илтимос бичил-ган қул Маҳфуз орқали маълум қилинди. У қайтиб келиб, Шаҳо-биддин қалъасида султон тўшагига муносиб канизак йўқлиги, агар султон истаса ўз синглисини юборишини айтибди. Шу кеча Шаҳо-биддин синглиси Ивогийя султонга келтирилди. У билан бирга раққоса Бинт-Занкижа ҳам келган эди... Ивогийя ҳомиладор бўл-ди. Ундан туғилган фарзандга Қаймакор шоҳ номи берилди. Бола уч ёшга етганида заҳарланиб ўлди...»[1]

Бинт-Занкижа асли Шом мамлакатидан келтирилган. У, қора-мағиздан келган. Унинг наслу насаби Димишқ атрофидаги Ўтроба деган жойдан экан. Яна бир ривоятда унинг отаси араб бадавий-ларидан. Икки қон қўшилгани сабабли жисмида фавқулодда қай-ноқлик, таъсирчанлик, айни вақтда, ҳиссиёт туғёни мавжуд дей-лади. Хоразмшоҳ унинг сержазава рақси тавсифини эшитган, ха-лифадан сўратгани, Димишқий шамширлар сотиб олаётган Хоразмшоҳ Бинтни ҳам катта пулга сотиб олиб, Гурганжга кел-тирилгани кўпларга маълум эди. «Унинг ишратини раққоса Бинт-Занкижа обод этар, унга қимматбаҳо тақинчоқлар инъом этарди»[2].

Лекин Нигина қайноқликда ҳам, жазавада ҳам, нафис рақсда ҳам, гапу сўзда ҳам Бинт-Занкижани йўлда қолдириб кетди. Буни Бинтнинг ўзи ҳам тан олган. Кўп туркий рақсларни у Нигинадан ўрганиб, Сайҳун ёқдан келган бу оқ раққосани ўзидан анча устун биларди.

* * *

Сўз шу ерга етганида, ҳурматли китобхонни Хоразмшоҳ қисма-тидан огоҳ этмоқ зарурати туғилди...

Мўғуллар Бухорою Самарқандни вайрон қилиб, кулини кўкка совургач, беадад қўшин билан Фороб орқали Жайҳун бўйига йўл олган эдилар. Дарё ёқалаб, чексиз қумликларда чанг кўтариб, шимолга — Хазорасп томон силжидилар. Мўри-малахдай ҳаммаёқ-ни шипириб, саҳрони тўлдириб келаётган беомон ёв хабарини эшит-ган «Искандари соний» султон Муҳаммад Хоразмшоҳ пойтахтни

---

[1] Ан-Насавий. «Сират»дан. 85-бет. «Ҳилат қамали ҳикояти», 234-бет.
[2] Ан-Насавий. «Сират»дан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлаб қочди. Бу шармандалик — қочоқ Рукниддин қисматидан ҳам тубандир! Душман лашкари Хазораспга етиб келганидаёқ уни кучли зарба билан қарши олган лашкарга Қатвон даштидан қайтиб келган Жалолиддин саркардалик қиларди. У қонга бўялиб, бир қисм лашкар билан Хазорасдан Гурганжга чекинди. Чекинмасликнинг асло иложи йўқ, олти минг киши ўттиз минглик Чингизхон лашкарига бас келолмасди. У пойтахт мудофаасига ўтди. Султоннинг мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қочганини сарой аъёнлари фуқародан яширди. Шаҳзода Жалолиддиннинг қўшин тепасида тургани каттадан-кичик хоразмликларга тасалли берарди! Сарой ҳовлисида илгаригидай пинагини бузмай, Ажамдан келтирилган — фил суягидан ишланган ҳассасини тўқиллатиб, хоналарга кириб юрган Туркон хотуннинг ҳам анча попуги пасайган, султоннинг иродасизлик қилиб қочгани рақиблари олдида онанинг «юзини ерга қаратган» эди. Жалолиддин бувиси билан салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашарди-ю, мудофаа ва давлат ишларига доир бирон гап айтмасди. Ҳазрат Шаҳобиддин Хивақий ҳам шаҳзодага худди шундай маслаҳат бериб, бувингизни сиёсий ишларга аралаштирманг, унда Хоразм батамом тор-мор бўлади, деди. «Агар султон бизнинг фикримизни қувватлаб, лашкарни аввалроқ Қатвонда жамлаб, мўғулларга қарши ҳужумга ўтганимизда ҳозиргидек беилож аҳволга тушмаган бўлур эрдик. Бу хато ишларга бувингизнинг манманлик оғуси билан тўлган боши сабаб!..» — деди Шаҳобиддин Хивақий. У куфрга кетмаслиги учун яна «ҳар иш оллодан...» деб қўшиб ҳам қўйди.

* * *

Шу кунлари кечга яқин «Шарқ осмонида ярқираган тонг юлдузи» қора чодрага ўралиб, саройдан унча узоқ бўлмаган, айвонлари ганчин, ариқ бўйлари гулзор ҳовлисидан энагаси билан бирга кўчага чиқиб, тўппа-тўғри устод Ота Муҳаммад ҳовлисига келди. Аҳволнинг ниҳоятда ваҳшатли экани, ҳадемай Хазорасп томондан мўғулларнинг босиб келиши аниқлигини сезиб туришган устод ва раққоса айвонда ўтириб, нима қилмоқлик кераклиги ҳақида маслаҳатлашишарди.

— Қилич ушлаб, Гурганжни ҳимоя қилолмайсен... Бас, шундай экан, Гурганждан чиқиб кетмоғлик зарур! — деди Ота Муҳаммад ерга қараб, — йўлни ҳам бошқа томонга сол, Хива, ундан қум орқали Дарбоза, Наса ва Тажанга етиб олмоқ даркор. Бундан карвон билан Бағдодга жўнамак мумкин...

— Она юртимга кетсам не дейсиз? Хўжандга, Ворухга... — сўради Нигина.

— У томонда ҳам мўғуллар билан қонли, шиддатли муҳораба кетмоқда. Хўжанд ўт ичида деб эшитдим. Қадрдонимиз саркарда аҳволи не кечди экан... Хазорасп томонга ҳам бир қадам ташлаб бўлмайди. Бухорою Самарқанд ҳам, қум ичидаги Зарнук ва Нур

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалъалари ҳам ер билан яксон бўлган. Фақат битта йўл қолди — Тажан орқали Бағдодга!

— Устод, сиз нима қилмоқчисиз?

— Мен, Гурганжни ташлаб кетолмаймен. Ёшим ҳам ўтиб қолғон, пешонамдагини кўрамен...

— Унда мен ҳам қоламен. Устод, бир бошга бир ўлим, мен ҳам ёнингиздан жилмаймен! Менинг дилимдаги ғурурни камситманг, мен сизнинг, муҳтарам устод, тарбиятингизни кўрганмен. Мен ҳам қолурмен!

— Жоним қизим, сенинг тоғ бургутидек дилинг шоҳпарвозлигини, мардлигини билурмен. Аммо, биз энди мўғул ҳокимга хизмат қилмаймиз! Шу сабабли сенинг Гурганждан чиқиб кетмоғинг айни муддао! Мени қўябер, мен султондек қўрқоқ эмасмен. Агар бунда бўлсанг, айғоқчилар сени албатта топурлар. Шаҳзода мўғулларни енгиб, юртимизни босқинчилардан тозалаб, озод этса, иншоолло, яна қайтиб келурсен. Бунга имоним комил.

Нигина устод Ота Муҳаммад чопони этагини қўли билан ердан олиб ўпиб, кўзига суртди. Бир муддат кўзёш қилиб, яна қора чодрасига ўралиб ҳовлидан чиқиб кетди. Нигина энагаси билан эшикдан чиқиб кетгач, Ота Муҳаммаднинг ҳам кўзига ёш келди — доимо бирга бўлган устод ва шогирднинг бу галги қисқа учрашуви абадулабад айрилиққа ўхшаб кетди. Устоднинг кекса рафиқаси, болалари айвон ёқасига келиб, раққоса билан нима хусусида гаплашишгани, нега раққоса йиғлагани боисини сўрашди.

— Бухорода кутубхона, қироатхоналарни ёқиб юборган, мадрасаларни отхона қилган, мударрисларнинг бошини кесиб, қудуққа ташлаган, нимаики илм-маърифатга тааллуқли нарсаларни оёқости қилиб, ёқиб юборган саҳройи мўғулларга устод Ота Муҳаммад билан раққоса Нигинаю Бинт-Занкижа керак бўлармиди! Улар мол сўйиб, эт емоқ, хотин-қизларга тажовуз этмоқдан бўлак нарсани билмайдилар. Шу сабабли, мен раққосаи жаҳон — Нигина бекамга бошингни олиб, мўғул йўқ томонга кет, дедим. Чунки, сен кўзга яқин, номинг оламга кетган, Хуросону Ҳиндда машҳур кимсасен. Сенинг қадрингга мўғуллар етмайди, улар бир ваҳший ҳайвон бўлиб, сени булғаб кетишдан бошқа нарсани билишмайди, дедим. Агар у Гурганждан чиқиб кетса, кўп маъқул иш қилган бўлур эрди...

Нигина энагаси билан устод Ота Муҳаммад ҳовлисидан чиқиб, тўппа-тўғри дафчи Насриддин ҳовлисига келди. Белига қилич осиб, отхона олдида саманини эгарлаётган баланд бўйли, елкалари кенг, барваста йигит ялт этиб уларга қаради. Устига дубулға, ҳарбий анжомлар осиб олган дафчи Насриддинни танимай қолишибди. У дарҳол отни устунга боғлаб, Нигина бека ва энагага салом бериб, навозиш кўрсатди.

— Маликам, қайси шамол учирди? Биз ғарибларнинг кулбасига қадамранжида қилишнинг боиси надир?

— Жуда муҳим! — деди Нигина бошидаги қорамтир чодрани ечиб, айвон томон қадам ташлаб, — отни боғлаб, бу томонга ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

линг! — Йўл-йўлакай энагасига мурожаат этди, — энажон, сиз ичкарига киринг, менинг бу йигитда хусусий гапим бор. — Энага чодрани ечмай ичкарига кириб кетгач, Нигина чиройли кўзларини Насриддинга қадади. — Қочмоқчимиз! Устоднинг маслаҳатлари бу!

— Қаёққа?

— Мўғуллар йўқ томонга.

— Маъқул.

— Бу, вақтинчаликка...

— Ҳа, албатта.

— Сизнинг кўмагингиз керак.

— Мен бир бор «ёрдам бериб», сизни Хўжандга олиб борган эдим... Иккинчи бор бундай «ёрдам беришга» ожизмен. Қалбим куйиб тугаган... Мен, шаҳзода ёнига, Гурганж мудофаасига отланаётирмен. Ўзим буни хоҳладим. Сиздан сал аввалроқ устод Ота Муҳаммад билан шу хусусда маслаҳатлашиб, оқ фотиҳаларини олиб келганмен!...

— Йўқ, менга ҳамроҳ бўлиб кетасиз!

— Хўжандгами? Саркарда Темур Малик ҳузуригами?

— Йўқ, Тажанга, ундан Бағдодга... Сиз, саркарда Темур Маликни ёмон кўрасиз, унинг номини киноя билан тилга олманг! Ҳозир ўрни эмас! Мен у зот никоҳидан чиққаним, сизнинг бағрингизга ўзимни отганим маълум бўлса керак... Ёки сизлар ҳаммангиз номард инсонлармисиз?!

— Бас. Мени афв этинг. Ноўрин сўз дедим!

— Менинг ахир... сиздан бошқа ҳимоячим йўқ-ку!..

— Афв этинг, маликам. Ўшанда саркарда Темур Малик юрагимни юлиб олган.

— Шуни яхши билингки, сиз менинг энг яқин кишимсиз. Аммо ҳеч қачон саркарда Темур Малик шаънига ёмон сўз деманг! Мен бари бир у буюк инсонга дилимдан бениҳоя эҳтиром сақлаймен! У — мард инсон! Мамлакатимизни саркарда Темур Малик, шаҳзода Жалолиддин албатта озод этадилар. Мен бунга ишонамен. Агар мени ҳимоя қилмасангиз, Бағдодга олиб бормасангиз ўзим кетамен — энагам мени ҳеч қачон ёлғиз ташламайди!

Насриддин ўйланиб қолди. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг Нигинанинг ҳозир ниҳоятда жиддий тус олган жамолига тикилди. Никоҳ ўқитишга йўл қидиришаётган бўлса ҳам бир ҳафта ўз бағрида эркаланиб, ўзининг «жуфти ҳалоли» бўлиб қолган Нигина жамолига тикилди.

— Маликам, ўнта жоним бўлса бари сизга бағишланган. Дарҳақиқат, ҳозир гина-кудуратнинг ўрни эмас, дил изтироблариии айтадурғон вақт эмас. Мен сизни, жондан азиз маликамни душмандан ҳимоя этиб, устод айтганларидек, Бағдодга элтурмен. Яхши жой топиб, бир ойга қолмай бунда қайтиб келиб, шаҳзода лашкари сафида жанг қилурмен. Шунга розм бўлиб, ваъда этинг.

— Розимен.

— Қачон йўлга чиқамиз?

— Эрта тонгда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айтганингиз бажо келтирилур! Мен ҳозир бориб, юзбошини огоҳ этурмен — унга ақча берурмен. Келиб, анжомларингизни ҳозирлаб, тонгда йўлга чиқурмиз.

Нигина ўрнидан туриб, Насриддин кўксига бошини қўйди.

— Сизни, азизим, мард деган эдим. Янглишмабмен...

Нигина энагаси билан ўз ҳовлисига қайтди. Насриддин йиғиб қўйган ақчаларидан ўттиз тилла тангани ажратиб, юзбошига элтиб берди. Бир ойга қолмасдан Бағдоддан қайтиб келиши, унинг ёнида туриб, жанг қилишга сўз берди. Тилла тангаларни олиб, хурсанд бўлиб кетган юзбошидан севикли раққосани Гурганждан узоққа — халифа мамлакатига элтишини яширмади.

Тунда Насриддин Нигина юкларини тартибга солиш баҳонаси билан, унинг ҳовлисига кириб келди. Ҳамма иш муҳайё қилинганин, йўлга ҳозирлик кўрилгани, Хивагача аравада, ундан сўнг, қум орқали Дарбоза манзилигача туяларда боришлик мўлжаллангач... Нигина энагасини қўшнилар билан хайрлашиш баҳонаси билан уларникида тунашни айтиб, ўзи ичкариги хонага қалин қилиб кўрпа-тўшак ёзди. Севикли йигит билан бу ҳовлида сўнгги бор бирга ёлғиз тунашди...

Эрта тонгда улар учовлон — Нигина, энага ва дафчи Насриддин қўшнилари билан видолашиб, йўлга тушишди. Уларнинг йўлга тушиб, бу таҳликали кунларда Гурганждан чиқиб кетаётганликларини фақат Ота Муҳаммад, юзбоши ва ён қўшнилари биларди, холос. Бошқа ҳеч кимсага лом-мим дейилмаган. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Нигина хуржунлар, қоплар тагига ўз жавоҳир тақинчоқларини, тилла тангаларни яширган, қоп-хуржунлар анжомлардан бўшатилса ҳам топилмас, тиқиб қўйилган эди. Бир қисм жавоҳирларини тақиб, бир қисмини энаганинг белига боғлаган. Улар шу даражада кўп ва қимматли эдики, султон хазинаси Гурганждан чиқиб кетганда ҳам Хоразм бунчалик кўп бойликни йўқотмаган бўларди.

Лекин уларнинг араваси Хивага яқинлашганда рўпарадан чиқиб қолган уч сувори йўлни тўсиб, аравани ўраб олди. Аравакаш ҳам донг қотди. Отлиқлар шаҳзода Жалолиддин қўшинига мансуб бўлиб, белига қилич осган Насриддиннинг не сабабдан Гурганждан қочаётгани, агарда ҳозир улар билан бирга сардор ёнига бормас экан, оёқ-қўлини боғлаб олиб боражакликларини маълум қилиб дўқ уришди. Хоразм қўшинида хоин бўлмаганлиги, ҳозирги кунда етти ёшдан етмиш ёшгача эркаклар мамлакат мудофаасига жалб этилгани ҳақида фармони олий борлигига ишора этишди. Қочоқларнинг жазоси битта — ўлим!

— Мен юзбоши Худоберган оғанинг рухсатини олганмен. Тезда қайтамен...

— Сен қайтганингча мўғул Гурганжни қамал қилади. Ундан кейин сенинг не ҳожатинг бор! Аравадан туш! Биз билан сардор ёнига борурсен!

— Мумкин эмас!

— Туш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тилла тангалар берурмен, оғалар, бизни қўйиб юборинглар, — деди Насриддин ёлбориб.

— Ана, манглайи қора, хоин эканлигинг маълум бўлди! Энди сени қўйиб юбормаймиз, қочоқ!

Насриддин аравадан сакраб тушиб, қиличини қинидан суғурди. Уч отлиқ ва бир пиёда ўртасида қиличбозлик бошланиб кетди. Насриддин қиличи бир отнинг олди оёғига тегиб, от мункиб, сувори ерга қулади. Шу фурсат икки сувори отининг биқинига ниқталиб келиб, Насриддиннинг бўйнига ўткир қиличини чунонам зарб билан урдики, унинг калласи узилиб, елкасида осилиб қолди. Бу ҳолни кўрган Нигина кўзларини беркитди. Отлиқлардан бири аравакашга ишора қилди.

— Кетаберларинг, қочоқлар!

Аравакаш отга қамчи босди. Нигинанинг капалаги учиб кетди. Наҳотки у Насриддинни ажалга бошлаб келган бўлса! Энди уни кўмиш керак, деган хаёл бошидан ўтди. Энди Бағдодга жўнашнинг ҳожати қолмагандир... Энди у қандай қилиб кетади? Қадрдон кишисини ҳам йўқотди.

Арава йўлида давом этди. У қанча узоқлашган сари Нигина билан энага шафқатсиз отлиқлар томон тикилишарди.

«Шарқ осмонида ярқираган тонг юлдузи...» ярқирамай, бир занглаган ўтмас тангадек аравада кетарди. Тун бўйи шер бўлиб, дунёни титратган паҳлавон ҳозир калласи узилиб, қумда ётарди.

— Ё, қудратингдан, — деди уч бор кўксига туфлаб энага, — қандай кунларга қолдик!

УТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

ГАВҲАРНИ ЮТИБ ЮБОРГАН ХАЗИНАБОН АМИН АЛ-МУЛК ЁКИ ХАНЖАР БИЛАН БАЛИҚДЕК ҚОРНИ ЁРИЛГАН ВАЗИРЛАР...

618 йил, ҳижрия, (1221, мелодия) рамазон ойининг ўн учинчи куни эди[1]. Гурганжда, Муҳаммад Хоразмшоҳ қасри ҳовлисига эрта билан елкасида заррин тўн, ғазабнок чиққан Чингизхон атрофида бош эгиб турган олий мансабдор — нўёнлардан кеча эслатгани, хазинадаги араб ва ҳинд мамлакатларидан келтирилган қиммат-баҳо гавҳартошлар топилдими, деб сўради. Бу тошларнинг бири «Бадахшон», иккинчиси — «Шуълаий жаҳон», учинчиси — «Ганг» деб аталарди. Нўёнлар бош чайқашди. Аммо тафтиш пайтида собиқ хазинабоннинг гувоҳлик беришича шоҳ вазирларидан бири бу уч бебаҳо гавҳартошни ютиб юборган дебди. Ўша шахсни нўён Чингизхон ёнига олиб келди. У тиз чўкиб, ўз сўзини тасдиқлади.

— Вазирлар ушланганми?! — Семиз, қонталаш башарасидаги қийиқ кўзлари ёниб сўради Чингизхон.

---

[1] «Сират...» дан (328-бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳаммаси ушланган.

— Қайси бири ютиб юборибди?! Қочоқ Хоразмшоҳнинг вазирлари ўзидан ҳам баттар экан, — сервиқор Чингизхон бирдан қиқирлаб кулди. Бу сафар унинг кўзлари қисилиб, заррин тўни ичида балқиб турган қорни лопиллагандек бўлди. Атрофидаги барча мансабдорлар ҳам баробар қиқирлашиб кулишди, — ўшанинг номи нима экан?

— Номи тилга олишга арзимайди...

— Олиб келиб, мана шу ерда қорнини ёриб, гавҳарни олинглар! — деди Чингизхон садоқатли нўёнидан мамнун бўлиб. Рақиблари номини айтабериш унга ёқмасди. Нўённинг зийраклиги унга ёқди.

Қуролланган навкарлар югурганча ҳовлидан ташқарига чиқишиб, отхонага қамаб, қаттиқ қўриқланаётган асир олинган Хоразм мансабдорлари ичидан қўли боғлоғлик вазир Умар ал-Бистомийни ҳайдаб олиб келишди. Чингизхон ишораси билан тилмоч ундан: «Сен машҳур уч гавҳартошни ютиб юборганмисан?» деб сўради. Олтмишлардан ошган кекса вазирнинг кўзлари ола-кула бўлиб, мен бундай иш қилган эмасман, деб қалтираб, чўкка тушиб қасам ичди. Чингизхоннинг семиз башарасида яна ғазаб аломатлари пайдо бўлиб, каламуш думидек силлиқ мўйлаби ликиллай бошлади. У қўли билан ишора қилиб, ичкарига кириб кетди. Навкарлар вазирни босиб, ерга ётқизиб, бир нечаси қўл-оёқларини ушлаб, либоси тугмаларини ечишди-да, дод солиб бақираётганига ҳам қарамай қорнини ўткир ханжар билан тилиб, ичак-човоғини бемалол титкилаша бошлади. Ҳовли юзига қон сачраб, анча вақтгача вазир инграб-титраб ётди. Енг шимарган мўғуллар вазир ичак-човоғларини обдан титкилаб, гавҳартошни топиша олмади. Шундан сўнг, унинг мурдасини бир чеккага суриб қўйиб, нўён Чингизхон ёнига кириб чиқди. Ҳамма вазирларнинг қорнини ёриб, қимматбаҳо гавҳарни топинглар, деган фармонни олгач, асирликда ушлаб турилган ўн чоғлик вазирларни ҳовлига олиб чиқиб, ерга босиб ётқизиб, балиқдек қоринларини ёриша бошлади. Барча вазирларнинг қорни ёрилиб, ичак-човоғлари титкиланаётган бир пайтда, навкарлардан бири қичқириб, ўрнидан турди. «Топдим! Мана, бебаҳо гавҳартош!» Дарҳақиқат, Амин ал-Мулк деган тижорат вазири қорнидан ўрик данаги катталигидаги «Шуъалайн жаҳон» билан «Ганг» гавҳарлари топилди. Қимматбаҳо тошларни ювиб, кафтида Чингизхон ёнига олиб кириб кетган нўён, бир муддатдан кейин, хонадан мамнун чиқди. Ташқарига чиққан Чингизхон кафтидаги серқирра гавҳартошларни офтобга солиб томоша қилди. Бу тошлар Мовароуннаҳрда юксак мансабдорларга маълум, бундан бошқинчилар ҳам хабардор эди. Қорни ёрилиб, ерда қонга беланиб ётган вазирларни олиб чиқиб, эгаларига беринглар, ўзлари кўмишларига рухсат этаман, деди. Бу гавҳарлар топилгани сабабли бир оз юмшаб, «меҳрибонлик» кўрсатгандай эди. Бўлмаса мўғуллар бундай жазоланган рақиб жасадини итдек оёғидан судраб бориб, жарга ташлаб келишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳалок бўлганлар орасида султон Жалолиддиннинг энг яқин дўстларидан соҳибқирон Шамсиддин сарханг[1], Диёриддин Али, Элчибек паҳлавонлар ҳам бор эди. Улар вазирлик мартабасида бўлмасалар ҳам, мўғуллар бу асирларни ҳам қимматбаҳо тошларни ютиб юборган гумон қилиб, қорнларини ёрган эдилар.

Аммо Чингизхон учинчи тош топилмаганидан сўнг яна қовоғи осилди, қайси бири катта ва қиммат эканини аниқлаш мақсадида мўғуллар томонига ўтган иккинчи хазинабондан сўраттирди.

— Уч гавҳарнинг қайси бири катта?

— Бу икки гавҳар ичида «Бадахшон» йўқ. У энг каттасидир,— деди хоразмлик сотқин хазинабон Чингизхон кафтида йилтираб турган икки гавҳарга тикилиб, — буниси — «Шуълайи жаҳон», буниси «Ганг», аммо «Бадахшон» йўқ. Мен буларни яхши таниймман. «Бадахшон» гавҳари раққоса Нигинага туҳфа этилган. Нигина Гурганждан чиқиб қочди, деган хабар қулоғимга етди...

— Қаёққа қочди?!

— Ё Ҳамадон, ё Нишопур, ё Бағдод...

— Орқасидан одам юборинглар! — деди кескин бир тусда Чингизхон атрофидаги камарбаста нўёнларга. Яна унинг қийиқ кўзлари йилтираб кетди, — тутилган ерда қорни ёрилсин!

Аммо у бирдан ўйланиб қолди; шундай қимматбаҳо гавҳар туҳфа этилган ўйинчи — қандай ўйинчи экан? У хаёлга чўмди. Ахир бу гавҳар бутун мамлакатга арзийдиган нарса-ку!..

Унинг кўзига бир «Бадахшон» гавҳари икки бўлиб кўринди. Гавҳардан кўра ҳам бу гўзални афзал кўрган эканлар, наҳотки мен уни қўлга тушира олмайман! «Тирик тутинглар!» — деди у қатъий туриб бақириб. Ўзининг айғоқчиларидан хафа бўлди, наҳотки уни қўлга кирита олмадилар?! Мовароуннаҳр ҳақида қанча гаплар айтган Маҳмуд ялавоч наҳотки бу раққоса хусусида бир сўз айтмади?! У ёнидаги нўёнга мўғул тилида пўнғиллади. «Ҳей, калласи йўқ! Менга Хоразмшоҳнинг байталларидан кўра ҳам ўша раққоса кераклигини фаҳмламадингми?! Буларда ақл йўқ! Олтмиш беш ёшга борган одам учун оқ каптар керак! Буни эси борлар фаҳмлайди! Мен шоҳнинг бу елиндор семиз хотинларини нима қиламан!..»

У икки гавҳартошни кафтида сиққанича ичкари хонага кириб кетди.

Чингизхон фақат олтину забаржад, гавҳару зумрадларни, подшоҳлар тожларини эмас, Мовароуннаҳрдаги ноёб китобларни, айниқса тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт ва бошқа илмга оид китобларни ҳам тўплаттириб, қаттиқ иҳотага олдирарди. Асир олинган кўплаб олиму муншийларни ишга солар, китобларни танлатиб, қоплаб, туя карвонларида Хўжанду Шош йўли орқали мўғул эли томон жўнатарди...

Даҳшатли кунлар бошланишини сезган Туркон хотун ўғли — Муҳаммад Хоразмшоҳ каби мамлакатни тамом ташлаб қочишдан

[1] Сарханг — 500 отлиққа бош бўлган сардор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб, ошкора неваралари ва бир қанча келинларини олиб, Гурганждан чиқиб кетди. «У Язир чегараларига яқинлашганида қулоғига келинларидан бирининг шивирлаши оқибатида садоқатли деб ҳисобланган бир хизматкордан бад олди. У мени сотади, ташлаб кетади хаёл қилиб, йўлда бошини кесишга амр этди. Ёши улғайган бу хотиннинг забун вақтида ҳам хунрезлиги атрофидагиларни қўрқувга солди. Икки қўли боғлиқ маҳрамнинг даштда ногаҳоний боши кесилди. У иғво қурбони бўлди. Туркон хотун эса, султоннинг хотинлари, болалари билан биргаликда Мозандаронинг ёв ололмас Илол қалъасига кўтарилдилар...»[1]

Бу қалъани кейинчалик мўғуллар тўрт ой қамал қилиб, сувсиз қолдирдилар. Айниқса шуниси ғаройибки, Мозандаронинг қалъаларидан бири бўлган Илол тепасида осмон камдан-кам ёришадиган, ёмғир кўп ёғиб турадиган, доимий селлар ва сувга сероблиги билан ажралиб турадиган бу қалъани қурғоқчилик, ташналик забт этди. Бу ҳол Туркон хотуннинг мўғуллардан омонлик сўрашга мажбур этди. Мўғуллар унга омонлик ваъда қилдилар, деб ёзган Шаҳобиддин ан-Насавий. У қалъадан чиққан дақиқадан бошлаб Илол дарвозасидан сув оқиб кирди ва ўша куни ҳамма ҳовузлар тўлди.

Туркон хотун асир олинди ва уни Гурганжга Чингизхон ҳузурига олиб кетдилар. Бу воқеалар вақти-вақти билан Жалолиддинга ҳамда, Темур Маликка ҳам етиб борди. Туркон хотун алданиб, қўлга тушганини пайқаган маҳрами Бадриддин яширинча султон Жалолиддин томонга ўтиб, унинг мартабали кишиларидан бўлиб қолди. У кунлардан бир кун Туркон хотунга: «Эй, худованди жаҳон, кел, ўғлингнинг ўғли ва юрагингнинг хазинаси бўлган султон Жалолиддин томонга ўтгил! Унинг кучу қудрати бениҳоя, заковати юксак», деди. Аммо Туркон хотун: «Йўқол, унинг оти ўчсин! Ойчечакдан бўлган Жалолиддиннинг марҳаматига қарам бўлмаймен! Менинг икки Ойчечагим бор, бири бу ярамасдир. У Жалолиддинни туғди. Иккинчиси — Хўжанд ҳокимининг хотини. Менинг ўз уруғимдан бўлган Ойчечак Жалолиддиннинг онасидан ўша хўжандлик Ойчечагим минг бор афзал! Жалолиддинга қарам бўлгандан кўра Чингизхонга асирлигимни, хўрланишимни афзал кўрамен!»[2]

Асирликда у шунчалик муҳтожлик тортдики, бир неча бор Чингизхон тушлик қиладиган жойга келди, у ердан ул-бул нарса, ғажилган суякларни олди, шу егулик унга бир неча кунга етарди. «Худованди жаҳон» номини олган Туркон хотун хор бўлди. Уни ўлдирмай шу алфозга солишни Чингизхон атай илгаридан мўлжаллаган эди.

Султоннинг кичик ўғиллари хусусидаги гап шуки, уларнинг энг ёши Қамиғшоҳдан бошқа ҳаммаси Илол қалъаси фатҳ этилганда ўлдирилди. Туркон хотун ёнида тирик қолган невараси Қамиғшоҳни эркалаб сочини тараб ўтирганида иттифоқо унинг ёнига Чингиз-

---

[1] «Сират...»дан.
[2] «Сират...»дан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хон сархангларидан бири болани олиб кетиш учун келди. Болани биби қўлидан юлиб олиб кетдилар. Уни Чингизхонга олиб келганларида, бўғиб ўлдиришга буюрди.

Султоннинг қизларига тааллуқли гап шуки, уларнинг ҳар бирига хиёнаткорларнинг биронтаси уйланди. Самарқанд ҳукмдори Усмонга эрга чиққан Хон Султон бундан истиснодир, Жўжихон уни ўзи учун қолдирди. Узлоғшоҳнинг туғишган синглиси Туркон султонга эса Донишманд ҳожиб уйланди.

Султоннинг ҳофизу хонандалари ва улар орасида гўзал ва жозибадор Бинт-Занкижани Чингизхонга етказдилар. Нигинанинг қочиб кетгани Чингизни ғоятда дарғазаб қилди. Бинт-Занкижа Чингизхон тўшагида бўлгандан сўнг, самарқандлик каххол Зайнга туҳфа этилди. Зикр этилмиш кимса Чингизхон кўзини даволаган экан.

Хоразмдан бош олиб, Бағдод сари йўл олган Нигина бундай жирканч бандиликдан халос бўлди, деб қайд этмиш ҳазрат Шаҳобиддин ан-Насавий ўз китобида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРЁ ЖАНГИ

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

ТЕМУР МАЛИК САРБОЗЛАРИ МАНЖАНИҚЛАРДАН ЎТЛИ ТОШЛАР ОТИБ, ДУШМАН ҚАРОРГОҲИНИ ТОР-МОР ЭТДИЛАР...

Таҳамтан ба банди каманд бурд чанг,
Гузин кард як чўба тири хаданг.
Хаданге баровард пайкон чу об,
Нихода бар у чор парри уқоб.
Бимолид Чочи камонро бадаст,
Ба чарми гавазн андар овард шаст[1].

Фирдавсий

Ярим тун. Дарёдан кичкина қайиқчада писта пўчоқдек чайқалиб ўтган сардор Муҳаммад Интизом истеҳкомга кираркан, саркарда Темур Маликка Гурганждан бир кимса дарвиш қиёфасида келганини маълум қилди. Бу одам саркардага султоннинг яширин мактубини олиб келган эмиш. Нома кичик, шилдироқ чиний қоғозга лас билан ёзилган бўлиб, «дарвиш» жандасига тумор шаклида учбурчак қилиб чатилган. «Дарвиш» гарчи султон мактубини олиб келгани билан асли ўзи Туркон хотун кишиларидан эканини ҳам маълум қилган. Саркарда мактубни очиб, шам нурида кўз ташлади. «...салтанатимиз таянчи саркарда Темур Маликка етиб маълум бўлғайким, ваҳший Чингиз аввал Бухорони, кейин Самарқандни босиб олиб, фуқароға кўп зулм етказди. Эндиликда Гурганжга таҳдид солмоқда. Мовароуннаҳр шаҳарлари биринкетин қўлдан кетадур. Муҳтарам саркарда, Хўжанднинг қўлдан кетганини эшитиб, кўп таассуфландим. Эндиликда бор қўшинни зудлик билан Гурганж мудофаасига етказинг. Аълоиддин Муҳаммад, Шаъбон. Йигирма саккизинчи кун. Чоршанба».

Темур Малик хатни ўқиб, Муҳаммад Интизомга боқди. Беихтиёр кулди. Муҳаммад Интизом ўзини ноқулай сезиб, ҳайрон бўлди.

— Сардор, бу мактубга кулмай на қилмоқ керак! Сиз нима дейсиз?

[1] Рустам белидаги ўқдонга қўл узатиб, хаданг — қаттиқ ёғочдан ясалган бургут пати ўрнатилган бир дона ўқ олди. Чочда (Тошкентда) ясалган бу камонинг ҳўкиз терисидан тилинган таранг ипига ўқни қўйди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен мактуб мазмунидан огоҳ эмасмен.

— Ростми?

— Рост!

— Мана, ўқинг, азизим. Сиз на Меҳтарбод ва на Қамак Қайёний экансиз! Нега ўқимадингиз?

Муҳаммад Интизом сукут ичида ерга қаради.

— Сизнинг рухсатингизсиз, ўқимаймен.

— Садоқатингиз учун ташаккур! Мен сиз жанобни она-Еримизга, салтанатимизга садоқатли эканингизни билардим. Аммо Гурганждаги кимсалар ҳам сиздек софдил бўлганида кўп соз бўларди. Буни ўқинг! — У очилган мактубни Муҳаммад Интизомга узатди. «Меҳтарбод» мактубга кўз ташлаб, кейин саркардага боқди. Темур Малик шу пайт унинг бу ерда туришини тайинлаб, ўзи ўрнидан қўзғалиб, эшик олдида қилич яланғочлаб посбонлик қилаётган йигитга Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий, Хўжа Идрис Кубаро, Ҳусайн Гов, сардор Олабуқа, Иброҳим, Қанғли Арслонларни бунда чақириб келишни буюрди. Йигит қиличини ғилофига тиқиб, бошқа чодирларга йўл олди.

Хонага қайтиб кирган саркарда деди:

— Бу мактуб эмас, фармон! Бу Туркон хотун иши. Ўзингизнинг илгариги бир ахборотингизда султон Гурганжда васвасага тушиб қолган, ўз жонини ўйламоқда, — деган эдингиз. Султоннинг кўзига на давлат, на мамлакат ва на фуқаро кўринадур. У жон қайғусида қолганга ўхшайди. Агар менга шаҳзода Жалолиддин нома ёзганида, агар у зот ҳам шу таклифни айтганида буни бажармасдим! Аввал қилинган хато бизни мағлубиятга олиб келмоқда. Шаҳобиддин Хивақий, шаҳзода Жалолиддин фикрлари тўғри эди. Султон ўз оналари маслаҳати билан қалъаларнинг якка-якка мудофаага ўтишига фармон берди. Мана, оқибат! Аммо мен Хўжандни мўғулларга бермаймен! Мен уни албатта қайтариб оламен! Бир томчи қон қолгунча жанг қила берамиз!

— Саркардам! Мен сизнинг фикрингизни қувватлаймен, ҳаммавақт сиз билан биргамен!

— Йўқ, азиз сардор! — Темур Малик ҳаяжондан кўзига ёш олиб, Муҳаммад Интизомнинг елкасига қўл қўйди. — Сиз душманнинг ичидан, мен ташқаридан ҳужум қила берамиз!

Оролдаги Хўжанд қўшини сардорлари тунда бирин-кетин Темур Малик боргоҳига кириб келдилар. Хўжа Идрисдан бўлак ҳеч ким ухламаган эди. Хона ичида доира шаклида ўтиришди. Юқорида йўлбарс териси устида чўккан саркарда уларга султон номасини ўқиб берди.

— Бу, соғинч номаси эмас, фармон! — деди саркарда. — Нима маслаҳат берасизлар?

— Бу — навбатдаги, иккинчи хато фармон! — деди одатдагидек ҳаммавақт биринчи бўлиб фикр айтадиган Шоҳмурод Кўҳистоний. У Темур Маликдан ёш жиҳатдан катта ва тўпланганлар ичида шайхулислом Хўжа Идрис ва Хивақийдан мустасно ҳаммаларидан ёши катта бўлгани учун ҳам аввал сўз айтиб, фақат Темур Ма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликдан кейин юрарди. У сўзини давом эттирди, — агар буни фармон деб ҳисобланса, биз унга бўйсунмаймиз! Биз жангни давом эттирамиз, ватандошларимизни қулликка ташлаб кетолмаймиз! Хўжандни озод этамиз!

Темур Малик бу гапдан сўнг сезилар-сезилмас Муҳаммад Интизомга қараб қўйди. «Меҳтарбод» бу қарашни фаҳмлаб, бош ирғади.

Шаҳобиддин Хивақий ҳам Шоҳмурод фикрини қувватлаб, Туркон хотун найрангини фаҳмлади.

Бошқа сардорлар ҳам худди шундай фикрни баён этдилар.

Ўртадаги фикрларга диққат билан қулоқ солиб ўтирган Хўжа Идрис Кубаро Темур Маликка боқди.

— Сиз қандай фикрдасиз? Султон фармонига бўйин товламоқ исёнкорлик эмасми? Мен сизлар билан бирмен, еримни ташлаб кетмаймен, аммо султон фармонига зид ҳеч иш қилғон эмасмен.

— Сиз ҳам ҳақсиз, ҳазрат! — деди Темур Малик. — Мен ҳам ҳеч қачон салтанатга қарши исён қилғон эмасмен. Лекин еримизни босиб олиб, элимизни қул қиладиган тарафини ололмаймен! Лашкар сардорларининг фикри ҳақ! Мен, дўсти азизим, сардор Шоҳмурод Кўҳистоний фикрини тўғри деб ҳисоблаймен. Менинг ҳам дилимда шу гап бор. Биз бунда жангни давом эттирурмиз. Биз бунда Чингизнинг оч биқинига солурмиз! Жангнинг энг зўри энди бўлади! Китоботдан, илму маърифатдан узоқ, саҳройи мўғулларга кўрсатиб қўямен!!! (У қўлини мушт қилиб, юқори кўтарди). Мадрасаю кўприк қуриш, иморат солишни билмайдиган, гўшт еб, отда чопиб, қилич солишдан ўзгани тан олмайдиган, зўравонлик қилиб, ўзга элларни қул қилмоқ бўлганларнинг боши қўлимда! Дунёга келиб, еб-ичиб, айшу ишрат суриш эмас, эл бахтини ўйлаган мутафаккирларнинг азиз боши мўғул отлари туёғи остида мажақланмоқда. Кетиш йўқ, жанг бор! Султоннинг мактубига жавоб қилмаймен!

— Тўғре! Шундай қилмоқ даркор! — деди Шоҳмурод Кўҳистоний. — Ё ватан, ё ўлим!

Тўпланган сардорлар оролда пайдо бўлган Муҳаммад Интизом билан омонлашиб, кейин чиқиб кетдилар. Бу одам илгари кўпларга ваҳшат соларди. Ундан чўчирдилар. Ҳозир оролда уни кўриб, қандайдир суянчиқ, яна бир кучни, қадрдонни кўргандек бўлдилар. Унинг борлиги, у тирик экани, мўғуллар ичида юриб, қулай пайтда босқинчиларга талафот етказаётганини пайқадилар. Темур Малик унинг оролдаги бошқа сарбозлар ҳам кўриб, таниб олишини мўлжаллаб, эртага, тонг отганда яширинмай ватандошларига ўзини кўрсатишини, ҳали Хўжанд кучли эканини, ғалабага ҳамма умидвор бўлишини айтиб, ўзи билан бирга олиб юрди. Шундан кейин Темур Малик бир оз ётиб, ҳордиқ олмоқчи бўлди, аммо кўзига уйқу келмади. У ярим тунда ташқарига чиқиб оролни айланиб, ой шуъласида жимирлаб оқаётган дарёга тикилди, қирғоқларда посбонлик қилиб турган йигитлардан хабар олди. Далда берди. Дарёнинг нариги томонида, мўғуллар боргоҳида кўпгина чироқлар милтираб кўринарди. Чироқлар асосан юзбошилар, мингбо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шилар ўтовида. Мўғулнинг асосий кучи ўнг қирғоқда — Қурама тоғлари этакларида эканини биларди. Негадир нўёнлар шаҳар ичида эмас, сиртда — ўзларининг очиқ даштдаги ўтовларида тунашни афзал кўрардилар. Муҳаммад Интизомнинг айтишича, Сўқту нўён қалъа ичида бир кун, ярим кун туриб, сўнг отлиқлар иҳотасида даштга кетиб қолар экан. Анча пастдан кема билан ўтиб, яна ўтовига келиб ётишни афзал кўраркан. Муҳаммад Интизом бу кўзи қисиқ, айёр нўённинг ҳеч қўлга тушириб бўлмаётганини ҳам айтди. Унинг режаси Сўқту нўён ёки Улоқ нўённи доруйи беҳуш билан ухлатиб оёқ-қўлини боғлаб, бунда олиб келиш... Буни эшитган Темур Малик Муҳаммад Интизомга ташаккур айтди. «Режангиз учун ҳам ташаккур! Сиз, азиз дўстим, бундай режани амалда қилсангиз қанчалар ватандошимизни ажалдан сақлайсиз, эҳтимол, биз Хўжандни босқинчидан тортиб олармиз...» Муҳаммад Интизом жиддий бир тусда деди: «Худо хоҳласа, биз бу бераҳм нўённи қўлга туширамиз...»

Темур Малик «салтанатнинг ўткир ханжари» Муҳаммад Интизомни ўз боргоҳида олиб қолиб, эрта билан манжаниқ отишмалари, нариги томонда мўғулларнинг ғала-ғовури, ўқ-ёйлардан оловли ўқ отилишига қарамай жуда сиполик, босиқлик билан нонушта қилишди. Ундан кейин Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний сардор Муҳаммад Интизом «ўн минг қўшинга баробар», «даҳшатли Меҳтар Бодиялдойи Хўжандий» ни ўртага олиб, орол ичидаги истеҳкомни яна бир карра кўздан кечирган бўлиб, сарбоз йигитларга уни атай намойиш этишди. Хўжандда ва бошқа қишлоқларда Муҳаммад Интизомнинг ханжари бурро кишилари яширин жанг қилаётганини ҳам билдирмоқчи бўлишарди. Йигитлар ориқ, қорачадан келган, кўзлари ўткир одамга тикилиб, қўллари кўксида сардорларга салом беришарди. Бу одамнинг номини кўп эшитган эдилару ўзини кўрмагандилар. У кўп вақт сунъий соқолмўйлаб ёпиштириб, таниб бўлмас кимсалар қиёфасида юришини ҳам эшитишган эди. Ҳозирги кунда ҳар бир сарбоз Хўжанд сардорларини таниб олишликлари лозим бўлиб қолди. Узунлиги ярим чақиримча, эни беш юз газ келадиган бу узунчоқ оролда анча вақт айланиб юришди. Ўнг қирғоқда мўғуллар асирларни ишга солиб, тоғдан харсангтош ташитаётганини ҳам шундоқ кўриб туришарди.

— Харсанг ташлаб, у қирғоқдан то оролгача тўғон қилмоқчилар, — деди Темур Малик кулиб, — бу жазаваси тутган, ўта жоҳил мўғуллар энди шуни ўйлаб топибдилар. Ўтрору Жанддан ҳайдаб келинган асирлар бир неча чақирим ердан елкаларида тош ташимоқдалар. Харсанг эмас, каллаларини қўйиб бўлса ҳам оролга ўтиб олмоқчилар. Жуда баттарин улар! Йиртқичнинг жағини йиртамиз! Ваҳшийлик билан иродаларимизни бука олмайдилар!

— Бу жоҳиллар! — деди Кўҳистоний, — албатта каллаларини қўймагунча бунда етиб келолмайдилар! Асир шўрликларга қийин.

— Ўтрор қамалида Чингизнинг йиртқичлиги маълум бўлди, — дея гапга аралашди Муҳаммад Интизом. — Бу ерликлар мол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларни ачинмай сўйиб, ўлдира бериш мумкин деган уларнинг ўз «фалсафалари» ҳам бор...

— Бу гапни эшитганмен, — деди Кўҳистоний, — улар ўлганларни тупроққа кўмиб ўтирмай даштга очиқ ташлаб кела берар эканлар. Уликни бўрию сиртлон, зоғу қузғунлар еб кета берар экан. Маърифатга алоқадор нимаики бор, барини куйдириб юбормоқдалар. Улар босиб келиб ёндирадилар, ўлдирадилар.

Муҳаммад Интизом саркарда Темур Малик, муҳрдор Шоҳмурод Кўҳистоний билан хайр-хўшлашиб, ўзига қараб, кузатиб турган юзларча ватандошлари олдида хуржунидан сунъий соқолмўйлаб олиб, юзига ёпиштирди. Атрофдагиларга қараб илжайиб қўйди. У энди оролдаги фидойи сарбозлардан мутлақо ўзини яширмас, бу ердагиларнинг барчаси ҳам ўзларини она-Ер озодлиги йўлида ўлимга тиккан кишилар. Ҳатто «Хўжанднинг энг ишончли кишиси» ўзини улардан ожиз ҳис этарди. Шу сабабли ҳам, улар билан бир сафда эканини билдириш мақсадида, юзларча тикилган кўзлар олдида ўзини ниқоблар, бошига кулоҳ, чопони ичида ханжар, этиги қўнжида икки-уч пичоқ шай турарди. Буларни кўришди. Муҳаммад Интизом йигирма беш-ўттиз қадамдан пичоқ отиб, рақиби кўксига бехато санча оларди. Бу борада унга тенг сарбоз йўқ. Гўё «кўз очиб юмгунча» ўзини бошқа қиёфага киритиб, сувда, қозиққа боғлоғлиқ турган қайиққа тушиб, нариги қирғоққа сузиб кетди. Унда икки шериги исқирт бир эшакни шай ушлаб турардилар. Муҳаммад Интизом дарёдан сузиб ўтгач, қайиқни яна боғлаб қўйишди-да, эшакка миниб, сомонбозорга жўнашди.

Қирғоқдаги эшакни, икки одамни ҳам узоқдан кўришди. Оролдаги йигитлардан бири шеригидан сўради:

— Муҳаммад Интизом жаноблари бор эканлар! Мен Чориқдарронда ҳалок бўлдилар, деб ўйлаган эдим...

— Тириклар. У зот ёв кўзига кўринмай жанг қиладурлар. Мўғул бўғзига ханжар қадалганини, ўзининг ўлимини ўзи билмай қолади.

— Саркардамиз Муҳаммад Интизом жанобларини атайи Хўжандда қолдириб келдилар. Унинг йигитлари икки юздан ошади, дейдилар. Улар ҳамма ерда бор, ҳамма ерда ўз ишларини билиб қилмоқдалар. Ҳа, Муҳаммад Интизом жанобларида гап кўп. Айғоқчиларнинг, айниқса, у зотнинг борлиги жуда маъқул-да! Лашкарга катта мадад!

Айғоқчилар сардорини кузатган Темур Малик сув яқинидаги ғуж чангалак ўтлар панасида туриб, нариги қирғоқда кенгликка ёйилган мўғулларнинг ғимирлашидан кўз узмай, хаёлга толди. Тўқайнинг асил паҳлавони — йўлбарс кун бўйи тўши ерда, пайт пойлаб, куч йиғиб, тунда ов қилишини кўз олдига келтирди. Сайҳун қирғоқларидаги сарғиш қамишзорларда йўлбарслар кўп. «Йўлбарс — сиртлон эмас, у мард, танти ва беаёв йиртқич. Ҳозирги кунларда манманлик, киши кўзига тантилик қиладиган вақт эмас, — деди Темур Малик, узоқ-узоқларда от чоптириб юрган мўғуллардан кўз узмай, — энди фақат беаёв йўлбарс бўлмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

фурсатидир! Баъзан киши кучли йиртқичлардан ҳам ибрат олмоғи керак. Ҳамонки, душман она юртга бостириб кирган экан, унга нисбатан аёвсизликнинг ҳамма кўринишларидан фойдаланмоқ фарз! Йўлбарсона пусиб ётиб, тунда даҳшат билан ўкириб ҳужум қилмоқлик» Темур Малик фикру хаёлини олди.

У қўлларини қўлларига сирмаб, сув бўйида ёлғиз ўтираркан, кўз олдига уч яшар ўғли Метин келди. Фарзанднинг бу ширин ёшида унинг ёнида бўлмаган ота чинакам оталик завқини суролмайди, деди ўзига-ўзи. Аммо ҳозир «оталик завқи» эмас, ватан қисмати ҳал бўлаётган бир пайтда Темур Малик на ўз жони ва на Метин ўғилчаси ҳақида ўйлаши мумкин! Муҳаммад Интизомнинг хабар беришича, ҳоким кўп ташвиш тортмаслиги, содиқ қули Ғулом орқали ўғлини тоғ оралиғига олиб кетилгани, яширишгани бир қадар тасалли берарди. Ойчечак билан Бинафша бекانинг хоинлиги ғазабини жунбишга келтирарди. Бозор оқсоқолини қўлга тушган жойида ўлдиришга ҳукм этилган. Айғоқчиларнинг дарду фикри Сўқту ва Улоқ нўёнларни чўчитиб юбормаслик, аввал усталик билан уларни ушлаб, Темур Малик ёнига олиб келиш режаси тузилган. Душман огоҳланиб, чўчиб қолмаслиги учун Хўжанд айғоқчиларига жуда ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутишликлари айтилган эди. Биринчи галда Сўқту нўённи қўлга олишгач, хоинлар устида ҳар қанча хунрезлик қилиш, Бинафша бекани ҳам сочидан от думига боғлаш нияти йўқ эмас эди. Ҳар қалай, ханжарнинг бир зарби билан Ойчечакни ҳам, Бинафшани ҳам қазога етказиш қийин эмас!

Саркарданинг кўз олдидан бадбуруш икки хотин ўтди: уларнинг юзлари одаму ўзлари кулча бўлиб ётган, усти заррин тангачалар билан қопланган илонларга ўхшарди. Бундай пайтларда Темур Малик ўз қиличининг дастасини кучли панжалари билан беихтиёр маҳкам сиқарди. «Икки қанжиқ майли-я... — дерди ўзига ўзи, аммо у фарзандию юртини йўқотиб, сув ичидаги зах бир оролчада ўтиргани — дунёда ҳеч кими қолмагандек бўлиб туюларди. — Йўқ, — деди саркарда яна қиличи дастасини сиқиб, — Хўжанднинг асил кишилари мен билан бирга, ҳали мен юртимни йўқотганим йўқ, биз тирик эканмиз, у йўқолмайди!»

Тунда қора «Ирвэс»[1] пайдо бўлиб, посбонларни ечиниб ётган жойида қонга белаб, қилич билан чопиб, найза санчиб... кетиши мўғулларнинг тинкасини қуритди. Улар тун бўйи ухламай «Ирвэс»ни кутадиган, пойлаб чиқадиган бўлиб қолдилар.

Темур Малик шу куни, айни қуёш тик келган пешин пайтида ўзи билан йигирма чоғлик йигитни олиб, илгари тайёрлаб қўйилган эчки териларини пуфлаб, дўмбира қилишди-да, қўлларида бир газ узунлигидаги ғаров, белларида ғилофсиз ўткир қилич, баъзиларида найза, дарёга тушишди. Этикларини ҳам ечиб, узун иштон, яланғоч белларида қалин камар, камарда қилич ва ханжар тақиб

---

[1] Ирвэс — қоплон, мўғуллар Темур Маликни шундай деб аташарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

олишган. Эчки терисидан пуфлайдиган дўмбирани қўлтиқларига маҳкам қисиб, дарё оқими сари секин кетишди. Нариги қирғоққа ўтаётган сарбозларга Темур Маликнинг ўзи бош бўлди. Баъзи йигитларда қамич-ғаров бор, сувга чўкиб нафас олмоқ учун даркор, баъзан эчки тери уларни чўкишдан сақлаб қоларди. Бу ишни ўйлаб топган Темур Маликнинг ўзи биринчи бўлиб йигитларни бошлаб сузди. Бир йигитдан бўлак қолган ўн тўққиз киши дарё қирғоғига чиқиб олди. Бир сарбоз қўлтиғидаги дўмбирасини оқизиб юбориб, қийналиб, шеригининг кўмаги билан аранг ўтди. Дарё сатҳига турнага ўхшаб оқиб келаётган эчки териларини узоқдан кўриб турганлар, буни пайқамай, ёғоч, хас-чўплар оқиб келмоқда, деб ортиқча эътибор бермадилар. Баъзан дарё юзида кемалар эмас, дарахтлар, шохлар оқиб келарди. Йигитлар қирғоққа етишгач, пуфлаб семиртирилган териларни яна бужмайтириб, қирғоқда қолдириб, ўтовларга бостириб киришди. Иссиқдан қочиб, сояда ётган мўғулларни тўсатдан чопқин қила кетишди. Темур Маликнинг ўзи уч йигит билан ола намат ёпилган ўтовга бостириб кирди. Бу ўтовни Сўқту нўённики фараз қилган эди. Сўқтунинг Хўжандда, қалъа ичида эканидан хабари йўқ, у бунда ўтирган уч кимсани ўтирган ерида чопиб ташлади. Қирғоқда қилич ушлаган яланғоч одамларни кўрган мўғуллар тоғ томонга қочдилар. Узоқда отлиқ мўғуллар кўрингунча қора «Ирвэс» дарё қирғоқларидаги белгиланган ерга ўз сарбозларини шошилинч тўплаб, яна пуфланган эчки териларни қўлтиққа олиб, орол томон суза кетишди. Отлиқлар бунга етиб келгунча Темур Малик ўн тўққиз йигити билан эсон-омон дарё ўртасида сузиб борарди. У атай орқароқда келарди. Белига боғлоғлиқ қиличини бир қўли билан сувдан чиқариб, мўғул отлиқларига ялтиратиб кўрсатарди. Баланд қирғоқда бақрайиб қараб қолган ялпоқ башаралар дарёда сузиб бораётган хўжандлиларга, қиличини ярқиратиб кўрсатаётган одамга ҳайратланиб боқишарди. Дўмбирасини оқизиб юборган йигит энди шериги билан бирга ҳаммадан олдин қирғоққа етиб келди. Битта ҳам йигитни йўқотмай, сувдан чиққан Темур Малик узоқда турган отлиқларга яна қиличини кўрсатиб қўйди. Масофа анча узоқ бўлишига қарамай, офтобда ярқираган қилични мўғуллар аниқ кўриб турардилар. Кейинчалик маълум бўлишича бу отлиқлар орасида Сўқту нўён ҳам бор экан. У Темур Малик сув ичида қилич кўрсатганини Улоқ нўёнга ҳам айтган. Агар Сўқту нўён Темур Маликни тирик ушлаб Чингизхон ёнига олиб борса, унга ўз ўғилларига берилгандек юксак мартаба бериши, эҳтимол икки дарё оралиғидаги мамлакатнинг ярмисини инъом этиши мумкин эди.

— Ҳаромиларни бопладик-да! — деди Темур Малик атрофидаги яланғоч дўстларига кулиб. Унинг негадир хахолаб кулгиси келарди.

— Йигирма чоғлик мўғулнинг жони дўзахга кетди! — деди дўмбирасини оқизиб юбориб, чўкиб кетишига озгина қолган йигит, — мен ўзим ўтовдаги уч мўғулни ер тишлатдим.

— Офарин! — деди саркарда. — Оз бўлмаса сизни оқизиб юбо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, сардор Шоҳмуродга қандай жавоб қиламан деб капалагим учиб кетди. Энди ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Бу йигит Шоҳмурод Қўҳистонийнинг жиянларидан бири бўлиб, Қалъаий Хумб қишлоғидан. Кўпдан Темур Малик уни ҳазил қилиб, «Қалъаий Хумб вазири аъзами» деб атарди. Раҳматли вазири аъзам Низом ал-Мулк жаноблари қулоғига ҳам бу гап етиб келган эди.

Шоҳмурод Қўҳистоний ва бошқа сардорлар югуриб қирғоққа келишди. Дарҳол саркарданинг кийим-бошларини кийдириб, истеҳком ичига олиб киришди.

— Кемаларимиз устидаги бордон-соябонлар устини тезда сомонли лой билан суваш керак! — деди йўл-йўлакай Темур Малик ёнидаги сардорларига. — Камон ўқига латта, эски пахта ўраб тайёрлашаётганини кўрдик. Аланга олувчи мой идишларидан бир нечасини уриб синдирдик. Улар энди истеҳкомга, қирғоқда турган кемаларимизга оловли ўқ-ёй отадилар. Шу йўл билан кемаларни, ёғоч истеҳкомни ёндириб юбормоқчи бўладилар. Бунинг олдини олишимиз керак. Шоҳмурод, азизим, кемалар устидаги сомонли лой қуригач, устидан сирка қуйиб, нам қилиш лозим. Бунга текан оловли ўқ шу лаҳза ўчади. Сирканинг бир фазилати шу! Агар сирка кам бўлса, Хўжанд томонга тунда йигитлардан юбориш, туз ва сомонни кўпроқ олиб келишларини тайинлаш лозим.

— Хўп, саркарда!

— Манжаниқ тошига мойли латта боғлаб отамиз. Душман тунда манжаниқдан оловли тош отишимизни хаёлига келтирмайди. Энди улар эртага кундузи шу пайтда бизни кутади. Шунинг учун манжаниқлардан бетўхтов оловли тош отиб, тўс-тўполон кўтарган пайтимизда, яна бир неча йигит яширинча у томонга ўтиб, қирғин бошлаши керак. Бу гал кемада ўтмоқ маъқулроқ.

— Мен борамен, — деди Қўҳистоний.

— Маъқул, — деди Темур Малик, — бир нарсага эътибор беринг, сардор. Қирғоқ яқинидаги харсангтош уюмлари атрофида беҳисоб асирлар бор. Оловли тошлар шу атрофдаги асирларни мажақлаб ёндирмасин. Улар Ўтрордан ҳайдаб келинган тутқунлар. Мўғулни билиб чопмоқ лозим!

— Тушундим.

— Битта-яримтасини қўл-оёғини боғлаб олиб келсангиз, ёмон бўлмасди. Ўрталикдаги ола ўтовга ҳужум қилинг, зора нўённи қўлга туширсак. Худо ёр бўлсин сизга!

— Хайр, саркарда.

Шу кеча осмонда булут пайдо бўлиб, чарақлаб турадиган юлдузлар кўздан ғойиб бўлди. Ой ҳам қорамтир қуюқ булутлар орасидан баъзан Темур Малик саркарданинг димишқий қиличидек ярқираб кўриниб қоларди. Тун қоронғилигини паноҳ этиб, оролдаги йигитлар ўн беш манжаниқни қирғоқ — дарё бўйига қатор тизиб, белига мойли латталарни арқон билан маҳкам боғлаган харсангтошлар уйиб қўйилди. Ярим тунда Шоҳмурод Қўҳистоний бошчилигидаги икки кемага йигирмага яқин сарбоз ўтириб, оролнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

юқори томонида пайт пойлаб туришди. Оролнинг қуйи томонига териб қўйилган манжаниқларга харсанг қўйилиб, ўртада ёниб турган гулханга косов тиқиб, ёндириб, харсангларни ўт олдириб, манжаниқни отиша бошлади. Қаттиқ эгилган арча тахтаси оловли тошларни дарё устидан ўтказиб, душман боргоҳини оташбўрон қилиша бошлади. Ўн беш манжаниқдан тинимсиз отилиб турган оловли харсанглар мўғулларни ваҳимага солди. Харсанглар ерга тушиб, анча вақтгача ёниб турарди. Ўтов тепасига тушганлари тош наматни ёриб кириб ўт олдирарди, отлар ҳуркиб тўрт томонга қочарди. Душман саросимага тушиб, безовта бўлган отларини ушлаб, ёнаётган ўтовларини сув сепиб ўчираётган бир пайтда шиддат билан дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб кетган икки кемани душман пайқамай қолди. Улар эртага, кундуз куни шунга ўхшаган майда ҳужумни кутишган эди. Шу лаҳза фурсатни ғанимат билиб, Қўҳистоний йигирма азамати билан ола ўтов томон югурди. Йўл-йўлакай дуч келган мўғулни чопиб қулатиб, ўтовга киришди. Бундаги икки мўғулнинг бирини ўлдириб, бирини қўлоёғини боғлаб, қирғоқ томон судрашди. Унинг иссиқда ҳам тулки теридан тумоғ, оёғида башанг этик кийганидан Сўқту нўён деб ўйлашди. Дам оёғидан, дам елкасидан тортиб, судраб, бақиртириб, кемага босишди. Дуч келган мўғулни чопиб ташлашди. Узоқда манжаниқлардан оловли тошлар тушаётган томонда овора бўлиб қолган мўғуллар ола ўтовдан нўённи судраб олиб кетишаётганини билишмасди. Шоҳмурод Қўҳистоний шу олатўполон вақтида яраланди. Лекин шу он хўжандлик сарбоз сардор орқасидан яна қилич ҳавола қилган мўғулни чопиб қулатди. Қўҳистонийнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Хўжандлик йигит чўлоқланиб қолган Қўҳистонийни опичиб олиб, кемага ўтқазди ва шу лаҳза барча йигитлар ҳам кемага ўтиб, эшкаклар шитоб билан ишга тушиб кетди. Энтикиб орол томон сузишарди. Шоҳмурод Қўҳистонийнинг оёқдан жароҳатланганлигини ҳисобга олмаганда, бу сафар ҳам хўжандликларни худо асради. Улар оролга етиб келишгач, дарҳол табиб эски пахта, латта куйдириб Шоҳмурод Қўҳистоний оёғига босди. Оқ латта билан боғлаб, малҳам суртди. Оғриқни босиш мақсадида озгина доруйи беҳуш ичириб ухлатиб қўйишди. Олиб келинган асир нўён эмас, ҳар қалай, нўённинг мансабдорларидан экани, Сўқту нўён тунда ўз ўтовидан анча нари, кўзга ташланмайдиган бир ўтовда ётишини айтди. Унинг айёрлигини фаҳмлашди. Боши кетишдан қўрққан мўғул анча-мунча сирли гапларни Темур Маликка маълум қилди.

Лекин манжаниқлар тинимсиз оловли харсангтошлар отиб турарди. Дарё устидан шариллаб учиб ўтаётган оловли тошлар душманга ваҳима соларди: бу ерликлар қандай қилиб оғир тошларни дарёдан ўтказиб отаётганига ҳайрон қолишарди.

Бир ҳафталардан кейин, тунда дарёдан ўтган Муҳаммад Интизом Темур Маликка шаҳарда тарқалган вабо қайтганини, лекин жуда кўп одам ўлганини, бу ажал анча-мунча мўғулларнинг ўзини ҳам олиб кетганини маълум қилди. Икки бор Бинафша билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойчечак, бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Моразни ўлдириш учун қулай фурсат келгани, лекин бу ишни қилиб, Сўқту нўённи чўчитиб қўймасликни ўйлаганини маълум қилди. Бу иш албатта бажарилади, деб саркардани ишонтирди. Чориқдаррон жангида ҳалок бўлган баззознинг ўғли талаба Рукниддин жинни бўлиб, ўзини ўзи осганини ҳам айтди. Бу фожиали қазо учун саркарда юзига фотиҳа тортмади.

Янаги сафар келишингизда темирчи Жўрабек ишхонасидан бир сандон билан занжирни қирқадиган, юзига тобланган уч-тўрт болта, эгов олиб келишни, душман бизнинг кемаларимиз сув оқими сари боришида, унга қарши занжир тортаётгани ҳақида маълумот етганини айтди. Эртагаёқ тунда унинг йигитлари сандон, болта, эгов ва анжомларни етказишга ваъда бердилар.

УТТИЗ ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

НАФРАТ АЛАНГАСИДА ТЕНТИРАГАНЛАР...

Ёвузликка бўйсунмаслик ҳам яхши ишда қатнашиш каби бурчдир.

Ҳинд мақоли

Хўжанд қўлдан кетган, дарё ичи истеҳком жанги кетаётган бир пайтда, Парпирак[1]дан нари, Оҳангарон дарёси жанубида, Қурама тоғлари этагидаги мустаҳкам қўрғонга эга бўлган Келовчини ҳам кескин жанглардан холи деб бўлмасди. Бу ердан бориб, Хўжандда, Темур Малик қўшинида жанг қилаётган йигитлар анчамунча. Қўплари Чориқдарронда тупроққа бош қўйиб, шаҳодат топди. Гарчи Келовчида олатўполон бўлмаётгани билан жанг ваҳшати тамоман қишлоқни қамраган эди. Ваҳимали хабарлар узоққа яна ҳам ваҳимали бўлиб етади. Тоғ оралиқларига яширинмоқчи бўлганлар ҳамда Ахсикат, Андижон, Ўш, Ўзган томонларга қочиб кетаётган мулкдорлар аввал Келовчи, Чоркесарда тўхтамасликлари мумкин эмас. Фақат мулкдор қўрқоқлар эмас, Келовчида Хўжанддан ўзини четга олган баъзи мансабдорлар ҳам пайдо бўлиб қолди. Илгари жимжит ва орқалиқ ҳисобланган бу қишлоқ ҳозир анча гавжум. Қишлоқ оқсоқоли ҳам белига қилич осиб, ўнўн беш навкар билан қиладиган ишининг тайини йўқ, отда югуришиб, кўча чангитгани-чангитган.

Чоршанба куни қишлоқ бозорида башараси япасқи икки номаълум одам пайдо бўлиб қолди. Бундан хабар топган қишлоқ оқсоқоли қуролли йигитлари билан от чоптириб келиб, одамлар кўзи олдида икки ажнабийни ушлаб, қўлларини орқага боғладилар. Улар на туркий ва на форсийга тушунишар: йўғон, дўриллаган овозда «ғайн», «дорж» га ўхшаш товуш чиқаришлари, устла-

[1] Парпирак — Чирчиқнинг қадимий номи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридаги либосларидан мўғул эканликлари маълум бўлди. Уларнинг ёнида қурол йўқ. Қишлоқ йигитларидан бири дарҳол қиличини суғуриб, шу ернинг ўзидаёқ босқинчиларнинг калласини узиб ташламоқчи бўлди, аммо оқсоқол сабр қил, ўлдириш осон, деб йигитни тўхтатди. Уларнинг бўйинларига арқон солиб, оқсоқол маҳкамасига олиб келишди.

— Булар жосуслар! — деди йигитлардан бири, — мўғуллар аввал одам юбориб, билиб, кейин изидан аскар юборади, деган гапни эшитганман. Уларни дарҳол ўлдириш керак!

Маҳкама ҳовлисида икки мўғул ер тепиниб, бир нималар демоқчи бўларди, аммо ҳеч ким уларнинг гапига тушунмасди.

— Чингисқ-а-а-н — чоно! Цэрэг — чоно! — деди мўғуллардан бири ер тепиниб. У қишлоқ оқсоқолига ялиниб, бизни ўлдирманглар, деган ишорани қиларди. Иккинчиси ҳам шу гапни такрорлаб, яна бошқа гапларни ҳам қўшарди:

— Тамеджэн — зандалч![1] Чингисқа-а-н — могой.

Бу гапларга мутлақо тушунмаган оқсоқол:

— Бари бир каллаларингизни оламен! Ялинганларингнинг фойдаси йўқ! Юртимни талон-торож этиб қонга беласаларинг-да, мен сенларни омон қўярмидим! Сенлар иккита эмас, яна бошқа изғиб юрганларинг ҳам бордир! Сенларни мана шу ерда қўйдек бўғизлаймен! Мен саркарда отларига ем-хашак юборганмен, улуфа олмаганмен. Мен раият[2]га доимо хушмуомалада бўлганмен, аммо сенга раҳм қилмаймен! Келовчида сенлар фақат бир харвор[3] бўлиб қоласанлар!

Хўжанднинг қўлдан кетгани-ю, саркарда Темур Маликнинг дарё ичидаги истеҳкомга ўтгани ҳам Келовчига етиб келган. Лекин шунга қарамасдан, бу қишлоқда саркардага мадад беришга тайёргарлик кетар, қишлоқ оқсоқоли ҳамма ишни югуриб-елиб бажарарди. Хўжанднинг босқинчилар қўлига ўтиши мутлақо вақтинчалик деб ўйларди. Жанг бўлганидан сўнг, баъзан душман қўли ҳам баланд келади...

— О... О... қандай эди саркардамиз Темур Малик, — деди икки хотин бозорга кираберишда, харид қилиб чиққан тугунларини ёнларига қўйиб, юзларида чодра, чўққайиб ўтириб. — У борида Хўжанд қандай файзли эди! Қадду қомати Афросиёб, пешонасидан Хорун ар-Рашиддек нур ёғилиб турарди. От чопганда замин титрарди... Биққасемиз, юзида бир дона туки йўқ бу чўчқа мўғул Хўжандни оёқости қилиб ташлади. Бировлар бекани зўрлаб ўзига хотин қилиб олди, дейди, бировлар Ойчечак беканинг ўзи шундоқ ҳокимдан кечиб, мўғулнинг қўйнига кирди, дейди. Қайси бири ҳақ экани бизга номаълум. Ундоқ бўлганда ҳам, бундоқ бўлганда ҳам бари бир Ойчечак бека ёмон хотин экан...

— Аҳмад ибн Моразнинг мўғуллар келиб, куни туғиб қолди, —

---

[1] Зандалч — жаллод.
[2] Раият — солиқ тўловчи авом халқ.
[3] Харвор — бир эшак юк.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деди иккинчи хотин нафаси тиқилгандан сал-пал юзини очиб, — у ёмон туллак одам экан.

Хўжандда эмас, ҳатто Келовчида ҳам болаларни қўрқитиб, «қоч олабўжи[1] келаётир!» дейиш одатга кира бошлади. Сўқту нўённинг яна бир юзбошиси — Халаку эди. Унинг ёмон бир ити бор: бу ит ўта қопағон ва доимо кўчаларда тилини осилтириб югурарди. «Халакунинг итидай...» деган нақл ҳам ўша вақтдан қолган. Хўжандда вайронагарчилик, қаҳатчилик кучайиб кетгач, муллалар ўртасида сўфийлик ва мутасаввуф кучайиб кетди.

Маҳкама ҳовлисида ерга ўтқазиб қўли боғлиқ икки мўғул ўз фикрларини тушунтиролмай бўғилишар, тинимсиз, «Чингиз-қа-а-н-чоно! Чингиз-қа-ан-чоно!» деб бўғилишарди. Ишораларидан, бўғилишларидан тепасида турган йигитлар ниманидир пайқашар, лекин мўғул деган босқинчига раҳм-шафқат қилмоқ! — хиёнат эканини ҳам фаҳмлашарди. Эртасига Қуруқсой, Ўткансой томонларда ҳам одамлар ўз нўёнидан ажралган уч-тўрт мўғулни ушлаб олиб, обдан калтаклашибди. Уч кун ичида ўндан ортиқ мўғул сарбозлари Келовчига кириб келишди. Улар орасида татар навкар борлиги жонларига ора кирди. Татар йигити Келовчи оқсоқоли маҳкамасига олиб келинди. У оқсоқолни кўриши биланоқ, нега бу мўғуллар ўз қўшинидан ажралиб, бу ёқларда юргани, бегуноҳ халқни қириб ташлаётган Чингизхон билан бу томонларга келиб, ўз қонхўрликларидан нафратланаётганликларини маълум қилди. Улар жосус эмас, душман ҳам эмас. Асли улар тақачи, пўстин тикадиган ҳунарманд кимсалар эканини, Чингизхон уларни зўрлаб қўшинга олганини, тинимсиз қонхўрликлар жонга теккани, ўз юртларига қайтиб кетмоқчи эканликларини маълум қилдилар.

— Сенинг отинг нима? — Келовчи оқсоқоли мўғулдан сўради.

— Лхансурэн, — деди татар оқсоқол саволини маълум қилгач.

— Сенинг отинг-чи?

— Лхандорж.

— Ўзингнинг отинг нима?

— Нўғайботир дейлар...

— Шу аҳволинг билан «ботир» мисан? Ўзга юртни оламан деб келдингми?! (Нўғайботир ўлгудай қилтириқ эди.) Умрингда қорнинг тўйиб овқат еган одамга ўхшамайсен?

— Мажбур этдилар. Мин — чўпонмен...

— Чўпонлигинг маъқул. Қон тўкдинг, биз ҳам қон тўкамиз! Алқасос!

— Бизни бекорга ўлдирасиз, биз қон тўкмадик, биз қон тўкаётганлардан нафратланиб, жангдан чиқдик. Сизнинг томонга ўтдик. Биз жанг қилмаймиз!

— Ҳа, ҳаромилар, осон йўлни топибсизлар-да!

— Ўлдирасизми, ўлдирмайсизми, бу — сизнинг ишингиз. Аммо бу мўғуллар ва мен сизнинг душманингиз эмасмиз. Бизнинг қўли-

---

[1] Бўжи — асли Чингизхон ўғли Жўжи, демак. (Қадимда, «ана олабўжи келяпти!» — деб болалар қўрқитилган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз қонли эмас. Биз нўён томонидан ҳақоратландик. Бизлар бунда келишни хоҳламаганмиз. Чингиз-қа-а-н — чоно бизни бу томонга зўрлик билан бошлади. Унинг отаси Есугей[1] ҳам қонхўр бўлган.

— Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам... — деди оқсоқол.

— Сизлар бизни ўлдирмасангиз, бари бир, бизни Дамба ўлдиради. Нўён бизни унинг олдига тачлайди, у кекирдагимизни тишлаб, узиб ташлайди. Минг азоб билан ўламиз. Дамба — чоно!

Оқсоқол тушунди. Дамба дегани Хоразмшоҳнинг ўта бешафқат жаллодлари — Аёз ва Жаҳон Паҳлавонларга ўхшаса керак.

Иккиланган оқсоқол мўғулларни яна уч кун маҳкамада сақлади. Нима қилишини билмай боши қотди. Гуноҳим йўқ деб, ёлбориб турган одамнинг бўйнига қилич солиб, бошини кесиш яна бир кечирилмас гуноҳ. Бу ишни қилмасликни ҳам билмади, чунки мўғуллар она-Ерига бостириб кириб, қалъаю қишлоқларни ер билан теп-текис қилмоқда, одамлар қонини тўкмоқда-ку!

Ўйлай-ўйлай уч кундан сўнг уларни хашак тўплаш учун далага юборишди. Олисроқ пистирмага одам қўйишди, мабодо қочгудай, бирон ёмон иш қилгудай бўлишса ҳамма гаплари ёлғон жосус бўлиб чиқадилар... Шу сабабли ўша ернинг ўзида чопиб ташлаш лозим деган қарорга келишди. Пистирмадаги йигитлар албатта чопиб ташлаймиз, деб ўйлашган эди. Лекин афсус, мўғуллар оқсоқолнинг айтганидан ҳам аъло, ўроқ билан хашак йиғиб, араваларга босиб олиб келишди. Атайи уларнинг қўлларига ўткир ўроқ ва арқон беришган эди. Келовчи оқсоқоли уларга яхши ҳам, ёмон ҳам сўз айтмади. Хўрак берилишига, тунашларига жой кўрсатди.

Эртасига у Қурама тоғи этаклари билан Чориқдарронга уч арава бориши, ундан Оқбел томонга ўтиб бу ерда аравадаги озиқ-овқатни кемаларга солиб, Темур Малик истеҳкомига етказиш лозимлигини айтди.

— Розимиз, — деди Лхансурэн. Шериклари ҳам розиликларини айтишди.

Келовчи оқсоқоли таваккал қилиб, уч ҳамқишлоғи қўлига Нўғайботир, Лхансурэн, Лхандоржларни қўшиб, йўлга солди. Анча ергача ўзи отда кузатиб борди. Икки кун деганда улар араваларни Оқбелда қолдириб, кемаларда сув оқими томон сузиб, озиқ-овқатларни Темур Маликка топширишди. Хизмат қилиб юрган мўғулларга кўзи тушган Темур Малик ҳайрон бўлди. У нўёнларга алоқадор баъзи нарсаларни ҳам сўраб олди. Лекин келовчилик йигитларга эҳтиёт бўлишликни, уларнинг қўлига қурол бермасликни тайинлади. Дарёнинг оқимига қарши кемада сузиш амримаҳол бўлганлиги сабабли улар тунда ўнг қирғоққа чиқиб, қирғоқдаги тошлар, жарликлар билан пусиб, Оқбел томонга юришди. Иттифоқо, Унчи қишлоғи рўпарасида улар икки мўғул сарбозига рўпара келишди. Лхансурэн ўз тилида уларга мурожаат эта бошлади. Бу лаҳза Келовчи йигитларининг юрагига ваҳима тушди.

---

[1] Есугей — Чингизхоннинг отаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мўғуллар ўз тилида «Эҳ, сотқин» деб жаҳл билан қилич суғуриб, Лхансурэн бошига урмоқчи бўлаётган эди, Лхандорж сарбоз қўлидан ушлаб, қорнига муштлади. Шу ерда тўполон жанг бошланиб кетди. Келовчилик йигитлар қиличини қинидан суғуриб, мўғул сарбозлари гарданига уришди. Лхансурэн ерга йиқилган мўғул қиличини олиб, бошқалари билан қиличбозлик қила кетди. Бир муддатли тўқнашувдан сўнг, икки мўғулни чопиб ташлаб, қуролларини олиб, Оқбел томон югуришди. Йўлда келовчилик йигитлар ўлжа олинган икки қилични Лхансурэн билан Лхандорж қўлидан олишди. Улар ҳам бу ишга рози бўлиб, икки қилични келовчилик йигитларга беришди.

Бу муҳим ишни уддасидан чиқиб, бажариб келган Нўғайботир ва икки мўғулга қишлоқ оқсоқоли мулла Ансор тасанно айтиб, ўлимдан сақлаб қолди. Аммо бу билан уларга тамоман ишониб, қўлларига қиличу найза берилгани йўқ.

Мўғулларнинг тамоман Чингизхондан нафратланиб, ерлик авомга шикаст етказишдан қўл тортганликларига ишонган Келовчи оқсоқоли Нўғайботир билан шерикларига озиқ-овқат бериб, Чордара томон йўлга солиб юборди.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

ТО ҚИЁМАТ УНУТ БЎЛМАС ЖИНОЯТ

Уч яшар ўғлининг бир кечада ғойиб бўлиши Ойчечакни алам жарига итарди. Унинг чиркин бағри лов-лов ёнарди. Машъум ишни қилиб қўйиб, энди ўғли ёдига тушди. Шаҳвоний ҳирс ҳамда димоғдорлиги уни оғир жиноятга олиб борди. Темур Маликнинг ҳалол тўшагида чўчқага ўхшаган семиз Сўқту нўён пишиллаб ётарди. Аввал ҳирс панжасида эзғилангани хуш ёққан бўлса, бу эт еб, ўз «кучлилиги»ни синаши меъёридан ошганидан кейин нобакор хотиннинг кўзлари ичига тортиб, озиб, мадордан кетганида ўғли Метинбек ёдига тушди. У бирдан дод солиб ўғлини қидирди, Бинафша беканинг юзига беш панжаси билан чанг уриб, «боламни топиб бер!» деб бақирди. Бундай талвасалар олдида мўғуллар чидаб, қараб туролмай, ё қилич, ё ўқ-ёй билан тинчитиб қўя қолардилар. Сўқту нўён Ойчечакнинг оҳу фарёдига чидаб, болангни тезда топиб бераман, деб ваъда берди. Ойчечакдаги «ғалвира» ўйини, Гурганжда, Туркон хотун ҳарамидаги ёш маликаларга «иффат» қилиқларидан таълим берувчи «мактабни» ўтагани, шаҳзодалар кўнгилхушлигини бажарувчи ишларни Ойчечак яхши билиши Сўқту нўёнга ёқиб қолди. Мўғул аёлларининг тўпорироқ, атру ифордан фойдаланмаслиги, улардан сут ва эт ҳиди анқиши фақат Сўқту нўёнга эмас, балки Чингизхонга ҳам ёқмасди. Шу сабабли у Ойчечакка ёпишиб олиб, айшу ишрат сурарди. Ойчечакнинг боласини топиб беришга буйруқ берилгач, мўғуллар бу ишга астойдил киришди. Бировлар боланинг тириклигини айтиб, хиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маткор Ғулом қаёққадир олиб қочиб кетган деса, бировлар болани мўғуллар бўғиб ўлдирган, жасадини мозористон ёнидаги хандақлардан топасан, дерди. Вабо олиб кетганлар ҳам шу ерга кўмилган. Бу гапни эшитган Ойчечак баттарроқ талвасага тушиб, дод соларди. Аслида Метинни мўғуллар бўғиб ўлдирмасин деб, Темур Маликнинг содиқ хизматкори Ғулом яширинча Панжруд қишлоғига олиб келиб, ўз уруғларига топширган эди. Мўғуллар Мовароуннаҳрни истило қилишда шоҳу шаҳзодаларнинг болаларини бир куни давлат даъво қилмасин, деб бўғиб ўлдирарди. Панжрудда болага тоғликларга хос кўйлак-иштон кийгазишди. Ғуломнинг ўзи ҳам ота ери — Панжруд қишлоғида қолиб кетди.

«Темур Малик Чориқдаррон жангида ҳалок бўлган...» «Оролдаги хўжандлик сарбозларга Шоҳмурод Кўҳистоний сардорлик қилмоқда...» деган гаплар ёлғон чиққани, эрнинг тирик эканини билган Ойчечак кейинги кунларда титроқ касалига мубтало бўлиб, юрагини қўрқув чангаллаб, тинмай талвасага тушарди. Қовоқлари салқиган, асабий, Бинафша бекага ҳам зарда қилиб, нарсаларини бир-бирига урар, синдирар, нима қилишини билмай, баъзан соатларча хаёл сурарди. У Гурганжга, ундан Қиётга — оға-инилари ёнига қочиб кетмоқчи бўлди. Аммо Сўқту нўён унга бундай қилишга рухсат бермади. Чингизхон ҳозир Гурганж ва Хиваҳда, деди у, аҳвол тинчиб, ишлар яхши бўлгач, албатта Гурганжга, уруғлари ёнига юборишни ваъда этди. Аҳмад ибн Мораз «серҳаракат», «садоқатли» одам бўлгани билан «бари бир давлатни идора қилишга қурби етмайди...» деган гапни ҳам Сўқту нўён нечундир қўшиб қўйди. Хўжандликларнинг бир қисми уни хоин деб, итоат этмаётгани ва шу сабабли тез кунда халқни тинчитиб, унга бошлиқ бўла оладиган бир одам топиш кераклигини ҳам айтди. Ипак тўшакда ёнбошлаб ётган Сўқту нўённинг бу «ақлли гаплари», «тадбирлари»га жон қулоғини тутиб турган Ойчечак нима дейишини билмай эркаланиб: «Ўғлимни топиб берсинлар, сендан ёлбориб сўраймен, ўғлимни топиб берсинлар!..» — деди.

Ўша куни, Шоҳмурод Кўҳистоний тунда оёқ-қўлини боғлаб олиб келган асирнинг сўзига қараганда Сўқту нўён асосан шаҳарда туришини, тоғ этагидаги қатор ўтовларда унинг юзбоши ва бошқа мансабдорлари бўлишини маълум қилди. Шу сабабли Темур Малик ёв ичига ғорат солишликни икки томонлама ва тинимсиз олиб боришни лозим топди. У Муҳаммад Интизомга зудлик билан Ахсикат ва Ўш ҳокимлари ҳузурига боришини, тайёрланган номани ҳамда минг тилла танга берилишини, бу ақчани ўз айғоқчиларига бўлиб бериб, душман ичидан унга путур етказа бериш лозимлигини топширди. Заҳарлаш, қасрга ўт қўйиб, мўғул мансабдорларини ўлдириш, тинимсиз ғорат сола беришни кенг миқёсда бошлашга фармон берди. Нўённи қўлга олиш-олмасликдан қатъий назар, қўлга туширилган хоинларни ўша ерда ўлдира бериш лозимлигини ҳам айтди. Биз энди пайт пойлаб туролмаймиз, мўғуллар ниҳоятда кўп ваҳшийликлар қилмоқдалар. Ё Ватан, ё ўлим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мўғул айғоқчилари туну кун болани қидиришди. Улар бунга бошқа ишлардан ҳам муҳим деб қарашди.

Аҳмад ибн Мораз орқали маҳаллий халқдан йигирма чоғлик кишини маҳаллама маҳалла, уйма уй киритиб, болани излашди. Бу иш натижа беравермагач, қалъага илгари алоқадор бўлган, Ғулом билан ошначилик қилган икки кишини қийноққа солиб, илгариги қозихона ҳовлисидаги дарахтга боғлаб қўйишди. Дамба деган барзанги жаллод тоза қамчилади. Улар ҳушдан кетиб ерга йиқилишди. Аммо ҳеч нарса айтишолмади.

Бола қидирилаётганини сезган Муҳаммад Интизомнинг айғоқчиларидан бири дўкондор Турди пайтавачи шу куннёқ бу хабарни сардорга етказган эди. Кечга яқин «мункиллаган чол» қиёфасида Муҳаммад Интизом ва яна бир неча «ханжари бурролар» қоронғи тушгач, Турди пайтавачи дўконида йиғилишди. Шу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сўқтуни қўлга тушириш йўлларини излашди.

— «Ул хиёнаткор Ойчечакка нома ёзиб, маълум қилмоғлиқ даркорки, бола бизнинг қўлимизда. Агар сен Тапқоқ маҳаллага келиб, бизнинг кишимизга минг динор берсанг, болангни қўлингга бериб юборамиз. Елғиз ўзинг биронта аёл билан чодрада келишинг мақбул! Мабодо мўғулларни бошлаб келсанг, алар бизнинг изимизга тушсалар, унда болангдан умид қилма. Биз буни бўғиб ўлдирамиз...» — Мана шундоқ нома ёзиб, Ойчечакка етказсак дейман.

Бу гап сардор Муҳаммад Интизомга ёқди.

— Яхши режа! Жуда яхши ўйланган! Номани елимлаб, Аҳмад ибн Моразнинг Абдулсамад деган отбоқарига берилсин! У кимсанинг саводи йўқ, ғирт саводсиз ва тўнка. Инчунун бу жуда махфий ва муҳим қоғоз, уни тезда элтиб хўжангга бер дейилсин. Туҳфа олурсан, деб у галварсни қизиқтириб қўймоқлик зарур!

— Маъқул!

— Аҳмад ибн Мораз бу хатни дарҳол Ойчечакка етказади.

— Унга номада писанда қилиб, ёзилган хатдан мўғуллар огоҳ бўлса, бошинг бизнинг қўлимизда демоқлик лозим. Бизлар пулга муҳтож қароқчилармиз, демаклик шарт!

— Ойчечак келармикан?

— Келади! Ғуломга хабар қилиб, болани бир-икки кунга, менимча, Робот ёки Намозгоҳ маҳаллаларига олиб келиш керак. Боласини кўрсатамиз. Агар сен Сўқту нўёнга доруйи беҳуш берсанг, биз уни қалъадан олиб чиқиб кетсак, болангни ўзингга берамиз, жонинг омон қолади, демаклик лозим. Бу шарт бузилса, ўзини ўлдирамиз! Болани яна Панжрудга қайтариб юборамиз!

— Жуда маъқул! — деди ўтирганлар.

Хатни чиний қоғозга Муҳаммад Интизомнинг ўзи ёзди.

«Ушбу хат билан етиб маълум бўлғайким, ўғлинг Метинбек биз қароқчиларнинг қўлимизда. Бола керак бўлса Тапқоқ маҳалласига келиб, катта ҳовуз ёқасидаги айланма кўчага кирасен,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шотут рўпарасидаги сағричи Қал Маҳмуд деганнинг ҳовлисида кутамиз. Ўғлинг бунда бўлади. Мабодо мўғулларга сотилган бирон кимса бизни қўлга туширмоқчи бўлса, шу лаҳза ўзингни ҳам, болангни ҳам ханжар уриб ўлдирамиз. Эгамнинг ўзидан бўлак ҳеч кимса бизни қўлга тушира олмайди! Ёнингда яна бир хотун киши бўлса, биз бунга монелик қилмаймиз. Намози жума куни пешин вақтида ўғлинг Метинбек бунда интизорлик билан сени кутиб туради. Минг динор ҳам олиб кел, бўлмаса болангни бермаймиз».

Айғоқчи йигитлар бу хатни туморга ўхшатиб буклаб Хўжандга «оқсоқол» лик қилиб, керилиб юрган Аҳмад ибн Моразнинг тўнка отбоқари Абдулсамадга бериб, ҳозироқ хўжангга етказ, туҳфа оласан, дейишди. Шу билан айғоқчилар ғойиб бўлишди. Отбоқар хатни қўйнига солиб, бир нималик бўлиб қоламан, деди-да, шу лаҳза отга миниб, ўпкасини қўлтиқлаганча маҳкамага жўнади. Отбоқардан хатни олган оқсоқол Аҳмад ибн Мораз хурсанд бўлиб, унга бир тилла танга бериб, шу от билан қалъага жўнади. «Хурсандчилик, — деди у йўл-йўлакай отбоқарига, — бола топилди! Қароқчилар олиб қочган экан. Минг динорни маликам учун ўзим ҳам берамен. Шукр, бола топилди...» деди кўксига туфлаб, терисига сиғмай. Уч-тўрт ҳафтадан буён тинимсиз қидирилаётган боланинг дараги чиққани, ўлмагани, ҳатто нўён атрофидаги мўғул мансабдорларини ҳам хурсанд қилди. Аҳмад ибн Мораз от чоптириб келиб, қалъа дарвозасида отни мўғул навкарларига тутқазиб, ўзи ҳаллослаб югурганча қалъа ҳовлисига кирди. Баланд айвон зинасида рўпара келган мўғул қоровули ичкарига кириб, Бинафша бекани бошлаб чиқди. «Олақанжиқ» оқсоқолдан бола топилганини эшитиб, хурсанд бўлгандан йиғлаб юборди. Тумор қилинган хатни олибоқ, очиб ўтирмай Ойчечакка олиб кирди. (Аммо Аҳмад ибн Мораз хатни яширинча очиб ўқиб, мағзини чаққан эди.) Бир парча юқа қоғоз қўлида, кўзида ёш, югуриб айвонга чиққан Ойчечак дарҳол иккинчи бармоғидаги олмос кўзли узугини куч билан сидириб олиб, оқсоқолга узатди. Қулоғидаги сирғасини Бинафша бекага ечиб берди.

— Олинг, олинглар! Сизлар ҳақиқатан яхши инсон экансизлар!

— Йўқ, маликам, узук қўлингизда турсин, — деди оқсоқол. — Минг динорни ўзим берамен! Ўғлингизнинг саломат экани, қароқчилар қўлида тутқун экани, ёруғ дунёда тирик юргани мени бағоят хурсанд этди. Минг қатла шукр! Баъзи ярамас одамлар шундай вақтдан фойдаланиб қоладилар. Минг динор кетса кетар, малика! Мана олиб келдим, — у тилла танга тўла халтачани Бинафша бекага узатди. Оқсоқолнинг садоқатидан хурсанд Ойчечак билан Бинафша бека айвон ёқасида илжайиб кулиб турардилар. Қеча шу Ойчечак Бинафшанинг юзларига чанг солган эди.

— Нўён ҳазратларига мен буни айтамен.

— Албатта айтинг, — деди оқсоқол, — олий ҳазрат бунга ранжимайдилар, аксинча...

— «Ҳазрат» деманг! Таги паст сариқ мўғул-ку! — Ойчечакда ғўё ғурур, ерли ва аслзодалик ғурури жунбишга келди. Бинафша

www.ziyouz.com kutubxonasi

беканинг унга сездирмай, оқсоқолга бурун қийшайтириб қўйгани ҳам Аҳмад ибн Мораз юрагини шиғиллатиб юборди. «Бу жалаблар ҳеч нарсадан қўрқмайди-я!» деб қўйди ичида.

— Қароқчиларни таъқиб этилмаслигини илтимос қиламен. Одам қўйманглар! Тағин боламни ўлдириб қўйишмасин!

— Хўп, — деди Аҳмад ибн Мораз.

— Боламни эсон-омон қутқариб олсам, кейин уларни қириб ташлаш қийин эмас. Шунга нима дейсиз?

— Жуда тўғри! Аввал болани қутқариб олмоқ даркор. Бошқа иш кейин. Нўён ҳазратлари бунга рухсат берсалар керак?

— Ҳа.

Шу куни кечга яқин Ойчечак Сўқту нўён оёғига йиқилиб, атайи тилмочни чақиртириб, юрагидаги ҳамма гапни айтди. Нўён рухсат этгач, хурсанд ўрнидан турди. Мўғул Ойчечакнинг ҳамма илтимосларига рози бўлди. Боласи топилса, ишрат яна ҳам авжга чиқиши, Хўжанд халқи нўённинг «инсонпарвар» эканлигини тан олиб, ҳамма ерда гапиришини, тобелар кўпайишини дилидан ўтказган Сўқту «қароқчилар» ни ҳеч қандай таъқиб қилинмаслиги, уларни алдаб шикаст бермасликлари учун анча наридан, ён маҳалладан кузатиб туришликни тайинлади. Ойчечакни олиб қочиб кетмасликлари учун шаҳар дарвозалари ёнида отлиқлар туришини буюрди.

Жума куни пешин намози вақтида соябонли аравада Ойчечак билан Бинафша бека аввал Намозгоҳ, ундан Робот маҳалласига кириб келиб, Тапқоқдаги катта ҳовуз бўйида аравадан тушишдида, Турди пайтавачи ҳовлиси томон юришди.

Ҳовли бўм-бўш. Икки чодрали аёл эшикдан мўралашлари билан орқадан келган жулдур чопонли бир гадо: «Кираберинглар, бола ичкарида!» — деди. Ҳовлида ўйнаб юрган Метинбекка кўзи тушган Ойчечак эшик олдидаги долондан югуриб бориб, боласини қучоқлади. Ҳовли ўртасида чўққайиб ўтириб, боласини бағридан қўймасди. У ҳўнграб йиғлар, боласининг бошини силар, кўзларига қараб қўярди, ўпар, бағридан қўймасди. Бинафша бека ҳам Метиннинг бошидан ўпиб, орқаларини силарди. Бола онасини жуда соғинган эди, у она қучоғида тамшанар, юзларини Ойчечак кўксига сурар, онаси юзларига тикиларди. Эшикдаги «гадо» дарвозани маҳкам ёпиб, кўчада турди. Ҳовуз бўйлари, Тапқоқ маҳалла кўчалари, умуман, Турди пайтавачи ҳовлисига борадиган ҳамма йўлда Муҳаммад Интизом кишилари турли қиёфаларда, белларида ўткир ханжар, шай туришарди. Она-болани анча қўйиб беришгач, бир муддатдан кейин пасқам, қоронғи уйдан икки киши чиқиб келди. Уларнинг бири — Темур Маликнинг хизматкори Ғулом, иккинчиси — бўйнига жанда осган, қора соқолли «дарвиш» эди. Улар Ойчечакка яқинлаша туриб эшитилар-эшитилмас гаплашишди: «Илон бўлса ҳам она-да...»

— Ассалому алайкум, бека, саломатмисиз, бардаммисиз?

Ойчечак ялт этиб қараб, ўз хизматкори Ғуломни таниди. У чодра билан юзини беркитаётган эди, Ғулом яна деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бекам, мендан юзингизни бекитмасангиз ҳам бўлади. Тўнғиз Сўқту нўёндан қочмаган киши, мен, отангиз тенги қари хизматкор қулингиздан юз бекитасизми? Темур Маликдек улуғ зотдан бир тўнғизни аъло кўрдингизми?! Юзингизни бекитмасангиз ҳам бўлади!

— Юрагимга алам берманг! Эрим Темур Маликни ўлдириб, мени зўрлик билан олди. Бундай аламни ҳеч кимнинг бошига солмасин! Бу гаплардан кўра, сиз менга бор ҳақиқатни гапиринг! Ўғлим қаёқда эди.

— Мен олиб қочдим. Бўлмаса биринчи куниёқ мўғуллар уни бўғиб ўлдирарди.

— Нега менга бир оғиз айтмадингиз?! Ахир мен онамен! Менга айтиш лозим эди. Сиз мендан гуноҳингизни сўрашингиз керак. Аксинча, сиз юрагимга алам берадурсиз!

— Бас! — деди «дарвиш» қиёфасида турган Муҳаммад Интизом, — вақт зиқ, бизлар бу хотин билан гаплашиб олишимиз лозим.

Ойчечакнинг ранги оқариб «дарвиш» га қаради. «Бу хотин» сўзи ҳам ботиб кетди. Уни таниди. У — сардор Муҳаммад Интизом эканини, Темур Малик билан кўп вақт айвонда ёлғиз гаплашишини хаёлидан ўтказди. Ойчечак бақрайиб, қотиб қолди. «Дарвиш» масалани равшанлаштирди.

— Мен «дарвиш» эмасмен, Хўжанд ҳокими Темур Малик хизматидаги сардор Муҳаммад Интизоммен! Мени яхши биласиз, тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бу гапни эшитган Ойчечак билан Бинафша бека ўтирган ерларида бақадек қотиб қолишди. Ҳали Хўжанд мўғуллар қўлига ўтмаган, ҳали Темур Малик тирик, салтанати барқарор эканини фаҳмлашди. Чунки бу одам панжасидан Хўжанд душманларининг биронтаси омон чиққан эмас. Икки хотиннинг юрагига ваҳима тушиб, жонларидан умид уздилар. Муҳаммад Интизомнинг қаҳри қаттиқлигини Темур Маликдан кўп эшитган эди.

— Саркарданинг содиқ қули Ғуломга ташаккур айтинг, у ҳокимнинг зурёдини душмандан омон сақлади. Бўлмаса аллақачон болангизни мўғуллар бўғиб ўлдирган бўларди. Улар фақат қўю эчкини бўғиб ўлдириб емайди, бизларнинг зурёдимизни ҳам бўғиб ўлдирмоқдалар. Улар ўзлари бола туғдириб, ўз наслини бизнинг еримизда қолдирмоқчилар. Сизни бу ерга чақиришдан мақсад минг динор олиш эмас! Бизлар қароқчи эмасмиз. Сизларни ўлдириш ҳам эмас. Бизга бунинг кераги йўқ! Менинг гапимга қулоқ беринг! Хатни ҳам сизга мен ёзганмен. Агар сиз бизнинг айтганимизни қилсангиз, гуноҳингиз енгиллашади. Болангизни ҳам оласиз.

— Айтинг, муҳтарам зот, — деди йиғлаб Ойчечак. — Ҳамма айтганларингизни қиламен. Фақат боламни беринг, бизни ўлдирманг.

— Бир тош йўлнинг ҳаммасида ҳозир бизнинг кишиларимиз пойлаб турибди. Сиз орқангиздан мўғулларни бошлаб ёки айтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмаганингиз билинди. Агар бундай қилганингизда яхши бўлмасди. Шу сабабли сиз билан ханжарсиз гаплашамиз...

— Айтинг, муҳтарам зот. Динордан ташқари қўлимдаги, қулоғимдаги ҳамма қимматбаҳо олмослар сизники!

— Яна айтамен, бизлар қароқчи эмасмиз! Шу юртнинг эгалари, шу тупроқнинг ҳимоячиларимиз! Биз мўғуллар — босқинчиларни юртимиздан ҳайдаб чиқариб, тупроғимизни озод этамиз! Худо хоҳласа, албатта, ниятимизга етамиз. Бизга фақат шу керак! Дарё четидаги оролда жанг қилаётган саркарда Темур Маликка ҳам шу керак!

Ойчечак Темур Малик номи тилга олиниши билан бош эгиб, ерга қаради. Бинафша бека Муҳаммад Интизомдан кўз узмасди.

— Мана бу доруйи беҳуш, — деди Муҳаммад Интизом, тугилган рўмолчани узатиб, — бугун тунда хоҳланг май, хоҳланг сут, хоҳланг сувга қўшиб, Сўқту нўёнга ичирасиз. У қаттиқ ухлаб қолади. Ярим тунда бизнинг одамлар ёнингизга кириб, уни ўраб олиб чиқиб кетади. Вассалом! Бошқа ишларга ҳеч эътибор қилманг, ёнингизга одамлар кирса қўрқиб, дод солманг! У ёғи бизнинг ишимиз! Шунга розимисиз? Шунга рози бўлсангиз, болангизни берамиз, рози бўлмасангиз иложимиз йўқ, ўзингизни ва бу хотинни ўлдирамиз! Бу ёғида нима иш қилсак, бизнинг иш. Ҳар қалай, икковингиз тирик қолмайсиз!

— Хўп, айтганингиздек қиламен. Боламни олиб кетаманми?

— Болани иш бажарилгандан кейин оласиз!

Ойчечак болани яна қучоқлаб, бағрига боса бошлади:

— Не кунларга қолдинг, болам, жоним болам!

— Бунда келишингиздан, хатдан нўённинг хабари борми?

— Ҳа. Мен унга болам тирик экани, уни «қароқчилар» дан ажратиб олишимда халақит бермаслигини сўрадим.

— Тўғри қилибсиз. Мана, болангиз тирик. Уни кўрдим, деб айтинг. Аммо «қароқчилар» икки-уч минг динор сўрамоқда. Бунча пулни топиш учун яна икки кун муҳлат олдим, деб айтинг.

— Хўп, жаноб!

— Сен, Бинафша бека, иккинчи бор қўлимга тушдинг! Илгари ҳокимга хиёнат қилиб, Гурганжга жосуслик хати юбораётганингда қўлга тушган эдинг. Саркарда гуноҳингдан ўтган. Мамлакатга хиёнат қилгансен. Яна шу ишни қиляпсен! Аммо бизга ҳозир сенинг ўлимингдан кўра Сўқтуни тутиб олиш муҳим! Бекага ёрдам берсанг, гуноҳинг кечирилади. Агар бу сафар ҳам озгина ишни бузсанг, ўзинг эмас, Гурганждаги қариндошларинг билан бирга тухумингни қуритамен! Танингда озгина туркий қон бўлса, бу ишнинг бажарилишида кўмак бер! Энди келган йўлингга қайтиб кет! Болани индинга оласен. Тунда учрашамиз!

Ойчечак билан Бинафша бека йиғлаб, қўрқа-писа ташқарига чиқиб кетишди. Шундан сўнг, болани кўтариб олган Ғулом отда чиқиб кетди. Муҳаммад Интизом ва унинг кишилари ҳам Турди пайтавачининг кўчиб кетган чалдивор ҳовлисидан чиқиб, шаҳарнинг турли томонига тарқаб кетишди. «Қароқчилар талаётгани...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида Сўқту нўён маълумот олди-ю, аммо Темур Малик қўшининнинг бир қисми шаҳарда яширин жанг олиб бораётганини пайқамади.

Ойчечак икки ўт ўртасида қолди. У нима қилишини билмай, соябонлик арава ичида Бинафша бекани туртди.

— Энди нима бўлади?

— Қўрғонларимиз қуламасин, дунёда тирик, айшу ишрат суриб юрайлик, десанг болангдан кечасен! Бошқа иложи йўқ! Улар болангни ўлдиришмайди, шунча вақт асрашибди, шунинг ўзи белги. Бир куни қутқариб оламиз. Аммо нўёнга ёмонликни кўзласанг, эртагаёқ у бизнинг ҳаммамизни судраб олиб чиқиб чопиб ташлайди!

— «Гуноҳингдан ўтамиз», демоқда-ку?

— Ўтмайди!

— Темур Малик тирик экан...

— Елгон! Бўлар иш бўлди!

— Эҳтимол, рост айтадур! Гапига қулоқ солсак бўлмайдими?

— Булар бари сафсата! Хоразмшоҳ салтанати тамом бўлди. Энди тахту тож Чингизхон қўлига ўтди! Бўйсунмаслик — ўз жонимизга қасд қилмоқ демак!

Соябон арава узоқдан кўриниши билан мўғул дарвозабонлари қалъа дарвозаларини ланг очиб, аравани ичкарига киритиб юборишди. Ойчечак билан Бинафша бека олдинма-кетин зинапоялардан кўтарилиб, қадимги Доруссалтана деб аталган ҳоким айвонига чиқишди. Ундан сўнг, боши лўқ-лўқ оғриётган Ойчечак ўз хонасига кириб кетди. Бинафша бека ҳам ўз хонасига кириб, бир муддат кўрпачага чўкди. Бир муддатдан сўнг, Бинафша бека нўённинг бор-йўқлигини билиш мақсадида яна Ойчечак хонасига кирди.

— Ҳоким йўқми?

— Йўқ,— деди энсаси қотиб Ойчечак,— у хўппаз нега «ҳоким» бўлар экан?..

— Тилингга эҳтиёт бўл! Нима қарорга келдинг?

— Ўзим биламен. Сен менинг ишларимга аралашма! Мен кичкина бола эмасмен! («Бола» сўзи беихтиёр оғзидан чиқиб кетган Ойчечакнинг кўз олдига бирдан ўғли Метинбек келди.) Бир марта менинг ишимга аралашиб, мана, нима иш қилиб қўйдим! Бундан кўра Қўҳистонийнинг хотини, икки қизидек ўзимни қалъа деворидан ташлаб ўлганим яхши эди. Бунча азоблардан қутулардим...

— Сенга яна такрор айтамен, нима қарорга келдинг?! Ўзингни ҳам, мени ҳам ташвишга қўйма! Ўзингни қўлга ол!

Ойчечак индамади.

— Сўзимга кирасанми, йўқми?!

— Йўқол!!!— Ойчечак бор овози билан бақирди.

Ранги ўчиб, қони қочган Бинафша бошидаги шол рўмоли, кенг ва узун кўйлаги ёйилиб, катта ўргимчакка ўхшаб, ҳокимнинг бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

неча ўймакор ганчин хоналаридан ўтиб, ўз хонасига кириб, хона ичида айлана бошлади.

Кеч кириб, Хўжанд устига оқшом чўкди. Қий-чув тўполонлар тугаган, отларнинг дукир-дукир югуриши, шарақа-шуруқ қиличбозликлари тўхтаган. Ҳаммаёқ жим, лекин мўғул босиб олгандан буён шаҳарда доимо бир қўрқув, қандайдир хавф куз шамолидек кўчама-кўча изғирди. Шаҳар чети, овлоқ маҳаллалардаги кўппакларнинг салмоқли вовуллаши ҳам ўчган.

Ечиниш хаёлига келмай хонада чўққайиб ўтирган Бинафша бека айвонда оёқ овози эшитилиши билан югуриб чиқди. У Сўқту нўён келаётир, деб ўйлаган эди. Аксинча, бошқа бир қоровуллик қилувчи мўғул экан. Унинг оти Дамба эди. Бу барзанги мўғулга ишшайиб, хушомад қилди. У афтидан, мўғулларнинг мансабдорроқ оиласидан бўлса керак, чарм шим кийиб, нўён ёнига кўп кириб-чиқарди. Бинафша бека уни тўхтатиб, ўз хонасига тортди. Дамба туркий тилни тушунарди. Бир зарур гап борлигини фаҳмлаган Дамба оёқ учида юриб, Бинафша бека хонасига кирди. Бека унинг қулоғига шивирлай бошлади.

— Ҳовлида нўён ҳазрати олийларининг келишини пойлаб тур. У зот келишлари билан ҳеч кимга сездирмай айтгинки, уйда ҳеч нарса ичмасинлар, емасинлар! Ойчечак нўённи тутиб бермоқчи...

— Кимга?!

— Ҳой, секин гапир! Кимга бўларди, нодон! Темур Маликка...

Барзанги мўғул турган ерида қотиб қолди. У ичкарида қиладиган ишини қолдириб, ҳовлига чиқиб кетди. Ҳовлида, бир чеккага бориб, нўённи кутиб ўтирди. Бинафша беканинг ўзи ҳам ухламай, ҳақ деб ўтириб чиқди.

Ярим тунда Сўқту нўён бир неча отлиқлар билан қалъа ҳовлисига кириб, айвон зинапоялари ёнидан отдан тушган эди, ҳовли бурчагида уни кутиб ўтирган Дамба тўрт отлиқ ёнига келиб, кутилмаганда нўённи тўхтатди. Уни отдан туширишга ҳаракат қилди. Бу ишни бажаришни кўзлаган мингбоши ва бошқа мансабдорларнинг ғаши келди. «Бир қоровул йигит нўён қўлтиғидан олмоқда...»

— Сизда зарур, махфий гапим бор,— деди отдан тушаётган нўёнга Дамба ярим овозда. Нўён айвон пастида ёқиб қўйилган аланга шуъласида унга қаради. Кузатган шериклари кетгач, у яна Дамбага қаради. Дамба Бинафша бека сўзини нўёнга муфассал айтди. Нўён ўйланиб қолди. У бугун Ойчечак ўғлини олиб келади, деган хаёлда эди. Ичкарида душмани турганини фаҳмлаб, Дамбага қисқагина деди:

— Шу айвонда шеригинг билан шай турасен!— нўён ҳеч нарсага қарамай ичкарига кириб кетди.

Ичкарида уни очиқ чеҳра билан Ойчечак кутиб олди. У эркаланди... Нўён сир бермай, қўли билан «хотини» елкасига қоқиб қўйди. Устки кийимларини ечди. Негадир ханжар осилган белидаги энлик камарини ечмади. У Ойчечак кўзларига тикилди. Ойчечак бидирлаб «қароқчи» лар ярамас одамлар экани, яна пул сў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рашаётганини, ўғлини кўрганини айтди. Ойчечакнинг гапларига диққат билан қулоқ солган Сўқту нўён хона четидаги курсига ўтирди. Кўп йўл юрганлигини, жуда чарчаганлигини айтди. Ундан кейин ташна бўлаётганини маълум қилди.

— Май ичасизми, салқин сув ичасизми?

— Сув.

Ойчечак курси четидаги сув тўла косани олиб нўёнга узатди.

— Аввал ўзинг ич.

— Мен ташна бўлаётганим йўқ,— деди эркаланиб турган Ойчечакнинг ранги ўчиб. Нўён унинг юзига тикилиб, руҳий ҳолати ўзгараётганини сезди. У дарҳол ўрнидан туриб, косани Ойчечак қўлидан олди. Яна у ташлаб, тўкиб юбормасин деди.

— Озгина ич, кейин мен ичаман,— деди кулимсираб, маккорона тикилиб Сўқту,— биз мўғуллар қимизни бир косадан ичамиз. Аввал ҳурматли одам ичади. Қани, ҳўпла!

— Бу қимиз эмас-ку! Майли, ичамен,— деди Ойчечак косадаги сувдан уч-тўрт ҳўплаб.

Сўқту нўён косани унинг қўлидан олиб, курсига қўйди. Ойчечакка ўрнингга бориб ёт, ишорасини қилиб, ўзи нарига хонага чиқиб кетди. Бир муддатдан сўнг у яна хонага қайтиб кирганида Ойчечак тўшакда қотиб ухлаб ётарди. Кўкрагига қўл босиб, юраги уриб турганини сезди. Демак, бу заҳар эмас, қаттиқ ухлатадиган дори... У қайтиб айвонга чиқди-да, Дамбага косани бериб, қолган сувни яна бирон кимсага ичириб, синаб кўр, деди. Шу лаҳза айвонда Бинафша бека пайдо бўлиб, нўён йўлини тўсди.

— Бундан мақсади нима экан?— Сўқту нўён машъала шуъласида Бинафша бекадан сўради.

— Сени ўғирлаб кетиш...

Шу лаҳза қоронғиликда қаердандир пайдо бўлган тўрт киши югуриб келиб, қилич билан Дамба ва шеригини уриб йиқитди. Бир йигит Сўқту нўёнга ташланди, нўён белидаги ханжарини суғуриб олиб, номаълум йигит биқинига тиқди. Яна бир йигит Бинафша бекани ерга босиб, «сен хоин ҳамма ишни буздинг», деб биғиллатиб, ханжар билан бошини узиб олиб, ҳовлига отиб юборди. Ичкарига қочиб кириб кетаётган Сўқту нўён орқасидан отилган ханжар унинг кифтига қадалди...

Шу тўполон устига ёпирилиб келаётган дарвоза қоровулларини кўрган номаълум кишилардан уч киши яна қаёққадир ғойиб бўлди. Улар қалъа деворлари остидаги учинчи яширин йўлдан дарёга чиқиб кетган бўлсалар керак.

Аммо Муҳаммад Интизом кишиларидан бири ханжар еб, ҳалок бўлди.

Эрта билан қалъа ҳовлисига мўғул сарбозлари тўпланишди. Орқа кифтидан ярадор бўлган Сўқту нўён ҳам оғриқ ва иситма ичида қизариб, ҳовли четидаги курсига ўтирди. Хўжанд шаҳри аҳолисидан мингга яқин хотин-халаж, қари-қартанглар, болалар қалъанинг дарё томони деворлари атрофига тўпланган эди. Тўшакда ётиб, азонда ҳушига келган Ойчечакни Дамба ва яна икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

мўғул арқон билан боғлоғлиқ оёғини бўшатиб, устидаги кийимларини ҳам ечиб, қип-яланғоч қилишди. Унинг «гапим бор...» деб оҳ-воҳ қилганига ҳам қарамай ерга йиқитишди. Ундан сўнг сочидан ушлаб зинапоялардан судраб қалъа ҳовлисига олиб тушишди. У ерда яланғоч аёлни нўёнга рўпара қилишди. «Хоинлик қилишнинг оқибати мана!» Сўқту нўённинг «Олиб боринглар» ишорасидан кейин, Дамба унинг сочидан тортиб, қалъа девори тагига судради. Ундан сўнг Ойчечакни ердан кўтариб, қўлтиқлаб, нарвонга чиқа бошлади. Бир муддатдан кейин уни қўрғон тепасида турғазиб, жимирлаб оқиб ётган дарё пастидаги оролга рўпара қилиб, баланд девордан тепиб юборди. Яланғоч Ойчечак қирқ газлик баланд девор устидан гурсиллаб ерга тушди. Қўрғон тагида тўпланиб турган хўжандликлар кўзларини қўллари билан бекитишди. Жасад ерда бир қоп гўштга айланиб қимирламай ётарди. Кимдир югуриб келиб, устидаги эски жулдур чопонини ёпди. Иккинчи бир хотин бошидаги рўмолини ёпмоқчи бўлаётган эди, бунда қилич яланғочлаб турган мўғул сарбози, «қайт, чопиб ташлайман!» деб қиличини ўқталди.

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

САЙҲУН ҲАМ БИР БУЮК ЙЎЛБАРС МИСОЛ БОСҚИНЧИЛАРГА ЧОВУТ СОЛАРДИ...

«Чингизхон лашкарларининг табиатида ўзга халқларга нисбатан қаҳру ўч, ҳасадгўйлик очиқдан-очиқ сезилиб туради...»

Рашидиддин (XIII аср)

Дам тунда, дам кундузи дарёнинг ўнг қирғоқ — Қурама тоғи этакларидаги мўғулларга ҳужум қилиб, талафот етказаётган Темур Малик душманни яна чалғитди, уч катта кемага тушган юзга яқин хўжандликлар саркарда раҳнамолигида ярим тунда чап томондан сузиб ўтиб, тўғридан-тўғри қалъага ҳужум бошлашди. Уларнинг мақсади посбонларни ўлдириб, қалъани эгаллаш, шу йўл билан ярадор ётган Сўқту нўённи ҳам қўлга олиш эди.

Шоҳмурод Кўҳистоний ўн олти манжаниқдан ўнг томонга — тоғ этагига тўхтовсиз оловли тош отиб, атайи душманни чалғитиб турди. Белларига ханжар тақиб, қилич яланғочлаган хўжандликлар кутилмаганда қалъа дарвозалари олдида пайдо бўлиб, саросимада қолган посбонларни қилич билан чопиб, ичкарига югуришди. Йўл-йўлакай учраган мансабдор мўғуллар ўзини ўнглаб, қиличини суғураётганидаёқ бўйнига ё қорнига қилич тиқиб, қулатиб, ичкарига отилишарди. Саркарданинг ҳам вужудида ғайритабиий бир куч пайдо бўлиб, кўзлари ёниб, қоплондек ўкириб ваҳшат билан сапчирди. У бир зумдаёқ ўзининг хобхонасига бостириб кирди. Бир хонадан иккинчи хонага ўтиб, Сўқтуни қиди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рарди. Сўқту йўқ... Рўпара келиб қолган посбонларга қилич солиб, ерга ағдарарди. Қалъа дарвозасида қолдирган ўн йигитни ҳисобга олмаганда тўқсон хўжандлик сарбоз қалъа ичида обдан жасорат кўрсатишди. Яраланиб, фарёд чекаётган мўғулни қайтиб бориб, қилич билан шартта калласини узиб ташлашарди. Босқинчига нисбатан бешафқат бўлиш, ҳеч кимни аямаслик, қўённи тирик ушлаш кераклигини айтган Темур Малик, кўзлари ёнганча, хонама-хона югурарди. Қалъа ичидаги ҳамма хоналарга бир-бир кириб чиқди. Сўқтунинг йўқлигини билгач, хобхонага ўт қўйиб, аланга олдиришди. Айвонларга, ичкари хоналардаги гиламлар, ётоғу курси, тўшагу болишлар устига мой сепиб, алангани авж олдиришди. Шундан сўнг вақтни ғанимат билиб, қалъадан чиқишди-да, соҳилда кутиб турган кемаларига тушиб, оролга сузиб кетишди. Темур Малик кемада ўтириб, қалъанинг мағриб томони, ўз хобхонаси ёнаётганини шундоқ кўриб турарди. Тун бўйи уни ўчирадиган кимса бўлмади. Дарёнинг ўнг томонидан — Қурама тоғи этакларига боргоҳ ёйган мўғулларнинг асосий қўшини, мингларча асирлар қалъа ёнаётганини бемалол кўриб турардилар. Кенг далада, ўтови олдига чиққан Сўқту нўён билан Улоқ нўён ҳам қисиқ кўзларини катта очиб, қалъа ёнаётганини шундоқ кўриб туришарди. Аввал кунги фожиадан кейин заха еган Сўқту қалъада қолишга юраги дов бермай, Улоқнинг ёнига келган эди.

— Малъунни ушлолмадик,— деди Темур Малик аланга шуъласида кемадан оролга чиқатуриб. Қирғоққа, дўсти ёнига келиб, қўлидан олган Шоҳмурод Кўҳистонийга,— у томонга кетганга ўхшайди. Шу сафар қўлга оламан деб ўйлаган эдим. Лекин ярамасларни тоза қирдик.

— Уни албатта қўлга туширамиз! Жазосиз қолмайди!— деди Кўҳистоний.

Қирғин-қилиб келган йигитлар истеҳкомда ўзларини тартибга солдилар. Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний аланга олиб ёнаётган қалъадан кўз узмасди. Улар ёнига келган Шаҳобиддин Хивақий, Хўжа Идрис Кубаро ва бошқа зотлар ҳам ёнаётган қалъадан кўз узишмасди.

* * *

Босқинчилар Хўжандда тинчий олмади.

«Хўжанд — дашту биёбон оша шиддат билан бостириб, ёндириб келаётган Чингизхоннинг товонига порт этиб кирган ўткир чўкиртак бўлди...»[1]

Гарчи бу шаҳарни икки нўён қамал қилган бўлса ҳам шу вақтда Бухорони, кейин орқага қайтиб Самарқандни босиб олган Чингизхоннинг кўзи Хўжанддан узилмади. Хўжанд қалъасида эски кишилардан ҳеч ким қолмади. Мансабдорларнинг онласи батамом ҳалок бўлди ва қириб ташланди. Хоинлик қилганларни Темур

[1] Рашидиддин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маликнинг ўзи ўлдирди. Авом халқ оролда саркарданинг тириклигини билгач, қўлидан келганча босқинчига шикаст етказиб, унинг қарор топишига имкон бермасди. Шу сабабли мана, тўрт ойдан бери Сўқту нўён нотинч, Чингизхонга борнб қўшилишга юзи йўқ. Орқа кифтидан ханжар еб, ярадор ҳолатда ётиши аввал мўғулларни дарғазаб этиб, жунбишга келтирган бўлса ҳам кейинчалик Самарқанддан, Чингизхон ёнидан келган уч мансабдор, «арқонни узун ташлаш» лозимлигини унга маслаҳат беришди. Хўжандни ҳам Ўтрордек теп-текис қилиш мумкин, аммо бу қалъа келажакда Ахсикат, Ўш ва Ўзган томон юришда муҳим таянч эканини эътиборга олиб, ҳар қандай ҳийла ишлатиб бўлса ҳам Темур Маликни тутиш ёки уни ўлдириш лозимлигини, оролдаги бу «Қора ирвэс» уларнинг ашаддий душмани эканини маълум қилишди. У ниҳоятда жонига теккан. Сўқту нўён кифтидаги яра маддалаб, қаттиқ оғриқ бериши, иситмасини кундан-кунга кучайиши — Ойчечак билан беш кунлик айшу ишрати бурнидан булоқ бўлиб чиқди.

Қалъа хоналари бўм-бўш. Бунда шу ерлик «какликлар» қолмади, хобхонаю айвонларда ўзининг мечкай, ақлсиз, танидан сассиқ ҳид анқийдиган мўғуллари ғимирсиб юрарди. «Қора ирвэс»лар ҳужуми авжга чиқиб, талафот борган сари кўпая берган кунларнинг бирида чингизийлар макр ўйлаб, Шошда Муҳаммад Хоразмшоҳдан айниб, уни лаънатлаб юрган кекса Абдулқодир мунший аш-Шошийни олиб келишди. Мунший чолни Темур Малик билан Сўқту нўённинг ўртасига қўйиш, оролдаги саркардага бундан кейинги жанглардан ҳеч фойда йўқлигини айттиришни лозим топишди. Бунинг ўрнига Сўқту нўён билан тил топишиб келишишса, Хўжанд ҳокими Темур Малик яна ўз ўрнида қолиши ҳам мумкин бўларди. Кекса муншийни ўртада воситачи бўлишликка мажбур этишмоқчи бўлишди. Ҳатто «Темур Малик розн бўлса, уни ҳеч шубҳасиз, яна Хўжандга ҳоким этиб тайинлашга рози эканликлари»ни маълум қилмоқчи бўлдилар. Ҳатто улар Темур Маликнинг Хоразмшоҳ билан муносабати кўнгилдагидек бўлмагани, Жалолиддин, Шаҳобиддин Хивақийлар бир тараф эканини Маҳмуд ялавоч ва бошқа жосуслари кўмагида билишган. Вазири аъзам Низом ал-Мулк ўлдирилганини, Гурганжда энг катта ҳукмдор — Туркон хотун эканини ҳам эшитишган. Фақат саркардалар орасида эмас, Муҳаммад Хоразмшоҳ фарзандлари ичида ҳам тарафкашлик авж олгани, бир-бирларини ғажишга тайёр эканликларини, хотинлари хазинадаги гавҳартошларни бўлишиб олганигача билишарди. Қимматбаҳо тошлар четга чиқиб кетмаслиги учун, Чингизхон Гурганжни ўраб олишни илгаритдан мўлжаллаган. Темур Маликни Муҳаммад Хоразмшоҳ эътиборидан қолган саркарда деб ҳисоблаша бошлади. Шу сабабли мўғул ҳокимиятига бўйсуниб, хизмат қилишни таклиф этиш йўлини излашди.

Темур Малик ўзининг саккиз юзга яқин содиқ кишилари билан, мана, беш ойдирки Сайҳун ичидаги оролда, истеҳкомда туриб, мўғул босқинчилари билан бетиним жанг олиб борарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кеч кириши билан ўн олти манжаниқдан ёнартош отишар, дарё тепасидан шиғиллаб келаётган оташни кўрган отлар ҳуркиб қочарди. Мўғуллар дарё ёқасига келишдан анча чўчишарди, бу-талар орасида яшириниб ётган қасоскорлар ёввойи мушукдек сапчиб ёпишиб, ё ханжар, ё қилич уриб, ўлдириб кетишарди.

Султондан жабр кўриб, Мовароуннаҳрда қувгинда юрган кўп-гина сардорлару юқори мансабдорлардан Чингизхон айғоқчилари хабардор эди. Улардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишди. Хўжанд учун жанг чўзилиб кетаётганлиги сабабли Чингизхон Сўқ-ту нўёнга иккинчи бор одам юбориб, Хоразмшоҳ вайрон этган Шош шаҳридан Абдулқодир мунший топиб, уни Темур Малик ҳузурига йўллашни, агар у дарёдан бўлаётган жангни тўхтатса, «ғолибларга бўйсунса»— уни яна Хўжанд ҳокими қилиб тайинлаш қарори бор эканини расмий айтмоқчи бўлди. Бу гапни фақат Аб-дулқодир мунший етказиши мумкин эди. Бу тадбирга мўғул ҳо-кимлари рози деган гапни тушунтириш мақсадида мўътабар чол-га катта ҳурмату эҳтиром кўрсатиб, яхши жиҳозланган аравада Шошдан Тўйтепа, Келовчи, Чориқдаррон орқали Хўжандга олиб келишди. Мунший нинг Темур Малик билан муносабати яхши эка-нини Сўқту нўён оқсоқол Аҳмад ибн Мораздан ҳам эшитган. Сўқ-ту ва Улоқ нўёнларнинг Ахсикат ва Ўш томонга қўшин тортиб боришлари учун аввал Хўжандни тинчитиш лозим эканлиги улар-ни Темур Малик билан музокара олиб боришга мажбур этди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтгач, эрта тонгдан ўнг қирғоқда чумолидек ўрмалаб тоғдан харсангтош ташиб, дарёга ташлаёт-ган асирлар ҳаракати тўхтади. Оролдан одатдагидек ҳар куни кузатиб турадиган хўжандликлар бунга ҳайрон: ялангоч ва оч кишилар қилич тутган мўғул сарбозлари иҳотасида ҳар ер-ҳар ерда тўпланиб ўтиришарди. Уларнинг «бенш» ўтирганидан орол-дагилар ҳайрон: бу ҳолни тезда Темур Маликка хабар қилишди. Асирларнинг харсангтош ташимай, тўда-тўда бўлиб ўтиргани Кў-ҳистонийни ҳам, Темур Маликни ҳам, Хўжа Идрис Кубаро билан Хивақийни ҳам ўйлатиб қўйди. Лекин шу пайт душман томондан сузиб келаётган бир кичик қайиққа кўзлари тушиб, бунга ҳам ҳайрон бўлишди. Қайиқда уч киши бўлиб, икки одам эшкак тор-тиб, ўртада бир кекса одам ўтирарди. Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақий, Кўҳистоний, Хўжа Идрислар сув ёқасига бориб, яқин-лашиб келаётган кемага кўз ташлашди. Ўртада ўтирган янги ли-босу бошига оқ салла ўраган киши Абдулқодир мунший эканини танидилар. Йигитлар кемани ушлашди. Темур Малик мўътабар зотни қўлидан тутиб, эҳтиёткорлик билан оролга ўтказди. Мун-ший оролга ўтибоқ саркарда билан қучоқлашиб омонлашди.

— Не кунларга қолдик, азиз саркарда...— чол кўзига ёш олди.

Муншийни олиб келган қурол-яроғсиз икки мўғул кема ичида қолди. «Элчига ўлим йўқ»,— йигитлар қовоқ солиб улар тепасида туришди. Муншийни қирғоқда кутиб олган хўжандликлар истеҳ-ком томон, ўз боргоҳлари томон бошлаб олиб боришди.

— Азизлар, улар мени Шошдан олиб келиб, сизларга мажбу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ран элчи қилиб юборишди,— деди чол ҳаллослаб,— мен қандай қилиб ўртага тушамен? Бошим қотиб қолди. Менинг Гурганждан кетиб қолганим, сиз муҳтарам саркардага маълум. Иккиламчи, сиз ҳазратга нисбатан меҳру муҳаббатим ғойибона баланд эканини ҳам мўғуллар билибди. Мана бу устимдаги заррин либос, чўнтагимдаги пайза, Шош шаҳрида менга ер-сув берилиши хусусидаги ҳужжатлар, бари сиз билан гаплашмоғим, ўртага тушмоғим учун...

Мунший йўл-йўлакай ҳаллослаб Темур Маликка Шош аҳволи, мўғуллар босқини ҳақида гапириб келарди. Улар ичкарига киришгач, фотиҳадан кейин дастурхон ёзилиб, таом келтирилди. Юқорида мунший, унинг ёнида Темур Малик, Хўжа Идрис, Шаҳобиддин Хивақий, Шоҳмурод Қўҳистоний, Муҳаммад Интизом, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа ва бошқалар ўтиришарди. Пойгакда Иброҳим Дўлдай тик турарди. Абдулқодир мунший ҳамма гапни лўнда қилиб ўртага ташлади. Сўқту нўён билан яраштириб, саркардани яна Хўжандга ҳоким қилиб қолдиришажаги ҳақидаги ишга бир воситачи эканини маълум қилди. Чол ҳамма гапни айтиб бўлгач, ўртага узоқ сукут тушди. Боши қуйи, ерга қараб ўтирган Темур Малик бир муддатдан кейин Абдулқодир муншийга боқди:

— Сиз ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Мен? Мен бир муншиймен. Мен, давлат ишлари билан ҳеч қачон алоқам бўлган эмас. Мен қари одаммен, гарчи кексалик — зукколик, деганлари билан бари бир менинг ақлим мамлакат ишларига етмайди. Бунинг устига, мен султоннинг номатлаб ишларидан норизо кимсамен. Вайрона шаҳримга қайтиб келиб, куйиб ётган одаммен. Лекин бари бир ватанимизга бостириб келган мўғулларни султондан баттар ёмон кўрамен! Агар вақтинчалик бир тадбир деб ҳисоблаб, мўғуллар билан сулҳга келишишингиз мумкин. Мен буни бориб уларга айтамен...

Темур Малик кулди. Негадир бу лаҳза Хўжандда, ўз қасрида барқарор ва масрур ўтирган вақтидагидай, қувнаб кулди.

— Муҳтарам зот! Сиз ҳар қалай бизнинг юрагимизни биласиз, чунки бизни яқин дўст деб билмаганингизда, Гурганждан юз ўгириб, алам билан кетаётганингизда Хўжандга тушмай, Нур ва Барчинликент орқали Шошга йўл солсангиз бўлаберар эди. Сиз кўнгил тортиб, ўшанда Хўжандга келган эдингиз.

— Орий рост.

— Бизлар, бу оролдаги етти юздан ортиқ киши ўзимизни ватан йўлида ўлимга тикиб қўйганлармиз. Биз, она-Еримизни мўғулларга берадиган номардлар эмасмиз! Улар билан ҳеч қандай сулҳ бўлиши мумкин эмас! Биз уларни бу заминда битта қўймай, қириб ташлаймиз! «Ё Ватан, ё ўлим!» деган сўзимиз бор. Босқинчига қарши жанг қила берамиз. Бошқа йўл йўқ! Ватанни босқинчилар оёқ остида кўриб, таҳқирлангандан кўра, жанг қилиб ўлган афзал!

Оғзи очилиб, Темур Маликнинг ҳаяжон билан айтаётган гап-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини тинглаётган Абдулқодир мунший уйқудан уйғонган кишидек кўзларини уқалаб, ўзига келгандек бўлди. Темур Малик рўпарасидаги Шоҳмурод Қўҳистонийга қаради.

— Сиз нима дейсиз, сардор?

— Сиз, саркарданинг ҳамма сўзларингиз — менинг ҳам сўзим! Сизнинг қарорингиз — менинг қарорим!— деди Қўҳистоний,— бу ердаги ҳамма ватандошларингизнинг ҳам фикри шу! Биз босқинчи билан сулҳ тузишимиз ақл бовар қилмайдиган ҳол. Бундай иш ҳар қандай шароитда ҳам бўлиши мумкин эмас! Душман билан сулҳ — хоинликдан бошқа гап эмас. Саркарда тўғри айтадилар, бир томчи қонимиз қолгунча жанг қилаберамиз!

— Мен тушундим,— деди мунший,— мен уларга сулҳ ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, Хўжанддан чиқиб кетишингизни талаб қиламиз, деб айтадурмен. Шундан кейингина гаплашмоқ, музокара этмоқ хусусида сўз бўлмоғи мумкин. Саркарда, мен сиз ҳазратни ўз тупроғини муқаддас биладурғон одам деб билурмен. Юрагингизда юрт муҳаббати барқарор экан, юртингиз завол кўрмайди. Ҳаммавақт олло сизни ўз паноҳида асрасин. Хўжандлик ҳамма қадрдонларим, сиз жанобларни ҳам ўз паноҳида асрасин. Тезроқ юртимиз озод бўлсин. Юртимизни сизга, сизларни тангримга топширамен! Омин! Энди мен кетай,— мунший ўрнидан қўзғала бошлади.

— Биз бу гапни қайиқда ўтирганларга айтиб, жўнатамиз, ҳазрат, сиз бунда қолинг. Мўғуллар бундай жавобни олиб борганингиз учун сизга ёмон кўз билан қарайдилар. Шикаст етказишлари мумкин.

— Мен, саркарда, ёшимни яшаган, ошимни ошаган кимсамен. Мен улардан қўрқмаймен. Элчига ўлим йўқ. Мен бориб уларнинг нўёнига бор гапни айтадурмен.

— Мунший ҳазратлари, жавобни хат билан айтамиз. Бунда қолинг,— деди Шаҳобиддин Хивақий,— ўзимиз бошқа йўл билан Шошга элтамиз.

— Йўқ, муҳтарам саркарда, бормоғлиқ лозим.

Мунший яна эъзоз билан қайиққа туширилиб, қўллари кўксида, кузатиб қолишди. Икки мўғул қовоқ солиб, эшкакларни шалоплатиб, ўнг қирғоққа сузиб кетишди.

Абдулқодир мунший икки томонни келиштиролмагач, ўз ўлими муқаррар эканини фаҳмлади. Темур Маликни бундай йўлга бошлаш мумкин эмас эди. Мумкин бўлмагани уни ғоятда хушнуд этди. У саркардани метиндек мустаҳкам инсон эканига мингбаъд имони комил бўлди. Худди шундай бўлади деб ўйлаган эди ҳам, Шундан сўнг бир лаҳза бўлса-да, ўзи ҳақида ўйлай бошлади:

Инсон меҳнати тамоман эътиборсиз қолиб кетиши мумкинми?! Зобитлар ва ёки бир пурқувват ҳасадгўй ёмон кўрадиган рақиблар сабаб бўлиб узоқ йиллар давомида меҳнатини юзага чиқармай, ўлгандан кейин ҳам номини тилга олмай, батамом йўқ қилиб юбориши мумкинми? Тарихда бунга мисол бўла оладиган ҳоди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

салар бор, албатта. Юз йил ўтар, невара-чеваралар ҳам унутар ёки номимизни ғира-шира эслар, аммо юрт учун қилинган чинакам меҳнат йўқолмас жавоҳирдирки, асрлар ўта бари бир у юзага чиқмай қолмайди. Афросиёб давридаги бир кўзача вақти келиб яна қўлга олинганидек, нечун бизнинг иғна билан қудуқ қазиган меҳнатимиз тамоман унутилса?! Йўқ, унутилмайди!

Чолдан манфаат чиқмагач, тарвузи қўлтиқдан тушган нўёнлар уни йўлда ўлдириб юборинглар, деб хуфия фармон берди. Аммо Бухоро ва Самарқанддан, Гурганжда сарой кутубхонасидан муқоваси заррин — табобатга алоқадор китоблар, меъморчиликка алоқадор лойиҳалар қопу кажаваларда туя карвонига ортилиб, қумликлар оша Шошу Туркистон орқали Олтой ва Торбуқатой кенгликлари томон жўнатилгани хабари етиб келди. Бу китобот ичидан яна ҳам ноёбларини танлаб олиш, Хўжанд ва Шош аҳли қўлидаги китобларни ҳам териб олиш ҳақида Чингизхоннинг яширин фармони Сўқту нўёнга етиб келган эди. Маҳаллий уламо ва фузалоларнинг қирғиндан омон, ўлмай-нетмай қолганларини топиб китоб танлашга, фуқародан тортиб олинган китобларни ажратиб, мўғул эли томон йўллашда жалб этмоқчи бўлдилар. Хўжанддан Шошга жўнатилган Абдулқодир мунший даставвал Сўқту нўён хаёлига келди. «Темур Маликни кўндира олмадими, энди ундан китоб танлашда фойдаланамиз» деган гапни дилидан ўтказди нўён.

Сайҳундан кемада ўтиб, кечга яқин яйдоқликда таом еб, ҳордиқ олишди. Атрофидаги мўғуллар таом чоғида чолга мақсадларини очиқ баён этишди. Бу, нўённинг фикри, деб урғу беришди. «Хоразмшоҳдан жабр чеккан, сиз, мунший ҳазратлари бизга ёрдам бериб, шу йўл билан золимдан ўч оласиз! Алқасос,— дедилар,— китоблар Хоразмшоҳники...»

— Китоблар — Мовароуннаҳр мамлакатининг мулкидир! Мен бу бебаҳо мулкни ўзга юртга ташиб кетилишига йўл қўёлмаймен! Иккиламчи, сизлар ҳали бу китобларни мутолаа қилиш қудратига етмагансизлар. Жавоҳир саҳрода қолиб кетади...

Бу гапни эшитган уч мўғул куйдирган каллага ўхшаб, бир-бирларига қаҳрли тиржайишди. Қаттароғининг ишораси билан иккиси мўғул шу лаҳза қилич суғуриб, шу ернинг ўзида Абдулқодир муншийни ҳам, фарзандини ҳам чопиб ташлашди...

Орадан бир ҳафтача ўтгач, Муҳаммад Интизом берган хабарга қараганда, ўғли билан соябон аравада Шош шаҳри томон кетаётган муншийни Чориқдаррон даштига етмай, «қароқчилар йўлини тўсиб, ўғли билан бирга чопиб кетибди», деган гап Темур Маликка етди. Шу он оролдаги хўжандлик арбоблар «Абдулқодир мунший зот поклари жангда шаҳид бўлдилар», деб тиловат қилиб, юзларига фотиҳа тортдилар.

Шу куни тунда оролга ўтган Муҳаммад Интизом шаҳарда ўз махфий одамларининг мўғулларга етказган фожиа зарбалари ҳақида Темур Малик билан Шоҳмурод Қўҳистонийга ахборот берди. Темур Малик шаҳарда кўп ёмон ишларнинг сабабкори Аҳмад

www.ziyouz.com kutubxonasi

ибн Моразни жазога тортиш вақти етди, деб фармон берди. Аммо ўзи Абдулқодир муншийнинг фожиали ҳалокатидан бениҳоя қаттиқ изтироб чекарди. Бу одам Сўқту нўён олдида дадил туриб Темур Маликнинг бундай иш қилмаслиги, бу — сотқинлик эканини, босқинчилар мамлакатдан чиқиб кетмас экан, сулҳ ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини айтганини кўз олдига келтирди. У воситачи эмас, агар Темур Малик сулҳга рози бўлганда ҳам уни бу йўлдан қайтаришга тайёр эканини фаҳмлади. Босқинчилардан мутлақо қўрқмагани, ўлимга тик боққанини ҳам фаҳмлади. Умр бўйи қалам ва довотдан бўшамаган муншийни соҳибқиронлардек ватан йўлида қурбон бўлди, деб оролдаги хўжандликлар эрта билан унинг руҳи покига дуо ўқишди.

Хўжандда гарчи катта тўқнашувлар бўлмаса ҳам ҳар куни қонли воқеалар содир бўларди. Ҳар қанча уринмасин, мўғуллар «қароқчилар» ни тутишда ожизлик кўрсатардилар. Кейинчалик бу ишлар баъзи аламзадалар томонидан эмас, оролдан Темур Маликнинг бевосита фармони билан бажарилаётганини фаҳмлашди. Мўғуллар оқиб ётган дарёни улкан аждарҳога ўхшатиб, унинг ёнига баъзан ёлғиз боришга қўрқишарди. Дарҳақиқат, икки томон соҳилда, бутазорлар ичида пистирмада одамлар турарди. Бу томонга келиб қолган мўғулларнинг ўлиги сувда оқиб кетаётганини кўрганлар жуда кўп. Нўёнлар ҳам Сайҳунга ўзларининг қийиқ кўзлари билан душманга — улкан бир аждарҳога қарагандек қарардилар. Сайҳуннинг кифтида қилич яланғочлаган Темур Малик миниб ўтирарди...

Шу кунлари мўғуллар Чингизхон фармони билан элни тинчитиб, «ғолиб» ликларини намойиш қилмоқчи бўлаётганларида, саркарда Темур Малик Муҳаммад Интизомга хоинларнинг яна бир «онабошиси» Аҳмад ибн Мораз тақдирини ҳам ҳал этишни топширди. Бу газанда тирик юрса яна бирмунча ёмон ишлар қилиб қўйиши ёки қочиб кетиши мумкин деди. Иссиғида ундан ҳам тупроғимизни тоза этайлик!

Қалъанинг шундоқ ёнгинасидаги Тапқоқ маҳалласида, ярим кечада, истилодан кейин дарвозалари ёнида мўғуллар посбон турадиган шаҳарнинг вақтинчалик «оқсоқоли» Аҳмад ибн Мораз дарвозаси ёнида «тунги отлиқ қоровуллар» пайдо бўлди. Улар кечаю кундуз «оқсоқол» ҳовлисини пойлардилар. Шу кунлари бу ерда яна бир неча отлиқлар пайдо бўлди. Дарвоза ёнида бақрайиб турган дарвоза қоровулларининг биқинига улар тўсатдан ханжар уриб, ерга ағдариб, ичкарига кириб кетишди. Мўғул ҳарбий кийимидаги кишиларни кўрган «оқсоқол» яна бир жиддий гап борга ўхшайди хаёл қилиб хобхонадан чиқиб, ички кийимда «ўз қадрдонлари»га рўпара бўлди. Кейинги кунларда у тез-тез уйқусини бузиб, мўғул мансабдорлари рўпарасига чиқиб, шаҳарда бўлаётган қонли фожиалардан хабар топиб турарди. Маъмурларга ёрдам берарди. Бу гал ҳам шунга ўхшаган бир нима деб, ҳовлиқиб, югурганча улар ёнига чиқди. Қамти келган икки йигитнинг бири Аҳмад ибн Мораз қўлини орқага қайириб боғлади, бири шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаҳза унинг оғзига қандайдир бир томони узун латтани ғижимлаб тиқди. (Бу, кеча боши узиб ташланган Бинафша беканинг кир иштони эди.) Аҳмад ибн Моразнинг типирчилаб қаршилик кўрсатганига ҳам қарамай, отга ўнгариб, бозор майдони томон олиб кетишди. Йўлда рўпара келган мўғуллар бу отлиқларга унча эътибор бермади, чунки улар нўённинг иҳота қилувчи тулки тумоқлик алоҳида мўғул қўшини кийимида эдилар. Ярим тунда кимсасиз бозор дарвозаси тагида чўққайиб ўтирган, устида жулдир, бошида жанда — «қаландар» отлиқлар келиши билан ўрнидан турди. Отга ўнгариб олиб келинган Аҳмад ибн Моразни гурсса ерга ташлашиб, «қаландар» ёнига судраб олиб келишди. Оғзидаги ифлос иштонни ўзи тортиб олди.

— Мени танийсенми? — сўради «қаландар» рўпарасида бўзариб турган Аҳмад ибн Моразга тикилиб, — мен, Муҳаммад Интизом бўламен! Хўжанд ҳокими Темур Маликнинг сарбози! Танимдан жон чиққунча она-Еримнинг садоқатли фуқароси бўлиб қоламен! Хўжанд хотинларини мўғулларга қўшувчи хусфуруш сен эмасмисен?! Она-Еримни душманга сотувчи хоин сен эмасмисен?! Сен, бир кишининг пушти-камаридан эмас, мағзавадан, ифлос нарсадан пайдо бўлган нарсасен! Сени ўлдирамиз! Сен ҳозир, мана шу бозор дарвозасидаги дорга осиласен! Одамлар эрталаб келиб, сенинг осилиб ётганингни кўради. Мамлакатимизни мўғулларга сотган башарангга одамлар тупурадилар! Тарих сени лаънатлайди! Келгуси авлодларимиз бизни бобокалонимиз деб, номимиз, ишимиздан фахрланади. Аммо сен ярамас хоин номидан жирканиб лаънатлайдилар! Подшоҳлар тахту тож талашиб уришади, бу бўладиган ҳодиса. Аммо юртини, хотинини, дўстини сотган кимсани келгуси авлод қарғайди! Қани, гапир! Сўқту нўён касал, Улоқ қаёқда?

— Мен, Улоқ нўённи боғлаб ёнингга олиб келамен. Улоқ нўён қалъа ичида. Мени ўлдирма, — деди титраб Аҳмад ибн Мораз, — гапларинг тўғри. Мен Улоқ нўённи сенга топшириб, кейин ўзимни ўзим ўлдирамен. Худо ҳофиз, худо номи билан қасам ичаманки, муҳтарам Муҳаммад Интизом, менга муҳлат бер, — у титраб йиғлай бошлади. «Қаландар» нинг оёғига йиқилиб, юз-қўлини тупроққа суркайди. Озгина бўлса ҳам раҳмини келтириш ниятида ҳамма қилиқни қилади.

— Бу хоиннинг гапига ишонманглар, уни дорга осинглар! — деди Муҳаммад Интизом, — бу, оллони танимайди! Бу, жон аччиғида қилинаётган талваса! Саркардамиз Темур Малик номидан фармон бераман: хоинни осинглар!

— Йўқ! Бунга ҳаққинг йўқ! Султоннинг фармонисиз менга теголмайсенлар! Мен, султон кишисимен! Сирли гаплар бор, айтамен, муҳлат бер! Бинафша бека Туркон хотун кишиси... Унда гап кўп. Мен ҳаммасини айтамен... — у кўзларини ола-кула қилиб, яна сардор оёғи остига ўзини ташлади.

— Бинафша бека ўлдирилган, — деди Муҳаммад Интизом, — ҳаммасини биламен.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Темур Малик меннинг назоратимда. Унинг фармони ўтмайди! Бу иш учун ҳаммангизнинг бошингиз кетади!!!

— Саркардага текказган тилинг танглайингда қотсин! Султонга келсак, у тахтни ташлаб қочган. Қочоқнинг фармони ўтмайди!

— Шаҳзода Жалолиддин бор!

— Шаҳзода ҳам сен хоинни осиш тарафдори!

— Бир кун сабр қилинглар! Мен, ўрикзорда ҳоким Темур Маликка отилган ўқ — суиқасд сирларини очамен... Бир кун муҳлат беринглар!

— Ўша заҳарли ўқни ҳам сен отгансен!

— Йўқ, мен эмас! Бу иш тепасида Бинафша бека турган...

— Сен тургансен! Ҳаммаси бизга аён! Сен хоин, саркарда билан Шоҳмурод Кўҳистоний жаноблари орасига нифоқ солмоқчи бўлдинг!

Икки йигит шу лаҳза дарвоза тепасида осилиб турган сиртмоқни Аҳмад ибн Мораз бўйнига солиб, арқонни тортишаётган эди, у бақирди:

— Дод! Дод! Тўхтанглар!

— Торт арқонни! — буйруқ берди Муҳаммад Интизом.

— Ҳа, мен оттирганмен заҳарли ўқни! Мен...

Оёғи икки газ ердан кўтарилгунча типирчилатиб тортишди. Бузоқбоши қуртидек тўлғаниб, бир муддатдан кейин у чўзилиб қотди. Муҳаммад Интизомнинг қасоскор йигитлари арқонни дарвоза ҳалқасига маҳкам боғлаб, ярим тунда ҳаммалари бу ердан тарқаб кетишди.

Аҳмад ибн Мораз жасади ғувиллаган шамолда у ёқдан-бу ёққа бориб келар, туни билан тарашадек қотиб, эрта билан бозорга келганлар «ҳаммани ётқизиб турғизаётган» «оқсоқол» ни кўриб, кўрқиб орқаларига қайтиб кетдилар. Одамлар ҳангу манг бўлиб қолди. Мўғул салтанати тугаганини пайқагандай бўлдилар, фақат кешинга яқин бу ишдан босқинчилар хабар топиб, арқонни узиб Аҳмад ибн Мораз жасадини дарвозадан олишди. Сўқту нўён ва Улоқ нўёнлар топшириғига биноан, даранг-дурунг қилмай, имижимида, вабодан ўлганлар кўмиб ташланган хандаққа юмалатишиб, устидан тупроқ тортиб юборишди.

Пайдар-пай талафот кўраётган мўғулларни хоин Аҳмад ибн Моразнинг тунда номаълум одамлар томонидан осилиши, саксондан ошган мунший чолнинг нўёнлардан қўрқмай тик боқиб, Темур Маликни ҳимоя қилиши анча ўйлатиб қўйди. Хўжандни тинчитиш эмас, унга қайтадан ҳужум бошлашга ундади. Мўғуллар ўттиз мингга яқин асирларни ишга солиб, шиддат билан дарёга харсангтош ташиттирдилар. Бир ой ичида ўнг қирғоқдан то оролгача тўғон йўл қурилиб, дарё сувини уч газ кўтармоқчи бўлдилар. Бунда оролни тамоман сув босарди. Тўғон устидан бостириб бориб, Темур Маликни қириб ташламоқчи бўлдилар. Дарёнинг бу томонига тўғон солиниши — сувни уч газ кўтариб юборишини хўжандликлар ҳам билишарди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу томонга келган Чиғатойнинг буйруғи шундай бўлган экан. Чиғатой ўз кўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдида Темур Маликни ҳалокатга учратиб, Хўжандни «тинчитиб», отаси ёнига — Бухорога қайтмоқчи бўлган экан. У Темур Маликни тирик ушлаб, отаси ёнига олиб бормоқчи ҳам бўлди.

Сайҳун дарё унинг кўзига бир буюк йўлбарсга ўхшаб, ваҳшат солиб турарди...

Энг ёмони шу бўлдики, хўжандликлар харсанг ташиётган ўтрорлик асирларга ўқ отишолмас, тунда қилич билан чопиб келиша олмас эдилар. Ҳар қалай, ватандош...

Бу бечора асирлар тош ташлашмаса ёки бирон нарса орқали қаршилик кўрсатишса, шу лаҳза чопиб ўлдиришларини билиб, буюрилган ишни бажарардилар. Тийрандозлар дарёнинг нариги томонидан ғўдайиб турган мўғул сарбозларини нишонга олиб, ғувуллатиб, ўқ отишарди. Манжаниқлар тийрандозларнинг бетиним ўқ ёғдириб турганларини Чиғатой нариги қирғоқдан томоша қилди. Шунча вақтдан бери Темур Маликни тутиб ўлдиришмагани, бошқа қалъалардек Хўжандни ҳам ер билан теп-текис қилишмагани Чиғатойни ғазаблантирарди. У аввал Сўқту нўённи койимоқчи бўлган эди, аҳволни ўз кўзи билан кўргач, унга зуғум қилмоқ ўринли эмаслигини пайқаб, ўз фикридан қайтди. Лекин у «мўғул қўшининнинг ҳаммавақт устун келишида ўқ-ёй асосий нарса бўлганини нечун унутдинглар!» деб Сўқтуга дўқ урди. Оролни ўқ бўрони қопламоғи кераклигини таъкидлади. Оловли ўқ ёғдиришни, истеҳком ва қайиқларга ўтли ўқ отишни қатъий буюрди. Шу кундан бошлаб орол бетўхтов ўққа тутилсин деди.

Бу ҳолдан воқиф бўлган Темур Малик кемалар соябони устини сомонли лой билан суватиб, устидан сирка қуйдирди. Сирка аралашган сувоқ ҳеч ўт олмаслигини айтди. Оғизларига ғаров ёки қамиш най тутиб, дарёдан ўтишни ҳам Темур Малик ўйлаб топган эди. Сарбозлар бошларига қалқон тутиб улар ҳам мўғулларга қарши оловли ўқ отишарди. Ҳар гал Муҳаммад Интизом ортидан кетган сардор Олабуқа ўзининг ўн чоғлиқ йигити билан Сарисанг маҳалласига ўтиб, бунда яширин ишлаётган камонандозлардан қучоқ-қучоқ ўқ-ёй, дарё қирғоғига келтирилган катта-кичик тошларни кемага босиб, истеҳкомга ўтишарди. Сарисанг, Тапқоқ, Қаландархона маҳаллаларида пинҳоний дастгоҳлар тузган усталар, камонандозлар оролдаги «Хўжанд ҳокимидан» асло алоқаларини узмас эдилар. Мўғуллар кейинчалик Жоме масжидида намоз ўқишга рухсат этган бўлсалар ҳам деярли авом халқ қўрқиб бормасди. Айниқса усталар бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораздан қўрқишарди. Аҳмаднинг осиб ўлдирилгани хабари хўжандликларни шод этиб, сотқин кимса дўзахи бўлди деб дуойибад қилишди. «Бу жазо ҳам унга оз, тирноқлари орасига ғаров юбориб, азоб билан ўлдириш керак эди», дедилар.

Орол мўғуллар томонидан бетиним тийборон қилинаётган кунларнинг бирида, ярим тунда Муҳаммад Интизомнинг кичик кемаси яна оролга ўтди. Кемада айғоқчилар сардоридан бошқа икки киши ҳам бор эди. Уларнинг бири — қўл-оёқлари боғлиқ мўғул, иккинчиси — бошига малла салла ўраган Хўжа Идрис Кубаро эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайхулислом бундан уч кун аввал Муҳаммад Интизом ҳимоясида, тунда дарёдан ўтиб, ўз уйида оғир бетоб ётган рафиқасини яширинча кўриб, рози-ризолик сўраб келди. Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хиваҳийлар кемани кўриб, дарҳол дарё ёқасига келишди. Хўжа Идрис ҳазратларининг қўлларидан олиб, қирғоққа ўтказишди. Рафиқаларининг аҳволини сўрашди, худодан шифо тилашди. Шайхулислом Хўжа Идрис Кубаро Темур Маликнинг ҳар қанча таъкидлаб айтганига қарамай, ундан ажралиб Хўжандда қолгиси келмади. «Мен босқинчилар ичида туролмаймен. Саркарда, биз руҳонийларни ҳам ўз ота юртимизга садоқатсиз деб бўлмайди. Пешонамизга олло нимани ёзган бўлса, шуни кўрамиз. Сизлардан ажралиб туролмаймен...» деди. Темур Малик ўз ватандоши сўзини қабул қилиб, «рафиқасига олло шифо берсин», деб юзига фотиҳа тортди.

Эртаси, кечқурун қўлида ўткир ханжари ярқираган Муҳаммад Интизом чўққайиб ўтирган мўғулнинг оёқ-қўлидаги арқонни шартта узди. «Ў ёққа ўт» ишорасини қилди. Мўғул ўрнидан туриб, Темур Маликдан нарироқда, қўлида ханжари бор Муҳаммад Интизом билан ёнма-ён орол ўрта қисмидаги истеҳком сари юра бошлади. Машъалалар ўчирилган. Ўнг қирғоқдан дамо-дам ўқ учиб келаётгани сабабли саркарда ёнига югуриб келган сарбозлар уларни ўз қалқонлари билан тўсиб, баъзилари бошга соябон этишди. Кимдир ўз қалқонини Муҳаммад Интизомга бериб, бошига тутишни сўраган эди, мўғул бошига тутиб туришни ҳам сўради.

— Яна ўқ унинг калласига санчилиб, ўлиб қолмасин! Бу, бизга керак.

— Бунинг уруғи кўп, соҳиб, керак бўлса топиб берамиз!

Мўғул тил билмаса ҳам, безовталаниб, у ёқдан бу ёққа алангларди.

Муҳаммад Интизом одатдагидек асирни тўғри саркарда хонасига олиб борди. Бу мўғулларнинг «каттасидан кейингиси» эканини билган Темур Малик ҳайратланиб, сўради:

— Улоқ нўёнми?

— Ҳа.

— Офарин, соҳибқирон! Азизим, жоним оғам! Жуда зўр иш қилибсиз. Мен буни билардим. Сиз, ё унисини, ё бунисини қўлга олишингизни билардим! — Темур Малик хурсанд бўлиб кетиб, ҳаяжонланарди. У эшикда турган посбонга ҳамма сардорларни тезда чақириб келишни буюрди.

Девор четида икки аланга ёниб, хонани анча ёритиб турарди. Уй ўртасида ғўдайиб турган асир олинган Улоқ нўёнга «илтифот кўрсатиб» қўл билан ишора — ўтиришни таклиф этди. Нўён девор тагида ўтирди. Асир келганини эшитган тилмоч йигит хабар олмасданоқ ўзи югуриб келди. Бошқа сардорлар ҳам шошилинч ҳолда саркарда хонасига тўпланишди. Бу асир — Улоқ нўён эканини дарҳол билишди. Бир неча дақиқа ичида хона тўлди. Юқорида ўтирган Темур Малик Хиваҳий, Кўҳистонийни ўз ёнига чақирди. Хўжа Идрис Кубаро ҳам бир ёнига чўкди. Асирга яқин ерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Интизом ҳам ўтирарди. Нўён ўзини жуда усталик билан тузоққа туширган Муҳаммад Интизомдан кўз узмасди. Унинг «катта сардор»лардан эканини ҳам пайқади. У ўнга яқин отлиқлар иҳотасида қалъага кириб келаётганида, ҳовлида тўсатдан қўлга олинган. Мўғул либосидаги айғоқчилар доруйи беҳушга йўғрилган ўқ билан уриб, беҳуш этиб, дорулик рўмолни юзига ёпиб, қўлоёғини боғлашган эди. Шериклари қалъа ҳовлисидаёқ чопиб ташланди. Улоқ нўённинг чертса юзидан қон томадиган, семиз хунгазор кимса эканига хўжандликлар бир лаҳза тикилиб туришди.

Темур Малик тилмочга «ушбу сўзни унга айтасен», деб, туркий тилда мурожаат этди.

— Сени ҳамда шеригинг Сўқту нўённи қўлга тушириш учун анчадан бери ҳаракат қилардик. Мана, қўлга тушдинг. Мақсадимиз ўлдириш эмас, юртимизни озод этиш! Шу сабабли, мўғул қўшини Хўжанддан чиқиб кетса, биз сени бўшатамиз. Сенга мутлақо шикаст етказмаймиз. Агар бундай бўлмаса, биз то қиёматгача жангни давом эттираверамиз. Сени ҳам шубҳасиз ўлдирамиз. Биз ҳеч қачон бўйсунмаймиз. Шаҳзода Жалолиддин катта қўшин билан бизга ёрдамга келмоқда. Тушундингми?

Тилмоч Темур Малик сўзларини таржима этди. Нўён диққат билан бу сўзларни тинглади. Кейин жавоб қилди.

— Мен Темур Маликнинг фикрини тушундим. Мен рози бўламан, лекин Сўқту нўён рози бўлмайди. Гап менинг жонимни сақлаб қолишда эмас, Хўжанд бизга жуда қимматга тушди. Биз ҳисобсиз одам йўқотдик. Сув тагидан ўтишни, манжаниқ отишни сизлардан ўргандик. Чиғатойхон ҳозир шу ерда...

— Қўшин сони қанча?

— Жуда кўп. Ун баробар кўп.

— Бу ҳаёт-мамот жанги, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний сўроққа аралашиб. — Саркарда тўғри айтадилар, биз то қиёматгача жанг қила берамиз! Биздан кейин болаларимиз ҳам жанг қилади. Болаларимизнинг ҳаммасини бўғиб ўлдира олмайсизлар! Уларнинг болалари ҳам жанг қилади! Агар шартларимиз бажарилмаса, нўён, биз сени бозор дарбозасига бўйнингдан сиртмоқ солиб осамиз! Жасадинг осилиб ётганини авом кўради. Буни сендан яширишнинг ҳожати йўқ!

— Мени тирик сақлашингизга кўзим етмайди! Мен буни яхши биламан. Қўлингизга тушдим, энди ўлдирасиз. Биз нўёнлар тақдирга тан берамиз.

— Эҳтимол, нўён биз томонга ўтар. Бизга ёрдам берар, — деди Муҳаммад Интизом, — султон Жалолиддин ўз қўшини билан бирга бунда етиб келгач, биз Хўжандни озод этамиз. Бу — аниқ. Шу сабабли, нўён биз томонга ўтиб, босқинчи шериклaридан юз ўгирса, жони омон қолади, уни эъзозлаймиз...

Нўён бош чайқаб, сарак-сарак қилди.

— Мени ўлдираберинглар. Бундай бўлиши мумкин эмас. Шу бугун тушимда отам мени ўз ёнига чақириб, ўзи билан олиб кетди... Мен бундай аҳвол бўлишини сезган эдим. Мен Сўқту нўёнга хат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзмайман, хат ёзилса ҳам у ишонмайди. Қўлга тушдим, тамом... Ўлдираберинглар.

Сўроқ шу билан тугади.

Ташқарида қилич яланғочлаб турган бир неча сарбозлар Улоқ нўённи ўртага олиб, истеҳкомнинг бир чеккасига элтиб, ўтин қалаб қўйилган ҳужрага қамашди.

Келгуси ҳафтада, дарҳақиқат, султон Жалолиддин нома йўллади. Бу номани ҳам қаландар қиёфасидаги одам Муҳаммад Интизомга, у Темур Маликка етказади. Бу иккинчи хат бўлиб, султон Жалолиддин Темур Маликка ўзининг бор қўшини билан дарё ичидаги оролдан чиқиб, Самарқанд яқинидаги Қатвон даштига ўз лашкарига келиб қўшилишни таклиф этарди. Шу йўл билан олий ҳазрат хатосини тўғрилаш, салтанатнинг ҳамма кучларини бир ерга жамлаб, босқинчига қақшатқич зарба беришни кўзлаётганини маълум қилган эди.

Шаҳзодадан келган хат Темур Маликни ўйлатиб қўйди. Бу ишда Чингизхон жосуслари панд бериб қўймасмикин, деб Темур Малик хатни олибоқ султонга ҳам хат йўллади. Хатни Муҳаммад Интизом кишилари Қатвонга элтажаги топширилди. Темур Малик бармоғидаги султоннинг ўзи туҳфа этган узукни бериб, кўрсатишни илтимос қилди.

Шаҳзода Жалолиддиннинг номаси мана бундоқ эди: «Етиб маълум бўлғайким, мен, султон Жалолиддин, иккинчи бор сиз муҳтарам ҳокимга маълум қилғайменки, Сайҳун бағридаги ерда бир юз йигирма кечаю кундуздин бери душман билан жанг қилмоқдасен. Мардлигу шижоатингга тасанно айтадурмиз. Салтанатнинг Таҳамтани, Афросиёбу Искандарисен! Эндиликда йўл қўйилган хатони тўғрилаш ниятида сени ва бошқа садоқатли саркардаларимизни дашти Қатвонга чақиргаймен. Бунда буюк қўшин жамлаб, Чингизхонга сўнгги ўлим зарбаси берурмиз! Оллонинг хоҳиши ила душманни енгиб, мамлакатимизни унинг асоратидан халос этурмиз. Хўжанд атрофида бундан ортиқ турмоқ — ҳалокат демак. Муҳтарам саркарда Темур Малик, ўз садоқатли кишиларинг билан тезда етиб кел! Сен билан юз кўришмоққа муштоқ.

шаҳзода ЖАЛОЛИДДИН. (Муҳр)
Шаввал ойининг ўн олтинчи куни, жумъа...»

Саркарда Темур Маликнинг шаҳзода Жалолиддинга жавоб мактуби бундоқ эди:

«Шаҳзода олий ҳазратлари! Саломдан сўнг, хабар қиладурменки, мактубингизни бундаги садоқатли дўстларингиз, соҳибқиронлар мажлисида ўқиб, оллодин сизга доимо саломатлик, салтанатимиз туғи доимо музаффар қўлингизда бўлишини тиладик. Қимматли мактубингизда айтилган фикрларни тасдиқлаб, фармонингизга итоат этамиз. Иншоолло, тез кунда йўлга чиқиб, хизматингизда камарбастадурмиз. Босқинчи чингизийларни мамлакатдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳайдаб чиқарадурмиз! Яратганнинг ўзи ёр бўлсин! Хўжанд ҳокими Темур Малик.

Зулқаъда ойининг йигирма биринчи куни, чоршанба...»

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

БИР СИҚИМ ОНА-ЕР ТУПРОҒИ

Икки чопар ярим тунда махфий сўқмоқ йўллар билан Куркатга чиқишгач, бир лаҳза тўхтамай, жадал Ўратепа томон юришди. Даштда уларни жануб осмонида ястаниб ётган ўроқ-ойдан бўлак ҳеч ким кузатмасди. «Ой ўзига тинч, аммо юртга нотинч...» деган гапни кўнглидан ўтказди чопарлардан бири.

Шиддат билан кетаётган суворилар тонготарда Шаҳристонга кириб боришди. Бунда тўхтаб, дам олиб, кейин тоғ оралиқлари билан Зарафшонга чиқиб, дарё ёқалаб, Панжикент томон юришди. Эртасига йўлда бир муддат отларини суғориб, бундан Самарқанд яқинидаги Қатвон дашти томон отларини елдиришди. Улардан бирининг ёнида саркарданинг Қатвонда қўшин тўплаб турган султон Жалолиддинга мактуби бор эди. Шошилинч нома йўллаган Темур Малик душманга яна бир қақшатқич зарба бериш учун дарё ўртасидаги истеҳкомда ўз сарбозлари билан бирга тайёргарлик кўриб, тонг отишини кутиб ўтирарди.

Ҳужумдан аввал Темур Малик билан Шоҳмурод Кўҳистоний кеча қўлга туширилган Улоқ нўён ҳамда Кучумни ишга солишни ўйлашди. Асирларнинг мўғул қўшини учун қимматли кимсалар, бири — нўён, бири юзбоши эканлигини хаёлларидан ўтказиб, уларни гаровга қўйишмоқчи бўлишди. Улар эвазига Сўқту нўён Хўжанд атрофидан қўшинини олиб кетиши, қамал ҳолатини тугатиши... каби шартлар турарди. Бу режа бефойда бўлиб чиққач, тонготардаги ҳужумни тўхтатиб, кун ёйилгач, Темур Малик икки асирни ўз ҳузурига олиб келишни буюрди. Дарё ўртаси — истеҳкомдаги саркарда хонасига яна одатдагидек Шоҳмурод Кўҳистоний, Шаҳобиддин Хивақий, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа ва Хўжа Идрис Кубаро олдинда, барча сардорлар тўпланишди. Эшикдаги пардани очиб, ичкарига олиб кирилган Улоқ нўён билан эчкисоқол юзбоши Кучум пойгакда ғўдайиб туришарди. Нўён ўз томонидан номақбул жавоб келганини биларди. Ўлимга ҳукм этилгани, ҳозир бу гап Темур Малик томонидан айтилишини кутиб турарди. Баланд бўй, қора мўйлаб, қирра бурунли, қарашлари ўткир Темур Малик унинг кўзига Азроил бўлиб кўринди... Унинг ўлим даҳшатидан юраги орқасига тортиб кетаётгани ғўштдор юзлари, бир-бирига тегиб тараклаётган тишларидан шундоқ сезилиб турарди.

Хона юқорисида ярим доира ясаб сукут сақлаб ўтирган лашкарбошилар дам нўёнга, дам юзбоши Кучумга қараб қўйишар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

лекин лом-мим дейишмас эди. Бу «тўнғизларнинг Утрорда ёмон хунрезлик қилиб, тиззадан қонга ботгани» ўтирганларга маълум эди. Темур Малик Шоҳмурод Қўҳистоний билан атай гаплашиб ўтирар, хонага ит кирдими, эшак кирдими, мутлақо сезмагандай ўзларини бепарво тутишар эди. Йўғон ва гўштдор мўғул ўзини кеча ўлимга тикканини айтган бўлса ҳам, бари бир ҳозир «ўлим олдида» даг-даг титрарди. Орқасида турган эчкисоқол Кучум ҳам аллақачон эс-ҳушини йўқотиб, жони саломат қоладиган бўлса, Темур Малик хизматида қолиб, мўғулларга қарши жанг қилишга тайёр эканини билдирмоқчи бўларди. Темур Малик икки асирни бир муддат турғизиб қўйгач, кейин саркарда эчкисоқоллига туркий тилда мурожаат этди:

— Бизнинг шартимиз шундай: нўённи майдонга олиб чиқурмиз. Қўлингга қилич берурмиз. Бошини узсанг, жонинг омон қолур... Қўйиб юборурмиз, хоҳлаган томонингга кетурсен.

— Бу гапга бовар қилсам бўлурми? — дея титраб, ёлвориб, йиғламсираб сўради Кучум.

— Ҳа!

— Олло шоҳид, ҳазрат, майли нўённи олиб чиқишсин, мен унинг бошини узамен!

Нўённи ташқарига олиб чиқишгач, шериги — Кучум юзбошининг сўзларини унга маълум қилишди. Ранги оқариб кетган нўён кўзларини ола-кула қилиб, шеригига ўқрайди. Шериги ўзини нўёндан четроққа олиб, ҳозироқ қўлига қилич тутқазишларини, қилични бир селпиб, нўённинг бошини узажагини мўлжаллади. Аммо хонада ўтирган лашкарбошилар ташқарига чиқишгач, уларнинг бошқача маслаҳатга келганликлари маълум бўлди. Лашкарбошилар Улоқ нўёнга тикилишди. Саркарда ўз ёнида турган тилмоч йигит орқали унга:

— Нўён, ана қайиқ, унга ўтириб, шерикларинг ёнига кетабер! — деди. — Биз асирнинг бўйнига қилич урмаймиз. Қуролсиз асирларни ўлдириш — сизларнинг ишингиз! Бундай иш қилмоқ — номардлар иши! Шеригинг ҳозироқ сенинг бошингни узмоққа тайёр. Аммо биз бундай қилмаймиз. Бизларнинг таомилимизда бу — номардлик! Сенинг баҳойинг жуда арзон экан, сен мўғулларинг учун мўътабар бўлганингда, мен сенинг бадалингга шаҳримни қутқариб қолмоқчи эдим. Сўқту нўён бунга унамади. Чунки бундай қилса унинг бошини Чиғатой узади. Энди кет бундан! Йўқол!

Тўнкадек эгилиб олган Улоқ нўён қўрқа-писа қирғоқ томон тисарилди. Кимнингдир ишораси билан тайёрланиб, сувда қалқиб турган кичик қайиққа тушди. У кўзларини ола-кула қилиб, Темур Маликка тикар, бу бир «ўйин»дир, балки ҳозир ўқ узиб ўлдирурлар деб, ўзининг қутулиб кетаётганига ишонмасди. У эшакларни ушладию яна бир одам тушармикан дегандек юқоридагиларга жавдиради.

— Кетабер! — деди яна Темур Малик, — лекин қайиқни бирон одамингдан қайтариб юбор! Сен билан жанг майдонида учрашурмиз, ўшанда мен сенинг жазоингни берурмен!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нўён индамай турди-да, кейин эшкакларни ишга солиб, ўнг томон қирғоққа сузиб кетди. У сув ўртасига етганида ҳам кўзларини Темур Маликдан узмасди. Хўжандликлар рўпарасида серрайиб турган эчкисоқол Кучум ҳайрон бўлиб, нима бўлаётганини тушунмасди. Ўзининг расволиги фош бўлганини пайқаб, бошини қуйи эгди. У ҳозироқ эгилиб Темур Малик оёғига бош уришга тайёр эди.

— Туф деган тупурик, қайтиб олса макруҳ. Сўзимиз сўз: сенинг ҳам жонинг ўзингга сийлов. Хоҳлаган томонингга кет! Йўқол! — деди Темур Малик. — Биз сотқинларни сафимизга қўшмаймиз! Сузишни билсанг, сузиб кет, сенга беришга қайиқ йўқ! Арзимайсен! Лекин мўғуллар ёнига борсанг, гўштингни бурда-бурда қиладилар! Қорахитой томонга қоч. У томонда сотқинлигинг, сурбетлигинг билан кун кўрурсен.

Кучум дарё бўйига тушиб, шу лаҳза этиги, кўйлагини апил-тапил еча бошлади. «Марҳамат қилигиз, шафқат қилигиз...» деб, кийим-бошларини чап қўли билан ушлаб, ёнламаси, дарё оқими томон сузиб кетди. Қаёққа боришини ўзи ҳам билмас, фақат жони омон қолганидан хурсанд эди.

Темур Малик бири ўнгга, бири чапга сузиб кетган икки душман ортидан тикилганча хаёлга чўмди. Атрофида садоқатли дўстлари, анча нарида тўда-тўда сарбозлар туришарди. Икки ашаддий душман қўйиб юборилганига сарбозлар ҳайрон: бундай душманни кимгадир буюриб ўтирмай, шартта қиличини суғуриб ўзи чопиб ташлайдиган Темур Маликнинг «кўнгилчанлиги» одамларни таажжубга солди. Сарбозлар бу ишдан ризо бўлишмади. Саркарданинг баъзан тик туриб, бундай «пинакка кетиши»ни пайқаган Шоҳмурод гап қотди:

— Саркарда, қўшин амрингизга мунтазир.

— Орий-орий, — деди у бош кўтариб. Сўнгра атрофда кузатиб турган йигитларни қўли билан яқинроқ келишга чақирди. Дарёнинг нариги қирғоғида ўз нўёнларини чўккан ҳўкизни сувдан тортгандай қайиқдан чиқариб олаётган бир тўда мўғулларни кўрсатди. — Ана, кўрдингизми, у ўз шериклари ёнига борди. Биз унинг бошини олмаган бўлсак ҳам, олгандан бешбаттар бўлди. Биз заҳарга уни қайтарадиган даво-позаҳрни рўбарў этдик. Мўғуллар, маркитлар, татарлар... ўртасида аҳиллик йўқ. Жони омон қолиши учун бир-бирини ейишга тайёр. Буни билишимиз жуда ҳам муҳим эди. Мен бу гапни султон Жалолиддинга айтамен, улар ўртасида иноқлик йўқ. Биз Қўҳистоний ҳазратлари билан маслаҳатлашиб, Улоқ нўённи атайин қўйиб юбордик. Уни жангда ўлдирурмиз! Ҳозир пайти эмас.

Шу аснода оролнинг ўнг қирғоғи томон кичик қайиқчада сузиб келаётган яланғоч мўғул йигити қирғоққа етиб келиб, қайиқдан чиқди-да, унинг тумшуғидаги арқонни илдизга боғлади. Сўнгра қайиқча ичидаги халтачани олиб, қирғоқда тўпланиб турган йигитлар оёғи остига отди. Ўзи сувга шўнғиб, нариги томонга қулочкашлаб сузиб кетди. Қўрққанидан ҳар замон-ҳар замонда орқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига қараб қўярди: кимдир ўқ-ёй билан мўлжалга оляптими, деб юрагини ҳовучлаб сузарди. Сарбоз йигитлар кулиб, қийқириб, мўғулга сиёсат қилиб қўрқитдилар. Аммо бирон киши қўлига ўқ-ёй олмади.

Оғзи боғланган халтачани саркардага етказишди. Шоҳмурод пичоғи билан ипни узиб, халтачадаги тилла тангаларни тўкди. Сарбоз йигитлардан бири атай санади. Роппа-роса минг тилла танга экан...

— Кўрдингизми, ҳазрат, — деди Темур Малик, — баҳойим минг тилла, демоқчи. У тўнғизни айирбошлаб олишмаганига хўрлиги келибдур. Майли, бу халтачани ёнингизга солиб қўйинг, асқатиб қолур.

Шу кеча йигитлар иккига бўлиниб, бир вақтда ҳам ўнг қирғоқ, ҳам чап қирғоққа ҳужум қилажаклари, манжаниқларга тайёрланган ҳамма тошларни отиш, кемалар устидаги соябон сувоқлари устига яна сирка қуйиб, нам қилиб қўйишни Темур Малик юзбошиларга, атрофидаги сардорларга тайинлади. «Эртага, ярим тунда етмиш кема дарё оқими билан Жанда шаҳрига қараб равона бўлур. Уч кеча-кундуз сузурмиз...» деди у.

— Бугун тунда ҳужумга бормайдиганлар қурол-яроқларни, хўракларни кемаларга жойлаб қўйишлари лозим, — деди Шоҳмурод Кўҳистоний атрофидаги қилич осган сарбозларга.

— Бу ишимиз юртни ташлаб кетиш деган гап эмас, — деди Темур Малик, — биз султон Жалолиддин туғи остидаги катта лашкарга бориб қўшилурмиз, фармон шундоқ. Чингизга қарши катта куч билан ҳужум бошлаймиз! Душманни тору мор этиб юртимизни асоратдан озод этурмиз. Мақсад равшан. Бўлинганни бўри ер. Бўлтак-сўлтак лашкар билан душманни енгиб бўлмағай. Жанг энди Қатвон даштига кўчгай. Вақтинча Хўжандни ташлаб кетишга тўғри келадур. Бу жуда аччиқ, ўлимдан оғир... Аммо начора! Она тупроқни ташлаб кетмоқдан ўлим афзал! Локин биз она тупроққа яна қайтиб келишимиз учун ҳозир чекинишимиз лозим!

— Тадбир барчага тушунарли, муҳтарам саркарда, — дея Темур Малик сўзларини тасдиқлади Хўжа Идрис Кубаро, — сизнинг ва шаҳзода Жалолиддиннинг бу режаси, кучларимизга куч қўшиб, иншоолло, юртни озод этурмиз. Омин! — деди у қўлларини юзига тортиб.

— Сиз, ҳазрат, Хўжандда қолинг! Сардор Муҳаммад Интизом ҳаммавақт хизматингизда бўлур. Хўжандда яхши одамлар хонадонида эҳтиёт сақлаймиз. Мен сардорга сизни тайинлаб айтганмен... — деди Темур Малик Хўжа Идрисга мулойимлик билан.

— Муҳтарам саркарда, мен сиз билан бирга кетурмен! Сиздек биродарларимдан ажралиб қололмаймен. Ҳазрат Шаҳобиддин, сардор Шоҳмуродлар ёнида бўлсам — бу шараф! Қатъий қарор қилганмен. Агар мен ўз фарзандларимдан аъло — сизларга эътимод қўймаганимда бу оролга ҳам келмас эрдим. Кемага тушганнинг жони бир. Мен бир кексанинг жони ватандошларимнинг жонидан азиз эрмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Малик яна жим бўлиб қолди. Кекса устознинг бу қатъий қарори унга яна далда берди.

— Худо ёр бўлсин сизга, ҳазрат! — деди айғоқчилар сардори Муҳаммад Интизом.

Ярим тунда сардор Олабуқа, Қанғли Арслон бошчилигида уч кема ўнг қирғоққа ўтди. Манжаниқлардан ўтли тошлар тинимсиз отилиб турди. Ҳар бири етмиш-саксон сарбоз йигитдан иборат бу уч тўда қирғоққа етишлари биланоқ, кемада бир йигитни қолдириб, уч томонга тўсатдан ҳужум бошлашди. Сарбозлар атайи қалқон кўтармай, ўнг қўлларида қилич яланғочлаб, сўл қўлларида найза тутган эдилар. Кутилмаганда бошланган ҳужум душманни саросимага солди — уйқуда ётганлар чодирларидан чиқиб, тоғ томонга қочишди. Бундай ҳужум бўлишини кутиб қирғоқ атрофида ётган — Ўтрордан ҳайдаб келинган асирлардан бир қисми ҳам мўғулларга қўшилиб қочишди. Улар шу қочганларича асирликдан қутулишди. Қўпчилиги Келовчи тепаликлари томон кетишди. Тўс-тўполонда қочишга журъат этолмаган асирлар ўз жойларида ётаберишди. Темур Малик навкарлари ўзларига тегмасликларини яхши билишарди. Улар тинимсиз ташиган харсангтош уюмлари бир ойлардан кейин дарё суви юзасигача чиқиб, тўғон шаклини ола бошлаган эди. Дарё суви ҳам кўтарилиб, орол устига яқинлашгач, яна бир-икки кундан кейин оролни сув босиш хавфи бор эди. Кейинчалик, ўша кечада бўлган ҳужум вақтида икки мингдан ортиқ Ўтрор, Сиғноқдан ва шу атрофдан ҳайдаб келинган асирлар ҳар томонга қочиб кетгани маълум бўлди.

Ўнг қирғоқда тўс-тўполон вақтида Темур Малик Шаҳобиддин Хивақий, Шоҳмурод Қўҳистоний, Ҳусайн Гов, Иброҳим Дўлдай сардорлигида уч гуруҳ чап қирғоққа ўтиб, яна қалъага бостириб киришди. Бу ҳужумдан илгари хабардор бўлган Муҳаммад Интизомнинг йигирма йигити билан саркарда келиб қўшилиб, қалъа ичини тўс-тўполон қилди. Унинг йигитлари отхона қоровулини ўлдириб, хашакларга ўт қўйишди. Қалъа ёнидаги мўғулларнинг Тапқоқдаги боргоҳига ҳужум қилиб, икки юздан ортиқ душман навкарларини қиличдан ўтказишди. Муҳаммад Интизомнинг хабар беришича, қаерда мўғул истеҳкоми, боргоҳи бўлса, унга ҳужум қилиб, ўт қўйишди. Бу ишга Хўжанд фуқаролари ҳам қатнашишди. Бир неча соатлик жангдан сўнг, улар яна дарё бўйи томон юриб, ўз кемаларига туша бошладилар. Қалъа дарвозасидан қилич яланғочлаб чиққан Темур Малик йўл четидан бир неча сиқим тупроқ олиб, рўмолчасига ўраб, маҳкам тугиб, қўйнига солди ва бу ишини кузатиб турган Муҳаммад Интизомга тикилиб қаради:

— Сардор, биз эртага тунда оролдан чиқиб кетурмиз. Яратганнинг хоҳиши шундоқ бўлди. Қатта куч бўлиб, ҳужум қилмай юртни озод этиш мушкулдир. Султон Жалолиддиннинг бизни Қатвон даштига чақириб, икки бор мактуб юборганидан бохабарсиз. Қатта кучга бориб қўшилиш — юртни ташлаб кетиш деган гап эмас.

— Саркардам, шундоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўжандни сизга, сизни яратганга топширдик.
— Амрингизга ҳамиша тайёрмен!
Улар қучоқлашиб хайрлашишди.

Шундан сўнг Муҳаммад Интизом ўз одамлари билан Темур Маликни дарё қирғоғигача кузатиб қўйиб, ҳар томонга тарқалишди. Темур Маликнинг уч кемаси тун қоронғисида яна орол томон сузиб кетди. Юрак олдириб қўйган мўғуллар саркарда сарбозларини таъқиб этиб, қирғоққача келишга журъат этиша олмади. Бир-икки бундай қилишганда атайи пистирмада қолдирилган тўда орқадан югуриб келиб, мўғулларни чопиб ташлаган эди. Шу сабабли Темур Маликни таъқиб этиб, орқадан қувиб келишни мутлақо лозим топишмай, ўз жойларида калтак еганларича қола беришди. Темур Маликнинг Улоқ нўённи ўлдирмай, қайтариб юборгани ҳам мўғулларни ўйлатиб қўйган эди.

Лекин ватанпарварлар учун энг ёмони шу бўлдики, Тапқоқдаги мўғуллар боргоҳида бўлган чопқинда Ҳусайн Гов қаттиқ яраланиб, ўрнидан туролмай қолди. Яна ўн уч навкар ҳам қалъа ичидаги жангда нобуд бўлган эди. Сузиб кетаётган кемада ўтирган Хўжа Идрис Кубаро қурбонлар ҳаққига дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Тунги жангларда илгари бунчалик кўп талафот кўришмаган эди. Ўнг томонда жанг қилиб қайтиб келганлар ичида яна ўн беш йигит ҳалок бўлганини эшитишди. Оролда қолиб, кемаларни тайёрлаётганлар билан Хўжа Идрис Кубаро шаҳид бўлганлар шаънига яна тиловат қилди. Ярадор сарбозлар ёнига келган табиб жароҳатларга малҳам қўйиб, баъзиларига сувга эзиб, мўмиё ичирди. «Лат еган устихонларни даволайди, яра-чақаларни тез тузатади», дея далда берди у.

Саҳарга яқин Темур Малик бир муддат мизғиб олди. Чарчабҳориб келгани сабабли у белидаги салоҳлари — қилич ханжарини ҳам ечмай болишга ёнбошлаб, пинакка кетди. Унинг ёнига эт — таом ва шарбат олиб кирган йигит саркардани уйғотиб юбормаслик учун қўлидаги патнисни оҳиста қўйиб, оёқ учида чиқиб кетди.

Темур Малик туш кўрди: тушида уч яшар ўғли — Метинни кўтариб юрган эмиш. Бола онасини ахтариб, йиғлармиш... Темур Малик: «Сенинг онанг хиёнат қилди. Онанг энди йўқ...» деган гапни айтмоқчи бўлибди-ю, дарҳол тилини тишлабди. Бола бу гапга тушунмайди. Агар у каттароқ бўлиб, бу гапни эшитса ҳам, бари бир, ишонмайди. Чунки унинг онаси — Ойчечак... Бола ҳеч қачон ўз онасини ёмонлаши мумкин эмас. Шу лаҳза унинг ёнида пайдо бўлган Қоракўз бека Метинни отаси қўлидан олиб, эркаламоқчи бўлибди. Аммо бола унга бормабди. Саркарданинг бошига тушган фожиадан ачинган Қоракўз ундан кейин бунда пайдо бўлиб қолган рақҳоса Нигина гўзал бошини эгиб, хомуш ерга қарашибди...

Ташқарида одамларнинг ғала-ғовури Темур Маликни уйғотиб юборди. У кўз очиб, бир муддат карахт бўлиб ўтирди. Нега унинг кўз олдига марҳума Қоракўз бека билан Нигина келди? У ўйланиб қолди. Ўғли Метиннинг садоқатли киши қўлида экани кўнглига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасалли берди. У ёстиқдан бош кўтарди-да, ёнидаги рўмолчасини ёзиб, яна бир рўмолча топиб, чўнтагидаги тупроқни қисимлаб-қисимлаб иккига бўлди. Рўмолчаларни тугиб, бирини белидаги белбоғи орасига солди. Иккинчи рўмолчага ўроғлиқ тупроқни Шоҳмурод Қўҳистонийга тутди:

— Буни олинг, ҳазрат, бу — Хўжанд тупроғи. Бу биз учун баҳоят қимматли, ҳамма нарсадан аъло она тупроқ! Уни ҳаммавақт ёнингизда сақланг. Биз албатта ўз еримизга қайтиб келурмиз!

— Илоҳи омин! — деди Шоҳмурод Қўҳистоний рўмолчага тугилган тупроқни кўзига суртиб.

Иккн саркарда бир-бирларига тикилиб қолишди. Уларнинг қалбидаги айрилиқ изтиробини сарбоз йигитлар сезиб турардилар.

ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ

РЎЙИНТАНЛАР[1] ЎҚ БЎРОНИ ИЧИДА

Темур Маликнинг яқин орада дарё ичидаги истеҳкомни ташлаб кетишидан хабар топган мўғуллар қайси йўл билан бўлмасин уни ушлашни ўйлашди. Хўжандликлар ўз режаларини қандай қилиб душманга маълум бўлганини билишмасди, суриштириб ўтиришга ҳам вақт йўқ эди. Саркарда бу борада ўз шерикларидан мутлақо шубҳа қилмади, бунга асос ҳам йўқ. «Кетишга тайёргарлик сир эмас, бу гапни Улоқ нўён ҳам билган эди», — деди у Шоҳмурод билан ҳазрат Шаҳобиддинга.

Жалолиддинни чақируви, ягона кучга қўшилиб катта қўшин тузиш сардор дилидаги эзгу мақсад. Шу мақсадда қаттиқ турган Шаҳобиддин Хивақий, султоннинг ҳам, Туркон хотуннинг ҳам кўзига ёмон кўринибди, Хўжандга кетди.

Кейинги кунларда мўғуллар айниқса асирларни шошилинч ишлатиб, оролга тўғон қуриш, узоқдан тош ташитиш ишларини бирдан тўхтатди. Кечаю кундуз сурункасига дарё четига посбонлар қўйиб, Темур Малик қайиқларини кузатардилар. Камонандозлар қопларда ўқ олиб келиб, дарё бўйида шай туришарди. Идишларда ёғу олтингугурт, пахтаю латталарни, каноп ипларигача шай қилиб қўйишган. Хўжанд қалъаси рўпарасида то оролгача бўлган дарёнинг икки томонида қатор қўйилган камонандозлар Темур Малик кемаларини туну кун пойлашар, дарё ўртасига чиққан одам тўла кемаларни оловли ўқ бўрони остида қолдириб, сув ичидаёқ ёндириб юбориш мақсадида эдилар. Оролча билан Жанда шаҳри оралиғида, беш чақиримча нарида дарёга яширинча занжир тортиб қўйишган ҳам эди. Ер кавлаб, дарёнинг икки томонига йўғон ходалар кўмиб, узун занжир боғлашган, бу занжир биронта ҳам қайиқни ўтиб кетишига йўл бермай, кемаларни ағдариб юбо-

---

Р ў й и н т а н — Шарқ достонларидаги танига ўқ ўтмас, қилич кесмас, ўтда ёнмас, сувда чўкмас паҳлавонлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришга қодир. Бу ерга айниқса кўп камонандозлар қўйилган. Занжир ҳам икки қават бўлиб, азамат йигит билаги йўғонлигида. Занжирга келиб урилган кемалар сувга ағдарилиб, тўнкарилиши, дарё юзи чумолидек одамларга тўлишини томоша қилмоқ учун Сўқту билан Улоқ нўёнлар ҳам келишган.

«Қатвон даштида султон Жалолиддин катта қўшин тузаётгани»ни эшитган Чиғатой «Хўжанд истилосини ҳал қилган» бўлиб, зарур гапларни Сўқту нўёнга тушунтириб, тезда отаси ёнига жўнаган эди. Гарчи Улоқ нўённи мансабидан тушириб ва яна бирон жазо берилмаган бўлса ҳам Чиғатой унга ортиқча илтифот кўрсатмади. Фақат бир ўтиришда «...Албатта сендан кўра ўша душманимиз Темур Малик баҳодир ва кўп даража юқори туради. Кўплар жанг қилишни ундан ўргансин! Сен, хулганани ўлдирганларида бу ерликлар ичида обрўйимиз ошган бўларди. Афсус! Мен ҳам сени ўлдиролмайман, чунки отанг аслзода, «улуғ қаан»ни қувватлаган... Қандай қилиб асир тушдинг, бунга ақлим етмайди! Ярамас хулгана!» — деб роса изза қилди.

Чиғатой тонготарда ўзининг отлиқлари билан йўлга тушди. Тезда отаси Чингизхонни Хўжанддаги донгдор лашкарбошилар Жалолиддин, Темур Малик, Шаҳобиддин Хивақий, Шоҳмурод Кўҳистонийлар режасидан огоҳ этиб, Самарқанд ёнидаги Қатвон даштига иккинчи қатла қўшин тортиб бориш лозимлигини дилига тугди. Юқорида номлари зикр этилган лашкарбошилар ҳақида маълумотлар олди. Ҳаммадан ҳам унинг хаёлини дарёдан эчки терисини пуфлаб ўтиш, қамишдан най ясаб олган сарбозларнинг сув тагидан ўтиб, мўғул қўшинига кўп талафот бераётгани, бу ишларни ўйлаб топган Темур Малик эканини ҳам кўнглидан ўтказди.

Жадди[1] ойининг учинчи куни илгари мўлжалланганидек тонготарда эмас (кейинги пайтда мўғуллар тонготарни пойлашарди), қош қорайишига яқин етмиш етти кичик соябонли кемалар қирғоқдан узилиб, кетма-кет дарё юзида оқим билан сузиб кетиша бошлади. Оқшом ғира-ширасида йўлга тушишдан мақсад, қоронғи тунда сузиб, тонготарга яқин Жанд шаҳрига етиб, сувдан чиқиш жуда қулай. Иккиламчи, мўғуллар кўп вақт уларни айни тонготарда ҳужумга ўтишликларини яхши билишарди. Шу сабабли Темур Малик режани уч кун илгарига суриб, оқшомдаёқ йўлга тушишга фармон берди. Кемалар соябони — сомонли лойлар устига хумчалардаги сиркаларни тўкиб ивитиш, оловли ўқлар ёндиролмаслиги учун ҳозирлик кўришни барча сардорларга тайинлади. Обдан қоринларини тўйдирган сарбозлар, етмиш кемани тўлдириб ўтиришди — қўлларида камонлари шай!

Темур Малик олдинги кема тумшуғига чилангар сандонини қўйиб, тиғига обдан тоб берилган икки болтани ушлаб ўтирарди. Беш одам сиғадиган икки кичик кемани олдинроқда суздиришди, бундаги йигитларнинг кўзлари сувда, қаергадир мўғул-татарлар

[1] Жадди — январь.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортган узун занжирни қидиришар, кемалари агдарилиб кетишини мўлжаллаб ярим яланғоч турардилар. Лекин орол қирғоғидан дарё оқими томон силжиган биринчи, иккинчи кемага кўзи тушган мўғуллар ўзларининг одатий ёввойи шовқин-бақириғини бошлаб, дарёнинг икки қирғоғида у ёқдан-бу ёққа чопиша бошлади. Темур Малик билан бирга биринчи кемага чиққан шайхулислом Хўжа Идрис Кубаро яратганга ёлбориб, саркарда Темур Маликни, қўшинни ўз паноҳингда асра, дерди. У катта кема тумшуғида қўлига ўткир болта ушлаб турган Темур Маликка, бошқа сардорларга дам соларди. Шамол шарқдан келаётгани сабабли кемалар ой нурида жимирлаб оқаётган дарё оқими томон шитоб билан сузиб борарди. Айниқса дарёнинг ўнг томонида мўғуллар отлиқма-яёв сояларга ўхшаб кемаларни қувлашар, оловли ўқ узиб, одатдагидай: «ҳай-ҳу-ув, ҳай-ҳу-ув!..» деб қичқиришарди. Темур Маликни тириклайин қўлга туширмоқчи бўлган Сўқту нўён бир сакраб отига миниб, орқасидан тўда отлиқларни эргаштириб, дарё оқими томон бақириб-чақириб чопиб кетишди. Улар беш фарсах нарида тепаликнинг нариги томонидаги «занжирга илинган» «сувга ағдарилган» хўжандликларни қириб ташлаш учун югуришарди. «Сувга ғарқ бўладиганлар»ни сувда эканидаёқ камонлардан ўқ узиб, чўктириб юборишни кўзлашарди. Баъзилар от устида қилич яланғочлаб, ҳа-ҳу... деб югураётган Улоқ нўён, Сўқту нўёндан ҳам ошиб, олдинга интилардилар. Улоқ нўён бўлса ҳозироқ Темур Малик бошини узиб ташлаб, Чингизхон олдида, бундаги мўғул қўшини олдида ўзини оқлаб олмоқчи бўларди. «Биринчи лашкарбоши» Сўқту нўён Улоқнинг ортиқча хатти-ҳаракатлари, қилиқларидан энсаси қотиб, ёнидагига ўз тилида пўнғиллади:

— Бу хулганани қара! Сувдагиларга қилич билан ҳужум қилар эмиш! Ўзини кўрсатмоқчи! Темур Маликнинг қўлига тушиб, шарманда бўлиб қайтди. Улар Улоқни душман сифатида ҳам менсимай, орқасига тепиб, ҳайдаб юборишган. Улар бу «хулгана» эвазига Хўжандни сўрашди. Чиғатойхон ҳам, мен ҳам бунга рози бўлмадик. Ўлдирсаларинг ўлдириб юборабергинглар, дедик. Лекин улар бунинг юзига тупуриб, ҳайдашди. Бу аламга қандай чидаймен! Энди у баҳодир бўламен, деб кучанаётир. Бари бир, Чиғатойхон унга мартаба бермайди! «Иккинчи нўён» бўлиб юрганига шукр қилмайди, ҳайвон!

Улоқ нўён бўлмаса унинг ўрнини эгаллаши мумкин бўлган Дамба деган турқи совуқ мўғул Сўқту нўён атрофидан кетмас, гўё уни душмандан ҳимоя қилаётгандай олазарак, атрофида айланарди. Тўқнашув, аралаш жангда бундай ҳимоя нўён учун жуда муҳим, аммо ҳозир дарё ёқалаб югураётган отлиқлар фақат мўғулларнинг ўзлари эди. Сувда сузиб келаётган кемалардан анча илгарига ўтиб олган мўғул отлиқлари Сўқту нўён буйруғи билан отдан тушиб, камонларини шай ушлаб туришди. Биринчи, иккинчи катта кемалар яқинлашишини пойлашди. Бир-биридан юз қадам, юз эллик қадамча оралиқ сақлаб келаётган кемалардан олдиндаги соябонли катта кемага қирғоқдан ўқ ёғдирилди. Думли юлдуз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек осмондан ёниб келаётган камон ўқларининг аксари сувга тушиб ўчар, баъзан кема соябонига санчилиб, бир муддат жизиллаб ёниб турарди-да, кейин сирканинг таъсири билан ўчиб қоларди. Олдиндаги кема бирон муддатдан кейин тамоман жайрага ўхшаб қолди. Унинг тамоман ёғочлари, соябонлари, эшкакларига мингларча ўқлар қадалиб, каттакон бир «кирпитикон» сув устида сузиб келаётганга ўхшарди. Биринчи кемадан мустасно, орқадаги соябонли кемалар ҳам ўқлар қадалишидан «кирпитикон» бўлишган. Кемаларда тўлиб ўтирган йигитлардан баъзилари соябон устидаги сувоқ-лойни сирка билан нам этилгани маъносига энди тушунишди. Қўплар саркарда Темур Малик билан Қўҳистоний жаноблари ҳам илгари ишлатилган ва ишлатилмаган эчки териларни кемаларга бўлиб бериб, мабодо биронта кема шикастланиб ёнса дарҳол эчки терини пуфлаб семиртириб, оғзини арқонча билан боғлашни, ўзини сувга ташлаш лозимлигини айтган. Қўрқмай, дадил бўлмоқ керак, шу пуфланган эчки терини ушлаб то Жанд шаҳри ёқасига етиб бориш мумкин деган эди саркарда. Муҳорабада бундай усталик тутиш мовароуннаҳрликларга ота мерос эканини ҳам Темур Малик айтган. Доро ва Искандар жангида оловли ўқ-ёй отиш, эчки терисини дўмбира қилиб, сувдан ўтиш усуллари қўлланилган.

Дарёнинг бир қадар тор, сиқилиб оқаётган жойига етганда ўнг томонда гала бўлиб қувиб келаётган душманга биринчи бўлиб Темур Малик камондан ўқ узди. Шундан сўнг олдиндаги икки кичик кема орқадаги катта кемалардаги камонандозлар ҳам ўқ узиша бошлади. Учи тиғдор ўқлар шиғиллаб, ғувв-ғувв уча бошлади. Оқшом қоронғисида, ўнг қирғоқда баъзи отлиқларнинг гурсиллаб йиқилгани кўринди. Пиёда чопаётганлар қалқонларини паноҳ этиб, югуришади. Сувдагиларга ваҳима солиш мақсадида яна илгаригидай «Ҳа-ҳу-у, ҳа-ҳуу!» деган ғайритабиий овоз чиқаришарди. Орқадаги кемада кимнингдир кўксига ўқ қадалиб, шаҳодат топганини кўришди. Шу ҳолда кемалар тун қоронғилигини паноҳ этиб, олдинга сузиб боришарди. Хўжандликларнинг Жанд шаҳри ёнида сувдан чиқишликларини ҳам душман сезган. Чунки ундан нари боришнинг ҳеч ҳожати йўқ — Шошу Ўтрор ер билан яксон бўлган, Туркистонда мўғул нўёни ўтирибди. Бу шаҳар аллақачон мўғуллар қўлига ўтган, Темур Маликнинг режаси Жанд орқали қумликлар оша Зарнук қалъаси, кейин Нур шаҳрига, ундан тоғ оралиқларидан ўтиб, Самарқанд яқинига, Қатвонга етиш...

Жалолиддин билан Темур Малик ҳозирги пайтда Чингизнинг асосий душмани бўлиб қолди. Султон қочган, вазири аъзам Низом ал-Мулк ўлдирилди... Ариллаган-дариллаган саркардалар йўқ, баъзи мансабдорлар ин-инларига кириб кетган. Майдонда икки саркарда мамлакат туғини кўтариб, Қатвонда куч тўплардилар.

Кемалар борган сари занжирга яқинлашаётганини Темур Малик сезаётгандай бўларди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАДАХШОН БУРГУТИ ҚАЛЪАИ ХУМБГА ЕТОЛМАДИ...

Мовароуннаҳр шоирларининг тинимсиз мақтовларини эшитаберганиданми, Ой нобоп хотинлардек фалакда бамайлихотир ярқираб, бу иши билан ҳозир хўжандликларга хиёнат қилаётганини фаҳмламасди. Темур Малик, Шоҳмурод Қўҳистоний, сардор Олабуқалар учун бу кеча ғоятда қоронғи бўлгани маъқул. Улар кемаларда ўзларининг сарбозлари билан сузиб, Жандга, ундан қум орқали Ғурганж сари юришлари, Жалолиддин лашкарига қўшилмоқлари даркор. Бу ҳаёт ва мамот эмас, ундан ҳам юқори, она-Ер тақдиридир. Аммо буни унутган ўн тўрт кунлик Ой Сайҳун мавжлари, тўлқинлар билан ўйнашиб, ўз ватандошларини ёвга тутиб берарди. Унинг Ойчечакдек иродасиз, фоҳиша қиёфасида эканини Хўжанддаги Муҳаммад Интизом эмас, кемадагилар ҳам шундоқ сезиб турардилар. Начора, омад кетгач, фалакдаги Ой ҳам сендан юз ўгирар экан, деди олдинги кема тумшуғида ўқ-ёй ушлаб турган Темур Малик. Худди шундай хаёл охирги кемада ўтирган Шоҳмурод Қўҳистоний дилидан ҳам ўтди. Омад кетса аталага ҳам тиш синади... Дарёнинг икки томонидан шовқин солиб, қичқириб, тинимсиз оловли ўқ билан тийборон қилаётган мўғуллар дарё юзида қатор тизилиб, оқим бўйлаб сузиб келаётган кемаларни қувлаб, «ғув-ғув-ғули-ғули...» лаганча ўқ узишар, сузиб келаётган кемаларни ёндиришга ёки ағдариб ташлашга уринардилар. Кемаларда ўтирган қуроллари шай, жасур йигитлар ҳам обдан мўлжални олиб ўқ узишиб, душманнинг ўмбалоқ ошганини, кўксини чангаллаб, йўлда йиқилиб қолганини кўришарди. Ўқлари нишонга тегаётганини кўрган хўжандликлар авжга миниб, қирғоқдаги «ғули-ғулилар» томон ўқ бўрони йўллашди. Ер тишлаб, оёқ-қўли питирлаётганларни бемалол кўрса бўларди. Ярим тунда жанг яна авж олиб кетди. Сардор Қўҳистонийнинг тинимсиз ўқ ёғдираётганини кўрган йигитлар кеманинг икки томонига қатор, зич тизилиб, пайдар-пай ўқ узишар, йўл-йўлакай, душманга талафот етказишаётганидан танларида интиқом ўти аланга оларди.

Тинимсиз ўқ узиб, қалқиб бораётган сўнгги кема бирдан ағдарилиб, устидаги одамлар сувга тушди. Бу фалокат шу аснодаёқ Темур Маликка етказилди. Қимдир устидаги салоҳларини ечиб ташлолмай ғарқ бўлди, кимдир сув юзида туриб олдиндаги кемалардан бирига интилар, кимдир қирғоққа кўз тикар, душман кўринмаган томонни мўлжалларди. Кемадаги дўстларидан ажралган Шоҳмурод Қўҳистоний кимсасиз чап қирғоқни мўлжаллаб сузиб кетди. Анча нарида ярим тўнкарилиб, оқиб бораётган кемага ҳам кўз ташлар, қурол-яроғлар, озиқ-овқат... бари дарёга чўкиб кетди. У аранг сузиб, чап қирғоққа яқинлашиб, дарё четидаги бир тош қиррасини ушлаб, ҳаллослаб нафас оларди. Дарё оқимига узоқ тикилди. Хўжанд кемалари анча узоқлашиб кетган эди. Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули... деди у ўз ҳо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лига кулиб. Энди саркарда орқасидан юриб, етиб бормоқ мушкул. Энди тоғма-тоғ ошиб, Шуроб ва Гарм орқали Қалъаий Хумбга етиб олмоқ ва бунда одам тўплаб, яъжуз-маъжузлардан тоғлиқларни асрамоқ даркор! Хўжанд қўлдан кетди, саркарда Қатвон даштига бориб Жалолиддинга қўшилиб катта куч бўлиб, мўғулларни тор-мор этмоқчи...

Қийим ва салоҳларини ғарқ бўлаётганда ечиб ташлаб, ярим яланғоч қолган Шоҳмурод Кўҳистоний маҳкам ушлаб турган тош устига чиқиб, дарахт илдизига тирмашди. Юқорига кўтарилаётганида тепада пойлаб турган қандайдир икки киши қўлтиғидан ушлаб, тортиб олди. Кўҳистоний ҳайрон бўлиб, икки «халоскорга» кўз ташлади: ой нурида уларнинг қозон қопқоқдек ялпоқ башаралари хўмрайиб турганини кўрди. Улар ўз тилида бир нимани ғўлдиллаб гаплашишди. Бу гапга Кўҳистоний мутлақо тушунмади. Улардан қўлини тортиб олиб, даштга қочишни мўлжаллаган эди, мўғуллар Шоҳмурод Кўҳистоний қўлини куч билан орқага бураб, тепиб ерга ётқизишди-да, бири ўз белидаги арқонни ечиб олиб, Кўҳистоний қўлларини маҳкам боғлади. Ердан турғазиб, қиличларини қинидан суғуриб, яланғочлаб, олдиларига солиб олиб кетишди.

Қалъадан уч чақиримча нарида қўлга тушган Шоҳмурод Кўҳистонийни олиб бораётган мўғулларни шериклари «яхши инъом оладиган бўлибсизлар...» деб, туртиб кетишарди. Шу орада от чоптириб келаётган икки отлиқдан бири яланғоч олиб кетилаётган Кўҳистоний ёнида оти жиловини тортиб, асирга тикилди. Бир нима деб бўрига ўхшаб ўвиллаган эди, олдиндаги суворий ҳам оти бошини буриб, асир ёнига келди. Биринчи отлиқнинг кийимидан ўзларининг «нўёни» эканини фаҳмлаб, асирни олиб кетаётган мўғуллар унга итоат сақлаб, қотиб қолишди. Гўё дарёдан кемани агдариб, одамларни чўктириб, мана бунисини асир олиб кетяпмиз, дегандек сўзларни айтди мўғул сарбозларидан бири гапи оғзига тиқилиб. Биринчи отлиқ асирга тикилиб, кўзига танишроқ кўриндими, отдан тушиб, жуда яқин келиб қаради. У дарҳол отга минганича ўз тилида ғўдиллади: бу Темур Маликнинг яқин кишиси, катта мансабдорлардан. Мен унга асир тушганимда, Темур Малик чодирида, ёнгинасида кўрганман, деди. Шоҳмурод Кўҳистоний ҳам уни бир кўришда таниди — бу семиз Улоқ нўённи ўлдирмай, қўйиб юборишган эди. Иккинчи мўғул ҳам отдан тушиб, ой нурида Кўҳистоний юзига боқди-да, икки мўғул сарбозга: «Буни олиб бориб, эрталабгача ёнидан жилмай, пойлаб ўтиринглар, сув ва эт беринглар, ўлиб қолмасин. Эрталаб тилмоч билан гаплашаман», деди. Улар яна отга миниб, шитоб билан дарё оқими сари чопиб кетишди.

Қилич яланғочлаган икки мўғул сардор Шоҳмурод Кўҳистонийни қалъага олиб келиб, дарвоза ёнидаги отхонага олиб киришди. Бу ерни мўғуллар қоровулхона этиб, ўз отларини қалъа ичидаги хонақо ва қатор меҳмонхоналарга боғлашган эди. Бу иш атайин қилинганн, «бизнинг отларимиз сизнинг уйларингизда ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ради!» деган гапни мўғуллар кўп такрорларди. Эрталабгача икки мўғул отхонада қиличлари қўлда Кўҳистонийни пойлаб ўтиришди. Унга сув ҳам беришмади, бари бир у ичмас эди ҳам. Бу отхонага илгари сардор Кўҳистоний икки-уч бор кирган эди. Худди шу ўтирган ерида унинг Кўк бургут оти, нарироқда саркарданинг Қарчиғайи боғлоғлиқ турарди. Қисматни қарангки, ўз оти охури ёнида турибди. Қани энди шу лаҳза Кўк бургут бўлиб қолса, қилич билан бир лаҳзада икки мўғулни чопиб ташлаб, тоғ томон учиб кетарди. Қалъаий Хумб аҳлини, ёш бекни, ҳаммани мўғул яъжуз-маъжузларининг ваҳшийликларидан огоҳ этарди. Бир томчи қон қолгунча жанг қилмоққа чақирарди.

Эрта билан уларни нўён ўз ҳузурига чақирмади. Шу бўйи Кўҳистоний бир ҳафта бунда қолиб кетди. Унинг қўлларини ечиб, сув ва хўрак беришди. У қилич яланғочлаган мўғуллар қўриқчилигида отхонада ётарди. Сардор тахминича, мўғуллар саркардани қувиб, Жандгача боришгани, қумда қаттиқ жанглар бўлаётганини, Темур Маликни ушлаб олиш учун мўғуллар жон-жаҳди билан атрофни ўрагани, нўёнлар ҳам ўша томонда эканини фаҳмлади. Бўлмаса, ўзини таниб қолган Улоқ нўён дарҳол чақиртириб, ўлимга ҳукм этиши, балки ўз қўли билан чопиб ташлаши аниқ эди. Уни чопиб ўлдиришни биринчи бўлиб Кўҳистоний айтган эди. Лекин саркарда бундан фойда йўқ, биз жаллод эмасмиз, иккиламчи, асирни ўлдирмаймиз, қўлига қурол ушлаб, биз билан жанг қилганни ўлдирамиз, деган эди. «Бу хато!— деди ичида Кўҳистоний,— агар ўшанда уни ўлдирганимизда ёвдан битта камаярди».

Бир ҳафтадан кейин Шоҳмурод Кўҳистонийни Сўқту нўённинг ёнига олиб боришди. Юқорида сарғиш икки ёноғи бўртган, кўзлари қисиқ Сўқту нўён икки-уч қават намат устига ташланган йўлбарс териси устида ўтирарди. Унинг ёнида бир кўзини қалин латта билан ўраб олган, лунжлари шишган, чўчқадек семиз Улоқ нўён чордана қуриб ўтирарди. Кўҳистонийни дабдабадор, Темур Маликнинг нақшин ўймакор хонасига — Доруссалтанага олиб киришди. Ёнида турган мўғул сарбозлари уни чўкка тушиб ўтиришга ундашди. Кўҳистоний нима дейишаётганига тушунмай саросима бўлаётган эди, этакда — ёнгинасида қўл қовуштириб турган чўққисоқол бир киши бузуқ туркий тилда унга буйруқ берди:

— Тиззани қўйиб ўтир!

Шоҳмурод Кўҳистоний Доруссалтана эшиги ёнида росмана чордана қурди. Унинг ўтириши Сўқту нўён ўтиришига жуда ўхшарди. Тилмоч дарғазаб: «Тўғри ўтир!» деб хитоб қилмоқчи эди, нўён қўли билан, «қўябер, қандоқ ўтирса ўтираберсин», ишорасини қилди. Шундан сўнг, юқорида ўтирган Сўқту нўён мўғул тилида бир нима деди. Тилмоч Кўҳистонийга қараб, унинг сўзини айнан айтди:

— Сен кимсан?! Мансабдормисан?

— Хўжанд сарбозлариданмен.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўқ, у сарбоз эмас, у катта мансабдор!—деди ўз тилида ғўдиллаб Улоқ нўён,— мен асирликда уни Темур Малик ёнида кўрганман. У мени ўлимга ҳукм этган, лекин Темур Малик мени ўлимдан ҳам оғир жазога — қўйиб юбориб, шарманда қилмоқчи бўлди. Чингизхон гуноҳимдан ўтди. Мана, Темур Малик ўқ отиб, чап кўзимни кўр қилди. Мен бир кўзим билан ҳам сени таниб турибман!

— Отинг нима?!— дўқ уриб сўради Сўқту нўён.

Сардор бир лаҳза ўйланиб, Сўқту нўёнга бақрайганча қараб қолди. Кейин уларни алдашдан манфаат йўқлигини, агар қалъадан олиб чиқиб, тўғри келган бир хўжандликка кўрсатишса, кимлигини айтиб беришлигини ва умуман, ўзини яширишнинг фойдаси йўқлигини фаҳмлагач, тўғрисини айтди.

— Сардор Шоҳмурод Кўҳистоний мен!— деди фахр этиб. «Сиз босқинчиларга кўп талафот етказган ҳам мен бўламен», деган гапни дилидан ўтказди.

Сўқту нўён билан Улоқ нўён бир-бирларига қараб қўйишди. Тилмоч ҳам асир ўзининг катта мансабдор эканини тан олганидан хурсанд бўлди. Чунки бундай «катта йўлбарс»ларни тутишгани ҳақида Чингизхонга, Чиғатой, Удэгейга хабар етса арзийди. Нўёнларнинг обрўси ошарди. Улоқ нўённинг кўр бўлган кўзи, юзидаги шиш оғриқлари ҳам бир лаҳза сезилмагандек бўлди. Бир гувраниб, ўтирган ерида мамнуният билан Кўҳистонийга жилмайди. Сўқту нўён эса, сунъий мулойимлик билан савол берди.

— Биз яхши сардор, баҳодир жангчиларни қадрлаймиз. Бизга хизмат этсанг, илгариги мансабингни тиклаймиз. Темур Малик қум ичига қочиб кетди, энди ундан умид йўқ. Бизга ўтиб, хизмат этсанг, ўлимдан қоласан, яна илгаригидай обрў-эътибор топасан.

Сардор Кўҳистоний ўйланиб, жим бўлиб қолди. Бу суҳбат ҳам мўғулларга ёқди. Чунки Ўтрорда қўлга тушган кўпгина мансабдорлар мўғул томонига ўтишдан олдин мана шундай ўйланиб, сукут сақлашарди. Терс жавоб бериб, юртига хиёнат қилмасликни пайқаган мўғуллар бу ишни чўзиб ўтирмай тезда масалани ҳал қилиб қўя қолишар эди. Тоққа Қалъаий Хумбга қочиб, укаси Элмурод билан бирга қўшин тузиш Шоҳмурод Кўҳистоний қалбидаги ёлғиз умид эди. Шу сабабли бир лаҳза имконият топса ҳам қочиб кетиш ниятида сукут сақлади. Узил-кесил фикр айтишдан ўзини тийди. Эҳтимол, у бир кунгина бунда юрса, Муҳаммад Интизомни топиши, унинг кўмагида Бадахшон томон қочишни кўзлади.

— Яна бир ўйласин,— деди Сўқту нўён сардорнинг мўғул томонга ўтишга хоҳиши бору аммо одамлар ўртасида «хоин» деган номни олмаслик учун индамай турибди хаёл қилиб. Қилич ялангочлаган қўриқчилар Кўҳистонийнн ташқарига олиб чиқиб, отхонага эмас, қалъа ичидаги кичик хоналардан бирига олиб кириб, овқат беришди. Сардорнинг илтимосига кўра чой ва устига либос ҳам беришди. Ёнига кирган тилмочга: «Мен Хўжанд ҳокимидан кейин турадиган мансабдормен. Бизнинг туркий тилда кутвол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейдилар. Қалъа бошлиғимен. Мени Хўжанд аҳли яхши танийди. Мен, нўённинг сўзи хусусида чуқур ўйлашим керак. Буни бориб айт! Мен уч-тўрт кун ўйлашим даркор. Агар нўён шошса, мени ўлдираберинглар, яратганнинг хоҳиши шундоқ, деб, тақдиримга тан берамен», деди.

— Албатта, мен бу сўзингни нўёнга айтармин. Шошилиш тугул,— деди тилмоч,— сиз киби мартабадор кишини ўлдирувга тегиш эмас! Агар биз томонга ўтсагиз кўп ақиллик иш қилган бўласиз. Эҳтимол, нўён буйруғи била яна ўз қалангизга ҳоким этилурсиз. Ўйлаб кўрурга тегиш, монғоллар айбат, мард кешилар!

Шоҳмурод Кўҳистоний тилмочга тикилиб қараб турарди. Дарё ичидаги истеҳкомда эканларида қўлга тушган Кучумга ҳам жуда ўхшашиб кетарди. Унга «тўрт томонинг қибла, кетабер!» дейишганида, либосларини қўлга ушлаб сувга ўзини ташлаб, ғойиб бўлгани кўз олдига келди.

Эртасига қалъа хонасида ёлғиз ўтирган Кўҳистоний ёнига яхши либослар кийиб, обдан безанган, бармоқларида тилла нигин, бўйнида марварид, кўзларида сурма... ёш бир жувонни киритишди.

— Бу сенга хотин!— деди тилмоч,— нўён сенинг тунги дилхушлигинг учун юборди. Унга боқ, бик матур, айбат...

— Кимсен? Отинг нима? Нега сени юбордилар?!— деди кўзлари ола-кула Кўҳистоний бу разолатдан талвасага тушиб. Бундан кўра кеча ўлдириб қўяқолганларида қутулган бўларди. Хўжандга ота бўлган сардор энди Хўжанд қизлари билан ишрат қуриши керакми? Кўз олдига ўз қизлари келди. Бечора қизлар мўғуллар қўлига тушмаслик учун ўзларини қалъа кунгурасидан ташлаб ўлдиришган. Бу хабарни дарё ичидаги оролда туриб эшитган Шоҳмурод Кўҳистоний юрагини чангаллаб ҳушидан кетиб, уч кеча-ю, уч кундуз томоқ емай, кўксини захга бериб ётди. Жангчи экани, солоҳият, ўзини ўлимга тикиб қўйганини англаб, ердан қаддини кўтариб, қиличини ғилофидан суғуриб, тиғини кўздан кечирди. Кўз олдида бахт кўрмай кетган қизлари ҳам турарди. Унинг кекса рафиқаси аслида ҳалок бўлган бўлса ҳам, Муҳаммад Интизом саркарда маслаҳати билан «тоғ оралиқларига — хешларини паноҳ тортиб қочиб кетгани» хаёлидан асло кетмасди.

— Мен — Зебомен, ҳазрат, яшириниб юрибмен...— деди хаёл суриб қиз. Унинг ҳуши ўзида эмасга ўхшарди...— Мўғуллар қўлига тушиб қолдим. Сўйиб ўлдирмасинлар деб, айтганларини қилиб юрибмен... Мен паримен... Мен сизни хурсанд қиламен... Мен осмонда учамен... Жаннатга ҳам кириб чиқдим. Мен — паримен...

— Бу ердан кет.

— Ҳазрат...— У ўрнидан туриб эшикка чиқиб кета бошлади. Ҳеч нарсага тушунмай олазарак тилмоч ва икки мўғул қўриқчиси бир-бирларига қарашди.

— Мусулмон кимса динида ёт аёл билан никоҳсиз қовушмийлар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳмурод Қўҳистоний миқ этмади...

— Сизга шарбат киритарлар, ичингиз, эртан суйлашарбез...— тилмоч ва қоровуллар хонадан чиқиб кетишди. Қўҳистонийга эшикдан бир қадам чиқмаслик айтилган, шу сабабли ҳам у ичкарида ёлғиз ўтираберди. Бир муддатдан сўнг тилмоч яна хонага қайтиб кириб, ўзининг ҳам мусулмон динида экаплигини Қўҳистонийга билдириб қўймоқчидек, юзига қўнган пашшани ҳайдагандек тез икки кафтини силкиб, фотиҳа ўқиди,— мен-да, муслим, будда ва шамам динидагиларга ярий, биз булай фатеҳа этабез. Сез бик тоза кеши экансез.

«Сабр керак балосига, ризо керак қазосига...» деб юрадиган шайхулислом сўзлари Қўҳистоний ёдига келди. У мана бир неча кундан буён, қалъадан чиқиб тоққа қочиш режасини ўйларди. Хона бурчагидан топиб олган чинни синиғини авайлаб, ёнида сақларди. Тунда, хона эшигида қоровуллик қилаётган мўғулнинг бошини шу қирралик ўткир чинни парчаси билан уриб, сулайтириб, унинг кийимлари, аслаҳа-қуролини тақиб, қалъанинг отхонадан ташқарига чиқадиган йўлагига бориш, биронта отга миниб, тўғри келган мўғулга қилич уриб, шаҳардан чиқиб кетиш. Агар у отга миниб, қилич яланғочлай олса, бир неча мўғулга сўз бермай ёриб чиқиб кетишига ишонарди. Асирнинг уч-тўрт кун муддат сўрагани айёрлик деб шубҳаланаётган тилмоч унинг ёнига кутилмаганда тез-тез кирар, гўё туркий тилда гаплашишни соғинганини ва умуман мўғуллар қўпол, эт емакдан, хотинбозлик қилмакдан бошқа ишлари йўқ, улар илм-маърифатдан узоқ, бадавий одамлар экаплини айтди. Бу билан ўзини хўжандликларга яқинроқ қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Чингизхоннинг Ўтрорда, бу одамлар нима ейди, деб сўрагани, мева-гнёҳни кўп истеъмол этишларини эшитгач, бизда гнёҳни мол ейди, биз молни еймиз. Бу ерликлар мол экан, уларни аямай ўлдираберинглар, деганини айтиб ҳам қўрқитди... Бу билан тилмоч Қўҳистоний юрагига қўл солаётгани, уни синаб олиб нўёнга айтишини ҳам сардор фаҳмлади. Тилмоч: «Сиз ақлли сардорсиз», деган гапни кўп ишлатабергач, Шоҳмурод Қўҳистоний баъзан илгари ишлатиб келган бир нақлни унга айтди.

— Ақллилик бор, айёрлик бор... Уларни бир-бирига қўшиб бўлмайди,— деди Қўҳистоний чўққисоқол тилмочга тикилиб туриб,— бири — туған юрти манфаатини, иккинчиси ўз манфаатини кўзлайди. Ипак қурти ҳам, шиллиққурт, бузоқвоши ҳам қурт, кўринишда улар бир-бирига ўхшайдиган катта қурт. Бири — инсонга ипак беради, иккинчиси — мева дарахти илдизини кемириб, қуритади. Шундай! Ҳозир инсон ҳам икки хил: бири — юртини сотган, мўғулларга хизмат қилаётган хони, иккинчиси — юртини ҳимоя қилаётган чин инсон. Сен қайси бирига кирасан?!

— Сен ўзинг-чи?!— деди ранги оқариб, титраб кетган тилмоч.

— Меники аниқ!

— Эртага сени ўлдиралар! Тушундингми?!

— Йўқ, ўлдирмайдилар! Эртага кўрасан! Мен ўз сўзимни Сўқту нўёнга айтаман, сенга эмас!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилмоч ранги оқарганча асирни пичирлаб сўкиб, ташқарига чиқиб кетди. У қайтадан эшикни очиб, ичкарига кирди-да: «Сен итни Дамба қўлига топширалар!» деб кўзини олайтириб, эшикни ёпди. Қоровуллик қилаётган мўғул нима бўлаётганига тушунмасди. У икки мусулмон динидагилар баҳслашаётир, деб ўйларди. Шоҳмурод Кўҳистоний «Дамба» сўзини эшитиб, у жаллод бўлса керак, деди. Ўлдирадиган бўлгандан кейин жаллод ўлдирадими ёки Сўқтунинг ўзи ўлдирадими, бунинг нима фарқи бор... Энг муҳими, шу кеча ярим тунда қочиш лозим. Бу қочиш фақат жонни сақлаб қолиш эмас, жанг демак, укам Элмурод билан бирга она тупроқни мўғул оёғи остига ташлаб қўймаслик учун жанг, демак! Бу қочиш — кўп ишдан хабари йўқ Бадахшон элини оёққа турғазиш демак! Эл жонини омон, бола-чақани саломат сақлаб қолмоқ демак. Биз, тоғликлар ҳеч қачон жанг майдонидан қочган эмасмиз. Аммо ҳозирги дамда мен душман қўлидан сирғалиб чиқиб, тоққа боришим қарзу фарз! Ярим тунда сардор ердан топиб олгани бир парча учли шиша парчасини ушлаган ҳолда ёввойи мушукдек пусиб, эшик ёнига чиқди. Яланғоч қиличини тиззасига қўйиб, деворга суяниб ухлаб ўтирган мўғулга боқди — шу кунларда кўкда ярқираб турган хиёнатгар ой ҳам аллақачон ғарб уфқига чўкиб, тепада чақчайиб турмаган эди. Лекин бари бир тун ёруғ эди, киши кишини яқиндан таниб олмоғи мумкин. Ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмай, дарҳол мўғул тиззасидаги қилични олиб, чап томони юрагини мўлжаллаб зарб билан тиқди. Мўғул жонҳолатда кўз очиб, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо шу лаҳза йиқилди. Шоҳмурод дарвоза томонга бормай, қалъа деворига чиқиб, кунгура ёнидаги бурчак девордан сирғалиб тушиб кетишни мўлжаллади. (Бу ерда тушса бўладиган жой борлигини биларди.) У шарпадек ўша ерга бориб қалъа деворига чиқди. Кунгура билан девор бурчаклашадиган ерда бир неча оёқ қўйиб, пастга туша бошлади. Беш-олти газ юқориликдан ерга ўзини ташлади. Аммо ўн қадамча нарида мўғул посбонлари турганига кўзи тушди. У ўзини четга олмоқчи бўлган эди, мўғуллар югуриб келиб, қиличбозлик бошланди, оёқ яланг Шоҳмуродни тепиб, атайин оёғини жароҳатлаб ерга йиқитишди. Шундан сўнг қўл-оёғини боғлаб, тепкилаб, судраб яна қалъага олиб кириб отхонага ташлашди.

Энди ўлим аниқ бўлди. Тонг отиб, ҳаммаёқ ёришгач, отхонага тилмоч кириб, ерда ётган Шоҳмурод Кўҳистонийга истеҳзо билан боқди.

— Сенда калла бўлганда шу ишни қилармидинг?!— деди ёнидан ўткир пичоғини чиқариб Шоҳмуродга яқинлашиб. Сардор Шоҳмурод Кўҳистоний менинг қотилим мана шу, деб бақрайди. Ҳозир шу ўткир пичоғини бағрига тиқиб, ўлдиради хаёл қилди. Лекин тилмоч оёқ-қўлини сириб боғлаган тизимчаларни пичоқ билан узиб, уни бўшатди,— мен сени озод этмоқчи эмасмен, мен бундай ишни қиладиган хоин ҳам эмасмен, хотиржам бўлабер! Биз сени одамларингга кўрсатиб, катта душманларимизни қандай ўлдирган бўлсак, шундай ўлдирамиз. Чингизхон саркардалари

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлидан ҳеч ким чиқиб кетган эмас! Сен ҳам қочиб қутулолмайсан! Сенга Чингизхонга хизмат қилгин дедик. Сен аҳмоқ инсон буни қилмадинг. Энди сени Дамба қўлига топширалар, у сени ҳамманинг кўзи олдида нима қилишини ўзи билади! Ёки бизга хизмат қиласанми, ўлим олдида озгина ақлинг киргандир? Мен сени нўёндан сўраб олмоғим мумкин?

Шоҳмурод Кўҳистоний қаноти синган бургутдек девор тагида ётганча кўзларини катта очиб унга тикилиб тураверди.

— Суйла!

— Гўҳ, хўрде!

— Не деб суйлуйсен?

— Гўҳ хўрде!

— Бу сўзингга тушунмадим! Туркий суйла!

— Гўҳ хўрде! — Шоҳмурод Кўҳистоний кулди.

— Розимисен, йўқми?!— у зарда билан ерни тепди.

— Гўҳ хўрде!

— Ярамас!— тилмоч чиқиб кетаётган эди, Шоҳмурод унинг орқасидан туркий тилда гап отди:

— Сен мўғулларнинг ифлос малайи тоғликларнинг тилини билмайсен. Шундоқ экан, дилини ҳам билмайсен! Бизни ўлдирганларинг билан тоғни ўлдиролмайсенлар. Тоғ бор экан, сенлар бари бир йўқ бўлиб кетасенлар! Биронта тоғлиқ сен йиртқич бадавийларга бўйсунмайди!

Тилмоч хўмрайганча турди.

— У тоғнинг исми нима? У ерда қалъа борми? У қалъанинг номи нима?

— Гўҳ хўрде!

— Бу нима деганинг?

— Тоғ кўп дунёда! Ўзини ўлимга тиккан кимса ўз тоғини ва унинг номини айтадими? Сен ўзинг қандай аҳмоқсен! Қон-қариндошларимни билмагин, қишлоғимни билмагин, деб ўзимни ўлимга тикдим. Сен ифлосга мен юрагимни очаменми? У томонларга ҳеч қачон боролмайсен! Тоғ оралиқларида сени лакминг аскаринг бўлганда ҳам қириб ташлайдилар! Бориб, бу сўзни нўёнингга айт! Гўҳ хўрде!

Тилмоч хўмрайиб тикилиб, кейин ташқарига чиқиб кетди. Бир лаҳзадан сўнг қайтиб кирди:

— Олтинларингни, қимматбаҳо тошларни қаерга бекитгансен?!

— Мана бу ерга!— У кулди.

— Ўтрорда сенга ўхшаганларни қорнини ёрдик. Гавҳарларини ютиб юборган экан. Чингизхон унинг қорнидан қимматбаҳо тошларни олди. Балиқдек сенинг ҳам қорнингни ёриб, гавҳар тошларни оламиз! Сўнг ўлдирамез.

Шоҳмурод кулди: қорнини ёрса, ундан кейин ўлдирса... Бу йиртқичларнинг ўлдириши қанақа бўлди, деб юрагига негадир қўрқув туша бошлади. Афтидан, улар азобу қийноққа солиб ўлдирсалар керак деди. Номардлар! Шартта каллани олиш ёки ўқ-ёй билан кўксига отиб ўлдирмоқ афзалмасми? Бошқаларни қўр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қитмоқ ниятида бундоқ қийноқларга солсалар керак, деди ўз ўзига. Дилидан худога ёлбориб, бу касофатлар бир зарб билан жонини олишларини тилади.

Бу гаплар ва тинимсиз мўғулларга талафот бериб, қанча мўғулларни ўлдирганини билган нўён асло кечирмаслиги, агар у Темур Маликка сотқинлик қилиб, душман томонга ўтганида бу талафотларни кечириб, унинг обрўсидан фойдаланмоқчи эдилар. Бу бўлмади. Энди у кун бўйи отхонага кириб келаётган мўғулларга ялт этиб қараб, ўлимни кутиб ётарди. Кечгача ҳеч ким кирмади. Аксинча, унинг олдига қотган нон, сув олиб кириб беришди. Одамларни тўплаб ўлдирадиган бўлса, бу иш тунда эмас, кундузи бўлади, деди. Асабу қўрқув уйқу бермаса керак, деган эди, негадир ўз қишлоғини, тоғни, ёшликларини, тоғдаги қадрдон дўстларини ёдга келтирди. Дамо-дам онаси кўз олдида пайдо бўлди. Сал кўзи илинган экан, қари онаси келиб, тепасида турган эмиш. Сардор Шоҳмуроднинг бошини бағрига босиб, эркалармиш... У йигитлик вақтлари, булоқлар, чўққилар тепасида айланган бургутларни эслаб, хаёл сурди. Кўзи илиниб ухлади ҳам. Чап оёғининг лат егани ҳам баъзан уйқусини ўчирарди. То азонгача бешолти маротаба ухлаб, уйғониб, ухлаб, уйғониб ётди. Буни қуш уйқуси дейдилар, деди ўзига ўзи.

Эрта билан унинг ёнига қилич яланғочлаган икки мўғул ва тилмоч кирди.

— Сўнгги муддат етди. Ўрнингдан тура оласанми ёки қўлтиғингдан кўтаришсинми?

— Ўзим юрамен!— сардор Шоҳмурод Кўҳистоний ўрнидан туриб, оёғи алам берса ҳам, чўлоқланиб, қийналиб, ташқарига чиқди. Қалъа ҳовлисидан ўтиб, ташқарига, катта майдонга олиб чиқишди. Бунда юзларча одам тўпланганди. Улар мажбуран ҳайдаб келинган хўжандликлар эди. Бу одамлар ичида соқолли, қўлида асо ушлаган Муҳаммад Интизомга ҳам кўзи тушди. Ўзини қутқариб олиши мутлақо маҳол эканини ҳам фаҳмлади. Кекса хўжандликлар ёнидан ҳайдаб олиб кетишаётганида, у атайи Муҳаммад Интизомга эшиттириб: «Саломимни саркардага етказинглар. Қалъаий Хумбдаги қариндошларимга ҳам...» деди. Уни майдон ўртасида турғазиб қўйиб, Сўқту билан Улоқ нўёнларнинг келишини кутишди. Мўғул отлиқлари ёнида тери шим кийиб, яланғоч турган йўғон ва ялоқ юз бадбашара мўғулга кўзи тушди. Майдонга тўпланганлар бу бадбашарадан кўра ҳам сардор Шоҳмурод Кўҳистонийга тикилишиб, кўзларига ёш олишар, ерга қарашарди... Асирликдаги авом катта мансабдорларини мўғуллар қўлидан қутқариб олишга кучлари етмасди. Агар юз кимса қурол билан ҳужум қилса ҳам босқинчи қўлидан сардорни қутқариб ололмасди. Мункиллаган кекса одамлар ичида кекса бўлиб турган Муҳаммад Интизом жаноблари Шоҳмурод Кўҳистонийнинг юриб кетатуриб айтган сўзини фаҳмлади. Сўқту билан Улоқ нўёнлар отда қалъадан чиқиб, майдон ўртасида бошини баланд кўтариб турган Кўҳистонийга қараб кулишди. «Ҳамма мансабдор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг аҳволи шундоқ бўлади. Сенинг биз билган Темур Малик, Хоразмшоҳу Жалолиддин, Шаҳобиддин Хивақий ва бошқа мансабдорларингнинг ҳоли шундоқ бўлади!»— деди. Бу гапни тилмоч тўпланиб турган авомга баланд овозда маълум қилди. Сўқту нўён майдон четида ириллаган бўрига ўхшаб, дамо-дам тўрсайиб чиққан тишларини кўрсатиб, панжаларини жунбишга солаётган Дамбага имо қилди. Дамба битта-битта қадам ташлаб, кўзларини ола-кула қилиб, Шоҳмурод томон кела бошлади. Шоҳмурод бу жаллоднинг қўлида қурол йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди, барзанги сардорнинг елкасига чанг солиб итга ўхшаб ириллаб, тишларини кўрсатган эди, Қўҳистоний мўлжаллаб туриб, унинг энгагига мушт билан чунонам урдики, барзанги Дамба орқасига гандираклаб бориб, ўртага ўтириб қолди. Атрофда турган хўжандликлардан бири жонҳолатда қичқирди: «Сардор, бу йиртқич қашқирга ўхшаб томоқни тишлайди, энгагига тепинг!» Отлиқ мўғуллар хўжандликнинг нима деяётганига тушунмади-ю, аммо уни қамчин билан уриб ўз тилида «бақирма» деб дўқ урди. Сўқту бу олишувни завқ билан томоша қиларди. Дамбанинг ўтириб қолгани ҳам ёқди, у энди дарғазаб бўлиб «курашга» тушишидан завқланарди. Дамба ўрнидан туриб келиб, яна Шоҳмуродга ёпишди: у тишларини дўлтайтириб, дарҳақиқат, рақибининг бўйнини мўлжалларди. Бу гал Шоҳмурод тиззасининг кўзи билан Дамбанинг човини мўлжаллаб урдики, у янада давангир гавдасини чайқатиб, оҳ уриб, орқасига тисланди. Оғриқдан чидолмай човини ушлаб, ҳўкизга ўхшаб бақирди. Сўқту ва Улоқ нўёнларга кўзини ола-кула қилиб қараб, чови оғриғига чидолмасди шекилли, бу «шармандалиги»дан ғазаби ўт олиб, човини ушлар, «бўйнини тутиб бермай ўзини ҳимоя қилаётган» рақибига кўзлари ёниб қарарди. Кеча худди шу вақтда қўлга тушган хўжандлик сарбоз — паҳлавонлардан бирини тўғри бориб, қучоқлаб, ғарчча бўйнини тишлаб, бир парча этни узиб ташлаган эди. Бўғизланган қўйдек у сарбоз — ерда қонга беланиб, типирчилаб ўлиб қолган эди. То бўйни тишланган одам жим бўлмагунча у тепасида икки қўлини бургут қанотига ўхшатиб силкигандай бўлиб, айланиб юрарди. Тинчигач «ғолиб бургут» қанот қоқишини тўхтатар, нўён ёнига бориб, туҳфа оларди. Ҳозир унинг ўткир тишлари Шоҳмурод бўғзига теголмаётгани, уни енголмаётганидан дарғазаб, човини ушлаб бўкирарди. Агар у енгилса, нўён югуриб келиб ўз Дамбасини чопиб ташлашини, иккинчи бор Дамбага ўхшаган мўғулни майдонга туширишини Шоҳмурод билмасди. У ҳозир ўз ўлимини билар, аммо бу ўлимни бир томчи қони қолгунча, ҳалокатдан кетгунча жанг билан олишга тайёр эди. Човини ушлаб, бўкириб турган Дамба, кутилмаганда Шоҳмуродга ташланиб, уни қаттиқ қучоқлаб, қўйиб юбормай, шу лаҳза томоғини тишлаб, қашқирдек бир катта бўлак этни узиб ташлади. Қонга беланган Шоҳмурод Қўҳистоний ерга йиқилди-ю, жон берди. Оғзи қон Дамба ерда ётган сардор атрофида «қанот қоқиб» бир-икки айланди-да, кейин Сўқту нўёндан инъом олгани бир қўли човида, оғзидаги қонни туф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, бораётган эди, қаёқдандир шиғ этиб учиб келган ўқ унинг орқа кураги остига қадалди. Дамба ерга қулаб, шу лаҳза тил тортмай ўлди. Заҳарланган ўқ шундай тил тортмай ўлдирарди. Бу ўқни ким отганини ҳам билишмай, саросимада қолган Сўқту билан бир кўзли Улоқ отлари бошини буриб, қалъага кириб кетишди. Ўзларига ҳам шундай ногаҳоний ўқ қадалишини пайқашди. Худди шу лаҳза, дарҳақиқат, яна бир ўқ шиғиллаганча Сўқту қулоғи тагидан ўтиб, қалъа дарвозасига санчилди. Ур-ур, сур-сур, олатўполон бошланиб, одамлар тўрт томонга югуришаётганида, ерда бир камон ётганига ҳам кўзлари тушди. Бу кимнинг камони эканини ҳеч ким билмас ва буни исботлаш ҳам мумкин эмас эди.

Мўғул отлиқлари одамларни қамчилаб, уч томонга югуришгач, кимсасиз қолган майдон ичидаги Шоҳмурод Кўҳистоний жасади ҳам ғойиб бўлди. Мўғул айғоқчилари шу атрофдаги ҳамма ҳовлиларни кириб кўздан кечиришди, аммо ҳеч ердан сардор жасадини топиша олмади. Лекин Дамбанинг эшакдек жасади кечгача бунда ётиб, кечга яқин бозор оқсоқоли буйруғига кўра бўйрага олишиб, вабода ўлганлар кўмилган хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортишиб юборишди.

Шу куни ярим тунда Муҳаммад Интизом кишилари мўғуллар шубҳа қилмайдиган тақачи йўлагида сардор жанозасини ўқиб, қурбонни бекафан шу ҳолатда Хўжанд қабристонига кўмишди. Мўғуллар Кўҳистоний жанозасидан хабар топишди-ю, аммо буни кимлар қилганини тагига етиша олмади. Ногаҳоний отиладиган ўқлардан қўрққан Сўқту билан Улоқ илгаригидай хўжандликлар ичида, отда ғўдайиб юборишдан ўзларини тийишди. Ўш, Ўзган, Ахси... томонларга юришни вақтинча тўхтатишди.

Муҳаммад Интизом дарёда кема ағдарилганидан хабар топган эди-ю, аммо сардор Шоҳмурод Кўҳистоний душман қўлига тушганидан мутлақо хабар топмаган эди.

У жуда ачинди, хабар топганида қутқариб қолишнинг иложини албатта топган бўларди. Унинг кўнгли ғаш бўлиб, саркарда Темур Маликдан ташвишлана бошлади. Барчинликентга омонэсон етиб боришганмикан? У, хаёлларга бориб ўтирмай, кеча икки айғоқчи йигитни — уларга қора лас билан хат ёзиб, Чориқдаррон, ундан сўнг Тузкондан ўтиб, Зарнук қалъасига шитоб билан йўллади. Чунки Барчинликентда дарёдан чиққан саркарда Зарнукда тўхтаб, ундан Нур ва Дархон ота орқали Гурганжга ёки Митан ва Қорадарё орқали Самарқанд яқинидаги Қатвон даштига бориши, шаҳзода Жалолиддин билан учрашмоғи лозим эди. Ҳар қалай, саркардани топиб, Хўжандда мўғуллар мутлақо қарор топмасликларини маълум қилишни, халқ душманга пайдар-пай зарбалар бераётганини айтишни топширди. Хўжандликлар саркардага содиқ эканликларини ҳам маълум қилишни айтди. Сардор Шоҳмурод Кўҳистоний қатлдан ҳам хабардор этишни топширди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАНГАДОЛИК

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

ЗАНЖИРБАНД ДАРЕ

«Кучли жанг, оловли тийрбарон билан Темур Малик сарбозлари ўз кемаларида Жанд шаҳри томон сузишди. Душман буни пайқаб, Жўжи ва Чиғатойлар фармонига мувофиқ Хўжанддаги зобит нўёнлар, дарё устига занжир тортиб, мустаҳкам тўсиқ қурдилар. Темур Малик бу тўсиқни узиб ўтиб, Жанд шаҳрида қирғоққа чиқди. Шундан сўнг Қизилқум орқали Хоразмга жўнади. Орқадан таъқиб этиб келаётган душманни йўл-йўлакай чопиб, камондан ўққа тутиб пароканда этди, мўғул сардорларидан бирининг кўзини кўр қилди. «Яна икки ўқ-ёйим бор, иккинингизга ҳам етади! Яхшиси, орқага қайтинглар!» деб хитоб қилди Темур Малик. Ваҳимага тушган мўғуллар отлари жиловини орқага тортиб, қайтиб кетдилар...»[1]

Бир ривоятда дарёга икки қават йўғон занжир тортилганини аввалдан пайқаган Темур Малик бош кема тумшуғига темирчиларнинг оғир босқонини қўйиб, тиғи обдан тобланган, тўнка ёрар икки катта болта ҳозирлаган дейилади. Занжирни Сўқту нўён дўқу пўписалар билан Хўжанд чилангарларига ясатган, буни сезган Муҳаммад Интизом шу кечаёқ саркарда кемасига занжирни уза оладиган болтаю босқонни Турди пайтавачи орқали топиб келтирган дейилади. Ҳар қалай, мўғуллар Темур Маликни тириклай тутиб олишга жаҳд қилганлари анчадан буён маълум эди.

Орқадаги кеманинг ағдарилиб, Шоҳмурод Кўҳистоний бошлиқ сарбоз йигитлар ғарқ бўлганидан хабар топган саркарда қаттиқ ташвишга тушди. Хўжа Идриснинг: «Худо ўзи асрасин, ҳамма ерда ҳам худо ҳоким. Сарбоз йигитлар ҳам, кутвол Шоҳмурод Кўҳистоний жаноблари ҳам дарёдан омон-эсон чиқиб оладилар,

[1] «Татаро-монголы в Азии и Европе». Москва, изд. «Наука». 1977 г. стр. 127.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хавотирланманг. Сайҳунни у чеккасидан бу чеккасига сузиб ўтган йигитларни биламен», деди. Қанғли Арслон билан сардор Олабуқа ҳам хўжа Идрис ҳазратлари сўзини тасдиқлашди: «Ўзимизнинг Сайҳун дарёимиз ўзимизни ютмайди! Мана кемаларни елкасида кўтариб элтаётир. Сайҳун ёвни ютади! Мен ҳам илгари дарёнинг қоқ белидан сузиб ўтганмен...»

Бу гапларни эшитган саркарданинг кўнгли анча таскин топди. Аммо у шу лаҳзада қадрдонини қирғоқда мўғуллар ушлаб олганини, уни қийноқларга солишини, азоб билан ўлдиришини хаёлига келтирмаган, келтиришни ҳам истамасди. Ёмон ўйлар хира пашшадек боши атрофида айланарди, қоши устига қўнмоқчи бўларди. Аммо у ёмон ўйлар хира пашшасини ҳайдаб соларди.

Тун. Аммо, ўн тўрт кунлик ойнинг дарё тепасида ўз жамолини таманно этиб ярқираб туриши Темур Маликнинг ғашига тегарди, ҳатто ғазабини қўзғатарди. Кемадан туриб, ўнг қирғоқда мўғул суворилари, пиёдалар югуриб юргани ой нурида шундоқ кўринарди. Оловли ўқлар дарё устидан шиғиллаб учиб ўтиб, қатор сузиб кетаётган кемаларни, қуролли одамларни яққол кўрсатарди. Истеҳкомдан чиққандан сўнг, уч фарсахча сузишгач, дарҳақиқат сув юзида қалқиб турган узун занжирга кўзи тушган кичик кемадаги сарбозлар, ундан сўнг саркарда дарҳол қўлидаги камонни қўйиб, болтани олди. Иккинчи болтани сардор Олабуқа олди. «Болтани маҳкам ушланг, сувга тушириб юборманг!»— деди Темур Малик ёнида хезланиб, шай турган девқомат сардор Олабуқага.

— Занжирни босқон устига кўтариб бўлмайди,— деди яна Темур Малик,— шундоқ урамиз!

— Хўб,— деди қисқагина қилиб Олабуқа.

Хўжа Идрис билан Шаҳобиддин Хивақий кема ўртасида ўтириб, дуо ўқиб, саркардага, йигитларга дам урардилар.

Олдинги кема занжирга яқинлашгач, Темур Малик тўнка ёрадиган тиғи обдан тобланган катта болтани бошида айлантириб, чунонам зарб билан урдики, қирқ киши тўлган катта кема ҳам қалқиб кетди. Кема ёнламасига бурилаётганида, иккинчи бор болта уриб, ёнидаги занжирни ҳам узиб юборди... Кемалар равон оқиб кетишди. Темур Малик занжирни узолмай қолса орқадаги кемалар етиб келиб, бир-бирига урилиб, ағдарилишидан қўрққан эди. Ўн тўрт кунлик ойнинг фалакда ўчакишиб, ярқираб туриши бу сафар фойда келтирганидан ўзи хижолат эди. Фаришталар катта бир фонусни ушлаб, унинг фалокатдан қутулишига кўмаклашгандек бўлди. Темур Малик ой ярқирашидан мамнун. Боя, эллик қадамча олдинда сув юзида узун занжирнинг қалқиб, шалоплаб турганини аниқ кўрган эди. Сарбоз йигитлар ҳам ўша лаҳза камонда ўқ отишни тўхтатиб, сув юзида турган занжирга тикилишган. Занжир боғланган икки қирғоқда юзларча мўғуллар тўпланиб, ҳозир дарё юзида пайдо бўладиган қиёмат-қойимни кутиб, қийиқ кўзларини дарё ичидаги кемалардан узишмасди. Уларнинг баъзилари қўлида ярқираган қилич, баъзиларида найзаю

www.ziyouz.com kutubxonasi

камон, икки қирғоқда, бу занжир учи боғланиб, ерга кўмилган йўғон ёғочлар атрофида тўпланишган. Кемалари ағдарилган хўжандликлар сув юзида сочилиб, баъзилари ғарқ бўлиб, баъзилари ўзларини қирғоққа уришликлари, бунда шай турган мўғуллар уларни чопиб ўлдиришларини мўлжаллаб турган эдилар.

Темур Малик икки зарбдаёқ занжирни узиб, Олабуқага иш қолдирмагани сардорда кулки қўзғади. «Офарин, саркарда! Бизга иш қолмади...»— деди у гувраниб.

Кемалар ўз салобатини бузмай, илгаригидай равон оқиша бошлади. Бу ҳолни кўрган душман ҳангу манг бўлиб, кемалар кетидан бетартиб югуриб, қутурган итдай индамай, нафаслари ичига тушиб кетди. Тарвузи қўлтиғидан тушган Сўқту билан Улоқ нўёнлар энди Жўжию Чиғатой олдида дамлари чиқмай ўтирадиган бўлдилар. Бу занжирни тайёрлаш учун улар қанча овора бўлган эдилар. Икки зарб билан режалари уч пул бўлди!

Тонготарда улар дарёнинг икки томони дашт, дам торайиб, дам ёйилиб оқадиган Нав ва Куркат қишлоқлари рўпарасидан ўтишди. Дарёнинг икки томонида тилини осилтириб, тўда-тўда мўғул-татарлар югуришар, кемаларга қараб тинимсиз ўқ узишарди. Оловли ўқлар бўрони то Жанд шаҳри қирғоқларига етиб боргунча тўхтамади. Эртасига яна кун бўйи сузиб, тонгга яқин саркарда учун қадрдон бўлган Жанд шаҳрига етиб келишди. Кемаларни сўл қирғоқда тўхтатиб, шитоб билан қурол-аслаҳа, озиқ-овқатларни кемалардан қирғоққа олиб чиқишди. Сарбозлар бу ишни шу даражада тез бажаришдики, саркарда ҳам, бошқа сардорлар ҳам ҳайратланишарди. Кемаларни боғламай оқизиб юборишди. Фармон шундай эди. Душман қўлига тушгандан кўра Дашти Қипчоқ томон оқиб кетгани маъқул.

Сўл қирғоққа от чоптириб келган бир тўда мўғуллар билан қисқагина жанг қилиб, пиёда, жондан тўйган, дарғазаб хўжандликлар душманнинг деярли барчасини чопиб ташладилар. Фақат икки отлиқ орқасига қараб қочди. Хўжандликлар бир миқдор қурол-яроғ ўлжаларни олиб, даштда қолган баъзи отларни қўлга киритишди. Шу тариқа, улар Жанд шаҳрида бир лаҳза ҳам тўхтамай, оғир юкларни юриши мумкин бўлган отларга ортиб, Чордара даштига қадам қўйишди. Дашту қум йуллари билан Қатвонга етиб боришни кўзладилар. Аммо Қатвон мағлубияти хабари ҳам Муҳаммад Интизом одамлари орқали иттифоқо саркардага етиб келган эди. Кейинги бир номада шаҳзода Жалолиддин уни Жайҳун бўйида кутажагини маълум қилган.

Темур Малик сарбозлари уч юз қирқ баҳодир (бу ҳисобга саркарда дарёда ғарқ бўлган Шоҳмурод Кўҳистоний кемасидаги қирқ кишини ҳам қўшади), қирғоқда бўлган қисқа жангдан кейин, Жанд шаҳрини ёқалаб, Қизилқумга кириб, Томдибулоқ томонни мўлжаллаб шитоб билан йўлга тушдилар. Икки жароҳатланган сарбозни, Хўжа Идрис, Шаҳобиддин Хивақийни отга миндириб, саркарда атайи пиёда юрди. Дарёдан омон-эсон чиқиб олганига хурсанд йигитлар, даштда мутлақо қийналишмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мешларга обдан сув тўлдириб, ўн от олдинда, узун сафга тизилиб, қум ичига кириб боришди.

Кун ботишига яқин Жанд томонда гард намоён бўлди. Саркарда тўхтаб, ўз сарбозларига жангга ҳозирлик кўришни тайинлади. Тўсатдан мўғуллар отда қувиб келиб, юз қадамча наридан тийрбарон бошладилар. Шу сабабли Темур Малик ўз сарбозларига бир ерга тўпланмай, сочилиб, камондан ўқ узишга фармон берди. Душман ўқ отишни қўйиб, яқинлашар экан, ўз сарбозларини тўпланиб олишга, масофани бир-бирларидан узоқ тутмасликни таъкидлади. Мўғуллар шошилинч ҳужумга ўтганлиги сабабли сув ололмаган бўлишлари мумкин. Жангни чўзиб, сувни эҳтиёт қилиш керак, деди Темур Малик. Худди саркарда айтганидек, мўғуллар жангни ўқ-ёй отишдан бошлаб, бир неча отлиқ қулагандан сўнг, яқин келиб, қиличбозлик жангини бошладилар. Жанг ярим кечагача чўзилди. У томондан ҳам ўн беш-йигирма отлиқ қулади, бу томондан ҳам анча-мунча сарбозлар чопиб ташланди. Шу жангда бир чеккага чиқиб, тинмай дуо ўқиб, дам солиб ўтирган Хўжа Идрис Кубаронинг ҳам бўйнига қилич тушиб, шаҳодат топди. У ерпарчин бўлиб ётарди. Ярим тунда мўғуллар ярадор ва ўлганларни саҳрода қолдириб, келган томонларига қочиб кетишди. «Сабр керак балосиға, ризо керак қазосиға...» деб юрадиган Хўжа Идрис Кубаро ҳам дунёдан ўтди...

Саркарда Хўжа Идрис Кубаро жанозасини ўқиб, уни қумга кўмишди. Бошқа ҳалок бўлган сарбозларни ҳам қумга топшириб, яна йўлга тушишди. Саркарда тахминича, тонготарда мўғуллар орқадан қувиб келиб, яна жанг бошлашлари эҳтимол эди. Шу сабабли Томдибулоқ сари юришни давом эттирди. Иккинчи жангда ҳам Темур Малик анча-мунча йигитларни йўқотди. Хўжа Идрис фожиаси гўё «қўлдан омад кетгани»дан далолат эди. Учинчи кунги жангда Шаҳобиддин Хивақий ҳам ҳалок бўлди. Сардор Олабуқанинг таъбирича, мутлақо фотиҳага мойил ва мослашган қўл қилич солишга, ёйдан ўқ узишга лаёқатсиз. У ўзининг умри юрти йўлида, саркардага садоқат йўлида қонли фожиа бўлишини биларди. Хивақий атайи кемага тушгани, саркардадан ажралиб, Хўжандда қолмаганида ҳам бу гап маълум эканлигини айтди. Темур Малик назарида ўзи билган имомлардан у тамоман ажраларди. Ўлимларни кўп кўрган Темур Маликда Хўжа Идрис билан Шаҳобиддин Хивақийнинг чопилиб, қонга беланиб ётиши эмас, бу икки кекса одам юрагидаги заминга садоқати катта муҳорабаларда енгиб чиққан саркардалардек эҳтиромга молик эканини сезди. Бу ориқ, қамсуқум дуогўй инсон юрагида шунча жасорат борлигини саркарда, сардор Олабуқа, Қанғли Арслондан ташқари Ҳусайн Гов ҳам фаҳмлаб турарди.

Ниҳоятда ҳолдан тойган Темур Малик сарбозлари янтоқзор даштда тунаб, сув ичиб, хўрак истеъмол этиб, тонготаргача дам олишди. Фалакдаги ярқираб турган тўлин ой қип-қизариб, кесилган бошга ўхшаб, хўжандликлардек фалак даштида ётарди...

Тонг ёриши билан яна гард намоён бўлди. Бу сафар Улоқ нў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ён сардорлигида икки юзга яқин мўғул отлиқлари шамолдек бостириб келиб, даштда яна чопди-чопди жангини бошлаб юборди. Туш маҳалигача икки томондан бениҳоя кўп одам ер тишлади. Жанг тўполони ичида отга миниб олган Темур Малик билан елкаси қон Олабуқа, Ҳусайн Говлар тинимсиз қилич солишарди. Темур Малик уч-тўрт отлиқ ичида турган Улоқ нўённи таниб, камондан ўқ узди. У шу даражада нўён калласини аниқ мўлжалга олган эдики, ўқ унинг ўнг кўзига санчилиб, нўён ерга қулади. Лекин икки мўғул навкари сакраб ерга тушиб, нўёнларини отга ортмоқлаб қочишди. Темур Маликнинг сиёсат қилиб, туркий тилда баланд овоз билан хитоб қилаётганини ҳам тушунишмади. Тирик қолган уч мўғул орқаларига қараб шаталоқ отганча жўнашди. Елкасига қадалган ўқ Ҳусайн Говни ҳам анча қийнади. Аммо у жароҳат оғриғини саркардага сездирмасди.

Бепоён қумлик. Атрофда янтоғу саксовуллар... Чопилган сарбозлар жасади қумга сочилган. Кимдир тўнкарилиб ётар, кимдир чўнқайиб инграр, тўлғанар, жон бериш азобини тортарди. Отлар ҳам инсонларга ўхшаб, жон бериш қийноғида қимирлаб ётишарди.

Мўғуллар кетгач Темур Малик, Қанғли Арслон, Иброғим Дўлдай отдан тушиб, чўққайиб ўтиришди-да, ўз ватандошлари — қурбонларга тикилишди. Шаҳидларни қумга топшириб, яна йўлга тушишди...

* * *

Мажоли қуриган Темур Малик кўп юрмай, дўстлари билан ерга ётиб, бир лаҳза бўлса ҳам куч тўпламоқчи бўлди.

Қуёш аста уфққа чўкмоқда. Негадир қизғиш қуёш Темур Малик кўзларига кесилган бошга ўхшарди. Юрт бошига тушган қанча қонли фожиа-ю, шунча азоб-уқубатнинг боиси нима? Не гуноҳимиз бор эканки, олло бошимизга шунча аламу андуҳ солмоқда? Чалқанча ётган Темур Малик юзига пастаккина саксовул шохлари соя ташларди. Шериклари негадир миқ этмай ётар, гаплашмоққа мажоллари йўқ. Умуман, гаплашадиган гапнинг ўзи йўқ. Саксовул соясида ётиб, Темур Маликнинг кўзи илинди... Хўжанд, дарё ёқасидаги «Боғи насим»... Катта хоналардан бирида, қалин ипак тўшакда ётган Темур Маликнинг ёнига Нигина кириб келиб, саркарданинг елкасига чиройли бошини қўйибди. Эркаланиб, анча вақтдан буён кўрмагани, раққосасини унутиб юборганидан шикоят қилгандек бўлибди. Темур Малик унинг сочларини силаб, ҳеч қачон унутмаслигини айтаётган эмиш. «Менинг дунёда сендан бўлак севикли кимсам қолмади. Ахсикат бегининг қизи — Қоракўз бека жангда ҳалок бўлди. Сен, азизам, ёруғ дунёда менинг учун танҳосан. Сен бўлсанг...» дермиш. Нигина эркаланар, саркарданинг юзларига юзини сурар, Қоракўз бекадан ҳам, Ойчечакдан ҳам рашк қилиб келганини айтар эди.

Қуёш ботди. Аллақаерда чақалоқ бола йиғисига ўхшаб чиябўриларнинг овози эшитила бошлади. Мурдалар ётган томон югу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб, бир-бирларига бақиришган қашқирлар шовқини ширин уйқу оғушида гўзал Нигина суҳбат қурган Темур Маликни уйғотиб юборди. На Хўжанд, на «Боғи насим» ва на Нигина... Саркарда бўм-бўш саҳрода, бир тепалик ортида мурдадек тупроққа беланиб ётарди. У дарҳол ўрнидан туриб, ёнида ётган Ҳусайн Говни уйғотмоқчи бўлди. Елкасига қўл қўйди. Лекин у уйғонмасди. Темур Малик сапчиб туриб, дўстини қимирлатиб, чақирди: «Ҳусайн, азизим, туринг! Йўлга тушамиз!» Ҳусайн Гов миқ этмасди. Унинг елкасидан қўл узатиб, бошини кўтармоқчи бўлди. Бош шилқиллаб, қаёққа кўтарса шу ёққа тушарди. «Ўлиб қолибди...» деди Темур Малик юраги шиғиллаб. Бу қандоқ гап! У дарҳол Ҳусайн ёқасини очиб, елкасидаги жароҳатга қаради. Қуёш ботганига қарамай, ҳали анча ёруғ эди. Ҳусайннинг елкаси шишиб, қовоқлари бўртиб, юзи кўкариб кетганини кўрди. Бошқа шерикларини уйғотди. Заҳарли ўқ теккан экан... Дўсти бошини ерга қўйиб, билагини ушлади — томир уриши йўқ. Юз-кўзини унинг оғзига олиб борди: нафас олиш аломати ҳам йўқ. «Бечора,— деди Темур Малик ўз пешонасига қўли билан уриб,— мен қотиб ухлаб қолганимда қийналиб жон берибди. Номард мўғуллар, ўқ-ёй тиғини заҳарга ювган экан! Эҳтимол, ўлимини ўзи ҳам билмай қолгандир? Наҳотки, қийналаётганда, заҳар танига алам бераётганда мени уйғотмади экан? Уйғотишга мажоли келмадими? Наҳотки, унинг қийналишларини сезмадим? Наҳотки... Ҳар қалай, сардор Ҳусайн Гов ўзининг оғирлашаётганини билгану оҳ-воҳ қилиб, уйғотишни эп кўрмаган». Бу фикр саркарда юрагидан ўтди. У яна дўстини қучоқлаб, бошини ердан олиб ўз тиззасига қўйди. Умрида йиғламаган Темур Малик кимсасиз саҳрода, тунда ҳўнграб йиғлади: «Азизим, паҳлавоним, Хўжанднинг асл йигити, нега бундоқ қилдингиз! Ҳали биз сиз билан босқинчиларни юртимиздан ҳайдаб чиқаришимиз лозим эди-ку! Нега бундай қилдингиз?! Мен сизнинг жасоратингизни Афросиёбдан ҳам, султон Санжардан ҳам юқори қўярмен. Сизнинг жасоратингиз шаҳзодани ҳам ҳайратга солган эди. Сиздек паҳлавон фарзандлари билан юрт фахр этарди. Бизни нега ёлғиз ташлаб кетдингиз!»

Тун бўйи Темур Малик ўз дўстлари билан Ҳусайн Говнинг жасади тепасида бўлишди. Эрта тонгда уни изғиб юрган чиябўрилардан, сиртлонлардан асраб, қумга кўмишди.

Улар яна йўлга тушиш олдидан осиб олган кичик мешкобчалардаги сувдан ичиб, қуритилган нон тановул этдилар. Хоразм, қайдасан, деб қум барханлари оша пиёда жўнашди.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

ЧЕКСИЗ ДАШТДА ЧЕКСИЗ АЛАМ БИЛАН КЕТАЁТГАН, ҚИЛИЧИ СИНИБ, ҚАЛҚОНИ ТЕШИЛГАН ТЕМУР МАЛИК...

Инсон бошига оғир мусибат тушиб, ғам билан эзилган кунларда унинг ёдига шодумон онлари келади. Бу онларнинг энг порлоғи — муҳаббат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саҳрода кетаётган Темур Малик хаёлида яна Нигина пайдо бўлди. У кунботарда узоқ уфқдан бош кўтариб: «Менинг ёнимга тезроқ кел!» деб чорлаётгандай бўларди. Унинг бўй-боши булутлар қадар буюк, чексиз саҳрода манаман деб қад кўтариб турар эди. «Мен телба бўлиб қолдим, — деди ўзига ўзи Темур Малик, — қиличи синиб, қалқони тешилган, мағлуб бир жангчи у гўзал раққосага нега керак?! Ўз юртини ҳимоя қилолмаган кимса кимга керак!» Унинг энди гўзал Нигина ҳақида ўйлаши ва умуман унинг бу дунёда бош кўтариб юриши мумкинми?! У ҳатто Хўжандга янги бинолар, қасрлар, Сайҳун устига кўприк қурмоқчи эди... Шимол мамлакати ҳокими султон Вали Амиршоҳ[1] билан дўстлик аҳдномалари тузмоқчи, мунший Абдулқодир Шоший ёзиб берганидек, Хўжанд майдонига қамти тушадиган уч мадраса пештоқига: «Мин шакка фи вилоятино ва кароматина фан зўр ило иморатино», деб кошинга хатти шикаста билан ёздирмоқчи эди... Келгуси авлод саркарданинг ишлари, илму фан толиби эканлигидан хабардор бўлмоғи лозим эди. Шимол мамлакати билан аҳил қўшничилик қилмоқ — тижорат ишларининг яна ҳам пойдор бўлишини кўнглидан неча бор ўтказган эди. Наҳотки унинг ниятлари пучга чиқиб, ўйлаганлари сароб бўлса!

Қумда юз берган жангларда кўп сафдошлари ҳалок бўлди, баъзилари дарёдан чиқишдаёқ тўрт томонга тўзиб кетган эди. Қум бўронида қолиб Иброҳим Дўлдайни, Қанғли Арслонни, сардор Олабуқаларни ҳам йўқотди. Унинг ёлғиз ўзи қолди.

Икки ҳафта деганда либоси тўзиган, жулдур кийимдаги Темур Малик Қизилқум ичидаги Оқтоғ этакларидан ўтиб, Айтим деган чўпонлар қишлоғига етиб келди. Беҳудуд қумликлар ичида, олисдан бир неча пастак уйлари кўзга чалинган қишлоқ тепасида, бўйлари булутга етиб, кулиб яна Нигина уни чорлаётгандек бўларди. «Тезроқ келинг, саркарда. Мен сизга интизормен! Ҳар хил хаёлларга борманг, сизни ватандошим, баҳодирим деймен. Сиз қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз! Начора! Сизнинг Хўжанд қалъангиз чингизийларга ҳаммадан кўп, ҳаммадан кучли, қақшатғич зарбалар берди. Хўжанд жангида мўғулларнинг бели синди, ҳалокатдан кетди. Энди улар бошқа мамлакатларга бостириб боришга мажоллари етмайди. Бу ишни сиз қилдингиз!» дегандек бўларди. Хаёлида давлат ишларидан узоқ бир раққоса хам: «Кучингиз етмади, сув бошидан лойқа эди... Сиз, олижаноб бўламан деб, Аҳмад ибн Мораз каби хоинларни вақтида жазоламадингиз. Сиз ўз бағрингизда кулча бўлиб ётган илоннинг ҳам бошини янчмадингиз. Лекин паҳлавон ҳеч қачон енгилдим, деб ўзини мағлуб ҳисобламайди...» Темур Малик кетаётиб чўкка тушди. Узоқ уфқда, қизғиш булутлар остидан Нигина бу сўзларни айтиб, ўз ёнига чорлаётганига данг қотиб қолди. Бу ҳол тушми, ўнгми? У телба бўлиб қолдими? У атайин сўл билагини чимчилаб

[1] Князь Владимир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрди. Йўқ, бу туш эмас! Ҳамон рўпарада оқ кўйлак кийган, белларн хипча-мўрчамиён Нигина турарди...

Менга бир нарса бўлди, деди Темур Малик ўзига ўзи, уйқуда эмасмен, телба ҳам эмасмен. Бу нима ўзи?!

Рўпарадаги Айтим қишлоғига яқинлаша бошлади. Қишлоқ аҳли аллақачон даштда ёлғиз келаётган одамни узоқдан кузатиб турарди. Темур Малик чеккадаги биринчи хонадон деворларига яқинлашиши билан четан аравалар, хашак ва таппи уюмлари ортидан чиққан уч-тўрт давангир йигит Темур Маликнинг ёқасидан тутиб, негадир муштламоққа ҳозирланаётган эдилар, бошқа томонлардан югуриб келган кишилар ҳам унинг атрофини ўраб, оломон тапира-тупур ура кетди. Улар ярадор, ҳориган саркардани аямай, кучлари борича муштлаб, ўлдириб юборишга пайда эдилар. Қалтак еяётган Темур Малик: «Худо урган бандани пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртади...» деди. У ортиқ чидаб туролмай, қаттиқ наъра тортиб, қиличини ғилофидан суғурди.

— Тўхтанглар! Эсингизни едингизми?! — Агар яна бир лаҳза қараб турса ўлдириб қўйишлари мумкин эди. Кимдир мушт билан уриб, лунжини ёриб юборди. Кимдир бурнини қонатди.

— Бу мўғул! Ана, қиличига қаранглар, мўғулларнинг қиличи! Хўрак халтаси ҳам келгиндиларники!

— Мен мўғул эмасмен, хўжандликмен!

— Хўжанд? Қандақа Хўжанд? Хўжанд қолибдими?! — деди кекса бир одам этиги қўнжидан пичоқ суғуриб, — сенлар Хўжандни сотдиларинг! Сенлар саркарда Темур Маликни ўлдирдиларинг! Хоинлар!

— Йўқ, йўқ, бул душман эмас, биродарлар, бул одамни мен таниймен! — деди чўзинчоқ юзли, кўккўз бир кимса. — Бул киши Темур Маликнинг ўзи! Ҳа, ўзи! Воллоҳи аълам, бу одам Темур Малик!

Оломон данг қотиб қолди. Темур Малик ҳам у кимсани таниди, бир ярим ой муқаддам дарё ичидаги истеҳкомда асир олиниб келинган Улоқ нўён ёнидаги Кучум деган татар кишиси эди. Темур Малик кўтарган қиличини туширириб, учини ерга тиради.

— Шулай эмасми? — У Темур Малик ёнига келиб, юз-кўзига тикилди, — ал ҳамди лилла, мин, Чингизхондан кўп жабр кўриб, мусулмон ипдашлар ёнига келдим. Сиз, даря ичидаги оролда мени қўйиб жибариб, сўнг мин қум-даштлар оша бу қишлоққа келдим. Чўпонлар менга хўрак бериб, ўз паноҳларига олдилар. Чўпонлар, бик айбат, яхши одамлар...

— Мени таниганинг учун ташаккур! — деди Темур Малик Кучумга тикилиб, — ўшанда сени ўлдирмай тўғри иш қилган эканмен...

Хижолат бўлган одамлар «янглишибмиз» деб тезда ўзгаришди. Бошлар қуйи, қовоқлар солинган... Лекин чўпонларнинг кексаси Темур Малик қўлини ушлади.

— Ўғлим, қиличингизни қинига тиқинг. Бу томонга ҳам мўғуллар келади, деб йигитларимиз хавотирда эди. Янглишибмиз. Сиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Маликмисиз, бошқамисиз, кейин гаплашамиз! Юринг! Ҳозир ўзини Темур Маликмен, дейдиганлар кўпайиб кетган. Мана шу татар ҳам ўзини Темур Маликман, деб айтган...

Темур Малик бошн қуйн, қиличини қинига тиқиб, кекса одам кетидан юрди. Оломон ҳам унинг атрофини ўраб, аста-секин кела бошлади.

— Бу калтаклар менга кам, — деди Темур Малик, — яхшилаб калтаклаш керак эди! Хўжандни эмас, бутун қўшинни, энг яхши йигитларни йўқотиб келаётирмен. Оллодан ўзимга ўлим тилагани тилим бормайди, аммо менга бир ўлим камлик қилади...

— Бу гапни айтманг, жаноб, — деди Кучум.

— Яхши калтакладинглар, қўлларингиз мустаҳкам экан, — деди Темур Малик ўз атрофидаги йўғон гавдали йигитларга қараб, — бу қўлларга қилич ушлаб, душманни уриш керак эди! Ҳали ҳам кеч эмас! Унда балки биз енгилмасмидик. Мен шаҳзода Жалолиддин ёнига кетаётирмен. Хоразмга! Жанг қилишни хоҳлаганларни олиб кетамен.

Чўпон йигитлари ҳам, уларнинг оталари ҳам жим бўлиб қолди.

— Аввал қорнингизни гўйдириб олинг! Маслаҳатимиз шу! Бошқа гапларни қўйиб турнинг, йўловчи! — деди кекса одам.

Кучум айтганига қарамай, Айтим қишлоғининг одамлари уни саркарда Темур Малик эканини эътироф этмаётганликларини фаҳмлаб, ортиқча сўз айтгиси келмади. Мағлуб ҳоким нима ҳам дерди, катта мансабдорлардан путур кетгач, уларнинг гаплари, чақириқ-нидолари ҳам маъносиз, бетаъсир бўла беради. Бу иш Афроснёб давридан бошланиб синалган. Ҳатто султону халифалар ҳам мансаблари қўлдан кетгач, бир бемаъни одамга айланиб қоладилар. Қорахитойлардан енгилган султон Санжардек подшоҳ дашту биёбонларда кезиб, нодон кимсалардан нодонроқ сўз айтгани маълум-ку; Мароқандда суғд элидан қаттиқ зарба еган Искандар ҳам дунёни босиб оламан деган режаси барбод бўлган. Икки дарё оралиғидаги қаҳрамон халқ бошқа халқларни босқинчилардан сақлаб қолган. Наҳотки, Искандарни бемадор қилган мовароуннаҳрликлар энди енгилиб, қул бўлса!

— Ўзининг эгари қийшайиб қолибди-ю, саркарда Темур Маликмен дейди! — чўпон йигитлардан бири ўз шеригига пичирларди.

— Мин «садақан радди бало...» деб, тиланчилик қилиб юрдим, — деди Кучум Темур Маликка, — шу йўл билан қишлоқ аҳлидан паноҳ топдим. Бўлмаса, булар чет кишиларни ўз ораларига қўймийлар.

Темур Малик жавоб қилмади.

Хўмрайишган қишлоқ йигитлари секин-аста тарқаб кетишгандай бўлди. Темур Маликни кекса чўпон Кучум ва яна бир кимса билан ўз хонадонига бошлади. Ҳовли деворн йўқ, атрофига қозиқ қоқилиб, ёғоч боғланган, кираверишдаги пичан ғарами ёнида тўсатдан қулоқлари диккайган кичкина бир ит «келгинди» га даф этиб, тинимсиз акиллаб, қаттиқ шовқин кўтара бошлади. Темур Малик кетаётган жойида тўхтади. Бир ондан сўнг кичик ит Темур

www.ziyouz.com kutubxonasi

Малик почасини мўлжаллаб акиллаганча ҳужум бошлади. Унинг ўткир овози, қилаётган дўқига дош беролмаган Темур Малик орқасига тисарилиб, келган томонга лўкиллаб қоча бошлади. Икки кекса чўпон Темур Маликнинг ҳолига қараб хахолаб кулиб юборишди.

— Меҳмон! Ҳой, меҳмон! Ўзларини Хўжанд ҳокими саркарда Темур Маликман, дедилар. Агар ўша Темур Малик бўлсангиз, бир кичик ит боласидан шунчалик қўрқиб қочасизми?

— Мен босқинчи мўғуллар билан жанг қилдим, — деди нарироққа бориб Темур Малик, — бу кучукча ўзимизники. Ўзимизнинг кучукчалардан, дарҳақиқат, қўрқамен!

Бу гап иккала чўпонга ёқиб кетди.

— Сиз, жанобнинг Темур Малик эканингизга энди ишондик, — улардан бири кучукчани ҳайдаб юборди, — қўрқмай юраберинг. Тоғда қиш ичи қолиб кетган чўпон ити ҳақидаги гап, сиз, жаноб орқали вилоятга тарқалган...

— Бу киши — Темур Малик! Мен ўз кўзим билан кўрганман, нега ишонмайсизлар!

Темур Малик чўпонлар билан бирга ичкарига кириб кетди. У Айтим қишлоғида уч кун бўлиб, қўли, елкасидаги жароҳатларини боғлатди, либосларидаги тупроқ, қон изларини ювиб тозалаб беришди, ўзини тартибга солди...

Айтим қишлоғи тинч ва осуда... Бунда на жанг суронлари ва на елиб-югуришлар бор. Куп ўтиши узоқ, бир кун бир йилга ўхшаб кетди. Лекин дарё бўйи шаҳарларида бўлаётган қонли жанглар суронн, ваҳимали хабарлар етиб келарди.

Эртасига у ҳовлига чиқиб, тўнкага ўтирди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Йигитлар ўз иши билан кетган, болаларни ҳам оналари нотаниш одам ёнига юборгилари келмай, хоналарида ушлаб турардилар. Ҳамон келгиндига шубҳа бор эди. Аллақандай бир таначадай қари кўппак салмоқланиб, Темур Малик ёнига келиб, қорнини ерга берди. У «келгинди кишига» бир-икки қараб қўйиб, ўзини уйқуга солди. Мудраётган кўппакнинг бошини силаб, бўйнига уриб, эркаланди. Қарчиғай отини у баъзан шундай эркаларди. Қари кўппак бу илтифотдан сўнг яна «меҳмон» ёнига яқинроқ сурилди. Тўнкада ўтирган Темур Малик икки оёғи остида, ердаги кичкина тешикчадан тинимсиз чиқиб-кириб турган қўнғир чумолиларга тикилди. Бир озгина муддатда бу тешикка ўнларча чумолилар кириб, ўнларча чумолилар чиқиб, тинимсиз бир ҳаракат собит эди. Митти жониворлар баъзан ўзига бещ баробар катта буғдой ёки арпа донини узоқдан тишлаб, кўтариб келиб, инларига олиб кирардилар. Йўл-йўлакай тўхтаб, бир-бирлари билан оний саломлашгандек бўлишар, яна пилдираганча йўлларида давом этардилар. Тиниб-тинчимас бу митти полвонлар чарчашни ҳам билмасдилар.

Темур Малик оёғи билан тупроқ суриб, тешикчани кўмиб ташлади. Бу ерда тўпланиб қолган чумолилар тешикчани очишга киришиб кетишди. Бир лаҳза ўтар-ўтмай, ичкаридан тупроқни ита-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб очаётган чумолининг боши кўринди. Тупроғу майда кесакчаларни тишларида тишлаб, ташиб, инлари оғзини очишди. Яна илгаригидай тинимсиз ҳаракат бошланиб кетди. Бир муддатдан кейин Темур Малик яна этиги учи билан инни кўмди. Чумолилар тўпланиб қолди. Лекин улар қараб турмай, яна инлари оғзини очишга киришиб кетишди. Бир муддатдан кейин ичкаридаги чумолилар ҳам чиқиб, илгаригидай яна ўрмалашлар бошланиб кетди. Темур Малик учинчи бор, тўртинчи бор, бешинчи бор, олтинчи бор чумолилар инини кўмди... Чумолилар бўлса олтинчи бор ҳам илгаригидай инларини очиб, илгаригидай югуришларини, дон ташиб келишларини давом эттира бердилар. Еттинчи бор кўмса, еттинчи бор очиб кўмилиб кетмасликларини ўз кўзи билан кўрган Темур Малик дик ўрнидан турди. Енидаги қари кўппак ҳайрон бўлиб, беихтиёр ўрнидан турди. «Бир кичик жонивордаки шунчалик ирода, шунчалик енгилмаслик бор экан, биз ахир одаммиз-ку! — деди ўзига ўзи. — Нечун енгилишга бўй бериш керак? Нечун йўқ бўлиб кетишимиз керак?!» Темур Малик қаттиқ ўйланиб қолди. Танига қайтадан жон кираётгандек, ўлган одам тирилаётгандек бўлди. Йўқотган нарсасини топган кишидек, кўнгли ёришди. Қари кўппак ҳам бунн сезиб, бир-икки думини ликиллатди. Яна ерга қорнини қўйиб, думи билан ер супуриб, чангита бошлади. Эътибор бермай босиб кетаберилдиган чумолиларга қари кўппак ҳам кўз ташлади. Темур Малик турган ерида яна чумолиларга тикилди: унга ҳеч бир доно, на Лукмону на Зол, на Тариқаий Ақл ва на Афлотуну Арасту айтолмаган гапни чумолилар айтгандай бўлди. Бу жониворларни Хизр енгилаган экан, деди ўзига ўзи. Енгилмас чумолилар унинг жароҳатли юрагига оташ солгандек бўлди. Унинг назарида тешикка кириб чиқаётганлар чумоли эмас, филлар бўлиб кўринди. Агар менинг одамларимда шулар шижоати бўлганида, босқинчи мўғулларни аллақачон тор-мор этиб ташлаган бўлардим, деди у дилида.

Темур Малик қайтадан тўнкага ўтирди. Яна ўрнидан турди. У бориб кекса чўпонга ҳозироқ йўлга тушишини, тезда Жайҳун ёқасига етиб олиб, Жалолиддин ёнида бўлиши кераклигини маълум қилди. Агар йигитлар хоҳласа, она тупроқни мўғул босқинчилари оёғи остига ташлаб қўймаймиз, деган мардлар чиқсин, бирга олиб кетамен, деди. Аммо минг афсус ҳеч ким чиқмади. Узини тутиб олиб дўппослаган, муштуми сўлақмондай йигитлар уйларидан чиқишмади. Кекса чўпон Темур Малик учун йўлга хўрак, мешига сув, пишлоқ... бериб, хайр-хўшлашмоқчи бўлиб турганида, белини камар билан боғлаб, шай турган. Кучум саркарда ёнига келди. «Мен сиз билан кетамен! Мен бу элга қилич кўтариб келдим, энди шу қилич билан ҳимоя этамин. Яхши эл, яхши инсонларни бадавий мўғуллар оёғи остига ташламаймиз! Темур Малик жаноблари, сизни мен бик яхши таниб олдим. Мен сиздан ажралмаймин! Иншоолло, юртни озод этиб, қулликдан халос этарсиз. Менинг ҳам виждоним пок бўлиб, ўзимнинг юртимга кетармин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Биргина чумолилар эмас, сен ҳам менга мадад бердинг. Сен — яхши одам экансан-ку!

— Тушунмадим, ҳазрат?

— Йўлда тушунтириб қўямен... Сен мард инсон экансан, биз икки киши эмасмиз, икки минг киши бўлдик. Шундай деб ўйлайбер!

Темур Малик белида қилич, Кучум камарида ўзнинг анча вақтдан буён асраб келаётган қуроли — ўткир ханжар, елкаларидаги тугунда нону пишлоқ, чўпонлар билан хайрлашиб, йўлга тушишди. «Босқинчилик билан қўлга киритилган ҳукмронликнинг умри қисқа...» деган фикр Темур Малик хаёлидан ўтди. Улар — икки жангчи Жайҳун бўйига, Хоразм элига шитоб билан юришди.

Эртасига Айтим қишлоғига жулдур либосли яна икки киши кириб келди. Уларнинг бири ярадор бўлиб, отда эди. Иккинчиси — тик қомат, қилич осган йигит эди. Қишлоқ аҳли югуриб чиқиб, икки жангчини очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Темур Маликка кўрсатилган совуқ қараш, калтаклаш, ишончсизлик уларга нисбатан бўлмади. Пешвоз чиққан кекса чўпонлардан улар дарҳол бу ердан саркарда Темур Малик ўтмадиларми, деб сўрашди. Чўпонлар, дарҳақиқат у киши бунда икки кун бўлганини, кеча эрта билан Кучум деган татар кишиси билан йўлга чиқишганини айтишди. Икки жангчининг отдагиси Темур Маликнинг содиқ сардорларидан Қанғли Арслон, иккинчиси ҳам саркарда хизматкори Иброҳим Дўлдай эканликларини маълум қилдилар. Улар қишлоқда турмасликлари, озгина хўрак ва сув беришлари, саркарда изидан юриб, тезда етиб олишликларини маълум қилишди. Чўпонлар тезликда икки от олиб келиб, саркарда изидан уларни жадал йўлга солиб юборишди. Қантарилган қишлоқ отлари икки сарбозни кўтариб дашту қумликлар оша учиб кетишди.

Шу куни кечга яқин улар даштда, Жайҳун йўлида кетаётган Темур Малик билан Кучумга етиб келиб, Иброҳим Дўлдай отдан сакраб тушди. Саркардани қучоқлади. «Саркардам, сизни омон кўрар эканман, оллога минг қатла шукр». Темур Малик ҳам икки қадрдонини кўриб бениҳоя хурсанд бўлиб, кўзига ёш олди. Бир нафаслик мулоқотдан сўнг, сарбозлар Темур Маликни отга миндириб, жиловини Иброҳим Дўлдай ушлаб, олдинда йўл бошлади. Иккинчи отга Қанғли Арслон билан Кучум мингашиб олишди...

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

ЖАЙҲУН ЕҚАСИДАГИ ЖАНГ

Мағлубият отига минган тўрт баҳодир яна икки ҳафтача дашту биёбонларда юриб, дам адашиб, дам сувсизликдан азоб чекиб, шишган жароҳатлари қийноқларига бардош бериб, охири Жайҳунга етишди. Бир неча кимсасиз эски кемалар боғлаб қўйилган Чалиш деган ерга келиб, отларини суғоришди. Жанубда, Ҳазо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

раси тагида Чингиз билан Жалолиддин қўшини бир ойдан буён жанг қилаётганини эшитган Темур Малик Чалишда бир кун тўхтаб, жанг майдонига юрди.

«Юртимизда босқинчилар бор экан, бизда ҳаловат бўлмайди. Шу ҳолда ҳаловат излаганлар юртнинг нобоп фарзандидир, айни вақтда хоиндан фарқи йўқ!»

Улар дарё ёқалаб юриб, Ҳазораспга бир тош қолганда, дўнгликдаги қадимий қабристон ости, уч гужум дарахти тагидаги кулбага киришди. Бунда қабристон шайхлари, ундан сал нарироқда, пасқам кулбада Жайҳуний ота номли назаркарда бир кимса турарди. Қадим Темур Малик Гурганжда, султон қўшинида сардор бўлганида бу ерларга келган, назаркарда ёшулли ҳақида ҳам эшитган эди. У юлдузларга боқиб, саркардалар қисматини айтиб берарди.

Соч-соқоллари ўсган, ориқ, ярим ялангоч чол ўз ҳужрасида тўрт йўловчини кутиб олди. Қурол осган, лекин либослари жулдур бу кимсалар лашкарбошилар эканига гумон қилмади. Кейинги пайтларда енгилган кўпгина қалъа ҳокимлари мамлакатда шу алфозда изғиб юрганини биларди. Назаркарда чол Темур Маликка илтифот кўрсатди:

— Кел, бўтам, хуш келибсен! «Мени кўрмак истаганинг боиси надир?

— Пир, бошимизга кулфат тушди. Босқинчиларнинг қўли баланд келиб, юртдан ажралдик. Ватангадолармиз... — Темур Малик ёнидаги халтачадан бир дона олтин танга олиб, исқиртгина дастурхон четига қўйди. — Қисматимиз хусусида бир нима айтинг.

Жайҳуний ота ўйланиб қолди. Тилла тангага кўзи тушиб, бу одам шаҳзодалардан бўлса керак, деб дарҳол жунбишга кирди.

— «...Вал-лоҳи-бис-савоб»[1]. Шу кеча Қайхон буржи[2] юлдузлари Жайҳун тепасида бўлди. Ҳали сенинг музаффар туғинг синмаган, у Қайхон буржидек оламни қоплайди. Ботил ва хабис сўзларга қулоқ осма! Бу йил қонли йил эди, мана қон тўкилди, султон Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳи соний Хазор томон қочди. Куч ва қудрат шаҳзода қўлида. Тушундингми сўзларимга?

— Тушундим.

— Маздак — ботил, сўфийлар — ботил![3] Чин ҳақиқатни олло биладир... Қайхон буржи юлдузлари Жайҳун устига тик келди. Юртга оғир бўлди. Шу ярим ой ичи қамар ҳам баҳри фалакда кемадек қалқиб, чалқанча ястаниб ётибди... Бу ҳам юртнинг нотинчлигидан далолат. Бўтам, шамширингни маҳкам ушла, сен ватангадо эмассен, мана ватанинг! Юртингни қайтариб оласен, чумолича жонинг бўлса ҳам ҳаракат қил, жанг қил! Бекор ётгандан худо безор.

---

[1] «Вал-лоҳи-бис-савоб...» — ҳақиқатни фақат олло билади.
[2] Қайхон буржи юлдузлари — Орион буржи.
[3] Ботил — сохта, хабис — пасткаш, бадкирдор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Чумоли» сўзи Темур Малик юрагини ҳаяжонга солди. Жайҳуний отани бир фолбинга ўхшатиб, шунчаки кирган эди. Саркарданинг фикри ўзгариб, назаркарда чолга маҳлиё бўлиб қолди. У бир кулба ичида ўтириб, дунёда бўлаётган шунча ишу муҳорабаларни билиши, ҳатто «чумоли» воқеасини топгани уни ҳайратга солди.

Тўрт йўловчи Жайҳуний отага ташаккур айтиб, ташқарига чиқишди. Шу юрганча, йўловчилардан суриштириб, Жалолиддин қўшини тўхтаган боргоҳни сўраб, шитоб билан кетишди. Кўп ўтмай улар йўлда, пистирмада турган посбонларга йўлиқиб, ўзининг Темур Маликлигини танитгач, уни шаҳзода боргоҳига элтишди. Жанд яқинидаги жангда ярадор бўлган, асли исми Сулаймон бўлиб, лақаби — Ботмон Дахсар, йўғон ўнбоши ҳам саркардани излаб, бошқа йўл билан юриб, Жалолиддин қўшининга етиб келган экан. Саркарда етиб келганини эшитиб, от чоптириб унинг ёнига келди. Шу куни, Темур Малик Жалолиддин билан унинг боргоҳида учрашди. Шаҳзода саркардани навозиш этиб, қучоқлашиб, елкаларига уриб, энг қадрдон дўсти сифатида унга яхши мулозамат кўрсатди. Саркарданинг омон-эсон келиб қўшинга доҳил бўлиши шарафига ўз боргоҳида зиёфат берди. Зиёфатдан сўнг, чодир ичида шамлар ёқилиб, курси устига Муҳаммад Мусо ал Хоразмий замонидан қолган, Бағдоддан олиб келинган харита ёзилди. Курси юқорисида ўтирган Жалолиддин харитадаги ҳамма белгиларни саркардаларга тушунтириб берди. У узоқ вақт кўрмаган қадрдони Темур Маликка дамо-дам қараб қўярди. Курси атрофида Темур Малик, шаҳзода Узлоғшоҳ, марҳум вазири аъзам Низом ал-Мулкнинг ўғли Фатх ал-Мулк, Бадахшон беги йўллаган, Шоҳмурод Кўҳистонийнинг иниси — Элмурод Кўҳистоний, Қангли Арслон, сардор Олабуқа, Иброҳим Дўлдай ва бошқа саркардалар ўтиришарди. Бир ҳафтадан буён Жайҳун ёқасида бўлаётган жанг Чингизхоннинг энка-тинкасини қуритгани, агар Чиғатой билан Жўжининг ўн мингдан ортиқ қўшини Бухородан бу ерга келмаса, тез орада Чингизхоннинг қочиши, қўшинининг тор-мор этилиши аниқ эканини Жалолиддин исботлаб берди. Чингизхон жуда кўп талафот кўргани сабабли Хуросон ва Эронга ўтмай, Жайҳун ёқасидан орқага қайтиш ниятида эканини, аммо ўғиллари бу ишга қарши тургани сабабли фикри ўзгараётганини билганлар ҳам бор эди. Чину Олтойда бунчалик қаршиликка учрамагани, Мовароуннаҳр халқи қаттиқ талафот бераётгани, бу халқ минг йилдан нари, Искандар Зулқарнайнга ҳам кўп талафот етказиб, Сайҳун ёқасидан қайтишга мажбур этганини, шундан сўнг ўзини ўнглолмаганидан ҳам Чингизхон хабар топган эди. Айниқса Самарқанд билан Хўжанд унинг белини синдирганини кўнглидан ўтказди. Лекин қайтиб кетишнинг ҳеч иложи йўқ эди...

Сарбозларнинг руҳини кўтармоқлик, душман тор-мор этилгач, ҳар бир сарбозга юз тилла тангадан ақча берилишини маълум қилмоқлик керак, деди султон Жалолиддин саркардалар мажлисида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртасига тонготарда Хоразм қўшини жанг карнайлари садоси билан саҳрода найзаю қалқонларини ушлаб, саф тортиб, ҳужумга ҳозирлик кўришди. Даштнинг узоқ чети, тепалик остида мўғуллар ҳам жанг тайёргарлигини кўришди. Тун бўйи у томон, бу томоннинг айғоқчилари даштда изғиб, икки мўғул сарбозини ушлаб, Жалолиддин билан Темур Малик ёнига олиб келишгани қўшинга маълум бўлди. Хўжанд ҳокими — Темур Маликнинг бунга етиб келиб, Жалолиддин ёнида турганн қўшиннинг руҳини кўтариб, катта бир лашкар келиб қўшилгандай бўлди. Шу куни Темур Малик Иброҳим Дўлдай, Қанғли Арслон, сардор Олабуқа, Ботмон-Дахсар, Кучум ва бошқа хўжандликларни ёнига олди. Бадахшонлик Элмурод Кўҳистоний ҳам шаҳзода боргоҳида даражаси мингбоши бўлишига қарамай, бир ерликмиз, деб, Темур Малик ёнида жангга киришни лозим топди. Темур Малик шаҳзода ёнида, тепаликда жангни кузатиб туришликка розн бўлмади. Отга миниб, қўлига қилич ва қалқон ушлаб, жангга кирмоқликни сўради.

Офтоб ёйилгач, эрта тонгда карнаю ноғоралар нидоси остида Хоразм қўшини мўғуллар устига бўрондай бостириб борди. Тараққа-туруқ, амуд-гарон, санги осмон... бўлди. Отларнинг қичқириғи, чанг-тўзон, баҳодирларнинг юракдан наъраю раъдвор тортиши, ур-ур, сур-сурлар оламни тутди. Чанг-ғубор осмонга кўтарилди. Икки лашкар бир-бирига аралашиб, қилич солишар, найза уришарди. Отдан йиқилган, пешонасидан қон оққан, бошлари узилиб, ерда ётган сарбозларнинг ҳисоби йўқ.

Жанг кечгача чўзилди. Икки томон ҳам ҳаёт-мамот учун жанг қилишарди. Хоразмликларнинг қўли баланд келиб, мўғулларнинг ўнг қаноти даштга сочилиб, чекина бошлади. Узоқ тепада, отда жангни кузатиб турган Чингизхон ўша томонга от чоптириб кетди. Унинг кетидан уч-тўрт отлиқ ҳам югурди. Шу томонда тинимсиз наъра тортиб-қичқириб қилич солаётган Темур Маликдан мўғул отлари ҳуркиб қочар, устидаги сарбозга кутилмаганда қилич солар ёки яқинроқ масофа бўлса шамшир учини тиқиб, отдан қулатарди. Қўйлар подаси ичига кириб қолган қашқирдек (мўғуллар Темур Маликни «Ирвэс», яъни қоплон, деб атарди) унга рўпара бўлмай, дам уч-тўрттаси бу томонга, дам у томонга қочишар, бехато тиғ ураётган сарбоздан ўзларини четга олишарди. Темур Малик, Иброҳим Дўлдай, Қанғли Арслонлардан унча узоқ бўлмаган жойда Олабуқа билан Кучум ҳам мўғулларга қилич урар, атайи ўзининг мусулмонлигини билдириб, Кучум ҳар қилич солганида «олло-ҳу акбар!» деб қўярди. Ўзи асли мусулмону янглишиб ғайридинлар билан бу томонга келиб қолганидан пушаймон эканини Жалолиддинга ҳам сездириш мақсадида, шайхулисломдан кўра ҳам «худо-олло» сўзларини кўпроқ ишлатарди. Шу жангда сарбоз сифатида олатўполонга кириб, йигирмадан ортиқ душманни ер тишлатганини кўрган хоразмликлар Хўжанд ҳокимининг чаққонлиги, наъра тортиб, ваҳима солиб душман бошини кесишига тасанно айтардилар.

Яна узун ва ваҳшатли жанг карнайи янгради. Хоразмликлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз томонлари — шаҳзода Жалолиддин боргоҳи томон от суришди. Мўғуллар ҳам ўз қўшинини чақиртириб олди. Жанггоҳ — кенг даштда мингларча жасадлар сочилиб ётар, эгасиз отлар қаёққа боришини билмай тўрт томонга тўзиб кетган. Баландликда турган Жалолиддин отини ниқталаб чоптириб Темур Малик ёнига келди.

— Офарин, саркарда, офарин! Яхши жанг қилдингиз! Энди ёнимда бўлғайсиз. Мабодо тўполон ичига кириш лозим бўлса, бирга кирурмиз!

— Айтганингиздек бўлади, шаҳзода. Мен енгилиб келган одаммен, юрагимда қасос ўти ёнади. Сизнинг қанотингиз остида бир кучга юз куч қўшилиб, жанг қиладурмен.

— Мамлакат муҳаббати она тилида сўйлашмоқдин, юртни севмоқ, тилни қадрламоқдин бошланади. Низом ал-Мулк ҳазратлари бизга Дородан мерос, деб фармонни ҳам, машваратни ҳам форсий қиладурлар эрди. Сиз саркарда наърани ҳам туркий тортадурсиз, бу муҳим!

— Шаҳобиддин Хивақий ҳазратлари бу ишни Хўжандда йўлга солдилар. Аммо ҳазрат Жанд ёнидаги жангда ҳалок бўлдилар.

Қўшинга дам бериб, қозонлар қайнаб, тун бўйи куч тўплаш одат тусига кирган эди. Жалолиддин Чингизхон қўшинига Жўжи ва Чиғатой қўшини етиб келмасданоқ тор-мор этмоқ ниятида ўз қўшинини ярим тунда оёққа турғазиб, ўзи Темур Малик билан биргаликда мўғуллар устига тўсатдан бостириб борди. Шошиб қолган душман уч томонга бўлиниб, жанг қилди. Чингизхон юзга яқин отлиқлари — фидойилари ҳотасида Дарғон Ота томон қочди. Агар у чекинмаганда Жалолиддин билан Темур Малик қўлига тушиши аниқ эди. Дарғон Отага яқинлашиб қолган Жўжи ва Чиғатой қўшини унинг жонига ора кирди. Қапалаги учиб кетган Чингизхон ўғиллари бошлаб келган қўшину ўзининг йигирма минглик отлиқлари билан эрталаб хоразмликлар устига тўсатдан ҳужум бошлади. Бу гал хоразмликлар дош беролмай Қиёт томон чекиниб, тарқалиб кетди. Кемада Жайҳунни кесиб ўтиб, нариги қирғоқда турган Жалолиддин, Темур Малик, бадахшонлик Элмурод Кўҳистонийлар дарё қирғоғига етиб келган мўғулларга узоқдан қараб турардилар. Шу орада мўғул сарбозлари икки томонга сурилиб, ўрталик очилди. Дарё қирғоғига келиб оқ отидан тушган семиз Чингизхонни дарёнинг нариги қирғоғида турганлар бемалол кўриб турардилар. Чингизхон қўлини пешонасига соябон этиб, нариги ёқда турган Темур Малик билан Жалолиддинга тикилди. Ёнида турганлар қайси бири Жалолиддин, қайси бири Хўжанд ҳокими Темур Малик эканини унга тушунтириб бердилар. Шу лаҳза дарёнинг нариги томонида турган Темур Малик қиличини қинидан суғуриб, осмонда ярқиратиб ўйнатиб, Чингизхонга кўрсатди. Қилич офтобда яна ҳам ярқираб, Чингизхонга ўқталаётганини кўриб турган мўғул сардорларининг сочи тикка бўлди. Ҳозироқ ўзларини сувга ташлаб, Темур Малик ёнига етиб бориб, бу ҳурматсизлиги учун калласини узиб ташлашга тайёр эдилар. Чиғатою Жўжи ва бошқа саркардалар дарғазаб Чингизхон олдида

www.ziyouz.com kutubxonasi

хижолатдан ерга кириб кетай дердилар. Темур Малик ҳам анча вақтгача қиличини ҳавода ярқиратиб ушлаб турди.

Чингизхон дарғазаб бўлиш ўрнига ёнидагиларга мамнуният билан кулиб қаради:

— Қани энди Жалолиддин билан Темур Малик менинг ўғлим бўлса, улар ҳавас қилса арзийдиган баҳодир саркардалар[1].

Чингизхоннинг атрофида турган нўёнлар бир нима деёлмади, миқ этмай тураверишди. Бу гап уларнинг бошига тушган қамчин эди.

Аммо Ҳазорасп даги, ундан кейин Қиёт, Гурганж ва Хива жангларида мўғуллар кўп талафот кўрганига қарамай Хоразм қўшинини тор-мор этдилар. Жалолиддин яна қўшин тузмоқ мақсадида бир қисм сардорлари билан Наса, ундан сўнг Рей, Исфахон томонларга жўнаб кетди. Темур Малик атрофидаги ҳамма сардорларни Жалолиддин хизматига тайинлаб, ўзи Иброҳим Дўлдай билан Наса шаҳрида қолди. Хасталикдан бир оз соғайгач, шу атрофи жонибда мўғуллар галаси изғиб юргани сабабли, ҳамёнлари қуриган хўжандликлар савдогарлар карвонига қўшилиб, Бағдод сари йўл олдилар. Унинг хаёлига мунший Абдулқодир аш-Шоший айтиб юрадиган ғазал мисраси келди: «Рўба Ҳинд оварданий соҳибдилон бежиз нест...»

Ҳа, гап соҳибдиллар хусусида эмас, соҳибқиронлар ҳам Ҳинд ёки Бағдод сари кетади. Шайхулраис Муҳаммад Мусо ал Хоразмий ҳам Бағдодда қаддини ростлади. Шу сабабли бизнинг ҳам йўлимиз Шому Бағдодга... деди Темур Малик.

Жайҳун бўйидаги оғир жангда у барча дўстларини йўқотди. Улар ҳалок бўлдими ёки бирон томонга бош олиб кетдими, мутлақо билмади. Фақат садоқатли дўсти, иниси Иброҳим Дўлдай, Жанд яқинидаги жангда бир адашдим, энди ёнингиздан кетмаймен, деб Темур Маликни асло ёлғиз ташламасди.

Наса шаҳрида бетоб ётганида ёнига талабаларга ўхшаш хушбичим бир йигит кириб, ўзини Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, шаҳзода Жалолиддин мунши йсимен, «Сират...» ёзадурмен, деб таништирди. У эрта ё индин ўз отасидан оқча ва от, йўл харажатлари олиб, Жалолиддин орқасидан Рей шаҳрига жўнашини маълум қилди. Иситма ичида ёнаётган Темур Малик ёстиқдан бошини кўтариб, Шаҳобиддинга тикилди. Бу талабасифат йигит унинг диққатини тортди. Унинг бу иши жуда маъқул экани, лекин афсус, босқинчилар «Сират...» ёзишга имконият бермаса керак, умуман, ҳозир «Сират...» эмас, қўлга қилич ушлаб, жанг қилмоқ, мўғул босқинчиларини қирмоқ лозим, деди.

— Бунинг учун лашкар керак. Лашкарсиз юртни озод этиб бўлмайди, — деди ан-Насавий.

— Лашкарни биз тузамиз, сиз мавлоно, ёнингизда ўткир ханжар олиб юринг, битта душманни ўлдирсангиз ҳам савоб!

---

[1] Акад. В. В. Бартольд. «Татаро-монгольское нашествие в Среднюю Азию».

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу султон Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ машваратининг фармонига мопанд гап. Муҳтарам саркарда, мени афв этинг. Бизлар, яъни бизни талаба деб атайсизми, бошқа ном билан атайсизми, бари бир, биз Хоразм фарзандлари Шаҳобиддин Хивақий ҳазратлари фикрини қувватлаймиз. «Қалъаларнинг мустақил мудофаага ўтиши», тўдалар ва якка кишиларнинг ҳужум қилишлари... ботил! Барча лашкарни тўплаб, босқинчига қарши жанг қилмоқ керак эди. Хатолик бўлди!

Темур Малик ан-Насавийга бақрайиб қараб қолди. Бу ёшлар кўп нарсага тушунади, султоннинг асосий хатосини ҳам билишган экан, деди ўзига ўзи.

— Бир талаба сизни излаб юрибди. Ижозат беринг, кирсин.

— Ижозат, — деди ёстиққа суяниб ўтирган Темур Малик.

Шаҳобиддин ан-Насавий ташқарига чиқиб, бир талаба йигитни бошлаб кирди-да, ўзи ва бунда хизмат қилиб турган Иброҳим Дўлдайни ташқарига олиб чиқиб кетди.

Нотаниш йигит ичкарига кириши билан салом бериб, бўйнидаги туморини саркардага узатди. Саркарда туморни яна қайтариб йигитга берди.

— Очинг, иним, — деди.

Йигит этиги қўнжидан пичоқ чиқариб, тумор ипларини қирқиб, бир варақ қоғозни ёзиб, саркардага узатди. Йигитнинг қўлидаги пичоққа кўзи тушган Темур Малик дарҳол нима гап эканини пайқади. Бундай тиғлик, сопи гулдор пичоқни фақат Хўжанд усталари ясарди. Шу тиғдор пичоқдан юз эллик дона ясатиб, Темур Малик Муҳаммад Интизомга берган эди. Сопи гулдор, кичкина бургут тасвири тушган пичоқ фақат Муҳаммад Интизомнинг айғоқчиларида бўларди, холос.

— Сардор Муҳаммад Интизом менга бу ишни топширдилар...

— Ташаккур, иним! — Темур Малик «талаба йигит»нинг номини ҳам сўраб ўтирмай, номани ўқишга тутинди:

«Муҳтарам саркарда! Жонимиздан азиз Малик ҳазратлари! Етиб маълум бўлғайки, босқинчилар обдан шаҳарни талаб, фуқарони тамоман ўзларига душман қилдилар. Хўжанд юзаки қараганда бир қадар тинч кўринади, аммо ҳар бир юракда қасос ўти ёнадир. Мўғулларга фуқаро ишонмагач, шу ерлик кимсалардан бирини ҳоким қилмоқчи бўлдилар. Ҳеч ким унамади, иншоолло, ҳеч зот сизнинг ўрнингизни ололмагай. Ўғлингиз Метин Малик Хўжандда, ундан хавотир бўлманг. Ҳокимлик мартабасига одам топилмагач, мўғуллар Маҳмуд ялавочни олиб келиб қўядилар, деган гап бор. Биз, шавкатли саркардамизнинг ҳамда Хўжанднинг садоқатли фидойилари жанги пинҳоний бетўхтов давом эттирберади. Ҳозир мўғуллар саросимага тушиб, калаванинг учини тополмай қолди. Нўёнлар отлиқлар иҳотасида ҳам шаҳарда юролмайди.

Муҳтарам саркарда! Танимизда жон бор экан, она шаҳримиз, она юртимизни оёқ ости қилаётганларни жаҳаннамга йўллайберамиз... Доимо дуойи жонингизни қилиб, садоқатли қулингиз Му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммад Интизом. Жавза ойининг ўн еттинчи куни, Хўжанд шаҳри».

Темур Малик хатни ўқиб ўрнидан туриб кетди. Чордана қурди. Бундоқ хушхабар, бундоқ маъво олдида жон чиқурда ҳам ётиб бўлмас эди. Хатни кўзига суртди.

— Исминг нима, йигит? Аслинг қаердан?

— Муҳаммад Али. Ахсикатликмен. Бекнинг кичик ўғли.

— Ий-я, вой, оғанг сендан ўргулсин, бормисен! — Темур Малик ўрнидан туриб, йигитчани қучоқлаб, бағрига босди. — Бундоқ деб айтмайсанми! Бек ҳазратлари саломатмилар?

— Отам дунёдан ўтдилар...

Темур Малик юзига фотиҳа тортиб, хомушланди. Унинг кўз олдида водийдаги энг салоҳиятли, энг зукко одам — Музаффар Оталик ҳазратлари пайдо бўлди. Бу доно ва тадбиркор одам ёнида баҳодир қиз — Қоракўз бека ҳам намоён бўлиб, юзидаги пардани кўтаргандек бўлди. Кутилмаганда шунча янгилигу шунча ҳаяжон! У бир лаҳза тилига сўз келмай, соқов бўлиб қолди. Унинг кўз олдида жасоратли қиз — Қоракўз бека пайдо бўлиб, Темур Маликка табассум қиларди...

Темур Малик билан икки «талаба» — Шаҳобиддин ва Муҳаммад Алилар хайрлашиб, ўрнидан турди. Иброҳим Дўлдай меҳмонларни кузатиб қўйди. Темур Маликка табибнинг ишитмани туширадиган дорусидан ичириб, ухлашга даъват этди. Лекин у мутлақо ухлолмади. Кеч кирди, тунда ҳам кўзига уйқу келмасди. У ўзини яраланган, занжирбанд шерга ўхшатди.

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

РАҚҚОСА НИГИНАНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Ватангадоликда йиллар ўта бошлади. Мана, гўққиз йилдирки, Хоразм салтанати қулаб, қалъалар вайрон этилиб, мўғул қўшини ҳаммаёқда ҳукмронлик қиларди. Ватандан ажралган Темур Малик жанубий Эрон ва Шом мамлакатларида изғиди, ҳамма ерда у кичик тўдалар билан Чингизхон ва Жўжи қўшинига фавқулодда зарбалар берарди-ю, лекин душманни тор-мор этмоққа қурби етмасди. Охирги кунларда Бағдод карвонсаройида Иброҳим Дўлдай билан мусофир бўлиб ётардилар...

Балиқ сув билан тирик. Ўз санъати, рақси билан тирик юрган Нигина ҳам «мамлакати қўлдан кетган» ҳокимлардек сарсон-саргардон юриб, охири Бағдодга келган эди. Аввал ҳукмдорлар дилхушлиги учун ўзини бағишлаган, жавоҳир тўплаган Нигина юрагида ҳамон баҳодир Темур Малик яшарди. У рақсу қўшиқдан, созу мақомдан узоқ, фақат гўшт истеъмол қилувчи, ялпоқ бурунли мўғуллардан қочди. Мўғуллар дутору сетор, уд ва ноғорининг сер-завқ зарбига лоқайд қарардилар. Улар Нигина рақсини ҳам унча фаҳмламас, «мусулмонлар ўйини сержазава бўлади», деб қарардилар, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темур Маликнинг қора кунлари бошланди. У Бағдод карвонсаройида Мовароуннаҳрдан — Бухоро, Самарқанд, Кешу Хўжанддан келган савдогарларни кўргали келар, улар билан мулоқотда бўлар эди. Бировлар уни танир, бировлар танимас, саркарда ҳолига ачингандай бўлиб, лоқайд мулоқотда бўлардилар. Баъзан жанда осиб, қаландарлик ҳам қилди.

Шу аҳволда пул тўплаб, қурол-яроғ олиш мумкинми? Баъзи ватандошлари — савдогарбаччаларнинг жангу жадалларга тоқати борми? Уларга молу ақча керак, улар энди мўғул истибдоди абадулабад деб билиб, босқинчиларга бўйсунгани Темур Маликни бениҳоя ғазаблантирарди. Улар учун она-Ердан кўра ҳам бойлик керак. Ватандан, қариндош-уруғларидан, дўстларидан ажралган Темур Малик билан чуҳра Иброҳим Дўлдай қаноти қайрилиб синган қушдек учолмай, Бағдод карвонсаройида ивирсиб, ўралашиб юрарди. У кўп вақт ўзини танитмас, Сайҳун томонлардан келган савдогарларга ҳам ўзини унча ошкор қилмасди. Аммо яхшимиёмонми мовароуннаҳрлик ватандошларини кўргиси келарди.

Афтодаҳол, ғамнок кунларнинг бирида бозордан хўрак олиб карвонсаройга қайтаётган, либослари ҳам ғарибона Темур Маликни асо тутган бир мўйсафид одам йўлини тўсди. Афтидан, анча вақтдан буён бу «туронийни» кутиб турганга ўхшарди. Сарбаст одамни кўриши билан ўрнидан туриб, мурожаат этди.

— Жаноб, бир лаҳза тўхтанг, гапим бор! — деди ярим араб, ярим туркий тилда.

— Марҳамат, — деди Темур Малик салом-аликдан сўнг кетаётган ерида андак тўхтаб.

— Сизда ишим бор, мен билан юринг! Мендан ҳайиқманг, мен бир мисгар одаммен...

— Ҳурматли сайид, сувдаги одам сувдан ҳайиқмагандай, ўлган одам ҳеч нарсадан қўрқмайди, — деди Темур Малик илжайиб.

— Ундоқ деманг, бўтам. Тирик одам доимо оллодан умидвор бўлмоғи керак. Менинг ҳамсоям бунда эканингизни билиб, сизни анча вақтдан бери бир кўрмоқни истайди. У бечора оғир хаста. У асли Мовароуннаҳрдан, менинг болохонамда ижарага туради. Сиз жанобнинг Бағдодда эканлигингизни эшитиб, тинчи бузилди. Сиз, жаноб, унинг қариндоши экансиз. Хижолат бўлмай юраберинг, хаста одам аёлми, эркакми — ҳол-аҳвол сўрамоқлик савоб. Яна бунинг устига қариндош экансиз. Сизлар жуда оғир кунларга қолдингиз — ватанингиз босиб олинган, асоратдасиз. Қайғу-андуҳингизга шерикмиз...

Темур Малик ҳайрон бўлди. Лекин иккиланмай кекса мисгар орқасидан тор кўчаларга кириб кетди. Улар бир муддат юришгач, кўримсизгина эшик ёнида тўхтаб, олдинма-кейин ҳовлига ўтишди. Ҳовли ҳам жуда тор ва захкаш эди. Э, Хўжанд, Хўжанд... Шафтолию ўриклар, тераклар... Қани энди улар! Чол ҳовли бурчагидаги эски ёғоч зинани кўрсатиб, юқорига чиқаверинг, деб имлади. Қаландарсифат Темур Малик қўлида тугунча, лопиллаб турган зи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

напоялардан эҳтиёткорлик билан юқорига кўтарилди. Унинг ярми кўриниши биланоқ, хонада кўрпа-тўшак қилиб ётган аёл ёстиқдан бош кўтарди.

— Келаберинг, саркарда! Марҳамат! Менинг рўпарамдаги курсига ўтиринг! Ҳайиқманг, ёмон нарсаларни ўйламанг! Мен хўжандлик, асли воруҳлик раққоса Нигина Абдул Саид қизи бўламен... Сизнинг ватандошингиз...

— Ассалому алайкум! Азизам, сенга нима бўлди?!

Темур Малик бемор рўпарасидаги курсига ўтириб, юзига фотиҳа тортди. Унинг дардига худодан шифо тилади. Гарчи дарди оғир, озиб-тўзиб кетганига қарамай Нигина қувнаб, саркардани кўрганидан ўзининг ғоятда шод эканини, соҳибқироннинг пойиқадами зора унга шифо берса деди.

— «Саркарда Темур Малик» эмас, ватангадо бир қаландармен, азизам! — деди қайғу билан Темур Малик, — оллонинг хоҳиши шундоқ бўлди. Енгилдим, юртимни босиб олдилар. Мен ўлган одаммен.

Темур Малик қўлидаги хўракни дастурхонга қўйди. Лекин шу лаҳза уй эгасининг болалари меҳмон олдига дастурхон ёзиб, ширинликлар ва қаҳва олиб киришди. Темур Малик раққосанинг ўзичалик камбағаллашиб қолганини сезмади. Буни у хизматкор сақлаши, ҳарир кўйлакларда, озода хонада туришидан, хаста бўлса ҳам гапларининг дадиллигидан сезиб турарди. У ҳазил-мутойиба гапларни ёқтирар, султоннинг сўнгги базмидаги рақси, амир Шаҳобиддин синглиси Ивоъгийа беканинг таннозлигию усталиги, султон Жалолиддиндан фарзанд кўрганини эслашди...

— Муҳтарам саркарда! — деди раққоса ётган ерида Темур Маликка кўзларини ўткир қадаб. — Мен вақтида сиз ҳазратнинг истагингизни бажарганмен... Гарчи араз билан Гурганжга кетиб қолган бўлсам-да, аслида, сиз саркардамни жонимдан аъло севардим. Юрагимда муҳаббатингиз доимо барқарор. Бир одамдан: «Хўжанд ҳокими Темур Малик ҳазратлари ҳам Бағдодда юрибдилар...» деган гапни эшитиб, бир ойдан буён сизни бозору карвонсаройлардан қидиртирамен... Сизнинг амрингизни бажарганмен, севиб бажарганмен. Энди сиз менинг амримни бажарасиз! Сиз — мен учун азиз одам, умрим бўйи сиздек олижаноб кимсага дўст бўлишни орзу қилган эдим. Худога минг қатла шукрки, сиз қадрдонимни яна кўрдим. Муборак номингиз ҳеч қачон дилимдан узоқ кетган эмас. Менинг илтимосим шуки, мана (у боши остидаги иккинчи ёстиқ — ўроғлиқ катта тугунни суғуриб олишга интилади, кучи етмагач, Темур Маликка ишора қилади. Хона бурчагидаги сандиқни очиш, ундан яна бир тугунни олишни сўрайди) буларни олиб, харажат қилинг, саркарда! Карвон билан Хўжандга қайтиб бориш керак. У ерда одамларни тўпланг, қурол-яроғ, отлар сотиб олинг. Шошга, Ахсикату Ўшга боринг. Бадахшон, Қалъаий Хумб томонларда қўрқмас ёвқур тожик уруғимиз бор, унутманг уларни! Босқинчидан еримизни озод этинг! Бу жавоҳирлар анча нарсага етади... Умр бўйи йиққанмен... Наҳотки сиздек буюк саркарда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжандни озод этолмаса?! Мени бунга ишонгим келмаётир. Сиз, астойдил бел боғласангиз, бугун Мовароуннаҳрни ҳам озод этасиз! Мен кўп шаҳзодаю бекзодаларни кўрдим, улар сизнинг жимжилоғингизга ҳам арзимайди!

— Э, маликам, сиз хастасиз, бу қимматбаҳо жавоҳирларни ўзингизга ишлатинг. Мени хижолат қилманг...

— Саркарда! Қолган кунларимга етадиган тилла тангаларим бор. Гапимга қулоқ солинг. Сиз ҳеч қачон енгилишни тан олмайдиган, мақсадингизга етмагунча жанг қиладиган соҳибқиронсиз. Шу фазилатингизни яхши биламен. Мен бу бойликни гўримга олиб кетолмаймен, бу бойлик — Мовароуннаҳр бойлиги! У заминда йиққанмен. Буни ишлатиб, юртни озод этинг! Бу — ҳам савоб, ҳам фарз! Мени бир капалак раққоса деб камситманг, мен ҳам Мовароуннаҳр фарзандимен. Юртидан жудо этиб, таъқиб этсалар, капалак ҳам бургутга айланади! Бу бойликлар ўзга юртда қолиб кетмасин, ота шаҳрим Хўжандга олиб кетинг, уни қайтадан озод этинг!

— Маликам, мен сизни ҳеч қачон шундай инсон, юртини жондан азиз севадиган инсон деб ўйламаган эдим.

— Сизлар ёш соҳибжамолларга баъзан кўнгилхушлиги учун, ишрат учун қарайсизлар. Мен буни биламен. Аммо бари бир сизни бир Зулайҳо каби жонимдан азиз севаман. Раққосани на шоҳ, на бек, на саркарда хотин қилиб олади! Чунки у раққоса! У Хоразмшоҳнинг кўнгилхушлиги учун даркор. Раққосага жавоҳирлар туҳфа этишган, лекин ҳеч ким унинг юрагида нима борлигини сўрамаган. Мен ҳам бир эр билан яшаб, ватан қилиб, бола туғиб, кун кўргим келарди. Бир хомболми, бир мешкобчими мени хотин қилиб, ғарибона қозон қайнатишга зор эдим. Мен жайронлар кабобидан, гулоблар бўйи сархушлигидан зерикдим. Менда бутун мамлакатга етарли бойлик бор. Эрим ва болам бўлмаганидан сўнг, уларнинг менга не кераги бор! Умр саробдек ўтди... Аммо ҳаммавақт, сиз ҳазратнинг менга нисбатан дилхушлик учун эмас, инсон сифатида боққанингиз юрагимда офтобдек ёниб туради.

Темур Малик раққоса Нигина илтимосини қабул қилди. У мисгар чолдан хуржун олиб, «эски-туски» олган бўлиб, ҳамма бойликни унга солди. Нигина билан хайр-хўшлашиб ташқарига чиқди.

Темур Маликнинг ўпкаси тўлди...

Орадан бир кун ўтгач, Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бозордан нозу неъматлар харид қилиб, раққоса дилига мос тушадиган гулу ифор, Мовароуннаҳр томондан келган савдогарлардан Гуркистон тизма тоғларидан олинган мўмиё, қуритилган зирк, Самарқанд кишмиши топиб, унинг ёнига келишди. Энг қимматбаҳо жавоҳирларни белларига боғлаб олишган, бир қисмини карвонсарой ҳужрасига яшириб, эшикни маҳкам қулфлашган эдилар. Туҳфалар ичида Темур Маликнинг ўзи берган жавоҳирлар ҳам бор эди. Хаста ётган Нигина лопиллайдиган зинапоялардан чиқиб келаётган ватандошларини кўриб, беиҳоя хурсанд бўлиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У ётган ерида дарҳол қўнғироқчани чалиб, мисгар чол неваралари — бўйи етган қизларга дастурхон ёзишни буюрди. Араблар одатича, қаҳваю ширинлик, ёққа қовурилган «қуш тили» ва бўғирсоқ олиб чиқишди. Мисгар оиласига яхши ҳақ тўлаганигами ёки бу хонадоннинг ғоятда инсонпарварлигими, ҳар қалай, Нигина улардан жуда мамнун эди. Ўзининг айтишича, беҳисоб бойликка эга шоҳ эди-ю, аммо ўзга юртда кимсасиз гадо, ғаريбларнинг ғариби эди. Ўзга элнинг шоҳи бўлгунча, ўз элингнинг гадоси бўл деган ҳикматни у ватандошларига сўзлаб берди.

Орадан яна бир кун ўтказиб, Нигина ёнига Темур Маликнинг ўзи ёлғиз келди. Иброҳим Дўлдай ҳужрада хуржунга яширилган бойликка посбонлик қилди. Эртасига у Темур Малик илтимоси билан Бағдоддаги энг яхши табибни топиб, аравада олиб келиб, хаста Нигинани кўрсатди. Турли дори-дармонлар хона токчаларига тўлиб кетди. Юриш, оғир нарса кўтариш, қайғуриш қатъиян ман этилган дил хасталигига даво топиша олмасди. Икки-уч қават ёстиқ қўйдириб, бошини баланд қилиб ётарди. У ўз дардининг бедаволиги ва умуман ётабериб зерикканлиги сабабли, табибларга ҳам унча ҳуши йўқ, фақат яхши дўстлар атрофида бўлиши, бўлиб ўтган Гурганждаги базмлар, созандалар, раққосалар, баҳодирлик қилган сардору саркардалар ҳақида кўпроқ гапиришни, саргузаштлар эшитишни ёқтирарди. Нигина ёнида киши бўлмаганида, шифтга қараб ётиб, соатларча хаёл дарёсида оқарди; бу ғариб мисгар хонаси ҳам Хўжанд қалъасига, Гурганжу Самарқанддаги ўймакор ганчин саройларга ўхшаб кетарди. Чирманданинг сержазава гижбанги, ғижжакнинг ҳазин йиғиси, сеторнинг серзавқ оҳанги юрагини эркалар, гўё ўн саккиз ёшдаги Нигина рақс этар, юзларча юракларни мафтун этиб, «бу дунё гўзаллиги»ни яратар эди. Уни кимдир ўша вақтда: «Жаннат қизи», деган эди. Бу муқояса гап саркарда Шаҳобиддин Хивақий билан вазири аъзам Низом ал-Мулк ўртасидаги баҳсга сабабчи бўлиб, «бу ўйинни фақат жаннатдан чиққан парилар шундай ижро эта олиши мумкин. Унинг танидаги ҳарорат —илоҳий, Хизр назари тушган одам бўлмаса, у кишини ўз санъати билан бунчалик сеҳрлай олмас эди...» деган гаплар ҳам бўлган эди. Нигинани Туркон хотун «Жодукўз» деб атаган, сархуш Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ: «Тожимдаги гавҳартош...» деб атаган.

«Бари ўтди, бари ўтди...» дерди ўзига ўзи баъзан ёлғиз ётган Нигина.

Кунлардан бир кун, ҳовли эгаси — мисгар чол тонготарда карвонсаройга кириб келиб, қоронғи ҳужрада ухлаб ётган Темур Маликни уйғотди. Тунда хаста Нигина қазо қилганини маълум қилди. Қир, қорайиб кетган болишдан бош кўтарган Темур Малик дарҳол юзига фотиҳа тортди. Бир қисмини камар қилиб, бир қисмини Иброҳим Дўлдай белига боғлаб, тикиб олгани жавоҳирларни эҳтиёт қилиб, наридан-бери юзини ювди-да, Иброҳим Дўлдайни ҳам олиб чол билан бирга учовлон ичкари маҳалла кўчаларига лўкиллаб чопиб кетишди. У халтадаги бир ҳовуч Хўжанд тупро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғини ҳам олган эди. Тилла тангаларни олдинги куниёқ эски хуржунларга яширган эди.

Шу куни намози жумада марҳуманинг жанозаси ўқилиб, йигирма чоғлик одам шаҳар четидаги кимсасиз қабристонга олиб бориб, тупроққа топширишди. Бу одамлар йигирма кишидан ошмай, улар асосан карвонсаройдаги муҳожирлар, кўпчилиги мовароуннаҳрлик ватангадолар эди. Уларга Иброҳим Дўлдай тезда хабар қилиб жамлади. Темур Малик ўз қўли билан марҳумани лаҳадга қўйди. Унинг боши остига тўққиз йил ёнида асраб юргани — Хўжанд тупроғини тўкди. Бу тупроқни тўққиз йилдан буён ёнида, кичик бир халтачада асраб, олиб юрарди. «Эй, малика! Шу бир қисм тупроқ туғилиб ўсган еринг тупроғидир, она тупроқ бағридаман дегин! Бу дунёга келиб, ўзгаларни шод этиб, ўзи ношод кетган Нигина!.. Сенинг жамолингни энди маҳшар куни кўрурмен...» деди Темур Малик жимгина кўз ёшларини тўкиб.

ҚИРҚ ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

ШИМОЛДАГИ РУСИЯ ЕРЛАРИГА МУҒУЛЛАР ҲУЖУМИ ХУСУСИДАГИ ХАБАР ТЕМУР МАЛИК ҚУЛОҒИГА ЕТИБ КЕЛДИ...

1238 йил, Суздаль ва Владимирнинг улуғ князи Юрий II Сити дарёси ёқасида ўз сардорлари билан тор-мор этилди. Бу билан Россия тақдири икки юз эллик йил орқага кетди[1].

Карл Маркс

Андалузия[2] ва Баҳри муҳит[3]дан қайтган араб сайёҳлари Бағдодда кунчиқар томондан яъжуз-маъжуздек босиб келаётган мажусийлар Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқари Русия ерларига ҳам ҳужум бошлаганини хабар қилишди. «Ўтга, тошга сиғинадиган бутпарастлар, шаманлар» фақат мусулмонларга эмас, христианларга ҳам кўп жабру ситам етказаётгани, қон тўкилаётгани араб оламида ваҳимали сўзларга сабабчи бўлди.

Бағдодда сарсон-саргардон юрган Темур Малик бу чинакам қиёмат-қойим, деди. Наҳотки, шимол подшоҳларининг кучли қалъалари Чингизий Ботухон оёғи остида ер билан яксон бўлса! Мовароуннаҳру Хуросон эмас, Русия султони Вали Амиршоҳнинг Новгород, Киев, Маскоп, Пископ... қалъалари енгилса! Бу қандай куч бўлди?!

Жаҳонни забт этаман деганлар кўп бўлган, аммо улар ҳеч қачон ниятларига етган эмаслар! На Искандар, на Доро! Қуёш юзини тўсиб келган қора булутлар шаҳару далаларни босади, лекин вақти етиб, секин-аста сийраклашади, тарқалиб, йўқ бўлиб

---

[1] Карл Маркс. «Хронологик ёзув»дан.
[2] Андалузия — Испаниянинг жанубий ўлкалари.
[3] Тинч океани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетади. Чигирткалар бўрони ҳам худди шундай. Лекин бу офат ҳам абадул-абад эмас!

Дарҳақиқат, Тоболь ва бошқа қалъаларда рус халқининг қаҳрамонларча қаршилик кўрсатишига қарамасдан, ўзаро ноаҳил князлар беадад, отда чопиш, ўқ отишда устун мўғул қўшинларининг ҳужумига бардош беролмади. Мелодий ҳисоб билан 1237 йили йирик мўғул-татар ҳарбий қисмлари мордва ерларини босиб ўтиб, Рязань шаҳрига яқинлашдилар ва уни қамал қилдилар. Бошқа князликларнинг ёрдамидан узилиб қолган Рязань мудофаачилари етти кун давомида босқинчиларнинг хуружини қайтариб турдилар. Мўғул-татарларга қарши халқ курашини бошқарган рязанлик Евпатий Коловратнинг жасорати таҳсинга сазовор бўлди. Рязань шаҳрини ишғол қилиб, уни вайрон этган мўғул-татарлар Коломна ва Москва орқали Шимоли-шарқий Русь ерлари сари юрдилар. 1238 йилнинг февраль ойи ичида ўн тўрт шаҳарни харобаларга айлантирдилар. Бироқ, ана шу юришлар пайтида катта йўқотишларга дуч келган мўғул-татар қўшинлари Новгород ерларини босиб олиш режасидан воз кечиб, Заволжьега қайтади. Орқага қайтиш йўлларида ҳам босқинчилар аввалгидек кескин қаршиликларга дуч келдилар. 1239—40 йилларда Ботухон янги юриш бошлаб, Переяславль, Чернигов ва Киев шаҳарларини босиб олди. Мўғул-татар истилоси рус ерларини талон-торож қилиш, аҳолини оммасига қириш ва асир қилиб олиб кетиш, шаҳар ва қишлоқларни ёндириш, асрлар давомида бунёд этилган моддий ва маданий бойликларни йўқотиш ва талаш билан банд бўлдилар. Бу ҳол рус тупроғида иқтисодий ва маданий тараққиётга путур етказди.

Рус халқи, Ўрта Осиё халқлари кейинчалик ўзини ўнглаб олгач, босқинчиларга қарши қаҳрамонона кураши мўғул-татар лашкарлари кучини заифлаштирди, ғарбий Европа; Ҳинд ва Эрон халқларини мўғул босқинидан асраб қолди. Бўйсундирилган аҳолини доимо итоатда асраб туриш учун мўғул хонлари босқоқчилик қўшинини жорий этди, яъни хон ноиблари бутун Русь ерлари, Ўрта Осиё бўйлаб жойлаштирилди. Мўғул хонлари рус князликларини ўзларига муте қилдилар ва буюк князлик тахти тақдирини ўз қўлларига олдилар. Шарқда ҳам шундай. Хонлар князларга буюк князлик ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар тарқатишар ва бу билан улар орасига низо солиб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланардилар. Лекин рус халқи ўз озодлиги учун курашни тўхтатмади. Бир-бирлари билан рақобатда бўлган йирик феодаллар, Ўрта Осиёда амирлар, беклар ўз рақибини маҳв этиш учун курашда мўғул-татарларнинг ёрдамига таянган ва бу ҳол, ўз навбатида истилочиларнинг рус тупроғини, Мовароуннаҳрни яна қайтадан оёқости қилишларига сабабкор бўлган бир пайтда халқ оммаси мўғул-татар асоратидан халос бўлиш учун курашнинг асосий ва ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқди. Мўғул-татар истилоси ҳукмронлиги даврида мўғуллар ҳокимиятига қарши халқ қўзғолонлари бўлди. Мелодий ҳисоб билан 1259 йили Новгородда, 1262 йили Ярославль, Владимир, Суздаль шаҳарларида мўғул-татар истибдодига қарши кескин

www.ziyouz.com kutubxonasi

курашлар бўлди. Худди шундай, Бухорода Маҳмуд Торобий, Самарқанд ва Хўжандда халқ ғалаёнлари бўлди.

Шу йиллари Иван Калита князлиги даврида мўғул-татар истибдодига қарши озодлик курашининг таянчига айланган Москва қудратига асос солинди. Мўғул-татарлар томонидан раҳмсизларча таланган ва хонавайрон қилинган Русь ерлари XIV асрнинг II ярмига келиб аста қаддини ростлаб, мамлакатнинг халқ хўжалиги тиклана бошлади. Истибдодга қарши кураш кучая бошлади. 1378 йилда Сож дарёси бўйларида москвалик князь Дмитрий Донской бошқарган рус қўшинлари билан бўлган жангларда мўғуллар илк бор мағлубиятга учрадилар. Русларнинг муваффақияти мўғул-татар ҳукмронлигининг негизига таҳлика солди. Мамайхон Москва сари янги юришлар учун катта куч тўплашга ҳаракат қилди. 1380 йилнинг сентябрида бўлиб ўтган ва тарих саҳифаларига Куликово жанги деб рақам этилган мислсиз муҳораба Дмитрий Донской бошчилигидаги рус қўшинларининг тўла ғалабаси билан якунланди. Бу йиллари Ўрта Осиёда Амир Темур мўғул-татар истибдодига қарши курашида кескин бурилиш бўлди. Феодал тарқоқ Русь халқи ҳозиргача мўғул-татар истибдодидан батамом халос бўлолмаган эса-да, Олтин Ўрда ҳукмронлигига дарз кетди. 1382 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш шаҳарда князнинг йўқлигидан фойдаланиб, Москвани қамал қилишга муваффақ бўлса-да, кескин қаршиликка дуч келди. Москва аҳолиси биринчи марта артиллерияни ишга солиб, шаҳарни душмандан мардонавор ҳимоя қилди. Бироқ татарлар Москвани олишга муваффақ бўлдилар. Тўхтамишни Амир Темур тор-мор этиб, қатл этди. Шу йўл билан у рус князликларини сақлаб қолди. 1408 йили Едигейхон ва 1439 йили Қозон хони Муҳаммад Москвага юриш қилди; ҳар икки ҳарбий юришларда ҳам Москва қалъаларининг ташқарисидаги аҳоли босқинчиларга мардларча қаршилик кўрсатди, душманни шаҳарга киришга йўл қўймади[1].

ЭЛЛИГИНЧИ БОБ

ОНА ЕР НИДОСИ

Ҳеч шодий нест андар ин жаҳон,
Бартар аз дийдори рўи дўстон[2].

Рудакий

У, (Темур Малик) сўнгги дақиқагача мўғуллар билан жанг қилди. Юзма-юз тўқнашувда (Хўжандда) нўёнга кескин сўз айтди ва ҳалок бўлди[3]...

Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади... Чингизхон босқинидан сўнг тўрт томонга қочган Мовароуннаҳрнинг «шеру йўл-

---

[1] Акад. Греков Б. Д., акад. Якубовский Ю., «Олтин Ўрда ва нинг емирилиши».

[2] «Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун».

[3] «ЎзССР тарихи» китоби, 420-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

барслари» Хуросону Эрон, Бағдоду Димишқ, Шом араб мамлакатларига сочилиб кетди. Хазинани олиб қочган шаҳзодаю вазирлар бир ёқда қолиб, хўжандлик чивиндек бир раққосанинг юрагидаги она-юрт муҳаббати ҳамма муҳожирларни ҳайратга солди. Қилич осиб, ариллаб-дариллаб юрганлар лол қотди. Унинг узоқ йиллар мобайнида йиққан жавоҳирлари, бебаҳо гавҳар тошлари, шода дурлари, тиллақошу, узугу, сирғаю тақинчоқлари, тангалари бир хуржун бўлиб, ҳамёнга солиб юриш мумкин эмас эди. Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бу хусусда кўп мулоҳаза қилиб, уни қандай асрашлик кераклигини ўйлашди. Ўзи туҳфа этган шода дурлар ҳам кўзларига кўринди. Агар шунча бойлик борлигини карвонсарой атрофидаги қароқчилар билиб қолгудай бўлишса бир кечадаёқ иккновларининг каллалари кетиб, қимматбаҳо тошлар талон-торож этиларди. Марҳуманинг «йигирма»сидан кейин улар гўё пул тўплаб, мармартош ўрнатиш баҳонаси билан ҳовли эгаси — мисгар чол ёнига боришди. Чол ҳам, қизлари ҳам Нигина беканинг шунча бойлиги борлигини аниқ билишмас, «марҳума асли Хўжанд ҳокимининг иккинчи хотини бўлгани...»ни ўз тилидан эшитишган, кейинги йилларда муҳожирликда ҳам камбағаллашмаганини сезишарди. Нигина бир куни кайфи чоғлигида мақтаниб, бу гапни айтиб юборган эди. Ахир унинг никоҳида бўлганман-ку, деб ўзига ўзи юпатиш қиларди. Хасталаниб, ўзининг хонанишин бўлиб қолганидан эзиларди. Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай қимматбаҳо гавҳартошларни иккига бўлиб, катта белбоғига тикиб, иккновлари белларига боғлаб олишди. Ёмбию тақинчоқлар, мингдан ортиқ тилла тангаларни хуржунлари тагига ташлаб, бирлари ташқарига чиққанларида иккинчилари ярим қоронғи ҳужрадан чиқмай ётишарди. Қарвонсаройдагилар уларни «қаландар», баъзилар Мовароуннаҳрдан қочиб келган сардорлардан, деб тушунишарди. Чунки кейинги йилларда мўғул босқинидан сўнг қанчалаб шаҳзодалар, саркардалар араб ерларига қочиб келгани халифага ҳам маълум эди. Бағдодни паноҳ тортиб келган бу хор мовароуннаҳрликларга ёмон назар билан қарашмасди. «Лўлининг эшагини суғор, пулини ол...» қабилида иш тутишарди.

Гарчи марҳуманинг «йигирмаси»дан кейинроқ, тупроқ чўкмасданоқ қабрига мармартош қўйиш маъқул эмаслигига қарамай, каттагина оқ мармар сотиб олиб, ҳилол ва юлдуз тасвирини тушириб, остига «Хўжандлик раққоса Нигина Абдул Саид қизи» деб туркий ёздиришди. Ҳар жума куни бориб, Мовароуннаҳрнинг асл қизига фотиҳа ўқиб, руҳини шод этишди.

Икки ой ўтгач, кунлардан бир кун карвонсаройда тентираб юрган Қанғли Арслон билан сардор Олабуқага кўзлари тушди. Қанғли Арслон гўё юз йил кўришмаган инисини топгандек йиғлаб, Иброҳим Дўлдайга ёпишди: «Бор экансен-ку, азиз иним, ватандошим, сардорим... Мен Ҳазорасп даги жангдан сўнг, шаҳзода Жалолиддин билан кетиб қолган эдим. Кейин шаҳзода мени ташлаб кетди, у зотда олижанобликдан урвоғ ҳам қолмабди... Юрт ва қилич-қалқон эмас, икки кўзи хотинда... Шаҳзодамиз ўз дўстлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни бир хотинга олиштириб кетдилар! Саркарда Темур Малик бормилар? Саломатмилар? Қани, гапир?!»

— Саркарда саломатлар, шу ердалар... — деди Иброҳим Дўлдай уларга синовчанлик билан боқиб, — нима иш қилиб юрибсизлар?

— Ҳар нима... — деди Қанғли Арслон, — хомболлик қилдик, кема ҳайдадик, мешкобчилик қилдик, савдогарчилик қилиб, синдик... Қимор ўйнадик, ютқаздик...

— Сиз билан биз жанг кўрган сарбозлармиз!.. Қароқчилик қилсак бўлмасми? Одам ўлдириш, бош олиш ҳунаримиз... — деди Иброҳим Дўлдай.

— Ундоқ деманг, иним... — ўйланиб қолди Қанғли Арслон. У Иброҳим Дўлдай билан Темур Малик шу йўлга кирибдилар деб хаёл қилди. Бир нафаслик сукутдан кейин юмшади. — Иним, қилган гуноҳларимизни олло кечирсин. Бағдод орқали Маккаю мукаррамага жўнамоқчимен. Бизлар қароқчилик қилолмаймиз, саркардага салом айтинг, агар шу ишни ихтиёр этган бўлсалар, биздан умид узсинлар. Эндиги дийдор маҳшар кунига қолди...

Унинг ёнида қовоғини солиб турган давангир Олабуқа ҳам индамай, Иброҳим Дўлдайдан юз ўгиргандай кўринди. У, мабодо ватандошларимизга йўлиқсак, шу йўл билан синаймиз, деб буни Темур Маликдан маслаҳат олган эди. Қанғли Арслон билан Олабуқанинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, шумшайиб кетишаётган эди, Иброҳим Дўлдай тўхтатди. Қанғли Арслоннинг елкасига қўлини қўйди:

— Оға, бизлар ҳам ғурбат азобини тортадурмиз. Лекин ҳеч қачон қароқчилик қилмадик. Мен сизларни синаш мақсадида бу гапни айтдим.

— Бизнинг нимамизни синайсен? Синайдиган ҳолимиз қолибдими! Ортидан ажралганлар одамми? Одам эмас, чумолидан ҳам хор! Саркарда бардаммилар? У зотнинг яхшиликларини кўп кўрганмиз. У зот Жалолиддинга ўхшаган шаҳвоний ҳирсга муккасидан кетган киши эмаслар. Шаҳзода ўз сардорларининг хотинини тортиб олганини ҳам эшитдик...

— Бас, оға! Бундоқ сўзни айтиш ярамайди!

— Инсон ҳеч кимсага керак бўлмай, ортиқча бўлиб қолса шундай майда гап, фосиқ ва инжиқ бўлиб қолади... Танбеҳингдан, иним, хафа бўлмаймен! Саркардамнинг жамолини бир кўрсам, бас. Ҳазрат соғ-омонмилар?

— Шукр. У зотни албатта кўрасиз. Аммо у зот ҳам катта андуҳда, хотинлардек кўз ёш қилманглар, яхши гаплар айтиб, умидвор бўлмоқни хуш кўрадурлар.

— Иншоолло! Сиз саркарданинг садоқатли дўсти экансиз. Биз буни билдик. Бир дўст бўлса сизчалик бўлади! Шоҳмурод Кўҳистоний раҳматли ҳам садоқатли дўст эди. Қандай паҳлавон, мард одамлар бор эди. Бағрим ёнадир, бағрим ёнадир...

— Шоҳмуроднинг иниси Элмурод ҳам бунда деворзанлик қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрибди. Мовароуннаҳр саркардалари хору хас, — деди гапга аралашиб баҳайбат Олабуқа йўғон овозда.

— Уни қандай топмоқ мумкин? — дарҳол сўради Иброҳим Дўлдай уйқудаги одам чўчиб уйғониб кетгандай. Чунки уч кундан буён саркарда билан Шоҳмурод Кўҳистоний иниси Элмурод хусусида сўзлашишарди.

— Бунда ҳар куни бозор, аммо якшанбада мардикорлар ва қул бозори авж олади. Ифтиқиёдан тутиб келтирилган қора занжилар сотилади...

Иброҳим Дўлдай Хоразм қўшининнинг икки собиқ сардорини карвонсаройга, Темур Малик ётган ҳужрага олиб келди. Улар аллавақтгача суҳбатлашиб, қоринларини тўйдириб, чиқиб кетишди. «Саркардада ҳамон қўр-қут бор»лигига хурсанд бўлиб, ҳар куни «ватандоши» ҳолидан хабар олишадиган бўлишди. Темур Маликнинг ҳамма хизматларини қилишар, оқар сувга бориб ҳуфия кирларни ҳам ювиб келишарди.

Бир ҳафта ичида Олабуқа Шоҳмурод Кўҳистонийнинг инниси Элмуродни топиб келди. Темур Малик бу йигит билан мулоқотда бўлмаган, аммо негадир оғаси Шоҳмурод каби юлдузи иссиқ кўринди. Уни, атайи прим қилиб, хомболликка чиқармай, Иброҳим Дўлдай қатори ўз ёнида олиб қолди. Яна бирон ҳафта ичида Бағдод бозорида Аҳмад Дажжол билан Кучум ботирни ҳам учратишди. Уларни ҳам саркарда ҳужрасига олиб келишди. Куркат қишлоғидан бўлган Мулла Ҳожиб, қамишқўрғонлик Садриддин, аштлик Нуриддин Сайҳуний, ахсикатлик Муҳаммад Али, паҳлавон «Ботмон-дахсар», Қанғли Арслонлар ҳам бир-бирларини топиб, «саркарда ҳолидан хабар оладурған» бўлдилар. Халифа айғоқчилари бу ерда Мовароуннаҳр сарбозлари тўпланаётганидан хабар топмаслиги учун улар ўзларининг сирли мулоқотларини яширин тутдилар. Карвонсарой атрофидаги миршаб ва бошқа мансабдор кимсаларга пиҳоятда хушмуомалали, хайр-эҳсонли бўлиш лозимлигини Темур Малик уларга уқтирди.

Шу зайлда ҳафталар, ойлар ўта бошлади.

Кунлардан бир куни Темур Малик Иброҳим Дўлдай билан Элмурод Кўҳистонийга, «ҳадеб тухум босиб ётаберамизми» дегандек, асосий гапга ўтди. Улар учовлон бу ерда тентираб «насибасини териб юрган»лардан Қанғли Арслон, сардор Олабуқа, мулла Ҳожиб, Муҳаммад Али, Нуриддин Сайҳунийларга тамоман ишонса бўлади, деган қарорга келиб, раққоса Нигина қазоси ва «Хўжанднинг асл қизи васиятини» баён этишди. Ярим тунда, икки шам ёруғида, ҳужрада ўтирганларнинг оғзи очилиб, лол қотди.

— Қани, бир ўша марҳуманинг ҳаққига дуо қилайлик!— деди икки қўлини баланд кўтариб Қанғли Арслон,— жойи жаннатда бўлсин, облоҳу акбар! Ота-онасининг арвоҳи саломат бўлсин!— енги билан кўз ёшини артди.

— Бир ўйинчи хотинда шунчалик мурувват, юртга муҳаббат!— деди аштлик Нуриддин Сайҳуний,— бундай тантиликни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўтрор, Чориқдаррон, Хўжанд, Қатвон, Бухоро, Хазорасп, Жанд, Гурганж... жангларида минг-минг одам шаҳодат топди. Қурбонларнинг жойи жаннатда бўлсин!— деди Темур Малик.— Уларнинг ҳар бирининг юрагида она тупроқ муҳаббати барқарор эди. Аммо бу марҳуманинг олижаноблиги ҳар қанча таҳсинга сазовор!

Шундан кейин Темур Малик ўтирганларга Айтим қишлоғига ярадор бориб, сарнигун ўтирганида оёғи остидаги чумоли инини олти марта бузиб, кўмиб ташлаганини, лекин улар олти марта ҳам инини очишдан қайтмагани ҳикоятини айтиб берди. Улар чумолилар эмас экан, Ҳиндистондаги филлардан ҳам катта жониворлар экан, деди гувраниб Темур Малик.

— Хўш, шундай ётаберамизми ёки ўрнимиздан туриб, ҳаракат қиламизми? Бу — тирик ўлим-ку,— деди яна Темур Малик,— инсон тирик экан, ҳаракат қилмоғи, ҳарб этмоғи, она тупроғини озод этиш учун жангга кирмоғи лозим! Тирик туриб ўзимизни ўлган ҳисобласак, болаларимиз, авлодларимиз олдида қандай жавоб берамиз! Ер остида ётган қурбонлар ҳам, уларнинг арвоҳлари ҳам тепамизда зир югуриб учиб юрибди. Бекордан худо безор!

— Саркарда, сиз нима десангиз шу! Биздек ўлган одамларни тирилтирдингиз. Танимизга иссиқлик югуриб, қонимиз жимирлашиб кетди. Бизлар кесакка айланиб қолган эдик,— деди яна кўз ёшини енги билан артиб Қанғли Арслон.

Сардор Олабуқа ҳам бош қимирлатиб, бу фикрни тасдиқларди. Бошқалар ҳам унинг фикрини қувватлашди.

— Марҳума васият қилиб қолдирган бойликни мен бир неча бўлакка бўлиб, сизларга берамен. Бу бойлик қўшин тузишга етади. Бу пуллардан ўзингиз ва бошқа харажатларга сарф этмаслик учун каломулло ҳаққига қасам ичасизлар! Мен ҳам қасам ичамен! Ҳар биримиз алоҳида-алоҳида карвонга қўшилиб, савдогарлар қиёфасида Бағдоддан чиқиб кетамиз. Йўл харажатларини ўзингиз ишлаб ёки сарбонга хизмат қилиб топасиз. Шу тариқа, аввал бир қисмимиз Шошга, Келовчи, Қамишқўрғон қалъаларига, Ўзганга, Ўшга, Куркату Навга жўнаймиз. Менинг қадрдон иним Элмурод Кўҳистоний эртагаёқ Бадахшонга, Қалъаий Хумбга — ёр-биродарлари ёнига жўнайди. Мен унга тилла тангалардан, жавоҳирлардан бердим. У Қалъаий Хумбда икки юз отлиқ черик тайёрлайди.

— Ундан ҳам кўпайтирамиз,— деди Элмурод.

— Балли!— деди Темур Малик,— қўлингиздан келади. Қалъаий Хумб бозоридан яхши отлар сотиб олиб, чиланғирларга қилич ва қалқон ясаш буюрилсин! Мулла Ҳожиб Аштга жўнайди, унда яхши дўстларимиз бор. Ахсикатга Муҳаммад Али — соҳибқирон ва бошқа дўстларим ўз ерларига жўнайдилар. Сардор Олабуқа, Қанғли Арслон Шош ва Келовчига... Бу ишлар мўғул амалдорлари ва уларга хизмат қилаётганларга мутлақо маълум бўлмаслиги лозим!

Йиғилганлар жим қулоқ осишарди. Саркарда Темур Малик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бунчалик тадбиркорлиги, ҳеч кимга керак бўлмай қолган, руҳан ўлган одамларга қайтадан жон ато қилаётганидан мамнун эдилар. Уларнинг кўплари, бу бойлик марҳума раққосанинг эмас, Темур Маликнинг ўзиники, деб ҳам ўйлашарди.

— Кимда-ким аҳдни бузса, сардор Муҳаммад Интизомнинг ханжари унинг бўғзида!— деди Иброҳим Дўлдай,— Муҳаммад Интизом бир юз эллик йигити билан Хўжандда! У бир кун ҳам жим тургани йўқ! Мўғул босқинчиларининг жазосини берадур. Орамизда Аҳмад ибн Мораздек хоинлар бўлмасун! Мен бу гапни шу ердаги биродарларимизга айтиб қўйишим керак! Сардор Муҳаммад Интизом жаноблари саркардага нома йўллаган. Алоқамиз бор. Ҳазрат, номани беринг!

Темур Малик Муҳаммад Интизом номасини ёнидан чиқариб, Иброҳим Дўлдайга узатди. У ўқиб эшиттирди. Тўпланган сардорларда қатъий ишонч ҳосил қилмоқ учун Иброҳим Дўлдай олдиндан буни саркарда билан маслаҳатлашиб олган эди.

— Биз, Иброҳим билан келаси ҳафта худди шу куни йўлга чиқамиз. Ҳар қалай, бир ой ичида Ўзганга етсак керак. Сизлар олдинма-кейин йўлга чиқаберинглар,— деди Темур Малик,— юртга етиб боргач, энг ишончли, иложи бўлса қариндошларимизни ишга солиб, бир-биримиз билан алоқа қилмоқ даркор. Мен сизларни етиб борганимиз ҳамон топиб оламен. Муҳаммад Интизом йигитлари ёнида Хўжандда ясалган тиғли пичоқнинг сопи гулдор ва унда бургут қуш тасвири бор... Унинг йигитлари билан бемалол гаплашмоқ мумкин. Ичимизда қўрқоқлик ва хиёнат йўлига ўтган кимсага Муҳаммад Интизом йигитлари кутилмаганда пайдо бўлиб, жазо беради! Янглишиб, пушаймон бўлманглар. Мақсад — янги қўшин тузиб, Хўжандни озод этмоқ! Мен ҳар куни туш кўрамен. Она тупроғимиз нидосини тинглаб турибмен. Тушимда ота-онам менга хитоб этиб, ватанга бор, бунда ётма, юртни озод эт, демоқдалар. Мен қайтадан қўлимга қилич оламен!

Қанғли Арслон, Аҳмад Дажжол, Кучум ботирлар Шош шаҳри ва Келовчи қишлоғига боражаклари, агар қишлоқ оқсоқоли ҳаёт бўлса Темур Малик саломини етказиб, ишга кириша беришлари мумкинлиги айтилди.

Темур Малик илгаригидай Хўжанд ҳокимига ўхшаб, ғайрату тадбиркорлик билан ташкилотчилик қиларди.

Ҳафтани ўтказиб, келаси пайшанба куни Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай марҳума қабрига келиб, сўнгги бор фотиҳа ўқиб, қабристон шайхига садақа беришди. Араб ерида ётган кимсасиз раққоса ҳаққига узундан-узоқ дуо ўқишди. Саркарда атайи ўз қўли билан катта сопол хумчада муздек сув олиб келиб, қабр устига сепди. Қабрдан ҳовур кўтарилди. Яна икки-уч бор сепди...

— Марҳумага бегона эмас эрдим,— деди ерга қараб хомуш Темур Малик.— Никоҳимда эди...— У кўзига ёш олди.— Иним Иброҳим, сенга дилимни очамен. Марҳумани худо раҳмат қилсин, у бағоят дилбар эрди. Унинг гаплари, унинг қилиқлари таърифга сиғмайди. Мен сенга кўп гапларни айтмоғонмен... Шу сабабли

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам у гўрида куйиб-ёнмасун, деб устидан совуқ сув сепаётирмен. Мен энди уни ташлаб кетаётирмен. Белимни камар билан боғлаб, жангга тушамен! Менинг юрагимда марҳума ёди, билагимда шамшир қудрати, мазлум юртимиз муҳаббати барқарор бўлмоғи керак! Бошқа ҳеч нарса, на сўфийлик — мутасаввуф ва на ишрат! Шаҳзода Жалолиддин нотўғри йўл танлабдурлар — зўру зар, кайфу ишрат!.. Мен бу йўлдан воз кечамен! Менинг кўз олдимда Хўжанд ёш боладек зор-зор йиғлаб турипти. Биз тезроқ у томонга боришимиз лозим, қанча тез борсак, шунча яхши!

Иброҳим Дўлдай саркарданинг қабр устига совуқ сув сепаётганини кўриб оғзи очилиб қолди. Марҳумани чиндан ҳам яхши кўришини, бу ишқни дилда доимо пинҳон тутганини, Бағдодга келиши ҳам бежиз эмаслигини сезди. Оғир одам, дилидаги ҳамма сиру асрорни бирваракайига ошкор қилабермаслигини фаҳмлади.

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай Бағдоддаги барча ватандош-сардорларни бирин-кетин жўнатиб юборгач, пайшанба куни Ҳамадон, Машҳад, Кеш орқали Ўш ва Ўзганга эмас, Бағдоддан Рей, Мурғоб, Бухоро, Нур ва Зарнук орқали шаҳри Шошга, ундан Келовчи, Ахсикатга... ўтишни маъқул кўришди. Тоғ оралиқларида даштда мўғул айғоқчилари йўқ. Душман камроқ эътибор берадиган йўлларни танлашди.

Қимматбаҳо гавҳару тилла тангаларни сардорларга расамади билан бўлиб бериб, қолган қисмини Иброҳим Дўлдай билан Темур Малик иккига бўлиб, белларига боғлаб олишди. Мовароуннаҳрдан чиқиб кетган баҳоси йўқ гавҳарлар яна Сайҳун ёқасига қайтаётганидан саркарда мамнун эди. Дажла[1] дарёси бўйидан йўлга тушган карвон Херирўд, Мурғоб каби ўн етти дарёни ўтиб, Бухорога кириб боради. Эрта тонгда «икки дарвиш» ҳам йўлдош бўлган туя карвони даранг-дурунг қилиб, Бағдод карвонсаройидан чиқиб кетди. Қиличу қалқонларни қопга ўраб, фақат ёнларида ўткир ханжару дори-дармонларини тугиб олишган, дам пиёда, дам туяда саҳрома-саҳро, даштма-дашт кетиша бошлади. Карвон эгалари — Ироқу Шом савдогарлари башанг, серпул ва яхши кийиниб, катта гапиришар, баъзан «ломакон дарвиш»ларга хизмат буюриб, қўллари белларида, ғўдайиб туришарди. Иброҳим Дўлдай саркардага қилинган баъзи совуқ камситишлардан ғазаби қўзғаб, савдогарбаччаларни савалашга тайёр турарди, аммо саркарда бунга асло рухсат этмасди. Улар агар иккови жунбишга кириб, шамширбозлик этса карвоннинг барчасини ер тишлатиб қўйиши жуда аниқ. Уларнинг ҳатто баъзида «қўллари қичиб» шамшир ушлагилари ҳам келиб қоларди.

Ўн беш кун деганда Мурғобдан ўтиб, Марвга етди. Бир кунлик дам олишдан сўнг, Қорақумга киришда карвонни ногаҳон қароқчилар тўдаси босди. Ундан ортиқ қилич ва ханжар тутган қароқчилар олдинги туядаги сарбонни ушлаб, қўл-оёғини боғлаб, қандай қимматбаҳо мол олиб кетаётганини сўраб, қамчилашарди.

---

[1] Дажла — Бағдод ёнидаги катта дарё, европаликлар Тигр деб атайди. Иккинчи дарё Ефротдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Савдогарлар туя устида қотиб, қуролларини ҳам кўтаришга юраклари дов бермай турарди. Темур Малик охирги туядан тушиб, Иброҳим Дўлдайга: «Жим турсак уят бўлади! Бу ярамаслар ёнимизни кавлашдан ҳам тоймайди. Қилич ва қалқонни ол! Қалқонни айниқса унутма, чунки қароқчиларда қалқон бўлмайди, узоқ жанг қилишни мўлжалламайдилар. Шамширим билан қалқонни тез узат! Кўнглимдан ўтган эди, бир ўйин кўрсатамиз...» деди. Иброҳим Дўлдай қароқчиларга сездирмай қилич ва қалқонларни олди. «Дарвиш»ларнинг ғимирсиётганига улар кўп эътибор беришмасди ва яна охирги туяда карвон хизматкорлари келишини билишарди. Тиллаю ақча, ипак буюмлар, дори-дармонлар олдинги туяларда, сарбон иҳотасида бўларди.

— Ҳей, нобакор қароқчилар! Карвонга шикаст етказсангиз, ҳаммангизни шу ерда чопиб ташлаймиз!— деди наъра тортгандай баланд овоз билан Темур Малик. Саркардадан беш қадамча ўнгда Иброҳим Дўлдай қиличи, сўл қўлида қалқонини ушлаб, шай турарди. Қилич ушлаган икки «дарвиш»га кўзи тушган қароқчилар сардори қийшиқ, димишқий қиличини баланд кўтариб, югурганча келиб, Иброҳимга ҳужум қилди. Иброҳим Дўлдай биринчи зарб уришдаёқ қалқонсиз қароқчининг бошини узиб ташлади. Кетма-кет югуриб келган қароқчилар ерда, боши узилиб ётган сардорларини кўриб, капалаклари учди. Темур Маликка ҳужум қилишди. Саркарда бехато қилич уриб, икки қароқчини ҳам ерпарчин қилди: «Жанг қилмай юрган экансизлар, ҳаромилар! Қўлларинг қилич ушлашга қовушмайди-ю, қароқчилик қилиб нима қиласанлар!» Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай қолган қароқчиларни қувлашган эди, улар мушукдек тўрт томонга қочишди.

Карвон яна йўлида давом этди, узоқдан орқаларига қарашган эди, қароқчилар йиғилиб келиб, шериклари жасадини кўтариб олиб кетишаётганига кўзлари тушди.

Шу кундан бошлаб, туя карвонининг хўжалари, сарбонлардан тортиб барча савдогарлар Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни катта эҳтиром этиб, олдинги туяга олишди. Ҳар куни уларга ширин таомлар тайёрлаб, то Бухорога етгунча эҳтиром кўрсатиб келишди. Уларнинг муҳожирдаги Хўжанд ҳокимлари эканини билишмади-ю, аммо дарвиш эмас, мўғул босқинчилиги туфайли ватанидан чиқиб кетган сарбозлар эканини фаҳмлашди.

Бухородан улар бошқа карвонга ҳамроҳ бўлиб, Кармана орқали Нур ва Зарнукни босиб, Шош вайроналарига, ундан Келовчи қалъаси билан Янтоқ, Қамишқўрғон, Ахсикатдан ўтиб, Қорадарё йўли билан Ўзган шаҳрини кўзлашарди. То баҳоргача Ўзгану Ўшда туриб, сардорлар билан алоқани яхшилаб, Куркатда туриб, Исфисор ёки Унчи қишлоғи атрофига бадахшонликларни чақириш ниятлари бор эди.

Саркарда Сайҳунга яқинлашгач, Жандга кирмади. Бу ердаги жангда кўп асл сарбозларини, қадрдонларини йўқотганди. У Жандни пастлаб, тўғри Шош сари юрди. Мўғуллар келганигача

www.ziyouz.com kutubxonasi

вайрон этилган Шош шаҳри аста-секин қайтадан тикланарди. Саркарда яширин кириб келганига қарамай бу ердаги Қанғли Арслон, Кучум баҳодир уларни топиб, уч кун обдан ҳордиқ берди. Тайёрланган қурол-яроғ, ўттиздан ортиқ йигитлар ўзлари кўнгилли бўлиб уюшганликларини маълум қилишди. Йигитлар ичида марҳум мунший Абдулқодир Шошийнинг икки фарзанди ҳам борлигини, улар қасоскор эканликларини айтишди. Сардор Олабуқа ҳам Келовчида эканини маълум қилишди. Темур Малик баҳор ойларида Хўжандга яқин, Чориқдарронда тўпланиш, кейин дарёдан ўтиб, Унчи ва Исфисорда жанг бошлаш кераклигини, ўзининг Куркатга келганидан сўнг хабар беришини айтди. У эртасига Қанғли Арслон, Кучум баҳодир, мунший фарзандлари билан Қаффол Шоший мақбарасини, ундан сўнг Абдулқодир мунший қабрини зиёрат қилди. Тонготарда Қанғли Арслон тайёрлаган отларда Келовчига жўнашди. Бунда икки кун тунаб, эртасига тоғ оралиғи билан Қамишқўрғон сари йўл олишди. Гўё отасиз қолган оиладек Келовчида ҳам, Чориқдарронда ҳам, Қамишқўрғонда ҳам саркарда Темур Маликнинг ҳаёт экани, унинг кемаси дарёда ағдарилмаганини билишиб, фуқаронинг кўнгли кўтарилди. Яна унинг номи одамлар тилида зикр этилди. Шоҳмурод Кўҳистоний фожиаси эл қулоғига етиб, хўжандликлар бир қайғуси икки бўлган эди. Жанд шаҳридаги жангда Темур Малик ҳам ҳалок бўлди, деган гап тарқалган эди. Улоқ нўён Темур Малик деса юрагига ваҳима тушарди. Уни саҳрода ўлиб кетди, деганлари мутлақо ёқарди. Оролда шармандаларча қўйиб юборгани, Жанд яқинидаги жангда камондан ўқ узиб, кўзини кўр қилгани, бу хабар Чингизхонга етиб бориб, унинг учун Самарқанддан каҳҳал юборгани ҳам хаёлидан ўтган эди. Темур Маликнинг Сайҳуннинг ўнг қирғоғидаги қишлоқларда бўлгани тезда Чоркесарга ҳам етди. Саркарданинг бу қишлоққа тушишини жуда ҳам исташарди. Бу ерда мўғуллар борлигини хабар қилишгач, қишлоққа кирмай Иброҳим Дўлдай билан Сайҳунни кемада ўтиб Ахсикат сари йўл олди. Бағдоддан чиққанларида, қилич ва қалқонни яшириб, отни ҳам бир деҳқонда қолдиришган эди. Ахсикатга киришда, Темур Маликнинг кўз олдида ҳамма сардорлардан шижоатли, ҳамма соҳибжамоллардан аъло соҳибжамол, ғунчаликда узилган Қоракўз бека пайдо бўлди. У Қистакўз қишлоғида дафн этилган. Унинг руҳи покига, отаси бек ҳазратларининг руҳига саркарда билан Иброҳим Дўлдай фотиҳа ўқишди. Мўғуллар шаҳарни жанг билан олгани, Сўқту нўён ҳокимнинг катта ўғлини кейинчалик «ўз халқидан» деб Ахсига ҳоким қилиб тайинлаганини эшитишди. Кичик ўғил Муҳаммад Али мўғулларга зид экани, лекин оғаси туфайли шаҳарда эркин юришини ҳам эшитишди. Икки кун бозорда юрган Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни Муҳаммад Али топиб, дарҳол уйига олиб кетди. Бу ерда бехавфу хатар эканликлари, ҳатто кўчаларда қилич тақиб юрган Муҳаммад Алига ҳам мўғуллар ёмон кўз билан қарамаётганини сезишди. Муҳамад Алининг оғаси Хўжанд билан алоқа қилиб тургани, Маҳмуд ялавоч

www.ziyouz.com kutubxonasi

инисй шунчаки номига ҳоким бўлиб турганини эшитишди. Аслида иш Сўқту нўён қўлида эканини билишди. Улар ёш Метин Маликнинг ўлиб кетган отаси ўрнига ҳоким кўтаришни ҳам мўлжаллаган эканлар. Бу билан тинчимаётган Хўжандни тинчитишмоқчи бўлганлар. Шимолда, Эдил бўйларида, рус ерларида жангу жадаллар қилиб юрган Ботухонга нома юборишиб, Метинбекни Хўжанд ҳокими лавозимига қўйишни сўрашган. У аниқ бир фармон бермай бу ишни «чўзгани» Сўқту нўённи дарғазаб қилиб юрарди. Хўжандда тез-тез мўғул мансабдорларининг фожиавий ҳалок бўлиб туриши, бунинг сабабкорини мутлақо топиб бўлмаслик, Сўқту нўённинг тинкасини қуритди. Агар Ботухон рухсат этса Мўғулистонга кетиш нияти ҳам йўқ эмас эрди. Ерли халқ мўғул нўёнларини ҳеч ёқтирмаётганлиги сабабли Жўжи билан Чиғатой фармонига мувофиқ Хўжандга туркий уруғдан бўлган Қотағон ўғлонни расмий ҳоким этишди. Йил сайин, ой сайин мўғулларнинг эл ичида обрўси кетиб, кўплари уйланиб, ерлилар ёнига қўшилаётгани ҳам — мўғул қўшинини йиллар ўтиб маҳаллий халққа сариқ ёғдек эриб, сингиб кетаётганини сездирмаслик мумкин эмас эди. Инисининг Ахсикатда куч тайёрлаётганидан хабарсиз, ҳоким оға кўп нарсани валдираб, Муҳаммад Алига айтар, оила доирасида ўзи ҳам «мўғулларнинг маърифатдан узоқ, еб-ичишдан бошқа нарсани билмайдиган молдек бир нарсалар» эканини гапирарди. Бу гапни Хўжанд ҳокими Қотағон ўғлон ҳам гапирарди. Муҳаммад Али оғасида шубҳа қолдирмаслик, тамоман ишонч ҳосил қилмоғи учун «эҳтиёт бўлинг, мўғуллар ўзини гўл қилиб кўрсатгани билан ўлгудай айёр, зимдан кузатадиган...»лигини таъкидларди...

Бу гапларнинг барини Муҳаммад Али Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайга гапириб берди. Ўттиздан ортиқ йигитни яширинча қуроллантиргани, мақсадни маълум қилгани, баъзиларининг ўз отлари борлиги ва бунинг устига оғасига тобе сардорлардан икки киши билан қадрдон бўлганини ҳам айтди. Сарбозлар «ватан хизматига бош беришга тайёрмиз» деяётганини ҳам айтишди. Оғасининг қўрқоқроқ бўлса ҳам ёмон кимса эмаслиги, Ахсикат халқига кўп зиён етмаслиги мақсадида отаси ўрнига ҳокимликни ихтиёр қилганини, агар мўғул мансабдорлари Фарғона аҳлига қонли фожиа етказса, оғаси ҳам шу лаҳза ўз ватандошлари тарафида туриб, мўғулга қилич кўтаражагини ҳам маълум қилди. Черик сардорлари Муҳаммад Али сўзларига тамоман ишонарди, оғасидан кўра ҳам у эътиборлироқ, чунки Хўжандда, Чориқдарронда, Жандда, Ҳазораспдаги қонли муҳорабаларда қатнашгани, ярадор бўлганлиги — заминнинг яхши фарзанди эканлигидан далолат берарди. Муҳаммад Али ахсикатликларга Хўжанд ҳокими саркарда Темур Малик жангда ҳалок бўлмагани, у тирик эканини маълум қилди. Баъзилар «Темур Малик ҳажга кетган...» деган гапнинг ҳам асоси йўқлиги, саркарда Темур Малик яқин орада катта қўшин билан Хўжандни озод этиб, «мустақил салта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нат тузади» деган гапни ҳам жуда жиддий асослаб. ўзи ҳам бу пайтни кутиб турганини, Фарғона водийсининг мард йигитлари шундай фурсат етгач, қўлларига қилич олиб, тезда менинг атрофимга тўпланишлари керак, деди. Раҳматли отам — бекнинг васияти ҳам шундай бўлган! Синглим учун, Ахсикатда қурбон бўлган йигитлар учун босқинчидан қасос оламиз, деган гаплар ҳам кишилар юрагини туғёнга солган эди. Баъзи йигитлар ҳозироқ мўғул истибдодига қарши ҳужумга ўтишга тайёр эдилар...

Бу ишларни билган саркарда Муҳаммад Алига катта миннатдорчилик изҳор этди. Ахсикатдан чиқиб кетишда у билан қўл беришиб, қучоқлашиб: «Азизим, укам, яқин орада Хўжандда, бу замин эгалари сифатида учрашайлик...» деди. «Савр ойининг биринчи ҳафтаси Унчи ёки Исфисорга тўпланамиз! Ёки Қистакўз қишлоғи билан Лайлак дарёси оралиғида... Буни яна аниқроқ қилиб, сизга сардор Муҳаммад Интизомнинг одамлари етказадилар...» деган аниқ фармон ҳам берди. Шундан сўнг, тунда Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайни яна Муҳаммад Али «қаландар» сифатида эмас, яхши отларда, яхши либосларда то Қорадарё бўйигача кузатиб қўйди. Улар йўлда бир тунаб, эртасига Ўшга кириб боришди. Бу ердаги аҳвол ҳам Ахсикатдан қолишмасди. Темур Малик назарида энг муҳим нарса шу эдики, ерлик халқ мўғул босқинчиларга қарши оёққа туриб, жанг қилишга тайёр. Ўзганда ҳам аҳвол ёмон эмас, лекин йигитлардан Каркидон, Даравутқўрғон — Қизилсув дарёси бўйлаб, Жирғатолга, ундан Қалъайи Ҳумбга ўтиб, Элмурод Кўҳистоний аҳволидан хабар олишни, Темур Малик саломини, саркарда Куркатда ёки Қистакўз билан Лайлак дарёси орасида бўлиши, ҳужум савр ойининг биринчи ҳафтасида эканлигини маълум қилишни топширди.

Саркарда Ўзган билан Ўшда икки кундан бўлиб, сардорлар билан обдан пишиқ гаплашиб олди. «Марҳума бойлиги ишимизда «хамиртуриш» бўлгани, озодлик учун жанг тайёргарлиги харажатларини фуқаронинг ўзи ҳам тўплаб бераётгани, оти борлари отини, қиличи борлар қиличини, дони борлар дону озиқ-овқатини аямаётганликлари, айниқса Ўш билан Ўзганда фидойи кишилар ниҳоятда кўплиги, улар Чингизхонга ҳам, Хоразмшоҳ салтанатига ҳам, ундан олдинроқ ўтган салжуқийлар султони Санжарга ҳам қарши бўлгани сезилди. Ўзгану Ўш доимо мустақилликка интилган.

Эндиги йўл Олой ва Туркистон тизма тоғлари этаклари билан Шўробдан Ворухга, ундан Робот орқали Куркатга. Бу ер саркарданинг «боргоҳи» бўлади. Мабодо хавф туғилса бир кечада Лайлак дарёсини кечиб, Қистакўзга ўтишга тўғри келади.

Темур Малик юриб чарчамасди. Отда юриш — балиқни сувга қўйиб юборгандай гап... Инсон бир ерда ўтирмаслиги керак, у ўтираберса айниб, кўлмак сувга ўхшаб қолади. Инсон доимо дарёдек оқиши керак, у ҳар қандай андуҳдан фориғ, оқар сувдек беғубор бўлади, кўп яшайди, дерди. Инсон юриш ва югуриш, меҳ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нат қилиш учун яратилган. Бу фазилатларни йўқотган инсон тезда илдизи қуриб, сарғайиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум.

Улар Куркатга етиб киши билмас; даранг-дурунгсиз кадхудо ҳовлисига жойлашдилар.

Куркат қишлоғи Ширин тоғ этакларида, Сайҳун ёқасидаги Хўжандга қарашли қишлоқлардан биридир. У мелоддан олдинги VI асрда Эрон ҳукмдори Қир томонидан бунёд этилган, унинг номи билан Қиркент деб юритилган. Кейинчалик у Куркат бўлиб кетган. Шу ерликлар таъбирича, Куркат Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари орасида йўловчилар тушиб ўтадиган жуда обод бир бекат бўлган. Шу сабабли халқ уни «бир кўру кет» деб атаган. Яъни «кўркет» сўзидан келиб чиққан.

Маълумки, «Куркат» сўзи қадимги туркий тилда чиройли, кўркам маъносида ҳам қўлланган. Агар қишлоқ учун шу сўз асос қилиб олинган бўлса, у ҳолда Куркат — чиройли, кўркам қишлоқ маъносидадир[1].

Бир ривоятда қишлоқнинг номи Курушкада, Куркада деб юритилгани маълум.

Қиёматли дўст, саркарда эътимод қўйган оқсоқол, бундан икки кун аввал «Қоравшин томондан, тоғда қолган иниси» сифатида, оқсоқол ҳовлисига Муҳаммад Интизом ҳам келиб, саркардани кутиб ётарди. Тўққиз йилдан сўнг, қишлоқ оқсоқоли ҳовлисида, анча озиб, ранглари кетган Темур Малик билан хипча, қорачадан келган Муҳаммад Интизом қучоқлашиб, омонлашишди, бир-бирларининг елкаларига бош қўйиб, «қандай замонларга қолдик...» дегандай бир-бирларига аввал хомуш, кўнгиллари бўшаб боқишди, кейин чеҳралари очилиб кулимсираштди.

—Хуш келибсиз, саркарда! Илоҳим...— ҳаммалари қўлларини фотиҳага очишди,— бандаси ҳамма нарсага чидайди,— деди Муҳамад Интизом енги билан кўз ёшини артиб. Бу қадрдон дўстини кўриб, хурсандчиликдан келган кўз ёш эди. Кулги ҳам, кўз ёши ҳам мутлақо бегона бу қаҳри қаттиқ одам саркардани кўриб, аъзойи баданй мумдек юмшагандек бўлди. Қишлоқ оқсоқоли Абдусалом билан Иброҳим Дўлдай уларни кузатиб турарди.

— Бола-чақангиз саломатми? Ўзингиз бардаммисиз? Доимо саломат бўлинг!— Темур Малик садоқатли биродаридан кўз узмасди.— Оллонинг хоҳиши билан яна она юртга қайтдик...

Қишлоқ оқсоқоли меҳмонларни хонага олиб кирди. «Аввал таом, баъдаз калом...»дан сўнг, Муҳаммад Интизом Абдулсаломга саркарданинг қишлоқда эканини ҳеч кимсага сездирмасликни тайинлади. У саркарда билан ҳам баъзи масалаларни гаплашиб, зарурат туғилганда Иброҳим қишлоқ гузаридаги атторлик моллари сотаётган Турди пайтавачи деган дўкондорга йўлиқишини маълум қилиб, ўзи устига хуржун ташлаган йўрга эшагида Хўжандга жўнади. Иброҳим Дўлдайга ҳам алоҳида баъзи гапларни айтиб, олиб келган хуржунини ташлаб кетди. Яна бир ой — саврнинг

[1] Н. Неъматов рисоласидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аввалини кутиш, яқин орада Элмурод Қўҳистоний яширинча Куркатга келиб кетишини ҳам маълум қилди.

— Шош, Келовчи, Чориқдаррон, Қамишқўрғонликлар барвақтроқ дарёдан ўтиб, Қистакўз, Навга тўпланишса яхши бўлади,— деди Темур Малик Муҳаммад Интизом билан Иброҳим Дўлдайга,— улар кўпроқ, чоршанба куни отбозор баҳонаси билан, ундан ташқари тўрт-бешта бўлиб юриш мўғулларда шубҳа туғдирмайди. Бу томонга келадиган отлиқлар ўндан ошиб кетмаслиги лозим. Ўз кишиларимизга, савр ойининг биринчи ҳафтаси... деган гапни маълум қилсак бўлаберади.

— Тўғри,— деди Муҳаммад Интизом.— Элмурод Қўҳистоний бирон ҳафталардан кейин ўзи кичик бир отлиқлар тўдаси билан ёнингизга келади. Орадан кўп ўтмай, менга маълум бўлишича, Ғарм, Жирғатол орқали беш юзга яқин отлиқ Сохга чиқади. Робот, Қистакўз орқали Исфисорга етиб, шу ердан ярим тунда Хўжандга ҳужум қилиб, тонготарга қалъани қўлга олмоқчи. Элмурод Қўҳистонийнинг режаси мана шундоқ. Эрта ёки индин унинг ўзидан ҳам эшитарсиз.

— Бу жуда яхши!— деди Темур Малик фахр этиб.— Бадахшонликлар қулликни мутлақо тан олмайдиган мард халқ! Раҳматли Шоҳмурод қандай олижаноб, бутун одам эди... Жойи жаннатда бўлсин! Ҳали биз хонавайрон қилинганлар, бегуноҳ фуқаро ва қатл этилган биродарларимиз қасосини оламиз! Мўғуллар кўп қотилликлар қилди. Буни наинки биз, авлодларимиз ҳам кечирмайди!

Муҳаммад Интизом энгагига узун соқолини ёпиштириб, бошда кулоҳ, йўрға эшак миниб, қишлоқдан чиқиб кетди.

Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай қишлоқ оқсоқолининкида уч кеча ётиб, тўртинчи куни она шаҳри Хўжандни ниҳоятда соғинганидан айғоқчилар сардорига ҳам «панд бериб» бир кўриб келиш ниятида от-арава тайёрлатди. Муҳаммад Интизом қолдирган турли айғоқчилик анжомлари билан соқол-мўйлаблар ёпиштиришди, эски чакмон, оёқларига деҳқонлар киядиган чориқ, бошга афғонча малларанг салла ўраб, «Чоршанба — муродбахш» деб Хўжанд бозорига йўл олишди. Шаҳарнинг Ўратепа дарвозасидан бозорга келишди. От-аравани майдон четига қўйиб, ўзлари кичик мозорни ёқалаб ўтиб, дарёга яқинлашишди. Сарисанг тепалигига чиқиб, тўлиб, жимирлаб оқиб ётган Сайҳунга тикилишди. Темур Малик тўйиб, кўкрагини тўлдириб нафас олди. У тепаликдан туриб, узоқдаги қалъага ҳам тикилди, шу қалъадан сал беріроқда — намозгоҳ маҳалласида ҳовли-жойи бор. Бунда ёлғиз фарзанди Метин Малик туради. У отасининг келганини билмайди, агар Хўжанд ҳокими Сарисанг тепалигида турганини билса, ўти ёрилиб кетармиди. Эҳтимол, у отасини жуда соғингандир... Хизматкори Ғуломга минг ташаккурки, у уч яшар болани мўғуллар қўлига бермай, яширинча олиб қочган. Ойчечакнинг хоинлиги эсига тушса, юраги шиғиллаб кетарди... Қиши баъзан шундоқ сийнаси устида кулча бўлиб ётган илонни ҳам фаҳмламай қоларкан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қалъанинг кунчиқиш томонидаги бозор майдони гавжум — одамлар, аравалар, отлар — бозор ёқасидаги каппону чап томондаги мисгарликларни тинимсиз тарақа-туруғи Сарисанг тепалигига шундоқ эшитилиб турарди. Темур Малик ерга ўтириб, қўлларини тупроққа текказди, худди шу атрофдан олган бир ҳовуч тупроқни Бағдодда, марҳума раққоса Нигина қабрига тўккан. У олижаноб хотиннинг умр бўйи подшоҳларга дилхушлик қилиб, йиққан бойлиги бир омил бўлди. Мана саркардаю сардорлар ўзга юртда қолиб кетмай она тупроқлари томон учишди. Бу ҳам хотин, деди ўзига ўзи. Аммо Туркон хотин бутун мамлакатга инқироз келтирди. Бу ҳам хотин!

Темур Малик яна ўрнидан туриб, дарё оқимига, Чорқишлоқ томонда, ярим фарсахча узоқликдаги дарё ичи истеҳкомга кўз ташлади. Узоқда хирагина кўриниб турган оролчада олти ой туриб, жанг қилишди... Шаҳар ичида, бозор оқсоқоли Аҳмад ибн Мораз ва шунга ўхшаганларнинг хиёнати бўлмаганда шаҳарни асраб қолиш, эҳтимол дарё ичида истеҳком қурмаслик ҳам мумкин бўларди...

Сарисанг тепалигидан улар тўғри бозорга қайтиб келиб, Иброҳим Дўлдай даъвати билан Куркатга жўнашди. Саркарда бахтга етгандай жуда мамнун, тўққиз йиллик ватангадолик жонига тегиб, суяк-суягидан ўтиб кетган эди. У Хўжандни кўриб, ниҳоятда қувониб кетди. Бунда ҳокимлик даврида ҳам бунчалик кўнгли тоғ бўлиб қувонганини билмайди. Оч одамнинг қаттиқ нонга қорни тўйгандек, бунинг ҳам мислсиз ўз гашти бор!

Орадан яна икки кун ўтказиб, Темур Малик ўғлимни кўриб келаман деб, туриб олди. Иброҳим Дўлдай: «Сардор Муҳаммад Интизом бундай эркинликларга рухсат бермаган, ҳурматли саркарда, мен бир нарса деёлмайман», деди. Темур Малик кичик болага ўхшаб бир гапни такрорлайвериб, хархаша қилгандек бўларди. Иброҳим Дўлдай, қишлоқ оқсоқоли Абдусалом, Муҳаммад Ҳайбатулло, дўкондор Турди пайтавачилар ҳам Темур Маликнинг Хўжандга боришини маслаҳат кўришмади.

— Энди сир йўқ, энди биз бекиниб юролмаймиз!— деди Темур Малик Абдусаломга.— Элмурод Қўҳистоний қўшини Бадахшондан йўлга чиққанига бир ҳафта бўлди. Ўзи бугун ёки эртага кириб келади. Худди шу муддатга Ахсикатдан сардор Муҳаммад Али тўрт юз йигити билан келади. Ҳаммалари йўлга чиққан... Мен қачонгача яшириниб ётамен? Тушундингизми, азизларим, мен нега кўршапалакдек қўрқиб ётишим керак?! Бир минг икки юз отлиқ билан мен мўғулларни тилка-пора қилиб ташлаймен! Бир минг икки юз! Бадахшон паҳлавонларини сиз ким деб ўйлаяпсиз?! Мен тоғлик паҳлавонларимнинг ўзи билан ҳам бир эмас, икки Хўжандни озод этишим мумкин! Қўрқманглар, азизларим!

Саркарданинг баъзан мана шундай талтайиб, баландпарвоз гаплар айтишини биладиган Иброҳим Дўлдай миқ этмай турарди. Бундай чоқда унинг раъйини қайтариб ҳам бўлмасди. Абдусалом билан Турди пайтавачи бир-бирларига қараб қўйишди. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаращдан: «Саркарда тўққиз йил сарсон-саргардон бўлиб юриб, лофчироқ, хаёлпарастроқ бўлиб қолмаганмиканлар... Мўғуллар ёмон, улар жуда ҳам маккор, шунча қўшин келар эмишу улар ухлаб ётармикан?..» дегандек бўлишарди. Бу андишани дўстлари кўзидан пайқаган Темур Малик кулди.

— Нимани ўйлаётганингизни фаҳмлаб турибмен,— деди у Турди пайтавачига тикилиб,— энди энг яхши пайтаваларни ўзимизнинг сарбозларга тўқиб берасиз. Худо хоҳласа, шаҳар озод бўлади!

— Саркарда, менинг лақабим «пайтавачи», ўзим ҳозир аттор-лик қиламен. Пичоғимга қараб қўйинг!— у мақтанди.— Шаҳар озод бўлса, йигитларга пайтава топилади. Мен сардор Муҳаммад Интизомга тобе кишимен.

— Узр, азизим,— деди Темур Малик,— менга қаландар либосини кийдиринглар, бориб ўғлимни кўриб келамен!

Шу куни тушки таомдан сўнг, саркарда Иброҳим Дўлдай билан отда яна Хўжанд сари юрдилар. Улар чиқиб кетгач, икки отлиқ билан оқсоқол ҳовлисига Элмурод Кўҳистоний кириб келди. Саркарданинг ўғлини кўрмоқлик учун Хўжандга жўнаганини эшитиб хафа бўлди. Қош қорайгунча кутишди. Абдусалом ҳовлисига ахсикатлик Муҳаммад Али ҳам ўз одамини юборибди, тўрт юз отлиқ билан Лайлак дарёси бўйида турган эмиш. Шу куни Шошдан Қанғли Арслон, Ўшу Ўзгандан ҳам одам келиб, отлиқлар Қистакўз қишлоғи атрофида эканини айтишди. Қамишқўрғон, Келовчи қишлоғидан ҳам элликтадан юз отлиқ аллақачон дарёдан ўтгани Элмурод Кўҳистонийга маълум бўлди. Бағдодга гаплашиб олганларига кўра мана, салкам уч ойдан буён кўришмаган Элмурод Кўҳистоний саркарданинг Куркатга кириб келишини бесабрлик билан кутарди.

Шу куни тушки таомдан сўнг, ўз либослари, соқол-мўйлабларини бошқача қилиб, Хўжандга жўнаган Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай бошқа ёққа алаҳсимай тўппа-тўғри қалъа ёнидаги Намозгоҳ маҳалласига киришди, йўлда бир неча мўғул отлиқларига рўпара келишди. Улар ўзи билан ўзи овора эди. Ҳокимнинг катта дарвозаси олдида тўхтаб, остонада туриб дарвозани тақиллатишди. Кимнингдир ичкарида келаётган шарпасини эшитиб, Иброҳим Дўлдай атайи орқага тисланиб, отларни тор кўчага олиб кирди. Дарвозани очган ўн уч ёшлардаги, бўй-басти баланд, шафтоли тукидек лаблари устида эндигина мўйлаби сабза ураётган йигитча «жанда осган узун соқолли қаландар»га тикилиб турди. «Сизга ким керак?» деган гапни айтмади-ю, ҳайрон бўлиб, тикилиб турарди.

— Ассалому алайкум!— деди дарҳол йигитча хижолат бўлиб. У кекса бир одамга аввал салом бермаганидан ўзини ноқулай сезиб, қизариб кетди.

Бу ҳол «қаландар»га ёқди. Демак, унда инсонгарчилик, ўз номақбул ишидан хижолат бўлиш фазилати бор экан. Темур Маликка бу ёқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен ҳоким ҳазратларининг яқин кишиларидан бўлганмен. Сиз ким бўласиз?

— Мен ўша ҳоким ҳазратларининг ўғли бўламен. Отим Метинбек,— деди йигитча дадиллик билан.

Мўғуллар умумий фармони билан бундан уч йил муқаддам илгари ўзларига қарши курашган, қалъаларни қаттиқ мудофаа қилган мансабдор ёки бемансаб кишиларнинг «гуноҳи» кечирилиб, баъзи мансабларга ерли халқлардан қўйила бошланган эди. Шу сабабли илгари ота номини айтишдан қўрққан Метин Малик кейинги йилларда Темур Малик номини фахр билан тилга оларди. Йигитча «қаландар»га тикилиб, сезилар-сезилмас табассум этди.

— Отангиз ҳалок бўлган эмас!

— Сиз буни қандай исботлайсиз?— деди лоқайдлик билан Метин. Чунки кейинги йилларда Темур Малик номи билан бир неча қишлоқларда мўғулларга қарши исён кўтарилиб, охири қонли фожиа билан тугаган эди. Қанчалаб кишилар қурбон бўлган. Лекин мўғул мансабдорлари чуқур тафтиш этишганда бошқа одамлар Темур Малик номи билан қўзғолонга сардорлик қилган экан. Бу гап Метин Малик қулоғига ҳам етиб келган.

— Отангизнинг Ғулом отлиқ садоқатли хизматкори бор эди. У киши ҳаётми?

— Ҳа.

— Ғулом ҳозир етмиш саккиз ёшга кирган бўлмоғи мумкин.

— Худди шундай.

— У хизматкор қаерда?

— Ҳозир чақирамен. Ичкарида...— йигитча «қаландар»ни дарвоза ёнида қолдириб, ичкаридан соқол-мўйлаби ўсган, мункиллаб қолган Ғуломни бошлаб чиқди. «Қаландар» Метинга сездирмай, узун бармоғи лабига босиб, Ғуломга тикилди. Ғулом «қаландар»ни кўрибоқ, ҳушидан кетиб қолди. У ерга ўтириб, бир нима дейишга оғзини чоғлаган эди, «қаландар» уни гапиришга қўймай, ўзи сўзлай бошлади.

— Сизга нима бўлди? Юрагингиз ёмонми? Ўзингизни қўлга олинг! Мен ўша сизнинг ёшликдаги танишингиз бўламен. Мен ҳоким ҳазратларидан яхшилик кўрган ғариб бир қаландармен, шу остонага бир келиб, у зот ҳақига дуо ўқимоқ мақсадим бўлди. Мана, сизни ҳам саломат кўриб, кўнглим таскин топди. Энди биз кетдик... Яхши кунларда учрашайлик...

Шу лаҳза Иброҳим Дўлдай отларни олиб келди. Ўзининг «қаландар» қиёфасида юрганини Метин Маликка билдиргиси келмади. У ҳаммавақт очиқ ва шаддод бўлган, ҳеч қачон ўзини яширмаган, ҳатто одамлар ичига ҳам чуҳрасиз, қуролсиз киришга одатланган, одамлар меҳр-муҳаббатига ишонган Темур Малик ўғлига ўзини «қаландар» этиб, яшириниб юрганини сездиришдан ор қилди. У Ғуломга ҳам кўзини қисиб, лабига бармоқ босиб, «отанг мана!» деб қўймаслиги учун имо-ишоралар қилди. Чунки эрта-индин жанг бошланиб, ўғли отаси кимлигини билиб олиши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га жуда ҳам ишонарди. Инсон шодлик билан дунёга келиб, бу ёруғ дунёдан кетишида одамлар ачиниб, қайғу чекишлари керак дерди у. Инсон дунёга келиб, ҳеч ким билмай дунёдан кетса, демак, у кавакдаги бир каламуш монанд жонивор экан, дерди ўзига ўзи.

Икки «қаландар» отга миниб, айланма кўчалар билан шаҳарнинг Ўратепа дарвозаси томон юришди. Узоқдан дарвоза атрофида меъёридан ортиқ мўғул отлиқлари турганини кўриб, Деҳнави пастлигидаги Чорчироғ дарвозаси томон юришди. Лекин орқама-орқа келаётган ўн отлиқ кўча чангитиб, шитоб билан югуриб, «икки қаландар»ни ўраб олди. Қуролсиз Темур Малик билан Иброҳим Дўлдай этиклари қўнжидаги ханжарни ишга солмоқчи бўлдилар. Фойдаси йўқ. Отлиқлардан бири Темур Маликнинг сунъий соқолини юлиб олиб ташлади. Бу отлиқ мўғулларга ўхшамасди, шу ерлик кимса экани сезилди. «Икки қаландар»ни отлиқлар отларидан туширмай, жиловни бояги кимса ушлаб, қилич яланғочлаган бир тўда мўғул отлиқлари иҳотасида уларни тўғри қалъа ичига олиб киришди. «Изимизга сотқин тушган экан...» деди қалъага кираверишда Темур Малик. «Бу томонга келмаслик айтилган эди, хато қилдик...» деди Иброҳим Дўлдай.

— Сўзларингизни тушуниб турибмен, — деди Темур Маликнинг сунъий соқолини юлиб ташлаган кимса,— мана энди қўлга тушдингиз! Саккиз ой дарё ичида ётиб, қочиб кетган Темур Малик, тўққиз йилдан кейин қўлга тушди...

— Ўз ватандошингни ушлаб бериш сенга нега керак? Худодан қўрқмайсенми?— деди Иброҳим Дўлдай.

— Менинг оғамни бозорда одамлар ичида ўлдирган...

— Оғанг қўшин сирини сотган,— деди Иброҳим Дўлдай бу одам кимлигини эслаб топиб,— оғанг қўрқоқ, саркарда қўшинидан қочган. Бундай ярамас одамни...

— Жим бўл! Йўқса чопиб ташлаймен!

Уларни қалъа ичида отдан тушириб, тўппа-тўғри Қатағон ўғлон ёнига олиб киришди. Темур Малик катта хонага кириши биланоқ бурнини ушлади. Ҳид... Атрофда қилич яланғочлаган, ўқ-ёй ушлаган мўғул сарбозлари шай турарди. Аллақаердан бир кўзи кўр, семиз Улоқ нўён ҳам келди. Сўқту нўён ҳам чиқиб, унинг ёнига чўкди. Сўқту нўён билан Қатағон ўғлон рўпарада турган Темур Малик билан Иброҳим Дўлдайга ўтирган ерида бир нима деди. Тилмоч Темур Маликка мурожаат этди.

— Ўтиринг, тик турманг, демоқчи мўътабар шаҳар ҳокими Қатағон ўғлон жаноблари.— Ундан кейин Сўқту нўён ҳам бир нима деб ғўдиллади. Тилмоч Иброҳим Дўлдайга қараб:— Сиз, Темур Маликнинг хизматкорисиз. Сизни пастга тушиб, нарида тик туришингизни айтади. Сизнинг, мўътабар ҳоким ва нўён билан қамти туриб, гаплашишга ҳаққингиз йўқ! Анави мўғул навкарлари орқасида туринг. Сизнинг қўл-оёғингизни ҳам боғламаймиз, у вақт ўтди. Ўлдирмаймиз ҳам, у вақт ҳам ўтди. Мўғул ҳокимияти

www.ziyouz.com kutubxonasi

жуда мустаҳкам! Буюк Боту-қаан фармонига мувофиқ афв эълон қилинган...

Иброҳим Дўлдай айвондан пастга тушиб, орқароқда тик турди. Саркардага ёмонлик қилмасинлар дегандек қўл қовуштириб, салпал бошини хам этиб, хафа бўлгандек кузатиб турди.

— Темур Малик!— деди Қатағон ўғлон.— Сенинг Хўжандда пайдо бўлганинг уч кундан буён бизга маълум. Изингга одам қўйиб, мана ушладик. Сенинг баҳодирлигингга улуғ Чингизхоннинг ҳаваси келгани бизга маълум. Сени ўз ўғилларидан ҳам юқори баҳолаганини биламиз. Хўжандга келибсан, яхши иш қилибсан. Сен бизга итоат эт, биз сени яна ўз мартабангга қўямиз. Сени бунда ҳамма танийди. Ҳамма ҳурмат қилади. Энди бошқа йўл йўқ. Кел, сўзларимга рози бўлиб, бизга хизмат қил.

Темур Малик бир лаҳза жим қолди. У тадбир ишлатиб, бу ердан чиқиб кетишни кўзларди. У яна жим турди.

— Нима дейсен?— Сўқту нўён мулойимлик билан мурожаат этди.

— Йўқ, мен бу ишни қилолмаймен! Менинг Хўжандга қаландар қиёфасида кириб келганим сизларни ташвишга солган бўлса, чиқиб кетамен ва бундан кейин келиб сизларга халақит бермаймен. Мен бу келишимда ҳеч кимга зиён етказганим йўқ...

Бу сўз Улоқ нўёнга ёқмади.

— Сен бизга шикаст беролмайсен!!! Ҳеч ким бизга шикаст беролмайди! Иккиламчи, сен Темур Малик эмассан! Шубҳам бор. Ҳозир ўзини Темур Маликман дейдиганлар кўпайиб кетган. Мен унинг Темур Малик эканига ишонмаймен! Темур Малик бунга ўхшаган оч арвоҳ эмас. У — гўштдор одам эди. Мен арвоҳларни эмас, гўштдор одамларни инсон деб санаймен. Мен у билан дарё ичидаги оролчада учрашганмен. Бу кимса — ўзининг баҳосини ошириш мақсадида фирибгарлик қилиб юрган мусулмонлардан бири! Бу ерда мусулмонлар ичида фирибгарлари кўп. Дарёнинг нарги томонидаги қишлоқда пайдо бўлган Темур Малик номи билан юрган фирибгардан учтасини ўз қўлим билан ўлдирдим.

Бу гаплар Қатағон ўғлонга ёқмади, у бетамиз мўғул нўёнидан энсаси қотиб, жаҳли чиққанида қиладиган одати — рўмолга бурнини қоқди.

— Бир кўз билан мени танимаётирсен. Оролда сени қўйиб юборган эдим. Жанд шаҳри ёнида камондан ўқ узиб, кўзингни кўр қилган ҳам мен! Энди менинг Темур Малик эканимга ишондингми!

Ўтирган ерида ўсал бўлиб қолган Улоқ нўённинг бирдан ранги оқариб, даг-даг титрай бошлади. У ёнида турган мўғул сарбози қўлидан ўқ-ёйни олди-да, шоша-пиша унга ўқ қўйиб, Темур Малик кўксини нишонга олди. Ёнида ўтирган Қатағон ўғлон ва Сўқту нўён пўписа қилиб, қўрқитаётир, деб ўйлаган эди, йўқ, Улоқ нўён камонни обдан тортиб, беш-олти қадамча нарида, рўпарасида ўтирган Темур Маликка отди. Ўқ тиғи-паррондек куч билан Темур Малик кўксига санчилиб, тўрт энлича орқадан тешиб чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Номард!— деди ёнига қийшайиб йиқилаётиб Темур Малик, бу фожиа бошидан ҳушини учирган Иброҳим Дўлдай югурганча келиб, Темур Маликни ушлади.

— Нега бундай қилдинг?!— деди Сўқту нўён билан Қатағон ўғлон Улоқ нўёнга дўқ уриб.— Нега керак эди бу иш!

Улоқ нўён дарғазаб, титраганча турарди.

— Эй,— деди Сўқту нўён Иброҳим Дўлдайга,— ҳўжайинингни кўтариб, бу ердан олиб чиқиб кет! Сенга тегмаймиз,— деди гўё «олижаноблик» қилиб. Улоқ нўённинг гапни қисқа қилиб, Темур Маликни ўлдириб қўйгани Қатағон ўғлон билан Сўқтуга унча ёқмади. Шу атрофда қилич яланғочлаб турган мўғуллар ҳам нўённинг «олиб чиқиб кет» дегани сабабли Иброҳим Дўлдай ва жон бераётган Темур Малик ёнидан ўзларини четга олиб, тарқалиша бошлади.

— Азизим, укам, ўқни суғуриб олманг. Унда қон кўп оқади. Мени опичиб, ҳовлимга, остонамга етказинг. Зора, Метин Маликни кўриб қолсам... Агар ўлиб қолсам ҳам ҳовлим остонасига етказинг. Мен остонамни ушлаб ўлай. Ундан сўнг Куркатга югуринг, Кўҳистоний ҳужумни бошласин! Ҳеч кимни аямасин!..

Иброҳим Дўлдай Темур Маликни опичганча қалъадан чиқди. Мўғул сарбозларининг баъзилари ачиниб, баъзилари кулиб, бу манзарани кузатишарди. Қалъадан чиққач, пилдираганча жон аччиғида айланма кўчалар билан ўша қадимий Намозгоҳ маҳалласига кириб, майдон четидаги ҳоким дарвозаси ёнида тўхтади. Опичиб олгани — саркардани остонага қўйди. Жон бераётган Темур Малик остонани қучоқлаб, ётган ерида ўғлини чақирди. Нима бўлаётганини тушунмай, бу ерга келган кекса Ғуломга Иброҳим Дўлдай тезда Метин Маликни чақириб кетишни буюрди. Ғулом уни ичкаридан олиб чиққанига қадар Темур Маликнинг жони узилган эди. У ўз остонасига бош қўйганича, ўлиб ётарди...

Ичкаридан ҳовлиқиб чиққан Метин Малик остонада ўлиб ётган «қаландар»га кўзи тушиб, ҳайрон бўлди.

— Бу зот отангиз саркарда Темур Малик!— деди Иброҳим Дўлдай йигитчага тикилиб.

— Не дедингиз?

— Бу киши отангиз!

— Бу киши отангиз Темур Малик!— деди Ғулом оҳ уриб, йиғлаб.— Ўша куни келиб сизни кўриб кетган эдилар. Мен сизга, у зотнинг отангиз Темур Малик эканликларини айтмаслигимни буюрдилар. Вой, бу қандай замон! Саркардага ким ўқ отди?!

— Улоқ нўён!— деди Иброҳим Дўлдай.— Бир хоин бизни мўғулларга сотиб қўйган. Қўлга тушдик...

Темур Малик жасадини Иброҳим Дўлдай билан Ғулом кўтаришиб, ҳовлига, ундан уйга олиб киришди. Иброҳим Дўлдай саркарда кўксидаги ўқни суғуриб олди. Метин Малик нима воқеа бўлаётганини билмай, саросимада эди. У йиғлашини ҳам, йиғламаслигини ҳам билмасди...

Бу воқеани иттифоқо кўриб қолган, эшитган маҳалла аҳли

www.ziyouz.com kutubxonasi

Намозгоҳга ҳоким ҳовлисига югуришди. Бир-бирларидан нима ҳодиса бўлганини сўрашарди. Иброҳим Дўлдай марҳумни Ғулом билан Метинга топшириб, ўзи қўлида саркарда кўксидан суғуриб олган ўқ, вақтни бой бермаслик учун шаҳарнинг Ўратепа дарвозасидан чиқиб, Куркат қишлоғига югурди. Йўлда бир отлиқнинг қўлига уч тилла танга бериб, тезда қишлоққа етиб келгач, отини ўзига қайтаражагини, ниҳоятда зарур, шошилинч иш борлигини айтди. Отлиқ дарҳол ерга тушиб, Иброҳим Дўлдайнинг оёғидан олиб, отга миндирди. Аравага қўшиладиган деҳқон оти устидаги сардорнинг сиёсатини тушундими, жонивор тулпорлардек дашт йўлига югуриб кетди.

«Кўп жангу жадаллар билан босқинчиларни жойларда тор-мор этиб юрган Жалолиддин-Менкбурн ҳам шаввал ойи ўртаси — 628 йил ҳижрия (1231 йил, август — мелодия) Майафарикин шаҳри яқинидаги Айндар манзилида, душман қўлида ногаҳон қатл этилди. Ерда ётган жасадга боққан Шаҳобиддин Ғозий султоннинг амакиси Ўтурхондан бу дарҳақиқат Жалолиддин жасадими, деб сўраган. У йиғлаб тасдиқлаган. Жасадни тунда тупроққа топширдилар ва мўғуллар султон жасадини таҳқирламасин, деб қабрни текислаб юбордилар...»[1]

Куркатда — қишлоқ оқсоқоли ҳовлисида калаванинг учини тополмай бетоқат ўтирган Элмурод Кўҳистоний отдан гурсиллаб ерга тушган Иброҳим Дўлдайни кўриб ҳайрон бўлди. Унинг саркардадан ажралиб қолдик, деб ранги қув ўчиб, Кўҳистоний рўпарасида қонли ўқ ушлаб тургани бу ердаги барча сардорларни ларзага солди. Улар юзларига фотиҳа тортишгач, Элмурод Кўҳистонийга боқишди. Атроф қўни-қўшниларникида ўтирган отлиқлар ҳам югуриб киришди. Иброҳим Дўлдай дўстлари юзига, айниқса Кўҳистоний ёнида турган Муҳаммад Интизом юзига қаролмасди. «Нега сен саркардани қайтармадинг?» деяётгандек бўлишарди. Дарғазаб кўзлар олдида у безовталанар, бу «гуноҳи» — учун ҳозироқ Кўҳистоний қилич суғуриб чопиб ташлайди, деб кутиб турарди. Қошлари чимирилиб, дарғазаб турган Муҳаммад Интизом Элмуродга қаради:

— Саркарда Иброҳимни зўр билан олиб кетганлар, унинг айби йўқ.

— Жангни бошлаймиз! — деди Элмурод Кўҳистоний атрофидаги ўн беш-йигирма чоғлиқ сардорлар ва уларнинг юборган вакилларига мурожаат этиб, — биз, тоғликлар, дарё бўйи Унчига келиб турибмиз. Ахсикатликлар, Ўзгану ўшликлар сардор Муҳаммад Али раҳнамолигида тўрт юз отлиқ Исфисорга келиб тушганини эшитдик. Қанғли Арслон билан Шош, Келовчи, Қамишқўрғондан келганлар ҳам Исфисорда. Бу томондан борадиган отлиқлар хоҳласа Исфисор, хоҳласалар Унчига бораберсинлар, масофа бир хил. Шу кеча, ой тик келганда шаҳарга ҳужум бошлаймиз!

— Барча отлиқларга сизнинг саркарда бўлишингизни таклиф

[1] «Сират»дан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этурмиз! — деди Муҳаммад Интизом. — Ҳозирги аҳвол буни тақозо этади. Сардор Муҳаммад Алига бизнинг бу қаримизни маълум қилиб, тушунтирмоқ керак. Ҳужум тунда, ой тик келганда дейилди. Бу маъқул! Мен ҳозироқ шаҳарга жўнаймен, йигитларим белида кўк белбоғ, отлиқларга айтиб қўйинглар, кўк қарға шоҳи белбоғликлар чопилмасин! Куркат ва навликларни Иброҳим Дўлдай биздан кейин, кетма-кет Исфисорга олиб боради.

— Қанча одам? — Элмурод Кўҳистоний отга минатуриб Иброҳим Дўлдайга қаради.

— Эллик...

— Етмишга боради, — деди гапга қўшилиб қишлоқ оқсоқоли Абдусалом.

Ҳовлидан кетма-кет отлиқлар шитоб билан чиқиб кетишди. Энди уларнинг пусиб, яшириниб юришларига эҳтиёж қолмаган эди. Мўғул кучлари ҳар қанча тўпланиб, тайёргарлик кўрмасин, барибир бир ярим мингга яқин отлиқнинг бўрондек ҳужумига дош беришликлари амримаҳол!

Ярим тунда, ой тик келганда шаҳар ичида, қалъадан бери, Намозгоҳ маҳалласида турган Муҳаммад Интизом йигитларининг қулоғи динг, Хўжандга яқинлашаётган дукур-дукурларни кутишарди. Сардор Муҳаммад Интизомнинг ўзи Темур Малик жасади ётган хонада эди. У Метин Малик, Ғулом ва шул ерлик кексалар билан гаплашишарди. Мурда тепасида шивирлаб, қўрқа-писа гапираётган масжид имоми билан баланд овозда гаплашишарди. Эҳтиёткор сардор Интизомнинг бу одатига хонадагилар ҳайрон. У саркарда жасади устига парда ёпиб, намози пешинга чиқарамиз, деди. Ўзи ташқарига чиқиб, кўчаларда шай турган йигитларига бизнинг отлиқлар пайдо бўлиши билан қалъа посбонларини пичоқ билан уриб ўлдириб, дарбозаю эшикларни очишни тайинлади. Қалъадан дарёга чиқадиган махфий йўлни ҳам пойлашни буюрди. Қоронғида ўттиз-қирқ мўғул отлиқлари аллақаердан келиб, қалъа атрофида отда тушганлари, сардорини ичкарига шошилинч кириб кетганини фаҳмлаган Муҳаммад Интизом қандайдир бир хонн зимдан ҳаракат қилаётганини, Темур Малик ҳалокати, тоғлиқ қўшинни Унчида турганини сезганга ўхшайди, деди ўзига ўзи. Яна бир неча мўғул отлиқлари шаҳар ичида пайдо бўлди. Кўк белбоғли йигитларнинг юраги така-пука, ой тик келганига қарамай ҳаммаёқ жимжитлик экани юракларига қўрқув соларди. «Э худо, ишқилиб, режаларимиз бузилмасин-да!»

Ой тик келганида Хўжанднинг Хўқанд, Чўянчи дарвозаларида, ундан сўнг Ўратепа дарвозаси, Масжиди савр томонларда олатўполон, қийқириқ, мўғул отлиқларининг бетартиб қочиб келаётгани сезилди. Бадахшон отлиқлари Хўжандни тамоман ўраб олиб, қув-қув, ур-ур бошланиб кетди. Қутилмаганда бошланган ҳужум шаҳар аҳлини аввал қўрқувга солди, кейин «Балх ва Мурғоб томонларда кучли қўшин тузган саркарда Темур Малик Хўжандга етиб келди...» деган хаёлга боришди. Ҳеч ким ҳовлисидан чиқиб, мўғулларга ёрдам бермади. Тонг ёришгунча кўчаларда, майдон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда юзларча мўғуллар ўлиги ётарди. Қалъа дарвозалари очилиб, бунда посбонлик қилаётган барча мўғуллар чопиб ташланди. Шаҳар кўчаларида бадахшонлик отлиқлар қисиқ кўз, япасқи башара сарбозларнинг деярли ҳаммасини чопиб ўлдиришди. Элмурод Қўҳистоний фармони билан бирон ерга ўт қўйишмади, лекин бош кўтарган биронта мўғулни омон қолдиришмади. Босқинчилар Хўжандни олишда мадрасаю кутубхоналарга ўт қўйганлиги, ноёб китобларни ёқиб юборганлари сабабли Темур Малик Элмурод Қўҳистоний билан ҳужум режасини тузишда кутубхоналарга ўт қўймасликни алоҳида уқтирган эди. Олатўполон вақтида, Хўжанд қўлдан кетаётганини сезган Қатағон ўғлон, Сўқту нўён, Улоқ нўён яна бир мусулмон либосидаги — саллалик кимса, қалъанинг яширин ер ости йўли билан дарёга чиқиб, доимо тайёр турадиган кемаларга ўтиришаётганида бу ерда пойлаб турган Муҳаммад Интизом бошчилигида йигирмадан ортиқ ханжари бурролар уларнинг ҳиқилдоғидан бўғиб, дарҳол оёқ-қўлларини маҳкам боғладилар. Тонг ёришиб, шаҳардаги ур-ур, сур-сурлар бир қадар тинчиб, Хўжанд қўлга олингач, қалъа рўпарасидаги Намозгоҳ ва бозор майдонига бир қисм отлиқлар тўпланди. Ахсикатлик, Бадахшону Узганлик отлиқлар Хўжандни тамоман эгаллаб, уни дарвозалардан ташқарида ниҳота қилиб турардилар. Самарқанд ёки Гурганж томондаги Чингизхоннинг катта қўшини мабодо йўлга чиққан бўлса... деган хаёл ҳам сардорлар бошида йўқ эмас эди. Шу сабабли шаҳарни ўраганлар ҳар дақиқа ҳушёр туриши лозим эди. Тонг ёришгач, пастликдан, Сайҳун бўйидан Хўжандни ташлаб қочишга уринган Қатағон, Сўқту ва Улоқ нўёнларни ҳамда сурра чопон кийган, саллали кишини майдонга олиб келишди. Муҳаммад Интизом отда турган Элмурод Қўҳистоний, Муҳаммад Али, сардор Олабуқа, Қанғли Арслон, Аҳмад Дажжол, Иброҳим Дўлдай ва бошқаларга асирларни кўрсатди.

— Бунисн ким? — Элмурод Қўҳистоний сурра чопон кийиб, бошига оқ салла ўраган ўрта яшар одамга ишора қилди.

— Бу хоин Маҳмуд ялавочнинг иниси. Ўзи Бухородан. Хўжандга помига ҳокимлик қилаётган шахс мана шу! Номи Қатағон ўғлон!

— Саркардага ўқ отгани қайси бири?

— Анави, бир кўзлик тўнғиз!

— Оғамни ўлдирган жаллод Дамба қайси бири?!

— У ўлдирилган. Ҳув анави яланғоч барзанги ҳам жаллодлик қилган, — деди сардор Муҳаммад Интизом ушлаб олиб келинган йигирмадан ортиқ мўғул мансабдорлари орасида тери шим кийиб, белига энлик қалин чарм камар боғлаган ҳўкиздек қориндор, яғринлари тепадек, тишлари тўрсайиб чиққан, атрофидаги одамлардан йўғонлиги билан ажралиб турган кимсани кўрсатиб.

Шаҳар ёришган. Қалъа рўпарасидаги, атрофидаги майдон отлиқлар ва Хўжанд фуқароси билан тўлган эди. Босқинчилардан зулм чеккан аҳоли кўчаларга, майдонларга тўлган. Майдон ўртасига суриб келинган нўёнлар титраб, отда турган Элмурод Қў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳистонийдан асло кўз узишмасди. Улар: «Бизни енгиб, шаҳарини қайтадан тортиб олганлар мағлубларни зиндонга қамайдилар, тафтиш этадилар, сўнг жазолайдилар...» хаёл қилиб туришган эди. Отда турган Элмурод Кўҳистоний ёнидаги сардорлар билан нимаҳидир гаплашди-да, кейин Хўжанд фуқаросига мурожаат этди.

— Босқинчилар юртга бениҳоя кўп зулм етказди. Ҳар бир босқинчининг қилган гуноҳи даражасини аниқлаш учун бизда фурсат йўқ. Уларга нисбатан бизда шафқат ҳам йўқ! Оғам, олижаноб сардор, Хўжанд аҳли учун кўп яхшиликлар қилган Шоҳмурод Кўҳистонийни номардларча бўридек бўйнини ғажиб ўлдирган жаллодни ўртага олиб чиқиб, тишларини суғуриб олинглар!

Шу лаҳза хўжандлик бир аравасоз каттакон омбурни кўтариб келиб, Дамбани чалиб, ерга гурсса ётқизди-да, оёғи билан кўксидан босиб, бақиртириб, арава михини суғурадиган бир газлик узунлигидаги омбур билан ҳамма тишларини битта-битта суғуриб ташлади. Дамба ўрнидан турган эди, Муҳаммад Интизом йигитларидан бири ўткир шамширини ҳавода ўйнатиб келиб, бўйнига чунонам зарб билан урдики, калла хом қовоқдек ерга гурсса узилиб тушди. Шу лаҳза Элмурод Кўҳистоний ишораси билан Иброҳим Дўлдай қўлидаги қонли ўқ-ёйни камонга ўрнатиб, даг-даг титраб, шалварларини ҳўл қилган Улоқ нўён ёнига от суриб келди. Ранги оқариб кетган нўёнга қаради:

— Қайтар дунё, нўён! Сен шуни биласанми?! Сен ярамас, номардларча саркардамиз Темур Маликка ўқ уздинг. Сени у бир марта асир олганда ўлдирмай, қайтариб юборган эди. Сен шу мардликни билмай, унга ўқ уздинг. Сенинг йиртқич ҳайвондан фарқинг йўқ! — У камонни куч билан таранг тортиб, Улоқ нўён кўксини мўлжаллаб отди. Ўқ унинг орқасидан тешиб чиқди. Нўён ҳўкиздек ерга ағанади. Шу лаҳза Сўқту нўённи ҳам, сурра чопон кийиб, қалтираб турган Маҳмуд ялавоч иниси Қатағон ўғлонни ҳам, бошқа ҳамма мўғул мансабдорларини қилич билан чопиб ташлашди...

Шу куни бир қурум сардорлар Темур Малик тобутини елкаларида кўтариб, Масжиди саврда жаноза ўқиб, шу яқиндаги Кичик мозорга дафн этишди.

Кечга яқин улар қалъага кириб, илгариги Доруссалтана деб аталган уйда тўпланишди. Машварат мажлиси тузиб, Қанғли Арслон таклифи билан минг отлиқ қўшин сардори, тоғлиқ паҳлавон Элмурод Кўҳистонийни Хўжанд ҳокими деб эълон қилишмоқчи бўлган эди, у Хўжанд ҳокими мартабасига Темур Маликнинг садоқатли дўсти Иброҳим Дўлдайни таклиф этди. Бу ерга йиғилган барча сардорлар Элмурод Кўҳистонийнинг ўзи ҳоким бўлади, деб аниқ ўйлаб турган эдилар. У негадир бу лавозимдан воз кечди.

Сардор Қанғли Арслон билан сардор Муҳаммад Али: «Хўжанд машриқдаги муҳим шаҳар, енгилмас шаҳар, унга ҳоким бўлиш мартабаси жуда баланд, Сизни муносиб кўрган эдик. Сардор Иброҳим Дўлдай ҳали ёшроқ...» дейишди. «Тоғ ҳамма шаҳарлардан баланд, Бадахшон ҳокими бўлиб қолиш ҳамда доимо Хўжандга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёрдам бериш — менинг вазифам, — деди у. — Иброҳим Дўлдай ҳазратлари нисбатан ёш бўлсалар ҳам бунга муносиб, саркарданинг энг қадрдон дўсти, биродари эканини такрор айтди. Яна бунинг устига саркарда менинг оғам Шоҳмурод билан қиёматлик дўст эди. Буюк саркардамиз ишончини оқлаганларнинг биринчиси Иброҳим Дўлдай ҳоким бўлишга жуда муносиб ва лойиқ! Бизни ҳужумга отлантирган, бу режани тузган саркардамиз Темур Маликка эҳтиром юзасидан ҳам биз ҳаммамиз Иброҳим Дўлдайни Хўжандга ҳоким этамиз!» деди Элмурод Қўҳистоний.

Хўжандни озод этган отлиқлар бир ойгача бу ердан кетмасликка, Чингизхон ҳужумидан сақлашга қарор қилишди. Лекин аслида Чингизхон орқага қайтиб, катта қўшин билан Хўжандга келаётган эди...

Кеч кира бошлади. Иброҳим Дўлдай фармони билан ҳалок бўлган ватанпарварлар жасади йиғиб олиниб, қабристонга дафн этилди. Аммо босқинчилар мурдаси бир неча кун ётсин дейилди. Даҳшатли вабо-ўлатларни бошидан кечирган Хўжанд яна бир кун чидайди, деди.

Савр ойи.

Не-не жабру жафоларни бошидан кечираётган замин биринчи баҳор нашъасини сура бошлади. Илгари сезилмаган — Хўжанд заминига хос эртапишар ўригу шафтолилар, ранго-ранг гуллар, сарву мирзатераклар, лиммо-лим оқаётган Сайҳун, мусаффо осмонда қанот қоққан қушлару адирларга ёйилган подалар бу он кишилар диққатини тортиб, уларнинг нашъу намоси сезила бошлади.

Шу куни кечга яқин бир даста чучмома қучоқлаган девона Зебо кўчаларда тентираб, мурдаларга гул тақдим этарди, бу гулларни Рукниддинга олиб кетаётганини уларга эркаланиб айтарди. Унинг дунё билан мутлақо иши йўқ. Аммо шу биргина Зебодан ташқари мингларча хўжандликлар, атроф қишлоқлардан келган қуролли кишилар, Бадахшоннинг баланд чўққилари бағридан тушган отлиқлар, ярадорлар, болалар ва ҳатто бўрибосарлардан тортиб, бўғотларда жунжиб ўтирадиган мусичаларгача босқинчилардан қутулиш завқу шодиёнасини сурардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОТИМА

Инсонга қисқа умр берилган, лекин адиб бари бир шошмаслиги керак. Кўп йиллар мобайнида тарих саҳифаларини варақладим, она тупроқ, она юрт саодати йўлида курашиб, қурбон бўлганлар ҳақида китоб ёзиш ниятим эди. Мозийдаги мислсиз ватанпарвар баҳодирлардан бири Темур Малик[1] жасорати доимо диққатимни жалб этиб келарди. Қадим Ўрта Осиё заминида номдор Темурлар кўп бўлган: Туғо Темур, Жаҳон Темур, Мангу Темур, Буқо Темур, Темур тегин, Амир Темур... Аммо Темур Малик ўз ватанпарварлиги билан уларнинг ҳаммасидан ажралиб туради. Кундалик юмушларимнинг кўплиги, саломатликнинг ҳам «рустами достон» эмаслигига қарамай ушбу романни ёзишга киришдим.

Адабий ҳаётимизда яна ҳам қайноқ ижодий иқлим яратилди, бу эса чинакам сўз усталарига илҳому парвоз бахш этмоқда. Шу боисдан, кейинги йилларда турли мавзуларда кўпгина йирик асарлар дунёга келмоқда.

«XIII аср бошларида мўғуллар босиб олган мамлакатлардаги тараққиётни икки юз эллик йилча орқага кетказдилар»[2], деб ёзган эди Карл Маркс.

---

[1] Темур Малик (1189—1233 мелодий). «ЎзССР тарихи» китобида саркарда номи «Темур Малик» шаклида ёзилади. Акад. В. В. Бартольд «Тимур Мелик», устод Садриддин Айний «Темурмалик» ва яна бошқа рисолаларда «Темир Малик», «Тимур Мелик» шаклида ҳам учрайди. Араб алифбосида« шаклида.

[2] Карл Маркс. «Хронологик ёзув»дан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тараққиёт деярли йўқолди, Россия ерлари, Ўрта Осиё ва Хуросон икки асрдан мўлроқ мўғул истилододи зулми остида эзилди.

1220 йил (мелодий), кеч куз, эскича ҳисобда 617 ҳижрия, жалда-далв ойлари ўртасида бениҳоя катта кучга эга бўлган саҳройи мўғул отлиқлари, 65 ёшли Чингизхон[1] бошчилигидаги лашкар мўри-малахдай Ўрта Осиё устига ёпирилди. Ўн тўрт йил кейин унинг набираси Ботухон бошчилигидаги қўшин шимолга — Рус ерларига бостириб келиб, талон-торож қилганликлари, хунрезликлари оқибатида мавжуд тараққиёт кунпаякун этилди. Бу қўшин ичида мўғуллардан ташқари беҳудуд Сибирь кенгликларидаги найман, татар, турк, уйғур, маркит, қорахитой, кероит, такрит ва бошқа уруғлар ҳам бор эди.

...Мўғуллар Сайҳуннинг жануб оқимида жойлашган шаҳарларни бирин-кетин эгаллаб, мислсиз ваҳшийликлар кўрсатиб, Хўжанд томон юрдилар. Шаҳарни саркарда Темур Малик ўз қўшини билан мардонавор мудофаа қилди. Тарихнавис Аълоиддин Муҳаммад Жувайний таъриф этиб ёзишича, «Темур Малик шундай жасоратли саркарда эдики, агар паҳлавон Рустам тирик бўлганида унинг отига жиловдорликка ярарди, холос»[2].

«...Хўжанд шаҳри ҳокими ва маҳаллий иқтаъдор Темур Маликнинг наслу насаби туркий уруғдан бўлиб, Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳга маълум ва унинг ўғли шаҳзода Жалолиддин билан дўст эди»[3].

«...Яна бири Хўжанддур. Андижондин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур... Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлибдур. Анори яхшилиққа машҳурдир. Нечукким, «себи Самарқанд» дерлар ва «анори Хўжанд» дерлар. Вале бу тарихда Марғинон анори кўп ортиқдур.

Қўрғони баланд ерда воқеъ бўлибтур. Сайҳун суйи шимол жонибидин оқар. Қўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай. Қўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур»[4].

Самарқанд яқинидаги Қатвон даштида, Хўжандда — Сайҳун[5] ёқасида, Ўтрорда[6], Бухоро ва Хоразм тупроғида бўлган қонли муҳорабалар Мовароуннаҳр ва Хуросон тақдирини ҳал этган. Новгородда, Рязанда, ундан кейинроқ Дмитрий Донской бошлиқ

---

[1] Чингизхон (1155—1227) — «Улуғ хон» демак. Аслида классик манбаларда — «Темучин», мўғуллар ўша даврда «Тэмуджин» деган. «Чингиз-қаан» шаклида ҳам учратилади. Отасининг номи — Есугей.

[2] «Татара-монголы в Азии и в Европе», Москва, изд. «Наука», 1977 г.

[3] «История Узбекской ССР», т. 1 стр. 419, 1967 г. Ташкент. Редколлегия тома: В. А. Шишкин, С. П. Толстов, Т. Н. Қары-Ниязи, Я. Т. Гулямов, И. М. Муминов, Р. Н. Набиев, Х. З. Зияев, М. А. Ахунова.

[4] «Бобурнома»дан.

[5] Сайҳун — Сирдарёнинг қадимий номи.

[6] Ўтрор — мўғуллар ер билан яксон этиб, йўқотган Сирдарё бўйидаги катта қалъа-шаҳар; Ўтрор — «ўтроқлик» маъносида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшиннинг Куликово даштидаги жанги босқинчиларни тор-мор этиб, Россия ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта бурилиш ясади. Шу даврда Қатвон даштида яна шиддатли жанг бўлиб, тўқнашувлар давомида Самарқанд кўчаларигача кириб борди. Аввал сарбадорлар, кейинчалик Амир Темур қўшини мўғул истибдодини батамом тор-мор этди.

Она тупроқ қисмати ҳамма нарсадан муқаддас! Қатвон даштида бўлган икки жанг рамзий тарзда ёдга олинди. Икки дарё оралиғидаги бу тупроқ кўп муҳорабаларни бошдан кечирган. Қўлингиздаги ушбу китобда Темур Малик, Шоҳмурод Кўҳистоний, Жалолиддин Мангуберди, Қанғли Арслон, Шерюрак Шоший, Муҳаммад Интизом, Қоракўз бека, Иброҳим Дўлдай, сардор Олабуқа ҳамда бу музофотда халқ ичидан чиққан бошқа бир тўп баҳодирларнинг мўғулларга қарши қаҳрамонона кураши тасвирланади. Широқ, Томруз (Тўмарис), Бобек, Муқанна, Маҳмуд Торобийлар қаторида ибн Маҳмуд ўғли — Хўжанднинг ёш ҳокими Темур Маликнинг шарафли номи абадул-абад ярқираб туради. Унгача бу тупроқда Қаюмарс, Афросиёб, Сиёвуш салтанати ва қаҳрамонликлари ҳақида ривоятлар кенг тарқалган эди. Аммо анча йиллардан кейин дунёга келган Темур Малик, унинг қаҳрамонлигию она тупроққа, она юртга муҳаббати ҳамма паҳлавонлар ҳақидаги ривоятлардан баланд кўтарилди. Баҳодирнинг ўткир қиличи, оташ қалби Чингизу Удэгэй, Жўжию, Чиғатою Боту, Тулуй ва Улоқ, Сўқту нўёнларни қаттиқ таҳликага солди. Олтой кенгликларидан ёпирилиб, Талас тоғлари оралиғидаги Маймоқ, Оқсой, Тулкибош дараларидан ўтиб келган беадад босқинчи қўшинга биринчи бўлиб Ўтрору Хўжанд қақшатқич зарбалар берди.

1200 йили Хоразмшоҳ — Отсизнинг набираларидан Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ — Соний тахтга чиққан эди. Бу даврга келиб Мовароуннаҳру Хуросонининг ҳамма шаҳарларида савдогар ва бошқа кимсалар ниқобида мўғулларнинг айғоқчи-жосуслари изғиб юрарди. Аммо Хоразмшоҳ кунчиқар томон мамлакатларидан унча хабари йўқ; «базми жамшид» авжида, ўзи билан ўзи овора эди... Чингизхон мелодий ҳисоб билан 1218 йили Маҳмуд ялавоч, Ҳожи Алиакбар Бухорий ва Юсуф Ўтрорийларни нома билан Хоразмшоҳга йўллайди. Хатида чину мўғул ерларини батамом қўлга киритгани, Турону Эронни тобе этиши лозимлигини ва бу ишда ҳамкор бўлишлиги кераклигини ёзиб, агар бу гапга унаса уни ўз фарзанди қаторида ҳисоблашини маълум этади. Хоразмшоҳ «ғайридиннинг номаси» дан дарғазаб бўлиб элчиларни ҳайдаб солади. Ўша вақтда мўғул эли чегараларида катта найман уруғи яшарди. Чингизхон даставвал уларни тобе этди. Қабила бошлиғи Кучлукхон бир тўда навкарлари билан Шарқий Туркистонга қочди. Чингизхон шу йил катта ҳужумга тайёргарлик кўриб, Дашти Қипчоқ ерларида яшовчи такрит ва бошқа уруғларни ҳам бўйсундирди. Аммо бу пайтда Хоразмшоҳ ўз сардорларини ўзидан бездириб, бўлар-бўлмасга жазолар, бирларини бирларига мухолиф қилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларни таъқиб остига олар эди. Бир ривоятда уни савқи табиий[1] дардига мубтало бўлган, дейилади. Бундан безор бўлган саркардалар ўртасида парокандалик бошланади, ҳар ким бошини қутқариб қолиш пайига тушади. Чунончи, Хоравмшоҳ ўз саркардаларидан бирини қатл этмоқчи бўлганида у қочиб, Чингизхон ўрдасига боради. Мўғуллар Гурганжга бошқа саркардаларнинг ҳам Чингизхонга сотилганини, «хоин эканини... далилловчи» мактублар ёйлайдилар. Хоразмшоҳ бу хатларни ўқиб, ўз саркардаларидан бадгумон бўлади. Яна кўпларни зиндонга ташлайди. Ўша йиллари Сайҳун бўйидаги Ўтрор шаҳрида Иполхон ҳокимлик қиларди. У олтмиш мингли лашкари билан шаҳарни беш ой қўлида тутиб туради. Лекин амалдорларидан Қорача Ҳожиб ўз навкарлари билан Чингизхон томонига ўтиб, шаҳар дарвозаларини душманга очиб беради. Бу хоинлик Мовароуннаҳрнинг кейинчалик кунпаякун бўлишига илк сабаб бўлган. Чингизхон Қорача Ҳожибни, ўз ҳокимингга вафо қилмадинг, менга вафо қилармидинг, деб ўлдириб юборади. Ўтрорнинг тутуни осмонга чиқиб ёнаётгани, Қорача Ҳожибнинг хоинлиги Сайҳун ёқасидаги Жанд, Барчинликент, Сиғноқ, Бинокат, Хўжанд, Ахсикат аҳли қулоғига ҳам тезда етиб келади.

Бу хабарни эшитган Хўжанд ҳокими Темур Малик камаридаги димишқий шамшири дастасини беихтиёр қаттиқ сиқди, вужудини ғазаб ўти қоплади...

Қонли тарих сабоқлари ва уни қаламга олиш боиси келажак авлодни огоҳ этиш, бундай ваҳшатли қирғинлар, оға-ини жанглари бўлмаслиги ва унинг олдини олиш, тинчликни тарғибу ҳимоя этиш мақсадида бу асар ёзилганини алоҳида қайд этмоғим лозим.

Ўрта Осиё тарихини анча одил ёритиб бергани учун улуғ рус олими, академик Василий Владимирович Бартольдга ҳам (1869—1930) биз, ҳозирги барча тарихнавис қаламкашлар ғойибона ташаккур айтамиз! У Шарқ мутафаккирлари, ал Хоразмий, ал Беруний, Ибн Сино, Исмоил ал-Асир, Сирожиддин Муҳаммад ал-Жузжоний, Шаҳобиддин ан-Насавий, Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний, Ота-Малик Муҳаммад Жувайний ва унинг «Таърийхи жаҳонгушай» (681 ҳижрия, 1283 мелодий), «Таърийхи Наршахий», «Равзат ус-сафо», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Алишер Навоийнинг «Хамса» ва «Ҳайратул аброр»и, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро»си, «Бобурнома» ва бошқа бебаҳо китобларга чуқур ҳурмат кўрсатгани яна бир карра унга нисбатан эҳтиромимизни оширди. Илғор фикрли Европа олимлари Шарқ халқлари тарихини ўрганишда жуда катта ва муҳим илмий ишлар қилганлар. Аммо тарихдаги «европацентризм» отлиқ ирқчи назариётчилар: «Шарқ халқлари европаликлар даражасида ҳеч қачон ўз тарихига эга бўлган эмас, бу йўсинда улар тарихини

[1] Савқи табиий — ҳар нарсадан бад олиш дарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганиб бўлмайди...» деб Шарқ халқларини камситганида, академик В. В. Бартольд: «Халқ ҳамма ерда халқ. Шарқ маданияти билан Ғарб маданиятини ҳам халқ яратган...» деб уларга зарба беради. Академик В. В. Бартольд 1925 ва 1927 йилларда бир неча бор Тошкентда бўлган. Кейин Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига ҳам борган. Қозоғистон ерларида ҳам бўлган. Ўзбек олимлари ва Ўрта Осиё халқларининг бошқа вакиллари билан учрашган. У кўп тиллар қатори ўзбек тилини яхши билган. Академик Б. Д. Греков, академик А. Ю. Якубовскийлар ўзларининг «Золотая Орда и ее падение» китобида мўғул-татар хонларининг рус ерига босқинчилигини ҳаққоний кўрсатганлар.

Ўша давр тарихи ва айниқса, Шаҳобиддин ан-Насавийнинг «Сират...» и ҳақида биринчи бўлиб тараққийпарвар француз олими К. Д'Оссон тўрт жилдли илмий асар ёзиб, бу давр тарихи ҳақида тўғри маълумот берди. Ўзининг тўрт томлик асарида Ўрта Осиё тарихи ҳам «Сират...» китобини жуда юқори баҳолади. К. Д'Оссондан кейин тарихчи Октава Удас ҳам бу тарихий ва маданий ёдгорликларни Европада кенг тарқалишида анча хизмат қилди. Октава Удас «Сират»ни француз тилига таржима этди. У К. Д'Оссон китобларига ҳам юқори баҳо берган. Академик Зиё Бунёдовнинг ёзишича юқорида тилга олинган иккала олим қатори А. Мюллер, В. Аллен, Х. Хорст, В. Розен, А. Ализода, И. Петрушевский, Кл. Қаэнларнинг ҳам хизматлари каттадир. Буни алоҳида қайд этмаслик инсофдан эмас, албатта. Илғор фикрли Европа олимлари Шарқ халқлари маданиятини, тарихини ўрганишда биринчилардан бўлган ҳамда жаҳон фанига катта ҳисса қўшган.

Устод Садриддин Айний Шарқнинг буюк мутафаккирлари Рудакий, Саъдий, Жомий, Навоий, Восифий, Бедил... ҳамда буюк саркардалар Муқанна, Темур Малик ҳақидаги қимматли рисолалар ёзди. Бу ажойиб асарлар улуғ адибдан бизга бебаҳо меросдирки, у халқларимизнинг чинакам мулкига айланди. Устод қалби байналминал туйғу нурлари билан тўла ва ниҳоятда халқлар дўстлигини улуғлаган совет адиби сифатида биринчи бўлиб бундан қирқ йил муқаддам, Улуғ Ватан уруши йилларида (1944 й.) Темур Малик ҳақида бадиий очерк яратди. Яхши манба ҳисобланган «Равзат ус-сафо» ёнига кейинчалик академик Зиё Мусаевич Бунёдов таржимасида «Сират- ас-султон Жалолиддин Менкбурни»нинг қўшилгани, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зияевнинг илмий китоблари бу давр ҳақидаги маълумотлар уфқини яна ҳам кенгайтирди. Ўзбек ва тожик, қолаверса, Ўрта Осиёдаги барча халқлар тарихини яхши билган, маданий ёдгорликларни ўрганишда улкан совет адиби ва доно академигига хос, интернационалистик ғоямизга содиқ бўлган устод Садриддин Айний қалби кенг, олижаноб қалам соҳиби экани ҳаммамизга маълум. У Ўрта Осиёда ўз даврининг алломаси эди. Бир ёш қаламкаш сифатида камина устод билан тўрт бор учрашганман. Тошкентда, Душанбеда (Тожикистон ёзувчиларининг II съездида),

www.ziyouz.com kutubxonasi

кейинчалик у мўътабар зот тобутини елкамда садоқатли шогирд сифатида кўтарганман...

Устод руҳи покига таъзим!

Ҳозирги кунда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев марказий матбуотда шундай ёзди: «Ал-Хоразмийнинг юбилейи фақат Ўрта Осиё халқлари учунгина эмас, балки бутун Совет Иттифоқи халқлари учун ва прогрессив инсоният учун катта воқеадир. Фан тарихида узоқ вақтлар давомида Европани илмий-маданий марказ деб қараш ҳукм суриб келарди, Шарқ олимлари ва мутафаккирлари фаолиятининг моҳияти етарли баҳоланмасди.

Бу нотўғри фикрга бутунлай хотима берилди ва Шарқ тарихининг ўрганилиши илмий тафаккур ва турли соҳалардаги илмий ижрок тараққиётнинг ажойиб намуналари мавжудлигини кўрсатди».

Мўғулларнинг «Яширин маъноли қисса» китобида Жалолиддин билан Темур Маликнинг номи тилга олинади, аммо Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Сонийнинг ўз душманига қарши муносиб жангчи бўлолмагани, қўрқиб қочгани сабабли мўғуллар уни ўз тарихига киритишни лозим топмаганлар. Ўша даврнинг машҳур тарихчиси Рашидиддин ҳам ўзининг «Жомеъ ат-таворих» китобида ватанни ташлаб қочган Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳақида гап айтмаган.

Хўжанд шаҳри Фарғона водийсига кираверишда юқоридан Қурама тоғлари, жанубдан Ҳисор ва Туркистон тизма тоғлари орасидаги табиатан ниҳоятда гўзал воҳага жойлашгандир. Бунинг устига Хўжанд Мовароуннаҳрнинг икки улкан дарёсининг бири — Сайҳун ёқасида бўлиши шаҳарни борган сари юксалтириб, жаҳонга танитди. Эрон шоҳи Доро ҳам, Искандар ҳам, султон Санжар ҳам бу шаҳарга кўз тиккан. Хўжандда қадимдан туркий ва тожик уруғларининг аждодлари яшаб, асосан, деҳқончилик, савдо ва майда ҳунармандчилик, кемасозлик билан шуғулланганлар.

Тарихчи Муҳаммад Наршахий Хўжандда катта бозорлар бўлганини ва бу бозорларга атрофдаги қишлоқлардангина эмас, ҳатто Хуросоннинг Балху Ҳирот, Машҳаду Шибирғон шаҳарларидан ҳам савдогарлар келиб турганини ёзади.

Она юрт муҳаббати, бу эзгу туйғу мутлақо қаримайди, у ҳамма даврларда ҳам янгидек ярқирай беради. Бу ноёб туйғу ҳеч қачон тупроқ қатламларида қолиб кетмайди. Шу сабабли мозийдаги юртга содиқ паҳлавон ватандошимиз жасоратини куйлаш — ҳозирги кунда айниқса муҳимдир. Халқ дилига тушмай, кичик бўлса ҳам унинг бағрида машҳур бўлолмаган адибнинг Австралия қитъасида машҳур бўлишлигининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ! Тарихий ҳужжатларда Темур Маликнинг саркардалик тадбиркорлигию жасорати ҳамда Хўжанд мудофаасида мислсиз жангчи бўлгани ҳақида хабар берилади. Дарҳақиқат, у ҳозирги ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур халқларининг аждодидир. Икки дарё оралиғидаги турли халқ ва уруғлар, Сир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарё ёқасидаги Ўтрор, Жанд, Барчинликент, Сиғноқ, Шош, Хўжанд қалъа-шаҳарлари, ундан нари Самарқанд, Бухоро, Қеш, Марв, Нур[1], Зарнук, Гурганж, Хивақ, Қиёт, ундан нари Балх, Нишопур, Машҳад шаҳрию Шом вилоятларида ҳам Темур Малик, Жалолиддин жасорати ҳақида мароқли ривоятлар юради.

Қардош озарбайжон олими, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, академик Зиё Мусаевич Бунёдов Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Сират ас-султон Жалолиддин Менкбурни» китобини таржима этиб, нашр этди. Бу илмий ишни генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишлади. Унинг ўша давр ҳақидаги илмий тадқиқотлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро»си билан ҳам танишдим. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих Институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зияев ушбу асар қўлёзмасини ўқиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берди.

Мўғул нўёнлари Темур Маликни «Ирвэс» деб атаган. Бу, қоплон демак. Темур Малик ва Жалолиддин мардлигини наинки нўёнлар, наинки Удэгэй, Жўжию, Чиғатою Тулуйлар, уни, Чингизхоннинг шахсан ўзи «кучли рақиб, ҳавасимизни келтирадиган даражада зўр лашкарбоши...» деб тан олган. Бўйсунмас абжир «қоплон» беадад йиртқич мўғул қўшинини энка-тинкасини қуритган, кўп талафот етказган қудратли куч эди.

Искандар, Қутайба, испан зобитлари, салб юришлари, Гурхону Хоразмшоҳ, Амир Темур, Наполеоннинг босқинчилик юришларини тарих қоралаганидек, Чингизхону Удэгей, Чиғатою Тулуй, Ботухонларнинг қонли юришларини ҳам мутлақо қоралайди!

Ватанпарварлик тимсоли сифатида, мен, анча-мунча асарлар бўлишига қарамай, Темур Малик ҳақида ушбу романни ёзишни лозим топдим. Лекин минг афсуски, кейинги йилларда чет элларда даромад ва шуҳрат кетидан кетган кўп «адабий косиблар» ёки ўзимизда пала-партиш иш тутаётган баъзи кимсалар муҳим мавзуларга қўл уриб, энса қотирадиган даражада сохта — юзаки нарсалар ёзиб, сийқасини чиқариб юбормоқдалар.

Кейинги пайтларда «Авесто»ни ҳам, зардуштийликни ҳам Ғарбий Европага боғлаш, «Абу Али ибн Синонинг юнон олимлари Афлотун, Арастудан ташқари устози Ицхак бўлган...» деганга ўхшаган сохта гаплар айтиб, баъзилар буни «илмий кашфиёт» деб кўрсатмоқдалар.

Келажакда кўпгина билаган, энг муҳими, халқимиз тарихи ва маданиятини севадиган, чуқур ўрганган тарихнавис ёш адиблар чиқиб, енг шимариб, яхши ишлар қилишига имоним комил. Ўша яхши укаларимиз иш бошлашини кутиб ўтирмай, камина ҳам

---

[1] Нурота шаҳри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшим кетиб бораётгани шошилтирдими, бу муҳим вазифани зиммамга олдим. Инсоннинг дунёга келиши ҳам, кетиши ҳам ўз ихтиёрида эмас. Шу сабабли бу ишга қўл урарканман, шояд, тупроқ остида, биз тирикларнинг сўзимизга илҳақ ётган ватанпарварлар сиймосини яна ҳам ёрқинроқ тасвирлай олсам, шу тупроқ фарзанди сифатида бурчимни адо этган бўлур эдим.

Тошкент, 1975—1985 йиллар

www.ziyouz.com kutubxonasi